

МАРҒИЛОН АЛЛОМАЛАРИ

**Раҳматуллоҳ Файзуллаев
Нодиржон Абдулаҳатов**

**Абдуссамад охунд
Қоил Марғилоний**

Иккинчи китоб

“NOSHIR”

Тошкент – 2014

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз Мансур

Такризчилар:
Икромиддин Остонақулов
Тарих фанлари доктори

Шовосил Зиёдов
Тарих фанлари номзоди

Файзуллаев, Раҳматуллоҳ

Абдулахатов, Нодиржон

Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний: //Р.Файзуллаев, 2014 й. – 380 б.

Ушбу китоб XIX аср охири ва XX аср иккинчи ярмида Марғилонда яшаб ўтган мутасаввиф шоир ва аллома Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли қўлёзмалар, алломанинг издошлари ва замондошлари хотиралари асосида ўзига хос манокіб-рисола яратишга муяссар бўлган. Тарихий-манокіб жанрида ёзилган янги тадқиқотда XIX аср охири ва XX аср Марғилон маданий муҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини яна бир манба билан бойитганлиги билан диққатга сазовордир.

*Улардан кейин келганлар
(дуо қилиб) айтадилар: «Парвардигоро,
бизларни ва биздан муқаддам имон билан
ўтган биродарларимизни мағфират қил...»
(Ҳашр сураси, 10-оят.)*

*«Ўтган (киши)ларингизни яхшиликларини
(эслаб) гапиринглар...»
(Термизий ривояти.)*

*«Ўтган авлиёуллоҳнинг ҳар биридан бир сўз ёд олинг,
муни имкони бўлмаса табаррук номларини ёд олинг,
бу билан ҳам баҳра олурсиз».
(Шайх Абдуллоҳ Ансорий.)*

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Сўзбоши

Аллоҳ таолога ҳамду сано, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога савобу салом ва барча саҳобаларига Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин!

Маълумки, ўзбек халқи асрлар давомида жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган минглаб буюк алломаларни етказиб берган. Уларнинг истеъдод ва маънавий салоҳиятларининг маҳсули ўлароқ илм-фаннинг турли соҳаларига доир яратилган улкан илмий мерос миллатимизнинг фаҳри ва ифтихоридир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий каби зотлар халқимиз маънавий хазинасининг бебаҳо дурларидир.

Миллатимизнинг асрлар давомида бойиб келган мазкур хазинаси бу каби бебаҳо дурларга тўла экани мустақиллик йилларида олиб борилаётган ижобий ишлар туфайли янада яққол намоён бўлмоқда. Тарихий ҳақиқатлар шуни маълум қиладики, минг йиллар олдин бошланган бу улкан илмий жараён асрлар давомида авлодлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб келган.

Маълумки, Мовароуннаҳрнинг қадимий маданий шаҳарлари қаторида Марғилон шаҳрининг алоҳида ўрни бор. Зеро бу шаҳар ўзининг кўплаб буюк фуқаҳолари билан жаҳонга машҳур бўлган. Юқорида тилга олинган илмий жараён вакилларининг сўнгги бўғин вакиллари қаторида XIX асрнинг охири ва XX аср иккинчи ярмигача Марғилонда яшаб, илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган бир қатор алломалар ва тасаввуф шайхларининг номини келтириш мумкин. Чунки бу даврда Марғилонда кўплаб шариат олимлари ва етук мутасаввифлар

истикомат қилиб, турли мазмун ва шаклда кўплаб нодир асарлар яратганлар.

Қўлингиздаги китобда номи тилга олинган буюк аллома, тасаввуф шайхи Абдуссамад Охунд Қоил Марғилоний ҳам айна давр миллатимиз хазинасининг ўзига хос дурларидан бири экани шубҳасиз. Зеро, алломанинг ибратли ҳаёти, илм-маърифат йўлида олиб борган қизғин фаолияти таҳсинга лойиқ.

Қоил Марғилоний ўз даврида нафақат тариқат шайхи ва шариат олими, балки толмас мураббий ва аллома шоир сифатида ҳам Марғилон ва унга қўшни қишлоқлар ижтимоий-маънавий ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлиб, суҳбат ва чиқишлари, пурмаъно асарлари орқали маҳаллий аҳоли ўртасида маънавиятни шакллантиришга, Ислом динининг олижаноб ғоялари ва ахлоқий тамойилларини янада кенг тарқалишига беқиёс ҳисса қўшган. Шу сабабдан муаллифлар айнан, Абдуссамад Охунд Қоил Марғилонийнинг ҳаёти ва ижодига диққат-эътиборни қаратганлар.

Муҳими шундаки, Қоил Марғилоний баҳонасида Марғилоннинг ўша даврга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти атрофлича ёритиб берилган. Қоил Марғилоний тўғрисида сўз юритиш баробарида муаллифлар Марғилон шаҳрида яшаб ўтган кўплаб етук уламолар фаолияти ва қолдирган мероси ва ўнлаб бадий ижод вакилларининг ижодига доир қизиқарли маълумотларни келтириб ўтганлар.

Қоил Марғилоний ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳолислик билан ишончли далиллар асосида ёритиб берилган. Маълум бўладики, Абдуссамад Охунд Қоил Марғилоний ўз даврида Марғилон ижтимоий-сиёсий, диний-маданий ҳаётида ўзига хос нуфузга эга бўлиб, мазкур ҳудудларда маҳаллий аҳоли орасида маънавиятни ривожлантиришда, хусусан, муқаддас Исломнинг ахлоқий таълимотини маҳаллий аҳоли ўртасидаги таъсирини кучайишида хизматлари катта бўлган.

Алломанинг илмий-ижодий фаолияти атрофлича ўрганилиб, асарларининг таҳлилига алоҳида урғу берилгани ўз овози ва ўрнига эга марғилонлик яна бир сўз санъаткорини кашф қилиши жиҳатидан эътиборлидир. Асарларида олға сурилган ҳалоллик, поклик, тақво,

камтарлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш каби кўплаб умуминсоний қадриятлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Айниқса, алломанинг муқаддас динимиз софлигини сақлаш, маҳаллий аҳоли ўртасида мазҳаб устиворлигини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари диққатга сазовор. Уларнинг дин равнақи, миллат тараққиёти йўлида чеккан ташвишлари, илм-маърифатни тарқатишда чеккан риёзатлари кишига завқ беради. Улардаги аждодлар йўлига содиқлик, ўзаро муносабатларда қўлланган юксак ахлоқий меъёрларнинг ноёблиги ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Толиби илмларга ибратли жиҳатларининг кўплиги унинг бугунги кун учун аҳамиятини белгилайди. Унда мулоҳаза ва муҳокамага ундовчи мавзуларнинг келиши эса унинг халқчиллигини таъминлаган.

Эслатиш ўринлики, китоб билан танишиш орқали талабалик давримизнинг Марғилонда ўтган файзли дамларида ўзининг гўзал хулқи, самимий насихатлари, беғараз ўғитлари билан қалбимиз лавҳасида нақшланган ва тасаввуримизда гўё буюк шайх Ҳасан Басрий сиймосини эслатадиган устоз-мураббий шахсини бугун қайта кашф қилдик.

Бир сўз билан айтганда, “Марғилон алломалари” рукни остида чоп этилган “Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний) китобининг иккинчи қисми ўлароқ нашрга тайёрланган ушбу китоб аввалгисининг узвий давомидир. Бошқача айтганда, гўё бир боғдан иккинчи бокқа, бир булоқдан бошқа бир булоққа кўчкандек бўласиз.

Ушбу китоб ҳам аввалгиси каби халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтирувчи, қалбларимизга руҳий ҳаловат беруви асар бўлиб қолишини Яратгандан тилаб қоламиз.

Шайх Абдулазиз Мансур,
*Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг
ўринбосари, нашр масъул муҳаррири.*

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

МУҚАДДИМА

Аллоҳ таолога ҳамду сано, Расули Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламга салавоту салом, саҳобалари ва аҳли байтларига Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин!

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарлигида халқимиз эришган барча соҳадаги ютуқлар кўзни қувонтиради. Айниқса, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқдир. Фарзандларимиз қалбида миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасини шакллантирувчи бу улуғ хизмат бугун ўз самарасини бера бошлади. Нафақат ёшларимиз, бутун халқимиз ўзининг буюк аجدодларига, улар қолдирган бой илмий-маънавий меросга муносиб тарзда яшашга интилаётгани эришилган ютуқларнинг энг сараси сифатида эътиборлидир.

Жаҳон маънавий ва маданий тараққиётига ўзининг буюк фарзандлари, олиму-алломалари билан бекиёс ҳисса қўшган Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро, Термиз, Насаф, Косон каби қадимий шаҳарлари орасида Марғилон шаҳрининг ҳам алоҳида ўрни борлиги бугун кўпчиллика маълум. Бу кўҳна шаҳар ўзида бир неча ўнлаб буюк алломаларни тарбиялаб, уларни “Марғинонийлар сулоласи” номи билан жаҳонга машҳур этган ва шу туфайли дунёдаги улкан тарихий шаҳарлар қаторидан муносиб жой олган.

Бу ҳақда Республикамиз Президенти И.Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида жумладан, шундай деган эдилар:

“Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аجدодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган

бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шахрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олинishi албатта барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди...

*Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз қудратини намоён этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар аввало, Аллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар бу фикрга қўшиласиз”.*¹

Айниқса, Мовароуннаҳр фикҳ² мактабининг шаклланиши, унинг тадрижий ривожини ва таркибий қисмида марғилонлик фақиҳларнинг ўрни бекиёс. Мазкур фақиҳларнинг жаҳон илм-фани, хусусан, Ислом ҳуқуқшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси барча тарихчилар томонидан эътироф этилган.³

Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ Марғиноний (ваф.1055), Имом Абу Ҳафс Низомуддин Умар Марғиноний (ваф.1203), Имом Абул Маҳосин Заҳириддин Марғиноний (ваф.1233), Имом

¹ Президент Ислом Каримовнинг Марғилон шахрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Туркистон газетаси. 2000 йил, 18 ноябрь.

² Фикҳ сўзи луғатда “тушуниш” маъносини билдириб, бирон нарсани нозик жойларигача тушуниш, англаб етишдир. Усули фикҳ олимларининг истилоҳида фикҳнинг таърифи: “Асл шаръий далиллардан фаръий шаръий ҳукмларни чиқаришдир”. Баъзан, бу таъриф ижтиҳодга ҳам қўлланади.

³ Бу ҳақда қаранг: Тақий ад-дин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Ғаззий ал-Мисрий ал-Ҳанафий. “Ат-Табакот ас-санийя фий тарожим ал-ҳанафийя”. Қоҳира, 1970; Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъоний. “Китоб ал-ансоб”. Қоҳира, 1405/1984; Кураший, Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. “Ал-Жавоҳир ал-музийя фий табакот ал-ҳанафийя”. Қоҳира: Ҳижр. 1993; Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймоз (673-748). “Сияр аълмо ан-нубало”. Байрут: Мавсуъат ар-рисола, 1992; Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. “Кашф аз-зунун”. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981; Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожим фий табакот ал-ҳанафийя. Бағдод, 1962.

Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Марғиноний (ваф.1197) каби зотлар ушбу диёр фақиҳларининг дунё эътироф этган машҳур вакиллариدير.

Тарихий ҳақиқатлар шуни маълум қиладики, “Марғинонийлар сулоласи” номи билан танилган бу силсила тарихнинг барча даврларида дунёнинг турли мусулмон мамлакатларида изчил давом этган ва унинг машъали авлодлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб келган. Бу ҳақда Республикамиз Президенти И.Каримов шундай деган эдилар:

“Биз Марғилон деганда нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фаҳри бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг муборак номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Мусулмон уммати орасида “Ҳидоят йўлининг сарбони” деган юсак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва қадр-қимматини йўқотмай келмоқда .

Марғилоннинг мўътабар заминиде бу улуг зотнинг қўлаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириши йўлида беқиёс хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор.”⁴

Юкорида тилга олинган алломалар давридан бошланган мазкур силсиланинг кейинги бўғин вакиллари сифатида XIX асрнинг охири ва XX аср иккинчи ярмигача Марғилон ва унинг атрофидаги кишлоқларда яшаб, илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган бир қатор алломалар, тасаввуф шайхлари, шоир ва адиблар номини келтириш мумкин.

Улар айна пайтда мамлакатда ҳукм сурган мураккаб сиёсий жараёнлар остида катта жасорат кўрсатиб, илм-фаннинг турли соҳаларига оид қўлаб нодир асарлар яратишга муваффақ бўлганлар. Республикамизнинг манбашунослик хазиналари, хусусан асар муаллифларига алоқадор кишилар қўлида сақланаётган мазкур

⁴ Президент Ислам Каримовнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Туркистон газетаси. 2000 йил, 18 ноябрь.

қўлёзма манбалар ўз тадқиқотини кутиб турган халқимизнинг бебаҳо хазинасидир.⁵

Мазкур аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи “Марғилон алломалари” рукни остида чоп қилинган дастлабки китоб юксак маънавиятли юртдошларимиз томонидан илиқ кутиб олингани уларнинг ўз аждодларига эҳтироми сифатида қувонарлидир. Бугун бошланган мазкур хайрли хизматнинг давоми ўлароқ китобнинг иккинчи қисмига киришдик. Бунинг учун улар орасидан мазкур силсиланинг мустаҳкам ҳалқаларидан бири буюк аллома, етук мутасаввиф Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний номларни танлаб олдик. Зеро у зоти шарифнинг ибратли ҳаёти, бебаҳо асарлари ва умрбоқий насихатлари халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларимизнинг ахлоқий тарбиясини кучайтириш йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу зот номи биринчи китоб билан танишган китобхонларга яхши маълум. Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғиноний издошлари қаторида тилга олинган Қоил Марғилоний ва у зот фаолиятига доир келтирилган шингил лавҳа ва асарларидан намуналар китобхонлар қалбида аллома шахсига сезиларли даражада қизиқиш пайдо қила олган. Зеро, Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний XIX аср охири ва XX асрнинг учинчи чорагигача бўлган давр мобайнида Марғилонда фаолият олиб борган қатор уламолар ўртасида ўзига хос эътиқоди, дунёқараши ва маънавий олами билан ажралиб турувчи фазилатли шахс сифатида эътиборга моликдир.

Маълумки, бу даврда Марғилонда Мирҳайдар домла Толий (ваф. 1911), Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳий (ваф.1918), Хожажон хожа Рожий (ваф. 1918), Мирхалил домла Бухорий (ваф. 1922), Мавлоно Абдулкарим домла (ваф. 1944 й), Абдулмўмин қори Муҳаммадрасул ўғли (ваф.1940 й), Зайнобиддин махдум (ваф. 1935 й), Абдулҳамид махдум Султонғози ўғли (ваф.1950 й), Фозилжон

⁵ 1996 – 2013 йиллар оралиғида олиб борган изланишлар натижасида маҳаллий аҳоли қўлида сақланаётган бу каби қўлёмаларнинг юздан ортиғини топишга ва ўрганишга муваффақ бўлдик.

махдум Сулаймонхўжа ўғли (ваф. 1955 й), Мулла Ёқубжон Абдулхошим ўғли (ваф. 1951 й), Мулла Аббосхон Ҳакимхўжа ўғли (ваф. 1960 й), Миряхё қори Мирбобо ўғли (ваф. 1961 й), Нуриддин махдум Зокиржон ўғли (ваф. 1962 й), Мулла Муҳиддин Муҳаммадризо ўғли (ваф. 1965), Мулла Алижон охунд Муҳаммаджон ўғли (ваф. 1970 й), Соли қори домла Холмирза аълам ўғли (ваф. 1973 й), Мулла Аҳмад Али охунд (1974 й), Соли ҳожи домла Қўчқор ўғли (ваф. 1974 й), Охунжон қори Ёқубжон ўғли (ваф. 1974 йил), Мирза Маҳмуд қори Абдуллажон ўғли (ваф. 1975 й), Турсун бобо махдум Абдулкарим ўғли (ваф. 1975 й), Сотиболди қори Файзуллоҳ ўғли (1977 й), Абдурахим қори Шокир қори ўғли (ваф. 1980 й), Абдулғофур охунд Тошпўлат ўғли (ваф. 1981 й), Нусратуллоҳ охунд Абдуллажон ўғли (ваф. 1982 й), Мулла Акбарали охунд (ваф. 1984 й), Мулла Зиёвуддин охунд (ваф. 1984 й) каби кўплаб уламолар яшаб ўтгани маълум.

Қоил Марғилоний мазкур алломалар билан бир даврда истикомат қилиб, тариқат шайхи, шариат олими, толмас мураббий ва аллома шоир сифатида Марғилон ва унга қўшни қишлоқлар ижтимоий-маънавий ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлганлар. Сухбат ва чиқишлари, ғазал ва мухаммаслари орқали маҳаллий аҳоли ўртасида маънавиятни шакллантиришга, Ислом динининг олижаноб ғоялари ва ахлокий тамойилларини янада кенг тарқалишига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Мумтоз адабиёт тарихидан маълумки, ҳамма шоир ҳам аллома бўлмайди, аммо ҳар бир аллома шоир бўлиши мумкин. Қоил Марғилоний мумтоз адабиётдан атрофлича баҳра олган аллома шоир эдилар, зотан у зотнинг асарлари орифлар, олимлар, зоҳидлар, валий ва сўфийларга хос чуқур мулоҳаза ва теран мушоҳадали фикрлар билан тўлгани шундан. Мазкур асарларнинг умумий мазмун моҳияти ахлоқ-одоб ва маънавий-руҳий тарбия мавзуси бўлиб, кишиларни комил инсон мақомига етишларига хизмат қилувчи бебаҳо ўғитлардир. Шогирдларидан Маҳмуджон домла Мажруҳ Ёзёвоний бу ҳақда шундай дейди:

“У зоти шариф меҳрибон устозим, мураббий, раҳбарим, отамдин зиёда, ҳар борада раҳнамо, вориси анбиё, аҳли фазлга

пешиво, замон халқига муқтадо, суҳбатлари дилкушо, нафаслари жон физо, табъи салиму равшан замир, ҳамида хисолу дилпазир, насихатлари марғуб, дегонлари айни матлуб, илмда бир улуг дарё эрдиларким, ҳамма ташиналар алардин сероб эди. Забони шаккар нисорлари ҳаққа қоил, жолис барчаси суҳбатларига моил эрди.”⁶

Аллома ҳаётларини ўрганар эканмиз, кўз олдимизда у зот шахсияти умрини илм-маърифатга, эзгулик ва хайрихоҳлик орқали комил инсон тарбиясига бағишлаган фидойий зот сифатида намоён бўлади. Бежиз, аллома халқ орасида “Охунд⁷ дада” номи билан машҳур бўлмаган.⁸ Бу у зотни маҳаллий аҳоли ўртасида қозонган юксак обрўларининг белгиси сифатида эътиборлидир. Келинг, биринчи кўришидаёқ кўп қатори алломага меҳри тушиб қолган мухлисларидан бирининг сўзига эътибор берайлик. Охунд дада ҳовлисига яқин Бордончи қишлоғида истиқомат қилувчи Икромжон Исроилжон ўғли шундай дейди:

“Бани башар орасида шундай одамлар бўладики, улар гарчанд шухратдан, одамларнинг зоҳирий (кўпинча риёга айланиб кетадиган) тавозуъ-таъзимидан ҳарчанд ўзларини четга олмасинлар, эл эҳтиромни уларни излаб топаверади. Атрофини кўпчилик ўраб олаверади, қавм назари бамисоли илоҳий назар каби мудом таъқиб этади. Одамлар уларга билиб-билмай, ҳавас ва тақлид қиладилар, суратда ва сийратда уларга ўхшашни, Тангри, улар зурриётларини ҳам уларга ўхшатишини орзулаб яшайдилар. Абдуссамад охунд Қоил шунақа зот эдилар. Билмадик, азбаройи тақво туфайлими, ёхуд замона зайлига қарабми, бу ориф инсон ўзини давралардан тортиб юрардилар...”

Мен устозни илк бор етмишинчи йилларда, хонадонимизда бўлиб ўтган тўй арафасида билганман. Раҳматли Жўра опоқим

⁶ Мажруҳ Ёзёвоний. Қўлёзма, 52-б. Қўлёзма муаллиф ворислари қўлида сақланади.

⁷ “Охунд” диний уламолар пешвоси, мулло, устоз маъноларини англатиб, кўпинча илмли кишилар номига қўшиб ишлатилган. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. 161-б.)

⁸ Қадимдан водий шаҳар-қишлоқларида маҳаллий аҳоли орасида катта ёшли уламоларга эҳтиром юзасидан «махдум», «махдум почча» «охунд», «охунд дада» каби иборалар билан мурожаат қилишгани боис, биз ҳам мазкур анъанага риоя қилдик.

тўй олдидан ўтказилиши кутилаётган анжуманга таклиф қилинажак меҳмонлар номини зикр қилаётиб: “Охунд дададан бошлайсан,” деб қолдилар. Ҳамқишлоқлар “Мулла Жўра” деб атайдиган опоқим ўша куни менга таклиф этиши одобининг бир неча рукнларини ўргатгани ҳануз эсимда. “Бориб дарвозани тақиллатасан, садо бермасалар, овоз қиласан, киши чиққунга қадар сабр қиласан, фурсат ўтказиб, яна овоз берасан, чақираётиб ўғилларининг номини айтиб овоз бер, зинҳор Охунд дадани исмларини айтма, зикрда бўлсалар, малол келиб қолмасин!”.

Ушбу хонайи хуришд ёнидан ўтишида ўзини билган одамлар эҳтиёт билан ўтишларини аввал дўстларимдан эшитганим учун ҳам дарвозалари ёнига ҳаяжон билан келганим эсимда. Дарвозани уч карра тақиллатишим биланоқ унинг қаноти очилиб, салобатли нуроний зот намоён бўлдилар. Устиларида кўк-яшил яктак, қора бахмал нимча, кўзлари тиниқ ва чуқур, забардаст қўлларида бармоқлари йўгон кўринди. Дудуқланиб салом берганим, таклифга кўра, шундоқ саҳнга ўрнатилган сўрига ўтирганим дил лавҳига ўрнашиб қолган.

Фотиҳадан сўнг бир пиёла узатиб юзимга тикилдилар. Мен бордончилик Тожибой оқсоқолнинг ўгли Исроилжон хонадонидан келганим, Мулла Жўра опоқим юборганини шошиб-пишиб такрорладим. Бир зум сукут қилдилар. Бош кўтариб: “Исроилни ўғлиман дегин, – дедилар, – яхши одам эди раҳматли...”. Бир зум сукутдан кейин: “Анжуман қай маҳалга белгиланган?” деб сўрадилар. Айтдим, опоқим тайинлаганидек тез туришига шошилдим. Дуо қилдилар, опоқимга салом айтдилар...

Эртаси куни – 1972 йил 12 декабрида хонадонимиз толиби илм кишилар билан гавжумлашиб кетгани, одамлар суҳбат илинжида кўшни қишлоқлардан ҳам келишгани ҳамон ёдимда. Буларни бари Жўра опоқим “хизмати” бўлганини кейин англадим. Ҳамма ниманидир сўраб, билиб қолишни истарди. Сокин салобатли овозда саволларга сўровчининг ҳолига қараб жавоб айтдилар. Одамлар бамисоли чироқни ўраб олган парвонага ўхшарди...”

Эътибор берилса, келтирилган сўзларда Охунд даданинг бутун сураат ва сийратлари, халқ ўртасида тутган мавқеъ ва мартабалари

мухтасар баён қилинган. Ҳа, айтилганидек, Охунд дада ориф зот эдилар.

*Отадек меҳрибон элга, насиҳат доимо кори,
Муборак табъидан етмас ҳеч кимга озори,
Мухаммаслар ажойиб шеърлар жаннат гулзори,
Харидори анинг ёшу қари гавҳарни бозори,
Ҳама мазмуни оёту ҳадисдур ҳеч бекор ўлмас.⁹*

Аслида, бу зот ҳақида сўз айтиш бизнинг вазифамиз эмасдек туюлади, чунки Охунд дададек ориф зот ҳақида сўз айтишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ўша зот мақомидаги киши, жилла қуриса, у зотни кўрган ва суҳбатларини топган киши бўлиш керак. Ғойибдан туриб кўрмаган кишиси ҳақида сўз айтиш доим ҳам ўзини оқлайвермайди, лекин у зотга бўлган ғойибона муҳаббат бизни бу соҳада сўз айтишга журъат берди. Қолаверса, алломанинг ўзлари мазкур хизматни биз авлодларга эслатиб кетгани ибратли:

*Қадамни ончунон қўйгилким, ўтганлар ризо бўлсун,
Қилиб қоим сени ўрнига кетганлар ризо бўлсун,
Жаҳонда сен учун гусса ютганлар ризо бўлсун,
Дуо айларму деб кўз санга тутганлар ризо бўлсун,
Бўлур роҳат аларга орқасидан тухфа борғони.¹⁰*

Қоил Марғилоний шахсиятида биз бир умр Ҳақ ризосига интилиб яшаган комил инсон сиймосини кўрамиз. У зотнинг хулқи ва сийрати, ахлоқий қарашлари, шахсий ҳаётларида қўллаган гўзал одоб намуналари ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. У зот оддий мўмин сифатида яшаб, комил инсонлар – орифлар, шайхлар ва сўфийларнинг гўзал сийрат ва хулқларини ўзларида жамлашга эришган эдилар. Етук аллома мақомида фаолият олиб бориб, оддий аҳоли қалбига йўл топа олган бетакрор зот эдилар.

⁹ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. “Абдуссамад Охунд вафотига таърих-марсия”. Р.Файзуллаев кутубхонаси, №10 кўлёзма. 25-27 бетлар.

¹⁰ Китобда муаллифи кўрсатилмаган назмий матнлар Абдуссамад Охунд Қоил Марғилоний асарларидан иқтибосдир.

Эслатиш жоизки, Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний шахси ва асарларига муҳаббат ўтган асримизнинг тўқсонинчи йилларида пайдо бўлган эди. Алломанинг фарзандларидан, узоқ йиллар Ўзбекистон Мусулмонлари Идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили вазифасида хизмат қилган муҳтарам устоз мулла Умаржон охунд ўз чиқишларида тез-тез Охунд дада асарларидан мисоллар келтирар ва уларни шарҳлаб беришдан эринмас эдилар. Суҳбат мавзуси, мажлис мақомига мос равишда етказилган мазкур мисралар мажлис файзига файз қўшиб, иштирокчиларга ўзгача завқ берар эди. Оддий тингловчи сифатида иштирок этганимиз ушбу суҳбатлардан биз ҳам ўзимизга яраша баҳра олиб қайтар ва мазкур насиҳатларни халқимизга етказилишини орзу қилар эдик. Бугун орадан йиллар ўтиб ўша орзулар ушалган кунларга етганимиздан мамнунлигимиз зиёда.

Таъкид жоизки, алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти шу кунгача бирор тадқиқотчи томонидан тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган ва кенг жамоатчиликка тақдим қилинмаган. Шерият ихлосмандлари тарафидан амалга оширилган баъзи кичик уринишларни ҳисобга олмаганда асарлари ҳам расман эълон қилинмаган. Ваҳоланки, аллома ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш юртимизда ҳукм сурган Чор мустамлакаси ва ундан кейинги тузум даврида водий шаҳар-қишлоқлари, хусусан Марғилон ижтимоий-маънавий ва диний-маданий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этишидан ташқари, маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан зиёлилар, диний уламоларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини белгиловчи, уларнинг маънавиятни юксалтириш йўлида кечган ғоят машаққатли фаолияти ҳақида тасаввур берувчи омил сифатида диққатга сазовор. Зеро мазкур ҳудудларда маънавиятни юксалтиришда, хусусан тасаввуф таълимоти олға сурган ахлоқий қарашларни маҳаллий маданиятга янада чуқурроқ кириб кириб келишида Қоил Марғилоний ва у зот издошларининг хизматлари катта.

Қоил Марғилоний илмий мероси ва уни ўрганиш тасаввуф адабиёти тарихини ўрганишда, шу жумладан ўша давр Марғилон

адабий муҳитида фаолият олиб борган марғилонлик шоирлар силсиласи ҳақида бирмунча тўлиқ тасаввур берувчи манбадир.

Қолаверса, аллома ҳаётини ўрганиш Марғилонда Жаҳон Отин Увайсий¹¹нинг издошлари ўлароқ фаолият олиб борган мумтоз шоирлар Умидий,¹² Номий,¹³ Ҳазин,¹⁴ Рожий,¹⁵ Толий,¹⁶ Бекий,¹⁷ Фаҳмий¹⁸лар қаторида ўз йўналишига эга буюк сўз санъаткорини кашф қилиш жиҳатидан ҳам эътиборга молик.

¹¹ Шоиранинг асл исми Жаҳон отин бўлиб, у 1779 йилда Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида маърифатли оилада дунёга келган. Отаси Сиддиқ исмли киши бўлиб, икки тилда шеърлар ёзган. Онаси Чиннибиби эса мактабдорлик билан шуғулланган. Хат-саводини ўз оиласида чиқарган Жаҳон отин аввал онасининг мактабида халфалик қилган. Кейинчалик, ўзи ҳам мактабдорлик билан шуғулланиб, «Жаҳон отин» номини олган. «Увайсий», «Вайсий» тахаллуси билан ижод қилган. Баъзи маълумотларга кўра, Увайсий амир Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқонга келиб, саройдаги мушоираларда иштирок этган. 1842 йили Бухоро амири Насрулло томонидан Қўқон босиб олингач, Увайсий Марғилонга қайтиб кетган ва умрининг охиригача ижод билан шуғулланиб, 1845 йилда, тахминан 65 ёшида вафот этган.

¹² Умидий Марғилоний – Муҳаммадумар қори Нейматулла охунд ўғли. (1835-1905) Шоир, тарихчи. Ҳаёти Фарғона ва Марғилонда, Шарқий Туркистон (Қашқар) да кечган, Фуркат, Муқимий ва бошқа шоирлар билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Адабий мероси кичик ҳажмдаги лирик ва ҳажвий шеърлар ҳамда дostonлардан иборат.

¹³ Номий Охунжон қори Марғионий. XIX аср иккинчи ярмида яшаган аллома ва шоир. Умрининг сўнггида Мадинага у ердан Маккага бориб, ўша ерда вафот этган. Бир қанча назмий асарлари етиб келган. Туғилган ва вафот йиллари номаълум.

¹⁴ Ҳазин Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат Марғионий. Бу зот ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

¹⁵ Хожажон хўжа Низомиддин хўжа ўғли Рожий. 1834 йилда Марғилонда туғилган. Қўқон ва Марғилон мадрасаларида таълим олган. 1869 йилда қозилик вазифасига ўтириб, 1904 йилгача мазкур вазифада турган. Шу туфайли «Қози домла» номи билан машҳур бўлган. «Рожий» («Умидвор») тахаллуси билан ижод қилган. 1918 йилда вафот этган.

¹⁶ Толий Мирхайдар домла Марғионий. Ўз даврининг машҳур олим ва мударриси. Нақшбандия тариқатининг шайхи. Ахлоқий-тасаввуфий мазмундаги манзумалар муаллифи. 1833 йилда туғилиб, 1914 йилда 79 ёшда вафот этган.

¹⁷ Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний. 1882 йилда Фарғона вилоятининг Полмон қишлоғида туғилган. Марғилондаги Хонақоҳ мадрасасида таълим олган. «Бекий» тахаллуси билан ижод қилган. Қўлзма девони мавжуд. Насрда ҳам қимматли асарлар яратган. Ўндан ортиқ асарларини топишга эришдик. Бекий 1977 йил, 12 апрел куни 87 ёшда вафот этган. .

¹⁸ Мулла Абдурахмон Фаҳмий. Марғилоннинг Машҳад даҳасида яшаган уламо ва шоир. Каттагина девон ва унга илова қилинган Юсуф ва Зулайхо достони етиб келган. 1899 йилда вафот этган.

Сир эмаски, Марғилон асрлар давомида илм-маърифат ва ижод аҳлига бой бўлиб, ўз истеъдодларини нодир асарлари орқали намоён эта олган кўплаб адибларни етиштириб берган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Марғилон адабий муҳити худди Қўқон адабий муҳити сингари ўзбек адабиёти тарихи ва Ўзбекистон тарихига оид барча асарларда маълум даражада ўрин тутади. Таниқли адабиётшунос олим академик Азиз Қаюмов Қўқон адабий муҳити тўғрисида эътироф этганидек: “Бу ҳол унинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрни ва аҳамияти анча салмоқли бўлганини кўрсатади. Аммо ҳанузгача бу давр адабий ҳаёти чуқур ва ҳар томонлама ўрганилмагани туфайли, унинг тўла ва муфассал баённомаси берилмади, ўша даврда ижод қилган айрим шоирлар ижоди ва айрим бадиий асарлар диққат марказидан четда қолиб келди. Ваҳоланки, бу давр адабиёти тўла ўрганишга сазовордир”.¹⁹

Дарҳақиқат, худди Қўқон адабий муҳити каби Марғилон адабий ҳаётининг анчагина қисми ҳали ҳануз ўрганилмаган. Тўғри, айни давр Марғилон адабий муҳити вакиллариининг айримларининг ижоди ўрганилди ва шу асосда мақолалар, рисоалар ёзилди.²⁰ Лекин Марғилон адабий муҳитининг тадрижий такомиллида ўзига хос ўрни бўлган ўнлаб ижодкорларнинг адабий мероси бир бутунлигича тадқиқ ва тавсиф қилинмаган. Буни айнан Қоил Марғилоний ҳаётлари мисолида кўриш мумкин. Ҳолбуки, Қоил Марғилоний ўз даврида маърифатли ижодкор сифатида ҳам алоҳида мавқеъга эга бўлиб, диний-маърифий, ахлоқий-тарбиявий мавзулардаги қатор асарлари ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга бебаҳо меросдир.

Ёзма манбаларда “Қоил” (арабча “айтувчи”, кўчма маънода “таслим” бўлувчи, “тан олувчи”, “эътироф этувчи”) ёхуд “Қоилий” таҳаллуси билан ижод қилган шоирлар камдан-кам учрайди. “Тазкират уш-шуъаро”да баён қилинишича, бундай таҳаллусдаги шоирлардан бири Эронда яшаб 1548/49 йилда вафот этган.²¹

¹⁹ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар). Тошкент., 1961, 18-б.

²⁰ Адабиётшунос олим Муҳаммадjon Мағфозиевнинг шоир Хожажон Рожий ижоди юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари бунга мисол бўлади.

²¹ Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкират уш-шуъаро. II китоб. – Тошкент. ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи, 2006. 79-б.

Аллома асарларида илгари сурилган ғоялар у зотнинг бадиий тафаккур олами ва дунёқарашини ўрганишда муҳим бўлса, бошқа томондан у зот ижоди ўша давр ижтимоий тафаккури меъёрларини англашда ҳам муҳим манбадир.

Қоил Марғилоний ва у зот издошларининг фаолияти мисолида Марғилонда азалдан миллий-диний кадриятлар, азалий урф-одатларга меҳр, мусулмончилик анъаналарига муҳаббат қай тарзда шаклланигандан ҳам хабардор бўлинади.

Бундан ташқари, Қоил Марғилоний ҳаёти ва фаолиятида устозларга, уламоларга самимий муҳаббат кўрсатишнинг ижобий натижалари ҳақида тўлиқ тасаввурлар ва шу билан бирга ўша давр маҳаллий аҳолисининг ўзига хос хусусиятлари – оддийлик ва холислик, самимийлик ва тўғрилиқ каби кўплаб фазилатлар ҳақида кенг тушунчалар юзага келади.

Аллома ҳаёти ва фаолиятини ёритишда асосан, фарзанд ва авлодлари, шогирд ва мухлислари, у зот билан суҳбатлашган кишилар хотира ва ёзмалари, хусусан, аллома асарларининг қўлёзма нусхаларидан фойдаландик ва имкон қадар кенгроқ маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бунинг учун аллома билан замондош бўлган яна бир неча ўнлаб марғилонлик уламоларнинг мерослари билан танишиш ва уни атрофлича ўрганишга тўғри келди. Қаерда аллома билан ҳамсуҳбат бўлган ва таълим олган кишилар бўлса уларни излаб топиб, суҳбатлашишни тадқиқотнинг муҳим манбаалардан бири деб билдик.

Воқеаларни ёритишда аллома ҳаётларида содир бўлган оддий воқеа ва лавҳалар таҳлилига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Гарчи улар табиий равишда содир бўлган ҳолатлар саналса-да, диний-ахлоқий меъёрларга мувофиқ экани, ҳар бирида ибрат ва ҳикмат борлиги жиҳатидан муҳим кўринди. Бундан кўзланган мақсад ҳиссиётга берилиб, бир шахсни муболаға даражасида мақташ бўлмай, уларни диний-ахлоқий меъёрларга ёндошувини холислик билан ёритиб бериш ва бу орқали маънавий соҳада ибрат бўларли шахслардан бирини кашф қилиш кўзда тутилди. Шундай бўлса-да, келтирилган баъзи воқеалар ўша воқеа қахрамонларининг шахсий эътиқоди, диний урф-одатларга муносабати натижасида юзага

келган бўлиб, уларни ўрганишда мазкур жиҳатларни эътибордан қочирмаслик мақсадга мувофиқдир.

Аллома тасаввуф шайхи, тариқат пири эканларини эътиборидан улар таҳлилида тасаввуф таълимоти ва сўфийлик тариқати талабларига мувофиқ эканига урғу берилди.

Китобда Қоил Марғилонийнинг замондош ва издошлари ҳақидаги баъзи маълумотлар, асарларидан намуналар ҳам турли муносабатлар билан келтирилди. Уларни Қоил Марғилоний издошларидан экани Қоил Марғилоний ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши инобатга олинди. Шу туфайли уларнинг ҳам ҳаёт ва фаолияти, илмий-маънавий мероси имкон қадар ўрганилиб, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни илмий-таҳлилий жиҳатдан ёритиб берилди.

Китобга тартиб беришда аввалгиси каби Шарқ мумтоз адабиётида амал қилиб келинган анъанавий манокіблар тартиб ва услубини танладик. Қадимдан, Шарқ халқлари орасида бу соҳада тазкира, манокіб, мақомот, рисола номида кўплаб асарлар яратилгани маълум. Мазкур услубда ёзилган асарларнинг бош мақсади уларда зикр қилинган зотларнинг ҳаёти ва ахлоқини ибрат қилиб кўрсатиш орқали кишиларни уларга эргашिशга чақиришдан иборатдир. Шу билан бирга уларнинг етакчи мақсади у асарларда зикр қилинаётган валий зотлар риёзат билан эгаллаган маънавий ҳол, мақом орқали инсон нафсини тарбиялашдир.²²

Биздан унча вақт узок бўлмаган яқин тарихимизда яшаб, дину диёнат ҳаётдан очикчасига суриб қўйилган бўлишига қарамай комилликка эриша олгани учун ҳам Қоил Марғилоний ҳаёти биз учун ибрат. Қолаверса, асарларида олға сурилган ҳалоллик, поклик, тақво, камтарлик, бағрикенглик, ота-онага хурмат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш каби кўплаб умуминсоний қадриятлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

²² Остонақулов Икромиддин. Муҳаммад Сиддик Рушдий “Тазкират ул-авлиё” асарининг шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация афтореферати. Т.: – 2011, 5-б.

Асарларида бугунги ёруғ кунларга интилиш, эрк ва хурриятга қаратилган орзу армонларининг тараннуми эса миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасини шаклланишида, фарзандларимиз қалбида она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ илдиз отишига хизмат қилади.

Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда: *“Тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги нафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар”*.²³

Умид қиламизки, мазкур ҳаракат самараси ўлароқ, гарчи алломани кўриб-билган кишилар тобора камайиб боришига қарамай, у зот номи ва ибратли ҳаёти ўрнатқан сифатида келгуси авлодларга етиб боради. Фарзандларимиз яқин тарихимизда яшаб, дину миллат равнақига хизмат қилган, бугунги ёруғ кунлар умидида фаолият олиб борган аждодларидан бирини яқиндан таниб, уларнинг эзгуликка йўғрилган таълимотига амал қила бошлайдилар. Аждодларни эслаш ва уларнинг маънавий комиллик томон етакловчи йўлларига эргашиш маънавий ҳаётимиз файзи экани ҳаммага маълум.

Ҳақ таолодан ушбу ожизона ҳаракатни осон қилмоғи ва уни охирад озуқасига айлантиришини тилаймиз. Китобни ўқувчи азизлардан хато-нуқсонларини афв қилиб, хайри дуода бўлишларини сўраб қоламиз.

²³ И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.Т.: “Маънавият”, 2013. 50-б.

МАРҒИЛОН АЛЛОМАЛАРИ

Китоб аввалида ислом тарихида “Марғиноний алломалар” ва “Марғинонийлар сулоласи” билан танилган алломалар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Марғилон алломалари тўғрисида Ёқут Ҳамавий (1179–1229), Абу Саъд Самъоний (506/1113-1167/562), Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий (ваф. 990/1582), Ҳожи Халифа (1017-1068 х.), Хайриддин Зириклий (1310-1396 х.), Али ал-Қорий (ваф. 1014 х.) ва бошқа ўрта аср тарихчи ва адибларининг асарларида маълумотлар учрайди. Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг “Ал-муҳиту-л-бурҳоний” номли асарида Марғилон ҳақида гапирилиб: “Бу шаҳардан кўплаб фозил одамлар етишиб чиққанлар”, дея келтирилган.²⁴

Бу ўринда энг аввало, Шарқ Уйғониш даври қомусий олимлардан бири, жаҳон маданияти ва илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган, Мовароуннаҳарда ҳанафийлик мазҳабини кенг ёйилишига улкан хизмат қилган буюк аллома, шайх ул-ислом²⁵ Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Марғиноний ар-Рошидоний ал-Марғиноний номларини келтириш лозим бўлади. Зеро, бу зоти шарифнинг улкан илмий жасорати ва беқиёс асарлари туфайли Марғилон улкан шарафларга эга бўлган. Алломанинг юксак илмий салоҳиятини муносиб баҳолаган замондошлари “Бурҳонуддин вал-милла” (“Дин ва миллатнинг ҳужжати”) деган шарафли ном билан атаганлари бежиз эмас.

Аллома ҳижрий 515 ҳижрий (баъзи манбаларда 530 йил) 12 ражаб ойида шанба куни (милодий 1123 йил, 23 сентябр)да

²⁴ Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий. Ал-муҳиту-л-бурҳоний. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрийя // Қўлёзма /№ 471. В.1. (И.И.Бекмирзаев. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. “Таълим нашриёти” Тошкент. 2011. 13-б.)

²⁵ “Шайх ул-ислом” – муайян мамлакатда ислом ташкилотлари бошлиғи – диний унвон. Фахрий унвон сифатида X асрдан у ёки бу фақиҳ ёхуд сўфийга нисбатан ишлатилган. XIII асрдан кейин мунтазам суратда қўлланилган. Бухоро хонлиги, Туркия (XVI асрдан 1924 йилгача) ва бошқа давлатларда шайх ул-ислом – энг олий диний лавозим.

Рошидонда таваллуд топганлар. 593 ҳижрий, (мелодий 1197) ўн тўртинчи зул ҳижжа, сешанба куни вафот этганлар. Самарқанддаги 400 нафар Муҳаммад номли фақиҳлар дафн қилинган Чоқардиза қабристонини яқинига дафн қилинганлар.

Оталари Абу Бакр ибн Абдулжалил ўз даврининг таниқли фақиҳларидан бири эди. Аллома дастлаб ўз оталари қўлида таълим оладилар, кейин Рошидон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги бир қатор мадрасаларда, хусусан Марғилондаги Пур Сиддиқ мадрасасида ўн уч йил истиқомат қилиб таълим оладилар ва “Ҳидоя” асарининг биринчи қисмини айнан шу муборак манзилда турган кезлари ёзганлар. Бундан Марғилон ўша даврда Мовароуннаҳрда илм ва маданият марказларидан бири экани маълум бўлади.

Бурҳониддин Марғиноний Самарқандга бориб, буюк алломалар Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, шунингдек, Абул Лайс Самарқандий ҳузурида таълим оладилар ва ўша ерда ҳижрий 573 йил зул-қаъда ойининг 4-куни (мелодий 1178 йилнинг апрел ойида) Ҳидоя асарини ёзишни тугатганлар.

Кейин Бухорога бориб у ерлик уламолар раиси Хисомиддин Умар ибн Абдулазиз Садри Шаҳид, устозлар Садри Саъийд, Умар ибн Али ал-Бойқандий, Қивомуддин Аҳмад ибн Абдурашид ал-Бухорий ҳузурида ўз билимларини янада чуқурлаштирадилар. Таҳсилнинг биринчи босқичи тугаб 544/1149 йилда муборак ҳаж сафарига борадилар. Алломанинг ҳаж сафарига боришлари бир томондан ибодат мақсадида бўлса, иккинчи асосий мақсад ўз илм ва билимларини ошириш нияти эди.

Ҳаждан қайтиб келаётиб Марғиноний Марв шаҳрида тўхтайдилар ва у ерлик алломалардан ҳам таҳсил оладилар. Улар орасида Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Наср ибн Абдулазиз Зиёуддин ал-Бандинижий ҳам бўлиб аллома у зот ҳузурида ҳадис тинглайдилар. Сўнгра Балхга келиб бу ерда буюк олим Абу Шужоъ Умар ибн Муҳаммад ал-Бистомий ҳузурида у зотга тегишли барча асарлардан дарс оладилар.

Узоқ давом этган риёзат ва изланишлар натижасида Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларига “Бурҳониддин” (“Ислом

динининг ёрқин хужжати”) деган юксак унвон берилади ва ўз даврининг ҳанафий мазҳаби бўйича буюк фақиҳи даражасига кўтариладилар. Таҳсил йиллари тугаб Бурҳониддин Марғиноний етук фақиҳ сифатида Самарқандга қайтиб келадилар ва бу ерда шайх ул-ислом мансабига тайинланадилар.

Бурҳониддин Марғиноний ҳанафийлик фикҳи бўйича ўндан ортик қимматбаҳо асарлар яратдилар. Тадқиқотчиларнинг айтишларича, улардан олтитаси бизга етиб келган. Аммо Шарқ Уйғониш даврида Бурҳониддин Марғинонийнинг энг катта хизмати бу “Ҳидоя” асари бўлиб, у ҳар бир давр учун энг мураккаб бўлган ҳуқуқий масалаларни тартибга солиб берган бир тартибли асар эди. Аллома ушбу асарни 1165-1178 йиллар орасида 13 йил давомида ёзиб тугатганлар.

Ушбу асар ўз ихчамлиги, мукамаллиги, ҳанафий мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий услубда ўрганиб, ҳар томонлама ёритганлиги учун ўзига хос катта назарий ва амалий аҳамият касб этганини уламолар таъкидлашган. Абдулхай Лакнавий²⁶ “Ал-фавоид ал-бахийяҳ фи тарожим ал-ҳанафия” (“Ҳанафий фақиҳларнинг таржимайи ҳоллари ҳақида қимматли маълумотлар”) номли асарида айтишича бу давр мобайнида аллома муттасил рўздор бўлган. Овқат олиб келган ходимни жўнатиб, таомни шогирдларидан бири ёки бошқа бирон кишига едириб, бўш идишни қолдирар эканлар. Ходим таомни устознинг ўзи егандир, деб ўйлаб идишни олиб кетар экан. Бу ҳақда шайх Акмалиддин ҳам тўхталиб: “Аллома Ҳидоя асарини ёзиш муддати ўн уч йил давомида рўздор бўлган. Бу давр ичида бирор марта ҳам оғзини очмаган. Такво ва парҳезларининг баракотидан китоб уламолар ўртасида мақбул бўлган”, деб айтган.²⁷

²⁶ Мухаммад Абдулхай ал-Лакнавий – буюк олим, муҳаддис, фақиҳ, мутакаллим, тарихчи, тадқиқотчи. Аллома 1264-ҳижрий, 26-зулкаъда ойининг сешанба куни (1847/10/23-м) Ҳиндистоннинг Бонда шаҳарчасида дунёга келган. У зот таълиф этган китоблар 110 дан зиёд. Аллома 1304/1887 йилда 39 ёшида Лакнау шаҳрида вафот этган.

²⁷ Юсуф Илён Саркес. 1339/1919.“Мўъжам ал-матбуот”.2-ж, 1740-б.

Ушбу асарнинг тўлиқ номи “Ҳидоя фил-фуруъ ал-фикҳ” бўлиб, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек:

*“Айниқса, бу мумтоз асарнинг Европа тилларига ҳам таржима қилингани, бутун дунёда катта қизиқиши билан ўрганилаётгани, унга турли тилларда кўплаб шарҳ ва изоҳлар битилгани Марғиноний меросининг умумбаширий аҳамиятидан далолат беради”.*²⁸

Маълумотларда Бурҳониддин Марғинонийнинг ўзлари каби фикҳ илмида фаолият олиб борган уч ўғиллари борлиги айтилиб, уларнинг исмлари куйидагича зикр қилинади:

1.Имодуддин ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Марғиноний.

2.Низомиддин Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Марғиноний.

3. Жалолиддин Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Марғиноний.

Бурҳониддин Марғинонийнинг ўғиллари ҳам фикҳ илмини оталаридан ўрганганлар ва бу борада фатво чиқарадиган даражага етганлар.²⁹ Улар ўз ўрнида қимматбаҳо фикҳий асарлар ҳам ёзганлар. Масалан, Имодуддин Муҳаммад ибн Али “Одоб ул-кози” асарини, Низомиддин Умар ибн Али “Жавоҳир ул-фикҳ”, “Ал-фавоид” ва бошқа бир қатор асарлар муаллифидир. “Ҳадийят ул-орифин” да Имодуддин ал-Марғинонийни 620 ҳижрийда шахид бўлгани айтилган.³⁰

Учинчи ўғиллари Жалолиддин Муҳаммад ибн Алини ёзган асарлари ҳақида маълумотлар йўқ. Жалолиддин Муҳаммадни илм ва одобда камол топган, ўз даврида мазҳаб раиси бўлгани айтилган.

²⁸ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 77 б.

²⁹ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахиййах фи тарожим ал-ханафия» Қозон, 1903, 381 мақола, 222-б. Бундан кейин: Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахиййах»...

³⁰ “Ҳадийят ул-орифин”.1-ж, 125-б. <http://www.alwarraq.com>

Лакнавий, унинг фазл ва пешқадамлигини замон аҳли эътироф этган, деб келтирган.³¹

Бурҳониддин Марғинонийнинг биринчи ўғиллари Имодуддин ибн Алининг ўғли, яъни Бурҳониддин Марғинонийнинг набираси Абул Фатҳ Абдурахим ибн Имодуддин ҳам етук фақиҳ бўлиб “Ал-фусул ул имодия” номли асари бўлган. Фикҳ илмини отасидан ва “Ал-фусул ул устуршанийя” асарининг муаллифи, Мажиддин Муҳаммад Устуршанийнинг шогирди Хисомиддин Улёбодийлардан олган. “Ал-фусул ул имодия” асарини 651 йилда ёзиб тугатган.

Абдулхай Лакнавий мазкур зот ҳақида гапириб: “Мен алломанинг “Ал-фусул ул имодия” номли асарини ўқиб чиқдим. У кўплаб нодир аҳкомлар ва турли фойдаларни ўз ичига олган нафис асар экан. Муаллиф асарнинг кўп жойида “Ҳидоя” соҳиби Бурҳониддин Марғинонийни “Бобом” ва у зотнинг ўғли Низомиддинни “Амаким” деб ҳурмат билан зикр қилган”, дея келтирган”.³²

Бурҳониддин Марғинонийнинг иккинчи ўғиллари Низомиддин Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ҳам акалари каби фикҳни оталаридан олган, фатвода машҳур бўлган. “Жавоҳир ул-фикҳ”, “Ал-фавоид” ва бошқа бир қатор асарлари бор.³³ “Ал-ажоиб ал-мақдур фи ахбори Таймур” номли асар муаллифи Ибн Арабшоҳ Бурҳониддин Марғинонийнинг бир неча фақиҳ набиралари ҳам бўлгани ҳақида маълумот беради.³⁴

Алломанинг чабираси Абдул Аввал ибн Бурҳониддин Али ибн Имодуддин ибн Жалолиддин Муҳаммад ибн Зайниддин Абдурахим ибн Имоиддин Али ибн Абу Бакр ҳам фақиҳ, мутқин, муҳаддис, муфассир ва турли илмлар эгаси бўлган. У Сайид Жалолиддин Карлонийдан фикҳ илмини таълим олган ва ундан айнан катта бобосининг асари бўлмиш “Ҳидоя”ни ривоят қилган.

³¹ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”...381 мақола, 224-б.

³² Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”...196 мақола, 113-б.

³³ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”... 291 мақола,182-б

³⁴ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”... 280 мақола,172-б.

Аллома ўз ўрнида Шамсиддин ал-Қаримийга устозлик қилиб, 813 йилда унга ижозат берган.³⁵

Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодлари ҳақида гапирганда Фазлуллоҳ ибн Абдулвоҳид ибн Абу Лайс Ибн Алоуддин ибн Абул Қосим ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абу Лайс Наср ас-Самарқандий ал-Лайсий ал-ҳанафий номини ҳам келтириш ўринли. 786 ҳижрий йилда туғилиб 874 йилда вафот этган мазкур аллома ўз вақтида Самарқанднинг етук фақиҳи бўлиб, онаси Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодларидан бўлган.³⁶

Машхур тарихчи ва сайёҳ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний «Китаб ал-ансоб» («Насаблар ҳақида китоб») да Марғилонни Фарғонанинг энг машхур шаҳарларидан бири эканини айтиб, бу ерда кўплаб машхур алломалар ўтганини зикр қилади.

“1. Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср ибн Сулаймон ибн Муттакон ал-Марғиноний бўлиб олти нафар фатво беришга қодир ўғиллари бўлган. Ундан ўғиллари ҳадис ривоят қилганлар. Абдулхай ал-Лакнавий: “Агар у ўғиллари билан кўчага чикса, одамлар, бир ҳовлидан етти нафар муфтий чиқмоқда, дейишар эди,” дея келтирган.³⁷ Аллома Самарқандга бориб ҳадис фанидан таълим берган. Кейин ўз шаҳри Марғилонга қайтиб келиб 477/1055 йилда 68 ёшида вафот этган.

2. Абу Яъқуб Юсуф ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Маъмун ибн Юнус ибн Нуҳ ал-Марғиноний. Аллома Маккада Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдурахмон аш-Шофъийдан ҳадис тинглаган ва Яман ва Наждда ундан ҳадис айтган. Ундан Абул Фитён Умар ибн Абул Ҳасан ар-Равосий ал-Ҳофиз ҳадис тинглаган.

3. Абул Музаффар Баҳром ибн Ҳамза Ибн ал-Муборак ал-Марғиноний бўлиб, Умар ибн Аҳмад ан-Насафийнинг зикр

³⁵ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахийях”... 183 мақола, 103-б.

³⁶ Суютий: “Назм ал-ақйон фи аъйон ал-аъйон” 1-ж, 45-б. <http://www.alwarraq.com>

³⁷ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахийях”... 118-б.

қилишича, “Аллома ҳожилар имоми макомига эга бўлиб, Сарахсда турган ва 516 йилда ўша ерда вафот этган”.³⁸

Лакнавий юкорида тилга олинган асарида Абдулазиз ибн Абдуразззоқ ал-Марғинонийнинг ўғилларидан бири Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ Захириддин ал-Кабир ал-Марғиноний ҳақида гапириб, шундай дейди: “Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ Захириддин ал-Кабир ал-Марғиноний фикҳни отаси Абдулазиздан, Али Сайид ибн Шужоъ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамзадан ва Абу Муҳаммад Бурҳониддин ал-Кабир Абдулазиз ва бошқалардан олган. У «Хулоса» китоби муаллифининг она томонидан бобоси саналади. Ундан эса ўғли Абул Маҳосин Захириддин ал-Ҳасан ибн Али ва «Хулоса» китоби муаллифининг отаси Қивомуддин Аҳмад ибн Абдуррашид Тоҳир ибн Аҳмадлар дарс олишган. «Жавоҳир ул-музия»да келтирилишича, у Фахруддин Қозихон ва «Фатовойи Захирия» мусаннифларининг устози бўлади.³⁹ Аммо Лакнавий Қозихоннинг устози Захириддин ал-Ҳасан ибн Али ибн Абдулазиз ал-Марғинонийдир, унинг отаси Захириддин ал-Кабир эмас, деб айтган. Аллома 504 хижрийда вафот этган.”⁴⁰

Самъоний марғилонлик алломалардан қуйидагилар ҳақида ҳам хабар бериб ўтган:

“1.Имом Абул Маъолий Қайс ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Амирак ал-Марғиноний. Аллома фозил имомлардан эди. Самарқандда бир муддат истиқомат қилган ва ўша ерда дарс айтган. Муҳаммад ибн Журжонийдан ҳадис тинглаган. Ундан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган. Самарқанд жомеъ масжидида мунозарадан таълим бераётиб, жума куни рўзадор ҳолида вафот этган. Бу 526 йилнинг 19 шаввол ойига тўғри келади. Унинг жасади у ердан ҳовлисига олиб борилган ва эртаси шанба куни Чокардиза қабристонига дафн қилинган.”⁴¹

³⁸ Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъоний. “Ал-ансоб”. Дорул жинон. Байрут –Лубнон. 1408/1988. 5-ж, 260-б. Бундан кейин: “Абу Саъд Самъоний. “Ал-ансоб”.

³⁹ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-баҳийях”... 148-б.

⁴⁰ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-баҳийях”... 148-б.

⁴¹ Абу Саъд Самъоний. “Ал-ансоб”... 5-ж, 260-б.

2. Имом Абул Ҳасан Наср ибн Ҳасан ал-Марғиноний. Имомлар ва уламоларнинг машхурларидан эди. Унинг тақво ва ҳикматга доир латиф ва ёқимли шеърлари кўп бўлиб, дунё бўйлаб тарқалган. У Юсуф ибн ал-Фарбарийнинг издоши Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Уҳайддан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абдураззоқ ибн Масъуд ва бошқалар ривоят қилишган.

3. Абу Юсуф ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Мохус ибн Моҳ ал-Марғиноний. Аллома Маккада Абу Али ал-Ҳасан Абдурахмон аш-Шофеидан дарс тинглаган. Сарахсда яшаган ва у ерда 416/1025 йилда вафот этган». ⁴²

Машхур сайёҳ, адиб ва тарихчи Ёкут Ҳамавийнинг «Мўъжам ул-булдон» («Мамлакатлар қомуси») номли 14 жилдлик асарида ҳам марғилонлик алломалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган:

1. Абу Муҳаммад Умар ибн Аҳмад ибн Абулҳасан ал-Ғандобий ал-Марғиноний, Марғилоннинг Ғандоб қасабасидан бўлиб, у «ал-Фарғоний» номи билан машхур бўлган. У ҳижрий 584 йилда таваллуд топган. Самарқанд фақиҳларидан ва фатво аҳлидан бўлган. Фикҳ илмини қози Маҳмуд ал-Ўзжандийдан олган. Балхда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳусайн ас-Симжоний, Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ал-Байҳақий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Хатибдан таълим олган. ⁴³ Заҳабий алломани етмиш ёшида муҳаррам ойида вафот этганини айтган. ⁴⁴

2. Али ал-Ҳусайн ибн Али ибн Сулаймон ал-Марғиноний.

3. Абдуллоҳ ибн Али ал-Фарғоний ал-Марғиноний. ⁴⁵

Абдулхай ал-Лакнавийнинг «Ал-фавоид ал-баҳийях фи тарожим ал-ҳанафия» номли асарида марғилонлик алломалардан қуйидагилар ҳақида маълумот берган:

«1. Ал-Ҳасан ибн Али Заҳириддин ал-Кабир ибн Абдулазиз ал-Марғиноний. «Заҳириддин Абул-Маҳосин» номи билан машхур бўлиб, Бурхониддин ал-Кабир Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Шамс

⁴² Абу Саъд ас-Самъоний. «Ал-ансоб»... 1-ж. 337, 354-б.

⁴³ Абу Абдуллоҳ Ёкут ибн Абдуллоҳ Ал-Ҳамавий. «Мўъжам ул-булдон». Дор ул-фикр. Байрут – 4-ж, 216-б. Бундан кейин: «Ёкут Ҳамавий: “Мўъжам ул-булдон”.

⁴⁴ Шамсиддин Заҳабий: “Тарих ул-ислом”. 8-ж, 100-б. <http://www.alwarrag.com>

⁴⁵ “Ёкут Ҳамавий: “Мўъжам ул-булдон”. 1-ж, 266-б.

ул-аимма⁴⁶ Муҳаммад ал-Ўзжандийлардан илм ўрганган, улар эса Шамс ул-аимма ас-Сарахсий⁴⁷дан у эса Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоний⁴⁸дан олган. Ундан эса синглисининг ўғли «Ал-Хулоса» китобининг муаллифи Ифтихоруддин Тохир ва «Фатовойи Захирийя» китобининг муаллифи Захириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ва Фахруддин ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзжандийлар фикҳ илмини ўрганганлар. У фақиҳ, муҳаддис олим бўлиб илмни имло⁴⁹ ва тасниф йўли билан тарқатган».⁵⁰

2.Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар Бурҳониддин ал-Марғиноний бўлиб, у ханафий фуқаҳоларининг катталаридан эди. Ибн Камол Бошо уни мужтаҳидлардан санаган. Илмни отасидан олган. «Захират ул-фатово», «Татиммат ул-фатово», «Ал-Муҳит ал-Бурҳоний фи фикҳи ан-Нўъмоний», «Ал-Воқеот» ва бошқалар унинг машҳур асарларидандир. Яшаган йиллари 551-616/ 1175-1220.⁵¹

3.Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Юсуф Баҳоуддин ал-Марғиноний Абул Маъолий ал-Исбижобий. “Ал-жавоҳир ал-музиа”да келтирилишича, у Жамолиддин Убайдуллоҳ ал-Бухорий ал-Маҳбубийнинг устозидир”.⁵²

⁴⁶ Фақиҳлар ўртасида «Шамс ул-аимма» («Имомлар қуёши») атамаси мутлақ келганда Шамс ул-аимма ас-Сарахсий ирода қилинган бўлади. Бошқа зотлар эса нисбатлари ила қайд қилинади.

⁴⁷ Шамс ул-аимма Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Саҳл Сарахсий. Мутакаллим ва фақиҳ. Энг муҳим асари Ал-Мабсут бўлиб, уни зиндонда турганида айтиб туриб ёздирган. Унинг вафот санаси турлича кўрсатилган бўлиб, энг ишончлиси 483/1090 йил, буни Брокельман (Brockelmann), Хефенин (Heffening) ва Сизгин (Sezginлар) каби шарқшунослар ҳам қабул қилгани айтилган. (The Encyclopaedia of islam. Edited by P. J. Bearman, Th. Bianquis, C. E. Bosworth, E. Van Donzel and W. P. Heinrichs. V. IX. – Leiden: Brill, 2002. – P. 36.)

⁴⁸ Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Набр ибн Солиҳ Шамс ул-аимма Ҳалвоний Бухорий. 448/1057 йилда Кеш шаҳрида вафот этган. Бухорога дафн қилинган.

⁴⁹ Имло сўзи араб тилида «ёздирмоқ» маъносида бўлиб, унга кўра устоз оғзаки айтиб турган дарсни шогирдлар ёзиб боришган. Бу услубни ханафийлар кўпроқ «Имло», шофийлар эса аксар вақтда «Таълиқ» деб атайдилар. (Муҳаммад Амин Ибн Обидийн. Шарҳ Манзума Уқуди расм ал-муфтий // «Расоили Ибн Обидин» тўплами таркибида. 2-рисола. Истанбул: Саодат, 1320. 17-б.)

⁵⁰ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”... 75-76-б.

⁵¹ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”... 205-б; «Ал-аълум» 8-ж. 36-б; Умар Ризо Каҳҳола. “Муъжам ул-муаллифин”. Байрут. Дору ихёу турсил арабий. 12-ж. 147-б.

⁵² Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-бахиййах”... 324 мақола, 192-б.

Аллома Заҳабий ҳам “Тарих ул-ислом” асарида юкорида тилга олинган алломаларни санаб, яна бир марғилонлик аллома ҳақида хабар беради:

“1. Муъалло ибн Абдулазиз Абу Муҳаммад ал-Марғиноний ал-ҳанафий. Умри охирида ҳаж зиёратига борган ва қайтаётиб, Бағдодда туриб қолган ва у ерда дарс айтган. Фатво ва мунозара билан шуғулланган. Отаси ва Муҳаммад ибн Саҳл ас-Сарахсий, Абул Маъолий Муҳаммад Ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Хусайний ал-Ҳофизлардан имло қилган. Ундан эса Хусайн ибн Хисрав ва Али ибн Абу Саъд ал-Хаббозлар ҳадис ривоят қилишган. Аллома 72 ёшида рамазон ойида вафот этган”.⁵³

Айтиш ўринлики, ўз даврида дунёнинг турли мамлакатларидан толиби илмлар марғилонлик алломалар ҳузурига ҳам дарс тинглаш учун келганлар. Масалан, Заҳабий Бурҳониддин Абул Муваффақ ал-ҳанафий Масъуд ибн Шужоъ ҳақида гапирар экан, уни Мовароуннаҳрга келгани ва бу ерда Бухоро шайхлари ҳузурига таълим олганини таъкидлаган ва хусусан, Имом Заҳириддин ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийдан ҳадис тинглаганини айтган. Заҳабий алломани шарафли ахлоқ эгаси, гўзал фазилатлар соҳиби дея таърифлайди. Аллома 510 йилда Дамашқда туғилган. У ерда мадрасайи Нурия ва мадрасайи Хотунияда дарс айтган. Заҳабий унга дин ва дунё обрўси жам бўлган эди, дея зикр қилган. Аллома узок умр кўрган ва 90 ёшида 16 жумадул охир ойида вафот этган.⁵⁴

Марғилонлик алломалар ҳузурига нафақат дунёнинг турли мамлакатларидан толиби илмлар келишган балки, бу ерлик алломалар турли мусулмон мамлакатларига ҳам бориб дарс айтишган. Заҳабий “Тарих ул-ислом” да Ризоуддин Абул Фазоил ал-Қураший ал-Ҳиндий ал-Лоҳурий ҳақида гапириб, уни Бағдод, Макка, Яман ва Ҳиндистонда бўлиб ўша ерлик алломалардан дарс

⁵³ Шамсиддин Заҳабий: “Тарих ул-ислом”. 9-ж, 294-б. <http://www.alwarraq.com>

⁵⁴ Шамсиддин Заҳабий: “Тарих ул-ислом”. 9-ж, 294-б. <http://www.alwarraq.com>

тинглаган дейди ва Ҳиндистонда Низом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Марғинонийдан таълим олганини айтган.”⁵⁵

Бундан кўринадики, марғилонлик Низом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Марғиноний Ҳиндистонга бориб дарс айтган. Мазкур маълумотлар Абу Али аз-Занжонийнинг “Ал-вофий бил вафиййот” номли китобида ҳам тилга олиб ўтилган.⁵⁶

⁵⁵ Шамсиддин Заҳабий: “Тарих ул-ислом”. 10-ж, 394-б. <http://www.alwarraq.com>

⁵⁶ Наъимий. “Ад-дорису фи тарих ал-мадорис”. 1-ж, 1703-б. <http://www.alwarraq.com>

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ЯШАГАН ДАВР

Абдуссамад Охунд Қоил Марғилоний яшаган даврни иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Алломанинг ёшлик ва йигитлик даврлари юртимиз тупроғи Чор Россияси мустамлакачилари томонидан истило этилиб, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи пароканда бўлган, маънавий соҳалар издан чиққан даврга тўғри келган бўлса, асосий ижод ва фаолият йиллари ўтмиш мустабид тузумнинг ноодил замонида кечган. Бу икки, аммо ғоявий жиҳатдан муштарак бўлган жамиятнинг маънавий беқарорлиги бутун мамлакат аҳолиси, хусусан, ўша давр зиёлилари фаолиятига ҳам таъсир ўтказган.

Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, бу давр тарихимизнинг “қора кунлари” сифатида тарихда қолган. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу ҳақда шундай деган эдилар:

*“Узоққа бормасдан, халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимизга келтирайлик. Қарийиб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз”.*⁵⁷

Маълумки, Русия Қўқон хонлигини тугатгандан сўнг (1876 йил 16 феврал) унинг худудида Фарғона вилояти тузилиб, у бир неча уезд⁵⁸ ларга, уездлар волост⁵⁹ ларга бўлиниб идора қилинган. Марғилон уезди вилоятда алоҳида ўринга эга бўлиб, 1876-1926 йилларда Фарғона вилоятининг уезд шаҳри, сўнгра Фарғона округи

⁵⁷ И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.Т.: “Маънавият”, 2013. 25-б.

⁵⁸ Уезд – Россияда ва 1929 йилгача собиқ СССРда губерна таркибидаги маъмурий-худудий бирлик.

⁵⁹ Волость – уезд таркибига кирган қуйи маъмурий худудий бўлинма. Туркистон аҳолиси бўлис, вўлис деб юритган.Туркистон генерал-губернаторлиги 5 та вилоят, 27 уезд ва 603 та волостга бўлинган эди. Волостлар 1926 йилги иқтисодий-маъмурий районлаштиришга қадар сақланиб турган.

миқёсидаги шаҳарга айлантирилган.⁶⁰ Чор Россиясининг ўлкамизга бостириб келиши табиийки, аҳоли ўртасида ижтимоий соҳаларда турли парокандаликларни келтириб чиқарган.⁶¹

Чоризм мустамлакасидан кейин собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга олган даврдан бошлаб эса дин уламолари, эшону сайид ва хўжаларга нисбатан аёвсиз кураш бошлагани мазкур даврнинг энг оғрикли нуқтасидир. Бу ҳолат кейинчалик қатағонлик даврида дин вакиллари оммавий тарзда қатағон қилинишига олиб келган.⁶²

Айни даврда ҳукм сурган аянчли вазият ҳақида тасаввур ҳосил қилишимиз учун Салмонов Аҳмад Муқаддасовичнинг “Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950 йиллар) диссертациясида тилга олинган маълумотларни келтириб ўтсак. Улар билан танишар эканмиз, бугунги ёруқ кунларга бўлган шукроналик ҳиссимиз зиёда бўлиши шубҳасиз.

“Тарихдан маълумки, мустабид тузумнинг 20-30 йилларида олиб борган фаолияти жамият аъзоларининг катта қисмига қарши қатағонлик муҳитини вужудга келтирган. Бундай таъкиб ва таъйиқдан диний уламолар кўпроқ жабр кўрган. Уламоларга “босмачиларга кўмаклашгани, босмачиларни яширгани, босмачиликда иштирок этгани, улар билан шериклик қилгани, жосуслиги, аксилинқилобий ташкилотларга аъзо бўлгани, аксилинқилобий тарғибот юритгани, босмачиларга ғоявий раҳнамолик қилгани” каби айблар қўйилиб, жазога тортиш оммавий тус олган. Мулла, шайх, қози, имом, аълам ва мутаваллилар бой, қулоқ бўлгани ёки уларнинг йирик заминдорларга хайрихоҳлиги ҳам қатағон қилинишига сабаб бўлган.

1930 йил 22 февралда юқорида тилга олинган айблар билан 11 киши отувга ҳукм қилинган. Уларнинг орасида ўз даврининг

⁶⁰ О разделении Ферганской области на уезды.//ЎЗМДА.И-19 фонд, 1 рўйхат, 10 йиғма жилд.

⁶¹ Муҳаммад Азиз Марғилоний. «Тарихи Азизий»...66-б.

⁶² Арапов Д.Ю., Косач Г.Г. Ислам и мусулмане по материалам восточного отдела ОГПУ. 1926 год. Нижний Новгород, 2007. С.3.

билимдон уламолари: Шаҳобидин Омонов, Мамадали эшон Исоқов, мулла Фозил Оқилов, Холматхожи Мирзаалиев кабилар бўлган.⁶³ Ўша йилнинг апрел ойида аксилинқилобий ташкилот гуруҳларида иштирок этгани ва аксилинқилобий тарғиботчиликда айбланиб 110 нафар диний уламолар қамокқа олинган.

Диний уламолар ва диндорларга қарши кураш, уларнинг солиқларни ўз вақтида тўламагани айби билан ҳам олиб борилган. 1939 йил Фарғона вилоятининг 18-бўлимига қарашли Халқ судида 68 нафар диний уламолар иши кўрилиб, уларга 79 456 сўмлик солиқни тўламаганлик айби юклатилган. 1940 йилнинг биринчи ярмида молиявий ташкилотлар томонидан 61 нафар уламо 129 586 сўм солиқ тўламаганлиги аниқланган. 1940 йилнинг 20 июнида вилоят Судида 126 кишининг иши кўрилиб, уларнинг барчаси уламолардир, деб маълумот келтирилган.⁶⁴

1940 йилда Фарғонада 3000 дан ортиқ уламолар рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Чуст, Асака, Қува каби шаҳарларда яширин фаолият олиб бораётган масжид имомлари, маҳалла муллалари, қори ва отинбибилар бўлиб, солиқ юки туфайли баъзилари ўз диний вазифаларидан воз кечиб, деҳқончилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур бўлганлар.

Санокли қолган бўлишига қарамасдан масжид имомлари, хатна маросимларда иштирок этган муллалар, даҳрийликни кенг тарғиб қилиш ва динга қарши курашни кучайтириш мақсадида 1925 йилда ташкил этилган “Худосизлар” уюшмасининг талаби билан жойларда шаҳар, вилоят ва туман молия бўлимлари томонидан солиққа мажбурий тортилган.

Биргина мисол: Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманидаги Незахос қишлоғида истиқомат қилувчи диндор Отамурод Қурёзов бир марҳумга жаноза ўқиган. Унга ўлик эгалари 2 сўм берганлигининг гувоҳи бўлган молия вакили Отамурод Қурёзовга

⁶³ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Тошкент, Шарқ, 2003. – 170 –б.

⁶⁴ ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 8-варақ ва орқаси.

2200 сўмлик солиқ варақасини тутқазади. Ушбу маблағни топа олмаган О.Курёзов билан бирга 7 та диндор уламо эскилик тарафдори сифатида ҳибсга олинган.⁶⁵

Республиканинг бир қатор вилоят ва туманларида диний урф-одат анъаналарнинг бажарилиши совет тузумига душманлик тарзида қаралган. Ҳатто дафн маросимида иштирок этгани, ўғлини суннат қилгани учун партия бюросида танқид остига олиниб, қаттиқ огоҳлантириш берилган.⁶⁶

Шунинг учун қатағонлик авж олган 1937-1938 йилларда мусулмон байрамларини ўтказиш, Қуръони карим, Ҳадиси шарифни мутоала қилиш, ислом дини билан боғлиқ урф одатларни бажариш яширин тарзда ўтказилган. Бундай тадбирларда, йиғинларда, маъракаларда тўпланганлар, уламолар билан мулоқотда бўлганлар ҳақида хабар берилса, улар албатта, аксилинқилобий ташкилот мажлиси иштирокчиси сифатида ҳибсга олинган. Уламоларни жамият аъзолари сафидан ўчириш, уларни ўзлари яшаб турган жойлардан бадарға қилиш, қулоқлаштириш воситалари қўлланилган.

1930-1933 йилларда Украина, Сибир, Қозоғистон, Шимолий Кавказ каби ҳудудларга ҳамда республиканинг ўзидаги 17 та қулоқ посёлкаларига мажбуран кўчирилганларнинг анча қисмини уламолар ва уларнинг оилалари ташкил қилган.⁶⁷ Диний уламоларнинг кадр-қиммати, шаъни ва ор-номуси оёқ ости қилинган. Бу борада тарихчи олимлар Қ Ражабов, Р. Шамсутдинов ва Ш. Ҳайитовларнинг илмий тадқиқотларида бой маълумотлар келтирилган.⁶⁸

Собиқ тузумнинг диний уламоларга ноинсоний, зўравонликка асосланган бошқаруви туфайли республикада ислом дини ва маънавиятидан мукамал хабардор бўлган уламолар

⁶⁵ Отамурод отани отганлар ким? // Ислом нури, 1992-йил, 13 сон, 4-б.

⁶⁶ ЎзР МДА, 837-фонд, 32- рўйхат, 1859-иш, 10-варақ.

⁶⁷ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожевий оқибатлари. –Тошкент: Шарқ. – 2001. 91-б.

⁶⁸ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. Маънавият, 2002; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. Тошкент. Шарқ, 2003; Ҳайитов Ш. ва б. Хориждаги ўзбеклар. – Тошкент: Фан, 1992; Шу муаллиф. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро: “Бухоро” нашриёти. – 2005.

бутунлай йўқотилган. Диний уламоларни қатағон қилиш жараёнида маънавий қадриятларимиз оёқости қилинган. Уламолар томонидан сақланиб келинган диний ва дунёвий илмлар ҳамда юртимиз ўтмишидан хабар берувчи нодир қўлёзмалар мусодара қилинган ёки йўқотиб юборилган.⁶⁹

Қатағонлик даврига доир архив ҳужжатларига назар солар эканмиз Марғилон шаҳри ва унга яқин ҳудудлардан юзлаб кишиларнинг тақдири нақадар аянчли бўлганлигини шоҳиди бўламиз. Уларнинг қанчаси отилган, яна қанчаси олис юртларда оғир меҳнатлар, доимий хўрланишлар бу ҳам етмагандек очлик азобидан ўлимга дучор этилиб, кафансиз кўмилганлар. Бу ҳақда ёзишга ҳам тинглашга ҳам инсоннинг сабр-бардоши етмайди. Фақат моҳир ва тажрибали ёзувчиларгина бунинг уддасиддан чиқа олади. Шу сабабдан сеvimли ёзувчимиз Тоҳир Маликнинг қатағонлик даврига оид мақолаларидан айрим лавҳаларни келтиришни лозим кўрдик.

«1938 - мелодий, ўқтабр ойининг тўртинчиси, куз кунларининг бири, қуёш аллақачон ботган, аммо теваракдан шом азони эшитилмайди. Шаҳар марказидаги бу донгдор бино атрофида масжид йўқ. Нариди маҳаллалардаги омон қолган масжидларда қўрқибгина, титрабгина чиққан азон чақириги тўрт-беш хонадон деворидан аранг ошиб ўтишга қурби етди. Донгдор бинода гуноҳлари нима эканини билолмай ҳайрон ётган маҳбуслар шом кирганини кичкина дарчадан тушиб турувчи нурнинг йўқолганидан биладилар. Озодликдан нишона бўлиб туюлувчи бу нурни ҳар тонг умид билан кутиб, тушкин ва эзгу кайфиятда узатадилар. Дарчадаги нур йўқолгач, кечалик овқат киритилади. Улар ўлимга маҳкум эканликларини сезишади. Очликдан ўлиб қолмаслик учун, «қонуний» йўл билан отиб ўлдиришлари учун овқат ейдилар. Сўнг... бу бинода жонланиш бошланади. Аммо кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хаҳолаб қулишлари бу иморатни кўкка

⁶⁹ Салмонов А. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Фарғона – 2008.

кўтаргудек эмас. Бундаги товушлар ўзгача, бундаги таишвишлар бошиқадир.

Бунда терговни кўпроқ тунда қиладилар. Кундузи одам овлаи билан машғул бўладиларми ёхуд тўхмат ва изво тоишларини тўплашдан бўшамайдиларми – бу ёлғиз Яратганга маълум – ҳар холда терговга асосан кечаси чақиршиади.

– Кадири, на выход!

Айни чоқда бошиқа эшиклар ҳам очилади:

– Сулейманов – Чулпан, на выход!

– Фитрат...

Гофил бандалар... Бу сўнги чақирқиқ терговга эмаслигини қайдан билишсин? Улар «терговчи уни сўраса, бундай дейман...» деган хаёл билан қўлларини орқага қилган муте бир холда юриб чиқадилар. Улар билмайдиларки, сўроқлари кеча якунига етган. Бу тун отиладилар. Эртага, тонг отгач эса... ҳукм ёзилади.

Уларнинг киндик қонлари турли жойларга, турли вақтда томган. Тузилган кунлари хужжат учун аниқ ҳам эмас... Фалон мучал, ўрик гулаганда ёки хандалак пишигида тузилган... Аммо... ўлим топган кунлари аниқ – 4 ўктабр... аммо 5 ўктабр деб расмийлаштирилади... Юрак қонлари бир жойга тўкилади.

Буни билмайдилар, нима учун ховлига олиб чиқишгани ҳам улар учун номаълум. Дарича туғул бирон тирқиши ҳам бўлмаган усти ёпиқ автомобилга чиқиб, ёнма-ён ўтиришади. Қоронгида бир-бирларини танимайдилар. Сўзлашиши мумкин эмас. Чурқ эта олмайдилар.

Автомобил қабиҳ манзилга етмоқни истамагандек ихраб - сихраб секин юради. Текис йўл туғаб, ўнқир - чўнқирлик бошланади. Автомобил ҳар силтанганида, чуқурга тушиб - чиққанида мувозанатни йўқотадилар.

Ниҳоят, тўхтадилар. Эшик очилиб, қоронғу ерга туташиб кетган юлдузли осмоннинг бир парчаси кўринади. Уларни жарлик ёқаси сари бошладилар. Шунда улар бир - бирларини танидилар. Шунда бу ерга нима учун келтирилганларини англадилар.

Осмондаги кемтик Ой ёруғида кўзлар кўзларга тикилиб сўзлашади:

– Киши агар юз, агар минг яшаса ҳам охири ўлмак керак. Эслайсизми, «Бобурнома»да шоир:

«Агар сад сол мони автар яке рўз,
Бибояд рафт аз ин қоҳи дилафрўз...»

– деган эди. Яъниким, агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиши керак бўлур. Биз учун бу қасрдан кетмоқ вақти етубдур.

– Бу қасрдан кетишимдан мен афсусда эмасман. Армоним шуки, бундан бизни ўз дўстларимиз қувдилар. Аҳил-иноқ яшай олмадик. Биз-ку кетамиз, миллатнинг аҳволи не бўлур? Кун келурмики, миллат иттифоқда яшаса? Кун келурмики, қоронғулик чекинса, офтоб чиқса...

– «Тилинган тилларга қон югургуси,
Бўшанган инларга жонлар киргуси.
Тиканли боқчалар чечак кўргуси,
Ҳақ йўли, албатта бир ўтилгуси...»

– Гаплашилмасин!

Ҳар эҳтимолга қарши айтилган буйруқ эди бу. Ҳозир кўз кўзга тушиб, юрак юрак билан сўзлашмоқда эди. Юраклар сўзлашувини ҳеч ким ман этолмас. Уларнинг жисмлари банди. Руҳлари эса озодликда. Ҳозир ўқлар узилади. Бедор юраклар уришдан тўхтайдди. Агар юрак жисм ҳаёт эканида фақат қон ҳайдаш билан банд бўлган бўлса, жон чиқиши билан у ҳам ўлар. Агар юрак эл гамида, инсонлар гамида яшаган бўлса, бир ўқ тегишли нима экан, қийма-қийма қилиниб зарралари олам аро сочилиб юборилса ҳам ўлмайди, яшайверади. Милтиқларини ўқлаганлар биллишмайди бунни. Уларга буйруқ берилса бастепки босилади... Ўқ ҳавода ўтли из қолдириб бориб бедор юракка санчилади. Улар «маҳкумлар ўлди», деб изларига қайтадилар. Буларнинг қўлларига кишиан уриб берган дўстлари ҳам «улар ўлди» деб, ўйларлар. Уларнинг номларини ўчира бошларлар. Бирга тушган суратларини йиртарлар. Кўпчилик бўлиб тушган суратларда

уларнинг кўзларига игна тиқиб тешарлар... Булар милтиқ тепкисини босувчи, буйруқ бажарувчи аскарлар эмас. Улар ўзларини доно фаҳмлайдилар.

«Алвасти кўприк» деб аталувчи жар⁷⁰ ёқасида милтиқ тепкиси босилувини кутаётганларнинг юраклари тоабод тирик қолишини ҳам биладилар. Била туриб ўзларини фаҳламаганга оладилар. Йўқ, улар бу юракларнинг ҳам жисмга қўшилиб тупроқ остида чиришини истайдилар. Шукрки, фақат истайдилар, холос. Юракка кишан уриб беролмайдилар. Юракни чирита олмайдилар...

Жар ёқасида турган маҳкумлар нималарни ўйлашди? Кўзларидан дарё - дарё ёш оқизиб қолган оилалариними? Ёки бу дунёдан аллақачон кўз юмиб кетган ота-оналари, биродарлариними? Балки Самарқанд Дарбозадаги шийпонда қурган суҳбатларини эслашар?

– Асрнинг ўн еттисида онадан қайта ҳур бўлиб тугилдик, деб адашибми эдик?

– Бизки адашдик, фуқаро не қилар?

– «Ҳалокат бўлишин билмай қулочни катта отдим- ку...»

... Милтиқ тепкиси босилгунига қадар бир неча нафас вақт бор...

– Мен «дўст»ларимизга ачинаман. Вақти келиб бизнинг ҳақ эканимиз ойдин бўлганида, бу дунёда қандай бош кўтариб юрар эканлар? Балки, Худо уларни тирик қолдириб, узоқ умр бериб жазолагандир?

– Қиёматда юзма - юз бўлганимизда нима дейишар экан?

– Гаплашилмасин?

– Буйруққа ҳожат ҳам йўқ эди. Тепкилар босилди, ўлим ўқлари отилди. Сўзлашмоқ қиёматга қолди.

Уларга ҳеч ким аза очмади. Жаноза ҳам ўқилмади. Уларнинг ўлиmidан беҳабар эдилар. Ҳатто «дўст»лар ҳам беҳабар эдилар. Шунча қилган хизматлари эвазига қувонини бахтидан бебаҳра қолдилар.

⁷⁰ Тошкент шаҳрининг Юнусобод даҳасида жойлашган ушбу маскан мустақиллик йилларида, аниқроғи 2000 йилда Президентимиз ташаббуслари билан обод этилиб, “Шаҳидлар хотираси хиёбони” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. 2001 йилдан эътиборан 31 август куни юртимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Орадан йиллар ўтиб эса... билдилар. Аммо энди кеч эди. Қувонишига асос йўқ. Улар халқ душмани эмас чин халқпарвар эканликлари маълум бўлди. «Дўстлар»ни биров айбламади. Ўзларидан ўтгани ўзларига-ю, Оллоҳга маълум.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Самарқанд дарбоза деб аталмиш ерда 37- уй бор. Эътибор берилса, уйларнинг тартиб рақамига кўра бу хонадон ўттиз еттинчи эмас. Дарбоза қошидаги «37» рақами 1937 йилдан, аниқроғи йил адоғи – 31 декабрдан дарак бериб туради. Айнан шу кунни ёзувчининг оиласи бағридан юлиб олганлар. Уларнинг мақсади адибни фақат оила бағридан эмас, халқ қалбидан юлиб олиш эди. Улар бунга жисман эришдилар, холос. Рухга, халқ қалбига таъсир ўтказишига оғсиз эдилар.

Одатда одам вафот этгач, уни ювиб, кафанлаб, тобутга солиб, елкада кўтариб сўнги манзил – қабрга элтадилар. Абдулла Қодирий ва у табаррук зотнинг биродарларига бу эҳтиром насиб этмади. Уларга бунданда улугроқ саодат берилди – улар халқ қалбига мангуга кўчдилар. Адабиёт ўткинчилик қонуниятларидан холидир. Фақат адабиётгина ўлимни тан олмайди».⁷¹

Шу ва шу каби бошқа аянчли ҳолатларни кўриб эзилган Абдуссамад Охунд Қоил Марғилоний ҳам куюнчаклик билан шундай ёзган эдилар:

*Доно кишилар ўз ватанида ўлтиролмай,
Соҳиби карам ўлган кишини халқ кўролмай,
Ҳақ зикрини оламни мизожи кўтаролмай,
Сан ҳам ёзилиб қаря аро нола қилолмай,
Ташқарида бўлганму маконинг, на сабабдин?*

Улар дин-миллат ғамида тинимсиз йиғлаб, ўзидан кетган ҳоллари ҳам бўлган.

*Ҳар лаҳза ўзингдан бу қадар нега кетарсан,
Тортган аламингга чидай олмай йиқиларсан,*

⁷¹ Тоҳир Малик. Ибрат мактаби // Адабиёт – бадият адабиёт. Хотиралар, бадиалар, мақолалар / Нашрга тайёрловчи: Хондамир Қодирий. – Тошкент. «Янги аср авлоди», 2004.95-96-б.

*Бошинг кўтариб ҳоки мазаллатга урарсан,
Силаб сиришк ила вужудингни юварсан,
Тинмай кеча кундуз давронинг на сабабдин?*

Улар халқ маънавияти ва маърифатига қаратилган эзгу мақсадларини ошкор айтишдан маҳрум эдилар. Бу эса муайян хазинага эга, аммо уни улашишдан ожиз кишилар учун оғир экани маълум. Қуйидаги мисраларда ўша “*уқбо гамида хотири шикасталар*” ҳоли тилга олинган.

*Бордур жаҳонда бир неча аҳволи ҳасталар,
Уқбо гамида хотири доим шикасталар,
Зоҳидлиги камоли учун кори басталар,
Дорул бақода топди мақому хумбасталар,
Дунёсидан саодат уқбо бўлиб бадал.*

Аллома мазкур даврнинг аянчли манзараларини қуйидагича ифода этган эдилар:

*Солурлар фитналар Ислом ичига ифтиро бирлан,
Алардин бузғучи ҳам ботини абтар бузуглардур.*

Ёки:

*Худо наздида қандоғ **деб гапирса**, ҳеч қўрқмайдур,
Жаҳаннамдин қўлига ё хати озод берилганму?*

Атрофида содир бўлаётган маънавий иллатларни кўра била туриб қайтара олмаслик ҳақиқатни айтишга одатланган кишиларга оғир ботиши аниқ. Алломанинг “*Ҳар кимда гам бор, диёнат гами эрмас, мажлисдаги ҳасрат ҳамма дин мотами эрмас*”, дея қуёнчаклик билан куйлаб ўтгани шундан.

Шу ўринда Охунд даданинг шогирд ва издоши Абдулазиз Ғолиб Марғилоний⁷²нинг қуйидаги мухаммасини келтириб ўтсак. У

⁷² Абдулазиз қори Ғолиб Марғилоний. 1900 йилда Марғилонда туғилган. Ўз даврининг буюк олими, файласуф, муфасссир, муаррих, шоир ва адиб. Кўплаб мўътабар асарлар муаллифи. Уч жилдлик «Манбаъ ул-хаёт» номли тафсир, «Ислом тарихи», «Қуръон тарихи», «Шарҳи асмауллоҳ», «Улфат», «Нур тиглари», «Машғал» каби асарлар шулар жумласидан. 1982 йилда 82 ёшда вафот этган. Алломанинг илмий мероси муаллиф томонидан ўрганилиб, нашрга тайёрлаш ишлари кетмоқда.

билан танишиш орқали Қоил Марғилоний яшаган давр ҳақидаги тасаввуримиз равшанлашади, чунки унда мустамлака шароитида мамлакатда яшаётган зиёли қатлам вакилларининг аҳволи, жамият ҳаёти ва тарихий воқелик акс этган.

Мухаммас

*Ўзин юртида мискин аҳлида бегоналарданбиз,
Мусофир ўз уйида гам билан овораларданбиз,
Зану фарзандларига нотаниш афсоналарданбиз,
Азални соқийси сунган ўшал паймоналарданбиз,
Тинимсиз жўш урар майхонада гамхоналарданбиз.*

*Ҳамиша фикри ёди кеча кундуз зикри иллаллоҳ,
Агарчи зоҳири гафлат вале ботинлари огоҳ,
Гуноҳ дарёси мавж урди газаб ел етса гар ногоҳ,
Буюрса: “Иркабу фиҳа бисмиллаҳи мажреҳо”,
Бало тўфонидида киштидаги жононаларданбиз.*

*На кечган ҳолимизни Тангридин ўзга киши билмас,
Ўзи раззоқимиздур бошқа бизга битта нон бермас,
Биза ҳеч ким ачинмас бир назар шафқат билан боқмас,
Кўриб зоҳир хароби ҳолимизни кўзига илмас,
На зоҳир балки ботин ҳам вале вайроналарданбиз.*

*Жаҳон боғида сўлган гул каби гулзоримиз йўқдур,
Харидорсиз матои дунёда бозоримиз йўқдур,
Ҳамиша ўзимиз бирлан бировга коримиз йўқдур,
Таваккул Ҳаққа қилган бошқаларга коримиз йўқдур,
Худовандо, паноҳ бергил ўзинг беҳоналарданбиз.*

*Кўрар кўзга агарчи муфлисусу хору залилларбиз,
Чумолидек оёқ остида қолдик лек филларбиз,
Бало зимнида роҳат излаган бекому дилларбиз,
Ҳақиқат шарҳибиз барчага соҳиб далилларбиз,
Садафдек кўксини чок айлаган дурдоналарданбиз.*

Ҳаммадин жабр тортиб ҳеч кима озоримиз йўқдур,

*Кўнгиллар шарҳа-шарҳа гам билан дилдоримиз йўқдур,
Худодан ўзга билмас ҳолимиз дамсозимиз йўқдур,
Азал тақдирига рози бўлиб овозимиз йўқдур,
Бало майдонида соҳибқирон мардоналарданбиз.*

*Маломат таъналарнинг захмидан дилёраси битмас,
Фигону ноламиз сандин бўлак ҳеч кимсага етмас,
Агар авф этмасанг шафқат билан дил занглари кетмас,
Раҳимо, раҳм қилгин сандин ўзга бизга раҳм этмас,
Ўзини ўтга урган беҳирад парвоналарданбиз.*

*Қабул этгил Худовандо, гарибларнинг дуосини,
Ўзинг даф айлагил охир замон дажжол балосини,
Билур ким сендан ўзга бенаволарни навосини,
Ўзидекларни Голиб шарҳ қилди муддаосини,
Узатдик қўл карам қил, ё Карим, девоналарданбиз.⁷³*

Мазкур мисраларни келтирар эканмиз, Қоил Марғилонийнинг яна бир замондоши Муҳаммад Умар Ғурбатийнинг айна мазмундаги мухаммасини келтириш муносиб топилди. Зеро, ундаги замон бедодликларидан озурда қалбнинг ҳасрат-надоматга тўла ўтли нолалари ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди, ўқувчига бугунги дориломон кунларнинг кадри қанчалик юкори эканини англатади.

Мухаммас

*Бу фитналар нишонаси охир замон бўлуб,
Ақли расони тўъмалари лахта қон бўлуб,
Диндор элини(нг) ранги мисоли сомон бўлуб,
Нокас, бахил, сифла ҳама шодмон бўлуб,
Фисқу фужур аҳли букун нуктадон бўлуб.*

*Охирда бўлди захр ила олуда найшакар,
Ким журъа нўш қилди ўшал тортди кўп зарар,*

⁷³ Абдулазиз Голиб Марғилоний. Қўлёзма, 45-47 бетлар. Қўлёзма ҳозирда муаллиф фарзандлари қўлида.

*Парвонавор урди ўзин, қилмади ҳазар,
Жонсиз жасад мисоли қуруқ нур, йўқ басар,
Зулмат жаҳонни қоплади ер осмон бўлиб.*

*Тўти мисоли сўзлади ким бўлса бепадар,
Хукком бўлди бошимиза мисли ҳўки хар,
Онлар юзига табъи сиёҳ қилса ким назар,
Хўлу қуруқни куйдурадур барқ ё шарар,
Оқил яқога олди ўзин нотавон бўлуб.*

*Яшнаб очилди ер уза гул ўрнига тикон,
Шоҳига қўнди зог, загон айлади макон,
Фисқу фужурга тўлди бутун еру осмон,
Ҳеч ким бу тийра зулматдан топмади омон,
Бўлди ниҳон булбул, гуллар ҳазон бўлуб.*

*Қилгил назора аҳли гино бўлди бад асл,
Аҳли шараф аларни кўзига бўлиб залил,
Бечора ҳол, бўйни синуқ, даст ҳам қалил,
Рози бўлур қадарда на ҳукм айласа Жалил,
Уқбо сарига борғуси шоҳи жаҳон бўлуб.*

*Пайрав жавонда қолмади шарму ҳаё кетиб,
Хушк ўлди барча илгида кимё кетиб,
Зулматда қолди барчаси нур-зиё кетиб,
Исён мариизи тутти ани мўмиё кетиб,
Ҳасратда қолди риндаи икки жаҳон бўлуб.*

*Ким бой бўлса, анга Ҳизр айламини назар,
Кибру ҳавони завқи бирла боғлашиб камар,
Доим аларнинг тамаъсидур қанд ила шакар,
Атлас тўшакни солгусидир борса ҳар шаҳар,
Дунё аларни наздида доруломон бўлуб.*

*Топган аларни молига афсус, ҳай дариг,
Ўтган аларни солига афсус, ҳай дариг,
Бехуда қилу қолига, афсус, ҳай дариг,
Гўрда аларни ҳолига, афсус, ҳай дариг,*

Афсуски, ўтса умри мисоли ҳазон бўлуб.

*Ким шодликни истаса, охирда қон ютар,
Шармандаликни сийнада қандог ниҳон тутар,
Қаттиг сирот зулмати, қандог қилиб ўтар,
Боқий жаҳонда бирга бўлур кимни дўст тутар,
Маҳшар қунида ҳоли ўзига аён бўлуб.*

*Халқи жаҳонни зулм-ситама бўлди одати,
Нафс илгида асир бўлуб йўқ фароғати,
Бу феъли бадга чекмади бир дам надомати,
Бедорликда уйқуда йўқдур ҳаловати,
Исён юкини остида қадди камон бўлуб.*

*Шаръи шариф миллатини тутти барча хор,
Ким хор тутса миллатини бўлди хору зор,
Фурбат аларга жангу-жадал қилма қору зор,
Йўқдур ажабки, қаҳри Худо қилса тору мор,
Ҳақ даргоҳида кечмиши оҳу фиғон бўлуб.⁷⁴*

Эътиборли жиҳати шу ердаки, шундай маънавий танглик бўлишига қарамай, Қоил Марғилоний ва у зот замондошлари турли услуб ва воситалар орқали кишиларни яхшиликка чақириш вазифасини бир дам ҳам тўхтатмаганлар. Хусусан, аллома турли мажлис ва анжуманлардаги иштироклари чоғи кишиларни яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтаришни ўз вазифаларига айлантирган эдилар. Бу ўз-ўзидан алломанинг маҳаллий халқ орасида юксак обрў қозонишларига сабаб бўлган. Аллома шахсиятига кўрсатилган бу ҳурмат аслида маҳаллий халқнинг ўз фойдасига бўлган эди.

Бир сўз билан айтганда, Қоил Марғилоний ўз даврида маънавий жасорат кўрсатиб, амалий ва назарий фаолиятлари, суҳбат ва асарлари орқали маҳаллий халқ маънавий тараққиёти ва ривожига сезиларли даражада ҳисса қўша олган ва мазкур ҳудудда шаклланган маънавий муҳит соғломлигини оз бўлса-да, “ушлаб”

⁷⁴ “Девони Фурбатий” “Фарғона”нашриёти, 2008 йил.134-135-бетлар.Тўплаб нашр қилувчи Алишер Бек.

туришга эриша олган буюк жасорат соҳиби бўлган алломалардан бири эдилар.

Мазкур сўзларни ёзар эканмиз, муҳтарам юртбошимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият энгилмас куч” асарида энг буюк жасорат ҳақида келтирган қуйидаги фикрларини келтириб ўтсак:

“Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуг каишфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

...Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихининг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суюк-суюгида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.”⁷⁵

⁷⁵ И.Каримов. “Юксак маънавият – энгилмас куч”.Т.: “Маънавият”, 2013. 159-162-бетлар.

АБДУССАМАД ОХУНД ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ

Таваллуд ва ёшлик йиллари

Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний 1888 йилда Марғилон шаҳрига қўшни Хотинариқ қишлоғида таваллуд топганлар. Хотинариқ қишлоғи Марғилоннинг шимол тарафида унинг Баҳрин дарвозасига кираверишда жойлашган. Маълумотларга кўра, ўтмишда яшаб ўтган саховатли бева аёл қишлоққа сув келтириш учун катта ариқ қаздиргани боис халқ орасида “Хотинариқ” номини олган. Кейинчалик қишлоқ ҳам шу ном билан юритила бошлаган. Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида “Хотун ариқ” номи билан тилга олинган.

Элшунос олима А. К. Писарчик ва қадимшунос В. Д. Жуковлар келтирган маълумотларга кўра шаҳарнинг XIX асргача мавжуд ўн икки дарвозасидан бири “Баҳрин дарвозаси” деб номланган. Марғилон дарвозалари Қўқон хони Абдулкаримбий ибн Шохрухбий (1734-1750) хонлиги даврида қурилган. Қадимдан шаҳарга кириб келаётган зиёратчилар дарвоза олдига келганда минган уловларидан тушиб, одоб ва тавозе билан шаҳарга кириб келишган.⁷⁶

Алломанинг оталари Муҳаммад Қосим охунд, у кишининг оталари Охунд бобо исмли кишилар бўлишган. Муҳаммад Қосим охунд оддий деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган ҳалол, меҳнатсевар киши бўлган. Шу билан бирга қассоблик касбини ҳам моҳирлик билан бажарган. Охунд бобо эса дурадгорлик касби билан шуғулланган. Оналари Турдиннисо биби тақволи ва покиза аёл эдилар. Охунд дада ёлғиз ўғил бўлиб уч нафар сингиллари бўлган. Оналари эртароқ вафот этиб, уч сингил тарбияси ҳам аканинг зиммасига қолган.

Оилалари ўша давр кўплаб кишилари қатори анчайин қийинчиликда кечган. Буни куйидаги воқеадан ҳам билишимиз мумкин. Айтишларича, Охунд даданинг ёшлик пайтларида бир гал

⁷⁶ Раҳматуллоҳ Файзуллаев, Нодиржон Абдулаҳатов. “Муҳаммад Юсуф Ҳазин” (Хонақоҳий Ҳазрат Марғилоний) Тошкент: “Шарк”. 2013 – 100-б.

хайит келганида болага оёққа кийиб чикқани бирор нарса топилмайди. Ота-она ночор аҳволга тушишади. Охири ота аёлига: “Болани бир оз кўчага чиқармай тулинг, бирор нарса топиб келарман”, – деб чиқиб кетади ва бир оздан кейин ямоқ солинган бир жуфт кавуш топиб келади. Уни болага кийгизиб хайитга чиқарадилар.

Ҳар бир нарсанинг ҳикмати бўлганидек, шу ва шу каби қийинчилик ва йўқчилик остида катта бўлган Охунд дада келгусида халқ орасидаги қийналган ва камбағал кишиларга шафқатли кишига айланадилар. Асарларида бу мавзу кўп марта тилга олингани ҳам шундан.

*Ҳар сабо бечораларни кўнглини шод айласанг,
Ғам билан вайрона бўлган дилларни обод айласанг,
Борғали маҳшар учун тақво билан зод айласанг,
Ҳам халойиқ қайдидан сирринг саломат айласанг,
Халқ аро дорул бақо борганда хуррам айлагай.*

*Айлади изҳори қудрат Холиқу кавну макон,
Кофу нун осоридан келди заминун осмон,
Иззу жоҳу, фақру фоқа бандаларга имтиҳон,
Ҳақ таоло “Анфиқу мимма розақнакум”⁷⁷ деган,
Халқ аро бечорапарварлик саховатдин гапур.*

Айтишларича, Охунд даданинг юксак мақомга етишларига оталарининг дуоси сабаб бўлган. Бу ҳақда шогирдларидан Маҳмуджон домла Умаржон маҳдум ўғли Мажруҳ Ёзёвоний⁷⁸ шундай дейди: “Охунд даданинг зиммаларига ёшликларидаяк рўзгор хизматлари тушади. Оталари кексайиб қолгани, оналарининг эртароқ вафот этиб кетгани, боз устига ёлғиз ўғил бўлганлари учун ҳам ўзлари меҳнат қилар эканлар. Иш ҳақини олган кунлари биринчи бўлиб оталарининг эҳтиёжи учун зарур ашёларни харид

⁷⁷ “Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қилинлар”. Бақара сураси 254 оятдан.

⁷⁸ Бу зот ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

қилиб берар ва қайси мажлисда бўлсалар ўша жойга бориб бўлса ҳам топширар эканлар. Бундан хурсанд бўлган ота ҳамроҳларига: “Боламни ҳақиға дуо қилинглар” – деб кўзига ёш олар, буни кўрган мажлис аҳли дуога қўл очишар экан. Ҳар гал иш ҳақи олинган пайти такрор бўладиган бу ҳолатни эслаган Охунд дада кейинчалик: “Менга нима ҳосил бўлган бўлса, отам ва биродарларининг ўша дуоси туфайли бўлган”, – деб айтган эдилар”.⁷⁹

*Азиз бўлғай жаҳонда халқ аро безътибор ўлмас,
Кечирғай комронликда жаҳон бошига тор ўлмас,
Етар осон қўлига мақсади кўп интизор ўлмас,
Анони кимки рози қилса, ғам анга дучор ўлмас,
Ато рози бўлур ҳар кимсадин оламда хор ўлмас.*

Охунд дада мактаб талабаси

Маълумки, VIII асрдан бошлаб Марказий Осиёга Ислом дини кириб келиши билан халифалик буйруғига кўра, халифалик ҳудудидаги барча шаҳар ва қишлоқ масжидлари қошида мактаблар очилган. Шундан бошлаб яқин XX аср бошларига қадар масжидлар, хонақоҳлар қошида, кейинроқ эса мадрасани хатм қилган ва болалар тарбиясига қизиққан кишилар уйида ва маҳаллаларнинг махсус биноларида мактаб очилган.⁸⁰ Баъзи ҳолларда ўз ҳовлисида мактаб учун ҳашар йўли билан махсус бино қурган домлалар ҳам бўлган.

В.П.Наливкиннинг ёзишича, “Ақсар мактабларда машғулот масжидларда ёки тўғридан-тўғри масжидларнинг айвонида ёки масжиднинг хужрасида ўтказилади. Чунончи, Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги 142 та мактабдан 109 таси масжидларда, 27 таси домлалар уйида, 5 таси мазорлар ҳузурида ва қорихоналарда бўлиб, фақат битта мактаб махсус қурилган бинога эга” бўлган.⁸¹

⁷⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

⁸⁰ Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) // Турк. сб. – Спб., 1880. – Тошкент. 239 С.24.

⁸¹ ЎзР МДА, фонд 47, Записки Наливкина о мактабах Туркестана в 1901 г.

Бутун мамлакат мусулмон халқларининг фарзандлари дастлаб мазкур мактабларда савод чиқарганлар. Охунд дада ҳам ёшлик пайтларида ҳовлилари ёнида жойлашган масжид қошидаги мактабда мактабдор домла Иброҳим халифа кўлида таълим оладилар. Бу зот халқ орасида “Халифа домла” номи билан машхур бўлганлар.

Халифа домланинг қачон вафот этгани маълум эмас, аммо изланишлар натижасида у зотга оид баъзи маълумотларни топишга эришдик. Айтишларича, Халифа домла камбағалпарвар бўлиб, қарамоғидаги каттагина боғнинг асосий даромадини ҳам камбағал ва йўқсилларга сарф қилар эканлар. Ҳар йили буталган дарахт шохларини ҳам мухтожларга бериб, ўзларига шох-шаббаларини олиб қолишлари ҳам шундан. Айтишларича, пайтда масжидда имоматлик қилувчи бу зот ибодатга қаттиқ боғлангани, дунё молига рағбатсиз, қаноатли зот экани билан танилган эди. Исмларига кўшилган унвондан тасаввуф йўлига кирган сўфий экани билинади.

Айтишларича, Охунд дада мазкур зотга қаттиқ боғланган эканлар. Бунга сабаб, устоздаги мазкур фазилатлар ёш Охунд дадага айрича таъсир ўтказгани эди. Бу ўз-ўзидан у зотнинг баъзи хизматларини сидқидилдан бажаришларига сабаб бўлган. Бу ҳақда ўзлари шундай дейдилар:

“Қиш кунлари қуён овловчилар ошиб ўтгани учун боғ деворлари қулаб кетар эди. Шундай пайтларда дарҳол бир кетмонни олиб қорларни суриб, лой қилиб деворни уриб кўяр эдим. Буни кўрган талабалар: “Абдуссамад, ахир баҳор келса, биргалашиб қиламиз, совуқда уринмай кўявер”, дейишса ҳам, “Сизлар хижолат бўлманг, шунчаки ўзим қилгим келди”, дер эдим”.

Бошқа бир гал масжид деворининг бир қисми қулаб кетганида ҳам қиш куни бўлишига қарамай, Охунд дада ўзлари суваб кўядилар. Ҳар гал баҳорда тоқларни сўритокка боғлаш чоғида устоз Халифа домла ёнида хушёрлик билан туриб ҳозирланган новда пўстлоғи – қовузоқларни новдалар йўғонлигига мослаб узатиб беришлари Охунд даданинг ёшликлариданоқ зийрак эканларини кўрсатса, бошқа томондан устозга муҳаббат ифодаси эди.

Шу ўринда айна даврда Марғилонда мавжуд эски мактаблар ва уларнинг таълим жараёнлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Ўша давр мактаблари

Юқорида айтилганидек, Мовароуннаҳр шаҳар-қишлоқларида масжидлар, хонақоҳлар қошида ва баъзи ҳолларда маҳаллаларнинг махсус биноларида мактаблар очилган бўлиб, улар XX аср бошларига қадар фаолият олиб борган.

Миддендорфнинг ёзишича, 1875 йилда Марғилонда 433 та мактаб бўлиб, уларда 7340 нафар бола таҳсил олган. 1898 йилга келиб улар сони 324 тани ташкил этган ва 3989 нафар бола таълим олган. Аммо бошқа манбаларда бу пайтда 458 та мусулмон мактаблари, шу жумладан 25 та отин ойилар мактаби ва 21 та қорихона бўлгани келтирилган.⁸²

Айна давр мактаблари ҳақида янада яхшироқ тасаввур ҳосил қилишимиз учун ўша даврда шундай мактабларнинг бирида таълим олган Абдулазиз қори Ғолиб Марғилонийнинг маълумотларини келтириб ўтсак.

«Бизнинг маҳалламизда (Марғилоннинг Чорбоғ маҳалласи) бобом Абдулмажид ҳожи солган масжид бўлиб, унинг қорилар учун солинган тўрт дона даҳлизли ҳужралари ва бир бурчагида анҳор устига солинган каттароқ биноси бор эди. Ушбу бино мактаб эди.

Масжиднинг имоми бир вақтнинг ўзида ҳам имом ҳам муаллим эди. Дадам ҳам, маҳалладаги бошқа ҳамма ёши улгайганлар ҳам шу домлада ўқиб савод чиқаришган эди. Мулла Абдулкарим домла соҳибҳол авлиё ва тақводор покиза бир зот эдилар. Шу одамда савод чиқарганларнинг ҳеч бири адашмади, ҳаммалари покиза мусулмон бўлдилар.

Мен олти ёшда эдим. Дадам қўлимдан ушлаб, бир даста ширмон билан масжидга олиб келиб, домлага топширдилар. Ўша вақтнинг шартин билан «эти сизники, суяги бизники», – дедилар. Бу сўзнинг маъноси шулки, урсангиз майли, аммо суягини синдириб қўймайсиз...

⁸² Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. Прибавление X.

Эрта билан мактабга келамиз. Болалар баъзиси «Алифбе» ўқиса, баъзиси «Ҳафтияк», «Қуръон», ўқийди. Баъзиси «Чор китоб», Бедил ўқиса, баъзиси «Мантиқ» ўқийди. Баъзилар эса хат машқ қилади.

Болалар ҳаммаси аралаш-қуралаш ўтириб олиб, овозини имкони борича баланд чиқариб, чинқираб ўз сабогини такрорлайди. Бири: «Алиф, бе, те, се» деб чинқирса, бири «Ибтидо мекунам баноми Худо» деб бақиради. Бири: «Алиф, лом забар – ал, «Ҳе, мим, забар – ҳам», дол, печду – ал-ҳамду» деб оҳанг тузади. Қулоқ қоматга келади. Шу хилда намози асргача ўқиймиз. Аср яқинлашигач, ҳаммамиз тикка турамыз. Домла ҳам ўринларидан турадилар. Шунда савол-жавоб бошланади:

Домла: – Уйга борганда нима деб кирасизлар?

Болалар баробар қўл қовуштириб эгилиб таъзим билан: – «Ассалому алайкум», деб кирамиз.

Домла: – Дадаларинг, оналаринг чақирса, нима дейсизлар?

Болалар: – Лаббай, деймиз.

Домла: – Ишга буюрсалар нима дейсизлар?

Болалар: – Ҳўп, деб дарҳол бажарамиз.

Домла: – Кўчаларда катталарни кўрганда нима дейсизлар, нима қиласизлар?

Болалар: – Ассалому алайкум, деймиз, йўл бўшатамыз, ишга буюришса, ҳўп, деб дарров қиламыз. Қопларини кўтаришиб уйларига олиб бориб берамыз.

Шундан кейин озод бўлишиб, тўс-тўполон билан уйга кетар эдик. Худо раҳмат қилсун, ўшал домлаларимизни, улардан олган таълимларимиз тошга ёзилгандек ҳали ҳам дилимиз лавҳасида туради. Агар ўша вақтнинг домлалари ҳозирги усулда ўн йил ўқитишса эди, ҳар бир шогирдлари Ибн Сино бўлар эди. Уларни ўз шогирдларига муҳаббат ва шафқатлари чексиз эди...

Бир куни дадам домланинг ҳужраларида ўтириб: «Домла, Аллоҳ сизга қўп сабр тоқат берганда, шу жибилажибон болаларни тоқат билан битта-битта ҳарф ўргатиб саводини чиқарасиз», – дедилар. Домла: «Мулла Болтабой, сиз бунини билмайсиз, шуларни ўқитганимда неча йил уринсам, шу бола икки хат китобни ўзи ўқиб

берганини эшитганимда, шундай шодлик келадики, шу болага шундай меҳрим товлайдики, ҳамма меҳнатларимни унутаман», – дедилар... Илк бор қалбимга Аллоҳ номини сингдирган шу зот – Домла эдилар. Худо қабрларини нурга тўлдирсин, жойлари жаннатдан бўлсин, омин!».⁸³

Дуонинг ижобати

Маълумки, йигитлик даври киши вужудида нафсоний хоҳишлар кўпроқ жўш урган пайт саналади. Бу ўта хушёрлик ва эҳтиёткорликни талаб этади. Исломда айни пайтга қаттиқ эътибор қаратилиши, ҳатто бу пайтдаги ибодат ва риёзат алоҳида қийматга эга дейилиши ҳам шундан. Йигитларнинг Аллоҳнинг ибодатида бўлиб Унга қаттиқ боғланиши алоҳида фазилат эканига Қуръони карим оятларида равшан ишора қилинган. Уламоларимиз Каҳф сурасидаги, “Улар Роббиларига имон келтирган йигитлар эди, биз уларнинг имонларини зиёда қилдик” (13-оят) ва Марям сурасидаги, “Биз унга йигитлик пайтида пайғамбарлик бердик” (12-оят) мазмунидаги оятлар маъносидан келиб чиқиб тақво ва тоат зийнатлаган йигитликнинг алоҳида фазилат эканини таъкидлаганлар.⁸⁴

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо): “Аллоҳ таоло кимга илм берган бўлса йигитлик пайтида берган”, деганлар.

Абу Ҳафс Умар ибн Шоҳин “Ат-тарғиб фи фазоил ал-аъмол” номли китобида қуйидаги ҳадиси шарифни келтирган: “Ёшлигидан ибодат бошлаган йигитнинг фазли кексайганда бошлаган кишининг фазлидан ортиқдир. Аллоҳ таоло у ҳақида: “Тақдиримга ишонган, китобимга имон келтирган, берган ризкимга қаноат қилувчи, шаҳватини мен учун тарк қилувчи йигит – хузуримда баъзи

⁸³ Голиб Марғилоний. «Насаб». Қўлёзма. 156-б. Қўлёзма ҳозирда муаллиф фарзандлари қўлида.

⁸⁴ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”. Дорул маърифат. Байрут. 3-ж, 203-б; Абу Толиб Маккий. “Қут ул-қулуб”. 2-ж, 203-б. <http://www.alwarraq.com>

фаришталарим кабидир”, дейди”.⁸⁵ Муновий мазкур хадисни шархлар экан, бу унинг кексалик пайтида мавжуд бўлмайдиган нафсу ҳаво хоҳишини тарк қилгани учун шундайди, деган.⁸⁶

Тарихга мурожаат қилсак, аждодларимизнинг деярли барчалари шу каби фазилатга эга кишилар эканини кўрамиз. Улар орасидан кўплаб алломалар, мислсиз буюк зотлар етишиб чиққани ҳам шундан. Зеро, илм-маърифат, маънавий камолот ҳосил қилиш учун киши нафсоний хоҳишлардан воз кечиши, тинимсиз меҳнат ва узлуксиз риёзат чекиши керак бўлади. Шундагина у камолотга етиши мумкин. Нафсу ҳавога тобеъ бўлиб енгил ҳаёт ўтказиш, танбаллик ва ялқовлик кишига ҳеч қачон улуғлик эшигини очган эмас.

Айтишларича, Охунд дада ҳам кўплаб буюк уламолар қатори ёшликларидан вазмин, виқорли йигит бўлиб ўсганлар. Бунга юқорида келтирилган турмуш шароити ва рўзғор машаққатлари ҳам сабаб бўлган. Шу боис аксар ёшлар қизиқадиган баъзи ишлардан сақланар, вақтларини беҳуда ўтишига йўл қўймас эканлар. Ўша пайтда бўлиб ўтган бир воқеани эслаб шундай деган эдилар:

“Бир куни маҳалламизда тўй бўлди. У пайтларда тўйларда кураш тушиш одати бор эди. Бу менга унчалик ёқмас эди. “Мамажон полвон” деб аталадиган елкаси ерга тегмаган бир полвон йигит бўлар эди. Бир тўйда у ўзига муносиб кишини сўраб ўртага чиқибди. Унга бирор тарафдор чиқмабди. Йўлдан ўтиб кетаётсам одамлар: “Сен шу полвонга баробар келасан”, – деб мени итариб, давра ўртасига олиб чиқиб қўйдилар. Жуда музтар бўлдим ва Парвардигорга илтижо қилдим: “Парвардигор, Ўзинг кўриб турибсан, мен кураш тушишни хоҳламайман, лекин мажбур қилишди, энди Ўзинг шарманда қилма!”. Аллоҳ таоло дуойимни қабул қилиб хижолатга қўймади”.⁸⁷

⁸⁵ Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аййуб ибн Издод Ибн Шохин. “Ат-тарғиб фи фазоил ал-аъмол”. Дорул Ибн ал-Жавзий. Саудия Арабистони. 1420 х. 1-ж, 256-б. [http:// www.alsunnah.com](http://www.alsunnah.com)

⁸⁶ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қадир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937.4-ж, 567-б. Бундан кейин: “Абдурауф ал-Муновий: “Файз ул-қадир”.

⁸⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

Кураш тушиш баъзи азизлар ҳаётида ҳам кузатилганини қўрамыз. Уларнинг ҳар бири муайян мақсадга қаратилган эди. Фахриддин Али Сафий Ҳазрат Сайид Амир Кулол (қуддиса сирруху)⁸⁸ маноқибда қуйидаги воқеани келтиради:

*“Вақтеким, Амир Кулол йигитлик мартабасига етушдилар кураш тушар эдилар ва атрофларида ҳангома ва маърака бўлар эди. Бир кун ул маъракада бир одамнинг хотирига келдиким: “Не маъноси бордурким, саййидзодаёе шарифе кураш тушар ва зўромойлиқ қилур ва тариқат аҳли бидъатни варзиш этар?” Бул аснода ул одам уйқуға борди. Тушида андоқ кўрдиким, қиёмат қоим бўлубдур, ул бир жойда то сийнасиғача лойға ботиб турур, ўз ҳолига дармонда бўлубдур. Ногоҳ кўрдиким, Амир пайдо бўлдилар ва икки бозуси (тирсаги) дан тутиб, осонлиқ била лойдин юқори тортдилар. Ул уйқудин уйғонди. Амир у маъракада онга қараб айдиларким: “Биз зўромойлиқни шундоғ кун учун этурмиз”.*⁸⁹

Демак яхши мақсадга қаратилган ҳар бир мувоҳ ишларда яхшилик борлиги маълум бўлади. Охунд даданинг ёшлиқдан ибодатда ўсган йигитларга эҳтиромли бўлганларини “Саёҳатдан ҳикоят” номли асарларида келтирилган қуйидаги сўзларидан билиб оламиз. Андижон боғига кирган чоғлари у ерда бир неча солих йигитлар билан учрашадилар.

*Ўшал боғ ичра тобдук бир неча доно йигитларни,
Тавозе пешалик мажлислари оро йигитларни,
Такаллум айламакда булбули зўё йигитларни,
Қилиб расми зиёфат айлагон барпо йигитларни,
Жудо бўлдук алардин хайри боду марҳабо бирлан.*

Бугина эмас, Охунд дада охират ишини унутиб ёшлиқ пайтини беҳуда ўтказиб юрувчи кишилар ҳақида ҳам куюнчаклик билан ёзганлар:

Киши вақти гурурунда на даркорини билмайдур,

⁸⁸ Ушбу ибора “Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин” маъносини англатиб, кўпроқ тасаввуф шайхларига нисбатан қўлланади.

⁸⁹ Фахриддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт. Нашрға тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Бахриддин Умрзоқ. Тошкент: “Абу Али Ибн Сино”. 2004, 67-бет.

*Ўтиб гафлат билан умри сафар зодини қилмайду,
Жаҳони фонийдан кетган киши қайта келмайди,
Хизр умри муяссар бўлса ўлмайман, деёлмайди,
Абас ўтса агар умринг қилур охирда армонсан.*

Хизмат қилиб одам бўлинг

Юқорида Охунд даданинг Халифа домлага шойиста хизмат қилганлари келтирилди. Мазкур ҳолатни мулоҳаза қилиб кўрсак. Маълумки, шогирдлар маънавий камолотида устозлар марҳамат назарининг ўрни катта. Қадимдан аждодларимиз бунга қаттиқ эътибор берганлар. Ҳанафий алломалардан Али ибн Султон Ал-Қорий шундай дейдилар: “Ўтмишда бир мурид хизмат қилиш учун Хуросон шайхларидан бирининг ҳузурига боради ва узоқ вақт хизмат қилади. Шайх йигитга кўпинча зиёратчиларнинг отуловларига қараб туришни тайинлар экан. Мурид бу хизматларни сидкидилдан бажарса-да, шунча йил хизмат қилиб топганим шуми, деб ўйлар экан. Бир гал шайх ҳузурига кирганида шайх: “Эй болам, шошилма, яқинда Аллоҳ таоло сени ҳузурингга катталарни ҳам зиёратга келадиган қилади ва сенга ҳам хизмат қиладиган кишиларни чиқаради, дейди”.⁹⁰

Мисрлик буюк олим Абул Мавоҳиб Абдулвахҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний: “Одоб ва ҳурмат билан амал қилиш фикри бўлмаса, кишининг илм талаб этмоғи дуруст эмас. Одоб диннинг учдан икки бўлагидир. Аллоҳнинг валийлари улуғ мақомга кўп амал билан эмас, одоб ва гўзал ахлоқ билан етишганлар”,– деб айтган.⁹¹

Улуғлар, хусусан устозларга хизмат қилиш ҳақида гап кетганда Хожа Али Рометаний (қуддиса сирруху) нинг қуйидаги сўзлари ёдимизга келади. “Йўл юрувчиларга риёзат ва мужоҳадани кўп тортмоқ керакдур, то мартаба ва мақомга етушурлар. Аммо, бу

⁹⁰ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. “Миркот ул-мафотих шарху Мишкот ул-масобих”. Дору иҳяи турсил арабий. Байрут: 14-ж, 265-б.

⁹¹ Абул Мавоҳиб Абдулвахҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний. «Танбех ул-муғтаррин». Дорул маърифат–Байрут. 2004.99-б. Бундан кейин: “Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”.

йўлларнинг барчасидин яқинроқ йўл борким, тезроқ мақсудга етушса бўлур. Ул йўл улдуким, йўл юргувчи кўшиш (ҳаракат) қилсунки, ўзининг хулқи ва хизмати била бир соҳибдил зотнинг кўнглидан жой топсун. Чунки, бу тоифанинг кўнгиллари мавриди назари Ҳақ (Аллоҳнинг назари тушадиган жой) турур, онга ҳам ул назардин насиба етушур”.⁹²

Мазкур ҳақиқат Охунд дада фаолиятларида ўз исботини топганини кўрамиз. Охунд дада кўпинча устоз хизматига машғул бўлиб дарслардан қолиб кетар эканлар. Бир куни шериклари: “Абдуссамад, биз фалон-фалон китобларни ўқиб тугатдик, сен ҳалиям хизмат қилиб юрибсан, бунақада илмсиз қолиб кетасан”, – дейишади. Улар суҳбатини узоқдан кузатиб турган устоз Охунд дадани чақириб: “Нима дейишяпти”, – деб сўрайди. Охунд дада ночор уларнинг гапини айтадилар. Бунинг тинглаган устоз: “Шунақама, майли, улар ўқиб олим бўлишсин, сиз хизмат қилиб одам бўлинг”, дейдилар.

Бугина эмас, Охунд дада Холмуҳаммад домла хузурига қатнаган чоғлари ҳам ҳамма дарс олишга машғул бўлса, у зот устоз ҳовлисидаги хизматларни бажаришга киришар эканлар. Ҳамма кетгачгина дарс олишга кирар эканлар. Бу ҳолат устознинг у зотга алоҳида меҳр кўрсатиб бошқаларга айтмаган баъзи сирлардан хабардор қилишига сабаб бўлар экан. Дарвоқе, айтишларича мазкур хизматларнинг ўзиёқ Охунд дада учун дарс ўрнида бўлиб, кўп нарсаларни ўрганишларига сабаб бўлган экан. Чунки ўзларининг эслашларича, аввалига зехнлари суст бўлиб кейин эса бошқалардан ўзиб кетган эканлар.

Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний Аҳмад ибн Абул Варднинг қуйидаги сўзларини келтирган: “Ушбу қавм (сўфийлар) нинг мақсадга етиши бешта нарса билан бўлади; устоз – шайх ҳовлисининг мулозими бўлади, унга хилоф қилишдан сақланади, хизматини доимий бажаради, бу йўлда етган қийинчиликка сабр қилади ва кароматни яширади”.⁹³

⁹² Фахриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 2004, 59-бет.

⁹³ Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. “Ҳилят ул-авлиё”. 4-ж, 406-б.
<http://www.alwarrag.com>

Шу ўринда “Одоб аш-шаръийя” номли китобда салафларимизнинг бу борада келтирилган тавсиялари билан танишиб чиқсак. Умар (розияллоху анху) шундай деганлар: “Илмни ёшингиз улуғ бўлмасдан, яъни иззат талаб қиладиган ёшга боргунча эгаллаб олинг”.

Хаттобий шундай дейди: “Ёшлигида катталарга хизмат қилиб ўрганмаган толиб катта бўлганида ҳам хизмат қилишдан уяладиган бўлади, яъни улуғларни топиб суҳбат топишга эринади”.

Хаттобий яна шундай дейди: “Менга Суфёни Саврийдан етиб келишига кўра, у шундай деган: “Ҳар ким азизликни вақтидан олдин талаб қилса, кўп илмлардан бебахра қолади”. Абу Ҳанифа (рахимахуллох) шундай дейдилар: “Ким катталикини вақтидан олдин талаб қилса, хор бўлиши аниқ”.

Машҳур нахв олими Имом Мубаррадга бир куни: “Нима учун Абул Аббос, яъни Саълаб сендан кўра шеър ва ғариб илмига моҳирроқ?” – дейишди. Шунда у: “Мен ёшлигимдаёқ одамлар орасида “катта” бўлиб қолганман, у кексайганида катта бўлди”, – дейди.

Ҳоким ўз “Тарих”ида Абу Ҳанифани Имом Зуфарга айтган куйидаги сўзларини келтирган: “Эй Зуфар, вақтидан олдин одамларга суҳбат қилишни бошлама, акс ҳолда одамлар сени енгил санай бошлайдилар”. Имом Шофеъий шогирдларидан бирига: “Агар ёшлигингдаёқ “катта” бўлмоқчи бўлсанг илмдан бебахра қоласан”, деганлар.⁹⁴

Одам бўлиш қийин

Халифа домланинг юқорида келтирилган, “Улар ўқиб олим бўлишсин, сен хизмат қилиб одам бўл”, деган сўзларини мулоҳаза қилиб кўрсак. Бир қарашда бу бир оз бошқачароқ эшитилиши мумкин, лекин тасаввуфга доир адабиётларда мазкур маънога алоҳида урғу берилади. Унга кўра, инсон энг аввало инсон зотига муносиб, банда отига лойиқ бўлиши керак, чунки барча амаллар, риёзат ва меҳнатлар кишини “одам” бўлишига қаратилгандир.

⁹⁴ “Одоб аш-шаръийя”. 2-ж, 112-б. <http://www.al-islam.com>

“Одамлик” алоҳида мақом саналиб, ундан шарафли мақом бўлмаслиги таъкидланади. Мазкур маъноларни тушуниш учун Ғолиб Марғилонийнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтсак.

“Маълум бўлсинки, уламо бўлиш ҳам осон, эшон бўлиш ҳам осон, аммо одам бўлиш қийин. Ўн, ўн беш йил илм ўқиса, диққат қилса, олим бўлади. Яна шунча йил риёзат чекса, пир хизматини қилса иршод тегади, эшон бўлади. Аммо одам бўлиш учун ҳам олимнинг илмини ўқиш керак, ҳам эшоннинг тақвосини тутишлик керак. Яна бундан ташқари, доимо ўз нафси билан жанг қилиши ва кўп нарсалардан воз кечиши керак бўлади.

Тараққиёт – олим илмига амал қилса, вориси анбиё бўлади. Эшон халқни ҳидоятга бошласа, халифайи Расулulloҳ бўлади. Одамга одамлик муяссар бўлса, Аллоҳ таолонинг ердаги халифаси бўлади. Демак, одам бўлишлик барча мартабалардан олий экан.

Таназзул – олим агар илмига амал қилмаса, нафсини домига илинади ва бора-бора нафс учун ҳийла йўлига ўтади. Мавжуд масалаларнинг моҳиятига эмас, ҳарфига қарайдиган бўлади. Доимо шунга мудовамат қилса, Аллоҳ таоло уни маънавий жиҳатдан ит суратига киргизади. «Дунё нажас, унинг толиблари эса итдир», мазмунидаги ҳадиси шариф шунга далолат қилади.

Эшон агар зоҳидликнинг эҳтиётини қилмаса дили қорайиб, маърифати хиралашади, фикрини тамаъ хаёли босади. Дилида хотиржамлик, яъни охиратдан беғамлик келади. Бу эса юзаки ор ва қалбаки номус келтиради. Шу даражада настлагани учун шайтон бўлади. Аммо одам одам даражасига кўтарилдими энди уни яна қайтиб тубанлашиши жуда қийин, балки мумкин эмас, чунки у одамлик даражасига ўзидаги барча қабоҳатларни енгиб, барча насткашликлардан нафратланиб етган. Шунинг учун у таназзулга учрамайди, аммо хатога кетиши мумкин.

Маълум бўладики, одам бўлишлик агарчи қийин, аммо муяссар бўлса саботлик бўлади. Одам бўлдими комил мусулмон бўлди, мусулмон бўлмасдан одам бўлолмайди. Комил одам бўлмасдан мусулмон бўлолмайди”.

Бу борада XIX аср охири ва XX аср бошларида Марғилонда яшаган тариқат шайхларидан Мир Ҳайдар Домла Толийнинг

Бухоро мадрасаларида узоқ вақт таълим олиб келган укаси Мирхалил домла Бухорийга насиҳат чоғи айтган қуйидаги сўзлари ҳам ибратли. “Ука, тўғри, сен етук олим бўлдинг, аммо ҳали етук одам бўла олганинг йўқ!”.⁹⁵

Энг қизиғи, бу насиҳат мадрасани битириб қайтаётганида устозлар томонидан: “Бу бола Бухоронинг ярим илмини ўзи билан Марғилонга олиб кетди”, – дея баҳо берилган алломага айтилаётган насиҳат эди. Ҳа, комил инсонлар комиллик ноқисликни тан олишда эканини яхши билганлар.

Айтишларича Охунд дада шундай деганлар: “Ҳамма ёқ садаф, лекин дури топилмайди. Ҳамма ёқ тош, лекин қайроқ бопи топилмайди. Ҳамма ёқ одам, лекин “одам”и топилмайди”. Қуйидаги сўзлари ҳам айни маънони таъкидлайди:

“Инсон илм ўқиши, малака ҳосил қилиши мумкин, лекин одамийлик илми ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. У фақат қалби пок, тийнати мусаффо кишиларгагина муяссар бўлади”.

Бошқа бир пайт насиҳат сўраган шогирдларига шундай деганлар: “Ҳаётда шундай яшагилки, зиммангда икки-уч киши эмас, ўнлаб одамнинг омонати тургандек бўлсин, Худодан ҳеч қачон дин ва халқ ғамидан хотиржам ухлашни сўрама”.⁹⁶

Охунд дада Хонақоҳда

Охунд дада мактабни тугатганларидан кейин ҳам бу ердан йироқлашмаганлар. Бунга сабаб мактабнинг масжид қошида бино қилингани бўлса, иккинчидан уларнинг ҳовлиси масжид билан “бир девор” жойлашгани эди. Кундалик намозлардан ташқари дарс такрори ва бошқа хизматлар у зотни кўпроқ масжидда бўлишга олиб келган. Ана шу кезларда Охунд дада Марғилон шаҳридаги Хонақоҳ мадрасасига бориб, у ердаги устозларга ҳам хизмат қилишга улгурадилар. Бу ҳақда ўзлари шундай дейдилар: “Ҳар куни сахар бомдоддан олдин мадрасага борар эдим. Кўпинча устоз намозда

⁹⁵ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Чимён. 2014.

⁹⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон, 2014.

бўлар эдилар. Дарҳол ўт ёқиб сув қайнатар эдим. Келганимни кўриб хурсанд бўлиб кетар эдилар.”⁹⁷

Хонақоҳ мадрасаси ўша даврда Марғилонда мавжуд мадрасалар орасида энг машҳурларидан бири бўлган. Уни марғилонлик Исмоил махдум⁹⁸ номи билан машҳур савдогар қурдирган. Маълумотларда мадрасага Мовароуннаҳр шаҳар ва кишлоқларидан Озарбайжон, Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилояти, Татаристон ўлкасининг Қозон, Уфа шаҳарларидан ҳам мурид ва талабалар келиб таълим олгани айtilган.⁹⁹ Сўнгги юз йилдан ортиқ давр мобайнида Марғилон ва унинг атрофида яшаб, муқаддас динимиз ривожига хизмат қилган уламоларнинг кўпчилиги Хонақоҳ мадрасаси талабалари бўлишган. Бу ҳақда биринчи китобда батафсил маълумот келтирилган.

Абдуссамад Охунд даданинг Хонақоҳга келиб таълим олишлари устоз Иброҳим халифа тавсияси ва маслаҳати билан бўлганини инобатга олсак, у зотни ҳам Хонақоҳга алоқадор эканини кўрсатади. Қолаверса, ўша даврда Марғилон ва унинг атрофидаги кўплаб кишилар асосан Хонақоҳ шайхларига байъат¹⁰⁰ қилганлар.

Охунд дада Хонақоҳ мадрасасида бўлиб ўтган баъзи воқеаларни ҳам тилга олиб ўтган эдилар: “Бир даврда Хонақоҳда қирқ нафар валийлар жамоаси истиқомат қилишган. Улар бу ерда тез-тез чилла (қирқ кун давомида дунё алоқаларидан узилиб зикр ва ибодат билан

⁹⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2011.

⁹⁸ Исмоил махдум мулла Муҳаммад Юсуф. «Тарихи Азизий» муаллифи бу шахс ҳақида шундай маълумот келтиради: «Эски Марғилонда таниқлик машҳур кишилардан бири. Кўплаб мадраса ва масжидлар қуриб, уларга вақфлар тайин қилган». Архивдаги «О рассмотрении вакуфного документа муллы Исмаил махзума в Старом Маргилане» номли хужжатда 1864 йилдан бошлаб вақфнома берилганлиги айtilган ва 5 қози муҳри билан 1894 йилнинг 9 декабрида тасдиқланган.

⁹⁹ Охунжон кори Водилий. №23Кўлэзма. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹⁰⁰ “Байъат” сўзи арабча олди-сотди маъносини англатиб, шариятда кишиларнинг Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга итоат ҳақида берган ваъдаларига айtilади. Бу ваъдада аҳд берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан “байъат” дейилган. Расулulloх соллalloху алайҳи васалламдан кейин халифалар, давлат бошлиқларига байъат қилиш одати бўлган. Байъат вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан тасаввуфда муриднинг шайхга қилган байъатини “қўл бериш” дейилади. Шайхга муриднинг байъат қилиши хижрий бешинчи асрларда бошланган.

машғул бўлиш) ўтириб ибодат қилишган. Улар орасида чиллага фақат бир дона нон билан кириб кетадиганлари бўлган. Ундан ҳам қизиғи, чилладан сўнг баъзан, ноннинг ярми, баъзан эса учдан бири қайтиб чиқиши эди. Бу уларнинг риёзатлари қаттиқлигини кўрсатади. Инқилоб бошланган пайтда улар бирин-кетин тарқалиб кетишган. Ўшанда уларнинг бу кетишлари гўё бир кечада ғойиб бўлгандек, туюлган”.

Айтишларича, ўшанда Охунд дада мадрасага пиёда яланг оёқ келиб ташқидаги анҳорда оёқларини ювиб кирар эканлар. Охунд даданинг устозлари марғилонлик машхур уламо Холмуҳаммад кори домла ҳам талабалик чоғлари Чорбоғ маҳалласидан Қаландархона мадрасаси¹⁰¹ га устоз Муҳаммад Амин домла ҳузурига қатнаган чоғлари шу тариқа кавушларини ечиб пиёда бориб келган эдилар.

Имом Шаъроний шундай дейди: “Бир куни устозим ҳузурига кавушли боришни эп кўрмай ечиб, ялангоёқ кириб бордим. Бу иш у зотга таъсир қилди ва ёнида ўтирган кишига паст овозда: “Бу йигитнинг ўзининг фойда ва зарарига қодир бўлмаган бир бандага кўрсатган одоби шунчалик бўлса, барча нарсанинг молики – эгаси бўлмиш Холиққа нисбатан одоби қанчалик юқори экан”, деганларини эшитдим, билдимки, бундан у зот хурсанд бўлибдилар.”

Маълум бўлмоқдаки, Охунд дада таълим жараёнида одоб меъёрларига қаттиқ риоя қилганлар. Бу маънога асарларида ҳам алоҳида урғу берганлар.

*Ота бирлан онани фарзандисан таъзим қил,
Чорпо билмас адаб фарзанди Одам айлагай.*

Аллома, беодоблик икки дунё хижолатлигига сабаб бўлади, дейдилар.

¹⁰¹ Қаландархона мадрасаси Марғилондаги энг катта мадрасалардан бўлиб, уни 1790 йилда Абдуваҳоббой қурдирган. Унинг 36 та хужраси ва 3 та дарсхонаси бўлган. 1893 йилда мадрасада 67 нафар талаба сабоқ олган. Бу ерда мударрислар Мулла Охунжон, Мулла Охунзиё талабаларга дарс берганлар. Бошқа бир маълумотда Ҳасанхўжа Эшон 1826 йилда Марғилон шаҳрининг Қаландархона даҳасида ўз номида мадраса қурдириб, унга 969 таноб ерни вақф қилиб бергани айтилган. (И.А.Алимов. “Кўкон хонлиги Марғилон вилояти (шаҳри) мадрасалари тарихидан.” Илмий хабарнома. АДУ. №2 2012 йил.)

*Юрсин ҳамиша банда ҳидоят қилиб талаб,
Қўйсин қадамни кўнгилда ниятни яхишлаб,
Икки жаҳон саодатиға яхилик сабаб,
Бўлгай хижолатинга сабаб, бўлма беадаб,
Асбоблар сабабланишини ҳам Худо қилур.*

Одобдан бебаҳра киши Ҳақ таолога яқин бўлишдан ҳам маҳрум қолиши мумкин экан, чунки у ер – одоблилар даргоҳидир.

*Адабгоҳи муҳаббат расмидин бебаҳрадир кўнгил,
Бориб бу булҳавас маҳруми қурбат бўлса, найларсан.*

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруху) ҳазратлари: “Тариқат йўли одобдан иборат, ҳар бир ҳол, ҳар бир мақомнинг одоби бор, ким одобни ушласа у энг юқори мақом соҳиблари етган манзилга етади. Одобдан озгина нуқсонга йўл қўйилса, нимаики қилинса ҳам беадаблик кўринади,” – деганлар.¹⁰² Абдуллоҳ ибн Муборак: “Биз илмнинг кўпидан кўра одобнинг озига муҳтожроқмиз”, – дейдилар.¹⁰³

Охунд даданинг ёшлиқлариданок илм-маърифатга рағбатлари кучли бўлгани қуйидаги воқеадан ҳам англашилади. Айтишларича, ўша даврда қишлоқда бир саховатли бой узоқ йилда фарзанд кўргани шарафига қирқ кун зиёфат беради. Қишлоқ аҳлига қўшилиб талабалар ҳам зиёфатга кирадилар. Аммо Охунд дада зиёфатдан илмни афзал билиб ёлғиз бир ўзлари дарсга қатнайдилар.¹⁰⁴

Изланишлар асносида биз нодир кўлёзма – Охунд даданинг талабалик йиллари ёзган шеърларини топишга эришдик. Ҳали муайян таҳаллус қўлламай туриб ёзилган мазкур шеър бизга

¹⁰² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. “Баҳоуддин Балогардон” Т.: “Ёзувчи” нашриёти.1993, 69-б. Бундан кейин: “Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балогардон”.

¹⁰³ Абул Қосим Ал-Қушайрий. “Ар-рисола ал-Қушайрийя”. Байрут – 1412/1991. 285-б. Бундан кейин: “Абул Қосим Ал-Қушайрий. “Ар-рисола ал-Қушайрийя”.

¹⁰⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Солижонобод. 2014.

муаллифнинг талабалик пайти дунёқарашлари, илмга бўлган рағбатлари ҳақида тасаввур беради.

Назм

*Шукри беҳад қиламиз келди муборак рамазон,
У таборак ва таоло бизга қилди эҳсон.*

*Жону дил бирла қилиб ҳурматини тутганлар,
Бўладур жаннатул аълода Худога меҳмон.*

*Ҳаммадин илми шарият ўқумоқ биза зарур,
Бўладур илми диёнатла камоли имон.*

*Бандаликдин гараз асли илму амал,
Беамал борса қиёмат куни бўлғай армон.*

*Банда минг йил яшаса, охири бир кун кетур,
Дасти холий бориши фикрини қил эй нодон.*

*Бу жаҳон “мазраи уқбо” дедилар ҳазрат,
Ҳарна эксанг оласан тонгла мисоли деҳқон.*

Мулла Абдуссамад охунд.¹⁰⁵

Охунд дада масжид имоми

Маълумки, ҳар бир масжид ўзи жойлашган ҳудуд маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганидек, Охунд дада таълим олган масжид ҳам кишлоқ аҳолиси маънавий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этган.

Айтишларича, XIX аср охирларида қурилган ушбу масжидни шу маҳаллалик савдогар Раҳматуллоҳ ҳожи Исмаатуллоҳ ҳожи ўғли қурдирган. Хонақоҳ ва айвондан иборат, минора ва саҳнида каттагина ҳовузи бўлган мазкур масжид ўтган асримизнинг ўттизинчи йилларигача фаолият кўрсатган, кейин эса кўплаб бошқа

¹⁰⁵ Мазкур шеър Абдуссамад Охунднинг ёзёвонлик шогирдлари Абдусаттор ҳожи Абдурахмон ўғли хонадонида сақланади.

масжид-мадрасалар қатори¹⁰⁶ ўша давр хужумларига учраб, жамоа ҳўжалиги ихтиёрида кимёвий ўғитлар сақланадиган омборга айлантирилган. Эллигинчи йилларга келганда бузиб юборилган ва ўрнига айжувоз бино қилинган.

*Масжидни фалак гардиши қилди вайрон,
Ҳушу хирад аҳли сабабидан ҳайрон,
Ғафлат аҳлига фарқи билинмай чандон,
Тоат нима, исён нима, қайси тугён,
Дарку даражотинг, биласанму ё йўқ?!*

Ўша даврда мадрасани битириб келган талабалар масжид ва мадрасаларда, қозихоналарда турли лавозимларда хизмат қилишган. Улар орасида ўзи таълим олган масжидда имомлик вазифасида хизмат қилганлари ҳам бўлган. Мадрасага киришдан олдин бўлса-да, Охунд даданинг ҳаётида ҳам шундай бўлган. Бунинг воқеаси шундай бўлган.

Охунд даданинг масжид фаолиятидаги мунтазам иштироклари масжид қавми, шу жумладан устоз Иброҳим халифага манзур бўлган. Бу эса кейинчалик ўз вазифасига талабалар орасидан у зотни муносиб топишига сабаб бўлган.

1909 йил. Бир куни Иброҳим халифа намоздан кейин йиғилган жамоатга: “Биродарлар, шунча йил бирга ибодат қилдик, энди кексайиб қолдим, ўрнимга бир муносиб киши хизмат қилиши керак, агар рози бўлсангиз бу хизматга Абдуссамад қорини тавсия қилмоқчиман, – дейди ва сиз қатори мен ҳам унинг орқасида туриб намоз ўқисам”, дея кўшиб кўяди. Таклифдан ҳамма рози бўлади, балки бу ҳамманинг дилидаги гап эди. Шундай қилиб, Охунд дада масжидда имомлик қила бошлайдилар. Шу пайтда ёшлари 21 да эди.

Охунд даданинг маънавий ҳаётларида биринчи устоз Иброҳим халифанинг ўрни катта бўлгани учун у зот ҳурмати уни бутун умр сақлаб ўтганлар. Буни устоз вафотидан кейин унинг авлодларига

¹⁰⁶ Каримов Э., Гаюпова Ш. Ўзбек миллий-маънавий тараққиётида мукаддас кадамжо ва зиёратгоҳларнинг ўрни. ТИУ. Илмий-таҳлилий ахборот. Т.: 2004, 4-сон. 48-б.

кўрсатган эҳтиромларида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақда Фазлиддин махдум Абдулжалил охунд ўғли шундай дейди:

“Иброҳим халифа мени она томондан бобом эдилар. Катта бувим беморлик пайтида бизнинг ҳовлимизда туриб шу ерда вафот қилдилар. Бу ҳақда хабар бериш учун саҳар пайти Охунд дада ҳовлиларига кириб бордим. Эшикни итарсам очик экан, секин ичкарига кирдим. Охунд дада бедор эканлар. Бориб воқеани айтдим. Эшитиб: “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун” (Мусибат етганда айтиладиган истиржоъ калимаси бўлиб, “Албатта, бизлар Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта у зот (хузури) га қайтувчилармиз” мазмунида. Бақара сураси, 156-оятдан), ҳай-ҳай, шундайми, бувингиз устозимизнинг қизлари эди”, – дедилар ва баъзи фазилатларини тилга олдилар. Кейин менга дафн билан боғлиқ ишларда маслаҳат ва кўмак бериб кузатиб кўйдилар. Жаноза намозига ҳам ўзлари бош бўлдилар.”¹⁰⁷

Қавмлар муҳаббати

Маълумки, қадимдан тариқат шайхлари ва шариат уламолари ўртасида вояга етган қизларини шогирдлари орасидан ахлоқ ва одоби манзур бўлганларига узатиш одати кўп кузатилган. Бу уларнинг фарзандлари тақдирига бефарқ эмаслиги билан баҳоланса, бошқа тарафдан ҳадиси шариф мазмунига амал саналган.

Имом Термизий “Сунан”да, Байҳақий “Шуаъб ул-имон”да ва Табароний “Мўъжам ул-авсат” да Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Агар қизингизни кўлини сиз унинг дини ва хулкига рози бўлган киши (лардан бири) сўраб келса, унга узатинглар, акс ҳолда катта фитна ва фасод бўлиши мумкин”.¹⁰⁸

¹⁰⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

¹⁰⁸ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”. Дорул кутубул илмийя. Байрут. 3-ж, 394-б; Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бақр ал-Байҳақий. “Шуаъб ул-имон”. 7-ж, 82-б; Табароний. “Ал-муъжам ал-авсат”. 15-ж, 350-б. <http://www.alsunnah.com>

“Тухфат ул-Ахвазий” муаллифи Муборакфурий мазкур ҳадис шарҳида бу, қиз узатишда биринчи ўринда диёнатни эътиборга олиш зарурлигини англатади, деган.¹⁰⁹

Ислом тарихи бу каби мисолларга тўлиб тошган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан тортиб саҳобалар, тобеъинлар, кейинги давр мусулмон вакиллари ўртасида буни кўплаб мисолларини кўрамиз. Буюк тасаввуф шайхи Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруҳу) ҳам қизларини шогирдлари Алоуддин Атторга никоҳлаб беришлари шу тариқа кечган эди.¹¹⁰

Шу ўринда машҳур тобеъин Саид ибн Мусаййабнинг қизини Абу Вадоага никоҳлаб бериш воқеасини эслаб ўтсак. Бу ҳақда Абу Вадоа шундай дейди:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида Саид ибн Мусаййабнинг дарс ҳалқасида суҳбат тинглаб юрар эдим. Бу йиғин бошқалардан кўра тингловчиларининг кўплиги билан ажралиб турар эди. Кишилар бири-бирини елкасига минадиган даражада зич ўтиришар эди. Шундай кезларнинг бирида аёлим вафот этиб бир неча кун дарсга бора олмадим. Саид ибн Мусаййаб хавотир бўлиб мен ҳақимда шерикларимдан сўрадилар. Лекин ҳеч ким аниқ жавоб бера олмабди. Бир неча кундан кейин ўзим суҳбатларига бордим. Мени кўриб ҳол аҳвол сўрадилар ва: “Эй Абу Вадоа, қаерларда қолиб кетдинг?” – дедилар.

– “Аёлим вафот этиб қолди шу билан машғул бўлиб қолдим”.

– “Ана холос, бизга хабар қилмабсан-да, сенга кўмаклашардик, мусибатинга шерик бўлар эдик?!”

– “Раҳмат, Аллоҳ рози бўлсин! Ҳамма иш битди”, – дедим ва турмоқчи бўлдим.

Шунда, бир оз тура тур, деб мени тўхтатиб қўйдилар. Ҳамма тарқагунича у ерда қолдим. Ҳеч ким қолмагач: “Абу Вадоа, уйланиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрдингми?” – дедилар.

¹⁰⁹ Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Муборакфурий. “Тухфат ул-Ахвазий”. Дорул кутуб ал-илмийя. Байрут. 4-ж, 172-б. Бундан кейин: “Муҳаммад ал-Муборакфурий. “Тухфат ул-Ахвазий”.

¹¹⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балогардон”... 102-б.

Мен: “Аллоҳ рози бўлсин, менга ким ҳам қизини берар эди, мен етимликда ўсган ва фақирликда кун кўрадиган, бир кунда икки ё уч дирхамнигина зўрға топадиган киши бўлсам”, – дедим. У киши: “Мен бераман қизимни”, – дедилар.

Буни эшитиб тилим тутулиб қолди ва: “Сиз берасиз қизингизни?! Мени қандай аҳволда эканимни билиб туриб-а?” – дедим.

“Ҳа, мен бераман, чунки биз қизимизнинг кўлини биз унинг дини ва хулқига рози бўладиган киши сўраб келса, унга берамиз, сен бизнинг назаримизда дини ва хулқига рози бўлган кишилардансан” – дедилар. Сўнгра масжиддан чиқиб кетаётган кишилардан баъзиларини чақирдилар. Улар келишгач дарҳол никоҳ хутбасини ўқиб, қизларини менга никоҳлаб қўйдилар. Махр¹¹ни икки дирхам қилиб белгиладилар...

Мен у ердан хуши учган одам каби қараётган бўлиб уйимга келдим. Ўша куни рўзадор эдим, рўзамни ҳам унутиб ўзимга ўзим: “Шўринг қурсин, Абу Вадоа, нима қилиб қўйганингни биласанми? Энди кимдан қарз оласан, кимдан мол сўрайсан?” – дер эдим.

Шу ўй-хаёллар билан ифтор вақти кирганини ҳам билмабман, шомга озон айтилди. Дарҳол шомни ўқидим-да, ифторликка ўтирдим. Бир лукма олмасимдан туриб эшик тақиллади.

“Ким у?” – дедим.

“Мен, Саид...” – деди.

Аллоҳга қасамки, шунда хаёлимдан исми Саид бўлган мен билган барча кишилар ўтди. Фақат Саид ибн Мусаййаб ўтмадилар, чунки у зот қирқ йилдан бери фақат масжид билан уйлари ўрасидагина кўринар, ундан бошқа ерда кўринмаган эдилар. Неча хил ўй билан эшикни очдим. Очсам, не кўз билан кўрайки, Саид ибн Мусаййаб турар эдилар. “Келинг тақсир, чақирганингизда ўзим борар эдим”, – дедим.

¹¹ Никоҳ пайти куёв тарафидан келинга бериладиган маълум миқдордаги ҳақ. Бу келинларнинг қизлик ҳаққи бўлиб, унга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида қаралади. Унинг энг ози ҳанафий мазҳабида ўн дирхам қилиб белгиланган. Бу ҳақда фикҳ китобларининг никоҳ аҳкомлари баён қилинган бобларида батафсил маълумотлар бор.

– “Йўқ, бугун сен бизникага боришингдан кўра биз сеникага келишга лойикроксан”, – дедилар. Ўзимни ноқулай ҳис қилиб:

– “Қани, ичкарига марҳамат”, – дедим.

– “Йўқ, мен бир иш билан келган эдим”.

– “Бош устига, нима экан?”

– “Бугун кундузидан бошлаб қизим шариат бўйича сенинг жуфтингга айланиб қолди. Мен биламанки, сен билан кечаси бирга тунагани ҳамроҳинг йўқ, жуфтинг бўла туриб алоҳида-алоҳида ётишларингни хоҳламадим, уни олиб келяпман”, – дедилар.

– “Вой шўрим, олиб келдингизми?!” – дедим, хайратдан ўзимни туголмай.

– “Ҳа”, – дедилар. Қарасам, орқаларида турганини кўрдим.

Унга: “Қизим, Аллоҳнинг номи ва баракоти билан жуфтингни уйига кир”, – дедилар. У энди кирмоқчи бўлганида хижолатдан этагини босиб олиб йиқилиб тушишига сал қолди. Мен нима қилишим ва нима дейишимни билмай ҳамон хушим учиб турар эдим. Кейин бир оз ўзимга келдим-да, дарҳол дастурхонга югуриб, кўриб қолмасин учун ундаги зайтун – ёғ билан қотган нонни чирок ёруғидан суриб кўйдим. Кейин дарҳол қўшнилариمنى чақирдим, улар чиқиб мендан аҳвол сўрадилар. “Бугун кундузи масжидда Саид ибн Мусаййаб қизини менга никоҳлаб берган эди, ҳозир эса уни ташлаб кетди, унга парво қилинглр”, – дедим.

Улардан бири: “Эсингни еб қўйдингми, нималар деяпсан? Ахир Саид ибн Мусаййаб сенга қизини берадим, яна ўзи етаклаб келармиша-а?!” – деди. “Ваҳоланки, халифа уни ўғлига сўраб борганида унга бермаган бўлса!!”.

Мен: “Ҳа шундай, ишонмасанглр қаранглр, ана у” – деб унга ишора қилдим. Улар ишониб ишонқирамай унга қарадилар ва кейин унга парво қила бошладилар. Шуни устига онам ҳам келиб қолдилар ва воқеани тинглаб уни эртасига менга кўрсатадиган бўлишди.

Мен рози бўлдим. Эртасига ҳузурига кирсам, уни Мадина аёлларининг энг гўзали, уларнинг ичида Аллоҳнинг китобини энг кўп билувчи, Расуллоҳ ҳадисларини энг кўп ёдлаган, эрнинг ҳақини улардан кўра кўп танувчирок эканини кўрдим...

Бир икки кундан кейин мен яна Саид ибн Мусаййаб ҳузурига дарсга бордим, у зотга салом бердим, алик олгач индамадилар. Мажлис тугаб, ҳеч ким қолмагач: “Эй Абу Вадоа, аёлингни аҳволи қандай?” – дедилар.

“Алҳамду лиллоҳ, дўстлар рози бўладиган ҳолатда”, – дедим.

“Алҳамду лиллаҳ”, – дедилар. Уйга келсам ҳаётимизни яхшилаб олишимизга кифоя қилгудек мол-мулк жўнатиб юборганларини кўрдим”.¹¹²

Айтишларича, Саид ибн Мусаййабдан қизларини халифанинг ўғлига бермай, бир камбағал йигитга берганлари ҳақида қизиқиб сўрашганда шундай жавоб берганлар: “Қизим бўйнимдаги омонат эди, мен унга фойдасига иш қилдим”.

– “Қанақасига?”

– “Ахир, қизим бани Умайянинг қасрларига кўчиб ўтиб юмшоқ жойларда яшашса аҳволи қандай бўлишини нима деб ўйлайсиз? Атрофида хизматкорлари бўлиб айтгани сўзсиз бажарилса?! Сўнгра бир муддатдан кейин ўзини халифанинг хотини бўлганини кўрса, у ҳолда унинг дини қаерда қолади?!”¹¹³

Маълумки, масжидда имомтлик қилиш ўта нозик мш бўлиб, кишидан катта ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни талаб қилади. Қолаверса, меҳроб Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи васалламнинг ўринлари, унда турган кишини у зот (алайҳиссалом) га ворис деб қаралади. Бинобарин, фикҳ китобларида бу билан боғлиқ масалалар алоҳида боб остида ўрганилиб, унда имом бўлувчи учун зарур барча шартлар баён қилинган.¹¹⁴ У энг аввало тақволи бўлиши, суннат илмларини яхши ўзлаштирган бўлиши, инсон шахсини булғайдиган айб ишлардан узоқ бўлиш зарур. Ахлоқ китобларида

¹¹² Абдураҳмон Раъфат ал-Бошо. “Суварун мин ҳаёт ат-тобеин”. Дорул адаб ал-исломий. Байрут, 1423/2002.201–207-бетлар.

¹¹³ Абдураҳмон Раъфат ал-Бошо. “Суварун мин ҳаёт ат-тобеин”... 207-бет.

¹¹⁴ Алоуддин Масъуд ал-Косоний. “Бадойеъ у-санойеъ фий тартиб аш-шаройеъ” Дорул кутуб ул-илмийя, Байрут.1997. 2-ж, 123-б.

унинг иффати, яъни кишилар кўлидаги нарсалардан кўнгли тўқ бўлиши маънавий шарт сифатида таъкидланади.¹¹⁵

Шариат бўйича фосиқ (шариат манъ қилган гуноҳлардан сақланмаган киши) имомлигида намоз ўқиш жоиз, деб кўрсатилган бўлса-да,¹¹⁶ тақволи кишилар бошчилигида ўқилган намознинг фазилати ортиқ экани айтилган.

Ибн Асокир “Тарихи Димашк” китобида куйидаги воқеани келтиради: “Кунларнинг бирида Абу Убайда (бошқа бир ривоятда Абу Аюб) жамоат намозига имом бўлади. Намоздан кейин жамоатга: “Шайтон намозда, “Сен орқангда турган кишилардан афзалсан”, деб мен билан шундай олишдики, энди бундан кейин намозга мен имом бўлмайман”, – дейди.¹¹⁷ Ваҳоланки, ҳар иккилари ҳам буюк саҳобийлар эди.

Шайхи Боязид Бистомий бир имомнинг орқасида бир муддат намоз ўқиб келадилар. Бир куни у шайхдан: “Сиз ҳеч қандай меҳнат қилмайсиз, қаердан еб-ичасиз?” – деб сўрайди. “Тўхтаб тур, мен олдин орқангда туриб ўқиган намозларимни қайтариб ўқиб олай, кейин айтаман, чунки, сен Аллоҳ таолони танимас экансан, Уни танимаганларнинг намози қабул бўлмайди”, – дейдилар.¹¹⁸

Охунд дада табиатан покиза ва диёнатли бўлиб вояга етганлари имоматлик вазифасини ўта хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан адо этишларига олиб келган. Бу эса шу маҳаллалик Муҳаммад Халил ҳожи ота ўз набирасини у зотга никоҳлаб беришига сабаб бўлади. Бунинг воқеаси шундай бўлган.

Бир куни ўз имомлари ахлоқидан сўз очган масжид қавми у зотни аввалги рўзғорлари бардавом бўлмаганини афсуслик билан тилга олиб, агар шу йигитни оила қуришига кўмак берилса саз бўларди, дейишади. Шунда Муҳаммад Халил ҳожи бир қанча

¹¹⁵ Абу Саъид Ходимий. “Барикайи Махмудия шарху Тарикайи Муҳаммадия”. Мағбаату шарикати саҳофийя. 1318- х. 2-ж, 216.

¹¹⁶ Алоуддин ал-Косоний. “Бадойеъ у-санойеъ фий тартиб аш-шаройеъ” ...2-ж, 122-б.

¹¹⁷ Имом Ҳофиз Абул Қосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абдуллоҳ Аш-Шофеъий (499-571 х). “Тарихи Димашк”. Дорул фикр. Байрут – Лубнон, 1419/1998.16-ж, 50-б.

¹¹⁸ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 127-б.

вақтдан бери айтолмай келаётган фикрини айтиш имкони келганини англаб: “Агар Мулла Охунд қабул қилса, мен набирамни никоҳлаб берар эдим”, – дейди. Айни пайтда унинг ўғли Абдулжалил охунднинг бўйига етган кизи бор эди. Йигитни чақириб бундан хабардор қиладилар. Охунд дада бир оз ноқулай ҳолатга тушсаларда, аҳллари билан маслаҳатлашгач розилик берадилар. Айни пайтда Охунд даданинг ёшлари ўттизда эди.

Ҳожи ота уйига бориб ўғлига: “Абдулжалил, сендан берухсат бир иш қилиб қўйдим, набирам Биби Робияни Абдуссамад Охундга никоҳлайдиган бўлдик”, – дейди. Бобонинг ишидан ота ҳам рози бўлади, чунки бу омонат бўлмиш фарзандига муносиб жуфт ташвишида турган ота учун катта ёрдам эди. Шундай қилиб Охунд дада оилали бўладилар ва бу никоҳдан ўн фарзанд туғилади, олти нафари ёшлигида вафот этиб, бир ўғил, уч қиз вояга етади.

Қайнота Абдужалил охунднинг мазкур никоҳдан хурсандлиги унинг Охунд дадага муносабатларида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу ҳақда фарзандлари Фазлиддин махдум шундай дейди:

“Отам Охунд дадани қаттиқ ҳурмат қилар эдилар, баъзан менга шундай дер эдилар: “Агар менинг ишим билан кетаётган бўлсанг, Охунд дада кўриб қолиб, қаерга кетаяпсиз, деб сўрасалар, бекорман, бир айланиб кетаяпман” – деб айт. Бирор хизмат буюрсалар дарҳол ўшани бажар, менинг ишим қолиб кетса ҳам майли, розиман.”¹¹⁹

Пешона тери билан нон топиш

Абдуссамад Охунд дада оила қурганларидан кейин масъулият янада кучаяди. Бирин кетин туғилган фарзандлар, қарамоғларида бўлган сингиллар ва улар фарзандларини ҳам моддий ва маънавий тарбияси бир киши учун албатта оғир эди. Ҳатто ҳалол йўл билан нафақа топиб рўзғор тебратиш у зотни одамлар хонадонида меҳнат қилишга мажбур қилади. Кейинчалик ўша қунларни эслаб, шундай деган эдилар: “Мадрасани битириб

¹¹⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик, 2014.

қайтганимда ҳам шароит оғир эди, ҳеч қандай иш йўқ. Шунда ночор катта бир кетмонни олдим-да, талаби ҳалол ниятида бозорга бордим ва икки-уч йил давомида меҳнат қилиб рўзғор тебратдим”.

Ўзларининг айтишларича ана шу пайтларда менга ҳақ тўламоқда, деб намоздан бошқа нарсага чалғимай, дам олмасдан хонадон хизматини сидқидилдан бажарар эканлар. Бировлар хонадонидида меҳнат қилиб нон топишнинг ўзига яраша нозик жиҳатлари бор. Чунки ўзгалар хонадони бошқалар учун ҳалол эмас. Ҳар ким ҳам бу ишни шаръийга мувофиқ бажара олмайди, ўзи билмаган ҳолда турли ноқулайликларга тушиб қолиши мумкин. Бежиз, исломда ижара – бировни хизмат қилдириш ва у билан боғлиқ масалалар алоҳида боб остида ўрганилмайди. Охунд дада мазкур хизматни ҳалоллик ва эҳтиёткорлик билан қилганлари боис, у зот фурсатини кутиб юрган кишилар кўп бўлган экан.

*Ол ўзингдан шаръини андозаси бирлан хабар,
Етмасун халқи Худога кори борингдан зарар,
Дар қадам айлаб назарни қил қадамни дар назар,
Юрма мухталан фахурон гарчидурсан номвар,
Халқ аросида тавозе бирла хуш рафтор қил.*

Охунд дада мадраса талабаси

Рўзғор ташвишлари ва оила нафақаси билан машғул бўлсаларда, Охунд даданинг қалбида илм ва маърифатга ташналик барибир кучайиб бораверган. Лекин шу вақтгача бирор мадрасага кириб таълим олиш муяссар бўлмайди. Қўллари бир оз бўшаганидан кейингина у зотга илм ўқиш имкони очилади ва Марғилондаги машхур Подшо Искандар мадрасасига кириб, уни тўлиқ тугатадилар.

Баъзи маълумотларда Чуқур мадрасага кирганлари айтилган. Лекин бу ўз исботини топмади. Ушбу мадраса шаҳардаги Боғишамол маҳалласида собиқ Байналмилал артели ўрнида жойлашган. Боғишамол мадрасаси алоҳида мадраса бўлиб, архив ҳужжатларида у ҳақда маълумот бор. Унга кўра, мадрасани ҳижрий 1262 (милодий 1845) йилда Содикбой Холдорбоев қурдирган.

Мадраса фаолиятини юритиш учун Содиқбой унга Шаҳрихон қишлоғидаги Бўстон ариғидан суғориладиган еридан тахминан 180 таноб ажратиб, вақф қилиб берган. Мадрасага унинг жануб томонидаги 12 та дўкон ҳам вақф қилинган.¹²⁰

Бошқа бир ҳужжатда берилган маълумотга қараганда, Эски Марғилон шаҳридаги Содиқбой Холдорбоев мадрасасининг Марғилон уезди Сегаза волостининг Дўрман қишлоқ жамоаси Кирбош Хидир Шо даҳасида 31 десятина (1,092 гектар ёки 4 танобга тенг) 1340 сажендан иборат битта ер участкаси бўлган.¹²¹ Содиқбой Холдорбоев ўз номидаги мадрасага вақф мулки эҳсон қилгани тўғрисида маҳаллий қозига вақфнома туздирган. Вақфномани қозилар ва Худоёрхон ҳижрий 1262 йилдаги муҳри билан тасдиқлаган. Боғишамол мадрасасининг 13 та ҳужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган 25 нафар талабага мударрислар Муҳаммадjon ва Муҳаммад Мусо сабоқ берганлар.¹²²

Подшо Искандар мадрасаси шаҳарнинг “Подшо Искандар” деб аталувчи зиёратгоҳ ёнида жойлашган бўлиб, ўзининг нуфузи ва дарс жараёнлари билан шаҳардаги бошқа мадрасалардан ажралиб турган. Мадраса Марғилонда XIX асргача етиб келган энг қадимги мадраса саналади. Мадрасанинг дастлабки асл нусха вақфномаси эскириб, йиртилиб кетгани сабабли ҳижрий 1290 (милодий 1874) йили Худоёрхон буйруғи билан эскиси асосида янги вақфнома тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган бу вақфномада кўрсатилишича, Подшо Искандар мадрасаси ва масжидини 826 ҳижрий (милодий 1422) йилда ўша даврдаги мамлакат ҳукмдори Муҳаммад шайх Али Ашир Хизр Вали ўғли қурдирган. Вақт ўтиши билан мадраса ва масжид эскириб шикастланган, вақфномалар ҳам чириб бир қисми уқаланиб йўқолган. Олимхон Норбўта ўғли (1798-1809) рухсати билан мадраса биринчи таъсисчиси вақф қилган вақф мулклари даромади ҳисобига

¹²⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34730-иш.

¹²¹ ЎЗР МДА, И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34730-иш.

¹²² И.А.Алимов. “Кўкон хонлиги Марғилон вилояти (шаҳри) мадрасалари тарихидан.” Илмий хабарнома. Андижон Давлат Университети. №2 2012 йил.

қайта қурилган ва “Подшо Искандари нав” “Янги Подшо Искандар мадрасаси” деб номланган. 1898 йилдан шу номда фаолият олиб борган.

Мадраса 31 та хужра, дарсхона, ёзги ва қишки масжиддан иборат бўлган. Бу ерда мударрислар Бузрукхўжа қози, Мулла Муҳаммад Раҳим, Домулла Абдулқано, Мулла Муҳаммад Қобил, Домулла Раҳматулла аълам хизмат қилган. 1893 йилдаги маълумотга кўра, мадрасада 80 нафар талаба таълим олган.¹²³

Биз ўтган асримизнинг тўқсонинчи йилларида олиб борган изланишлар асносида мазкур мадрасада таълим олган талабалардан Қўрғонча қишлоғилик мулла Йўлчи домла (1903-2000) билан суҳбатлашган чоғимиз мадраса билан боғлиқ хотираларини шундай эслаган эдилар:

«Мадраса бош мударриси Бухорий домла эдилар. Ўша даврда масжидда «Аврод»¹²⁴ ўқилар эди. Ҳар куни бомдоддан кейин офтоба олиб келган кишиларга масжид атрофи тўлиб кетар эди. Сабаби анҳор суви масжид олдига келиб қайрилиб оқар эди. Сувга зикрнинг файзи тушган, деб табаррук билиб олиб кетишар эди.

Масжид имом-хатиби мулла Орифжон охунд эдилар. Ўттизинчи йилларда вафот этганлар. Бухорий домладан кейин мадрасага куёвлари Почча домла (мулла Эгамберди) мударрис бўлдилар. Кейин Мирза Мусо охунд бўлдилар. Учинчи мударрис Аҳмадали махдум, тўртинчилари Гармдори маҳаллалик Маҳбубхон тўрам, бешинчилари Авлиёхон тўрам, олтинчилари мулла Ҳасан Тожиқ эдилар. Кейинроқ қатагон йиллари Аҳмадали махдум, Яҳёхон

¹²³ И.А.Алимов. “Кўкон хонлиги Марғилон вилояти (шаҳри) мадрасалари тарихидан.” Илмий хабарнома. Андижон Давлат Университети. №2 2012 йил.

¹²⁴ Ҳафтанинг ҳар бир кунда ўқиладиган махсус дуо ва саловатлардан иборат зикрлар тўплами. Уни дастлаб Муҳаммад ибн Усома (Усома ибн Зайд розияллоху анхунинг ўғиллари) Исфаҳон шаҳрида тасниф этган. Нақлга кўра, Муҳаммад ибн Усома Ажамда (Исфаҳон шаҳрида) эътиқоди бузук бир қавм қўлига асир тушиб қоладилар. У кишини тутиб ҳибс қиладилар. Шунда тушларида Пайғамбаримиз Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламни кўрадилар. Расулulloх: “Эй Ибн Усома! Бу холингдан ғамгин бўлма! Туриб Мухсаф (Қурьони карим) дан ҳафтанинг етти кунни учун етти вирд (вазифа ва дуолар) чиқаргин”, дейдилар. Шунда у зот мазкур дуо ва вирдларни чиқарадилар ва уни ўқиб ҳибсдан халос бўладилар. (Авроди шариф. Таржимон ва изоҳлар муаллифи Мирзо Кенжабек. Тошкент: “Шарк”, 2013.3-бет.)

*махдум ва Абдуллахон махдум ва улар билан бирга яна бир уламони НКВД бир кечада олиб чиқиб кетиб қаманган эди».*¹²⁵

Ўша даврларда шаҳар атрофидаги қишлоқлар аҳолиси олий диний таълим олишлари учун фарзандларини асосан, Марғилон мадрасаларига олиб келишган. Шаҳардаги Хонақоҳ, Подшо Искандар, Қаландархона мадрасаларига келиб таълим олган талабалардан Шаҳартепа қишлоғидан Мулла Акбарали охунд, Деҳқонобод қишлоғидан Мулла Ортиқали эшон, Катта Кўрғонча қишлоғидан Мулла Йўлчи домла, Абдулхалил қори, Пахтакор қишлоғидан Мўминжон Охунд домла, Олтиариқ қишлоғидан Ҳадятуллохон эшон, Мулла Муҳаммад Қосим қори, Ғиштон қишлоғидан Мазҳариддин махдум, Сўкчилик қишлоғидан Мулла Тўракул домла, Кўрғонча қишлоғидан Мулла Абдурахмон домла, Полмон қишлоғидан Муҳаммад Мусобек Бекий ва бошқалар номини келтириш мумкин.

Охунд даданинг ёшлари анча ўтиб қолгани мадрасада дарсларни ўзлаштиришларига жиддий таъсир қилади. Ҳатто баъзи талабалар бошқача назар билан ҳам қарашгача борган, лекин тез орада улардан ўзиб кетганларини кўргач, хижолат бўлишган экан. Дарвоқе, Охунд дада аввалига мулла Эргаш исмли шериклари билан Бухорога бориб у ердаги мадрасалардан бирига жойлашганларини ҳам эслатиш жоиз. Лекин нимадирки, таълим охирига етмай, қайтиб келганлар. Эҳтимол, бунга ҳам моддий қийинчиликлар сабаб бўлгандир.

Маълум бўлмоқдаки, Охунд дада ёшликларидан йигитлик вақтларини ғанимат билиб қай йўл билан бўлса-да, илм ҳосил қилишга интиланлар. Кейинчалик бу билан боғлиқ қарашлар асарларининг муҳим мавзуларидан бирига айлангани ҳам шундан. Мазкур маънолар билан боғлиқ фикрларини билан алоҳида боб остида ўрганиб чиқсак.

Ҳаёт ва умрнинг ғанимат билиш

¹²⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Кўрғонча.1996.

Аллома кишига берилган ҳаёт омонат экани, уни беҳуда ишларга сарф этмай, оқилона фойдаланиб қолиш, кишига энг афзал иш бу ибодат эканини эслатиб шундай дейдилар:

*Ганимат бил ҳаётингни неча йил танда омонатдур,
Омонат жон учун ҳирсу ҳаво мунча на ҳожатдур,
Билинг одамга афзал, барчадин роҳи ибодатдур,
Ҳаёти борича шаръи набийда истиқоматдур,
Ҳавойи нафс ила умри азизингни тугатмасдан.*

* * *

Аллома мазкур фикрларини ибратли мисол ва гўзал тамсиллар билан уларини қувватлайдилар.

*Ҳаёти Хизр агар кўрсанг етар муддатга поён бор,
Ажални жилвасидан чашми ибратга намоён бор,
Жаҳонда файзу қудратдан бўлак на боғу бўстон бор,
Дегил фасли ҳазонни кўрмаган қаерда гулистон бор,
Фано боди тегиб бир кун қилиб вайрон кетар бир кун.*

“Бандаликни вақтидур” радифли мухаммасда келтирилган маъноларга қулоқ тутсак, айна ҳақиқат эканига амин бўламиз.

*Қил талаб роҳи ҳидоят бандаликни вақтидур,
Яхшиликни айла одат бандаликни вақтидур,
Йўқ ҳаётингда давомат бандаликни вақтидур,
Бил ганимат ушбу соат бандаликни вақтидур,
Тангрига қилгил ибодат, бандаликни вақтидур.*

* * *

*Бу жаҳон Одам атомизга вафо қилган эмас,
Карвон янглиғ кетар келса халойиқ тўхтамас,
Мурғи руҳинга жасаддур икки-уч кунлик қафас,
Бил ганимат, ўтмасун гафлатда Қоил бир нафас,
Айласун ҳифзу ҳимоят, бандаликни вақтидур.*

Дунёнинг ўткинчи эканини айтиб, унинг лаззатларига алданиб қолмасликка чақирган аллома, унинг лаззати аслида захарлидир, дейдилар.

*Бўлмагил мағрури дунё бу кироийи фахр эмас,
Кўз юмиб очгунча фурсатдур, давоми даҳр эмас,
Лаззати дунё тамоми англагил безахр эмас,
Ориф ул бўлгайки, кулфат вақтида боқахр эмас,
На ани зарроу сарро шоду мулзам айлагай.*

Мазкур мисраларни келтирар эканмиз, Рожий Марғилонийнинг “эмасму” радифли ғазалидаги қуйидаги байт ёдимизга келади:

*Дунё танаъумини занбурлик асал бил,
Нўши лазизу аммо ниши ёмон эмасму?!*

Тубандаги мисраларда умр иморатга ўхшатилади, ўтаётган ҳар бир кун бино ғиштларини биттадан камайтириб, тоборо ажал яқинлашиб келаётгани эслатилади.

*Бил ҳаётинг қалъасидан ҳар нафас гишти кўчар,
Бир куни бўлгайки сайёди ажал домин очар,
Мурғи руҳинг анга тоқат айлаёлмасдин қочар,
Ҳирмани имконни ул кунки фано боди сочар,
Сан бақо мулкидаги қилган ибодатдин гапур.*

Қуйидаги мисраларда эса умр оқар сувга ўхшатилади, бу аввалгидан ҳам кўра кишини хушёрликка чақиради, чунки сувдан тез оқадиган нарса бўлмайди.

*Билгилки, ҳаётинг мисли оби равондур,
Кўйган баданинг ичра амонат жондур,
Андиша билан йўқ қадаминг ости тикондур,
Парҳез била тақво сабаби ҳалқи даҳондур,
Андин баракотинг биласанму, ё йўқ?*

Модомики, умр ғанимат экан инсон нима қилиши ва нималарга эътибор бериши керак?

*Ҳаётинг ичра одам давлати уқбони ахтаргил,
Матои охират бўлгунчалик савдони ахтаргил,
Давомат фарзу суннат тоату тақвони ахтаргил,
Топай деб суҳбатин бир олиму донони ахтаргил,
Ҳамиша яхшилик ишни ҳаётингдан унутмасдан.*

Аллома умрни фақат нафс хоҳиши билан ўтказиб юборган кимсаларнинг холи қандай бўлиши ҳақидаги сўзлар билан мавзуни тугатадилар.

*Адо қилсанг ҳаётингни ҳама нафсинг ризосига,
Биродар ўйлагил мундан сенга ортиқ зарар йўқдур.*

Ўша давр мадрасалари ва дарс жараёнлари

Қоил Марғилонийнинг мадрасада таълим олишлари билан боғлиқ маълумотларни келтирар эканмиз, айти пайтда Марғилонда фаолият олиб борган мадрасалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Бу биринчидан, айти давр маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитса, иккинчидан, мадрасаларнинг шароити, ўзига хос хусусиятлари ва дарс услублари ҳақида хабардор қилади.

Маълумки, мадраса олий таълим сифатида таълим тизимининг юқори босқичи саналган. Мактабларда бошланғич таълим берилган бўлса, мадрасаларда олий таълим берилган. Мовароуннаҳрда мадрасалар тарихи IX – X асрларга бориб тақалади.¹²⁶ Мадрасалар мамлакатнинг бошқарув тизими, ҳуқуқ ва таълим тизими учун ходимлар тайёрлаб берган. Тарихий маълумотларда ўша даврда Марғилонда 57 та мадраса бўлгани айтилган.¹²⁷

Архив ҳужжатларида Марғилондаги мавжуд мадрасалардан Узун ҳовуз, Домулла Турсунмуҳаммад Охунд, Намозгоҳ, Муштарий оғим, Бобоҳон қози аскар, Ҳасайни Хусайни хожа эшон, Шайх ул-ислом Бобоҳон, Ҳасанхожи қози калон, Домулла Абдукарим халифа, Абдуваҳҳоб бой, Ҳазрати Муоз ибн Жабал, Исмоил Махдум,

¹²⁶ Абу Бакр Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент, “Фан”, 1966. 84-б.

¹²⁷ Бушков В.И. Сельские мечети Среднеазиатского междуречья// Среднеазиатский этнографический сборник. – М.: “Наука”, 2001. С.119.

Ахмадбой бойвачча, Сарикбой, Эски Подшоҳ Искандар, Янги Подшоҳ Искандар, Домулла Мир Муҳаммад Амин қозикалон ва Қўқмозор мадрасалари ҳақида маълумотлар келтирилган.¹²⁸

И.А.Алимовнинг “Қўқон хонлиги Марғилон вилояти (шаҳри) мадрасалари тарихидан” номли мақоласида юқорида тилга олинган мадрасалар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Улар билан танишар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам дунё харитасида дўппидеккина келмайдиган Марғилонда қадимдан илм-маърифатга эътибор, маҳаллий аҳолининг ҳиммати ва саховатидан бохабар бўламиз.

“Марғилон вилояти мадрасалар сони жиҳатидан Қўқон хонлигида Наманган ва Қўқон вилоятларидан кейин учинчи ўринда бўлган. 1887 йилда Марғилон уезди бўйича 49 та мадраса мутаваллилари вақфномаларни текшириш учун Фарғона вилояти бошқармасига топширган. Марғилон уездининг эски Марғилон (ҳозирги Марғилон) шаҳрида 34 та, қишлоқларида 8 та мадраса Чор маъмурияти томонидан рўйхатга олинган.¹²⁹ 1888 йилдаги маълумотга кўра, 34 та мадрасада 60 нафар мударрис 912 нафар талабага сабоқ берган. Ўртача битта мадрасада 27 нафар талаба ўқиган.

Мадраса, қорихона, масжид, мактабларни марғилонлик бойлар, савдогарлар, тадбиркорлар бунёд этган. Муҳаммад Азиз Марғилоний “Тарихи Азизий” асарининг “Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш маъруфу машҳур аҳли тужжорлар” номли бобида мадраса, масжид, қорихона, мактаблар барпо этган марғилонлик саховатли кишилар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган.¹³⁰

Мадрасада талабалар яшаши учун хужралар, дарсхоналар, кутубхона, намоз ўқиш учун масжид, хонақоҳ ва бошқа ёрдамчи бинолар бўлган. Мадрасанинг асосий ходими мударрис бўлган. Мадрасалар хужралар сонига қараб кичик, ўрта ва катта гуруҳларга бўлинишини эътиборга олсак, Марғилон мадрасалари ўрта

¹²⁸ Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работъ. Выпуск II. Маргеленский уездъ. Составиль С. А. Геппенеръ. Г. Новый Маргеланъ, 1899.

¹²⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 11814-иш.

¹³⁰ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий.- Т.: Маънавият, 1999. 87-89-бетлар.

мадрасалар таркибига кирган. Мадрасалар таъминоти вақф мулки ҳисобидан амалга оширилган. Улар мударрис, имом, муаззин, бошқа хизматчиларга, сарф-харажатлардан қолгани эса мадраса талабалари ўртасида тақсимланган. Мадрасаларда ўз даврининг билимдон муаллим ва мударрислари дарс беришган. Талабалар қайси китобни ўқиётганига қараб гуруҳларга ажратилган.

Мадрасаларда 10 ёшдан 40 ёшгача бўлган саводли кишилар таҳсил олишган. Мадрасада ўқиш 10-12 йил давом этган. Талабаларни уч босқич – адно (қуйи), авсат (ўрта) ва аъло (юқори) босқичга бўлинган”.

Охунд дада Шоҳимардонда

Маълумотларга кўра, Абдуссамад Охунд Қоил Марғилоний иккинчи жаҳон уруши йилларида Шоҳимардон қишлоғида бир муддат истиқомат қилганлар. Фарғона шаҳридан 60 км жанубда, Олой тоғ бағрида жойлашган Шоҳимардон қишлоғи қадимдан кишилар томонидан муқаддас жой сифатида эъзозлаб келинган. Фарғона водийсининг сўлим масканларидан бири бўлган мазкур қишлоқ ўзининг зилол сувлари, осмонпўпар тоғлари-ю, ҳазрат Али номи билан боғлиқ Шоҳимардон зиёратгоҳи билан машҳурдир.

Зиёратгоҳ қадимдан водий халқлари ўртасида Қўқон хонлигидаги энг муқаддас жой сифатида ҳаттоки, қадимги Ўшнинг табаррук жойларидан ҳам машҳур бўлган. Қўқон хонлари ҳам бу ерга зиёратга келиб туриши айтилган.¹³¹ В.А.Парфеньевнинг келтиришича, Худоёрхон 1861 йили Шоҳимардонни зиёрат қилган. Энг қизиғи, кетаётиб Водил марказида тўхтаб, бу ердаги Хожа Аҳмад валий мазорини ҳам зиёрат қилади ва бу ерда кетаётиб дам олиши учун маҳсус ўрда бино этишни режалаштиради. Худоёрхон ўрдабоп жойни ер эгалари бўлмиш Мирзараҳим Парвоначи ва Мирза Ҳамдамдан ҳар бирига 12 тилло баҳосига сотиб олмоқчи бўлади. Бироқ Мирза Ҳамдам Худоёрхоннинг бу таклифига рози бўлмайди. Қачонки, Худоёрхон Мирза Ҳамдамни ўз саройига чакиртириб,

¹³¹ Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – М.: «Географгиз», 1950. С.311.

кимматбаҳо чопон, пул ва бошқа совғаларни инъом қилгач, у ўз ерини сотишга рози бўлади.¹³²

XIX аср охири XX аср бошларида чоп этилган рус географ ва тарихчиларининг аксарияти Фарғона водийси тўғрисида келтирган маълумотларида Шоҳимардон хусусида алоҳида тўхталиб, уни маҳаллий аҳолининг энг муқаддас жойларидан бири сифатида эътироф этганлар.¹³³

Абдуссамад Охунд даданинг Шоҳимардонга боришлари илмларини такрорлаш ва пухталаш учун бўлгани айtilган, бироқ у ерда қанча муддат турганлари маълум эмас. Такрор учун айнан мазкур кишлок танланганига бу ерда жойлашган зиёратгоҳнинг маҳаллий аҳоли ўртасида тутган ўрни сабаб бўлгандир. Чунки Охунд дадагача ўтган ва замондош бўлган бир қанча уламолар ҳам мазкур зиёратгоҳга эҳтиром кўрсатганлари маълум. Чунончи, Охунд даданинг устозларидан Хонақоҳий Ҳазрат Домла зиёратгоҳ шаъни ва фазилатига бағишлаб қатор мухаммаслар ёзган эдилар. Бу ҳақда биринчи китобда келтирилган. Замондошларидан марғилонлик Жалолиддин Қорийнинг¹³⁴ ҳазрат Али шаънида ёзган мухаммаси ҳам шу эҳтиром туфайли бўлган.

Таъкид жоизки, Мовароуннаҳр халқлари орасида кўплаб илм аҳллари дарс такрорлаш мақсадида шу каби азиз-авлиёлар билан боғлиқ зиёратгоҳларга бориб, у ерда бир муддат истиқомат қилиш анъанага айланган бўлиб, улар орасида Шоҳимардон зиёратгоҳи маҳаллий аҳоли, хусусан илм аҳллари кўп мурожаат қиладиган масканга айланган. Масалан, Ўрта Осиёда Ҳожи Мавлавий – Ҳиндистоний номи билан машҳур Мавлоно Муҳаммаджон Хўқандий ҳам талабалик пайтлари мазкур зиёратгоҳга чиққанлари сабабини шундай эслаган эдилар:

¹³² Парфеньев В.А. Селение Вуадил // Ежегодник Ферганского области. Том III Г.Новый Маргелан.1904.С.61.

¹³³ Земля и люди. Всеобщая география. Азиатская Россия и Средне-Азиатская ханства. СПб., 1892 С. 407.

¹³⁴ Жалолиддин Қорий Муҳаммад Умар ўғли. Марғилоннинг Оқ масжид маҳалласида яшаб ўтган уламо. Етук олим ва маърифатли ижодкор. Қорий тахаллуси билан ижод қилган. Назмий ва насрий асарлари сақланиб қолган. 1962 йилда вафот этган. Қорий ижодий мероси муаллиф томонидан 2002 йилда ўрганиб чиқилган.

“Ёшлигимда илмга ҳарис (иштиёқманд) эдим. Рамазондан илгари бир ой такрори Қуръон қилмоқ учун Шоҳимардонга борар эдим. Ул вақтларда ароба билан одамлар зиёратга борар эдилар. Менда кирага пул йўқ, ночор пиёда борар эдим. Бир мартаба кавушимни ечиб халтага солиб ялангоёқ юрдим. Шунинг учунки, кавшим йиртилиб қолса, бозордан янги олиш қийин, пул йўқ, камбағалчилик... Қиссаи кўтоҳ (қисқаси), Шоҳимардонга етиб бордим. Ул жойда бир ой такрор қилиб турдим...

Ҳовузнинг олдидан нон сотувчи қизлар нонларини зиёратчиларга сотиб, асрда уйларига кетур эдилар. Бир кун бир қиз кетмай ҳовузнинг олдидан йиғлаб ўлтурубдур. Мен олдига бориб сўрадим:

– Нимага йиғлайсан?

Ул қиз айтдики:

– Эртадан кечгача сотгон нонимнинг пулини ушбу ҳовузга тушириб юбордим. Энди мени уриб ўлдирадурлар. Онам ўгай, ўзимни онам ўлиб кетгон.

Менинг раҳмим келди. Бечора етим экан. Сўрадим:

– Қандай ва қаерда тушурдунг? Қиз айтдики:

– Ҳамма пулимни ҳамёнга солгон эрдим. Ўйнаб ўлтуруб, тушуруб юбордим.

– Қай жойга тушурдинг, менга кўрсат? – дедим. Қиз тушган жойни кўрсатди. Мен кўйлақларимни чиқориб, ҳовузга ўзимни ташладим. Истаб юриб, охири ҳамённи топиб бердим. Етим қизнинг хурсандлиги бениҳоят эрди. Мен айтдим:

– Сан мени, “Худо сизга илм берсун”, деб дуо қилгил.

Қиз менинг таълим беришимга мувофиқ қиблага қараб туруб дуо қилди. Бу менинг учун ажойиб ҳодиса бўлди. Илгари фаҳмим олмасдан кўп қийналар эдим. Ушбу авқотдан кейин фаҳмим яхши бўлуб, ҳатто шерикларимга ҳам муқолима (бирга такрор қилиши) қилиб берар эдим. Бу етимнинг дуоси зое кетмади”.¹³⁵

¹³⁵ Қиссаи Мавлавий – Ҳиндистоний. –Т.: «Адолат», 2004. 13-14-б.

Марғилонлик яна бир уламо Абдулхамид махдум Султон Ғози ўғли¹³⁶ Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Шохимардонда истиқомат қилиш баробарида бу ердаги бузиб юборилган мазорни қайта тиклаш ишига ҳам бош-қош бўлган эдилар. Таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, Марғилондаги Хонақоҳ масжидида ноиблик вазифасида хизмат қилаётган Хошимжон махдум¹³⁷ домлани зиёратгоҳ ёнидаги масжидга имом-хатиб вазифасига қолдириб қайтадилар. Айтилган пайтда Марғилоннинг Жуфттерак маҳалласида истиқомат қилган уламо Муҳаммад Раҳим қори Муҳаммад Юсуф ўғли (1887-1956) бу ерда Хошимжон махдум домла билан бирга хизмат қилган.¹³⁸

Шу ва бошқаларни инобатга олиб айтиш мумкинки, зиёратгоҳ файзидан баҳра олиш нияти Охунд дадани ҳам у ерга олиб борган. Чунки авлиё бандаларга вафотларидан кейин ҳам баъзи фазилат ва кароматлар берилиши тасаввуфга доир китобларда баён қилинган. Дарвоқе, айтилган маънолар Охунд даданинг асарларида ҳам тилга олиб ўтилган эди.

*Нашаъалар ҳосил қилур келганда ҳар инсон дили,
Баҳралангай файзингиздан эй валийлар афзали,
Номингиз такроридан қангулга етгай сайқали,
Қўзғолур бўйи ҳидоят номингиздан ё Али,
Бўлмаган Қоил санга йўқдур муқаррар ассалом.*

Охунд дада у ерда турган кезлари “Азиз махдум” номи билан танилган Абдулазиз қори¹³⁹ исмли биродарлари хонадонидан

¹³⁶ Абдулхамид махдум СултонҒози ўғли. 1887 йилда Марғилоннинг Эшонгузар маҳалласида зиёли оилада дунёга келган. Оталари Султон Ғози Абул-Қосим Бек ўғли бўлиб асли Заркент кишлоғидан. Абдулхамид махдум 1950 йилда вафот этган.

¹³⁷ Хошимжон махдум. 1886 йилда Марғилонда туғилиб, 1942 йилда шу ерда вафот этган. Дастлаб Машҳад мадрасасида кейин Самарқанд Шердор мадрасасида ундан кейин Марғилонда Холмуҳаммад қори домлада таълим олган. Узоқ йиллар масжидларда, хусусан Марғилон шаҳридаги Туттаги масжидида имом-хатиблик қилган. 1972 йилда вафот этган.

¹³⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Жуфттерак. 2014.

¹³⁹ Абдулазиз махдум мулла Фармон ўғли (1896-1995). Аввал Бухорода кейин шохимардонлик Ғиёсиддин махдумда ўқиган. Марғилонга келиб Хонақоҳ мадрасасида ҳам таълим олган. Абдулазиз махдум ҳамкишлоғи Эшон Абдуллахон хўжа билан бирга

истикомат қилганлар. Ўз даврида Шоҳимардон ижтимоий-маънавий муҳитида салмоқли ўрин эгаллаган Азиз махдумни Охунд дада “Махдум – ичи-таши бир махдум” дея, таърифлаган эдилар. Мазкур таъриф қадимдан салафлар ўртасида қўлланиб келган. Солиҳ ал-Маррийнинг: “Агар инсонларнинг ичи ва таши бир хил бўлмаса, уларнинг устига қандай оғир балолар келса ҳам ажабланарли эмас”, деган гапи машҳур.

Шоҳимардондаги истикоматлари ниҳоясига етгач, Охунд дада Марғилонга қайтадилар. Айтишларича, ўшанда қопга жойланган китобларини елкаларида кўтариб пиёда қайтиб келган эканлар.

Маълумки, азиз-авлиёлар билан боғлиқ мазор ва зиёратгоҳлар ёнида хизмат қилиш ёки таълим олиш ўта нозик бўлиб ўзига яраша шартлари мавжуд. Баъзан, оддий хатолик ҳам бу ерда кўп нохушликларга сабаб бўлиши мумкин. Синчиклаб ўргансак, Охунд дада мазкур шартларга риоя қилганларини кўрамиз. Буни кетгунча зиёратгоҳ шаънида каттагина бир мухаммас ёзиб боришларидан ҳам билиш мумкин. “Ассалом эй шохсувори авлиёлар ассалом” дея бошланадиган мухаммасда мазор соҳибининг фазилат ва сифатлари билан бирга у зотга боғлиқ баъзи воқеа ва ҳодисалар баён қилинган. Мухаммаснинг ҳозиргача сақланиб қолган қоралама шаклидан унинг устида анча меҳнат қилингани билиниб туради.¹⁴⁰ Унда жумладан шундай сўзлар бор.

*Келтуриб бу арсайи оламга зоти Мустафо,
Ҳамнишин айлаб яратди чориёри босафо,
Муҳтарам асҳобини ҳар бирлари шамсу ҳудо,
Қилса умматлар алар ҳар бирларига иқтидо,
Чеҳрайи исломини қилгай мунаввар, ассалом.*

*Эй қурайший, ҳошимий зоти насабда мўътабар,
Кавкаби иқболингизга етмади нури қамар,*

озодликдан маҳрум этилган ва Сталин ўлиmidан сўнггина озодликка чиқиб, қишлоғига қайтиб келган. 1995 йил 20 сентябр куни вафот этган.

¹⁴⁰ Мазкур шеър Ёзёвон қишлоғида яшовчи Абдусаттор Абдурахмон ўғли хонадонидан сақланади.

*Қилди иқболинг тамоми сокинони баҳру бар,
Дасту бозу берди сизга Ҳақ таоло он қадар,
Сатватингдан бир асардур фатҳи Хайбар, ассалом.*

*Ҳайдари Каррор дерлар номингиз аҳли араб,
Ҳам ажамда бўлдингиз шери Худо бирлан лақаб,
Жабҳангизда зоҳир ўлса сизни осори загаб,
Тоби тоқат келтуролмаи муширикони беадаб,
Тор ўлур бошига гўё ҳафт кишвар ассалом...*

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ТАЪРИФЛАРИ

Ҳақиқатдан баҳра олган зот

Абдуссамад Охунд Қоил Марғилонийни замондошлари “ҳақиқатдан баҳра олган зот,” дея таърифлашган. Шараф тўғрисида кишига мазкур таъриф кифоя қилса керак, зотан, инсон учун ҳақиқатни англашдан ортиқ шараф йўқ. Дунёга келишдан мақсад ҳам аслида шу. Шогирдларидан Маҳмуджон домла Мажрух Ёзёвоний шундай дейди:

“У зоти шариф меҳрибон устозим, мураббий, раҳбарим, отамдин зиёда, ҳар борада раҳнамо, вориси анбиё, аҳли фазлга пешво, замон халқига муқтадо, суҳбатлари дилкушо, нафаслари жон физо, таъби салиму равшан замир, ҳамида хисолу дилпазир, насиҳатлари марғуб, дегонлари айни матлуб, илмда бир улуг дарё эрдиларким, ҳамма ташиналар алардин сероб эди. Забони шаққар нисорлари ҳаққа қоил, жолис барчаси суҳбатларига моил эрди.”¹⁴¹

Айтиш ўринлики, аллома ҳақиқатдан баҳра олибгина қолмай уни бошқаларга ҳам улашган эдилар. Қолдирган кўплаб ахлоқий ва ирфоний мазмундаги бебаҳо асарлари аллома улашган ўша ҳақиқат дурдоналаридир.

“Қоил” таҳаллуси билан битилган мазкур асарларнинг умумий мазмун моҳияти ахлоқ-одоб ва маънавий-руҳий тарбия бўлиб, кишиларни комилликка эришишларига хизмат қилувчи бебаҳо ўғитлардир. Бинобарин, Охунд дада асарлари билан танишган кишилар у зотни суҳбатдошига эзгуликни чин дилдан илиниб гапираётган самимий насиҳатчи эканларини сезади. Муайян мавзуларда қайта-қайта тўхталганлари ҳам шундан. Ҳар гал ўзидан янги маъно касб этадиган мазкур жумлаларга қофиявий гўзаллик, вазний мутаносиблик зийнат бўлган. Бу у зотнинг назм майдонидаги маҳоратлари эди.

Аллома насиҳатларининг самимий экани уни тингловчи қалбига тез етиб боришини таъминлаган. Тинглаган кишиларни

¹⁴¹ Мажрух Ёзёвоний. Қўлёзма, 52-б. Қўлёзма муаллиф ворислари қўлида сақланади.

беихтиёр унда олға сурилган маъноларга таслим бўлишлари шундан, чунки алломанинг ўзлари айтганидек:

*Насиҳат бегараз бўлса, ани монанди гавҳар бил,
Ҳамиша этиқодинг жониби Ҳаққа қилиб моил,
Халойиқ ичра номинг бўлмасин фарзанди ноқобил,
Жаҳонда ҳар киши борса ҳақиқатга келиб Қоил,
Сабо маҳшар куни назди Худода шармисор ўлмас.*

Аллома асарларига таъриф берган кишилар: “Ҳама мазмуни оёту ҳадисдур, ҳеч бекор ўлмас,” деганларида муболаға қилмаганлар. Унинг инсон қалбига таъсири ҳам аслида шу билан белгиланади.

*Анинг меҳрини таъсири билан эл ҳам суяр эрди,
Ҳама “Охунд дада” деб боладек меҳрин қўяр эрди,
Сўзи таъсири кўпларни ёмонликдан тияр эрди,
Кўнгилга тошга ўйгандек сўзин нақшин ўяр эрди,
Алардин ҳар киши олса дуо оламда хор ўлмас.¹⁴²*

Шу туфайли аллома суҳбатини тинглаган кишиларнинг қалби ёришиб тўғри йўл топган, одабийлик сифатларини англаб, нафсоний иллатлар ислоҳига киришган.

*Кимоким суҳбатин топса, чин бахтиёр эрди,
Ҳазаллар табъидан ёмғур сувидек безубор эрди,
Ҳамоно бўйнида панду насихатлар тумор эрди,
Ажаб хуш файзлик, суҳбатлари мисли баҳор эрди,
Келар юз минг баҳорўлик табъидек баҳор ўлмас.¹⁴³*

Ўтган асримизнинг олтмишинчи йилларида Фарғона шаҳар жомеъ масжидида имом-хатиб вазифасида хизмат қилган машҳур олим Соли ҳожи домла¹⁴⁴ ўзаро суҳбат асносида Қоил

¹⁴² Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. “Абдуссамад Охунд вафотида таърих-марсия”. Р.Файзуллаев кутубхонаси, №10 кўлёзма. 25-б.

¹⁴³ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. Кўрсатилган асар, 26-б.

¹⁴⁴ Бу зот ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Марғилонийнинг назмий маҳоратларини эътироф этиб: “Биз ҳам ижод қиламиз, бироқ сиз каби ёза олмаймиз”, деган эдилар.

XX асрнинг машҳур уламоларидан Мавлавий Ҳиндистоний ҳам алломанинг илмий салоҳиятларини эътироф этиб, “Бизнинг замонда ҳам мумтоз адабиётдан катта баҳра олган шундай зот яшаб ўтдиларми?!” дея баҳо берган эдилар.¹⁴⁵

Шу ўринда Ислоннинг шеър ва шеърятга илиқ муносабати устида тўхталиб ўтсак. Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар Убай ибн Каъб (розияллоҳу анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Албатта шеърда ҳикмат бордир”, деганлар.¹⁴⁶

Ибнул Ҳажар мазкур ҳикматдан мурод ҳақиқатга мувофиқ бўлган рост сўздир, деган. Чунки ҳикматнинг асли “манъ қилмоқ” бўлиб, бу ерда, шеърда ёмонликдан қайтарувчи сўз бордир, деган мазмун кўзда тутилган.¹⁴⁷

Абу Бакр Сиддик (розияллоҳу анху) шундай деганлар: “Шоирлар кўп ҳолларда ҳикматли сўзларни гапирадилар”.¹⁴⁸ Табарий, мазкур ҳадис мутлақ шеърни инкор қиладиган кишиларга раддиядир, деган. Уламоларимиз шеърнинг жоиз эканига Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг куйидаги ҳадисларини ҳам ҳужжат қиладилар.

Умар ибн Шарид отасидан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга бир куни Умайя ибн Аби-с-Солтнинг шеъридан ўқиб беришимни айтдилар ва мен ундан юз мисрагача ўқиб бердим”.

Бадриддин Айний “Умдат ул-Қорий”да, баъзи саҳобалар ҳам ўзаро мажлисларда яхши шеърларни ўқир эдилар, деб келтирган.¹⁴⁹ Мутриф шундай дейди: “Куфадан Басрага келишда саҳоба Имрон

¹⁴⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 1999.

¹⁴⁶ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”. 5-ж, Дор Ибн Касир - Байрут. 1407/1987.

¹⁴⁷ Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳ ул-Борий шарху саҳиҳил Бухорий”. 17-ж, 338-б. <http://www.al-islam.com> Бундан кейин: “Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳ ул-Борий”.

¹⁴⁸ Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳ ул-Борий”... 17-ж, 338-б.

¹⁴⁹ Абу Муҳаммад Бадридин ал-Айний ал-Ҳанафий. “Умдат ул-Қорий лишарҳил Бухорий”. 24-ж, 79-б. 1427/2006.

ибн Хусойнга шерик бўлдим. У қайси манзилга тушса унга шеър айтиб кирар эди.”

Мухйиддин Нававий ҳикматни шундай таърифлайди: “Қайси бир сўз сенга насиҳат қилса, сени яхшилика буюриб ёмонликдан қайтарса, у – ҳикматдир.”¹⁵⁰ Демак, кишиларни яхшиликка чақириб ёмонликдан огоҳлантирадиган, уларни эзгуликка ундайдиган ҳикматлар йиғиндиси – шеър яхшилик саналар экан. Мавлавий Ҳиндистонийнинг Охунд дада ижодига берган юқоридаги баҳолари мазкур мазмунлар хулосасидан келиб чиққан эди.

Аллома асарларини синчиклаб ўрганар эканмиз, уларда ҳақ ва ҳақиқат сўзининг ўзи кўп марта тилга олинганини кўрамиз. Хўш, ҳақиқат нима? Ҳақиқат барча ишларда Ҳақ ризосини ахтаришдир.

*Худога борғали йўл бизлара роҳи шариятдур,
Шарият иттибо суннату тарки табиатдур,
Ризои Ҳақни ахтармакни бил асли ҳақиқатдур,
Ҳақиқатга тажарруд зуҳд била юрмак тариқатдур,
Бу йўлдан тўхтатар ҳар муддао ҳам шарри шайтондин.*

Аллома ҳақиқат Аллоҳ таоло томонидан Одам (алайҳиссалом) га туширилиб пайғамбарлар орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қадар етиб келган, деб айтадилар.

*Қадам ташириф этиб аввал жаҳонга ҳазрати Одам,
Тамоми келдилар баъзисидан баъзи бўлиб ақдам,
Аларни даврига даври Расулulloҳ бўлиб хотам,
Ҳақиқат сирри бўлди сарвари олам билан маҳкам,
Анга иқрору тасдиқ айлаган инсон мусулмондур.*

Аллоҳ таолонинг инсонларга пайғамбарлар юбориши ҳам уларга ҳақиқатни баён этишлари учун бўлган. “Шарри шайтондин” радифли мухаммасда бу ҳақда шундай дейдилар:

*Ҳақиқатни баёнига юборди бизга пайғамбар,
Тариқи охиратга бўлдилар ҳар бирлари раҳбар,*

¹⁵⁰ Имом Нававий. “Шарҳу Саҳиҳ ул-Муслим”. 1-ж, 133-б. <http://www.al-islam.com>

*Шариатсиз киши ўз ройича шайтон билан ўйнар,
Юруб йўлсиз ҳамиша оқибатсиз жонини қийнар,
Халойиққа анингдек худнамо ҳам шарри шайтондин.*

Ҳақиқатни баён қилган аллома уни англаш учун киши худбинликдан узоқ бўлиши керак дейдилар, чунки худбин кимса ҳақиқатдан бебахра бўлиб, уни кўра олмайди.

*Худога кечмагунча нафсидан тоат қилолмайдур,
Очиқдур чашими худбини ҳақиқатни кўролмайдур.*

Ҳақиқатни кўриш учун киши ашёларга, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ибрат назари билан боқиши керак.

*Ташласанг ибрат билан тарихи оламга назар,
Бергуси ҳар лаҳзада сенга ҳақиқатдан хабар.*

Худбин кимсада эса ибратланиш бўлмайди: “Кимда бўлса, чашими худбин, анда ибрат бўлмагай”, шу туфайли у “ҳақиқат сирига яқин” келолмай ундан дур – узоқ ўтади.

Ул ҳақиқат сиррига бўлмай яқин, дур ўтгуси.

Бугина эмас, ундай кимсалар вафосиз дунёдан вафо излаб юрган кишилардир.

*Хаёли шаҳвату майли табиат бирла юрганлар,
Ҳамиша эътиқоди тесқари қовли дудуглардур.*

*Фано гулзоридан бўйи вафо излаб димогига,
Ҳақиқат сиридан бир зарра янглиг суд йўғлардур.*

Алломага кўра, ҳақиқат аҳли бу, ориф деб аталмиш зотлар бўлиб, улар доимо Ҳақ таолога қурбат – яқин бўлиш қасдида бўладилар.

*Ориф этиб ҳақиқатга қурбат ахтарур,
Ҳиммат қадр киши дилида муддао қилур.*

Қуйидаги мисраларда ўша ориф зотлар сифати баён қилиниб, шундай кишиларни топсанг уларни ўзинга ёр қил, дея хитоб қилинади.

*Аҳли ирфон жилвайи дунёга ҳаргиз боқмагай,
Алданиб мадҳу мазамматларга йўлдин озмагай,
Ул ҳақиқат аҳлини топсанг, ўзингга ёр қил.*

Алломанинг ҳақиқат борасидаги фикрларини мулоҳаза қилсак, у зотга берилган юқоридаги таърифлар муносиб эканини англаган бўламиз. Биз маълумот йиғиш мақсадида Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси раис ноиби муҳтарам шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари билан суҳбатлашган чоғимиз у зот Охунд дада билан боғлиқ хотираларини шундай ифодалаган эдилар:

“Бу буюк зот устозимиз бўлар эдилар. Биз у зот кўлларида таълим олганмиз. Ажойиб фазилат ва гўзал хислатлари хотирамизда бир умрга нақшланиб қолган. Чунончи, дарс айтишда ҳеч қачон эринмас эдилар, дарсларни талабанинг қуввайи ҳофизасига, уни ўзлаштиришига қараб танлар ва тақсимлар эдилар. Дастлаб борганимизда бизга ҳам шундай услубни кўллаганлари бу соҳадаги билим ва маҳоратлари эди.

Биласизми, мен у зотни кимга ўхшатаман. У зотни машҳур тобеъин Ҳасан Басрийга ўхшатаман. Сўзлашлари, мулойимликлари, насиҳат ва хайрихоҳликлари назаримда айнан, Ҳасан Басрий тимсолини эслатади. Ёзган асарларининг ўзи биор олам, уларда олға сурилган ахлоқий қарашлар, чуқур фалсафий маъноларнинг баҳоси йўк...”¹⁵¹

Биз шайх жанобларининг Охунд дадани айнан Ҳасан Басрийга ўхшатишлари устида қизиқиб кўрдик. Бунинг учун Ҳасан Басрий маноқиблари билан танишиб чиқдик. “Сияр аълум ан-нубало”, “Ҳилят ул-авлиё”, Сифату-с-софва” ва бошқа табақот китобларида бу зот ҳақида маълумотлар берилган.

“Ҳасан ибн Абул Ҳасан Ясор Абу Саид ал-Басрий. Машҳур тобеъин, Исломуламоларидан, зоҳид ва тақводор. Зайд ибн Собит ал-Ансорий (розияллоху анху) нинг мавлоси. Ҳасан Басрий Мадинада туғилган, мелодий 657 йилдан Басрада яшаб шу ерда вафот этган.

¹⁵¹ Р.Файзуллаев. Шайх Абдулазиз Мансур билан суҳбат. Тошкент, 2014.

Онаси Хайра Умм ул-мўминин Умму Салама (розийаллоху анҳо) нинг мавлоси бўлган. Отаси Ясор Мадинада яшаган, кулликдан озод бўлгач Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху) халифалиги даврида Хайрага уйланган. Ҳасан Басрийнинг туғилиш воқеасини шундай келтирадилар:

“Бир куни Умму Салама онамиз олдиларига бир киши: «Хайра исмли чўрингиз ўғил кўрибди», деган суюнч хабарини олиб келади. Умму Салама бу хабардан ниҳоятда хурсанд бўлдилар. «Бориб, болани ҳам, онасини ҳам менинг уйимга олиб келинглар, у нифос муддатини шу ерда ўтказади», – деб одам жўнатадилар.

Орадан бироз ўтиб, Хайра боласини кўтариб келди. Умму Салама гўдакни кўриб хурсанд бўлиб кетадилар, чунки чақалокнинг юзи кишини кўзи қувнайдиган даражада чиройли эди. Умму Салама Хайрадан: «Болага исм қўйдингми?» – деб сўрайдилар. Хайра: «Йўк, исм қўйишни сизга қолдирдим. Хоҳлаган исмингизни кўяверинг», – дейди. Умму Салама: «Аллоҳнинг баракоти билан бунга Ҳасан деб ном қўямиз», – дейдилар ва қўлларини кўтариб чақалокнинг ҳақкига дуои хайр қиладилар.

Айтишларича, Умму Салама Ҳасан Басрийни бир неча марта эмизганлар. Муҳаммад ибн Салом айтади: “Абу Амр аш-Шиъобнинг айтишига кўра, Ҳасан Умму Саламанинг чўриси бўлиб, бир куни уни хизматга юборишади, у келгунича бола йиғлаб бетоқат бўлади. Шунда у зот унга кўкрак солади”.

Ҳасан Басрийни кичкиналигидаёқ саҳобалар хузурига чиқарадилар. Бир куни уни ҳазрат Умарга тутқазадилар, у зот унинг ҳақиға: “Эй Аллоҳим, уни динда фақиҳ қилгин ва уни одамларга яхши кўрсат” – деб дуо қиладилар. Амир ул-мўминин Али ибн Абу Толибдан таълим олади ва у зотнинг салобати, ибодат тақвосини кўриб ўрнак олади.

Ҳасан Басрий умматнинг билимдони бўлган Ибн Аббос (розийаллоху анху) нинг халқаларида таҳсил олди. У кишидан тафсир, ҳадис, кироат, фикҳ, луғат адаб ва бошқа бир қанча илмларни таълим олди. Ҳасан Басрий улуғ фақиҳ олим даражасига етишди. Одамлар Ҳасан Басрийнинг атрофини ўраб олиб ваъзларига

кулоқ солишар эди. Ваъз қилса, тош қалблар юмшаб, сўқир кўзлар ёшга тўларди.

Холид ибн Сафвон айтади: “Мен Маслам ибн Абдулмаликка йўлиқдим. У менга: “Ҳасан ҳақида айтиб бер”, – деди. Мен унга: “Яхши, у ҳақида билганимни айтаман, мен унга ён кўшниси бўламан, мажлисларда доимо бирга ўтираман”, – дедим. У одамларнинг ичи таши бир кишиси бўлган, сўзи амалига мувофиқ бўлган, бир ишга буюрса аввал уни ўзи қилган, бир нарсдан қайтарса, аввал ундан ўзи қайтган, бошқаларга ёрдам берувчи, ҳамма унинг илмига муҳтож кишидир”, – дедим. У: “Етарли, ораларида шундай кишиси бор қавм ҳеч қачон адашмайди”, – деди.

Бир киши келиб Ҳасан Басрийдан дунё ҳақида сўради. – Сиз дунё ҳақида сўраяпсизми?! Дунё билан охират мисоли машрик ва мағриб кабидир. Қайси бирига яқинлашсангиз, иккинчисидан шунчалик узоқлашиб бораверасиз.

Ҳасан Басрий ҳижрий 110 йилда вафот этган. Эртасига жума уни Ҳасан Басрийнинг вафот этгани ҳақидаги хабар бутун Басра аҳлини ларзага солган. Баъзи ривоятларда Ҳасан Басрий ўлганида Басрада йиғламаган одам қолмади, дейилади”.¹⁵²

Бир туп марварид туп

Айтишларича Охунд даданинг ҳузурига келиб таълим олувчи талабалар орасида Тожикистоннинг Қоратегин шаҳридан келадиган тожик мулла ҳам бўлган. Узоқ масофадан бир ой, баъзан ўн бешда кунда бир марта келиб-кетадиган мазкур шогирдга устознинг эҳтироми ҳам айрича бўлган. Баъзан, дарс тугаб қайтмоқчи бўлганида Охунд дада уни шаҳаргача олиб кетиши учун ён кўшниларига илтимос қилар эканлар. Бунинг учун сахар, у ишга кетадиган пайти ҳовлисини чақирмай, дарвозахонада унинг чиқишни кутиб турар ва машина овози эшитилгач олдига чиқиб:

¹⁵² Маълумот учун қаранг: Заҳабий. “Сияр аълом ан-нубало”. Байрут: Мавсуъат ар-рисола, 1992; Ибнул Жавзий. “Сифатус софва” Байрут – Лубнон. 1429/2007; Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. “Ҳилят ул-авлиё”. <http://www.alwarraq.com>

“Қосимжо-он, бир меҳмонимиз бор эди, шаҳаргача олиб кетсангиз бўлармикан”, дер эканлар. У рози бўлгач меҳмонни кузатар эканлар.

Бир гал у йўлда меҳмондан қаердан келганини сўрайди. “Қоратегиндан”, – дейди. Оддий қишлоқ кишиси бўлмиш ҳайдовчи беихтиёр: “Ўша томонда дарс айтадиган устоз топилмадими?” – дея қизиқсиниб сўрайди. Кутилмаган саволдан меҳмоннинг ранги ўзгаради ва бирданига: “Машинани тўхтат”, – дейди. Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб: “Нимага?” – дейди. “Тўхтат”, деяпман”, – дейди у. Уни жиддийлигини кўргач машинани четга олади. Меҳмон: “Бундан кейин мени машинанга чиқ ҳам дема, ташлаб қўяман ҳам дема!” – дейди-да, машинадан тушади ва: “Ахир, шундоқ пешонангда бир туп марварид тут пишиб турган бўлса-ю, ундан териб емаган бўлсанг, ҳолинга вой!”, – дея шитоб юрганча кетади...¹⁵³

*Агар йўл кўрсатар раҳбар топилса анга байъат қил,
Бўлиб шояд сабаб охирда беармон кетар бир кун.*

Меҳмоннинг аҳволини тушуниш мумкин. Ҳақиқий чанқоқ толиблар гўё дардга мубтало кимса каби, балки ундан-да “дарди” – “илмга бўлган ҳарислиги”ни даволовчи устозга муштоқ бўлади. Бизгача ўтган барча Ислом уламолари илм излаб узоқ юртларга кетишгани ва бу йўлда барча машаққат ва меҳнатларга рози бўлишгани, энг қизиғи, мазкур машаққатлар уларга роҳат ва лаззат бўлиб туюлгани бежиз эмас.

Ҳа, илмнинг ўзига яраша лаззати ва инсон қалбига берадиган роҳати бўлдаи. Бу ҳақда Имом Муҳаммад Ғаззолий шундай дейди: “Шуни билки, неъмат деб ҳар бир лаззатли нарсага айтилади. Инсонга алоқадор лаззатлар эса унга маҳсус ёки ундан бошқасига хослиги билан учга бўлинади. Улардан бири ақлий неъмат бўлиб, у илм ва маърифатдан иборатдир, чунки қулоқ, кўз, сезги, там билиш ва қорин лаззатни сезмайди. Бунда қалб ақлга нисбати бериладиган нарсаларга маҳсус бўлгани учун лаззат олади. Бу энг яхши лаззатдир.

¹⁵³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

Илмнинг афзаллиги у ҳеч қачон, на дунёда ва на охиратда эгасидан ажрамайди. Таомдан эса киши тўяди ва малолланади. Шаҳват ҳам шундай, аммо илмдан эса ҳеч ким тўйган эмас ва тўймайди ҳам. Ким боқий қолувчи илм ва маърифатга қодир бўла туриб, арзимас дунё лаззатига рози бўлса, демак у ақлида қаттиқ мусибатга учраган ва ишлари орқага кетган киши саналади.

Илмнинг афзаллиги шундаки, уни сақлашга мол каби кўриқчига муҳтож бўлинмайди, балки у сени кўриқлаб юради. Молни эса сен кўриқлайсан. Мол беришлик билан камайса илм беришлик билан кўпаяди. Молни ўғри олиш мумкин, аммо илмни ўғри ололмайди. Илм эгаси доимий роҳатда мол эгаси эса доимий хавфу хатарда бўлади.

Илмнинг лаззати фақат уни билган ва унга мушток кишилардагина бўлади, аммо қалби касал кишиларда эса ундан лаззатланиш бўлмайди. Уларнинг касали шаҳватларига эргашганлари учундир. Бу худди бемор асалнинг лаззатини билмаганига ўхшайди”¹⁵⁴.

Ғаззолий яна шундай дейди: “Биз биламизки, уламолар орасида ер юзини мағрибдан машрикқача бўлган барча мулкни, ходимлари, тобеълари билан унинг илми эвазига берилганида ҳам қабул қилмайдиганлари бор, балки уни ўндан бирига ҳам рози бўлишмайди. Бу уларнинг илм неъматини уларни охиратда Аллоҳга яқин қилишига бўлган гўзал умидлари сабаблидир. Уларга охиратда хоҳлаган роҳатингни оласан, бу дунёда ҳам озгина роҳатлан, дейилса ҳам барибир унамайдилар, чунки улар илмнинг лаззати доимий, дунёнинг лаззати фоний эканини биладилар”¹⁵⁵.

Илм лаззати ҳақида Назр ан-Наҳвий¹⁵⁶нинг қуйидаги сўзи машҳур. “Киши илм лаззатини оч қолмағунича ва очлигини

¹⁵⁴ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 4-ж, 302-б.

¹⁵⁵ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 4-ж, 302-б.

¹⁵⁶ Назр ан-Наҳвий Абул Ҳасан ат-Тамимий ал-Мозаний ан-Наҳвий ал-Басрий. Олим, ҳадис ривоятида ишончли, фақиҳ, шоир, адиб, араб воқеаларини яхши билган. Халил ибн Аҳмаднинг шогирди. Муҳаддис, наҳвий, луғавий, арузийлардан иборат уч минг шогирди бўлган. 204 йилда Марвда вафот этган. “Китоб ас-салоҳ”, “Китоб ал-анво”, “Китоб ал-мадҳал ала ал-айн”, “Китоб ғариб ал-ҳадис” ва бошқалари асарлари бор.

унутмагунича тога олмайди”, деган.¹⁵⁷ Демак, юқоридаги меҳмоннинг гапи устозга қаттиқ боғлангани ва муҳаббатининг изҳори сифатида эътиборга молик. Уни узоқ масофадан келгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Имом Абу Довуд, Имом Аҳмад ва бошқа муҳаддислар Абу Дардо (розияллоҳу анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сени бир нарсани (қаттиқ) яхши кўришинг, уни айбларидан кўзингни кўр ва қулоғингни қар қилади”, – деганлар.¹⁵⁸ Имом Муновий мазкур ҳадисни шарҳлар экан, муҳиб, яъни яхши кўрувчи маҳбуб, яъни яхши кўрилган кимсани фақат яхшиликларинигина кўради, унинг ёмонлик ва хатолари кўзига кўринмайди, деган.¹⁵⁹

¹⁵⁷ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 4-ж, 302-б.

¹⁵⁸ Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”. Дорул кутубул илмийя, Байрут, 1978. 47-ж, 250-б; Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний. “Сунану Аби Довуд”, Дорул Боз. Маккат ул-Мукаррама. 3-ж, 15-б.

¹⁵⁹ Абдуллауф ал-Муновий. «Файз ул-қадир»...3-ж,372-б.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

Абдуссамад Охунд Қоил Марғилонийнинг асосий устозлари Холмуҳаммад қори ва Мирхалил Бухорий домлалар бўлишган. Мазкур икки уламанинг илмий салоҳияти билан танишадиган бўлсак, Охунд даданинг юксак мартабага етганлари боисини англаган бўламиз. Чунки кўп ҳолларда кишининг илмий салоҳияти устозларининг илмий салоҳиятига қараб белгиланади.

Маълумотларда мазкур уламолар ўз даврида нафақат Марғилон балки Кўкон хонлиги ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлар ижтимоий-маънавий муҳитида салмоқли ўринга эга буюк алломалар бўлишгани айтилган. Уларнинг қизгин фаолияти ва ибратли ҳаётлари ҳақида кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. “Марғилон алломалари” рукни остида чоп қилинган биринчи китоб билан танишган китобхонлар бу икки зот ҳақида атрофлича маълумот олганлар. Шундай бўлса-да, бу ерда улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Холмуҳаммад қори домла

Холмуҳаммад қори домла 1857 йилда Риштоннинг Тўда қишлоғида туғилган. Оталари мулла Соҳибжон ёшлиқларида вафот этади. Ота вафотидан кейин она ёлғиз ўғлини Марғилонга олиб келиб Чорбоғ маҳалласида бўлиб ўтаётган уламолар мажлисига топшириб кетади. Ўшанда ҳеч ким болани кўзи яхши кўрмагани учун қабул қилишга қизиқмаган. Чунки ёшлиқ пайтида чечак туфайли алломанинг кўзлари кўрмай қолган эди. Аммо шу маҳаллалик қуръон устози мулла Абдурраҳим домла болани ўзи билан бирга олиб кетади ва ҳозирги Чорбоғ маҳалласидаги қабристон ўрнида жойлашган қорихонага жойлаб кўяди. Ўша пайтда бўлиб ўтган бир воқеани эслаб аллома шундай деган эдилар: «Ҳар куни хуфтондан сўнг болалар «Мулк» сурасини тиловат қилишар эди. Мен ўқишни билмаганим учун Худо менга ҳам “Таборақ” ўқишни насиб қилармикан, деб йиғлар эдим».

Аввалига алломанинг зеҳнлари суғулган кўп қийналган эканлар. Ҳатто бир ярим йил тургач Гиёсиддин исмли шериклари: «Холмад (Холмуҳаммад), энди уйингга бориб онанг хизматини қилавер, бу ерда сендан қори чиқмайди, чунки бир ярим йилда ҳеч нарса бўлмадинг» – дейишгача боради.

Кейинроқ ўн олти ёшга борганларида Қуръонни тўлиқ ёд оладилар. Шу йили устоз Абдурраҳим домлани Андижон қозиси хизматга чақириб олиб кетади. Сафар олдидан устоз болани Қаландархона мадрасасига олиб бориб мударрис Муҳаммад Амин домлага топшириб кетади. Дастан, у зотда уч йил давомида «Тажвид Шотибий» дан таълим оладилар. Кўпинча дарсга кетаётиб маҳсиларини ечиб яланг оёқ борар эканлар. Етиб боргач мадраса ташқисидаги ариқда оёқларини ювиб кирар эканлар.

Аллоганинг зеҳнлари очилишига кўйидаги воқеа сабаб бўлганини келтирадилар. Бир куни дарсга боргач, одатдагидек эшик олдида устоз чиқишини кутиб турадилар. Қиш кунлари бўлгани учун қор ёға бошлайди. Қор устиларида бир қарич бўлгунча туриб қоладилар. Устоз чиққач унга салом бериш учун эгилганларида бошларидаги қор ерга тўкилади. Буни кўрган устоз: «Холмуҳаммад, Аллоҳ сенга илм берсин, шунгача чақирмай туравердингми?!» дея, дуо қилади. Шу туфайли аллома эшитганини ёдлаб қоладиган бўладилар.

«Подшо Искандар» мадрасаси мударриси Аҳмад Али маҳдум: «Сўнги олти юз йил ичида Мовароуннаҳрда Холмуҳаммад қори каби аллома чиқмаган», дея таърифлаган эдилар.¹⁶⁰ Тўғри, у кишидан бошқа олимлар ҳам кўп бўлган, лекин кўзи аъмо бўлгани ҳолда етук олим бўлиб етишгани кузатилмаган экан.

Ғолиб Марғилоний асарларининг бирида бу зот тўғрисида тўхталиб, жумладан шундай дейдилар:

«Аллома Марғилонда Хожя Порсо мадрасасида дарс тинглар эканлар. Ётоқ жойлари Марғилон Чилдухтаронида¹⁶¹ги сайидлар даҳмасида бўлган. Бир кўн этиклари бўлиб, ҳар куни дарсга боришда

¹⁶⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон–Кўрғонча. 1996.

¹⁶¹ Марғилон шаҳар Шолдирама маҳалласида жойлашган зиёратгоҳ.

шуни кийиб кўчанинг ўртасидан кетар эканлар. Ўшал вақтларда одатда дастёри йўқ хотунлар кўза-пақирларни кўчага дарвозалари олдига қўйишиб кўяр эканлар. Ўткинчилар сув келтириб қўйишар экан. Домла кўзларининг ожизлигига қарамай, йўлларида учраган шу хил идишларга сув келтириб ўтар эканлар.

Хожжа Порсо масжидида «Аврод» ўқилар эди. Шаҳарнинг ҳар ерида ихлослик ёшу қари аёллар идишларда сув олиб келиб ўтириб, «Аврод» эшитиб, сувларини табаррук қилиб кетар эканлар. Бир қуни кўз фаслида ёмғир ёғиб турганда бир хотун «Аврод»дан икки кўза сув кўтариб чиқади. Дарсга келаётган домла бу хотуннинг сув билан зўрға кетаётганини кўриб, «Она сувингизни мен элтиб берай», – деб қўлидан кўзаларини оладилар. Хотун йўл четидан, домла кўча ўртасидан кетишади.

Хотун Галахумдон маҳалласига келиб, бир эшикка киради. Домла сувни остонага қўйиб орқага қайтадилар. Ҳалиги хотин чақириб: «Ҳой болам, бу ёқ сизнинг йўлингиз эмасмиди», – деб сўрайди. (Мадрасадан Галахумдон маҳалласигача уч чақиримлик жой.) Домла: «Йўқ она, мен ўшал ерда дарс ўқийман, сизни қийналманг, деб сувингизни келтиришиб бердим», – дейдилар. Хотин: «Шунча йўлни кўзингиз ожиз бўлатуриб савоб деб босдингизми, келинг ҳаққингизга бир дуо қилай» – дейди ва уйига кириб, жойнамоз кўтариб чиқиб, даҳлиз ичига солади, сўнгра: «Мен икки ракаат намоз ўқиб, дуо қиламан. Мақсадингизни дилингизга келтириб, «омин» денг», – дейди. Домланинг мақсадлари илм бўлгани учун илм тилаб «омин» дейдилар. Аёл дуо қилади.

Сўнгра домла Хожжа Порсога дарсга келсалар, мударрис дарсхонани беркитаётган экан. Домлани кўриб: «Ҳолмуҳаммад ишинг битди, ишинг битди, ўқимасанг ҳам бўлаверадиган бўлди» – дейдилар. «Шундан кейин, – дейдилар домла, – нимани ўқисам-эшитсам, шу нарсанинг ҳақиқати менга очилаверди, эшитганим ёдимда қолаверди. Нима топган бўлсам, ўшал хотуннинг дуосини баракотидан бўлди».¹⁶²

¹⁶² Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. «Насаб» Қўлёзма. 45-47-б. Қўлёзма ҳозирда муаллиф фарзандлари қўлида.

Ғолиб Марғилоний Холмухаммад қори ҳузурига кирган воқеалари ҳақида ҳам гапириб, шундай дейдилар: “...Биз шеригим Мўмин қори билан кириб келганимизда меҳмонхоналарида эканлар, биз келиб ўтирдик. Мўмин қоридан ҳол-аҳвол сўрадилар. Бир ниёла чой ичгач мен Мўмин қорига «сўзла», деб ишора қилдим.

Мўмин қори домлага: «Тақсир, мана бу мулла Абдулазизни арзлари бор сизга», – деб менга ишора қилди. Домла «қани», деб бир қимирлаб кўйдилар. Мен аҳволни, ўқимоқчи эканимни айтдим.

Домла менга, «Сиз ақоид ўқийсиз, Мўмин қори, тоқчани қаранг, «Матни ақоид» бор эди», дедилар. Мўмин қори топиб келтирди. Бу китоб ҳаммаси бўлиб асосий қисми олти варақ қолгани ўн варақ, жами ўн олти варақ китоб экан. Ҳажми ўртача расми китобдек. Арабча экан, мен арабчани зер-забари бўлмаса ўқий олмаслигимни айтдим. Домла: «Сиз китобга қараб тулинг, Мўмин қори ўқийди, сиз ёдга олинг», – дедилар. Мўмин қори «Бисмиллоҳ» айтиб бир жумлани ўқиди: «Қола аҳлул ҳаққи ҳақойиқул ашъи собитатун, вал илму биҳа мутаҳаққиқун, хилофан лиссуфастойийяти».

Таржимаси: “Аҳли ҳақ дейдилар: Ашъларнинг ҳақиқати собитдир. Уларнинг ҳақиқатини билиши мумкинлиги муқаррар. Сўфастойийя қовмига қариши”. Мен ҳаммаси бўлиб ақоиддан шу жумлани ўқидим холос. Шу бир жумлага домла менга ҳар куни икки соатдан баён бердилар. Ҳаммаси бўлиб шу бир жумланинг маъноси бир ҳафтада тугади.

Сўфастойийянинг маъноси, лугатда айтилишича, ҳукамодан бир қавм бўлиб, ҳақиқатни инкор қиладилар. Улар уч қисмга бўлинадилар: «Инодийя», «Индийя», «Лоадрия». Инодийя ҳақиқатни билиб туриб инкор қиладилар. Ашъ ҳақиқатига унамайдилар. Индийя, ашъ ҳақиқати бизнинг фикримизга боғлиқ, бор десак, бор йўқ десак, йўқ дейдилар. Лоадрия эса, исбот ҳам қилмайди, инкор ҳам қилмайди. Улар олам – ҳаёл, бизга шундай кўринади, дейдилар.

Домла буларнинг ҳаммасини баёнлаб бердилар. Бунинг ичида Юнон – қадим грек фалсафасининг асослари-ю Афлотун, Арасту, Сукрот ва бошқа файласуфларнинг назарияларини ҳам, насоро, яҳуд ва бошқа динларнинг асосларини ҳам баёнлаб ўтдилар. Мен уламнинг қандайлигини шунда билдим – бир туби йўқ денгиз.

Мана шундай улуг зот мени ҳақимга дуо қилдилар, дуоларининг ҳосили, ман ўқимасдан мулло бўлдим, ҳар ниманинг ҳақиқати менга маълум бўлди. Кўп нарсалар менга кашф бўлдики, буни илм билан топиб бўлмайди... ”¹⁶³

Шу ўринда изланишларимизнинг кейинги босқичида аниқланган куйидаги воқеани келтириб ўтсак. Унда ибрат аҳли учун устоз кўнглини олиш, уламоларга сидқидилдан хизмат қилиш, отанинг кўнглини олиш ва отанинг фарзанд ҳақиға қилган дуосининг ижобати ва бошқа қатор ибратли маънолар бордир.

Чимён қишлоғида яшаб ўтган кекса ёшли уламо Кенжа қори домла шундай дейди: “Марғилонлик аллома Холмад қори домлага муҳиб кишилар қаторида фарғоналик бир саховатлик савдогар ҳам бўлиб, у тез-тез домла хузурига келиб турган. Ҳар гал келганида ўзи билан бирга фарзанди ёш Собиржонни ҳам бирга олиб келар эди. Кўп қатори Собиржонга ҳам домланинг меҳри тушади. Айниқса, домла уларнинг ҳовлисига борган кезлари Собиржон отасига кўшилиб домлага шойиста хизмат қилгани бунга сабаб бўлган.

Кейинчалик қассоблик касбини ўрганиб халқ орасида “Собир қассоб” номи билан машҳур бўлган бу шахс домла билан боғлиқ хотираларини шундай эслаган эди: “Қатағон даврида отам кулоқ қилиниб отувга ҳукм қилинди. Тергов жараёнлари тугаб, охири сўзда отамдан: “Нима гапингиз бор?!” – деб сўрашди. Отам индамади. Шунда мен ўрнимдан туриб: “Ўртоқ начальник, ота учун бола гапирса бўладими?” – дедим. “Ҳа бўлади”, – деди. Мен: “Отам саксонга кириб қолган. Отувга ҳукм қилинди, ўлиги қаерда қолиб кетишини билмаймиз, бордию отам учун мен ўзимни фидо қилсам бўладими?! – дедим. У аввалига бир оз хайрон бўлди, кейин: “Ҳа бўлади”, – деди. “Бўлмаса, мени олиб кетаверинг”.

Шундай қилиб бизни Кўқон турмасига олиб кетишди. У ерда бир неча кун турдик. Марғилонлик Холмуҳаммад қори домла, Шохимардонда катта ер-суви бўлган Хонқиздаги Сағир бойичча ва бошқалар ҳам шу ерда экан.

¹⁶³ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. «Насаб» Қўлёзма... 48-49-б.

Холмухмад кори домла ўша ерда ҳам бизни кўнглимизни кўтариб, мазкур ўлим ватан, миллат ҳимояси йўлида бўлаётган шарафли ўлим экани уқтирар эдилар. Махбусларни кечаси ярим тунда олиб чиқиб отишар экан. Улар кириб келганида итининг даҳшатли овози юракларни зирқиратар эди.

Эшик очилиб: “Фалончиев Сағир ким?” – деб сўради.

– Мен.

– Мен билан юр.

Олиб чиқиб кетди. Бир оздан кейин ташқари ўқ овози эшитилди. Ўтирганлар истиржоъ калимаси (мусибат етганда айтиладиган калима) ни айтдилар. Орадан бир муддат ўтгач, кириб: “Фалончиев Холмад ким? – деди. Қорипочча: “Собиржон”, – дедилар. Лаббай деб кўлларида етаклаб ташқарига чиқдик, отиладиган жойга қараб юрдик. Йўлда устунда Сағир бойиччани мисқоли салласи билан чакмони осифлиқ турганини кўрдим. Қоида бўйича отишдан олдин имзо кўйдириб кейин отар экан. Бизни ичкарига олиб киришди.

– Фалончиев Холмад сизми?

– Ҳа.

– Сизни нима учун бу ерда олиб келишди, билсизми?

– Йўқ.

– Сиз энг олий жазога ҳукм қилиндингиз.

– ...

– Айбингизни биласизми?.

– Йўқ.

– Сиз аксилнқилобий тарғибот юритгансиз, босмачиларга ғоявий раҳнамолик қилгансиз.

– Йўқ, мен буларни билмайман.

– Билмасангиз биз биламиз, мана бу ерга имзо чекинг.

У қўлидаги ручкани домлага берди. Домла: “Мен бундай имзо кўя олмайман. Биз бармоқ босамиз, бармоғимни сиёҳга бўянг, имзо чекаман, бу қиёматда Худонинг ҳузурида бизга ҳужжат бўлади”, дедилар. Улар домланинг бармоқларини бўйай бошлашди. Шунда ғиқ этиб эшик очилди ва бир киши кирди, домлани кўриб: “Қорипочча!!!” – деди.

– Боходирхон!!!” – дедилар домла.

Маълум бўлишича у таълим берган шогирдларидан экан.

– Сиз бу ерда нима қилиясиз?

– Билмадик, олиб келишди.

– Сиз бу ёкка юринг, сизда ҳеч гап йўқ, деди.

Домла яна: “Собиржон!” – дедилар. Мен қўлларидан тутиб олиб чиқдим. У бизни извошга ўтказди ва ўз уйига бошлаб борди. Уйда ҳаммоми бор экан, яхшилаб ҳаммом қилган бўлди. Кейин бизга янги либослар бериб, меҳмон қилди. Вокзалга олиб чиқиб, Андижон – Масква поездига ўтказиб, алоҳида ҳадялар бериб, менга: “Домлани уйларига ташлаб кўясиз,” – деб жўнатиб юборди.

Марғилонга келиб домлани ҳовлиларига олиб келдим. Уйларида мотам эди. Бизни кўриб хурсанд бўлишди. Уларни хурсанд қилгач: “Энди менга рухсат беринг, уйга борай, отамнинг ҳоли нима кечди экан”, – деб уйга жўнадим. Уйга келсам ҳамма ёқ жим-жит, отам уйда йўқ. Ҳовли саҳнида онам билан кўришгач: “Отам қаерда, аҳволи нима бўлди, ёки мени дардимда ўлиб қолдимми?” – деб сўрадим. Онам деди: “Йўқ, отанг сен кетганингдан бери хужрасидан чиқмай Худога йиғлаб дуо қилиб ўтирибди...”

Отанинг дуоси болани турманинг оғзидан ва милтиғни ўқидан қайтариб олиб келишини ўшанда кўрган эдим”.¹⁶⁴

Холмуҳаммад қори 1939 йил, 17 август куни 82 ёшда Марғилонда вафот этганлар. Қабрлари Марғилон шаҳар Падажой маҳалласида жойлашган қадимий қабристонга бино қилинган.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Домла вафотидан бир қанча йиллар ўтгач мазкур қабристон ўрнидан йўл ўтадиган бўлади. Бунга эшитган алломанинг фарзандлари оталаринг қабри оёқ ости бўлишидан кўрқиб, уни Чорбоғ маҳалласидаги янги барпо бўлган қабристонга олиб бормоқчи бўладилар. Шу мақсадда қабрни очадилар. Лекин нимадирки, қабр бўм-бўш эди. Улар адашдикми, деб кенгроқ ва чуқурроқ қавлаб кўрадилар. Лекин сўнгак тугул, бирор асар ҳам топа олмайдилар. Ҳолбуки, қабр алоҳида белгили қилиб қўйилган эди.

¹⁶⁴ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Чимён. 2014.

Бу ҳақда замон уламози Абдуллажон махдум домла Аҳмад қори ўғлига маслаҳат қиладилар. У зот уларга тасаллий берган бўладилар. Шундай бўлса-да, улар оталари дафн қилинган қабр туфроғини кўчириб, Чорбоғ маҳалла қабристонига бино қиладилар. Яқинда мазкур қабр алломанинг фарзандлари ва мухлис кишилар тарафидан қайта таъмирланиб, устига алломанинг таржимаи ҳоли ва баъзи фазилатлари ёзилган алоҳида қабр тоши ўрнатилди.

Бухорий домла

Қоил Марғилонийнинг иккинчи устозлари Мирхалил домла Бухорий эдилар. Бухорий Домла Марғилоннинг Хожа Порсо маҳалласида туғилганлар. Оталари Мирхайит исмли киши бўлган. Домла илм таҳсилени ёш болалик пайтларидаёқ бошлаганлар. Кейин Бухорога бориб таълимни давом эттирадилар.

Мадрасага борган дастлабки пайтларидаёқ Бухоро амири таъсис қилган “дахяк” (“ўндан бир”) мукофотиغا сазовор бўладилар. У ерда қаттиқ риёзат эвазига таҳсил қилганлар ҳатто йўқчилик туфайли ташлаб юборилган сабзи пўчоқларини еган кунлари ҳам бўлган. Мазкур риёзатлар эвазига алломага мислсиз илм ҳосил бўлади. Исmlарига “Бухорий” нисбасини қўшиб айтилиши Бухорода узоқ вақт туриб қолганларидан эди.

Ана шу пайтда таърифлари Бухоро амирининг қулоғига етади. Амир домлани ҳузурига чақириб, Бухорода қолишга таклиф қилади, лекин домла қабул қилмайдилар. Амир яна илтимос қилади, лекин домла ватанни соғинганлари узрини айтиб Марғилонга қайтадилар.

Домла талабалик пайтларидаёқ фазилат ва каромат соҳиби бўлган эдилар. Қиш кунларининг бирида кечанинг охириги қисмида домла таҳоратга чиқадилар. Совуқнинг қаттиқлигидан мадраса ҳовузи ҳам музлаб қолган бошқа сув йўқ эди. Ҳазрат кўп ўйланадилар. Сўнгра ҳовуз бўйига келиб, Аллоҳдан сув сўраб дуо қиладилар. Не бахтки, Аллоҳнинг қудрати билан ҳовуз усти битта обдаста сиғадиган даражада ёрилиб сув кўринади. Домла Аллоҳга шукрона айтиб, обдастани тўлдириб орқага қайтадилар.

Айни пайтда устозлари ҳам уйғониб ташқарига чиққан эди. Устозни болаҳонадан тушаётганларини кўрган домла югуриб бориб,

икки қўллаб сувни узатадилар. Зийрак устоз бир зум атрофга назар ташлайди ва: «Совуқнинг зарбидан музламаган бирор нарса қолмабди ҳатто ҳовузимиз ҳам. Сизда эса янги сув уни қаердан олдингиз», – дейди. Домла бир оз хижолатлик билан воқеани айтадилар. Устоз: “Ҳай-ҳай, шундайми, бўлмаса обдастани ерга қўйингда қўлингизни очинг”, дейдилар. Сўнгра қиблага қараб: “Омин, сизнинг ишингиз битибди, бу ерда сиз ўрганадиган илм қолмабди, бориб бемалол Марғилон халқига дарс айтаверинг”, – дея дуо қиладилар.

Бугина эмас, домла Марғилонга қайтаётганларида устозлари, “Бу бола Бухоронинг ярим илмини ўзи билан Марғилонга олиб кетди”, – дея кузатиб қолган эдилар. Марғилонга келиб Подшо Искандар мадрасасида мударрислик қила бошлайдилар. Кейинчалик бош мударрис бўладилар.

Бухорий домла 1340/1922 йилда вафот этганлар. Хожа Порсо қабристонига дафн қилинганлар.¹⁶⁵

Хонақоҳий Ҳазрат Домла

Маълумотларда Охунд дада талабалик пайтларида Хонақоҳ мадрасасига бориб, у ердаги устозларга ҳам хизмат қилганлари айтилган. Лекин бу ердаги устозлари ким экани айтилмаган. Фақат у ерга ҳар куни сахар пайти бориб, ўчоқ ўтинларга қараб, талабаларнинг таҳоратига сув ҳозирлашлари айтилган. Бироқ, Хонақоҳ мадрасасида асосий катта устоз ва мударрис Хонақоҳий Ҳазрат Домла экани ва барча талаба ва зиёратчилар асосан бу зот ҳузурига келишини инобатга олсак, тилга олинган устоз Хонақоҳий Ҳазрат Домла экани англашилади. Шуларни инобатга олиб, Охунд даданинг устозлари қаторида Хонақоҳий Ҳазрат Домла номларини ҳам келтириш асосли бўлади.

Ўз даврида Марғилон ва унга қўшни шаҳар ва қишлоқлар ижтимоий-маънавий муҳитида салмоқли ўрин эгаллаган буюк тасаввуф шайхи, нақшбандия тариқатининг йирик пири муршиди,

¹⁶⁵ Раҳматуллоҳ Файзуллаев, Нодиржон Абдулаҳатов. “Муҳаммад Юсуф Ҳазин” (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний) Тошкент: “Шарк”. 2013, 473-б.

мударрис ва аллома бўлмиш бу зоти шариф 1840 йилда Марғилонда туғилганлар. Тарихий манбалар бизга у зотни шайх, муршид, аллома, факих, муфассир, мударрис, шорих, хаттот, адиб ва шоир сифатида танитади.¹⁶⁶

Аллома бошланғич таълимни Гўри Аввал маҳалласидаги мактабда олгач, Бухорога бориб Мир Араб мадрасасида узоқ вақт таълимни давом эттирадилар. Мадрасадан қайтганларидан сўнг шаҳар марказида жойлашган Хонақоҳга келиб бу ерда фаолият олиб бораётган тариқат пири “Калон ҳазрат” номи билан машхур мавлоно Абдулкарим (қуддиса сирруҳу) ҳузурида хизмат қиладилар ва у зотнинг ижозатлари билан баъзи талабаларга дарс бера бошлайдилар. У зот вафотидан кейин ўрниларида халифа бўлиб қоладилар.

Маълумотларда бу ерга бутун Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларидан Озарбайжон, Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилояти, Татаристон ўлкасининг Қозон, Уфа шаҳарларидан ҳам мурид ва талабалар келиб таълим олгани айтилган.¹⁶⁷

Қирғизистоннинг Аравон қишлоғидан Амоний Арабоний¹⁶⁸ Марғилонга келганида бу қутлуғ даргоҳ зиёратидан файзёб бўлиб, шу ерда талаба бўлиб қолганини шундай таърифлаган эди:

*Бешак эрур бул мадраса нурнинг кони ,
Толибман деб файз олмаса йўқдур жони,
Хонақоҳда яхшиларнинг кўндур сони,
Бул сабабдан Марғинонга келдим, дўстлар,
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.¹⁶⁹*

¹⁶⁶ Муҳаммад Юсуфхон Хонақоҳий. “Сийға” Тошкент, Илын босмахонаси.1912; Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний. “Девони Бекий”; Р.Файзуллаев кутубхонаси. Абдуллоҳ Марғиноний. Қўлёзма. Р.Файзуллаев кутубхонаси; Абдулқодир Марғиноний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №20 қўлёзма; Зикриё қори Марғилоний. Р.Файзуллаев кутубхонаси.№3 Қўлёзма; Миряхё қори Марғилоний. Баёз, Қўлёзма. Р.Файзуллаев кутубхонаси; «Девони Ғурбатий» // Тўплаб нашр қилувчи Алишер Бек. «Фарғона»нашриёти, 2008; Фаҳмий Марғиноний. Девон, Қўлёзма.

¹⁶⁷ Фазлул Ваҳҳоб Мозорий. Р. Файзуллаев кутубхонаси. № 6 қўлёзма. 55-б.

¹⁶⁸ Мулла Амониддин Ўринбой ўғли Амоний. Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон қишлоғида туғилган. 1946-йилда Андижоннинг Храбек қишлоғида вафот этган.

¹⁶⁹ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб». Тошкент–1912. 39-144-б.

Хонақоҳий Ҳазрат Домла “Ҳазин” (“Ғамгин”) тахаллуси билан ижод қилганлар ва бизгача кўплаб назмий ва насрий асарлари етиб келган. 1918 йил рамазон ойининг ўнинчи куни Марғилон шаҳрида 78 ёшда вафот этганлар.

Ҳазратни Хонақоҳ ёнидаги қабристонга устозлари ёнига дафн қилинган. 1928 йилда йўл қурилиши муносабати билан қабрлари кўчирилиб Сармозор қабристонига олиб борилган. Ҳозирда табаррук зиёратгоҳдир.¹⁷⁰

Эслатиш ўринлики, биз биринчи китобнинг муқаддима қисмида, ушбу уринишда биз Хонақоҳий Ҳазрат Ҳазин Марғиноний ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ барча маълумотларни жамладик, дейишдан узоқмиз. Фақат имконимиз доирасида бўлган ва топа олганимизнигина келтирдик. Бинобарин, кейинчалик Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний маноқиблари билан боғлиқ янги-янги маълумотлар топилишига, аниқроғи, ихлосли кишилар топиб халқимизга тақдим қилишларини умид қиламиз. Қолаверса, изланиш ва тадқиқотларимиз ҳозир ҳам давом этаётганини эслатишни ўринли деб биламиз, дея айтган эдик. Шунга кўра, изланишларни давом эттириб, айтилганидек Хонақоҳий Ҳазрат Домла ҳақида янги маълумотларни топишга эришдик. У ҳам бўлса юқорида номи келтирилган Амоний Арабонийнинг у зот ҳақида ёзган қатор асарлари бўлиб, улар муаллифнинг “Танқидоти Амоний Арабоний” (“Амоний Арабонийнинг танқидий асарлари”) номли кўлөзмасида келтирилган. Кўлөзма 1965 йилда Амонийнинг яқин дўсти Андижоннинг Марҳамат қишлоғида яшаган Махдум Восилий Ал-Марҳаматий томонидан кўчириб олинган. Мазкур кўлөзма Махдум Восилийнинг фарзанди мухтарам олим Махмуд Ҳасаний тарафидан ҳозирги ёзувда ўгирилиб, 2003 йилда оз нусхада нашр қилинган. Қуйида улардан баъзиларини келтириб ўтамыз. Амоний унда устози Хонақоҳий Ҳазрат Домла ва у зотнинг халифалари Мавлоно Абдулкарим домла ҳақларида тўхталиб, уларга боғлиқ кўплаб маълумотлар ва қатор жиҳатларини тилга олиб ўтган.

¹⁷⁰ Раҳматуллоҳ Файзуллаев, Нодиржон Абдулаҳатов. “Муҳаммад Юсуф Ҳазин” (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний) Тошкент: “Шарк”.2019, 55-б.

Зикри жаноби мавлоно ва устодуно олий даражот ва фоиз ул-баракот, номдори жаҳон, соҳиби ҳақойиқ ва ирфон, фахри уламо, тож ул-фузало, кошифи асрор Ҳазрати устоз ул-мукаррам ал-маишхур Ҳазрати Домло Муҳаммад Юсуфхон ал-Марғилоний ал-мутавааттин би-л-мадрасатил-Хонақоҳ баррадаллоху мазжаъаху ва зикри жаноби Мавлоно ал-Мукаррам ва қоим мақоми сажжоданишин Ҳазрати устозий ал-мухтарам атолаллоху умраҳу ва адома зилола вуҷудихи ала руусино аз камтарини худдом ва муҳиббон фақир ул-ҳақир Амоний Арабоний салламахуллоҳ

(Ушбу зикрлар Жаноби мавлоно, устозим, олий даражот ва фоизул баракот, жаҳон маишхури, ҳақиқат ва ирфон соҳиби, уламолар фахри, фузалолар тожи, сирлар кошифи Марғилондаги Хонақоҳ мадрасасида истиқомат қилувчи Ҳазрат устози мукаррам – Аллоҳ у зотни ётган жойларини салқин қилсин – Домла Муҳаммад Юсуфхон номи билан маишхур ва у зот ўрниларига қоим мақом бўлган – Аллоҳ умрларини узун, вуҷудлари соясини устимизда бардавом қилсун – ҳазрат устозим иккилари ҳақида ходимларининг камтари, муҳибларининг фақиру ҳақир Амоний томонидан ёзилгандир.)

*Жаноби Ҳазрати устоз сарвари ахёр,
Чароғи дини Расул Муҳаммад Мухтор.*

*Шариат ичра имому тариқат ичра ҳумом,
Мақоми қасрда олий чу Аййубу Ансор.*

*Тамоми обиду зоҳид аросида мумтоз,
Мисоли ҳазрати Жунайд ё Аҳрор.*

*Кўрунса номи Муҳаммад ахири Юсуфхон,
Тилимда бўлса муборак дилимда ҳам такрор.*

*Тамоми суннати Ҳазрат вуҷуди бошдан аёқ,
Киши шунча бўлурму камоли ҳилму виқор.*

Қаерда билур мақомин бу аҳли ҳозирлар,

Мақоми Ҳазрати Хизр, Набийга суҳбатдор.

*Чунончи хизматида гуруҳ - гуруҳ жинлар,
Калима арза қилишиб бўлурлар диндор.*

*Бу сўзни аҳли расола дер саҳиҳу сиҳот,
Иноят этти шаҳодат гувоҳ ила иқрор.*

*Жаҳондин ўттилар афсуски муришудуно,
Камоли қадрига етмай надоматим бисёр.*

*Агарчи ноқис эсам ҳам тамоми бошдин аёғ,
Жаноба жону дилимда эрурман анга нисор.*

*Муяссар эрди жамоли ҳаёт вақтида,
Етарди файзи футуҳи дилимга лайлу наҳор.*

*Хануз файзи дилимда жамолидек жорий,
Агарчи роҳи тариқат эрур манга душвор.*

*Мамоти бўлди мураббий ҳаётидан афзун,
Ки шояд ўлса вужудим ахийри файзосор.*

*Вужуди қалбида топгай асари фуйузидин,
Кимики бўлса ҳаёти ичинда ходиму ёр.*

*Ҳамиша турбати ҳокин кўзумга сурма қилай,
Муяссар ўлса сиз ҳам қилинг, қилинг зинҳор.*

*Худоё, жалла жалалуху ғариқи раҳмат қил,
Ба ҳаққи соҳиби Тоҳо ва Саййиди аброр.*

*Туфайли ушбу жаноби қутби Мавлоно,
Илоҳий, айла дилимни сиёҳини анвор.*

*Вафоти таърихи бўлди тамоми “Фарғона”,
Бу хилда яшии азизлар ўтиб кетиб якбор.*

*Етушти бир назар ила мақомига бир зоти,
Ҳаёт вақтида эрди мисоли ёри зор.*

*Мақом тай қилиб ўтмак эмас эди осон,
Агарда тобмаса эрди назарларин ҳар бор.*

*Азизи муришиди ҳозир, чароғи Фарғона,
Худони зикрини бир дам унутмагон бедор.*

*Кечиб сағийру кабийр тамоми лаззатдин,
Ўзини амрида қоим талаб қилиб дийдор.*

*Кимки соҳиб дилдур кўрар ҳамон дарҳол,
Кўзига сурма қиладур изида тобса губор.*

*Саломат айла Худоё, замона фитнасиндин,
Жаноби зотини бўлсун ҳамшиша беозор.*

*Муриди мухлис бўлдим хатога тавба қилиб,
Дилимда зикри Худони қилиши учун такрор.*

*Тариқат амрида доим бўлолмадим афсус,
Замона ташвиши айлаб дилимни зийқу тор.*

*Агарчи қобил эмасман бажойи ёронлар,
Бўлурму гўшаи чашми каминага яқбор.*

*Ба ҳаққи жумлаи машойиху уламо,
Дилимни айла Худоё, бу илмдин гулзор.*

*Хароби дилдур Амоний, кўрунг бу даргоҳда,
Бўлурму дилга ёруғлуқ чароғидин анвор.¹⁷¹*

Амоний Ҳазрат Домла фаолият олиб борган Хонақоҳ мадрасаси ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Зикри жаноби олий даражат ва фоиз ул-баракот, номдори жаҳон, ҳақойиқи ирфон, фаҳр ул-уламо, тож ул-фузало, кошифи асрор, нозири анвор, аъний мавлоно ва устозуно ал-киром Ҳазрати Домло Муҳаммад Юсуфхон ал-Марғиноний ал-

¹⁷¹ Амоний Арабоний. “Исмидур обиравон”. (Ғазал ва мухаммаслар). Тошкент. “Фан” нашриёти. 2003, 113-117-бетлар. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, таъдир ва изоҳлар муаллифи - Маҳмуд Ҳасаний.

**мутавааттин би-л-мадрасатил-Хонақоҳ раҳимахуллоҳ раҳматан
восиъатан.**

*(Жаноби олий даражот, файзлар етказувчи, жаҳон номдори,
ирфон соҳиби, уламолар фахри, фузалалар тожи, сирлар кошифи,
яъни Хонақоҳ мадрасасида истиқомат қилувчи мавлойимиз ва
устозимиз – Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин – Ҳазрат Домла
Муҳаммаад Юсуфхон ал-Марғиноний зикрида)*

*Кайси зот ул Марғиноний Хонақоҳ,
Муттақиййу муртазий беиштибоҳ.*

*Ўз замонида Зуннуну Боязид,
Қола Мавлоно Жомий вақти дид*

*Номи созлаб ҳусн Пайғамбарға ном,
Номи файзи бирла пунгги неча хом.*

*Руҳи мурсал руҳи Пайгамбар набий,
Тарбиятда мусавийдур маишрабий.*

*Тутубдурлар чун чароғи шаръи дин,
Зоти соҳиб Хизр бирла ҳамнишин.*

*Сирри суннатларға воқиф ҳар замон,
Пешвойи мутқатадойи орифон.*

*Бўлди доим хизматида жин-пари,
Кимки суҳбат топти толиъ муштарий.*

*Фахри олам, фахри зоҳид дамбадам,
Кимни бўлса нисбати анга не гам.*

*Бўлса кимни анда гоҳ-гоҳ суҳбати,
Бешак анга мавжуд эрди шафқати.*

*Дилда доим ҳозир эрур ул жамол,
Қайда бордур Хонақоҳи дар камол.*

*Боргоҳи, дарсгоҳи Хонақоҳ,
Асли орифларни жойи файзгоҳ.*

Анда равшан баҳралардин файзи нур,

Минг латоиф бирла бўлган ҳар сурур.

*Зиндалардин беҳтар анда файз бор,
Руҳи хобим ичра балки манга ёр.*

*Ёд қилсам шукр доим ул мадад,
Айлагайлар ҳеч қилмай манга рад.*

*Гарчи нуқсон менда кўбдур бегумон,
Беибодат, бериёзат жисму жон.*

*Шайх бўлмиш зиндаларга ул шер,
Лек ҳадди ҳар балога дастгир.*

*Зиндаларда йуқ чунончи бу камол,
Файзи нақдур ўлсалар ҳам безавол.*

*Дилга олиб баъзи вақтда Хонақоҳ
Руҳи покин ёд айлаб субҳгоҳ*

*Айласам мен анда андак робита,
Гарчи кўбдур дилда юз минг восита.*

*Пардаларни йиртиб анда бегумон,
Қалби сирни равшан айлар ул ҳамон.*

*Ушбу риққат бирла кетиб ҳушу тан,
Эсга келмас боғу роғу марду зан...¹⁷²*

Кўриниб турибдики, Амоний устоз Хонақоҳий Ҳазрат Домлага жуда қаттиқ боғланган. Доим у зот хузурларида бўлишга ва суҳбатларида иштирок этишга ҳарис бўлган. Бу бежиз эмас, чунки Амоний ҳаётининг кейинги даврларида кўп муаммолар ва қийинчиликларга дуч келган. Ижтимоий-маънавий соҳаларда пайдо бўлаётган муаммолар айниқса уни тинкасини қуритган. Шу туфайли устози ҳаётлик пайтидаги файзли дамларни кўп қўмсаган. Бунини устози вафотидан кейин у зотнинг яқин ва катта шогирдлари Охунжон қори Водилий билан яқин алоқада бўлгани ва ўзаро

¹⁷² Шу ерда охириги байтлар тушиб қолган.

мактублар ва шеърий ёзишмалар орқали боғланиб турганидан ҳам билса бўлади. Айниқса, мазкур асарларда унинг барча ички дардлари ва армон-истаклари тилга олиб ўтилган.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ МАЗҲАБ ҲИМОЯЧИСИ

Маълумки, диёримиз мусулмонлари неча асрлардан бери Ислом дини кўрсатмаларига Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит асос солган ҳанафий мазҳабига мувофиқ ҳолда амал қилиб келадилар. Ҳанафий мазҳаби дунё мусулмонлари ўртасида энг кўп худудларга тарқалган мўътадил мазҳаб экани билан ажралиб туради.

“Кашфу-з-зунун” муаллифи Ҳожи Халифа ёзади: “Тўрт мазҳаб ичида биринчи ўринда турадиган ва ҳақиқатга энг яқин бўлгани, Абу Ҳанифа асос солган мазҳабдир. Негаки, ушбу мазҳаб бошқаларидан иттифоққа асослангани, устиворлиги, олий истеъдод маҳсули бўлганлиги, қарашларнинг кучлилиги ва илм ул-аҳком соҳасида ундаги фикрлар тўғрилиги ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради”.¹⁷³

Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ҳазратлари 80 ҳижрий (699 мелодий) да Куфа шаҳрида туғилиб, 150 ҳижрий (767 мелодий) да ўша ерда вафот этганлар. Қабрлари Бағдод шаҳрининг “Аскар Махдий” номли мавзеида Хайзурон номли қабристоннинг шарқий томонига бино қилинган.

Абу Ҳанифа Қуръони каримни ёшлик давридаёқ тўлиқ ёд олганлар. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларининг энг нозик қирраларигача пухта ўрганадилар. Никоҳга оид қийин ҳуқуқий муаммони ечганлари учун “Имоми Аъзам”, яъни “Буюк Имом” деган шарафли номга сазовор бўладилар. Талабалик йилларида тўрт мингга яқин устоздан таълим оладилар. Улардан етти нафари Пайғамбаримиз саҳобалари, ўттиз тўққиз нафари тобеин эди. Абу Ҳанифа фикҳ илмини кимдан ўрганганлари ҳақида, “Мен илм ва фикҳ кони бўлган жойда яшаб, унинг аҳли билан учрашиб, фақиҳлар жумласидан бирини танлаб олдим”, деган эдилар. Кейин эса, ўша даврнинг йирик олими бўлмиш Ҳаммод ибн Сулаймонни дарс ҳалқасига ўтириб, ўн саккиз йил мобайнида таълим олганлар ва унинг вафотидан кейин ўрнида мударрис бўлиб унинг вазифасини

¹⁷³ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. 2-ж, 202-бет. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981.

базарганлар. Ҳаммод ибн Сулаймон Ашъарий (ваф. 120 х.) фикҳ илмини Иброҳим Наҳъий ва аш-Шаъбийдан олган, уларнинг иккаласи ҳам Али ибн Абу Толиб ва ибн Масъуд фикҳини Шурайх, Алқама, Масрук ибн Аждаъ орқали ўзлаштирган эдилар.

Абу Ҳанифа қирқ ёшларида дарс беришни бошлайдилар. Кейинчалик ўз замонасининг машойихи даражасига етган саккиз юзга яқин шогирдларга таълим берадилар. Абу Ҳанифа ҳазратларининг фазилатини замондошлари ва бир қанча олимлар эътироф этганлар.

Имом Молик Абу Ҳанифа билан тўғридан-тўғри учрашиб, у зотни етук олим эканларини тасдиқлаган ва ундан Абу Ҳанифа ҳақида сўралганда, “У шундай бир олимки, агар истаса, ушбу ёғоч устунни олтин деб исботлашга қодир”, деб жавоб берганлар.

Имом Шофиъий Муҳаммад ибн Ҳасан орқали Абу Ҳанифанинг набира шогирди бўлиб, кейинчалик у зотдан ўрганган таълимотлар асосида ўз мазҳабларига асос солганлар ва “Фикҳ бўйича одамлар Абу Ҳанифанинг оиласидурлар” деган сўзлари билан у зотга иззат ва эҳтиромларини билдирганлар.¹⁷⁴

Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий аш-Шофиъий “Ал-Хайрот ул-хисон фи маноқибил-Имомил-аъзам Аби Ҳанифа ан-Нўъмон” номли китобида, Суютий “Табъизус-саҳифа фи маноқибил-Имом Аби Ҳанифа” номли рисоласида Абу Ҳанифа ҳазратларининг фазилатларини баён қилган. Шунингдек, аш-Шаъроний “Ал-Мезон”да Абу Ҳанифани авлиёлардан деб ҳисоблаган ва у зотнинг ҳукм чиқариш услубининг тўғрилигини таъкидлаган. Турк қомусий олими Шамсуддин Сомий Абу Ҳанифа ҳақларида: “У суннийларнинг тўртта мазҳаби раҳбарларидан биринчиси ва ислом шариатининг буюк бир рукни (устуни) дир” деган.¹⁷⁵

Абу Ҳанифа ўзлари ҳалол касб қилиб савдогарчилик орқали кун кечирганлар. Қирқ йил давомида кечалари ухламай ибодатда ҳамда илм излаш ва тарқатишда бўлганлар. Натижада, минглаб

¹⁷⁴ Муҳаммад Амин Ибн Обидин. “Хошиятун Раддул мухтор аъла дуррил мухтор”. Дорул фикр. Байрут, 1415/1995. 1-ж, 53-б.

¹⁷⁵ Шамсуддин Сомий. “Қомус ул-аълум”. Истанбул, 1898. 1-ж, 711,712-бетлар.

ҳукукий муаммоларга жавоб топадилар. Шундай буюк фаолият орқали ҳанафий мазҳаби таълимоти юзага келади. Ҳадиси шарифда: “Кимга Аллоҳ яхшилиқни ато этишни ирода қилса уни дин илмини биладиган фақиҳ қилиб қўяди”, дейилган.¹⁷⁶

Абу Ҳанифа асос солган мазҳаб саккизинчи аср ўрталарида у зотнинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, шу асрнинг охирларида узоқ-яқин ўлкалар жумладан, Мовароуннаҳрга етиб келган. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирдларидан бўлмиш Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс-ал-Кабир ал-Бухорий (ваф. 832 й) биринчи бўлиб IX аср бошларида ушбу мазҳаб таълимотини ватани – Бухоро – Мовароуннаҳрга олиб келган. Унинг тарбияси остида бир гуруҳ фақиҳлар жумладан, ўз даврида ҳанафий мазҳабининг шайхи ва салоҳиятли вакили бўлган унинг ўғли Абу Ҳафс Сағир Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Ҳафс юксак даражали фақиҳ мартабасига етган.

Ҳанафий мазҳаби Ўрта Осиё ва Мовароуннаҳр ҳудудида кенг кўламда тарқалгач, уларнинг жуда кўп йирик ва салоҳиятли вакиллари ва имомлари, эътиқод соҳасида ҳам ҳуқуқ соҳаларида, ушбу муҳитда камолот даражасига етиб мазҳаб соҳасида ниҳоят муҳим ҳуқуқий асарлар яратиб, мазҳабнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Мовароуннаҳр мусулмонлари ана шу даврдан бошлаб ушбу мазҳабга сидқидилдан амал қилиб, барча ақидавий ва ҳуқуқий маросимларини мазкур мазҳабга мувофиқ бажариб келганлар. Шунинг учун ҳам мазкур ҳудудда диний илмларнинг барча соҳаларида тараққиёт ва мисли кўрилмаган даражада ўсишлик бўлган. Негаки, тараққиёт фақат бир хилликда бўлиши ва бир мазҳабга қаттиқ боғланишда эканини бу диёр мусулмонлари жуда яхши англаганлар. Шу туфайли ўзлари ва атрофидаги кишиларга мазҳаб афзаллигини доимий равишда кўрсатиб бориш орқали шогирд ва талабалар ўртасида мазҳабга ва мазҳаб соҳибларига

¹⁷⁶ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”.... 3-ж, 1134-б; Муслим ибн Ҳажжож Абул Ҳусайн ал-Қурайший, ан-Найсобурий. “Саҳиҳу Муслим”. Дору эҳёе турос ал-арабий. Байрут - 2-ж, 718-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”...1-ж, 306-б; Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 10-ж, 154-б.

муҳаббатни шакллантира олганлар. Айниқса, водий шаҳарлари, жумладан Марғилон уламолари ўртасида бу ҳаракат ўта кучли кечганини кўрамиз.

Биз Қоил Марғилоний фаолиятларини ўрганар эканмиз, у зотни бу соҳага алоҳида эътиборли бўлганларини кўрамиз. Тўғри, аллома яшаган даврда ўтган асримизнинг охирларида пайдо бўлган турли ақидавий гуруҳлар фаолияти ошкоро кўзга ташланмаган бўлса-да, онда-сонда баъзи кишилар тарафидан мазҳаб ҳукми билан ҳисоблашмай, тўғридан-тўғри оят ва ҳадисдан ҳукм чиқариб иш тутишга қизиқаётган кишилар борлиги эшитилиб турган. Аллома ўз асарлари ва турли чиқишлари орқали шогирд ва мухлисларини ақида ва мазҳабда Аҳли суннат вал жамоат мазҳаби, суннийлик йўналишида маҳкам туришга чақирганлар, уларни пайдо бўлган ҳар қандай янгиликка эргашишдан огоҳлантирганлар. Чунки, Абул Ҳусайн Борусий айтганидек, “Суннатга эргашмай, бидъатлардан қочмай кишида имон нури зоҳир бўлмайди. Қаерда нурсиз-зоҳирий ҳаракатларни кўрсанг билки, у ерда махфий бидъат бордир”.¹⁷⁷

Шайх ул-ислом Абу Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирруху) шундай деганлар: “Ҳар нимарсадин бир миқдорни олсалар бир миқдори қолур, шариатдин ўзгаки – бир миқдори ондин кам бўлса, ҳеч нима қолмас”.¹⁷⁸

Абу Абдуллаҳмон Ас-Суламий: “Аллоҳ таоло бандасига яхшиликни хоҳласа, уни аҳли суннат ва аҳли салоҳ кишилар билан бирга қилиб, бидъат ва бадмазҳаб кишилардан узоқ қилиб қўяди”, дея келтирган.¹⁷⁹

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Киши, биродарининг дини – йўли ва маслагидадир, ҳар ким ўзини ким билан юрганига қарасин”,– деганлар.¹⁸⁰ Суламий мазкур ҳадисни

¹⁷⁷ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат». Тошкент, 2001.52-б.

¹⁷⁸ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 16-б.

¹⁷⁹ Абу Абдуллаҳмон Ас-Суламий. “Одоб ас-суҳбат”. Дорус саҳоба лит турос. Миср. 1410/1990. 1-ж,41-б.

¹⁸⁰ Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бақр ал-Байҳақий. “Шуъаб ул-имон”. 7-ж, 55-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснад ул-Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал”... 1987, 2-ж, 33-б.

келтирар экан, киши имкон қадар бидъат аҳлидан узоқ бўлиши керак дея уқтиради.¹⁸¹

Қоил Марғилоний талабаларга фикҳ бўйича ҳанафий мазҳабнинг мўътабар асарлари “Ҳидоя”,¹⁸² “Шарҳи Виқоя”¹⁸³ ва “Мухтарсар ул-виқоя”¹⁸⁴ китобларидан, ақида бобида “Ақоид Насафий”,¹⁸⁵ “Бадъ ул-амолий”,¹⁸⁶ “Фикҳ ул-акбар”¹⁸⁷ каби суннийликдаги асосий ақида китобларидан дарс айтишлари бу соҳадаги эътиборларидан эди.

Шогирдларидан Маҳмуджон домла шундай дейдилар: “Илгари Марғилонда ақида илми пухта ўқитилган, шунинг учун ўша давр уламолари орасида ихтилоф бўлмаган. Охунд дада ҳам бунга қаттиқ эътибор берар эдилар. “Сабот ул-ожизин” нинг бир байтига соатлаб маъно айтишлари ҳам шундан эди. Чунки мазкур рисола ақида бобидаги мўътабар асар саналиб, бунга алоҳида эътибор қилинар эди”.

Шогирдларидан Аҳмадуллоҳ Қудратуллоҳ ўғли шундай дейди: “Биз таълим олиш учун Охунд дада ҳузурларига борганимизда Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасар ул-виқоя” китобидан дарс бера бошладилар. Дарсинг биринчи кунидек таҳорат бобидан бир иборани ўқиб, унга икки соат маъно айтдилар. Қолган кунлари ҳам дарслар шу каби бўлар эди”.

¹⁸¹ Абу Абдурраҳмон ас-Сулабий. “Одоб ас-суҳбат”... 1-ж, 41-б.

¹⁸² Машхур фақиҳ Али ибн Абу Бакр Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197 м.) қаламига мансуб асар. Аллома уни 11 йил давомида рўзадорлик билан ёзганлар. Китоб Марғилонда Пурсиддик зиёратгоҳи ёнида жойлашган чиллахонада бошланиб, Самарқандда тамомига етган. Ҳозирга қадар ҳанафий мазҳаб ҳуқуқшунослигида энг мўътабар ва машхур манба.

¹⁸³ Садр уш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож уш-шариа Маҳмуд ибн Садр уш-шариа ал-акбар Аҳмад ибн Жамолиддин ал-Маҳбубий ал-Бухорийнинг шарҳи бўлиб, бобоси Тожуш-шариа Маҳмуд ал-Бухорий (ваф. 630 х) ёзган “Виқоя” китобига шарҳ.

¹⁸⁴ Садр уш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорийнинг (ваф. х. 747) “Виқоя” асарини “Ан-Ниқоя” номли мухтасар китоби бўлиб, “Мухтасар ул-виқоя” номи билан машхур бўлган.

¹⁸⁵ Шайх Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (ваф. х. 537) нинг ақида борасида ёзган мухтасар матн китоби.

¹⁸⁶ Сирожиддин Ал-Ўшйининг ақида борасида ёзган “Бадъ ул-амолий” номли назмий асари.

¹⁸⁷ Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг ақида борасидаги асари.

Кўриниб турибдики, аллома талабаларга мазҳабга оид китобларни тушунтиришдан, шарҳлаб беришдан эринмаганлар. Бу улар қалбида улуғ мужтахидларга, мазҳаб фуқаҳоларига ҳурмат ва эҳтиромни шаклланишига олиб келган. Бу борада у зотнинг: “Агар бадмазҳаб кишилар сутни оқ дейишса тасдиқланган, сут оқ, лекин сизлар айтган каби оқ эмас, деб айтинг,” деган сўзлари ғоятда ибратлидир. Қуйида келтирилажак воқеалар ҳам бу соҳадаги эҳтиёткорликлари намунасидир.

Шогирдларидан Соқиматжон ота шундай дейди: “Бир куни катта анжуман пайти бир одам рамазон кунлари таровех намозида ўқиладиган тасбеҳ дуосига кўшимча кўшиш жоиз ё ножоизлиги ҳақида сўради. Охунд дада ёнларида ўтирган бир кишига: “Сиз ўша тасбеҳни ўқингчи”, – дедилар. У ўқиди. Кейин яна бир кишига ўқитдилар. Сўнгра учинчи одамни ҳам тингладилар. Улардан иккитаси аслий ҳолда бир киши эса зиёдаси билан ўқиди. Мендан: “Сиз қандай ўқийсиз”, – дедилар. Мен ҳам ўша кўшилмаган шаклини ўқишимни айтдим. Шунда: “Мана кўрдик, кўпчилик кўшимча кўшмай ўқир экан, кўшиб ўқишда ёмонлик бўлмаса ҳам, янги бошлаётган кишиларга осон бўлсин учун кўшмай ўқиганимиз маъқулроқ”, – дедилар. Билдикки, бу у зотнинг эҳтиёткорликлари эди”¹⁸⁸.

Соқиматжон ота яна шундай дейди: “Бир гал Охунд дада ҳузурларига борсам: “Дўрмон¹⁸⁹ қишлоғида Ҳомиджон охунд вафот қилибди, фотиҳага бориб келсак,” – дедилар. Улар Дўрмон қишлоғининг кўзга кўринган уламолари бўлиб, мулла Жўра қори домла бошчилигида қишлоқ маънавий ҳаётида салмоқли ўринга эга эдилар. Охунд дада билан кадрдон бўлиб, баъзан қишлоққа келсалар, ҳузурлашиб суҳбат қилишар эди. Келдик. Фотиҳадан кейин: “Ҳомиджон охунднинг фарзандлари борми?” – дедилар. “Ҳа бор” – дейишди. “Шу ерда бўлишса, чақиринглар” – дедилар. Келиб ўтиришгач: “Дадаларинг, амакиларинг рост йўлда келиб, рост йўлда

¹⁸⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинариқ. 2012.

¹⁸⁹ Қўштепа туманидаги қишлоқ номи. Дўрмон – Қўқон хонлиги тарихига доир 1869-1873 йиллардаги архив ҳужжатларида номи қайд этилган. Дўрмон ўзбек уруғларидан бирининг номи бўлиб, мўғул тилида тўрт демакдир.

кетишди. Сизларга ҳам бизни тавсиямиз, ўшалар каби рост йўлда юринглар”, – дедилар”.¹⁹⁰

Охунд дада ушбу насихатлари билан уларни турли гуруҳларга кўшилиб кетишдан огоҳлантирмоқдалар, чунки, Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруҳу) айтганларидек: “Ҳар кимнинг қобилият тухуми ихтилофли суҳбатлар таъсирида бузилган бўлса, буни тузатиш чораси қийин. Авлиёлар суҳбатидан ўзга нарса уни қайта тузата олмайди”.¹⁹¹

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган эдилар: “Ўзларингизга (дин ишида) қадимий илмларни лозим тутинглар”.¹⁹² Уламоларимиз ҳадисда келтирилган қадимий илм – саҳобаларнинг илм ва йўллари дир, деб айтганлар.¹⁹³

Охунд дада шогирд ва издошларини ақидавий янгиликлардан сақланишга буюришдан ташқари, унга мойиллиги бор кимсалар билан тортишишдан ҳам қайтарганлар. Бу ҳақда Соқиматжон ота шундай дейди: “Охунд дада бир мажлисда дастурхондан бир бурда нонни ола туриб: “Мана шу буғдой нони-а”, – дедилар. “Ҳа”, – дедик. “Аммо бир одам шуни зогора нон деса, хўп деб кўяверинг, йўқ бу буғдой нони деманг, буғдой унига ўхшаяпти, деб майли бир марта айтиб кўринг, қабул қилса қилди, қилмаса, у билан тортишиб ўтирманг”, – дедилар”.

Имом Ғаззолий шундай дейди: “Шуни билки, мажлисда бошқалардан устун келиш, ўз фазли ва шарафини бошқаларга изҳор қилиш, тортишиш ва ўзгалар назарини ўзига қаратиш мақсадида илм аҳли билан тортишиш Аллоҳ назарида ёмон саналган, душмани шайтон назарида яхши кўрилган барча хулқлар униб чиқадиган манбадир. Бу эса ўша сифатга эга бўлган кишининг ботинида кибр, ужб, ҳасад, мунозара, ўзини ўзгалардан ортиқ кўриш, ўз нафсини пок

¹⁹⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Дўрмон. 2014.

¹⁹¹ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балоғардон”... 80-б.

¹⁹² Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Баҳром ад-Доримий ат-Тамимий. Сунани Доримий. Хусайн Салим Асад таҳқиқи остида. Дору ибн Ҳазм. Байрут, 1421 х. 1-ж, 164-б. <http://www.islamic-council.com>

¹⁹³ Имом Ҳофиз Зайниддин Абул Фараҳ Абдурраҳмон ибн Шихобиддин ал-Бағдодий ад-Димашкий (ваф. 795-х). “Жомеъ ал-улум вал ҳикам”. 1-ж, 285-б.

санаш ва бошқа ёмонликлар борлигини кўрсатади. Бу худди ароқ ичишдан ўзини тиймаган кимсага у туфайли келиб чиқадиган зино, тухмат қилиш, одам ўлдириш ва ўғрилиқ каби бошқа ёмонликларни ҳам нисбати берилгани кабилар.¹⁹⁴

Қуръони каримдаги, “Уларга, яъни Раҳмоннинг бандаларига агар жоҳиллар хитоб қилсалар уларга “саломат бўлинглар”, деб ўтиб кетаверадилар” (Фурқон сураси, 63-оят) мазмунида оят тафсирида Саъид ибн Жубайр: “Уларга яхши гап айтадилар”, – деган.¹⁹⁵ Ҳасан Басрий эса: “Уларга ҳалимлик қиладилар, жоҳиллик қилмайдилар” – деб маъно берган.¹⁹⁶ Юқоридаги тавсияларда мазкур оят мазмунига мувофиқ иш тутишга чақирилгани кўриниб турибди.

Истихорадан ўтиш

Исломда киши бирор ишни бошлашдан олдин унинг оқибати қандай бўлиши ҳақида иккиланса истихора қилиш мустаҳаб саналади. “Истихора” сўзининг маъноси яхшилик талаб қилиш. Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоху анху) шундай дейди: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам биз саҳобаларга янги нозил бўлган оятни таълим берганларидек, истихора намозини ҳам таълим берганлар”.¹⁹⁷ Унга кўра, уйқудан олдин икки ракаат намоз ўқиб, сўнггидан истихора дуоси ўқилиб, ният қилган ишининг яхшилигини сўраб ётилади ва тушда ишора қилинганига кўра иш тутилади.¹⁹⁸ Охунд дада ҳам ушбу амалга эътибор қилганларини кўрамади.

Шогирдларидан Нўъмон эшон ота Сайидалихон ўғли шундай дейди: “Биз устоз Абдулазиз қори домлада таълим олаётган пайтларимиз эди. Бир куни хузурларига борсак: “Мана Қуръон

¹⁹⁴ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 1-ж, 49-б.

¹⁹⁵ Имодулдин Исмоил ибн Касир. “Тафсирул Қуръанил азим”, Дорул маърифат. Ливия – Байрут. 1409-1989.3-ж, 336-б.

¹⁹⁶ Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Ғолиб Абу Жаъфар Ат-Табарий. “Тафсиру Табарий”. “Муассасатур-рисола. 1410/2000. 19-ж, 193-б. www.qurancomplex.com

¹⁹⁷ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”... 4-ж, 428-б.

¹⁹⁸ Имом Нававий. “Шарҳу Саҳиҳ ул-Муслим” ... 5-ж, 144-б; Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 1-ж, 214-б.

ўқишни ҳам билиб олдингиз, энди илм олишларингиз керак. Хотинариқ маҳалласидаги Абдуссамад охунд дадага борасизлар, у зотда ҳол ва қол илми муяссар бўлган”, – дедилар ва бизни у зотга жўнатдилар.

Биз шеригим билан Охунд дада ҳузурига йўл олдик. Бориб, ҳовлиларини тақиллатдик. Ичкаридан ҳайбатлик, ёрқин сиймолик бир зот чиқиб келдилар ва биз билан кўришдилар. Шунда мен ажиб ҳолатни гувоҳи бўлдим. У зот билан кўришишим баробарига бир ёқимли бўй димоғимга етиб оёғимдан чиқиб кетди. Мен тамоман бошқача бўлиб қолдим. Ичкарига кириб мақсадимизни айтдик. У зот: “Шаҳарда шунча уламолар туриб бизни ҳузуримизга келибсизлар-да”, – дедилар, сўнгра: «Майли бир истихора қилиб кўрамиз, истихорадан ўтсаларинг қабул қиламиз”, – дедилар. Биз истихора нима эканини билмай, ўйланиб орқамизга қайтдик.

Орадан уч кун ўтди. Биз яна бордик, чақирдик. Ичкаридан домла юзларида табассум билан чиқиб келдилар. Буни кўриб шеригим: “Истихорадан ўтдик шекилли”, – деди. Ҳақиқатдан ҳам ўтган эканмиз, бизни шогирдликка қабул қилдилар. Чоршанба кунидан дарс бошланадиган бўлди. Бизга Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг «Сийға» номли китобларидан дарс бера бошладилар. Китоб тугагач: “Сизлар ақида илмини ҳам билишингиз керак”, – дедилар ва Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг устозлари Муҳаммад Обид (қуддиса сирруху) нинг “Бадъ ул-амолий” китобига ёзган “Миръот ул-мўътақиддин” номли шарҳидан дарс бера бошладилар».¹⁹⁹

Охунд даданинг талабаларни истихора билан қабул қилишлари ва дарс бошлашни чоршанба кунига тўғрилашлари ҳам суннатга бўлган эътиборларидан эди. Буюк аллома, ҳанафий мазҳабнинг машҳур фақиҳи Бурҳониддин Марғиноний ҳам “Ҳидоя” номли асарларини айнан чоршанба куни бошлаганларини айтганлар. Бу ҳақда шогирдлари Шайх ул-ислом Зарнужий: “Аллома сабоқни доим чоршанба куни бошлатар ва бунга Ахмад ибн Абдурашиддан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган санад орқали

¹⁹⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2011.

ривоят қилинган ҳадисни ҳужжат сифатида келтирар эдилар”, деган.²⁰⁰

“Ал-адаб ал-муфрад”да Жобир (розияллоҳу анху) дан ривоят қилинган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фатх масжидида душанба, сешанба ва чоршанба кунлари уч марта дуо қилдилар, дуолари чоршанба куни пешин билан аср орасида ижобат бўлди, дейилган. Ҳадисни ривоят қилган Жобир ибн Абдуллоҳ: “Шундан кейин менга бирор муҳим иш пайдо бўлса, ушбу соатда дуо қилдим ва ижобатини кўрдим, сизлар ҳам шу соатда дуо қилинглр”, деб айтган.²⁰¹

Абдуррауф Муновий Бурҳониддин Марғинонийнинг дарсни чоршанба куни бошлашларини эслатар экан, кўплаб шайхлар ҳам айнан шу кунга тўғрилашганини айтади ва илм нурдир, уни нур яратилган кунга мувофиқ келишида алоҳида маъно бор, деб таъкидлайди.²⁰²

Бундан ташқари, Охунд дада илмий камолот дарсининг мунтазам бўлишида эканини ҳам талабаларга алоҳида уқтирганлар. Бир гал уларга насиҳат қилиб: “Толиби илм бу йўлдаги меҳнат ва машаққатларга сабр билан ўқиб бораверса, мулла бўлиб қолганини билмай қолади, бунинг учун эса мунтазамлик ва сабр керак”, деган эдилар.²⁰³

Алломанинг барча ишда суннатга эргашишга бўлган қакириқлари мазҳаб ҳимояси йўлидаги энг катта хизматлари бўлиб, бу маъно асарларида ҳам ўз ифодасини топган эди.

*Ажратиб бидъатни суннатга итоат айласанг,
Бўлғусидур нури ирфон, орзу бирлан ҳавас.*

Яъни, агар барча ишда суннат билан бидъатни ажратиб йўл тутсанг, йўлинг ёруғ бўлиб, калбингда ирфон пайдо бўлади.

²⁰⁰ Абдулхай Лакнавий. “Ал-фавойид ал-бахиййа”.... 276 мақола, 174-б.

²⁰¹ Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Дорул башоир ал-исломийя. 1409/1999. 1-ж, 246-б.

²⁰² Абдуррауф ал-Муновий “Файз ул-қадир”... 3-ж, 287-б.

²⁰³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон, 2014.

Бандалик шаръийга мувофиқ амал қилиш ва сунний ақидага биноан истиқомат қилишдир, шу билан бирга, нафс хоҳишларига қарши иш тутишдир.

*Бандалик улдурки, шаръийда иқомат айлагил,
Аҳли суннат пайравида истиқомат айлагил,
Нафси аммора хилофи бирла одат айлагил,
Ёлбариб даргоҳи Ҳақдан истиъонат айлагил,
Айлагай аҳли саодат, бандаликни вақтидур.*

Қуйидаги мисраларда эса суннатга юриш ибодат эканига урғу берилади.

*Пайрави суннатга юргилким, ибодат бўлгуси,
Тонгла қилгайлар шафоат Расулulloҳдин гапур.*

Алломага кўра, суннатга амал қилган киши мустаҳкам ҳалқани тутган бўлади, шу туфайли шайтон уни хатога, яъни бузук ақидаларга бошлай олмайди.

*Агарда пайрави суннат қўлида урват ул-вусқо,
Ҳужум этган билан шайтон хатога бошлаёлмайдур.*

Ақида бўйича қиёмат куни барча инсонлар пайғамбарлар шафоатига хусусан, Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шафоатларига мухтож бўлади. Шундай бўлар экан, киши дунёда у зот суннатларига эргашиш йўлини ахтариши керак.

*Шафоат қилгали ул кун керак сенга паямбардур,
Юриб суннатга умматсан Муҳаммад Мустафо ахтар.*

Алломанинг мазҳабни ҳимоя қилиш йўлидаги тавсиялари билан танишар эканмиз, уларни бугунги кунимиз учун қанчалар муҳим эканини англаймиз. Бу бебаҳо тавсиялар фуқаролар тотувлиги, мўмин-мусулмонлар бирлиги, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва ўз-ўзидан жамият маънавий тараққиётига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ТАҚВОЛАРИ

*Қайси инсон тоати кўндур муфаззал ушбудир,
Васфи тақво кимда ортиқ бўлса афзал ушбудир,*

Тақво – Аллоҳ таолодан кўрқиш, гуноҳлардан тийилиш ва ҳарому шубҳалардан сақланиш экани ҳаммага маълум. Дунё яхшиликларининг боши тақво бўлганидек, эзгу оқибат ҳам фақат тақводорлар учун.

Маълумки, кўпинча “тақво” билан “вараъ” сўзи ҳам бирга зикр қилдинади. “Тақво” арабча “виқоя” “сақланмоқ”, “эҳтиёт бўлмоқ” сўзидан олиниб, бир нарсани унга озор ва зарар берадиган нарсалардан сақлашни билдиради. “Вараъ” эса “бир нарсадан ўзини тийиш ва тортиниш”, “хижолат бўлиш” маъносини билдириб, оқибати нима бўлиши гумон бўлган нарсадан ўзини сақлашга айтилади.²⁰⁴ Ўзбек тилида “парҳез қилмоқ” маъносида таржима қилинади. Мулоҳаза қилинса, ҳар иккиси маънода бир-бирига яқин бўлиб кўп ҳолларда бир-бирини тўлдиради.

Умар (розияллоху анху) дан, “Тақво нима?” деб сўралганида, “Араблар сертикон жойдан ўзини эҳтиётлаб ўтиб кетишни тақво деб атайдилар”, деганлар. Бу билан ҳазрат Умар инсон кийими ва баданига зарар берадиган нарсалардан ўзини эҳтиёт қилгани каби имон ва исломига муносиб бўлмаган, уни айбли қилиб қўядиган ишлардан сақланмоғи, тақводир, демоқчи бўлганлар.

Имоми Роғибга кўра тақво “нафсни гуноҳдан муҳофаза қилишдир. Мулоҳаза қилинса, мазкур таъриф ҳазрат Умар берган таърифнинг айна ўзи бўлиб уни янада тўлдириб келмоқда.

Вараъ ҳақида Имом Муновий, “Вараъ, сени шубҳага солган нарсани тарк қилмоғинг, айб бўладиган нарсадан узоқ бўлмоғинг ва энг ишончлисини олиб нафсни машаққатга солмоғинг”, деганлар.²⁰⁵

²⁰⁴ Абдуллауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937; 3-ж, 562-б.

²⁰⁵ Абдуллауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» ... 3-ж, 706-б.

Вараъ кўпроқ шубҳали нарсалардан, яъни ҳалол ё ҳаром экани ноаниқ бўлган нарсалардан сақланишда қўлланади. Бу эса, ўз ўзидан вараънинг даражаси юқори экани англатади. Негаки, аниқ нарсадан кўра ноаниқ нарсадан тийилиш машаққати қаттиқроқ. Ўйлаб кўрилса, тақвога қараганда вараъ қилмоқ бир оз қийинроқ экани англашилмоқда. Бежиз, ҳадиси шарифда вараъни, “диндаги нарсаларнинг энг яхшиси”, дейилмаган.²⁰⁶ Эслатиш жоизки, ҳар кимнинг тақвоси унинг илми ва Аллоҳ таолонинг таниши миқдорига қараб белгиланади. Шунга кўра олимларнинг тақвоси билан оддий кишилар тақвоси фарқли бўлиши табиий.

Охунд даданинг тақво ва парҳезларига доир маълумотларни келтиришдан аввал, бу борадаги фикрлари билан танишиб чиқсак.

Бир ўринда, “*Бандани бўлгай қабул тоати тақво билан*”, деб келтирсалар, бошқа ўринда: “*Ибодатлар бўлур даргоҳига тақво билан мақбул*”, дея тақвонинг аҳамиятини баён қиладилар. Бундан тоат тақво билангина мақбул бўлиши ёки тоат кишини тақвога чақиришини билиб оламиз. “*Охир*” радифли ғазалда бу ҳақда шундай дейилади:

*Қабул истар эрсанг тақво тариқи ила қадам қўйгил,
Қилур тоатларингни назди Ҳаққа мўътабар охир.*

Амаллар тақво билан қабул бўлибгина қолмай, унинг файзи ҳам тақво сабабли ҳосил бўлар экан.

*Амалда бўлса ихлос анга қурбат бўлур ҳосил,
Топарсиз файзини тақво тариқи бирла зод, айланг.*

Бу ерда “амалнинг файзи” деган ибора келтирилди. Бугун амалнинг файзи эмас, балки мазкур иборанинг ўзи камёб бўлиб қолганини ўйласак, мавзунинг муҳимлиги англашилади. Тоатдан файз ҳосил бўлиши учун у холис Аллоҳ учун бўлиши керак. Кўр-кўрона қилинган амал бефайз амал саналади. Тоатдан файз топмаган киши албатта, уни қилишдан чарчоқ сезади ва бепарво бўлади.

²⁰⁶ Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Али Абу Бакр ал-Байҳақий. “Шуъабул имон”. 4-ж, 228-б.

Тоатдан файз топганлари учун ҳам обидлар ибодатда узоқ вақт қолиб кетишган.

Ҳасан Басрий шундай деган: “Ҳаловатни учта нарсдан ахтаринглар; намоздан, зикрдан ва тиловатдан. Агар топсангиз, топдингиз, бордию топа олмасанглар, у холда сиз учун ҳаловат эшиклари берк экан”.²⁰⁷

Мазкур сифат эгалари дунёда туриб, охират ҳосилини олаётган олийжаноб кишилар саналишига нима дейсиз?!

*Тоатларики, айласа тақвони анга зам,
Бу мазраи фанода ҳусули бақо қилур.*

Дарвоқе, “Дорул бақога борганда хуррам бўлиш шартини” ҳам тақво билан боришда:

*Боргали маҳшар учун тақво билан зод айласанг,
Халқ аро дорул бақо борганда хуррам айлагай.*

Бошқа ўринда мазкур маъно янада кенгроқ баён қилиниб, охиратдаги хуррамлик суннатга юриш билан бўлиши эслатилади ва суннатга юриш айна тақво экани таъкидланади.

*Пайрави суннатга юргил, ўнг айлагай жойинг сени,
Васфи тақво бирла борганни мукаррам айлагай.*

Эътибор берилса, жуда ҳам гўзал таъриф, суннатга юр, жойингни ўнгдан қилади. Ўнг томон жаннат экани маълум.

Аллома Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларнинг умумий мазмунига мувофиқ инсон фазилати тоатнинг кўплигида, афзаллик тақвода, комиллик эса инсофу диёнатда эканини таъкидлар экан, бир сўз билан буларнинг барчаси шаръиатга мувофиқ истиқоматда эканини айтиб сўзларини тугатадилар.

*Қайси инсон тоати кўндур, муфаззал ушбудир,
Васфи тақво кимда ортиқ бўлса, афзал ушбудир,
Юрса инсофи билан ҳар ким, мукамал ушбудир,
Рутбайи ирфонни ким ахтарса, акмал ушбудир,*

²⁰⁷ Абул Қосим Қушайрий. “Ар-рисола ал-Қушайрийя”... 1-ж, 102-б.

Доимо шаръи набийда истиқоматдин гапур.

Тўкилган беҳи

Энди Қоил Марғилонийдан содир бўлган тақвога доир мисолларни келтириб ўтамиз. Аввало, бу сифат у зотда ёшлиқлариданоқ шаклланганини айтиш ўринли. Айтишларича, ёшлиқ пайтларида кўшнилариининг беҳиси бўлиб унинг шохлари Охунд дада ҳовлиларига осилиб турар экан. Баъзан, кузда пишган беҳилар улар ҳовлисига ҳам тўкилиб қолар экан. Ёш Охунд дада сахар туриб дарҳол тўкилган беҳиларни кўшни ҳовлисига ташлаб кўяр эканлар.²⁰⁸ Бу билан ўзларига қарашли кишилар уни рухсатсиз еб кўйишининг олдини олганлари кўриниб турибди. Асарларида ҳам бу билан боғлиқ маънолар таъкидланган:

*Қаноъат бирла кўймасдин қўлингдан зуҳду тақвони,
Бориб фирдавси аъло ичра роҳат айласангларчи.*

Охунд дада бировлар ҳақидан эҳтиёт бўлганлари ҳолда ўз молларини бошқалардан аямаганлар. Бу ҳақда Охунд даданинг кўшниларидан Абдулҳафиз Абдулҳамид ўғли шундай хотирлайди:

“Ёш болалиқ пайтимизда ўйнаб Охунд дада ҳовлиларига кирар эдик. Биз болаларга алоҳида эътибор қилар ва ҳовлидаги катта марварид тутдан қоқиб берар эдилар. Ҳовли этагида узумзорлари бўлиб, узум пишганида баъзан, болалар сўрамай ундан олиб ейишар эди. Бу ҳақда Охунд дадага айтсак: “Майли еяверишсин, барака бўлади, мевада кўшнилари, болалар, ҳатто хайвон ва қушларнинг ҳам ҳаққи бор”, – дер эдилар”.

Узум узишга айтгансиз холос!

Айтишларича, Охунд даданинг бир тоғалари бўлиб, уни катта бир боғи бўлган экан. Ўсмирлик пайтларида тоға бир йили Охунд дадага: “Абдуссамад, фурсатинг бўлса боққа бориб узумларни узишиб бергин”, – дейди. Улар етти кун давомида узум узишади.

²⁰⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2011.

Охирлаганда тоға хабар олгани боради ва: “Абдуссамад хосиллар қалай бўлибди”, – деб сўрайди. “Яхши”, – дейдилар.

– “Мазасичи?”.

– “Мазасини билмадим”.

– “Шунча кун узум узиб еб кўрмадингми?”

– “Мени узум узгани айтган эдингиз, егани эмас”.

Кутилмаган жавобдан тоға ўзини тута олмай жиянини кучоқлаб йиғлаган экан.

Иброҳим ибн Адҳам бир куни тоқзорда ишлаб юрсалар аскар ўтиб қолади ва боғдаги узумдан беришларини сўрайди. Иброҳим Адҳам боғнинг эгаси бунга буюрмагани, узум бериш учун рухсатлари йўқлигини айтадилар. Аскар Иброҳим Адҳамни ура кетади. У зот бошларини куйи қилганча: “Бу бош Аллоҳга қанча осий бўлган бўлса, уравер!” – дейдилар. Аскар камчисини ташлайди. Ноҳақ урганини, бу оддий кўриқчи эмаслигини, боши Аллоҳга маъсият қилмаётгани англаб етади ва боғни тарк қилади.

Баққолнинг дуоси

Айтишларича, Охунд дада яшайдиган қишлоқда тақволи бир баққол бўлиб бир йилда бир марта мол олиб келиш учун сафарга чиқар экан. Ўзининг ўғил фарзанди бўлмагани учун сафар олдидан дўконни баъзи кишиларга топшириб кетар экан. Кимга топширса, келгунича молларни пароканда қилиб, зарарга кириб қолар экан. Бир гал у сафар олдидан Охунд дадани чакириб: “Дўконни сизга топшириб кетсам, унга кўз қулоқ бўлиб турсангиз, савдодан ўз улушингизни ҳам олиб турсангиз, бошқалар ишончимни оқлашмади”, – дея илтимос қилади. Охунд дада унинг илтимосини қабул қиладилар.

Савдогар сафардан қайтгач, дўконни ҳисоб қилишади. Лекин даромад мўлжалдан бир неча баробар ортиқ чикқади. У ҳайрон бўлиб сабабини сўрайди. Охунд дада савдодан бошқа иш қилмаганларини, нима даромад бўлса тўплаганларини айтадилар ва сарф-харажатлар рўйхати ёзилган дафтарни ҳам кўрсатадилар.

Бундан қаттиқ хурсанд бўлган савдогар қиблага қараб: “Илоҳо, тенги ва назири йўқ олим бўлинг” – деб дуо қилган экан.²⁰⁹ Энг қизиғи, кейинчалик у Охунд даданинг баъзи эҳтиёжларини таъминлаб туришни таклиф қилганида ҳам уни қабул қилмасликлари эди. Сабабни эса қуйидаги ҳикоядан англаган бўламиз.

Шайх Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” да қуйидаги воқеани келтиради. Машхур тасаввуф шайхи Шақиқ Балхийга бир одам: “Мен сизга молимдан нафақа қилиб турсам”, – дейди. Шақиқ унга: “Агар сенда бешта нуқсон бўлмаса, майли қабул қиламан; беришлик билан хазинанг камаймаса, молинг ўғирланмаса, берганинга пушаймон бўлмасанг, менда бир айб кўрганингда нафақангни узиб қўймасанг, сен ўлсанг мен нафақасиз қолмасам”, – дейди. У: “Бунинг иложи йўқ”, – дейди. Шақиқ: “Мени шундоқ улуғ Парвардигорим борки, ризқим унинг зиммасигадир, мен энди уни қўйиб бошқасига қарам бўлмайман”, – дейди.²¹⁰

Фузайл ибн Иёз айтади: “Бирортангиз кишилар уни камситиб қўймасликлари учун муҳтожлигини ҳаргиз бировга билдирмасин”.²¹¹

Ибратли жиҳати шу ердаки, Охунд дада гарчи қийинчилик билан рўзгор тебратган бўлсалар-да, бу ҳақда бировга шикоят қилмаганлари эди. Хотинариқ қишлоғида истиқомат қилувчи тўқсон ёшли Икромжон қори ота шундай дейди: “Биз Охунд дада билан қийинчилик пайтларида ҳам кўп марта ҳамсухбат бўлганмиз. Лекин бирор марта рўзгор машаққатидан шикоят қилмаганлар”.²¹²

Таъкид жоизки, Охунд дадага замондош бўлган кўплаб марғилонлик уламолар ҳам ўз фаолиятлари давомида шу каби қаноат ва кўнгил тўқлик йўлини тутган эдилар. Бундан уларнинг чинакам илм соҳиби ва вужудлари билан Ҳаққа боғланган кишилар экани англашилади. Бу ҳақда биринчи китобда талай маълумотлар

²⁰⁹ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Солижонобод. 2014.

²¹⁰ Фаридиддин Аттор. “Тазкират ул-авлиё” “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 1997, 45-б.

²¹¹ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 283-б.

²¹² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон –Хотинариқ. 2014.

берилган эди. Масалан, марғилонлик таниқли уламо мулла Аҳмаджон охундни олиб кўрайлик.

Айтишларича, мулла Аҳмаджон охунднинг талабалик даври каттиқ риёзат билан кечган. Марғилондаги Чуқур мадрасада таълим олиб юрган кезлари таътил пайти бировлар хонадонида меҳнат қилиб кун кўрганлар. Кўпинча оч-наҳор колар эканлар. Бир гал мадрасада саккиз кун оч қолиб кетадилар. Ўзларининг эслашларича, ўшанда сичқоннинг инини қидириб ҳам бир тишлам нон топа олмайдилар. Шунда емиш излашни тўхтатиб намоз ва дарс такрорига киришадилар, ибодатнинг завқи очликни униттирар экан.

Шундай кунларнинг бирида мадраса ёнгинасидан Тошпўлат бой исмли савдогар дастурхон ёзиб, талабаларни таклиф қилади. Мулла Аҳмаджон охунд зиёфатга кирмайдилар. Бундан хабардор бўлган бой кишини чақириб кирмаганлари сабабини сўрайди. Охунд дада: «Мен меҳнатсиз келган нонни емайман», – дейдилар. Бой йигитнинг ҳалоллиги ва тақвосини кўриб: «Нима қилсам, мени эҳсонимни ейсан?» – дейди. «Менга бир юмуш айтинг, шуни қилиб берай, эвазига менга нон беринг», – дейди. «Ундай бўлса, ҳар куни иккита қанор қопга пахта қоплайсан, эвазига битта патир нон бераман», – дейди. Охунд дада рози бўладилар. Шундай қилиб, ҳар куни ишлаб битта нон топар, уни ярмини ўзларига олиб, қолганини уйларига оналари ва сингилларига олиб бориб берай эканлар...

Ибнул Ҳажар Ал-Асқалонийнинг “Ад-дурар ал-комина” асарига талабалик йилларини қийинчиликда ўтказган, кейинчалик замон алломаси бўлган чоғида ҳам қорни учун бирор бир киши ҳузурига бош эгиб боришни хоҳламаган ва бу билан дини ва обрўсини ҳимоя қилишга эриша олган Муъиниддин Абул Аъло Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий ан-Найсобурийнинг қуйидаги шеърини келтирган.

“Бир тишлагина нон мени тўйдиради, бир хўплам сув чанқогимни қондиради. Увада кийим тириклигимда менга асқотиб, вафот топганимда кафан бўлади. Шу туфайли, бировларнинг эшигига омонча қўшилган ҳўкиз қайта-қайта бориб келаётганидек, суқулиб-тиланиб бормайман. Синов сифатида берилган

*мартабамни обрўйимни сақлаш, дунёни эса динимни сақлаш йўлида йўлида фидо қилдим.*²¹³

Шу ўринда Охунд даданинг ҳалоллик ва поклик, хусусан луқмага эътибор борасидаги фикрларини келтириб ўтсак. Маълумки, Исломда ҳалолдан еб-ичиш барча ибодатлардан олдинги ўринга қўйилган, чунки ибодатлар қабули, дуолар ижобати луқма поклигига боғлиқ. Охунд дада кишиларга луқманинг ҳалол ва тоййиб бўлишини уқтирар эканлар, ҳалол луқмани ҳам ортиқча ейишдан сақланишга буюрадилар. Зеро инсон кам ейишлик билан бир оз риёзат чекса, гўё ҳикмат соҳиби Луқмон каби доно кишига айланади.

*Ҳалолу тоййиб ўлсин луқмалар фавқи шабаъ қилма,
Риёзат бирла сен ҳам олами ҳикматда Луқмонсан.*

Луқманинг бузилиши дунёга ҳарис бўлишдан келиб чиқади. Чунки дунёга муккадан кетган кимса уни қайси йўл билан бўлса-да, кўпайтириш пайида бўлади, бу эса унга шубҳа аралашишига замин яратади. Аллома бундай кимсаларни гўё қўлига тушган нарсанинг фарқига бормай хуржунини тўлдираётган тиламчи гадога ўхшатадилар.

*Ҳарис ўлган ўзини зарқи дунё бўлганин билмас,
Рибога айланиб байъини бежо бўлганин билмас,
Топар дому ҳасаддан луқма расво бўлганин билмас,
Гадо качқули янглиз қўлга кирганин жам айлар.*

Луқма нафақат дунёга ҳарис бўлишдан, балки ҳасад ва тамаъ орқали нон топишдан ҳам бузилиши мумкин.

*Биродар луқмани дори ҳасад йўлидан ахтарманг,
Қилиб касбу ҳалолингдан егайсан нон учун қилгил.*

Алломага кўра, сўз қалбдан чиққан гавҳар. Дил гўё денгиз бўлса луқма унга бориб қуйилаётган ирмоқ. Денгиз остидаги нарса тош ёки гавҳар бўлиши қуйилаётган сувга боғлиқ. Ҳалол луқма

²¹³ Ибнул Ҳажар Ал-Аскалоний. “Ал-дулар ал-комина фий аъйони миати-с-сомина”. 1-ж, 271-б. <http://www.alwarraq.com>.

инсон қалбини мусаффо қилиб, уни яхши сўз – гавҳар ва маржонга тўлдиради.

*Улугдир луқмалар монанди фикринг меваси бўлгай,
Чиқар дарё масаллик гавҳари маржон учун қилгил.*

*Ҳарому шубҳалик бўлса, тугилгай жаҳлу гафлатлар,
Мабодо бўлмагай ул боиси тугён учун қилгил.*

*Ҳалолу тойийб ўлса илму ҳикмат, ишқу риққатдур,
Ҳақиқат Қоилий ҳам мойили бўлгон учун қилгил.*

Бунинг шарти пиёда бормоқ

Охунд даданинг тақволари бобида кўпинча қилаётган хайрли ишларидан кўнгиллари тўлмаслигини ҳам келтириш мумкин. Шогирдларидан Нўъмон эшон ота Сайидалихон ўғли айтади: “Охунд дада кўлларидида таълим олган пайтимиз замоннинг энг оғир кунларига тўғри келган эди. Охунд дада кўпинча дарсга ўзлари пиёда келар эдилар. Бирор улов олиб борайлик десак, қабул қилмас эдилар ва: “Бунинг шарти пиёда бормоқ”, – дер эдилар”.

Бир гал навбатдаги дарс шеригимиз Мухаммад Мусо домланинг хонадонида бўладиган бўлди. Шом намозини ўқигач, домлани олиб келиш учун бирор арава қилсакмикан, деб иккимиз йўлга тушдик. Қатағон маҳалласига етганимизда Охунд дадани деворлар тагидан ерга қараб келаётганларини кўрдик. Дарҳол бориб саломлашиб, бирор арава олиб борайликми, деб кетаётган эдик, дедик. У зот: “Аравага хожат йўқ, бунинг шарти пиёда бормоқ”, – дедилар ва биргалашиб орқага қайтдик. Баъзан, олиб келинган уловга минган пайтлари ҳам бўлар, лекин шунда ҳам: “Аввалгилар пиёда юриб тарқатган илмни биз уловда бориб тарқатяпмиз”, – деб айтар эдилар.²¹⁴

Дарҳақиқат, тарихда кўплаб алломаларни илм ўрганиш ва таълим бериш учун узоқ масофаларга пиёда бориб келганларини кўраимиз. Ҳатто улар орасида пиёда бориб-келишда алоҳида ажралиб

²¹⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – 2012.

турадиган алломалар ҳам кўп бўлган. Масалан, Ибнул Жазарий “Ғоятун ниҳоя”да Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саҳл ҳақида гапириб шундай дейди: “Ҳасан ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саҳл – Имом, Ҳофиз, Абу Аъло ал-Ҳамадонийнинг устози. “Ал-ғоя фи қироат ал-ашар”, “Табақот ал-қурро” китобининг муаллифи, замонасининг ҳофизи, кадри олий, дини ишончли киши. Бу фанга ўзини бағишлаган ва унда кўплаб китоблар таълиф қилган. Ким у ёзган китобларни ўқиса албатта, кадри олий эканини билади. У илм талабида Исфаҳондан Бағдодга, ундан Воситга пиёда борган. Ўзи бойнинг боласи бўлишига қарамай, барча мерос қолган бойликларини илм талабига сарф этган эди. Бу йўлда китобларини орқалаб олганча Бағдоддан Исфаҳонга бир неча марта пиёда бориб келган. У ҳақида Ҳофиз ибн Абдул Қодир Ар-Раҳовий илиқ сўзларни айтган ва “Унга ўхшагани кўп замонларда ҳам чикмайди”, деган. У Абул Ғолиб Аҳмад ибн Убайдуллоҳ Муҳаммад ал-Муғир, Абул Фатҳ Исмоил ибн Фазл ал-Асбахоний, Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад ибн Ҳасан ал-Ҳаддод ва бошқалардан таълим олган. 569 хижрий, 19 жумадул уло ойида вафот этган”.²¹⁵

Заҳабий “Тазкират ул-хуффоъ”да Имом Ҳофиз ул-кабир Абу Ҳотим ар-Розий Муҳаммад ибн Идрис ал-Мунзир ал-Ҳанзалий ҳақида гапириб, шундай дейди: “Абу Ҳотим ар-Розий Муҳаммад ибн Идрис ал-Мунзир ал-Ҳанзалий 195 хижрийда туғилган. Ёшлигиданоқ илм талабига чиққан ва Убайдуллоҳ ибн Мусо ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий ва Асмаъий, Абу Наъим ва бошқалардан ҳадис тинглаган. Ўзининг айтишича 209 йилдан ҳадис ёзишни бошлаган. У ўзининг илм сафари ҳақида гапириб, шундай деган: “Биринчи сафарга чиқишимда етти йил турдим ва пиёда минг фарсахдан зиёда йўл юрдим. Кейин санашни тўхтатдим. Куфадан Бағдодга неча марта пиёда борганимни билмайман. Маккадан Мадинага эса неча марталаб бориб келдим. Баҳрайдан Мисрга бордим, у ердан Рамлага, Рамладан Гарсусга бордим, Рамладан Байтул муқаддасга, Асқалонга, Табарияга бордим, Табариядан

²¹⁵ Ибнул Жазарий. “Ғоятун ниҳоя фи табакот ал-қурроъ”. 1-ж, 89-б.
<http://www.alwarrag.com>

Дамашкка, у ердан Химсга, Химсдан Антокияга, у ердан Тарсусга бордим. Кейин у ердан Химсга, Химсдан Тарсусга бордим, ундан яна Химсга қайтдим. У ерда бир оз тургач, Байсонга, ундан Рикқага, Рикқадан Фурот орқали Бағдодга, ундан Шомга, Шомдан Куфага бордим. Буларнинг барчасида пиёда эдим. 20 ёшимда бошланган бу сафарим етти йил давом этган”.²¹⁶

Айтишларича, Охунд даданинг Акбаробод кишлоғидан келиб таълим оладиган бир шогирдлари бўлган. Бир гал у дарсга келмай қолади. Охунд дада ундан хабар олиш учун ҳовлисига борадилар. Кириб борганларида у томга лой босиш билан машғул эди. Узоқдан устоз келаётганини кўриб, қаттиқ таъсирланган шогирд нарвон қолиб, томдан тўғри пастга қараб югурган экан.

Айтиш ўринлики, устозлар таълим олаётган талабалар аҳволидан доимо бохабар бўлиб турганлар. Уларни бесабаб дарсга келмай қолишига йўл бермаганлар. Мабодо, бирортаси бирор сабаб билан келмай қолса, улар ҳузурига бориб, аҳволни ўрганганлар.

Масалан, Абдуссамад Охунд даданинг замондошлари мулла Аббосхон домлани олиб кўрайлик. Марғилоннинг Туттаги маҳалласида яшаган Абдулбоқи қори Абдулмўмин ўғли машъум эллигинчи йилларда фарзандларидан бирини домлага таълим олиш учун топширади. Бир неча кун дарсга қатнаб турган талаба нимадирки, келмай қолади. Бундан хавотир олган домла Ғўри аввалдан Туттаги маҳалласига – шогирд ҳовлисига пиёда бориб, дарсга бормагани сабабини ўрганиб қайтадилар.

Келтирилган воқеа унчалар муҳим кўринмаслиги мумкин. Негаки, ҳар қандай устоз ўз талабаси аҳволидан хабардор бўлиб туриши унинг устозлик вазифасидир. Лекин бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати бор. Тилга олинган давр дин уламолари учун ўта оғир кечгани ҳаммага маълум. Бу даврда диний таълим олиш ва ўргатиш ҳақида мутлақо гап бўлиши мумкин эмас эди. Кишилар ўзини диний илмлар билимдони эканини ҳам яшириб юрган пайт. Масалан, юқорида тилга олинган Аббосхон охунд домланинг ўзи

²¹⁶ Шамсиддин Заҳабий. “Тазкират ул-хуффо”. Дору эҳёу туросул арабий. 2-ж, 567-б.

ҳам бир неча марта бу каби тазйиқларга дучор бўлиб, унинг аламини тортган уламолардан бири эди. Ҳатто ўзларини мулла эканини яшириш мақсадида сувоқчилик касби билан шуғулланиб, одамлар ҳовлисида меҳнат қилганлар. Шаҳардаги “Байнал милал” артелига ишга кириб касбий меҳнат билан шуғулланганлар. Ишдан қатаётганларида кўчада у зотни кўрган-билган кишилар “Ассалому алайкум домла”, деб кўришгани келса, “Ҳай, ҳай, “Домла” деманг, “Уста” денг”, дея уқтиришларини ўйласак, уларни қанчалик қийналиб яшаганларини англаймиз.

Энг қизиғи, улар ҳаёти шу каби ҳадик ва кўрқув остида бўлишига қарамай, таълим-тарбия ишини бир нафас ҳам тарк қилмаганларида. Ҳаётлари шу хилда кечган бўлса, дарс бериш жарёни қандай кечган экан деб ўйлармиз. Келинг, буни марғилонлик уламолардан мулла Орифжон қори Охунжон ўғлининг дарс олиш мисолида кўриб чиқайлик.

Марғилоннинг XX аср забардаст уламоларидан бири мулла Орифжон қори домла Охунжон ўғли 1918 йилда шаҳарнинг Занжирлик маҳалласида туғилганлар. Оталари Охунжон қори ўн етти йил давомида Занжирли масжид²¹⁷да муаззинлик қилиб, Аллоҳдан ўзларига солиҳ фарзанд сўрайдилар. Мазкур масжид шаҳарнинг марказида, Ёрқин маҳалла ҳудудида, ҳозирги “Шавкатхон” маиший хизмат кўрсатиш биноси ўрнида жойлашган. Масжидга кираверишда занжир тортилгани учун шу ном билан аталган. Ўз даврида аҳоли ўртасида ўзининг файзи билан ажралиб турган ушбу масжидни Орифжон қори Охунжон қори ўғли, “Мен қачон ушбу масжидга кирсам дилимга бошқа ерларда учрамайдиган завқни сезаман”, дея эслаган эдилар. Масжид ўтган асрнинг эллингинчи йилларида бузиб юборилган.

Охунжон қори бу давр мобайнида бу ердаги Қуръон ўқиётган болаларга ҳам хизмат қилиб, ҳар йили баҳор фаслида уларни кўнглини олиш мақсадида сумалак солиб, улашиб улар дуосини олган. Хизматлар зойеъ кетмай фарзанд туғилади ва унга яхши ниятда Орифжон деб исм қўядилар.

Орифжон қори домла замон алломаси мулла Фозилжон махдум Сулаймон хўжа ўғли ва мулла Аббосхон охунд домла кўлида таълим оладилар. Домлани устоз Аббосхон домла хузурига дарсга бориш жараёни шундай кечган. Дарсга ҳар куни кечаси ярим тунда, эл уйкуга кетганда боришган. Устоз ҳовлисига бориб эшикни тақиллатганлар. Эшик қоқиш шартли усулда бўлиб уни ўша талаба, домла ва унинг аёлигина билган, чунки эшикни ҳар кимга ҳам очавериш яхши натижага олиб келмаган. Эшикни қоққан талаба нарирокка бориб кутиб турган. Ичкаридан Домланинг аёли муаллим ая эшик занжирини тушириб, нари кетганига ишонч ҳосил қилгачгина ичкарига кирган. Ҳовли ичкарисидан сомон уюмларидан бирини очиб, остидан икки гувалак устига қўйилган ўзи дарс олаётган китобни олиб устоз узурига кирган. Ҳар бир талабага у дарс оладиган китоб қайси қатордаги сомон остида экани аввалдан танитиб қўйилган. Дарс тунги соат икки, икки яримга қадар давом этган. Дарсдан сўнг толиб китобни ўз ўрнига қўйиб, устини яна сомон билан беркитган. Дарсдан чиқиш ҳам кириш каби бўлиб, талаба кўчага чиқиб узокдан кузатиб турган. Ичкаридан муаллим ая эшик занжирини туширганига ишонч ҳосил қилгачгина ортига қайтган.

Ушбу ҳолатларни мулоҳаза қилсак, улар талабалар аҳволига нима учун бепарво бўлишмагани сабабини англаймиз. Илм олиш ва уни бошқаларга ўргатиш шу каби қийинчилик билан бўлар экан, демак, уни охирига етказиш зарур, чунки улар таълим олмаса, ўрнига бошқаси келмайди. Келган чоғида ҳам уни синовдан ўтказиш учун анча вақт керак, қолаверса, ҳар кимни ҳам қабул қилавериш ҳам ўша даврда ўзини оқламаган.

Уларнинг талабаларга бўлган эътиборларини яна бошқа жиҳати ҳам бор. Бу уларнинг муқаддас динимиз тақдирига бўлган ташвишларида. Улар Исломнинг давомийлиги илм ва уламолар билан бўлишини яхши англаганлар. Шунинг учун ҳам дин ва диний таълим олиш оммавий тарзда ман этилган аламли замонда яшаганларига қарамай, имкон қадар исломий ҳаёт ва муҳитни сақлаб қолиш учун қайғурганлар. Биттагина бўлса ҳам шогирд чиқаришнинг аҳамиятини тушунганлар. Шундай ҳам бўлди. Шу

каби таҳликали даврда яшаганларига қарамай, жонларини хавфу хатарга қўйиб, оз бўлса-да бу улкан хизматни адо этдилар. Кузатадиган бўлсак, мустақиллик йилларида халқимиз маънавиятига хизмат қилган кўплаб диний уламолар ана шундай жасорат соҳиблари бўлмиш фидойи уламоларнинг олийҳиммат шоғирдлари бўлишган.

Амал қилмасликдан қийналиш

Ислом тарихидан маълумки, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп ҳолларда оч ва наҳор юрганлар. Оиша онамизнинг айтишларича, хонадонларида бир ойгача хурмо ва сувдан бошқа егулик бўлмаган кунлар бўлган.²¹⁸ Ҳатто очликдан қоринларига тош боғлаб ҳам юрганлар.²¹⁹

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) шундай дейди: “Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга очликдан шикоят қилиб, қорнимизга боғлаб олган тошларни кўрсатдик. Шунда у зот (алайҳиссалом) иккита тош боғлаб олганларини кўрсатдилар”.²²⁰ Аммо Муборақфурий бу ҳолат ул зотнинг ихтиёрий очликлари эканини айтган.²²¹ Чунки истасалар Аллоҳ таоло ер ости ва усти хазиналарини муҳайё қилиши мумкин бўлган. Лекин у зот буни истамаган эдилар, балки бир кун оч ва бир кун тўқ бўлишларини сўраган эдилар.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу) нинг ривоят қилишича Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) шундай деганлар: “Парвардигорим менга Макка шаҳрининг текисликларини олтинга айлантириб беришини таклиф этди. Мен: ‘Йўқ, эй Раббим, мен бир кун оч ва бир кун тўқ бўлай. Оч қолсам сенга тазарруъ қиламан, тўқлигимда эса сенга ҳамд ва шукр келтираман’, – дедим”.²²²

²¹⁸ Муслим ибн Ҳажжож “Саҳиху Муслим”... 19-ж, 25-б.

²¹⁹ Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”...3-ж, 301-б.

²²⁰ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 9-ж, 183-б.

²²¹ Муҳаммад ал-Муборақфурий. “Тухфат ул-Аҳвазий”...

²²² Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 4-ж; Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”... 5-ж, 245-б.

Айтишларича, Охунд дада бирор анжуманда пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам таваллудномалари тиловат қилинадиган бўлса “қийналар” эканлар. Сабабини сўралганда: “Ўзингизга маълум манзума сўнггида Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг аҳволи шарифлари баён қилиниб, очликдан муборак қоринларига тош боғлаб юрганлари келтирилган. Ҳар гал шу жойга келганда ўзимиз бисёр неъматларга бурканиб олиб қилаётганимиз айтаётганимизга мувофиқ бўлмаётганидан қийналаман,” – дер эканлар.²²³

Фикримизни ойдинлаштириш учун мавлид манзумасида баён қилинган айни лавҳаларни марғилонлик машҳур уламо Фозилжон махдум Сулаймонхўжа ўғлининг “Фатҳ ул-вадуд ала шарҳил мавлуд” номли асаридан келтириб ўтсак.

*«...ва яна он ҳазратимиз соллalloҳу алайҳи васаллам очлик шиддати ва ҳароратини настлатмоқ ва ҳамда душман таънасини даф қилмоқ учун муборак қоринларига аксар вақтлар тош боғлаб юрар эдилар. Ҳолбуки, Маккайи-мукарраманинг заминларидаги тамом хазина ва дафиналарнинг мафтўҳ ва калидларини муҳтарам пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам ҳожатлари учун арз ва таслим қилинмиш эрсада, алар қабул қилмамиш эдилар. Яъни, бу фоний дунё давлатини қабул қилишдан маҳзи саодати абадий ва давлати сармадийяни хоҳламиш эдилар».*²²⁴

Мазкур ҳақиқатга биноан, тарихда ўтган кўплаб тариқат шайхлари ҳам ўзларига ихтиёрий очлик ва қаноатни одат қилганлар. Улар орасида фарғоналик валий зотларнинг очликни енгиб, ўз нафсини қандай жиловлай олганлари ҳақида қизикарли маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, машҳур олим Ибн Баттута ўзининг “Саёҳатнома” асарида жумладан шундай ёзади: “Ушбу шаҳарда уч кун турдик... У ерда Ҳайдар ал-Фарғоний исмли улуғ ёшли солиҳ шайх Қутбуддин билан кўрушдим. У бемор экан, ҳақимга дуо қилиб, менга арпа кулчалар берди. У ёшининг бир юз элликдан ошганлигини айтди. Шогирдларининг айтишича, у узок вақт рўза

²²³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 1998.

²²⁴ Фозилжон махдум Марғиноний. Қўлёзма. Р.Файзуллаев кутубхонаси.156-б.

тугар экан. Кўпинча рўзасини улаб, эътикофда кўп ўтирар экан. Гоҳо хилватгоҳида қирқ кунлаб қолиб, шу муддатда ҳар куни биттадан, жами қирқта хурмо билан озиқланар экан”.²²⁵

Ҳаёт таълими эди

Хотинариқ қишлоғида истикомат қилган Абдулҳамид ҳожи ота Каримберди ўғли шундай дейди: “Охунд дада бизга кўп насиҳат қилар эдилар. Насиҳатларининг ҳар бири ҳаёт таълими эди. Чунончи, бир куни: “Абдулҳамид, касбингиз ҳам ёмон эмас, аммо бу хунар ҳисобланмайди. Сиз хунар ўрганинг, хунарсизлик ёмон”, – дедилар. Ўзлари доим меҳнат билан машғул бўлар эдилар. Ҳовлилари орқасида узумзор боғлари бўлиб, боғдорчилик билан шуғулланганлар. Хонадонларида ипак курти боқилмаган йил бўлмаган. Барглари ҳам ўзлари кесиб берар эдилар”.

Табароний Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Кимки, аҳли аёлининг нафақасини таъминлаш йўлида меҳнат қилса, у Аллоҳнинг йўлида юрибди”.²²⁶

Бошқа бир ривоятда: “Ким аҳли аёли, болалари ва қўл остидагилари устида Аллоҳ буюрган нафақани таъминлаш ва уларни ҳалолдан едириш мақсадида касб қилса Аллоҳ албатта, уни шаҳидлар даражасида тирғизади”, деганлар.²²⁷

Абдулҳамид ҳожи ота яна шундай дейди: “Охунд дада менга: “Бирор маросимга бормоқчи бўлсангиз асло кеч қолиб борманг. Обрўйингизни ўзингиз сақланг, сиз ҳақингизда бошқалар ёмон фикрга боришларидан эҳтиёт бўлинг”, – дедилар”.

*Қаерда бўлса тухмат хавфи андин ўтмагил зинҳор,
Халойиқлар гумони бад билан ҳам муттаҳам айлар.*

²²⁵ Ибн Баттута. Тухфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор (Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига тухфа) // Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н. Иброҳимов. – “Sharq”, 2012. 526-б.

²²⁶ Абул Қосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. “Ал-мўъжам ал-авсаг”. Дорул Ҳарамайн. Қоҳира. 1415 х. 4-ж, 284-б.

²²⁷ Абул Қосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. “Ал-мўъжам ал-кабир”. Мактабат ул-улум ва-л-хикам. Мусил. 1404/1983. 18-ж, 361-б.

Бошқа бир гал: “Устингиздан ёмғир ўтмаётган бўлса, ўша уйингиз, оёғингиз ерга тегмаётган бўлса, у уловингиз саналиб, бошқаси орзу ҳавасдир”, – дедилар”.²²⁸

*Орзу кўп бўлса ҳасрат бирла гам ҳам кўп бўлур,
Ҳирсини миқдорича дилда алам ҳам кўп бўлур,
Қанча ортиқ шухрати бўлса надам ҳам кўп бўлур,
Беҳаё аҳли тамаъларда дирам ҳам кўп бўлур,
Тўсғали бу раҳналар тақво билан девор қил.*

Шогирдларидан Сирожиддин Сайдуллоҳ охунд ўғли шундай дейди: “Бир гал Охунд дада билан Қўқондаги Худоёрхон²²⁹ ўрдасига бордик. Сафар асносида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Энг аввало намозга эътибор қилар эдилар. Тўрт кишилик жойнамозлари бўлиб сафарга чиқишдан олдин биринчи бўлиб шуни олар эдилар. Йўлга кўп егулик олмас эдилар. Йўлда таҳорат, таом, ётоқ ва бошқа тўғрисида бировга малол келадиган ишни қилмас эдилар.

У зотга хос фазилатлардан яна бири ҳар бир нарсага ибрат назари билан боқар ва ундан маъно уқишлари эди. Бир куни бирга Марғилоннинг Гўри Аввал маҳалласидан ўтиб кетаётсак, у ерда дорбозлар ўйнаётган экан. Охунд дада дорга бир қараб қўйдилар ва: “Одамлар дунё ишининг устаси бўлишган, қани энди охират ишини ҳам шу каби қойиллатишса эди”, – дедилар”.

*Қўзингга сурмайи ибратни тортиб сайри саҳро қил,
Назар ашёга ташлаб қудрати Ҳақни томошо қил,
Очиб мужгонларингни файзи санъат бирла зебо қил,
Забонингни ани зикри билан ҳамдига гўё қил,
Яқин нури насиб ўлғайму қалбинга сафо ахтар*

Шу ўринда Қоил Марғилонийнинг ашёларга ибрат назари билан боқиш борасидаги фикрлари билан танишиб чиқсак.

²²⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинариқ. 2014.

²²⁹ Худоёрхон Шералихон ўғли. 1831-йилда Қўқонда туғилган. 1884-йилда Афғонистоннинг Карруҳ мавзесида вафот этган. 1845-1875-йилларда (танаффуслар билан) Қўқон хони бўлган.

Маълумки, Исломда мўмин киши эътибор бериши зарур ишлардан бири бу назарни назоратга олиш ва ибрат билан боқишдир, чунки:

*Назарни очмасанг ибрат била гафлатга боисдур,
Агар гафлат билан ўтса, бориб хасратга боисдур.*

Суфёни Саврий: “Ким доимий ибрат ва тафаккурда бўлар экан дунёда ҳеч қачон солиҳ амаллар ундан тарк бўлмайди”, – деган. Хотам Асомдан: “Бизлар қачон ибрат аҳли бўламиз”, – деб сўрашди. “Дунёда ҳар бир нарсани кўрганида унинг оқибати хароб, эгасининг оқибати эса туроб, яъни туфрокқа кетишини билса”, – дедилар. Молик ибн Динор: “Бу дунёда қалби ва назари билан охират андишасини қилмаган кимсанинг қалби пардаланган ва амали оздир”, – деганлар. Хотам Асом: “Кимнинг уйдан жаноза чикқан бўлса-ю, у ундан ибрат олмаса, унга бошқа бирор илм, ҳикмат ва насиҳат энди қилмайди”, – деганлар.²³⁰

Ашёларга нима учун ибрат билан боқиш керак? Чунки:

*Боқмаса ашённи ҳусни қубҳига ибрат билан,
Зоҳири бийно агарчи ботини кўр ўтгуси.*

Ибрат билан боқиш кишига нима келтиради-ю, нималарга бошлайди?

*Ташласанг ибрат билан тарихи оламга назар,
Бергуси ҳар лаҳзада сенга ҳақиқатдан хабар.*

Ашёларга беибрат боқиш туфайли келиб чиқадиган ёмонликлар ва улардан қутулиш йўллари ҳақида эса шундай тавсияларни ўқиймиз.

*Зевари дунёга ҳар ким чашми беибрат очар,
Наиъайи зуҳду қаноат тахти тахтидан кўчар,
Мазраи дилга ҳаваслар тухмини шайтон сочар,
Номи Аллоҳ қайда бўлса, анда турмасдан қочар,
Шарридан излаб паноҳ Ҳақ зикрини бисёр қил.*

²³⁰ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 63-65 бетлар.

У туфайли келадиган ёмонликлар шугина эмас унинг бошқа иллатлари ҳам бор.

*Чаши беибрат кишига булҳаваслик келтирур,
Орзулар нашъаси дунёпарастлик келтирур.*

Маълумки, тасаввуфда “*гарқи ваҳдат*” – “*барча нарсада Аллоҳ ягоналигини кўриш*” деган ибора бор. Қарангки, унга эга бўлиш йўлларида бири ҳам бу – ибрат назари билан боқиш экан.

*Киши то гарқи ваҳдат бўлмагунча топмагай қурбат,
Бўлмагай гарқи ваҳдат дийдасида бўлмаса ибрат,
Басират файзидан ҳар кимда бўлса нашъайи суннат,
Занондек аҳли зийнат бўлмасин настлаб кетар ҳиммат,
Ҳаво айлар ювулган жомага кир бўлса ғам айлар.*

Қай бири яхшироқ?

Маълумки азалдан мусулмон халқлари илм аҳли бўлмиш уламоларга самимий муҳаббат ва қаттиқ эҳтиромда бўлиб келганлар. Айниқса, водий халқлари орасида ўзгача кўзга ташланадиган бу ҳолат халқимизга хос қадриятларидан бири сифатида эътиборлидир. Бу уларнинг ўзлари яхши кўрган нарсаларини уламоларга илиниш, ўз ихтиёрлари билан баъзи хизматларини бажариш орқали адо этилган. Баъзан бу муҳаббат уларни ҳовлиларига таклиф қилиб иззат-икром билан меҳмон қилишда ҳам кўринган. Ҳаёт тажрибаларида синовдан ўтган бу эҳтиром ўзининг яхши натижасини берган. Бу уларнинг фарзанд-зурриётлари ҳам келгусида солиҳлардан, илм-маърифатли кишилар бўлишига хизмат қилган. Лекин бу эҳтиром олдида ҳамма ҳам ўзини бирдек тутиб тура олиши эса осон эмас. Буни илми ва амалининг эвази деб қабул қилиб қолмаслик зарур. Акс ҳолда бу уларнинг охиратдаги мукофотларининг нуқсони бўлиши мумкин. Бунинг учун кишидан ҳар қандай ҳолат олдида ҳам холис Аллоҳ учун тура олиш ва нафсоний хоҳишлар истагига тобеъ бўлмаслик талаб этилади. Бу эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш, чунки инсон нафсига дунё зийнатларини, нафсоний хоҳишларни

исташ чиройли кўрсатилгани оятларда очик баён қилинган. (Оли Имрон сураси, 15-оят) Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам “Дунёни яхши кўриш барча хатоларни бошидир”, дея марҳамат қилганлари эса мудом кишини огоҳликка чақиради.²³¹

Биз Қоил Марғилоний фаолиятини ўрганар эканмиз, шу каби эҳтиёткорлик ифодаланган ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Айтишларича, бир гал мухлис кишилардан бири Охунд дадани меҳмон қилмоқчи бўлиб, ҳовлисига таклиф қилади. Бориб ўтиргач, мезбон анча вақтлардан бери бу ташрифни ният қилиб юргани ва дастурхонни у зот учун солганини айтади. Унинг бу сўзларини тинглаган Охунд дада унга насиҳат қилиб: “Бу жуда яхши, аммо бизни чақиргандан кўра иккита тул хотинга кўйлак олиб берганингизда яхшироқ бўлар эди, чунки таом очларга, либос эса яланғоч кимсаларга муносибдир”, – дейдилар.²³²

*Ансаб онга таомки ул оч эрур,
Аляқ онга либоски яланғоч эрур.*²³³

Ибн ул-Жавзий “Сифатус софва” да шундай келтиради: “Бир куни Довуд Тоийнинг ходими: “Сизга бир ёғли овқат тайёрлаб берсам,” – дейди. “Майли тайёрла”, – дейди. Овқат тайёр бўлгач, олиб келади. Довуд: “Фалончининг етимларини аҳволи нима бўлди? – дейди. “Улар ўз холида”, – дейди ходим. “Бўлмаса уни уларга олиб бориб бер” – дейди Довуд. “Фидойингиз бўлай, сиз нон билан сувнинг ўзини ейсизми?” – дейди. “Ҳа, буни мен есам ерга тушади. Улар ейишса, осмонга кетади, яъни охиратда биз учун озуқа бўлади”, – дейди.²³⁴

Даъво дилимиздан кетди

Маълумки, нафсни тарбия қилиш учун тавсия қилинган вазифалар қаторида уйқуни камайтириш ҳам кўрсатилган. Бу эса

²³¹ Жалолиддин Суютий. “Жомеъ ул-аҳодис”. 41-ж, 326-б.

²³² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

²³³ “Солат ул-Масъудий китобидан. Биринчи жилд, 6-бет.

²³⁴ Ибнул Жавзий Имом Жамолиддин Ал-Қураший Ал-Бакрий Ал-Бағдодий. “Сифатус софва” Байрут – Лубнон. 1429/2007. 1-ж. 332-б.

кечаси туриб намоз ўқиш билан бўлган. Салафи солихларнинг деярли барчалари бу сифатдан улкан насиба олганлар. Улар кечаси жуда кам ухлашар эди.²³⁵ Ҳатто тариқат аҳллари, ким тунги ибодатдан бўлса, бу йўл файзидан бебаҳрадир, деб айтишган.²³⁶ Имом Термизий “Сунан”да, Байҳақий “Шуъаб ул-имон”да ва бошқа муҳаддислар ўз ҳадис тўпламларида Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Кечаси туриб намоз ўқишни ўзингизга лозим тутинг, чунки у сизлардан аввалги солиҳ кишиларнинг одатидир. Кечаси туриб намоз ўқиш Аллоҳга яқин бўлиш, ёмонликлардан тийилиш, гуноҳларнинг ўчирилиши ва бадандан дардларни ҳайдагувчидир”.²³⁷

Саҳобалар, тобеъинлар, улардан кейинги барча авлодлар бу борада қўл етмас юксакликларга етишгани манбаларда келтирилган. Ибн Саъд “Табақот ал-кубро”да Иброҳим ан-Наҳаъийни, “Эй Аллоҳим, уйқумни камайтириш билан менга шифо бер, тунларимни ўз тоатингда қил”, деган дуосини келтирган.²³⁸

Ибн Халликон “Вафаёт ул-аъйон”да келтиришича Довуд Тоий шундай деган: “Мен кечаси ухламай намоз ўқиб чиқадиган кишидан бошқа бирор кимсага ҳавас қилмайман, мен тунги ибодатдан насиба олишни хоҳлайман”.²³⁹ Ҳолбуки, у зотнинг ўзи кечаси ухлмас, уйқу қолиб келса, чўккалаб ўтириб олар экан.²⁴⁰

Робиятул Адавия кечанинг аввалида намозга туриб: “Эй Раббим, барча кўзлар ухлади, юлдузлар ботди, дунё подшолари эшикларини беркитдилар, аммо сени эшигинг эса очикдир, бас мени гуноҳларимни кечир”, дер эди. Сўнгра жойнамозга чиқиб шундай

²³⁵ Абу Толиб Маккий “Қут ул-қулуб”. 1-ж, 50-б. <http://www.alwarraq.com>

²³⁶ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 81-бет.

²³⁷ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 3-ж, 72-б; Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Байҳақий. “Шуъаб ул-имон”... 3-ж, 127-б.

²³⁸ Муҳаммад ибн Саъд ибн Муниъ Абу Абдуллоҳ ал-Басрий ал-Зухрий. “Ат-табақот ал-кубро”. Дору Содр Байрут.1968, 6-ж, 168-б. Бундан кейин: “Ибн Саъд “Ат-табақот ал-кубро”.

²³⁹ Ибн Саъд. “Ат-табақот ал-кубро”... 118-б.

²⁴⁰ Абул Аббос Шамсиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бақр ибн Халликон. “Вафиййот ул-аъйон ва анба-у-абнаи-з-замон”.2-ж, 261-б.

дерди: “Улуғлигинг ва азизлигинга қасамки, бу ер мени тонгга қадар хузурингда турадиган еримдир”.

Жамолиддин ал-Музий “Таҳзиб ул-камол”да Вакиъдан ривоят қилиб шундай дейди: “Али ва Ҳасан Солиҳ ибн Ҳайнинг ўғиллари эди. Улар иккиси ва оналари биргаликда кечани учга тақсим қилишган эди. Али кечанинг биринчи қисмида туриб ибодат қилиб сўнг ухлар эди. Кейин укаси Ҳасан туриб ибодат қиларди. Оналари эса учинчи қисмида турар эди. Қачонки, оналари вафот этгач, улар кечани иккига бўлиб унинг номидан ҳам тонггача ибодат қиладиган бўлишди. Сўнгра Али вафот этгач, Ҳасан улар номидан бир ўзи кечаси билан ухламай намоз ўқиб чиқадиган бўлди. Кўпинча у: “Мен кечаси уйқу ғолиб келмагунича мажбуран ухлашдан Аллоҳдан ҳаё қиламан”, дер эди”.²⁴¹

Энг қизиғи, улар бундан қайтарувчи сабабларни ҳам яхши билган эдилар. Масалан, Ҳасан Басрий: “Инсон тунги ибодатни кундузи қилган гуноҳидан бошқа нарса сабабли қолдирмайди, шундай экан, ҳар тун киришидан олдин кечаси Раббингиз хузурида туриш учун ўзингизни тафтиш қилиб кўринг, кўпинча хатолар оғирлиги кишини тунда намозга туришдан босиб қолади”, деганлар. Иброҳим ибн Адҳамга бир киши: “Кечаси намозга тура олмаяпман, менга йўл кўрсат?”, – дейди. “Кундузи Аллоҳга осий бўлмасанг, кечаси тура оласан. Кечаси Парвардигор хузурида туриш энг шарафли ўриндир, осий кимсалар бу мақомга муносиб эмас”, – дейдилар.

Таъкид жоизки, биз ўн беш йилдан ортиқ давом этган изланишлар давомида марғилонлик кўплаб алломаларни бу каби ҳимматли кишилар эканига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Хонақоҳий Ҳазрат домла, Фозилжон махдум домла, мавлоно Абдулкарим ҳазрат, мулла Нуриддин махдум, мулла Миряхё қори ва бошқалар ўз даврида бу соҳада мумтоз бўлганлар. Шунинг учун ҳам улар

²⁴¹ Жамолиддин Ибн Ҳажжож Юсуф ал-Музий “Таҳзиб ул-камол”. Муассасатур рисола, 1985, 20-б, 466-б.

таърифида: “Улар кечаси намоз ўқишга одатланган бўлиб, таҳажжуддан сўнг ухламас эдилар”, каби таърифларни кўрамиз.²⁴²

Марғилонлик Мирза Мухлис ота Тўланбой ўғли шундай дейди: “Мулла Нуриддин махдум домладан дарс олиб юрган кезларим. Вақт нозик бўлгани учун кечанинг ярмида борар эдим. Қачон келсам ичкаридан жойнамоз устида йиғлаб турганларини кўрар эдим. Шундай йиғлар эдиларки инсон тоқат қила олмас эди. Бевовта қилмаслик учун эшикни тақиллатмай чиқишларини кутиб турардим. Анчадан кейин ўзлари чиқар ва мени кўриб, билиб колдими, деб ўйлаб дархол: “Қачон келдингиз?” – деб сўрар эдилар. “Ҳозиргина келдим” десам хотиржам бўлар эдилар. Кириб сабоқ олиб қайтар эдим”.²⁴³

Марғилоннинг Ёвқочар маҳалласида истиқомат қилган Раҳмонберди ота Қурбонбой ўғли шундай ҳикоя қилади:

“Ўтган асримизнинг эллигинчи йиллари эди. Қиш кунларининг бирида Фозилжон махдум почча бизникига меҳмонга келдилар ва бу ерда тунаб қоладиган бўлдилар. Хуфтонни ўқиғач: “Энди дам олайлик”, – дедилар. Биз жойимизга ётдик. Бир оздан кейин махдум почча ўринларидан тура бошладилар. Таҳоратга чиқмоқчи бўлдиларми, деб мен ҳам турмоқчи бўлдим. “Сиз ётаверинг, мен бир оз намоз ўқиб оламан”, – дедилар ва намоз бошладилар. Мен жойимда намоз ўқишларини кузатиб ётдим. Кейин кўзим уйқуга кетибди. Кечаси уйғониб кетиб қарасам, махдум почча ҳали ҳам намозда эканлар. Нима қилишимни билмай, яна уйқуга кетдим. Тун ярмида яна бир уйғонибман. Не кўз билан кўрайки, домла ҳануз қиёмда эдилар. Ўшанда мен ўзимча, “Бу зотларнинг халқ орасида “махдум почча” бўлиб юришлари бежиз эмас экан. Кечаси билан Аллоҳнинг хизматини қилиб, кундузига борганда халқ ҳурматини қозонишар экан”, дея хулоса чиқарган эдим”.²⁴⁴

Абдуссамад Охунд дада ҳам бу соҳада ибратли бўлганларини кўрамиз. Шогирдларидан Соқиматжон ота шундай

²⁴² Раҳматуллоҳ Файзуллаев, Нодиржон Абдулаҳатов. “Муҳаммад Юсуф Ҳазин” (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний) Тошкент: “Шарқ”. 2013 – 435-б.

²⁴³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Қаландархона. 1997.

²⁴⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёвқочар. 1994.

дейди: “Охунд дада кам ухлар эдилар, туни билан ибодат қилиб чиқар эдилар. Бир куни қишлоқдан қўйларга ем олиб келдим. Ҳовлиларига келиб аравани оҳиста тўхтатдим. Секин дарвозани очиб ичкарига кирдим. Қарасам, намозда эканлар, кўпинча шундай бўлар эди. Оҳисталик билан юкларни туширдим.

Кейин яна оҳисталик билан чиқиб кетаётганимда мени пайқаб қолдилар. Ноилож ичкарига кирдим. “Келишингиз беҳикмат бўлмади, бизда “ухламаймиз” деган даъво бор эди. Мана Аллоҳ кўрсатди, бу нарса дилимиздан кетди”, – дедилар. Маълум бўлишича кечаси ухламас эканлар”.

*Ётиб то нисфу шаб андин кейин турмоқни одат қил,
Тилинг машғули истиғфор этиб, аввал таҳорат қил,
Дилингни Ҳаққа ташлаб, холисон лиллоҳ ибодат қил,
Саҳарни файзидан андак умид айлаб риёзат қил,
Бақо раҳравлари доим дуони субҳидам айлар.*

Соқиматжон ота яна шундай дейди: “Таълим олиш учун Охунд дада ҳузурига келган дастлабки пайтимда мендан: “Таҳажжуд (Кечаси ўқиладиган нафл намоз) ўқийсизми?” – деб сўрадилар. Устозимиз мулла Йўлдош охунддан таълим олганим учун “Ҳа” – дедим. Хурсанд бўлиб кетдилар. “Энди унга икки ракаат “шукру вузуъ” (таҳоратдан кейин таҳорат шукронаси учун ўқиладиган нафл намоз) намозини қўшиб қўямиз”, – дедилар. Кейинроқ: “Энди таҳажжудни кўпайтирамиз, ўн икки ракаат қилиб ўқийсиз, ўрганиб қолдингиз, буни ўзингизга доимий одат қилиб олинг”, – дедилар”.

*Саҳарда уйғониб ҳар кимса истиғфор этар бўлса,
Қўйуб пешонасини саждагоҳда тўхтатар бўлса,
Забонин “раббиял аъло” каломи тебратар бўлса,
Кечар Тангрим гуноҳидан агар хавфу хатар бўлса,
Таҳажжуд нияти бирла таҳорат айласанларчи.*

Охунд дада шогирдларига қўшимча ибодат борасида баъзи тавсиялар берганларини мулоҳаза қилиб ўтсак.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бомдод намозидан кейин: “Эй Билол, менга Ислолда қилган энг умидли амалинг ҳақида айтиб бер, чунки (меърож кечаси) жаннатда кавушингни овозини эшитдим,” – дедилар. У: “Мен умид қиларли бирорта амал қилганимни билмайман, фақат ҳар гал кечаси ё кундузи таҳорат олсам, албатта у билан Худо менга насиб этган намозни ўқийман”, – деб жавоб берди”.²⁴⁵

Мазкур ҳадисга кўра, уламоларимиз таҳоратдан кейин икки ракаат намоз ўқишни мустаҳаб эканини айтганлар.²⁴⁶ Ибн ул-Муҳаллабнинг айтишича ушбу ҳадисдан устоз шогирдидан қилаётган ишлари ҳақида сўраши, агар яхшилик бўлса уни рағбатлантириб, қизиқтириши кераклиги ҳам чиқади, деган.²⁴⁷

Имом Нававий бундан таҳоратдан кейинги ўқилган намознинг фазилати англашилади, деб айтган.²⁴⁸

Машҳур Ҳанафий уламо Мулла Алий Қорий ҳадисда тилга олинган намоз нафл эканини айтиб, уни айнан “шукр ул-вузуъ” (“таҳорат шукронаси”) деб номланади, деганлар.²⁴⁹ “Тухфат ул-Аҳвазий”да уни бундай аталиши кишидан нажосат – нопокликни кетказгани ва таҳорат қилишга тавфиқ берилгани шукронаси учун, деб айтилган.²⁵⁰

Мазкурларни мулоҳаза қилсак Охунд даданинг юқоридаги тавсиялари суннат ва ҳадисга мувофиқ бўлганини англаймиз.

Риёдан эҳтироз қилдик

Маълумки, исломда таом ейиш ва уни тайёрланиш жараёнига алоҳида эътибор қаратилган. Унга ишлатиладиган ҳар бир нарсани ўта покиза бўлишига, тайёрловчиларни ҳам таҳоратли бўлишига аҳамият қилиш шулар жумласидан.

²⁴⁵ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”... 4-ж, 428-б.

²⁴⁶ Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳ ул-Борий”...

²⁴⁷ Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳ ул-Борий”...

²⁴⁸ Имом Нававий. “Шарҳу Саҳиҳ ул-Муслим”... 8-ж, 214-б.

²⁴⁹ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. “Мирқот ул-мафотих”... 4-ж. 462-б.

²⁵⁰ Муҳаммад ал-Муборақфурий. “Тухфат ул-Аҳвазий”... 9-ж. 100-б.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қудиса сирруху) муридларига таом ейишда доимо хушёр ва огоҳ бўлиб ейишни қаттиқ таъкидлар эдилар. Таом ғазаб билан, ёки хоҳламасдан пиширилган бўлса, бундай таомни емас бошқаларга ҳам едирмас эдилар. Мабодо, кимдир капгирни қозонга қаттиқ урса ҳам, ўша таомни емас ва: “Ғазаб, мажбурлик ва ғафлат билан қилинган ҳар бир ишда хайру-барака бўлмайди, унга шайтон ва нафс йўл топган бўлади, демак, ундан қандай яхши натижа кутиш мумкин. Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносини юзага келиши ҳалол таомга боғлиқ. Таом огоҳ ҳолда ейилсагина барча ишларда, хусусан намозда яхши натижа ҳосил бўлади”, – дер эдилар.²⁵¹

Таом ва луқмага бўлган эҳтиёткорликнинг мисолини Охунд дада ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин. Шогирдларидан бири шундай дейди: “Охунд дада билан бир жойга меҳмонга бордик. Ҳамма йиғилгач хонадон соҳиби кириб дастурхонга тузалган гилосларга ишора қилиб: “Гилосдан олинглар, атай сизлар учун харид қилиб келдим, емасангизлар бўлмайди, фалон пулдан олинган...” – деди. Ўтирганлар гилосдан еган бўлишди. Аммо Охунд дада негадир гилосдан тотинмадилар. Мен буни сездим. Қайтаётганимизда бу ҳақда сўрадим. “Риёдан эҳтироз қилдик...” – дедилар”.

Иброҳим ибн Адҳам: “Кишилар уни яхшилик билан зикр қилишларини истаган кимса амалини холис Аллоҳ учун қилиши қийин”, – деганлар. Охунд даданинг асарларининг бирида шундай ёзадилар:

*Худойи ул эрурким қадри ҳожатдан зиёд ўлмас,
Бўлиб табзиру исрофу савобида фасод ўлмас,
Риёйи улки мақтов кирмагунча кўнгли шод ўлмас,
Учар мақтовга ҳар ким кори бори адлу дод ўлмас,
Ҳаво бирлан қадам ташлар риёни дам бадам айлар.*

Бемалол еяверинглар

²⁵¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балоғардон”... 56-б.

Бордонча кишлоғида истиқомат қилувчи Абдуллоҳ ота шундай дейди: “Охунд дада билан бир анжуманга бордик. Хонадон соҳиби ўтирганларга, “Бемалол еяверинглар, қўй ёғу-гўштида бўлган”, деди. Буни эшитиб, Охунд дада: “Нима қўй ёғу-гўштида бўлмаса еб бўлмайдами?” – дедилар. Кейин: “Қўй ёғида бўлмаса ҳам еса бўлади”, – дедилар”.²⁵²

Бу билан Охунд дада эҳсон маросимлари ўртамиёна бўлиши кераклигини уқтирмақдалар. Ортиқча дунёга берилмаслик, эҳсонлар риёга айланиб қолмаслигини эслатмақдалар.

*Қилиб тоатни файзини риё бодига топишрма,
Қабули халқ учун қилган ибодат барча хусрондур.*

Ёки:

*Олиб боргай тамоми мунда қилган қору борини,
Етар жонинга роҳатлар савоби бериёдандур.*

Уч сўмлик дўппи

Охунд дада фаолиятларини ўрганиш жараёнида у зотни бирор хатони кўрганда ўрнида тўғрилаб қўйиш одатлари борлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, халқ ўртасида обрўли кишилардан содир бўлган хатоликларни кўриб “индамай” тура олмаганлар. Бир гал Охунд дада иштирок этаётган уламолар мажлисида мавзу исроф борасида кетади. Ҳар ким бу борада ўз фикрини баён қилади. Навбат Охунд дадага келади. У зот сўз олиб: “Биродарлар амални аввало ўзимиздан бошлашимиз керак, мана масалан бошимдаги дўппи уч сўмга олинган, дўппини уч сўмга ҳам беради, юз сўмга ҳам беради. Риё учун юз сўмга оладиган бўлсак, уч сўмдан ортигини исроф қилган бўламиз” – дейдилар.²⁵³

Маълумки, исломда ман қилинган ҳаром ишлардан бири бу исрофдир. Исроф нарсани ўз ўрнидан бошқа ерга сарф этишдир. Аллома бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталганлар. Масалан, “орзу бирлан ҳавас” радифли мухаммасда шундай дейдилар:

²⁵² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик, 2014.

²⁵³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Қашқар, 2014.

*Ҳақ таоло бандани исроф этардан қайтарар,
Айлама табзир деб Қуръон баёни ҳукм этар,
Аҳли табзирларни ихвони шаётин деб ёд этар,
Ҳар киши шайтонни рои бирла дунёдин ўтар,
Анда кўп қилгай надомат орзу бирлан ҳавас.*

Ҳар қанча мол-дунёси кўп бўлса ҳам киши исроф қилмай “ғарибу бенаволар”га эҳсон қилиши зарур.

*Агар дастинг дароз ўлса ҳама исроф қилмасдин,
Ғарибу бенаволарга саховат айласангларчи.*

Аллома баъзи исроф қилувчи кимсаларга хитоб қилиб шундай дейдилар:

*Адлу эҳсонга буюрган Ҳақ таоло бандани,
Қайтариб табзир билан исроф қилмакдин сани,
Бандаман деб амрига бўйинунгни сунгонинг қани,
Мақсади шаръийда юрмак бўлса ислом аҳлини,
Жилвалангай нури имон, орзу бирлан ҳавас.*

*Бўлса юз сўм бирла тўн, зийнатга тўққиз юз кетар,
Орзу деб бир иморат қилса юз минг сарф этар,
Лолагун рангин палос айлаб ҳаво бирлан етар,
Терламай пешона топган пул томошага кетар,
Ё хиёнатдан топилган, орзу бирлан ҳавас.*

“Ҳилят ул-авлиё” да Абу Сулаймон Доронийнинг куйидаги сўзлари келтирилган: “Агар кийган кийимингдан кўра пастроғига ҳам рози бўла олсанг уни кий, акс холда риё учун кийган бўласан”.²⁵⁴

Шу ўринда Охунд даданинг устозлари Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг бу билан боғлиқ фикрларини эслаб ўтсак. Одамлар Ҳазратдан, «Қандай либос кияйлик», деб сўрашганида, «Тақво либосини кийинглар», дея жавоб берган эдилар. Бу билан Ҳазрат Қуръони каримдаги «...ва тақво либоси – бу энг яхши либосдир», (Аъроф сураси, 26-оят) мазмунидаги оятга ишора қилганлар.

²⁵⁴ Абу Нуъайм ал-Асбахоний. “Ҳилят ул-авлиё”... 4-ж, 182-б.

Оятдаги “тақво либоси” ҳақида муфассирлар саҳоба ва тобеинларнинг турли таърифларини келтирганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос: “Бундан мурод – солиҳ амаллардир”, – деганлар. Авф ибн Жуханий: “Бу ҳаёдир”, – деб айтганлар.²⁵⁵ Қатода ва Суддий: “Тақво либоси – имондир, чунки у ўз эгасини дўзахдан сақлайди”, дейишган бўлса, Ҳасан Басрий: “Бу ҳаёдир, чунки у эгасини тақвога олиб боради”, – дея таърифлаганлар. Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) уни, “ҳусни хулқ”, деб Урва ибн Зубайр эса, “Бу Аллоҳдан кўрқишдир”, деб Калбий эса, “Бу кўнгилни тамаъдан поклигидир”, каби бир-бирини тўлдирувчи гўзал маъноларни берганлар.²⁵⁶

Одамлардан ажралиб қолманг

Охунд даданинг суҳбатларида кўп вақт иштирок этган марғилонлик Зайнобиддин хожи ота Йўлдош ўғли шундай дейди: “Маҳалламизда бир анжуман қилиниб мен ҳам тақлиф этилган эдим. Иттифоқо, Охунд дада ҳам у ерга келиб қолдилар. Ҳамма билан кўришиб ўтар эканлар менга келганида бошимдаги дўппимга бир қараб қўйдилар, чунки ўшанда янги дўппи кийган, у шакли ва ранги билан бошқалардан ажралиб турар эди. Билдимки, бу у кишини хурсанд қилмади. Бу каби ишларга хайрихоҳ эмасликларини билар эдим. Анжумандан чиқибоқ дўппимни алмаштирдим.

Орадан бирор ҳафта ўтгач бошқа бир мажлисда Охунд дада билан яна кўришдик. Мен билан кўришиб туриб: “Охунд дадам койиб бермасинлар, деб дўппингизни алмаштириб олдингизми?!” дея табассум қилдилар ва – Одамлар, “Ана бу фалончи”, дея ишора қилинадиган бўлмаслигимиз керак” – деб қўшиб қўйдилар”.

Назди Ҳақда сурат ороликни қадри бўлмагай,

Аҳли маҳшардан қиёмат кун насабдин сўрмагай.

Сунани Термизийда келтирилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам назарларида ҳавас

²⁵⁵ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. “Тафсирул Куртубий”. Дору ихёи турос ал-арабий. Байрут. 1405/1985. 7-ж, 184-б.

²⁵⁶ Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Умар Шайхӣ Ал-Хозин. “Лубоб ат-таъвил фий маъонит-т-танзил”. 678/1280-741/1341 3-ж, 10-б. <http://www.altafsir.com>

қилинарли кишининг сифатлари зикр қилиниб, улар орасида: “Унга бармоқ билан ишора қилинмайди”, – деб айтилган.²⁵⁷

Бу борада салафи солихларнинг сўзлари ҳам ибратли. Халил ибн Ахмад шундай деб дуо қилган эди: “Аллоҳим мени хузурингда бандаларингни энг яхшиларидан, нафсимни олдида уларнинг энг ёмонларидан, одамлар орасида эса уларнинг ўртачаларидан қилгин”.

Иброҳим ибн Адҳам шундай деган: “Мен дунёда фақат бир мартагина қаттиқ хурсанд бўлганман. Шомнинг бир масжидига кириб у ерда ухлаб ётган эдим. Бир пайт муаззин келиб оёғимдан тортиб ташқарига судраб чиқариб юборган эди”.

Фузайл ибн Йёз насиҳат қилиб шундай дейди: “Агар танилмаслик қўлингдан келса танилма, чунки агар Аллоҳ назарида яхши бўлсанг бировларнинг сени танимаслиги, сенга мақтов айтмаслиги ва улар ўртасида ёмон кимса бўлишингни мутлақо зарари йўқ”.

Маълум бўлмоқдаки, ортитқча шуҳратланиб кетиш ҳам яхшилик аломати саналмас экан.

“Ол” билан “бер”нинг фарқи

Изланишлар шуни кўрсатадики, Охунд даданинг ҳар бир сўзлари суҳбатдошларига таъсир қилиб, баъзилари уларнинг доимий шиорига айланиб қолган. Бу ўша давр кишиларининг тўғрилиги ва илм аҳллари ва устозларга муносабатини ифодалайди.

Охунд даданинг қўшниларидан Орифжон ҳожи ота шундай дейди: “Мен ўқишни битириб йўлланма бўйича уч йил Самарқандда ишлаб келгач, янги соҳа бўйича ишга таклиф қилиб қолдилар. Мен отамга маслаҳат солдим. Мени Охунд дада хузурига олиб кирдилар. Суҳбат асносида танлаган соҳамдан оғиз очиб руҳсат сўраган бўлдилар. Мен шуни билардимки, отамнинг наздида Охунд даданинг ғоят эътиборлари баланд бўлиб, у киши ишимга розилик бермаса, отам ҳам кўнмас эдилар.

Ўша даврларда ота-оналар фарзандларини қандай ҳунар ва касб эгаси бўлишига жиддий эътибор беришар ва бу соҳада кўпроқ

²⁵⁷ Мухаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... Байрут. 9-ж, 153-б.

миллий анъаналарга мувофиқ бўлган соҳалар танланар эди. Охунд дада отамнинг гапини тинглаб, бир зум мулоҳаза қилиб олдиларда, дедилар: “Бу қалтис иш, аммо “ма, ол” билан “бер, бер” нинг фарқига борса, ишлайверсин!” – дедилар. Бу, хиёнат қилмай ҳалоллик билан ишласа ишласин, деганлари эди. Отам менга “Нима дейсан?” дегандек синчковлик билан қарадилар. Мен: “Фарқига бораман!” – дедим. Одамларни норози қилмаслик ҳақида бир қанча насиҳатлар бергач, ишлашимга рози бўлиб дуо қилдилар. Биз ижозат олиб ҳузурларидан чиқдик.

Шу гапга биноан, мен бу соҳада бирор марта бировлар ҳақини фойдамга ўзлаштирадим. Кўл остимда ишлайдиган ходимларга бунини ҳам қаттиқ тайинладим. Бу Охунд даданинг таважжуҳлари бўлиб, ҳозиргача шу гапга амал қилиб келмоқдаман”.²⁵⁸

*Инсонгадур вазифа талабда қадам қўяр,
Лекин талабга касб ҳалолин сабаб қилар,
Касбу талаб таваккул ва тафвиз билан бўлар,
Тақсимида ёзилгонини қанчадур қўрар,
Бўлмас адо насибаси топмаса ажал.*

Биринчиси шайтондан

Охунд даданинг талабаларга қилган қуйидаги тавсиялари ҳам тақво борасида шоёни таҳсин. «Агар мажлисда бирор савол берилса, жавобини билсангиз ҳам дарҳол жавоб беришга шошилманг, бошқалар жавоб беришини кутинг, чунки биринчи дафъада жавоб беришга тезлаган шайтон бўлади. Иккинчи марта дилингизга келса буниси фариштадан, жавоб беришингиз мумкин, аммо учинчиси Аллоҳдан бўлади, бу ҳолда сиз ҳеч қачон хато қилмайсиз».²⁵⁹

Асарларида бу билан боғлиқ маънолар гўзал тарзда келтирилганини кўрамиз. “Рўзадур” радибли мухаммасда шундай дейдилар:

²⁵⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

²⁵⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

*Жинни шайтони дилинга фаҳми бежо ташлагай,
Қўл тутиб инсонни шайтони хатога бошлагай,
Нафси аммора ҳама роҳи залолат хушлагай,
Қилмакдур аҳли саодат Ҳақ ризосин ушлагай,
Қилмагай Қоилни ё Раб аҳли тугён рўзадур.*

Шу ўринда алломанинг шайтоннинг ёмонликлари баён қилинган мухаммасни келтириш лозим топилди. У билан танишиш орқали шайтон васвасалари ҳақидаги тасаввурларимиз бойишидан ташқари, улар нималарда кўринишини ҳам билиб оламиз.

Шайтоннинг ёмонлиги

*Пано(ҳ) ахтардилар Одам ато ҳам шарри шайтондин.
Жафолар чекдилар Ҳавво ано ҳам шарри шайтондин,
Нажот истаб тамоми анбиё ҳам шарри шайтондин,
Чекиб кулфатни аксар авлиё ҳам шарри шайтондин,
Паноҳига қочиб Ҳақ Мустафо ҳам шарри шайтондин.*

Эй инсон, шайтон шунчалик ёмонки Одам Ато, Ҳавво Ано, барча пайғамбарлар, авлиёлар, ҳатто пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам унинг ёмонлигидан паноҳ истаб ўтганлар.

*Ҳаво **илмингга** қилмасдин санам андин пано(ҳ) ахтар,
Қараб фазлингни кўрмасдин санам андин пано(ҳ) ахтар,
Тамаъ бирлан югурмасдин санам андин пано(ҳ) ахтар,
Хиёнат бирла юрмасдин санам андин пано(ҳ) ахтар,
Бўлур макру хиёнатга ризо ҳам шарри шайтондин.*

Шундай экан, ўзингни бошқалардан ортиқ кўриб эл ичида тамаъ билан югуриш ва хиёнат билан юриш ўрнига сен ҳам ундан паноҳ иста, чунки буларга рози бўлиш ҳам шайтоннинг ёмонлигидандир.

*Талаб қилсанг Худодин фазлу раҳматдин талаб қилгил,
Насиб этгаймукин роҳатни жаннатдин талаб қилгил,
Нажот истаб сабо махшар хижолатдин талаб қилгил,*

*Ҳавола зотиға айлаб ижобатдин талаб қилгил,
Дуо вақтида қилган эътидо ҳам шарри шайтондин.*

Худодан бир нарса сўрамоқчи бўлсанг унинг фазли ва раҳматини, маҳшар куни хижолат қилмаслигини сўра ва дуони ожизлик ва ҳокисорлик билан қилки, дуо чоғи ҳаддидан ошиш ҳам шайтоннинг шарридандир.

*Худога борғали йўл бизлара роҳи шариатдур,
Шариат иттибоъ суннату тарки табиатдур,
Ризойи Ҳақни ахтармакни бил асли ҳақиқатдур,
Ҳақиқатга тажарруд зуҳд била юрмак тариқатдур,
Бу йўлдан тўхтатар ҳар муддао ҳам шарри шайтондин.*

Охиратга ёруғ юз билан бориш йўли шариат, шариат эса суннатга эргашишдир, ҳақиқат Ҳақ ризосини ахтариш бўлса, бу йўлда зоҳидлик билан юриш тариқат ва бундан қайтарадиган ҳар қандай нарса шайтоннинг шарридандир.

*Қилур изҳори ҳақ бўлсанг насиҳат йўлидин қилгил,
Назар айлаб насиҳатни тариқи қайсидир билгил,
Раво кўрсанг ўзингга ҳарна дигарга раво кўргил,
Тафаккурсиз такаллум айламакдин пурҳазар бўлгил,
Изо мажлис аро қилган миро ҳам шарри шайтондин.*

Ҳақни изҳор қилмоқчи бўлсанг насиҳат йўлидан қил, аввало, насиҳат қилиш йўлини яхшилаб ўрган, ўзингга раво кўрганни бошқага ҳам раво кўр, ўйламай гапиришдан хушёр бўлки, биров дилига озор бериш ҳам шайтоннинг шарридандир.

*Бани Одамга чун таширфи каррамно карам қилди,
Алардин аҳли мўминни азизу муҳтарам қилди,
Сиротул мустақимда юргали собит қадам қилди,
Тавалло бирла юрмак асли имондур аҳам қилди,
Адоват бирла юрмак халқ аро ҳам шарри шайтондин.*

Аллоҳ таоло Одам болаларини мукаррам қилиб улар орасидан имон аҳлини муҳтарам қилди, тўғри йўл устида юришни фарз,

дўстлик билан юришни эса вожиб қилди, чунки адоват билан юриш ҳам шайтоннинг шарридандир.

*Худо амр айлади ислонийларни адлу эҳсонга,
Харом айлаб юрарга бермади йўл зулму тугёнга,
Паноҳ излаб деди, хушёр ўлунглар шарри шайтонга,
Саодат файзини айлантурур нуқсону исёнга,
Ибодатлар аро кирган риё ҳам шарри шайтондин.*

Аллоҳ таоло мусулмонларни адолат ва яхшиликка буюриб, зулму тугёнга юришларига йўл бермади ва уларга “шайтондан паноҳ сўранглар” дея амр қилди, шунингдек, риёдан сақланишга ҳам буюрдик, у ҳам асли шайтоннинг шарридандир.

*Диёнатни(нг) камолига риёзатни сабаб қилди,
Топарга файзи тоатни қаноатни сабаб қилди,
Асоси шайтанатга гайри одатни сабаб қилди,
Заруроти ҳаётинг(га) қадрни ҳожатни сабаб қилди,
Қилур кўп тўпламак қасдин гадо ҳам шарри шайтондин.*

Аллоҳ таоло диёнатнинг камолга етишига риёзатни, тоатлар файзини топишга қаноатни сабаб қилганидек, шайтанат оламнинг ғолиб бўлишига орзу ҳавасларни сабаб қилди. Шунингдек, қадрни ҳожат миқдорича касб қилишга буюрди, ҳатто гадонинг мол тўплашга ҳарислиги ҳам шайтоннинг шарридандир.

*Талаб қилмоқ Худодан уч тариқа бохабар бўлгил,
Бирин тафвиз ила иккисини сен жазм ила қилгил,
Талаб жаннатни айлаб ҳам паноҳ дўзахдин ахтаргил,
Махотирларни жазм айлаб талаб қилмак тамаъ билгил,
Агар қилсанг тамаъ бирлан дуо ҳам шарри шайтондин.*

Худодан сўраш йўли уч хил эканини билиб ол. Бири тафвиз – барча ишларни унга топшириш, иккитаси унга киришишдир. Сен ундан жаннатни сўраб дўзахдан паноҳ беришини тила ва ҳаргиз бировдан умид қилмаки, тамаъ умидида дуо қилиш ҳам шайтон шарридандир.

Қулогинг икки тилни бир яратмакда ишорат бор,

*Эшитгил иккию бирдан зиёда бўлмасун гуфтор,
Кўнайса қовли бемаъни билан руҳинг топар озор,
Қилиб макру хиёнат бирла савдо айласанг бозор,
Рибога айланур байъу шиरो ҳам шарри шайтондин.*

Аллоҳ таоло қулоқни иккита тилни эса бир қилиб яратиш ҳикмати билиб ол, мақсад бир марта гапириш бошқани икки бор тинглаш керак, чунки бемаъни гапдан руҳнинг озор топиши бор. Агар савдогар бўлсанг макр ва хиёнатдан сақлан, чунки бу туфайли у харомга айланиб кетиши мумкин.

*Ҳамиша яхшилик андишасидур аҳли имонда,
Ризои Ҳақни ахтармак керакдур адлу эҳсонда,
Ҳавонинг атбодан Худо қайтарди Қуръонда,
Шаётинларни исбот айлади жин бирла инсонда,
Хатога боис ўлган ошно ҳам шарри шайтондин.*

Аҳли имон киши доим яхшилик фикрида бўлиши ҳар бир ишда Ҳақ ризосини ахтариши керак. Аллоҳ таоло бандаларни ҳавога эргашишдан қайтарди, шайтон инсон ва жинлардан бўлишини айтди, демак хатога бошлайдиган ошно ҳам шайтоннинг шарридандир.

*Бировни Ҳақ таоло подшоҳу баҳру бар айлар,
Ирода кетса баъзини гадоёу дарбадар айлар,
Биров қалбини нури ҳидоятдин қамар айлар,
Ҳақиқатдин бировни гофилу ҳам беҳабар айлар,
Қадарни корига чуну чаро ҳам шарри шайтондин.*

Аллоҳ таоло хоҳласа баъзиларни қуруқлигу дарёда подшоҳ қилади, хоҳласа баъзиларни гадою дарбадар қилади, бировнинг қалбини имон билан мунаввар қилса, яна бировни бундан бебаҳра қилади. Булар барчаси тақдир ва қазодирки унга аралашиб, “ундай-бундай” дейиш ҳам шайтоннинг шарридандир.

*Ҳақиқатни баёнига юборди бизга пайғамбар,
Тариқи охиратга бўлдилар ҳар бирлари раҳбар,
Шариатсиз киши ўз ройича шайтон билан ўйнар,*

*Юруб йўлсиз ҳамиша оқибатсиз жонини қийнар,
Халойиққа анингдек худнамо ҳам шарри шайтондин.*

Аллоҳ таоло бандаларга ҳақиқатни баён қилиши учун пайғамбарлар юборган, уларга эргашмаган кимса, албатта шайтоннинг райи билан юриб жонини қийнайди, бу каби худбин кимсаларнинг пайдо бўлиши ҳам шайтон шарридандир.

*Ўзингни аҳли суннат пайравига айлагил мойил,
Амал суннатга қилмоқ занги бидъатни қилур зойил,
Қабул этгил насихат айласа ҳар ким келиб Қоил,
Савоби охират аҳкоми шаръийда бўлур ҳосил,
Хато раҳбарларига иқтидо ҳам шарри шайтондин.*

Эй Қоил, сен ўзингни суннатга юришга мойил қил, чунки суннатга юриш бидъат зангини кетказади, биров насихат қилса қабул қил ва шуни билки, охират савоби шариятга мувофиқ ишлардагина ҳосил бўлади, шундай экан, шариятга хилоф қилувчи кимсаларга эргашиш ҳам шайтоннинг шарридандир.

Дунёдаги сирот кўприги

Маълумки, Аҳли суннат вал жамоат ақидаси бўйича ҳар бир мўъмин маҳшар ери билан жаннат орасида дўзах устига қурилган қиличдан ўткир, қилдан ингичка ва ниҳоятда узун Сирот кўпригини ҳақ деб эътиқод қилиши фарз саналади.²⁶⁰ Жаннатга кирувчиларнинг ҳар бири унга ушбу кўприкдан ўтиб киради. Унинг ҳақ эканига унамаганлар мўътазила бўлиши айтилган. Аллоҳ таоло Марям сурасининг 71-72-оятларида: «Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) учрагайдирсиз. Бу Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир! Сўнг такводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз», – деб марҳамат қилган.

²⁶⁰ Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-ханафий. (ваф. 370 х). “Шарху Бадъ ул-амолий”. Абу Амр Ал-Хусайний ибн Умар ибн Абдурахим таҳкики остида. Дорул кутуб ал-илмийя. Байрут – Лубнон. 1422/2001, 360-б.

Мазкур оятнинг тафсирида Имом Бухорий ва Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қуйидаги ҳадис келтирилган: шундай дейди: «Сирот жаҳаннам устидаги кўприк бўлиб қилич тиғидан ўткир. Ундан инсонлар қилган яхши амаллари даражасига қараб ўтишади. Савобли амаллари қанчалик кўп бўлса ўтиш тезлиги шунчалик ошади. Савоби кўплиги жиҳатидан биринчи табақадагилар жамоаси чакмоқдек тезликда ўтишади. Иккинчи табақадагилар шамолдек тезликда, учинчи табақадагилар учқур отдек тезликда, тўртинчи табақадагилар тез юрар туялардек тезликда, бешинчи табақадагилар югурувчи одам тезлигида, кейинги табақалар эса оддий юриш тезлигида ўтишади.²⁶¹ Ўша кунда пайғамбарларнинг дуоси фақат: “Аллоҳумма саллим, саллим”, – “Парвардигор саломат қилгин, ўзинг саломат қилгин”, – деб дуо қилиш бўлади”.²⁶²

Албатта, мазкур ҳолат ҳар бир мусулмон кишини ташвишга солади ва ундан саломат ўтиш ғамини чекади. Сўфи Оллоҳёр айтганларидек:

*Жаҳаннам узра бир кўпрук эрур оҳ,
Сирот отлиғ ўшал кўпрук гузаргоҳ*

*Қиличдан тез эрур қилдан ингичка,
Пушаймонлар тушар ўшал кун ичга.*

Айтишларича, Охунд дада кишиларга мазкур кўприкдан саломат ўтиш йўлларини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Шогирдларидан Муҳаммад Мусо Абдуллатиф ўғли шундай дейди: “Охунд дада ҳузурда ақида фанидан таълим олиб юрган кезларимиз эди. Бир куни сирот кўприги ҳақида гапира туриб: “Сирот кўприги бу дунёда ҳам бор”, – дедилар, кейин: “Ким бу дунёда Аллоҳ кўрсатган йўлдан оғишмай амал қилиб борса, гўё

²⁶¹ Исмоил ибн Касир. “Тафсирул Қуръанил азим”... 5-ж, 245-б.

²⁶² Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”... 5-ж, 4203- ҳадис; Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. “Саҳиҳу сунан ан-Насоий”. Мактабатут тарбиятил арабий ли дувалил халийж, Риёз. 1988, 6-ж, 406-б; Аҳмад ибн Ҳанбал... 2-ж, 66-б.

охират кўпригидан ўтган саналади ва қиёмат кунда ўша кўприк меҳнатидан нажот топади,” – дедилар”.²⁶³

*Бўлмагай зое риёзат айласанг меҳнат билан,
Анда кенг бўлгай йўлингни мунда андак тор қил.*

Тўққиз дона ғишт

Маълумки, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак қабрларининг оғзи тўққиз дона ғишт билан беркитилган. Айтишларича, Охунд дада ҳам ўзларининг қабрлари шу каби бўлиши умидида тириклик пайтларидаёқ тўққиз дона ғишт тайёрлатиб қўядилар. Бу ишни шогирдларидан ёзёвонлик Зокиржон уста ва Маҳмуджон домла уддалайдилар. Домла ясаган қолип асосида битта ортиғи билан куйилган ғишлар Зокиржон уста хонадонида эҳтиётлаб қўйилади. Охунд дада вафоти куни Маҳмуджон домла ғишларни ўзининг махсус аравасида қабристонга олиб боради. Не тонгки, қабр оғзи тўққиз дона ғишт билан тўлиқ беркилади, ортиб қолган бир дона ғишт эса қабр бошига аломат бўлади.

Дарвоқе, Охунд дада ўзларини Хожа Порсо қабристонига, устозларининг ёнига дафн этишларини васият қилган ва улардан баланд бўлиб қолмаслик учун қабрни анча чуқур қилиб кавлашларини уқтирган эдилар.

Тазйиқлар

Тарихдан маълумки, собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга олган даврдан бошлаб диний уламолар, эшону сайид ва хўжаларга нисбатан аёвсиз кураш бошлаган.²⁶⁴ “Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари” номли китобда келтирилган маълумотга кўра, 1937-1939 йилларда Ўзбекистонда сохта айбловлар бўйича 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи

²⁶³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2014.

²⁶⁴ Арапов Д.Ю, Косач Г.Г. Ислам и мусулмане по материалам восточного отдела ОГПУ. 1926 год. Нижний Новгород, 2007. С.3.

жазоланган, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинган, фақат давлат ва жамоат арбоблари ёзувчи, шоир ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ташланган.²⁶⁵

Бу ўз-ўзидан ижтимоий-маънавий соҳаларни бутунлай издан чиқишига сабаб бўлган. Кўз олдида кишиларнинг ҳовлисига бостириб кириб арзимаган айблар билан олиб чиқиб кетилиши, ҳатто халқ кўзи олдида уларнинг отиб ташланиши, халқ душмани тамғаси билан мол-мулкини талон-тарож қилиниши халқни, айниқса, зиёли кишиларнинг тинчини олган. Шу боис, улар ўзини олим, мулла, қори эканини халқдан “беркитиш”га мажбур бўлганлар. Уларнинг кўплари Ватанни тарк этиб, ўзга юртларга чиқиб кетишлари ҳам мазкур нотинч вазият тақозоси эди.

Масалан, марғилонлик уламолардан Фозилжон маҳдум бир ерда муқим тура олмаган бўлсалар, Аҳмаджон охунд Ўзганга бориб, у ердан бошпана топганлар. Абдуллажон маҳдум домла Новқатга кўчиб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, Сулаймон қори, Парпи қори ва бошқа кўплаб олимлар ҳаёти ҳам шу зайлда аянчли кечган.

Абдуссамад Охунд даданинг ҳаёти ҳам бу каби тазйиқлардан холий бўлмаган. Тўғри, у зот бошқа уламолар қатори бирор тўқима айб сабабли ҳибсга олинган ёки қамоқ жазосига тортилмаган бўлсаларда, барибир ҳаётлари таҳликали кечган. Бу ҳақда фарзандларидан бири шундай дейди:

“Биз кичкина болалик пайтимизда ҳовлимизга форма кийган уч-тўрт нафар кишилар беҳосдан бостириб кириб, “Домланинг пуллари кўп, қаерда туради?” деб сўрашган ва ҳамма ёқни титиб кўришган эди. Лекин бойлик тугул бирор ортиқча янги кийим, ёки кўрпа-тўшак ҳам топа олмай, ноилож қуп-қуруқ чиқиб кетишган эди.

1955 йили яна ҳовлимизни текширишган. Ўшанда отамнинг китоблари кўп эди. Отам бизга: “Ҳовлини, кўчани тоза қилиб супуриб, сув сепиб кўйинглар, меҳмон келади”, – дедилар. Биз кичкина қизчалар буни билиб қолиб: “Молимизни мелиса олиб кетар экан”, – деб йиғладик. Рўзғорда бир дона сигиримиз бор эди, бутун

²⁶⁵ Қ. Ражабов, Ф.Ҳасанов, И. Шоймардонов, Б. Тожибоев. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари.–Т.: «Ўзбекистон»–2010.

оила унинг сутидан фойдаланар эдик. Отам молни ҳовлининг тўрисиغا олиб бориб боғлаб қўйдилар. Бир оздан кейин ташқарида биров чақирди. Отам чиқдилар. Бир оз гаплашиб уйга кирдилар ва: “Қизим йиғламанг, меҳмон кетдилар, “Ҳасбуналлоҳ ва неъмал вакил” (“Аллоҳнинг ўзи бизга кифоя қилади, у қандай яхши вакилдир”) – дедилар. Биз уч нафар қизлар ўшанда бошқа нарсага ақлимиз етмай сигиримиз қолганига суюнган эдик”.²⁶⁶

²⁶⁶ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинариқ. 2014.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ҚАРОМАТЛАРИ

Изланишлар шуни маълум қиладики, Қоил Марғилоний ўз ўрнида кўплаб қароматлар соҳиби бўлган валий зот эдилар. Ҳозиргача бу билан боғлиқ талай маълумотларни топишга эришдик. Уларни келтиришдан олдин қаромат ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

Сунний ақида бўйича қиёмат кунига қадар ер юзиде Аллоҳнинг валий бандалари бўлиши, улардан турли қароматлар содир бўлиши ҳақ ва ростдир.²⁶⁷ Қароматнинг ҳақ эканига уламоларимиз Қуръони қарим ва ҳадиси набавиядан етарлича ҳужжат келтирганлар.²⁶⁸ Буёқ муфассир Шамсиддин Қуртубий қароматни фақат бидъатчи ва ҳадидан ошган фосиқларгина инқор қилади, деганлар.²⁶⁹ Абул Лайс Самарқандийнинг, “Қим қароматни инқор қилса, у муътазилыйдир”, деган сўзлари машҳур.²⁷⁰

Маълумки, қаромат – Аллоҳ таолонинг валий бандаларига берган улуғ инояти бўлиб, «хориқи одат» саналади. Хориқи одат эса инсон қўлидан келмайдиган мураккаб ва маҳол нарсаларни бажаришга айтилади. Масалан, сув устида юрмоқ, ўт ичига кирмоқ, ҳавода учмоқ каби. У бир неча турга бўлинади. Хориқи одат пайғамбарлардан содир бўлса, у муъжиза (оддий инсонлар қўлидан келмайдиган улар ожиз қоладиган иш) дейилади. Муъжизага кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Уларни пайғамбарликдан аввал содир бўлгани ирҳос, деб аталиб (бир ишни пухта бажармоқ) бўлиб, бу ҳам муъжиза остига қиради.²⁷¹

²⁶⁷ Абу Бакр Аҳмад Али ар-Розий. «Шарҳ бадъ ул-амолий»... 278-б.

²⁶⁸ Юсуф Набҳоний. «Жомеъу қаромот ал-авлийе». Байрут, 2005. 9-11; Жалолиддин Сюютий. «Жомеъ ал-қабир» 1-ж, 113-б; Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қадир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ар-Розий – Фахриддин Розий. “Мафотиҳ ул-ғайб” 10-ж, 164-б.

²⁶⁹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. “Тафсирул Қуртубий”... 11-ж, 28-б.

²⁷⁰ Абул Лайс Самарқандий. “Баҳрул-улум”. 1-ж, 338-б. <http://www.mawsoah.net>

²⁷¹ Исмоил ибн Касир. “Тафсирул Қуръанил азим”... 4-ж, 710-б; Фахриддин Розий. “Мафотиҳ ул-ғайб”... 7-ж, 183-б.

Хориқи одат валий бандалардан содир бўлса, каромат, оддий солиҳ кишилардан содир бўлса, маъунат (ёрдам), деб аталади. Хориқи одат динсиз кимсалардан содир бўлса, у истидрож (ўзи сезмаган ҳолда аста-аста азоби илоҳийга яқинлаштириш) саналади. Бунга шайтон ва Фиръавндан содир бўлган хориқи одатларни мисол қилиш мумкин.

Ушбу ўринда алломанинг каромат ҳақида айтган фикрлари билан ҳам танишиб чиқсак. Каромат Аллоҳнинг ҳукми билан авлиёлардан содир бўлади, дейдилар:

*Агар кулфат етар инсонга ақли норасодандур,
Жудолик боши аксар вафосиз ошинодандур,
Шифоларга сабаб дору билан дермиз даводандур,
Кароматлар зуҳурини дегаймиз авлиёдандур,
Аларни барчасини билсангиз ҳукми Худодандур.*

Кароматнинг ҳақлигини баён қилган аллома каромат билан қаҳонат (фолбинлик, қоҳинлик, ғайбдан хабар бериш) нинг фарқини кўрсатадилар.

*Кўрунса ҳар кишидан хорқи одат анга хушёр бўл,
Бўлур баъзи каромат, баъзиси бўлгай қаҳонатдан.*

Қуйидаги мисраларда ҳам мазкур маънолар таъкидланган:

*Урфи одат қайсидур, асли диёнат қайсидур,
Фарқини қилгил кароматдин қаҳонат қайсидур,
Бил ибодатда риё бирлан риёзат қайсидур,
Илму ҳикматдан аломат қиёмат қайсидур,
Фитнайи охир замондинму ўзунг хушёр қил.*

Хуллас, аллома ақидавий масалаларнинг нозикларидан бўлган бу соҳада ўта хушёр бўлишни уқтирганлар ва ўзларидан содир бўлган кароматларни изҳор қилишда ҳам эҳтиёт йўлини тутганлар.

Ёшлиқдаги каромат

Айтишларича, Аввал қишлоғидан икки киши бир масаланинг жавобини сўраб Марғилонга Холмуҳаммад қори домла

хузурига келадилар. Улар кириб келишганда домла қаёққадир шошиб турган экан, уларни тинглаб: “Бу батафсил тушунтириш талаб этадиган савол, сизлар Хотинарикқа бориб, шогирдим, Абдуссамад охунддан жавоб оласизлар”, – дейдилар.

Охунд даданинг талабалик пайтлари экан, ўшанда. Аввалликлар излаб келиб масжид ёнида таҳорат олаётган Охунд дададан уйларини сўрайдилар. Охунд дада улар билан кўришиб, ўзларини танитадилар ва улар сўрамай туриб ўша ерни ўзидаёқ саволларига жавоб бериб юборадилар.²⁷²

Келтирилган воқеа Охунд даданинг кароматларига мисол бўлишидан ташқари, устоз Холмуҳаммад қорини у кишига бўлган ишончларига ҳам ёрқин мисолдир. Буни бошқа воқеаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, илм толиблари ўртасида ҳам гоҳ холисона, гоҳ ҳасад бино қилган рақобат учраб туради. Холмуҳаммад қори домла кўзлари кўрмаслигига қарамай доим Охунд дада ўтирган тарафга қараб гапирар эканлар. Буни кўрган талабалар ўзларича режа тузибдилар. Улар, “Устоз мудом Абдуссамад томонга қараб дарс айтади, келинлар ўринни алмаштриб кўямиз”, дейишади. Ўзаро маслаҳат битгач эртаси бири келиб одатда Охунд дада ўтирадиган жойни банд этади. Охунд дадага хонанинг бошқа бурчагидан жой тегади. Устоз кўзлари кўрмаганига қарамай Охунд дада жой топган тарафга қараб дарс айта бошлайди.

Ҳайрон бўлган талабалар кейинги гал бу жойни ҳам ўзгартиришади. Лекин қалб кўзини беркитиш мумкин эмас эди, устознинг ботиний кўзи жамоа орасидан ўзи меҳр қўйган шогирдни қийналмай топиб олади. Лекин бу ҳақда уларга бирор нарса демайди.

Орадан йиллар ўтгач Охунд дада бир муносабат билан устозни хонадонга таклиф қиладилар. Бирга таълим олган шериклари ҳам ҳозир бўлишади. Суҳбат охирида Холмад қори домла: “Фалончи”, деб бир талабани номини айтадилар ва: “Фалон китобни олиб, фалон бетини ўқи”, – дейдилар. Кейин бошқасини чакириб, унга ҳам шундай дейдилар, сўнгра яна бошқасига

²⁷² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик, 2012.

ўкитадилар. “Энди Абдуссамадга беринглар”, – дейдилар. Ташқарида хизмат қилиб юрган йигитни чақиришади. Ҳеч нарсадан хабарлари йўқ келиб иборани ўқиб берадилар. Охирида устоз талабаларга ўқиш асносида йўл қўйган хатоларни бирма-бир айтиб беради, аммо Охунд дадага индамайдилар, чунки у зот иборани тўғри ўқиган эканлар. “Кўрдингизми, мен бежиз бу кишига қараб дарс айтмаганман, лекин сизлар буни тушунмаган эдингиз, бу йигитга Худонинг ўзи берган”, – дея меҳрлари сабабини айтадилар.

Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Хушувийнинг қуйидаги сўзларини келтирган: “Ким устозларга хизмат қилишни ўзига лозим тутса, қурбат яқинлик мартабасини ҳосил қилади, ким қурбат ҳосил қилса, унсият – дўстлик ҳаловатини тотади”.²⁷³

Кечаги иш нима бўлди?

Тасаввуфга доир китобларда авлиёларни узоқ масофадан туриб бир-бирлари билан мулоқот қилишлари алоҳида каромат сифатида тилга олинади. Аниқки, бунга катта қувват ва истеъдод зарур. Охунд дада фаолиятларини ўрганар эканмиз, у зотдан ҳам бу билан боғлиқ қатор воқеалар содир бўлганини гувоҳи бўламиз. Охунд даданинг суҳбатларида узоқ вақт иштирок этган мухлисларидан марғилонлик Обиджон ота Собиржон ўғли шундай дейди:

“Бир куни Охунд даданинг ҳузурларига борсам, фурсатингиз бўлса Дехқонобод қишлоғига Йўлдошали эшон дада зиёратига борамиз”, – дедилар. Мен бажонидил қабул қилдим. Йўлда кетаётганимизда Эшон дада ҳақида сўзлаб, бир ойдан бери кўришмаганларини айтдилар. Биз етиб бордик.

Эшон дада Дехқонобод қишлоқ қабристони яқинида истиқомат қилар эканлар. Фотиҳадан сўнг икки буюк зот суҳбатлаша бошладилар. Мен уларга чой қуйиб турдим. Шу орада таҳорат олиш учун ташқарига чиқдим. Дастрўмолимни унутган эканман, қайтиб ичкарига кирдим. Шунда Охунд дада Эшон дададан: “Кечаги иш

²⁷³ Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. “Ҳилят ул-авлиё”... 4-ж, 449-б.

нима бўлди?” – деб сўраётган эканлар. Мени кўрдилар-у ранглари ўзгариб: “Ҳа, нимага кирдингиз?!” – дедилар. Дастрўмолни олиш учун кирганимни айтдим. У зот бир оз оғриниб: “Олинг, оладиган бўлсангиз” – дедилар. Юз хижолат билан рўмолни олиб, ташқарига чиқдим. Бундай дейишларига уларнинг сиридан хабардор бўлиб қолганим эди. Ўзим ҳам хижолат бўлдим, чунки келаётганимизда бир ойдан бери кўришмаганларини айтган эдилар, бу ерда эса у зотдан “кечаги иш” ҳақида сўраётган эдилар. Йўлда келгунча ҳам индамай келдилар. Маълум бўлишича, улар бир-бирлари билан ғойбона гаплашиб турар эканлар.

Ундан кейин ҳам Охунд дадага узоқ вақт хизмат қилдим. Орадан йиллар ўтди. Охунд дада вафотлари олдидан бир оз бемор бўлган эдилар. Биз навбатлашиб, хизмат қилиб турар эдик. Шундай кезларда бир куни мени сўраб қолибдилар. Ҳовлимга одам юборишибди. Бир хизмат билан Терактаги маҳалласида эдим. Бир одам ахтариб бориб, Охунд дада сўраётганларини айтди. Бирга Охунд дада ҳовлиларига келдим. Олдиларига кириб ўзимни танитдим. Бир оз хушёр тортдилар ва мени ўзларига тортиб, бундан бир неча йиллар олдин бўлиб ўтган юқоридаги иш учун узр сўрадилар. Мутлақо хаёлимдан чиқиб кетган бу ишга узрнинг ҳожати йўқ эканини айтдим. Лекин у зот унамадилар, мен қабул қилдим. Шунда хурсанд бўлиб яна бир гап айтдилар. Ўртамизда умрбод сир бўлиб қолган бу башоратли сўз умидида ҳозиргача яшаб келмоқдаман”.²⁷⁴

Айтишларича Охунд дада беморлик пайтларида марғилонлик Жамол қори домла²⁷⁵ зиёратларига келиб тез-тез тиловат қилиб турганлар.

²⁷⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Подшо Искандар. 2014.

²⁷⁵ Жамол қори Иброҳимхон хўжа ўғли. Марғилонлик қурон ҳофизларидан. 1909 йилда Марғилоннинг Машҳад даҳасида туғилганлар. 1983 йилда вафот этганлар. Тўққиз ойлик чоғларида кўзларига қизамиқ чиқиб, буткул кўрмай қолади. Лекин зехнлари ва қуввайи ҳофизлари кучли бўлган. Машҳур Қуръон устози Болтабой қори домлада таълим олиб, Қуръони қаримни тўлиқ ёд оладилар ва умрларини Қуръон хизматига бағишлайдилар. Айтишларича қори домла бир марта суҳбатлашган кишини орадан йиллар ўтса-да, исми ва овози билан таниб олар эканлар. Уларни қадам товуши ва нафасидан ажратиб олишлари эса у зотнинг валоятлари эди.

Ярим соатда борасизми?

Шогирдларидан Соқиматжон ота шундай дейди: “Охунд дада кўлларида таълим олиб юрган кезларим. Бир куни дарсдан қайтаётсам: “Ярим соатда борасизми”, – дедилар. “Тўхтамасам”, – дедим. “Бўлмаса, тўхтамай кетинг”, – дедилар. Ҳеч бундай демас эдилар. Ҳайрон бўлдим, айтганларидек тўхтамай қишлоққа келдим.

Етиб келишимга амакимнинг ўғли кутиб турган экан, кўлимдан аравамни олди-да: “Тезда ичкарига кир, сенга қараб туришибди”, – деди. Ичкарига кирдим. Маълум бўлишича, амаким бетоб бўлиб, “чил ёсин”²⁷⁶ қилмоқчи бўлишган, бир киши камлик қилиб турган экан. Бир оз турайлик Соқижон келиб қолади, деб қараб туришган экан. Ўтирдим-у чилёсин бошланди. Уларнинг менга мунтазир бўлиб туришлари Охунд дадамга маълум бўлиб турган экан”.²⁷⁷

Ўлик кўчирилди

Марғилоннинг Чорбоғ маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳмадуллоҳ ота Розижон ўғли шундай дейди: “Биз Охунд даданинг хузурларига тез-тез бориб суҳбатлашиб турар эдик. Баъзан бирор жойга биргаликда борган жойларимиз ҳам бўлган. Бир гал таъзия изҳор қилиш учун Қатортол қишлоғига бир биродарларининг хонадонига бордик. Улар ҳовлисига бурилишда текис майдондаги бир қабрга кўзимиз тушди. Уни кўриб: “Янги қабр пайдо бўлибдими?” – дедилар. “Ҳа”, – дедим. Кириб боргач, фотиҳадан кейин марҳумни қаерга дафн қилишганини сўрадилар. Улар: “Қабристон бўлиб қолар, деб маҳалламиз яқинидаги бўш майдонга дафн қилдик”, – дейишди. Охунд дада бир оз ўйланиб: “Отабоболарини ёнига олиб боравермабсизларда?!” – дедилар. Улар Қорасоқол қабристонига дафн қилинар экан. Кейин ижозат олиб қайтдик. Мен нима учун бундай деганларини билмадим.

²⁷⁶ «Ёсин» сурасини қирк марта ўқиб, беморга дам уриш.

²⁷⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

Кейин ҳам ҳар гал ўша томонга йўлим тушса, қабрга бир қараб ўтар эдим. Бир куни қарасам нимадирки қабр йўқ, ўрни теп-текис эди. Қизиқиб бу ҳақда улардан сўрадим. “Бу ерга одам қўйишнинг иложи бўлмади, қаерни кавласак, ҳамма ёқдан сув чиқиб кетаверди. Ноилож, қабрни ҳам кўчириб эски қабристонга олиб бордик”, дейишди.”²⁷⁸

Охунд дада ўлдилар...

Тасаввуфга доир адабиётларда сўфий кишиларнинг доимий зикрда бўлиши муҳимлиги айтилиб, зикрдан холи қолиш улар учун маънавий ўлим сифатида қаралган. Улар руҳнинг тириклиги зикр билан бўлишига қаттиқ эътибор қилганлар. Моддий жисмоний ўлимдан маънавий-руҳий ўлим улар учун қаттиқ саналган. Абдуссамад Охунд дада ҳаётларида ҳам айни ҳолат кузатилганини кўрамыз.

Шогирдларидан Соқиматжон ота шундай дейди: “Бир куни тушимда, “Охунд дада ўлдилар”, деб хабар беришди. Уйғонсам сахар вақти. Дарҳол таҳорат олиб, бомдодни ўқидим-да, тўғри Хотинарикқа жўнадим. Келгунимча кун ёришиб қолди. Шошиб кириб борсам Охунд дада муаллим ача билан меҳмонхона олдидаги сўрида нонуштага ўтирган пайтлари экан. Мени келганимни сезиб муаллим ача ичкарига юра бошлаган эканлар. Мен Охунд дадамни кўриб, ўзимни тўхтата олмай бағриларига отдим.

Устоз кифтимни силаб: “Ҳа, мени ўлди дейишдими”, – дедилар. Кейин: “Кечқурун кечроқ ётиб, тунги вазифалар итмомига етмай қолган эди, кимнинг вазифаси бўлиб уни қилолмай қолса, унга муаккил фаришталар унинг яқинларига “фалончи ўлди”, деб хабар қиладилар, бизга муҳаббатингиз борлигидан сизга хабар қилишибди”, – дедилар.”

“Ҳилят ул-авлиё” да Абу Сулаймон Доронийнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: “Жаннатда экинсиз ерлар бўлади, агар Одам боласи Роббисини зикр қила бошласа, фаришталар у ерга унинг номидан дарахт ўтказа бошлайдилар, баъзан фаришталар экишни

²⁷⁸ Манокиб материаллари. Р.Файзуллаев. Марғилон – Чорбоғ. 2014.

тўхтатиб қўяди. Бошқалари бу ҳақда сўрайди. “Менинг соҳибим бугун зикрдан тўхтади, деб жавоб беради”.²⁷⁹

Зикрнинг аломати

Охунд дада ўзлари доимий зикрда бўлганлари учун ҳам зикрда юрган кишиларга эҳтиромлари бўлган. Бу ҳақда Фазлиддин махдум Абдулжалил ўғли шундай дейди: “Отам тўсатдан вафот қилиб қолгач, акам ва амаким билан Охунд дада ҳузурларига бордик. Сўрида ёлғиз ўтирган эканлар, ёнларига ўтирдик. Дуодан сўнг Охунд дада бошларини қуйи қилиб олдилар. Ҳеч ким бир оғиз сўз айтгани йўқ. Бир оз ўтгач, бошларини кўтариб: “Охири, бўлмабдиларда-а”, – дедилар. Ҳолбуки, мусибатни биздан бошқа ҳеч ким билмас эди.

*Ажалга нотаवону паҳлавон инсонни фарқи йўқ,
Юзи гул қомати ар-ар пари рўённи фарқи йўқ,
Алам ўти билан куйган бағир ни фарқи йўқ,
Анга ҳайрону сарсон шод била ҳандонни фарқи йўқ,
Сулаймони замон Искандари даврон кетар бир кун.*

Охунд дада яна жим қолдилар. Кейин амакимга қараб: “Акам ўтиб қолди деб, кўпам ҳафа бўлманг, дадам ўтдилар деб сиз ҳам ҳафа бўлманг, бизнинг авлодлар ичида энг узоқ умр берилгани шу киши эдилар, – дедилар ва – бу зикрнинг аломати бўлса керак, акангиз кўп зикр айтар эдилар”, – деб қўшиб қўйдилар”.²⁸⁰ Шу ўринда алломанинг зикр билан боғлиқ қарашларини келтириб ўтсак.

Маълумки, Ислолда мусулмон кишининг доим Парвардигор зикрида бўлиши фазилат саналишидан ташқари, улкан мақом ҳисобланади. Қуръони карим ва ҳадиси набавияда зикр билан боғлиқ қўплаб тарғиблир келгани ҳам шундан. Аллома асарларида зикрга оид тавсиялар гўзал тарзда баён қилинган бўлиб, уларни тинглаган киши беихтиёр зикрга машғул бўла бошлайди. Масалан:

Номи Аллоҳни дилингда доимо такрор қил,

²⁷⁹ Абу Нуъайм ал-Асбахоний. “Ҳилят ул-авлиё”... 4-ж, 182-б.

²⁸⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

*Тебратарда тилларингни маиғули истиғфор қил,
Хоби гафлатдан очиб ибрат кўзинг бедор қил,
Бандаликдан тўшалар уқбо учун тайёр қил,
Ўтмасун беҳуда умринг, эй биродар кор қил.*

Ҳақ зикри билан машғул бўлиш қалбни мунаввар қилади, демак, қалбида нур бўлишини истаган кимса зикрга машғул бўлсин. Ёки:

*Забонингни ани зикри билан ҳамдига гўё қил,
Яқин нури насиб ўлғайму қалбинга сафо ахтар.*

Зикр туфайли нафақат “дил оинаси мунаввар” бўлиб, “сафо” ҳосил бўлади, балки бундай дилга шайтон ҳам яқинлаша олмайди.

*Номи Аллоҳ қайда бўлса, анда турмасдан қочар,
Шарридан излаб паноҳ Ҳақ зикрини бисёр қил.*

Ёки:

*Забонинг қовли бемаънида доим бўлмасун гўё,
Ани ўрнига сен одат айлагил зикри иллаллоҳ,
Ҳудо ёди дилингда бўлса, шайтон айламас изво,
Ҳаво бирла ҳаваслар хотирингни қилмасин бежо,
Кангулда жониби Ҳақни риоят айласанларчи.*

Имон саломат бўлса...

Маълумки, ақида бўйича ҳар бир мўмин учун имонни саломат олиб кетиш энг катта ташвиш саналади, бинобарин уни чиройли яқун топишини сўраб дуо қилиш ҳар бир киши зарур.²⁸¹ Шунга кўра, барча даврда огоҳ қалбли кишилар бу ҳолат устида каттиқ қайғурганларини кўрмиз. Навоийда шундай ўқиймиз:

*Ё раб, ўлғон чоғда жоним жисму вайрондин жудо,
Ул бўлиб мундин жудо, сен бўлмагил андин жудо.*

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин қалбимга сол,

²⁸¹ Абу Бакр Аҳмад ар-Розий. “Шарҳу Бадъ ул-амолий”... 360-б.

Айлагил жондин жудо, лек қилма имондан жудо.

*Чун жудо бўлсам мане ғамноку йўқу боридин,
Не ғамимким бўлмасанг мен зору ҳайрондин жудо...²⁸²*

Қоил Марғилоний фаолиятларида ҳам бу мавзуга эътибор етакчи ўрин тутганини кўрамыз. Шогирдларидан Ҳоқимжон Абдулқодир ўғли шундай дейди: “Беморлик пайтимда устоз Маҳмуджон домла кўргани келдилар ва: “Сизга кўк сомса олиб келдим, дарҳол еб олинг, кейин Охунд даданинг зиёратига борамиз”, – дедилар. Биз йўлга тушдик. Ўша кунлари рўзғордаги баъзи ишлар мени анча ташвишга солган, юрагимга қил сиғмас эди.

Биз Охунд дада ҳузурларига кириб келдик. Сухбат асносида менга: “Ҳоқимжон, имон саломат бўлса, бошқа нарсанинг ғамини чекманг, имонга халал етадиган иш бўлса, ғам чекса арзийди”, – дедилар. Билдимки, ташвишим у зотга маълум бўлган экан. Ўйласам, ҳақиқатда арзимас нарсаларга ташвиш чеккан эканман. Сўзларидан қалбим ёришиб, ҳузурларидан руҳий қувват олиб қайтдик”²⁸³.

*Ғами беҳуда ваҳми дардисарни қадри ҳожат қил,
Ҳавойи бўлма, савдойи сафарни қадри ҳожат қил,
Эшитмоғликда ҳар турли хабарни қадри ҳожат қил,
Томошаларга ташларда назарни қадри ҳожат қил,
Ҳавас домига қалбингдан очиб кўзни илингансан.*

Биз Муҳаммад Умар Ғурбатий ижодий мерослари билан танишган чоғимиз улар орасида қуйидаги сатрларга кўзимиз тушган эди:

*Ё илоҳий, барчамизни қилма ирфондин жудо,
Ошно қилгил ўзинга, қилма эҳсондин жудо,
Қилма ё Раб, барчамизни лутфу эҳсондин жудо,
Тонгла дийдоринг била ул боғу ризвондин жудо,
Кун битиб етганда муҳлат бўлса тан жондин жудо,*

²⁸² Алишер Навоий. “Бадоеъ ул-бидоя”. Биринчи том.

²⁸³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

*Қилма мўмин бандани охирда имондин жудо.*²⁸⁴

Уч кунлик сабр

Маълумки, ғазаб чоғи қилинган ишда хайрият йўқ, лекин буни ғазаб пайти англаш қийин. Шундай пайтда бирор кишининг насиҳатига муҳтож бўлинади. Айтишларича, Охунд даданинг ҳузурига бир киши келиб аёлидан шикоят қилади ва у билан ажрашмоқчи эканини айтади. Охунд дада уни бу ишдан қайтардилар, лекин у қабул қилмайди, сўзида қатъий туриб олади. “Бўлмаса, уч кунгина сабр қилиб туринг,” – дейдилар ва кўндириб, кузатиб юбордилар. Орадан уч кун ўтгач, ўша одам келади ва: “Охунд дада, ниятимдан қайтдим, ярашиб олдим”, – дея севинчаб кетади.²⁸⁵

Имом Байхақий “Шуъаб ул-имон”да Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Шошқалоқлик шайтондандир” – деганлар.²⁸⁶

Охунд дада ҳар бир ишда шошилмаслик, мулоҳаза, тамкин билан қилиш ҳақида асарларида ҳам тўхталганлар:

*Излаб жаҳонни айшин арзонга сотилмагил,
Сўзни шамоли тегса ҳашакдек сочилмагил,
Беоқибат печак гули янглиз очилмагил,
Мақсад сари қадам қўярингда шошилмагил,
Ким, “ёлчимас шошилса”, деган халқ аро масал.*

Келган меҳмонлар қийналмасин

Тасаввуфга доир адабиётларда валий кишиларни ўз вафоти ҳақида хабар беришига доир ҳолатлар кўп кузатилган. Охунд дада ҳаётларида ҳам бунга ўхшаш мисолларни кўрамыз. У зот билан бир маҳаллада яшаган Орифжон ҳожи ота шундай хотирлайди: “Мен

²⁸⁴ Қўлёзма ҳозирда ёзёвонлик Ҳомиджон Умаров хонадонида сақланади.

²⁸⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик, 2014.

²⁸⁶ Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Байхақий. “Шуъаб ул-имон”... 4-ж, 89-б.

Охунд даданинг хузурларига тез-тез кириб турар эдим. Кўп катори мени ҳам ўзларига яқин олар эдилар. Баъзан, бирор хизмат буюрсалар қувониб бажарар эдик. 1973 йил эди. Зиёратга кирсам: “Келган меҳмонлар қийналмасин, деб дарвозахонага бир ёпиқ қилиб қўймоқчимиз”, – дедилар. Мен, “Бу хизматни биз қиламиз”, деб дарҳол зарурий ашёларни ҳозирлаб ишга киришдик. Усталар уч кун ичида айвонни битказиб бердилар.

Орадан кўп ўтмай декабр ойининг бешинчи куни Охунд дада вафот этдилар. Жаноза ва фотиҳага келганларни кузатувчиларга ўша айвон асқотди. Биз эса Охунд дада айвон қурилишини нега тезлатганларини сабабини тушунгандек бўлдик. У зот замона авлиёси эдилар”.²⁸⁷

Шогирдларидан Маҳмуджон домла айтадилар: “Охунд дададан дарс олгани борсам, гўё бир одам бир кун олдин бориб мен ҳақимда ҳамма нарсани айтиб бергандек туюлар эди. Негаки, устоз дарс асносида мендаги ўша ҳолатларга ишора қилиб ўтар эдилар. Бора-бора бу ҳадик: “Бу даргоҳда менга насиба йўқми?!” – деган гумонга олиб борди. Лекин шундан кейин Охунд дада бу каби таъкид ва танбехни **тўхтатиб қўйдилар**. Қарангки, ботиндаги ўй ҳам у зотнинг назаридан четда қолмас эди”.²⁸⁸

*Ким **ҳидоятга сабабдур** муришиди комил эрур,
Ҳақ талабдор ўлса ҳар инсон ўшал оқил эрур,
Тобеъи нафсу ҳаво бўлган киши жоҳил эрур,
Баҳраланмайдур ҳақиқат сирридан гофил эрур,
Ахтариб ирфон ўзингни соҳиби асрор қил.*

Тарнов тез битиши керак

Ёзёвонлик Иброҳимжон ҳожи ота шундай дейди: “Биз Охунд даданинг суҳбатлари юриб у зотнинг кўплаб кароматларига гувоҳ бўлар эдик. Бир куни куз пайти шеригим Абдурауф ака кириб келди ва “Охунд дада бир хизмат буюрган эдилар, шуни бажариб келсак бўлар эди”, деб қолди. Мен: “Охунд даданинг хизматлари

²⁸⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2014.

²⁸⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

бўлса, бажонидил қиламиз”, – дедим. Тезда ишни охирига етказиб, биргаликда Хотинарикқа келдик. Бизни кўриб: “Келганларинг хўп яхши бўлди-да”, – дедилар. Ҳовлига кириб бир пиёла чой ичган бўлдик-да хизматни сўрадик. Уй олдидаги айвонга тарнов ўрнатиш зарур бўлиб шунга чакирган эканлар.

Дарҳол ишга киришдик. Шеригим Абдуррауф уста томга чиқди, мен пастдан зарур нарсаларни узатиб турдим. Охунд дада кичик курсини олиб чиқиб рўпарага ўтирдилар. Уста айвон четидан бир дона шиферни кўчириб олган эди, остидан дўппидек келадиган ари уясидан юзлаб арилар тўзиб кетди. Лекин нимадирки, ҳеч кимни чакмади. Буни кўриб Охунд дада курсиларини кўтариб уйга кириб кетдилар. Бир зумда арилар ҳам ғойиб бўлди.

Ишни битириб, обдовини текшириш учун обдастада сув келтирдим. Сувни куйган эдик равон оқиб тушди. Бир оздан сўнг Охунд дада уйдан чиқиб келдилар, ишни чиройли бажарилганини кўриб, хурсанд бўлдилар. Ҳатто бизни хурсанд қилиш учун баъзи асарларидан ҳам ўқиб бердилар. Ҳаво очик, офтоб чарақлаб турган кун эди. Беҳосдан ҳавони булут босиб, кучли сел келди. Ҳар бир тарновдан билакдек сув оқиб туша бошлади. Биз хайрон бўлиб қолдик...”²⁸⁹

Аввал рўзгорни бутлашимиз керак

Ёзёвонлик Иброҳимжон ота Холмуҳаммад ўғли шундай дейди: “Бир гал Охунд дада зиёратларига борсак, суҳбат устига Лоғон қишлоғидан бир тожик мулла кириб келдилар. Бир-бирлари билан йиғлаб кўришдилар. Улар мадрасада бирга таълим олишган экан. Шу ерда биз бир кароматга гувоҳ бўлдик.

Охунд дада меҳмон билан бир оз суҳбатлашгач, ташқарига чиқиб ҳовлидаги ўтинлардан бир қисмини ажратиб боғлашга буюрдилар, кейин уларни бир машинага юклатиб, меҳмонга: “Мана буларни уйингизга олиб кетинг. Аввал уйни – рўзгорни тинчитишимиз керак, биз эркаклар кўчада юрамиз, аёллар уйда қийналмаслиги керак, бунинг учун уларнинг кам кўстини бутлаб

²⁸⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2014.

кўйишимиз керак,” – дедилар. Меҳмон йиғлаб юборди. Маълум бўлишича, унинг рўзғорида ўтин-чўп қолмаган экан.”

Имом Муслим, Насойй ва бошқалар Жобир ибн Абдуллох (розияллоху анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Садақа бериш (яхшилиқ қилиш) ни аввал ўзингдан бошла, ўзингдан ортса, аҳлингга бер, улардан ҳам ортса **қариндошларга**, кейин эса шу каби бошқаларга бер”, деганлар.²⁹⁰

Жобир ибн Самура (розияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадисда эса: “Аллох таоло кимга яхшилиқ (мол) берган бўлса, аввал ўзи ва аҳлидан бошласин”, дейилган.²⁹¹

Охунд дададан сўраб оламиз

Охунд даданинг қароматлари сирасида тушда содир бўлган қароматларни ҳам келтириш ўринли. Ҳаётлик чоғлари ва вафотларидан кейин бўлиб ўтган мазкур воқеаларда ҳам қатор ибратлар кўзга ташланади. Шогирдларидан Соқиматжон жон ота шундай дейди:

“Бир куни Охунд даданинг шогирдлари Умаржон охунд хузурларига кирдим. Китоб кўриб ўтирган эканлар. Бир нарсани ахтариб кўз югуртирган бўлдилар, топа олмадилар шекилли, китобни ёпдилар. Кейин: “Бу ердан чикмади, сўраб олармиз”,– дедилар. Мен ҳайрон бўлдим, чунки билишимча бу атрофда у зотдан пешроқ киши йўқ эди. Ҳайрон бўлиб: “Кимдан сўраб оласиз?” – дедим. “Охунд дадамиздан-да”,– дедилар. Яна ҳайрон бўлдим, чунки у зот вафотига ўн йилдан ошган эди. Эртасига яна хузурларига бордим. Авваллари уч-тўрт кунда бир борар эдим.

Мени кўриб: “Жавоби нима бўлди экан, деб келаяпсизми?” – дедилар. “Ҳа”, – дедим. Айтишларича, ўша куни истихора қилиб ётибдилар. Тушларида Охунд дадани катта бир дарёнинг нариги томонида ўтирганларини кўрибдилар. Хурсанд бўлиб масала

²⁹⁰ Муслим ибн Ҳажжож. “Саҳиҳу Муслим”... 3-ж, 78; Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насойй. “Саҳиҳу сунан ан-Насойй”... 7-ж, 30-б.

²⁹¹ Муслим ибн Ҳажжож. “Саҳиҳу Муслим”... 6-ж,4-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”... 5-ж, 89-б.

жавобини сўрабдилар. “Бунинг жавоби “Фикҳ Акбар”²⁹²да бор, уни ўзинг кўриб олаверасан. Сен мендан кечаги масалани сўра”, – деб ўша масала жавобини айтиб, ҳатто уни уч хил суратда бўлишигача кўрсатиб берган эканлар”.²⁹³

Охунд дада баъзан дарс асносида дилларига бирор илҳомий гап келиб қолса дарсни тўхтатиб суҳбат бошлар эканлар. Баъзи талабалар бундан безовта бўла бошлаганини сезсалар: “Ҳар бир замонда ҳам китобдан дарс айтиб берадиган кишилар топилади, аммо бу гапларни эса ҳеч ким айтиб бермайди”, – дер эканлар.

Ўғлингиз келди

Шогирдларидан Абдусаттор хожи Абдуррахмон ўғли шундай дейди: “Мен ҳарбий хизматга Охунд дада хонадонларида таълим олиб юрган пайтимда чақирилган эдим. Дуо қилиб ўзлари кузатиб кўйгандилар ўшанда. Дуонинг баракаси билан у ерда қийналмадим, ҳатто ўша ерда ҳам баъзи кароматларига шоҳид бўлдим.

Олмаота шаҳрида турганимизда бир кун тушимда Охунд дада: “Бўлди, энди келавер”, – дедилар. Уйғониб кетдим, хайрон бўлдим, чунки кетишимга анча вақт бор эди.

Эртаси тонгда одатдагидек шерикларим билан ишга кетаётсам биров, “Сени чақиришяпти”, деди. Борсам, бошлиқ, “Сенга жавоб бўлди”, деди. Даррров юкларимни йиғиштириб Ватанга қайтдим. Аввал Тошкентга, у ердан Марғилонга келдим. Бир машина ёллаб Ёзёвонга йўл олдим. Йўлда бир оз насиба олиб Охунд даданинг уйларига тушиб ўтмоқчи бўлдим. Ҳовлиларига келиб эшикларини итараман десам ўзи очилди. Ичкарида Охунд дада турганларини кўрдим. Мени кўриб, “Муаллим, болангиз келди!!!” деб ичкарига овоз бердилар. Зиёратлашиб бирга ичкарига кирдик. Муаллим ачам билан ҳам зиёратлашдик.

У кишининг айтишича воқеа шундай бўлган экан. Одатдагидек бирга нонуштага ўтиришган экан. Охунд дада қанд солинган пиёлага нонларини ботирган кўйи бирдан туриб

²⁹² Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг ақидага оид асарлари.

²⁹³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик, 2012.

шошилганча чиқиб кетибдилар. Муаллим ачам: “Биров чақирибди-ю мен эшитмабман-да, деб хайрон бўлдим, кейин бирга кириб келдиларинг”, – дедилар... Қарасам, айтилганидек пиёлада нон солинганча турган экан...”²⁹⁴

Соқиматжон ота яна шундай дейди: “Ҳарбийга боришдан аввал мен Охунд даданинг хузурларида таълим олар эдим. Дилларидан ўткан эканмизми у зот дуолари билан ҳарбийда ҳам қийналмадим. Бир куни шундай воқеа бўлди. Ҳарбийга “Муҳиммоти дин” (“Диннинг муҳим масалалари”) номли рисола олиб кетган эдим. Баъзан кечқурун бўш пайтимизда йигитларга ўқиб берар эдим.

Бир кун шундай пайт устимизга бўлим бошлиғи келиб қолди. Буни кўриб йигитлар кўрқиб кетишди. У: “Сен мен билан юр”, – деб мени бошлаб кетди. Мен ҳам жуда кўрқдим. Хонасига олиб кириб: “Сен ўқишни билсанми?” – деб сўради. “Ҳа”, – дедим.

– Қуръон ҳам ўқий оласанми?

– Ҳа.

– Бўлмаса, менга Қуръон ўқиб бер, – деди, кейин: “Намоз ҳам ўқийсанми?” – деди.

– Ўқир эдим, аммо бу ерда имкон топа олмаяпман, – дедим. Шунда у: “Мен сенга бир яхшилик қиламан, сени навбатчиликка қўяман”, – деди. Шундай қилиб, мен навбатчи бўлиб қолдим ва ўз ўзидан намозга бемалол имкон топадиган бўлдим. Бу каби шароит ҳеч кимга бўлмаган илло менга бўлди. Албатта, буларни устозимнинг дуоларидан деб биламан”.²⁹⁵

Истизфор айтамыз

Маълумки, Ислолда банда ҳар қанча яхши амал қилганида ҳам ўзини камтар тутишга, амалига фахрланмасликка чақирилади. Акс ҳолда, амалнинг савоби ва файзидан маҳрум бўлинади. Устоз ва пирнинг вазифасиларидан бири толибда пайда бўлган бу каби ҳолатларни олдини олиш ва уларни ислоҳ қилишдир.

²⁹⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

²⁹⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

Нўъмон эшон ота шундай дейди: “Бир куни тушимда Охунд дадани кўрдим. Ҳайбат билан кириб келдилар, соч-соқолларининг ҳар бир толаси остидан нур таралиб турарди. Югуриб бориб оёқларига ўзимни отдим. Қўллари билан мени тутиб қолдилар ва: “Ҳай-ҳай, ундай қилма, уни ўрнига истиғфор айт, кел биргаликда истиғфор айтамиз”, – дедилар, кейин: “Энди буюғига мукамал бўламиз-а”, – деб қўлимни кўйиб юбордилар. Уйғониб кетдим. Бу ҳодиса ҳаждан келган пайтимда бўлган эди. Буни ҳажнинг киши маънавий ҳаётига ижобий таъсири, деб хулоса чиқардим...”²⁹⁶

*Назди Ҳақда сурат ороликни қадри бўлмагай,
Аҳли маҳшардан қиёмат кун насабдин сўрмагай,
Аҳли ирфон жилвайи дунёга ҳаргиз боқмагай,
Алданиб мадҳу мазамматларга йўлдин озмагай,
Ул ҳақиқат аҳлини топсанг ўзингга ёр қил.*

Баҳоуддин Нақшбанд (куддиса сирруҳу) шундай деганлар: “Авлиёлар – каромат аҳллари толибларда юз берадиган ҳар қандай камчилик ва фикрларни улар биладилар ва йўқотадилар. Аммо ҳолат ҳар хилдир”.²⁹⁷

Китобни қаердан топаман

Нўъмон эшон ота яна шундай дейди: “Етмишинчи йиллар эди. Устоз Абдулазиз қори домла ҳузурда таълим олаётган кезлармиз. Бир кун шеригим Нурмуҳаммад қори: “Мазҳариддин маҳдум зиёратларига борган эдим, бизни таълим олаётганимизни эшитиб, “Далоил-ул-хойрот”ни ҳам ўтказиб олинглар”, дедилар, ўқишимиз керак экан”, деб қолди. Мен, жуда яхши, дедим-у, лекин бу китобни қаердан топар эканман, деб ўйланиб қолдим.

Ўша куни тушимда Охунд дадани кўрдим. Зиёратларига борибман, уйкуда эканлар. Ҳузурларида шогирдларидан Муҳаммад Мусо домла ўтирган экан, келаверинг, деди. Мен безовта қилмаслик учун қайтмоқчи бўлдим. Овозимни эшитиб Охунд дада

²⁹⁶ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2012.

²⁹⁷ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балоғардон”... 82-б.

кўзларини очдилар ва: “Тўхтанг!”, – дедилар, кейин: “Мана буни бериб юборинг”, – деб ёстиқ остидан бир китобни олиб бердилар. Қарасам, “Далоил ул-хайрот” китоби экан.

Уйғониб кетдим. Кўрган тушимдан хурсанд бўлдим, демак китоб топилар экан дедим. Кундузи Ҳамидхон исмли дўстим келиб: “Суярхон тўра²⁹⁸нинг зиёратига бормаймизми”, – деди. “Хўп” – дедим. Бордик. Зиёрат асносида тўрам уйдан бир нечта китобларни олиб чиқиб биттасини кўрсатиб: “Мана шу бизда ортиқча экан”, – дедилар. “Ундай бўлса, менга берақолинг”, – дедим. Қарасам, “Далоил-ул-хайрот” китоби экан, олиб келавардим...”.²⁹⁹

Устозни шу томондан топасан

Охунд дада кўлларида таълим олган Оллоҳберди Раҳмонберди ўғли шундай дейди: “Биз Охунд дада ҳузурида “Унвон ул-баён” китобини ўқиб ўтказган эдик. Дарс асносида у зотнинг билимдонликларига қоил қолар эдик. Аввал марғилонлик уламо Мушаррафхон домла³⁰⁰ қўлида таълим олган эдим. У зот вафотидан кейин Охунд дада ҳузурига бориб вафотларига қадар бирга бўлдик. Охунд дада вафот этгач, энди кимни ҳузурига борсам экан, деб ўйланиб юрдим. Бир куни тушимда Охунд дада қўлимдан етаклаб кун юриш томонни кўрсатдилар ва: “Сен устозни шу томондан топасан”, – дедилар. Бу Тожикистоннинг Душанбе шаҳри томони эди. Билдимки, эндиги устозим шу томондан бўлар экан. У ерга бориб Ҳожи домла Ҳиндистоний номи билан машҳур домлани учратиб шу зот хизмати ва суҳбатида умр ўтказдим”.³⁰¹

²⁹⁸ Суярхон тўра Исахон тўра ўғли. 1928 йил 30 май куни Марғилон яқинидаги Хонобод қишлоғида туғилиб 2007 йил 12 октябр жума куни вафот этган. Ўз даврида Хонобод ва унга қўшни кўплаб шаҳар ва қишлоқлар маънавий ҳаётида салмоқли ўрин тутган маҳаллий уламолардан.

²⁹⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2011.

³⁰⁰ Мушаррафхон охунд Мухиддинхон эшон ўғли. 1896 йилда Марғилоннинг Терактаги маҳалласида туғилганлар. Оталари Мухиддинхон эшон ўз даврининг маърифатли кишиларидан бўлган. Мушаррафхон охунд домла 1962 йил 23 сентябр куни 67 ёшда вафот этганлар.

³⁰¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Солижонобод. 2012.

Тол тагидагилар кимлар?

Хотинариқ қишлоғида истиқомат қилувчи Фазлиддин махдум Абдулжалил охунд ўғли айтади: “Охунд дадага қариндошлик алоқамиз борлиги учун тез-тез ҳузурларига кириб турар эдим. Баъзан, биргаликда яқин атрофдаги қишлоқларга борган пайтларимиз ҳам бўлган. Сафар давомида жуда кўп нарсаларни ўрганар ва кўп нарсаларнинг гувоҳ бўлар эдим. Бу гал ҳам бирга йўлга чиқдик. Қаерга юрай, десам, Бешалиш қишлоғи томонга юринг, дедилар. Борсак ёйилиб сой оқаятган экан. Уни кўриб: “Шу ерга бир тўхтаг”, – дедилар. Тушиб сувдан ичдилар. Бир оз юриб толлар остига қўйилган сўриларни кўрдик. “Шу ерга тўхтаймиз”, – дедилар.

Бир оз ўтмасдан бир қанча мўйсафидлар атрофимизни ўраб олишди, улар қаердан келишди, билмадим. Охунд дада улар билан суҳбат қилдилар, суҳбат чўзилди, кейин узр айтиб у ердан жўнаб кетдик. Уларни ким чақириб келгани, қаердан келишгани ва кимлар эканини ҳозиргача билмайман...”³⁰²

Ўзимникини олақолай

Охунд дада кўлида таълим олган Дўрмон қишлоғилик Раҳматулла ҳожи ота шундай дейди: “Охунд дада ўзлари илмга рағбатли бўлганлари учун кишиларни ҳам илм ўқишга қизиқтирар эдилар. Таълим олиш учун ҳузурларига келган бирор бир талабани бесабаб кетиб қолишига йўл қўймас эдилар. Мен у зот ҳузурига қишлоқдан шеригим Соқиматжон билан бирга пиёда бориб, дарс олар эдик. Боргунча уст-бошларимиз лой, чанг бўлиб кетар эди. Бир куни қийналганимни кўриб: “Дарсни шеригингиз Соқиматжондан олиб турсангиз ҳам майли,” – дедилар. Шошилиб, “Тоҳида уни тергаб тураман”, десам, “майли, – тергайверинг ҳам, дарс олаверинг ҳам”, дедилар бир оз табассум қилиб. Билдимки, илмсиз қолиб кетишимини истамай шундай йўл кўрсатдилар.

³⁰² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинариқ. 2014.

Бундан ташқари, у зотнинг валоятларига ҳам кўп бўлганман. Охунд даданинг ҳовлилари орқасида бир оз ерлари бўлиб у ерда ток парвариш қилар эдилар. Узумларга асосан, ўзлари қарардилар. Бир йили ҳосил мўл бўлиб тарқатилганидан кейин ҳам анча узум қолди. Биз шеригим иккимиз Охунд дадага ёрдам бўлсин учун ижозат олиб узумни мамлакатнинг узоқ ўлкасига олиб бориб сотмоқчи бўлдик. Ўшанда кўп деҳқонлар шундай қилишар эди.

Биз узумларни олиб бориб қийналмай сотдик. Кейин иккинчи шаҳарга бориб саёҳат қилган бўлдик. Бир дўконда сотилаётган гиламларни кўриб иккимиз бир донадан харид қилдик. Кейин Охунд дадага ҳам олсак яхши бўлар эди, деб улардан сал кичикроғини ҳам олдик. Ватанга қайтгач Охунд дада ҳузурларига кирдик ва гиламларни кўрсатиб: “Мана буларни олган эдик, ёққанини танлаб олинг”, – дедик. Гиламлар фаркли бўлгани учун мана бунисини сизга олдик, деб айтишдан рост иймандик. Охунд дада қараб туриб: “Ўзимникини олақолай”, – деб ўша кичик гиламни олдилар. Ҳамроҳим иккимиз ҳангу-манг бўлиб қолдик.”³⁰³

Соқиматжон ота шундай дейди: “Маҳалламизда бир дурадгор уста Охунд даданинг таърифларини эшитиб, бирор хизматлари бўлса бажариб дуоларини олсам, деб юрарди. Бориб бу ҳақда Охунд дадага айтсам: “Майли келсин”, – дедилар. Бир эшикни ўрнатиш керак экан ўшани ўрнатадиган бўлди. Ҳовлида Охунд даданинг уч оёқли курсилари бор эди, уста уни кўриб: “Бу одам кўтарадими ўзи?!” – деб унга чиқиб кўрди, кейин: “Бу одам кўтармайди-ю, лекин илми каромат билан кўтараяпти”, – деди. Унинг бу гапи Охунд дадага маъқул келмади, чунки бунда нафсни улуғлашга оид мазмун бор эди.

Кейин Охунд дадамдан баъзи масалаларни сўради, қониқарли жавоб олгач мени олдимга келиб, сўраб олдим, энди бориб қишлоқдаги муллаларни оғзига ураман, деди. Маълум бўлишича, қишлоқда муллалар билан бир масала юзасидан тортишган экан. Унинг бу гапини Охунд дада сезиб қолибдилар. Салдан кейин мени чақириб: “Бундай одамни бу ерга олиб келманг, биздан эшитганини

³⁰³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Дўрмон. 2014.

олиб бориб, бошқаларни ранжитиши мутлақо дуруст эмас”, – дедилар ва унга сарпо ва хизмат ҳақи бериб жўнатиб юбордилар”.

*Хиёнат бирла суҳбатдан суҳанларни олиб қочма,
Бўлак мажлисга борганда қилай деб достон, гийбат.*

Хизмат ҳақи

Шогирдларидан Абдулғофир ота Иброҳим ўғли шундай дейди: “Охунд даданинг ҳовлиларида иморат қурилаётган пайти эди. Қишлоқдан Уста Маҳмуджон домланинг далолати билан кўпчилик ҳашарга борганмиз. Ҳовлида Охунд даданинг набиралари кириб-чиқиб юришар эди. Уларни кўриб шерикларимиздан бири: “Болалар билан қилиб кўйса ҳам бўладиган иш экан-у”, – деди. Бундан ҳаммамиз норози бўлдик, Уста Маҳмуджон домла уни койиб ҳам бердилар.

Иш давом этди. Бу гап бўлган пайтда Охунд дада ҳужрада китоб кўриб ўтирган, табиийки, буни эшитмаган эдилар. Бирдан ҳовлига чиқдилар, ёнимизга юриб келиб, хорманглар, деган бўлдилар ва: “Болалар билан қилиб кўйсак ҳам бўладиган иш эдию, аммо Уста кўярда кўймай шундай қилди-да”, – дедилар. Ҳаммамиз донг қотиб қолдик.

Ишлар тугаб бирин-кетин ҳамма тарқала бошлади. Уста Маҳмуджон домла билан уч-тўрт киши қолдик. Охирида ҳаммани ҳақиға дуо қилар эканлар Устанинг қўлига алоҳида ҳақ бериб, уни ўша гапни айтган шеригимизга бериб қўйишларини қаттиқ тайинладилар”.³⁰⁴

Охунд дадамдан дуо олдим

Ёзёвонлик Муҳаммадсолиҳ Узоқ Амин ўғли шундай дейди: “Бир гал Уста Маҳмуджон домла бошчилигида Охунд даданинг ҳовлиларига иморат қурилишига бордик. Иш бошланиб ҳамма ишга машғул бўлди. Уста бизни хизмат буюради-ю, аммо Охунд дада буюрмайдилар. Охунд дада бирор хизматга буюрсалар бажариб

³⁰⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

дуоларини олсам, деб дилимдан ўтказдим. Ўйимни тугатмасимдан туриб менга қараб: “Йигитча, мана бу қамишларни боғлаб ана бу ерга олиб бориб қўйинг”, – дедилар. Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб хизматни учиб юриб қилдим. Бу Охунд даданинг кароматлари эди”.

Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруҳу) дан сўрадилар: “Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш валийларда қандай пайдо бўлади? Айтдилар: “Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ субҳанаҳу буни валийлар қалбига ато қилади ва улар Аллоҳ нури билан қарайдиган бўладилар”.

Айтишларича, Охунд дадага мажлис аҳлини тасарруф қилиш қуввати берилган экан. Мажлисида ўтирган кишилар дилини битта нуқтада жам қила олишга эришиш алоҳида каромат саналиб, бунга катта маънавий қудрат ва иқтидор лозим бўлади.³⁰⁵

Охунд дада сафарда кетаётиб баъзан, шу ерда бир тўхтанглар, Қуръон ўқийлик, дер эканлар. Фотиҳадан кейин: “Шу ер қабристон бўлган экан”, – деб тиловат сабабини айтар эканлар.

Шогирдларидан Оллоҳберди Раҳмонберди ўғли шундай дейди: “Баъзан Охунд дада ҳузурларига борсам: “Устозимиз қабрларини зиёрат қилиб келамиз”, – дер эдилар. Бирга йўлга тушар эдик. Зиёратгоҳга боргач, мақбара ичига кириб бир муддатдан кейин чиқар эдилар. Бирор марта, “Сиз ҳам бирга юринг”, демас эдилар.

Бир гал боришимизда нима учун мени ҳам бирга юринг демас эканлар, деб ўйладим. Етиб боргач тушаётиб: “Сиз ҳам бирга юринг”, – дедилар...”³⁰⁶

Охунд дадага сўз бердим

Ўтган асримизда Марғилонда “Абдуллажон махдум почча” номи билан машҳур бўлган уламо яшаб ўтганлар. Асли исмлари Абдуллажон Аҳмад қори ўғли бўлган бу зотнинг ибратли ҳаёти ва сермазмун суҳбатлари бугунги марғилонликлар хотирасидан ҳали

³⁰⁵ Аҳмад Кумушхонавий нақшбандий. “Жомеъ ал-усул фил авлиёи ва анвоиҳим ва авсофиҳим”. Миср матбаът ул-маймана. 1319 х. 77-б.

³⁰⁶ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон, 2012.

кетганича йўқ. У зот гарчи кўплаб замондошлари қатори мустабид давр тазйикларига рўбарў келган бўлсалар-да, бироқ улардан фарқли ўлароқ мустақилликнинг нурли кунларини кўриб, масжид минбари ва турли давралар орқали халқимизга маърифат улашиб ўтишга мушарраф бўлдилар. Бу зот ҳақида китобнинг “Қоил Марғилонийнинг замондошлари” бобида батафсил тўхталамиз.

Охунд дада билан Абдуллажон махдум домла ўрталарида яқин биродарлик алоқалари мавжуд бўлган. Бу ҳақда у зотга кўп йиллар хизмат қилган Марғилоннинг Ёвқочар маҳалласида истиқомат қилган Акрамжон ҳожи ота шундай дейди:

«Бир гал махдум поччанинг Новқатдан келганлари хабарини эшитиб,³⁰⁷ хузурларига зиёратга кирдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Чиқаётганимда: «Фурсатингиз бўлса кечқурун Охунд даданинг зиёратларига борар эдик», – дедилар. Мен бажонидил қабул қилдим.

Кечқурун Охунд даданинг ҳовлиларига бордик. Махдум поччани кўриб хурсанд бўлиб кетдилар. Узоқ суҳбатлашдилар. Махдум почча Новқатдан келтирган асалдан олиб борган эканлар, мамнун бўлиб едилар. Қайтаётганимизда махдум поччага: «Махдум, Новқатда юрганингиз етар, энди келаверинг, бизнинг ҳам сафаримиз яқин, саломат жойимизга бориб олайлик», – дедилар. Махдум почча: «Хўп бўлади», – дедилар. Мен бунга тушунмадим. Аммо махдум поччанинг айтишларича, бу жаноза намозимни ўқиб берасиз, деганлари экан.

Бошқа бир маълумотга кўра, Охунд дада бундан аввалроқ Новқатга борганларида ҳам махдум поччага бу ҳақда ишора қилган эканлар. Қайтаётганимизда: «Энди келмасам бўлмайди», – дедилар. «Нима учун», – дедим. «Чунки Охунд дадага сўз бериб кўйдим», – дедилар.

Эртасига кечқурун Хожа Эгиз маҳалласидаги бир хонадонда суҳбат қурилди. Суҳбатга мухлислар билан махдум поччанинг фарзандлари ҳам ҳозир бўлишди. Суҳбат асносида махдум почча йиғилганларга Новқатдан келмоқчи эканларини айтдилар. Ҳамма

³⁰⁷ Махдум домла замон нотинчликлари сабаб Қирғизистоннинг Ўш вилояти Новқат қишлоғида бир муддат истиқомат қилганлар.

бунга ҳайрон бўлди. Чунки у ерда рўзгорлари, катта ҳовли-жойлари, бола-чақалари бор эди. Уларни ташлаб ёлғиз келишлари таажжубли иш эди. Уларни бу ерга кўчириб келишнинг иложи йўқ ҳисоби эди. Ҳаммадан кўпроқ бунга фарзандлари эътироз билдирдилар. Лекин махдум почча сўзларида туриб олдилар. «Мен Охунд дадага «Хўп» деб қўйганман, келмасам бўлмади», – дер эдилар. Хуллас, мажлисдан у зот Новқатдан қайтиб келадиган бўлиб, тарқалдик.

Айтганларидек, орадан кўп ўтмай махдум почча Марғилонга кўчиб келдилар. Келганларидан бирор ой ўтгач Охунд даданинг вафот хабарини эшитдик. Дарҳол жанозага отландик. Бизни уламолар тўпланиб турган уйга олиб киришди. Махдум почча юқориқроқдан мен пастдан жой олдик. Мажлисда Марғилоннинг ўша даврдаги деярли барча йирик уламолари йиғилган эди.

Юқорида Соли ҳожи домла ўтирар эдилар. Бир пайт хонага «Собир пичоқ» номи билан машҳур ўша даврнинг ғайратли кишиси кириб келди ва ўтирганларга қараб: «Биродарлар, бир маслаҳат билан кирдим. Жанозага одам тайин қилингани йўқ. Ташқарида муаммо бўлмаслиги учун шу ерда бир кишини тайин қилинса, қандай бўлар экан?!» – деди. Таклиф ҳаммага маъқул келди. Маслаҳатлашиб имоматга Фарғона жомеъ масжиди имом-хатиби Соли ҳожи домлани кўрсатилди. Ҳамма рози бўлди. Махдум почча ҳам индамай ўтирар эдилар. Мен ҳам ҳайрон эдим, чунки Охунд дада бу хизматни у зотга топширганларидан хабардор эдим, балки Новқатдан кўчиб келишларига ҳам шу сабаб бўлган эди.

Намозга саф тортилди. Махдум почча олдинги сафда мен орқаларидан жой олдик. Соли ҳожи домла суҳбат қила бошладилар. Суҳбат тамом бўлгач, домла махдум почча олдиларига келиб тўсатдан: «Махдум, намозга сиз ўтиб бера қолинг, мен ғалати бўлиб кетаяпман» – деб қолдилар. Махдум почча ҳам кутиб тургандек, «Хўп бўлади» – дедилар-да, бир қадам олдинга чиқиб, такбир айтиб намозни ўқиб бердилар. Мен анграйиб қолдим, чунки бу Охунд даданинг очик кароматлари эди.

Мазкур жанозада иштирок этган ёзёвонлик Ҳомиджон Абулқосим ўғли: “Қабристонга боргач дафндан кейин одат бўлган суҳбатни ҳам Махдум домла олиб борган эдилар”, дея эслаган эди.

Айтишларича домла ўшанда, “Марғилондан бир чинор қулади”, деб йиғлаган эканлар.³⁰⁸

Сўрамасак ҳам...

Маълумки, валийлар ва тасаввуф шайхлари ҳаётига бағишланган мақомот, тазкира ва маноқибларда уларга берилган фиросат ҳақида ҳам гапирилади. Фиросат – бу валий бандаларга Аллоҳ таоло томонидан берилган улуғ иноят бўлиб, каромат саналади. Бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейди: «Фиросат улдурки, ботин поку кўнгил соф бўлмоғи бирла ғафлат ҳижоби басират юзидан кўтарилгай, токи мўмин яқин нури бирла аҳволи ҳақиқатга вуқуф топгай». Имом Термизий Абу Саъид Худрий (розияллоху анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Мўминнинг фиросатидан сақланинг, чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди».³⁰⁹

Муновий ҳадисни мўминнинг қалбида пайдо бўлган нур билан қарайдиган назаридан эҳтиёт бўлинг, чунки у туфайли ҳақиқатлар маълум бўлади, дея шарҳлаган.

Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқалар Анас ибн Моликдан келтирган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: «Ер юзида одамлар аҳволини фиросат йўли билан биладиган Аллоҳнинг бандалари бордир», – деганлар.³¹⁰

Изланишлар маълум қиладики, Охунд дадага ҳам мазкур сифатдан насиба берилган. Бу ҳақда шогирдларидан Зокиржон Муҳаммад Қосим охунд ўғли шундай дейди: “Биз бир ҳафта, ўн кунда Ёзёвондан Охунд дада ҳузурларига бориб, суҳбатлашиб турар эдик. Баъзан иш асносида бирор савол туғилса, борганимда Охунд дададан сўраб оларман, деб дилимга тугиб қўяр эдим. Зиёратларига боргач, суҳбат орасида ўша саволга жавоб бериб ўтар эдилар, сўрашга ҳожат қолмас эди”.

³⁰⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

³⁰⁹ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 11-ж, 401-б.

³¹⁰ Муҳаммад ал-Муборақфурий. “Тухфат ул-Ахвазий”... 7-ж, 456-б.

Охунд дадада таълим олган Раҳматулла хожи ота шундай дейди: “Қишлоғимиздаги Акбаржон ота, Ҳожимат ота каби муллалар мени Охунд дададан таълим олишимни эшитиб, баъзи масалаларни сўраб келишимни тайинлашар эди. Хузурларига борсам суҳбат асносида ўша масала жавобини айтиб кетар эдилар. Саволни сўрамай жавобини олиб қайтар эдим”.

Шогирдларидан Абдусаттор хожи ота айтади: “Баъзан уйда шогирдлар китоб кўриб ўтириб бирор ибора чиқмаса, Охунд дада келсалар сўраб олармиз, дер эдик. Суҳбат чоғи сўрамасак ҳам ўша иборани ўзлари айтиб берар эдилар. Билсак, бу ҳолат бошқа шогирдлари ўртасида ҳам бўлиб ўтар экан.

Айтишларича, баъзи шогирдлари бирор хато иш қилса, дарсга келганида Охунд дада ўша ишга ишора қилиб ўтар эканлар. Улар бунини каромат эканини билмай, бошқалардан кўриб аразлаб юрган пайтлари ҳам бўлар экан.

Охунд даданинг фарзандлари Сирожиддин ота шундай дейди: “Отам баъзан бир дона анорни кўрсатиб: “Шунда етти юз йигирма дона бор”, дер эдилар, кизиқиб санаб кўрсак, ҳақиқатдан ҳам ўшанча чиқар эди. Бу каби ҳолатлар жуда кўп марта содир бўлар эди.

Шогирдларидан Сирожиддин Сайдуллоҳ охунд ўғли шундай дейди: “Охунд дада вафот этган кунлари бу ҳақда менга тушимда ишора қилинди. Уйғонгач акамга айтсам: “Мен ҳам тушимда ишора бўлди, Охунд даданинг ҳовлиларигача поёндоз ёзилибди”, – деди. Ҳайрон бўлиб бомдодни ўқиб турган эдик Шарифжон хожи ота келиб, “Охунд дада ўтдилар”, деб хабар бериб кетдилар”.³¹¹

Болахона – боло хона

Айтишларича, Охунд дада ёз кунларининг бирида дарс айтаётди: “Икки томони дарчали болахона бўлса иссиқ кунда дарс қилишга қулай бўлар экан”, – дейдилар. Бунини эшитган ёзёвонлик талабалар қишлоққа бориб, дарҳол керакли ашёларни олиб келиб, Охунд дадани кўндириб, қўярга қўймай болахона қурадилар.

³¹¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Тахтақўприк. 2014.

Охунд дада талабаларга бир қанча вақт у ерда дарс айтадилар. Кексалик пайтларида ҳам амаллаб чиқар эканлар. Шогирдларидан бири шундай дейди: “Бир куни Охунд дадани қийналиб чиқаётганларини кўриб, “қийналсалар ҳам чиқяптилар-а?” деб дилимдан ўтди. Ўша куни мени ҳам болахонага олиб чиқдилар ва: “Болахона – боло хона”, яъни “баланд уй дегани”, бу ерда ўтирган одамнинг кўнгли кўтарилиб, юқорига интиладиган бўлади, биз ҳам шу ниятда чиқамиз”, – дедилар.”³¹²

Абул Муҳсин Муҳаммад Али Баҳоуддин (қуддиса сирруху) нинг қуйидаги гапларини келтирган: “Авлиёлар хузурида киши ўз аҳволини яшириши жуда оғир, чунки у валоят соҳиби бўлиб одамларнинг баъзи ҳолидан хабардорлиги бор. Агар унинг ҳақида кўнгиладан ёки оғиздан бирор гап ўтса, бунда катта хатар бор, гўё бу кўнгилда бир олов кабидир.”³¹³

Шогирдларидан Сирожиддин Сайдуллоҳ охунд ўғли шундай дейди: “Бир гал рамазон ойида Охунд дадани ҳовлимизга ифторга олиб келдим. Сухбат асносида бир одам таровеҳ намози сўнгида ўқиладиган тасбеҳ дуоסי ҳақида гапириб, баъзилар уни ўзгартириб ўқиётганини сўради. Мажлисида кўпчилик эмас эди, ўтирганларга, “Ҳаммаларинг бирма-бир ўкиб беринглари”, деб навбат билан ўқитиб чиқдилар.

Даврада намоз ўқишни янги бошлаб ўрганаётган бир киши ҳам бўлиб, у мазкур тасбеҳни ҳам билмас эди. Мен бундан хабардор эдим. Шунинг учун навбат унга келса қандай қилар экан, деб ўйландим. Навбат унга келганида Охунд дада, “Сиз ўқинг”, деб ундан битта кейин ўтирган кишига ишора қилдилар. У тасбеҳни бошлади, бу эса хижолатдан қутулди ваҳоланки, Охунд дада уни биринчи марта кўриб турган эдилар.

Баъзан Охунд дада хузурларига борсам, вақтингиз борми, деб сўрар эдилар. Ҳа, десам, бўлмаса, бозорга бориб келамиз, дердилар. Боргач, “Сиз ишингизни қилаверинг, фалон жойда учрашамиз”, деб дўппи бозори, ёки бешик бозорини айтар эдилар. Мен ҳўп десамда,

³¹² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

³¹³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балоғардон”... 80-б.

лекин шунча одам ичида қандай қилиб топар эканман, деб ўйланиб қолар эдим. Аммо айтилган жойга боришим биланоқ ўзлари, “Мен бу ерданман”, деб чакирар эдилар”.³¹⁴

Айтишларича, кунларнинг бирида бир одам Охунд даданинг зиёратига келади ва бирга суҳбатлашади. Қайтаётганида Охунд дада унга: “Биродар, адашиб қолибсиз, биз сиз ўйлаган одам эмасмиз”, – дейдилар. Маълум бўлишича, меҳмон у зот ҳақида айтилаётган таърифларни эшитиб синаш учун келган экан. Бу “тажассус” (“ўзгалар айбини ахтариш”), деб айтилиб, бундан қайтарилган. Охунд даданинг ушбу зиёратдан хурсанд бўлмаганлари шундан.

*Ўз айбини киши ҳама вақт ахтариши керак,
Амморайи нафсини сўзига сарзаниши керак,
Ҳақ зикри бирла васвасалар қайтариши керак,
Даргоҳи кибриёга қараб ёлбориши керак,
Маълум эмаски, бахтини кимни қаро қилур.*

Ҳа, банда доим ўз айбини ахтариши, шайтон васвасасини Ҳақ зикри билан қайтариши ва доим даргоҳи кибриёга ёлбориши керак, чунки кетарда кимнинг бахтини қаро (беимон) қилиши ҳали маълум эмас.

*Суратда сафо ботини абтар бўлма,
Шухрат талаби соҳиби дафтар бўлма,
Ҳирсу ҳавасинг голиби бадтар бўлма,
Борганда қиёмат куни музтар бўлма,
Ул ерда уётинг, биласанму ё йўқ.*

Айтишларича, бир куни Жалолобод тарафидан аҳли ҳол кишилардан бири Охунд дада зиёратларига келади ва: “Сиз Абдуссамад охундмисиз?” – деб сўрайди. “Ҳа”, – дейдилар. “Жалолободдан келдим, бир саволим бор эди, сизга”, – дейди. Айтишларича ўшанда, бу зот узоқ масофадан келиб мендан нимани сўрайди ва мен нима дейман, дея жавобгарлик масъулиятини ўйлаб, Охунд даданинг барча билганлари кўтарилиб кетгандек,

³¹⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

бўлган экан. Шунда у: “Қулоғим эшитмай қолди, тақсир”, – дейди. Охунд дада бир оз сукутдан сўнг: “Тақсир, ўзи сиз эшитадиган гап ҳам қолмади,” – дейдилар. Жавобни эшитган меҳмон хушидан кетиб йиқилган экан...³¹⁵

Мазкур савол-жавобда нималар назарда тутилгани уларнинг ўзларига маълум, лекин шундай бўлса-да, қандайдир ибратлар борлиги ҳам аниқ.

Охунд дадага хос фазилатлардан бири бу у зотни суҳбат чоғи мажлис қатнашчиларини кўнглини кўтариб, баъзан воқеъга мувофиқ сўзлар билан уларни хурсанд қилиб туришлари эди. Бу каби одат тарихда ўтган кўплаб салафларимизга хос фазилат саналган. Айтишларича, Охунд дада бир гал қўшни Тошлоқ туманидаги Садда номли қишлоққа борадилар. Суҳбат узоқ давом этади. Мажлис аҳлини бир оз толиққанини сезган Охунд дада улардан: “Бу ернинг оти “Садда”ми, ёки одамлари саддами?” – деб сўрайдилар. Бу билан мажлис аҳлининг руҳи бир оз тетиклашган бўлади. Суҳбат яна давом этади.

Хожа Али Рометаний (қуддиса сирруҳу) шундай дейдилар: “Кишиларни Худо йўлига чақирадиган кимса гўё қушчи каби бўлиши керак, ҳар бир қушни ўз ҳолатини билиши ва унинг таъбига лойиқ тўъма – таом бериши зарур. Муршид ҳам содиқлар ва толибларнинг тарбиятини қобилиятлари ва истеъдодларининг тафовути андозасича қилсин”.³¹⁶

Охунд дада бу каби беозор мутойиба орқали кишиларни кўнглини кўтарганлари ҳолда шариат ман қилган қаҳқаҳа отиб қулишдан қаттиқ қайтарганлар.

*Дилингни ўлдирур кўп қулғу билан қовли бемаъни,
Сўзингни сўзлаганда қилма ортиқ қадри ҳождатдан.*

* * *

*Табассум бирла зиҳқ аммо қилурсан озу кам айла,
Биродар қаҳқаҳа албатта қилма, феъли шайтондур.*

³¹⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2014.

³¹⁶ Фахриддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт... 59-бет.

* * *

*Тамаъ бирлан халойиқлар юзига мудҳин бўлма,
Очиб чаими ҳақорат бирла инсон айбига кулма,
Макони маърифат қалбинг гами дунёга тўлдирма,
Қадардан ташқари бўлғайму деб андишасин қилма,
Вужуду жумла мавжудот тақдиру қазодандур.*

Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, агар мен билган нарсаларни билганингизда эди, кам кулиб кўп йиғлаган бўлар эдингиз”, – деганлар.³¹⁷

Абдуллоҳ ибн Масъуд: “Ортида дўзах, олдида ўлим турган кимсани кулишидан ажабланаман”, – деганлар. Ҳасан Басрийни хавфи кучли эканидан ўлими яқинлашаётган киши каби доим қайғули кўринар экан.

Омир ибн Қайс: “Бу дунёда кўп кулган кишилар охиратда кўп йиғлайдиган кишилардир”, – деган. Анас ибн Молик: “Мажлисида қаҳқаҳа отиб куладиган кимса билан албатта шайтон биргадир”, – деган.

Машҳур сўфия аёл Муозатул Адавийянинг бу борадаги фикри ҳам таъсирли. У кунларнинг бирида сўфийлар кийимини кийиб олган кишиларни мажлисида қаҳқаҳа отиб кулаётганларини кўриб қолади ва: “Ҳай-хай, кийимлар солиҳона-ю, аммо кулгилари фосиқона”, – дея ўтиб кетади.³¹⁸

Отлиқ Хизр эдими?!

Айтишларича, Охунд дада бир гал йўлда кетаётиб қишлоқ яқинидаги Қўрғонтаги номли мавзеъга етганларида бир отлиқ киши учраб, қаерга кетаётганларини сўрайди. “Бозорга”, – дейдилар. “Ундай бўлса, орқамга мингашинг, бозоргача олиб кетай”, – дейди. Охунд дада миннатдорчилик билдириб, ўзлари кетмоқчи эканларини

³¹⁷ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳул Бухорий”... 4-ж, 254-б. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. “Саҳиҳу сунан ан-Насоий”... 5-ж, 396-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имама Аҳмад ибн Ҳанбал”... 241-б.

³¹⁸ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 41-43 бетлар.

айтадилар. Отлиқ йўлига кетади. Лекин Охунд дада бир икки қадам босмай туриб отлиқ осмонга учгандек ғойиб бўлади...

Мазкур воқеани зикр қилган кишилар отлиқ Хизр (алайҳиссалом) эди, деб тахмин қиладилар, аммо ҳақиқати Аллоҳга аён. Шу ўринда Хизр (алайҳиссалом) ҳақларида тўхталиб ўтсак, кўплаб валийлар ва солиҳ кишиларни ҳазрат Хизр (алайҳиссалом) билан учрашган воқеалари маноқиб ва тазкираларда келтирилган.

Маълумки, Қуръони каримнинг Каҳф сурасида Мусо (алайҳиссалом) ни бир солиҳ банда билан учрашган воқеаси зикр қилинган. Мазкур қиссада Мусо (алайҳиссалом) учрашган ўша солиҳ бандани барча муфассирлар Хизр (алайҳиссалом) деб айтганлар.³¹⁹ Бу зотни Хизр деб аталишлари ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “У зот қайси (ғиёҳ ўсмай) қуриган ерга ўтирсалар, у ер яшилликка буркангани учун Хизр деб аталган”.³²⁰ “Тафсири Қуртубий”да у зотни исми Балйо ибн Малкон, кунялари “Абул Аббос” бўлгани келтирилган.³²¹

У зотни пайғамбар ёки валий экани, ҳатто ҳаёт ё вафоти ҳақида ҳам уламолар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Баъзилар у зот қиссаси келтирилган сурадаги оятларга мувофиқ пайғамбар деган бўлсалар, баъзилар валий эканини айтганлар. Шунингдек, баъзи уламолар у зотнинг вафот этганини оят ва ҳадисларга суянган ҳолда исботлаган бўлсалар, тирик деганлар ҳам ўз далилларини келтирганлар.³²²

Исмоил Ҳаққий умматнинг муҳаққиқ уламоларидан кўплари у зотни турли муборак ерларда кўрганларини келтирар экан, уларни ёлғон ва бўҳтонга иттифоқ қилишларини тасаввур қилиб бўлмайди,

³¹⁹ Исмоил ибн Касир. “Тафсирул Қуръанил азим”... 3-ж, 97-б; Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий. “Тафсирун Насафий”. Дорул кутубул арабий. Ливия –Байрут. 1403/1982.3-ж,19-б.

³²⁰ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”... 3221 ҳадис; Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”...

³²¹ Имомуддин Исмоил ибн Касир. “Тафсирул Қуръанил азим”... 3-ж,105-б; Шайх Исмоил Ҳаққий Бурсавий. “Тафсир Рух ул-баён”. Дору ихяу турос ал-арабий. 1421/2001.5-ж, 318-б.

³²² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. “Тафсирул Қуртубий”... 11-ж, 28-б.

дейди. Вафот этганларини қувватлаган уламолар эса у зотни кўрганлар руҳларни кўришган, деб уқтирганлар.³²³

³²³ Шайх Исмоил Ҳаққий Бурсавий. “Тафсир Рух ул-баён”...5-ж, 319-б.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ТАВОЗЕ ВА КАМТАРЛИКЛАРИ

Ўзингни халқдин ортиқ кўрар бўлсанг адашгансан

Маълумотлар шуни кўрсатадики, Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний шахсий ҳаётларида уламоларга хос камтар ва тавозели бўлганлар. Бу доим пастга қараб юришларидан, аксар вақт оддий кийимда юришларидан, мажлисларда ўзларини бошқалардан кам тутишларидан ҳам билинади.

Изланишлар давомида шогирд ва замондошлари тарафидан у зотга берилган қатор таърифларни учратдикки, уларда алломанинг тавозе, тақво ва камтарликка оид сифатлари акс этганини кўрамиз.

У зотнинг хулқи суннатга мувофиқ эди, ҳар бир ишларида бир суннат ва ҳикмат мавжуд эди.

У зотнинг дили чарогон бўлгани учун Ҳақ зикри ва унга алоқадор нарсалардан бошқа нарсалар чалғитмас эди.

Камтарлик юзасидан: “Биз кўп нарсага муносиб эмасмиз”, дер эдилар.

Дунёда ўзлари ҳақида одамлар гумон қилган нарсаларни тузатиб, улар дилидаги бу билан боғлиқ туғунларни ечиб кетган эдилар.

Сухбатдошлари қалбида ўзларидан гўзал намуна қолдира олган эдилар.

Вафотларидан кейин ҳам ҳамсуҳбатлари ҳурмат билан тилга олишар эди.

Катта-кичикни баробар кўрганлари учун ҳамма яхши кўрар ва ким кўрса, бир суҳбат қилсам деб орзу қилар эди.

Баъзи ёмон ишларни қилиб юрган кишиларга ҳам яхши гапириб, уларни озгина яхши амалини кўп кўрсатиб, кўнглини кўтарар ва шу орқали уларни яхши йўлга чақирар эдилар.

Баъзи ёмон иш қилаётган кишилар ҳақида ҳам яхши гумонда бўлар эдилар.

Мажлисда кишилар кўнглига қараб гапирар, суҳбатлари бировга малол келмас эди.

Ҳар бир инсонни аввало инсон зотига лойиқ, банда отига муносиб бўлишини дилдан истар эдилар.

Охунд дада ўзлари камтар ва тавозели бўлиш билан бирга шогирд ва издошларини ҳам бу сифатга эга бўлишга чақирган эдилар. Чимён қишлоғидан Охунд дада зиёратларига келган Иброҳимжон ота Абдулбасир ўғли шундай дейди:

“Ўтган асримизнинг олмишинчи йиллари эди. Уч нафар талаба Чимён қишлоғидан Охунд дада зиёратларига бордик. Меҳмонхонада эканлар, кириб ўтирдик. Фотиҳадан кейин одоб сақлаб индамай ўтирдик. Бошлаб борган шеригимиз бизни Охунд дадага таништира бошлади. Бизни толиби илмлар эканимиз, ҳозирда “Шарҳи Мулла”, “Мухтасар” китобларини ўқиётганимизни эслатиб ўтди.

Охунд дада хурсанд бўлдилар, кейин: “Шарҳи Мулла”, “Мухтасар” китобларини ўқиётган бўлсаларинг, “Ҳозир муллагидан биздан баланд одам йўқ бўлса керак”, деб ўйлаб юргандирсизлар, чунки инсон қалбида қилаётган ишидан фахрланиш ва унга бино кўйиш ҳисси бўлади. Қолаверса, ҳозир бундан китобларни ўқиётган кишилар кам топилади. Ҳаргиз шундай бўлмасин! Сизлар илм ўқиб, билиб бораверинг, аммо билмаганга ўхшаб юринг. Шундай қилсангиз, Аллоҳ таоло сизни керак бўлган пайтда халққа билдиради, қадр қимматларингни кўрсатади”, – дедилар, кейин, – киши қоронғуда намоз ўқиса, уни ҳам Аллоҳ таоло уни кўрсатади”, – дедилар.

Бошқа бир гал шундай дедилар: “Агар мажлисда бирор масала сўралса, жавобини аниқ билсангиз айтинг, бўлмаса “Мен билмайман”, деб айтишдан уялманг. Бирор мунозара бўлса, “Худонинг наздида қайси томон тўғри бўлса ўшанга унайман”, деб ўтиринг. Ҳаргиз ўзимникини маъқуллаймак, деманг, шунда адашмайсиз”, – дедилар.

Яна бир гал: “Инсон ҳар қанча дунёлик илми юқори ва фикри равшан бўлса-ю, аммо “Ла илаҳа иллаллоҳ”га яъни, имонга унамаса, уни жоҳил деб аталади. Аммо дунёликдан унчалик

маҳорати бўлмаса, яъни хат танимаса ҳам мазкур калимага унаса, уни оқиллигида шубҳа йўқ”, – дедилар”.³²⁴

*Ҳақ талабдор ўлса ҳар инсон ўшал оқил эрур,
Тобеъи нафсу ҳаво бўлган киши жоҳил эрур.*

Юқорида келтирилган тавсияларини мулоҳаза қилиб кўрсак, у айни ҳадиси шарифга мувофиқ экани маълум бўлади. Имом Аҳмад Абу Саъид Худрий (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Агар бирортангиз эшиги ва ва туйнуги бўлмаган сип-силлиқ тош ичида ибодат қилса ҳам унинг амали одамларга қандай бўлса шундайича маълум бўлади”.³²⁵

Мазкур ҳадис амални холис Аллоҳ учун қилиш, унга риё аралаштирмаслик борасида тарғиб бўлиб, ундан имкон қадар амални яшириш лозимлиги англашилади. Банданинг ибодати холис Аллоҳ учун бўлиб, риё ва сумъа аралашмаса, Аллоҳ таоло уни хоҳлаган пайтида ошкоро қилади, яъни мазкур кишини солих, мухлис эканини одамларга маълум қилиб, улар ўртасида обрў ва ҳурматли қила экан.

Ибн Можа Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “Агар банда ошкораю, пинҳонда амалини бир хил чиройли қилса Аллоҳ таоло у ҳақда: “Бу мени ҳақиқий бандамдир”, – дейди”.³²⁶

Ибн Жарир Усмон (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зот (Аллоҳга) қасамки, ким бирор яширин ишни қилса, Аллоҳ таоло унга одамлар орасида ўша амалига яраша, яхши бўлса яхши, ёмон бўлса ёмон либос кийгази”.³²⁶

“Аз-завожир ан-иқтироф ан кабоир” номли китобда шундай келтирилган: “Баъзи имомлардан сўралди: “Мухлис ким?” Дедилар:

³²⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Чимён, 2014.

³²⁵ Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”... 42-ж, 64-б.; Имом Ҳофиз Зайниддин Абдуррауф ал-Муновий. “Ат-тайсир шарҳу Жомеъ ас-сағир”. Дору-н-нашр.Риёз, 1408/1988. 2-ж, 590-б.

³²⁶ “Одоб аш-шаръийя”. 1-ж, 176-б.

“Мухлис ёмонликларини яширгани каби яхшиликларини ҳам яширса”. Яна сўралди: “Ихлос – холисликнинг энг чўққиси нима?” “Кишиларнинг мактовини хуш кўрмаслик”.³²⁷

Юкорида Охунд даданинг “*Бирор масала ҳақида сўралса, унинг жавобини аниқ билсангиз айтинг, бўлмаса билмайман, деб айтинг*”, деган сўзлари келтирилди. Ибн Саъд ўз табақотида Ибн Умар ҳақида келтирган қуйидаги сўзларини тинглаб кўрсак, мазкур ҳолат олижаноблик эканин англаймиз. “Бир куни Абдуллоҳ ибн Умарга бир нарса ҳақида савол қилдилар. У: “Билмайман”, – деди. Улар қайтиб кетишгач, ўзига ўзи: “Ибн Умар билмайдиган нарсаси ҳақида сўралганида “Мен билмайман”, дея олди”, – дедилар”.³²⁸

Охунд дада бир гал шогирдларига насиҳат қилиб, шундай деганлар: “Агар бирортангиз мажлисининг юқорисида ўтириб қолсангиз зинҳор, мен шу ерга муносибман, дея кўрманг, балки аслида менинг жойим пойгакда эди, одамлар билишмади, билганларида мени бу ерга ўтказмаган бўлишарди, деб ўтиринг. Шунда нафсингиз “семириб кетиши”дан сақланиб қоласиз, акс ҳолда бу сизнинг ҳалокатингиздир.”

*Халойиқлар қаторида ўзингни чоғла мажлисда,
Агар сен садри мажлис ўзгалар бўлган билан настда,
Такаллум қадри ҳожат қил, било мантиққа вобаста,
Айтиб сангу миро инсонни қилма кўнглини ҳаста,
Паршион айласанг бир дилни сан анда паршионсан.*

Энди алломанинг тавозе ва камтарлик ҳақидаги фикрлари билан танишиб чиқсак. Аллома аввало, “*Бандайи ожизлигингни инсоф илан иқрор қил*”, дейиш орқали ҳар бир инсонга унинг ожиз экани ва буни тан олмасдан чора йўқлигини айтадилар. У зотга кўра, Ҳақ ризосини истаган киши тавозели бўлиши шарт, чунки манманлик шайтондандир.

*Тавозе пеша бўлгил, Ҳақ ризосин изламак бўлсанг,
Халойиқлар аро кибру ҳаво ҳам шарри шайтондин.*

³²⁷ “Аз-завожир ан-иктироф ан кабоир”. 1-ж, 127-б. <http://www.al-islam.com>

³²⁸ Ибн Саъд. “Ат-табақот ал-кубро”... 4-ж, 144-б.

Банда Аллоҳнинг хузурига ҳам фақат ожизлик тарафидангина бора олади.

*Топарсан кибриё авжизга ожизлик тарафдан йўл,
Қилиб кибру ҳаво ман-ман десанг, ақлингда шошгансан.*

Қуйидаги мисраларда киши камтар бўлмагунича Худога яқин бўлолмаслиги айтилиб, камтарлик – тавозе нима экани баён қилинади.

*Такаббур аҳлини даргоҳи Ҳақда қадри бўлмайдур,
Ҳаво бирлан юриб мақсуди аслийга етолмайдур,
Тариқи истиқоматда ўзини тўхтатолмайдур,
Тавозе пеша бўлмасдин киши қурбат тополмайдур,
Тавозе улки, доим саждада гарданни ҳам айлар.*

Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё” китобидаги қуйидаги ҳикоят келтирилган: “Бир кун девона Машраб бир дарахтга суяндилар. Дарахт энгашти, хамида бўлди. Ёнларида ўлтургон киши айдики, “Эй девона, дарахт энгашти”. Машраб айдики, “Энгашса улуғ бўлур”.³²⁹ Қуйида келтириладиган ибратли мисоллар орқали аллома бу борада ўз шахсий ҳаётларида қандай йўл туганларидан бохабар бўламиз.

Нафсимни койиётган эдим

Тасаввуф таълимотида “мувоқабати нафс” яъни, солиқ доимо ўзини назорат қилиб туриши муҳим саналади. Айтишларича, Охунд дада ҳам доим мазкур ҳолатда бўлар эканлар. Бир гал шогирдлари хузурларига кирмоқчи бўлишганида ичкаридан Охунд даданинг кимгадир дакки бераётганлари эшитилиб қолади. Танбех койилаётган кишининг қилмишидан ўта норози оҳангда эшитилар эди. Киришга ўйланиб, бир оз туриб қоладилар. Овоз тўхтагач, хижолат билан ичкарига кирадилар. Лекин ичкарида Охунд дададан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У ердан бошқа уйга кириладиган эшик ҳам кўринмасди. Уларнинг ҳайронлигини билган Охунд дада

³²⁹ Мажзуб Намангоний. Тазкират ул-авлиё. Наманган, 2000. 82-б

фотиҳадан сўнг сўз бошлайдилар: “Сизлар келишингиздан олдин нафсимни койиётган эдим, уни ўз ҳолига қўйсам турли нарсаларни хоҳламоқчи бўлди, уришиб бердим”.³³⁰

*Назар аҳволима қилсам саропо айбу нуқсонман,
Асири нафс ила шайтон бўлиб қайдида қолгонман,
Нажотимни тополмасдин нечук қилмоққа ҳайронман,
Карам қилгаймукин Қоил, маолимдан паришонман,
Биродарлар дуо бирлан ионат айласангларчи.*

“Аз-завожир ан иқтироф ал-кабоир” да келтирилишича, Ибн Саммок ўз нафсини маломат қила туриб шундай деган: “Сен зоҳидларнинг гапини гапирасан, аммо ўзинг мунофиқларнинг ишини қиласан. Ваҳоланки, бу билан жаннатга кираман деб ўйлайсан-а?! Ҳайҳот, жаннат учун амаллари бизникидан тамоман бошқа бўлган алоҳида қавмлар бордир”.³³¹

Молик ибн Динор шундай дейди: “Йигирма йилдан бери нафсим ўзини ихлослиман, деб мен билан тортишар, мен эса уни инкор этар эдим. Бир куни Басра кўчаларидан ўтиб бораётсам бир аёл яна бир аёлга, “Риёкор кимсани кўришни истасанг, ана Молик ибн Динорга қара”, деяётганини эшитиб қолдим ва бундан хурсанд бўлиб кетганимдан нафсимга: “Эй нафсим, ўзингни ҳақиқий исминглакабингни мана бу аёлдан яхшилаб эшитиб, билиб ол”, – дедим. Шундан кейин ўзимга: “Ким риёкор кимсани кўришни истаса менга қарайверсин”, – деб юрадиган бўлдим”.³³²

Фузайл ибн Иёз, “Мен риёкорман”, деб қасам ичишим, “риёкор эмасман”, деб қасам ичишимдан яхшироқдир”, дер эди. Кўпинча ўзига: “Эй Фузайл, йигитлигингда фосуқу осий эдинг, кексайганингда риёқору мунофиқ бўлдинг, Аллоҳга қасамки, фосуқу осийнинг гуноҳи риёкор-мунофиқ гуноҳидан енгилдир, чунки осий Аллоҳнинг мағфиратига кўз тутади, риёкор-мунофиқ эса кўпинча ўзини гуноҳкор деб билмайди”.³³³

³³⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2014.

³³¹ “Аз-завожир аън иқтироф ал-кабоир”. 1-ж, 37-б. <http://www.al-islam.com>

³³² Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 293-б.

³³³ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 294-б.

Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруху) шундай деганлар: “Бу йўлда (тарикат йўлида) юрувчи ўз нафсини Фиръавннинг нафсидан юз марта баттар деб билмаса, демак, бу йўлда эмас”.³³⁴

Фарғона вилоятининг Лоғон қишлоғида истиқомат қилувчи Фозилжон ҳожи ота мулла Ҳасан ўғли шундай дейди: “Бир гал Охунд даданинг зиёратига келсам шундай дедилар: “Уч-тўрт кун олдин бир жойга бормоқчи бўлиб кўчада турсам, эшак аравали – киши келди. Мени кўриб: “Олиб бориб қўяман”, – деди. Мен, бир кишини кутиб турганимни айтдим. У йўлига кетди. Кетгач, нафсимга: “Эй нафс, иложи бўлса, мана шу аравада кетганинг сен учун яхшироқ бўлар эди, деб танбеҳ бердим”, – дедилар.”

Бошқа гал шундай дедилар: “Баъзан йигитлик пайтимда меҳнат қилгани чиқиб кетаётсам нафсим: “Қаерга кетаяпсан, бировларнинг меҳнатини қиласанми, уйингда ўтираверсанг ризқинг ўзи кириб келар эди”, дея мени ибодат бўлган талаби ҳалолдан қолдирмоқчи бўларди. Лекин мен унга парво қилмай йўлимда давом этар эдим”.³³⁵

Эътибор берилса, нафс билан олишишнинг бу тури камдан-кам кузатилади, чунки:

*Агар инсоф билан оинайи ажзига боқмайдир,
Жаҳонда ҳеч киши нуқсонига Қоил бўлолмайдир.*

Абу Нуайм ал-Асбаҳоний “Ҳилят ул-авлиё”да шундай келтирган: “Ким Аллоҳ розилиги йўлида ўз нафсини маломат қилса, Аллоҳ унга ўз азобидан нажот беради.”³³⁶

Шақиқ Балхий бир куни ўз нафсини маломат қилиб, унга шундай васият қилган эди: “Эй Шақиқ, Аллоҳга унинг азобига тоқат қила оладиган бўлсанг осий бўл, охиратга унга ҳожатинг миқдорига қараб ишлаб ол, ризқингни дунёда туришинг миқдорига қараб талаб қил, ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган дунё учун ишла, яқинда ғуборлар кўтарилганида биласан, миниб юрганинг эшак ёки от эканини.”³³⁷

³³⁴ Абул Муҳсин Мухаммад Боқир. “Баҳоуддин Балоғардон”... 74-б.

³³⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Лоғон. 2013.

³³⁶ Абу Нуайм ал-Асбаҳоний “Ҳилят ул-авлиё”... 4-ж, 328-б.

³³⁷ “Ал истеъдод лил мавт ва суол ул-қабр”. 1-ж, 123-б. <http://www.alwarraq.com>

Маълумки, инсон нафсида баъзан тоатга фахрланиш ҳисси пайдо бўлади. Ужб, яъни кишининг ўзидан розилиги аталмиш бу иллат инсон ҳалокати саналади, чунки қабули маълум бўлмаган тоатга фахрланиб, ўзидан кетиш ҳақиқатда алданишдир. Аслида банда ҳар қанча ибодат қилганда ҳам ўзини қилмагандек тутиши лозим.

Шогирдларидан Соқиматжон ота Сулаймон ўғли шундай дейди: “Охунд дада бир гал суҳбат асносида шундай дедилар: “Биласизларми, деҳқонлар қовун экса, биринчи ҳосили ширин бўлади. Кейинги терим аввалгиси каби бўлмаса-да, у ҳам ширин. Учинчиси эса ўртача бўлади. Аммо кейинчилари ҳамакдан бошқага ярамайди, бу пайтда деҳқон чодирини йиғиштириб уйига қайтади. Улар итларга ем бўлади. Бизнинг мисолимиз шу охириги ҳамак кабидир”³³⁸

“Ҳияят ул-авлиё” да шундай дейилади: “Ким ўзининг мақомидан паст ўринга рози бўлса, Аллоҳ таоло уни энг юқори ўринга чиқаради”³³⁹ Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруҳу) шундай деган эдилар: “Киши ўзининг нафсига тухмат қилиши керак. Кимки, Ҳақ субҳанаҳу инояти билан ўз нафсини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади.”³⁴⁰

Охунд даданинг фарзандларидан бири шундай дейди: “Бир куни отам уйда оёқ-қўллари лой ҳолда девор ураётган эдилар. Бир одам чақириб қолди. Отам “лаббай”, деб пақирдаги лойни қўйиб чиқиб кетдилар. Чиқиб: “Келинг меҳмон, нима хизмат”, – дебдилар. У: “Менга Абдуссамад охунд дадани чақириб беринг”, – дебди. Отам: “Хўп” деб ичкарига кириб қўл-оёқларини ювиб, кийимларини алмаштириб, чиқиб бошқатдан салом берибдилар. Буни кўрган меҳмон нима қилишини билмай, ҳайрон қолган экан...”

Фузайл ибн Иёз: “Киши модомики, одамларга яхши кўринишни истар экан, риёдан холи бўлиши қийин”, – деган.

³³⁸ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Дўрмон. 2014.

³³⁹ Абу Нуайм ал-Асбахоний “Ҳияят ул-авлиё”... 4-ж, 328-б.

³⁴⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балогардон” 74-б.

Иброҳим ибн Адҳам: “Кишилар уни яхшилик билан зикр қилишларини истаган кимса амалини холис Аллоҳ учун қилиши қийин”, – деганлар. Зуннун Мисрийдан: “Киши қачон ўзини мухлислардан эканини билади?” – деб сўрадилар. “Бор қувватини ибодатга сарф этиб, яна ўз макomini одамлар ичида паст бўлишини истаса”, – деб жавоб берди.

Яҳё ибн Муоздан “Киши қачон ҳақиқий мухлис бўлади?” – деб сўрашди. “Унинг хулқи, унга мактов ва ёмонлашларнинг фарқи бўлмаган эмизикли бола каби бўлмагунича”, – дедилар.

Охунд дада Учкўргонда

Маълумки, Охунд даданинг Фарғона вилояти Аввал қишлоғида ҳам шогирдлари бўлиб, турли муносабатлар билан тез-тез мазкур қишлоққа бориб турганлар. Охунд даданинг ташрифи қишлоқ аҳли учун катта имконият саналган. Шундай пайтларда мухлис кишилар суҳбатларини ғанимат билиб, теграларида жам бўлишар эди. Шу каби суҳбатларнинг бирида бўлиб ўтган воқеа ҳақида Фозилжон ҳожи ота мулла Ҳасан ўғли шундай дейди:

“Ўтган асримизнинг олтмишинчи йиллари эди. Бир гал Абдуссамад охунд дада қишлоғимизга ташриф буюрдилар. Ҳамқишлоқлар билан суҳбатга ошиқдик. Ёш бўлганим учун мен уларга хизмат қилиб турдим. Охунд дада Жалолиддин Румийнинг маснавийларидан узоқ суҳбат қилиб бердилар. Суҳбат асносида ерлик тожикларнинг кўнглини кўтариш учун баъзи мисраларни ўқиб: “Мавлоно Румий бу байтда нима деяпти?” – деб сўраб эдилар. Улар, биз буни тушунмаймиз, деб узра айтишса: “Ахир тожикмиз дейсизлару, тожикчани билмайсизларми?” – деб тегишиб кўяр эдилар.

Мен хизматда кириб-чиқиб турибман. Бир икки менга қараб кўйдилар. Кейин: “Исмингиз нима?” – деб сўрадилар. “Уста Фозил, темирчилик қиламан”, – дедим. “Сиз ҳам ўтиринг, суҳбат тингланг”, – дедилар. Ўтирдим. У зот энди гап бошламоқчи бўлганларида даврадаги маҳаллий уламолардан бири, бу йигит ҳақида мен айтиб

бераман, деб сўзлай кетди. Менинг кимлигим, касби камолотим ва ҳоказоларни айтиб, таништирган бўлди.

Охунд дада “шундайми, жуда яхши”, дедилару индамадилар. Билдимки, унинг гапидан кўнгиллари тўлмади. Мажлис тугаб қайтаётганларида, “Меҳмонни кузатгани бораман”, деб ният қилдим, мақсадим қаерда туришларини билиб олиш эди.

Ҳамроҳ бўлиб Марғилонга келдик. Келгунча йўлда гаплашиб кетдик. Йўлда бир қабристон олдидан ўтиб кетаётиб: “Аллоҳ қабристонда бўлаётган азоб ё роҳатни баъзи бандаларига билдириб қўйиши ҳам мумкин”, – дедилар. Билдимки, бундан ўзларини ирода қилдилар, чунки кейин эшитишимча, бу ҳолатлар у зотга аён бўлар экан, лекин буни бизга айтмадилар.

Ҳовлиларига келиб дуоларини олиб қайтдик. Шундай қилиб, у зот билан яқин бўлиб қолдим. Фуркат топдим дегунча зиёратларига келиб суҳбатлашиб кетар эдим. Бундан анча вақтгача хурсанд бўлиб юрар, қалбим ёришар, дунё ғам-ташвишларига бепарволик билан боқадиган бўлиб қолар эдим”.³⁴¹

Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруху) шундай деганлар: “Толиби илм амал қилиши зарур бўлган шартлардан бири, у Ҳақ таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, агар нуқсондан камол сари кетаётганини кўрса, бу азизнинг суҳбатида лозим бўлишни ўзи учун зарурий ҳисобласин”.³⁴²

Фозилжон ҳожи ота яна шундай дейди: “Бир гал Учқўрғоннинг³⁴³ Дўнгмозор қишлоғида истиқомат қилувчи Мўмин мирзо эшон: “Мени ҳам у зот зиёратларига олиб боринг”, – деб қолди. Мен: “Бирор арава топсам дарҳол олиб бораман”, – дедим. Кейин бир машина топиб, икки киши ҳамроҳлигида Охунд дада зиёратига келдик. Фарғонага етиб келганимизда тўхтадик. Икки шеригимиз бозорга кириб кетишди, биз мирзо эшон билан машинада қолдик. Мен кўчадан ўтаётган кишиларни кузатиб ўтирар

³⁴¹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон –Лоғон. 2013.

³⁴²Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балоғардон”... 79-б.

³⁴³ Қирғизистоннинг Қизилқия вилоятидаги қишлоқ.

эдим. Буни кўрган мирзо: “Олдингизга қараб ўтиринг, одамларга кўп қараб бўлмайди, уларнинг орасида ҳар хиллари бор, кўп қарашнинг таъсири дилга уради”, – дедилар. Ваҳоланки, ўша пайтларда одамлар ўзини анча эҳтиётлаб, юрадиган замонлар эди...

Бир одам Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруху) нинг юзларига тикилиб қаради. Шунда: “Қарама, кўп қараш дилни ўлдиради”, – дейдилар”. Иброҳим ибн Адҳам: “Ботил нарсага кўп қараш дилдан маърифатни кетказди”, – деганлар.³⁴⁴

Марғилонга етиб келиб, Охунд дада ҳузурларига кирдик. Икки уламо бир-бири билан кучоқ очиб кўришишди. Ширин суҳбат бўлди, эшоннинг саволлари бор экан, жавоб олдилар. Суҳбат асносида Охунд дада бир икки марта ўрниларидан туриб, узр айтиб: “Мен сизни овора қилибман, асли ўзим боришим керак эди”, – дедилар. “Ундай деманг, сизнинг ҳузурингизга келиш менга лозим”, – деб, у зот йиғлар эди. Уламоларнинг бир-бирига эҳтиромини шунда кўрган эдим.

Суҳбат асносида Охунд даданинг ҳанафий мазҳабига қаттиқ боғланганларига гувоҳ бўлдик. Ҳанафий мазҳабига зид иш қилмоқчи бўлган баъзи кимсалар ҳақиқа ачиниб айтган сўзларидан англадик буни. Ўзбошимчалик билан мазҳабдан мазҳабга ўтиш мумкин эмаслигини қаттиқ уқтирдилар. Суҳбат тугаб қайтадиган бўлдик. Чикишда мирзо эшоннинг қўлидан тутдилар, эшон эса у зотга юзланиб орқалари билан юрдилар. Шу тариқа эҳтиром билан бирлари қўлларидан тутиб, бирлари эса орқа билан юриб кўчагача чиқдилар”.³⁴⁵

II ҳижрий асрдан VIII ҳижрий асргача ўтган авлиёлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Табакот ул-авлиё” номли китоб муаллифи Ибн Мулаққин (ваф.804 х) мазкур китобида Аҳмад Ибн Абул Варднинг қуйидаги сўзини келтирган: “Аллоҳ таоло агар валий бандада учта нарсани зиёда қилса, унда яна уч нарса зиёда бўлади; мартабасини зиёда қилса, тавозесини, молини зиёда қилса

³⁴⁴ Абу Нуъайм ал-Асбахоний. “Ҳилят ул-авлиё”... 3-ж, 356-б.

³⁴⁵ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Лоғон. 2013.

саховатини, умрини зиёда қилса риёзат ва мужоҳадасини зиёда қилади”.³⁴⁶

Бордонча кишлоғида истиқомат қилувчи Аминжон ота Абдуллажон ўғли шундай дейди: “Охунд дада кишлоғимиздаги бир анжуманга келдилар. Кириб келаётиб, кишлокнинг домласи мулла Нишонни пойгакда ўтирганини кўриб қолдилар. “Ҳай-ҳай, Мулла Нишон, сиз юқорида ўтиринг, бизга устоз бўласиз, талабалик давримизда сиздан кўп фойдаланганмиз,” – дедилар ва кўярда кўймай юқорига олиб чиқдилар. Билдикки, у зотни ўта ҳурмат қилар эканлар.

*Ани извосидандир киши кориди манман дер,
Ҳақиқий ориф ўлганни нишони улки, “камман” дер,
Азизу хорликларни қазо бирлан қадардин дер,
Аларда ончунон ҳимматки, олам мисли арзан дер,
Топилса ҳоқи пойини қилай деб тўтиё, ахтар.*

Яҳё ибн Муоз: “Қайси бир ёш ўзидан каттанинг олдида юрса, яхшиликдан маҳрум қилиш билан азобланади”, – деганлар.³⁴⁷

Аллоҳ кўриб турибдику, дедим

Шогирдларидан Нўъмон эшон ота шундай дейди: “Бир куни Охунд даданинг хузурларига борсам дам олаётган пайтлари экан, уйғонгунларича кутиб ўтирдим, кейин суҳбат қилдик. Суҳбат асносида шундай дедилар: “Ҳозир ёшим етмиш иккида, ўйласам шу кунгача бирор одамга ёмон назар билан боқмабман, чунки унга ёмон назар қилсам Аллоҳ менга қараб турибдику, деб кўрқдим”.³⁴⁸

*Аҳли имонга ҳақорат чашми бирлан боқмагил,
Қадри имонни бутун дунёдан ортуқ чоғлагил,
То ҳаётинг борича тоат учун бел боғлагил,
Ҳам хилофи нафс ила шайтонни бағрин доғлагил,
Лавҳи дилга бу насиҳатни **ёзуб** туммор қил.*

³⁴⁶ Ибн Мулаққин “Табақот ул-авлиё”. 1-ж. 62-б. <http://www.alwarraq.com>

³⁴⁷ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 75-б.

³⁴⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Бекат. 2012.

Шайх ул-ислом Абу Абдуллоҳ Ансорий шундай деганлар: “Ҳеч кимға ҳақорат кўзи бирла боқмагинки, анинг (Аллоҳ таоло) дўстлари яширун бўлғайлар”.³⁴⁹ Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу): “Ҳеч ким бирор мусулмонни кичигини ҳам ҳақорат қилмасин, чунки мусулмоннинг кичиги ҳам Аллоҳ ҳузурда каттадир”, – деганлар.³⁵⁰ Шайх Бишр ибн Ҳорис: “Сўфий – қалби Аллоҳ учун мусаффо бўлган кишидир”, – деган.³⁵¹

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Аллоҳ таоло биродарларининг юзига хўмрайиб қаровчи кишини ёмон кўради”.³⁵²

Ҳаёт дарси эди

Шогирдларидан Сирожиддин Сайдуллоҳ охунд ўғли шундай дейди: “Мен Охунд дадани олтмишинчи йилларга қадар билмас эдим. Ўша йили корхонага ҳайдовчи бўлиб ишлар эдим. Бир куни йўлда ДАН ходими ҳужжатларимни олиб қўйди. Эртасига эрталаб айтилган хонага кириб бордим.

У ерда Охунд даданинг фарзандлари хизмат қилар эканлар. Нима учун келганимни сўрадилар. Ҳужжатларимни олиш учун келганимни айтдим. Исми шарифимни сўрадилар. “Сайдуллаев Сирожиддин”, – дедим. У киши кулиб юбордилар. Сабабини сўрадим. “Икковимиз ҳамном эканмиз, ҳойнаҳой, бу одам яхши одам бўлса керак, деб ҳужжатингизни сандикқа солмай ёнимда олиб юрган эдим, мана”, – деб қўлимга узатдилар. Мен ҳам хурсанд бўлдим. Кейин бир пиёла чой узатдилар ва: “Бизнинг ҳовлимиз ҳам Марғилондам – Хотинариқ кишлоғида. Мени қиблагоҳим борлар “Мулла Абдуссамад охунд” деб айтишади. Сизга ўхшаган одобли кишиларни яхши кўрадилар, бир боринг”, – дедилар. Мен хурсанд бўлиб, “Хўп”, деб чиқиб келдим.

³⁴⁹ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 121-б.

³⁵⁰ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 70-б.

³⁵¹ Шайх Юсуф Хаттор Муҳаммад. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфия фи баъни адиллати-с-суфиях”. 36-б.

³⁵² Жалолоддин Сууютий “Жомеъ ул-аҳодис”. <http://www.ahlalhdeth.com>

Келиб бу ҳақда қўшнимиз Ортиқбой отага айтсам, “Охунд дада бизнинг қўшнимиз бўлганлар, мен ўзим олиб бораман, сени”, деб акам билан бирга зиёратларига олиб борди. Зиёрат қилиб, суҳбатлашиб бўлиб қайтдик. Шу-шу ҳар ҳафта дам олиш кунлари бориб турадиган бўлдик.

Бир куни менга: “Сизнинг зеҳнингиз ўткир экан, озгина ҳаракат қилганингизда яна ҳам очилиб кетар эди”, – дедилар. Лекин замон ва оилавий аҳволим буни кўтармади. Шундай бўлса-да, Охунд даданинг маънавий таъсирлари ҳаётимизга жуда катта бўлди. У зотдан олган таълимларимиз ҳозир ҳам кўл келади. Ҳар бир мулоқотимиз биз учун ҳаёт дарси эди”.³⁵³

*Насиҳат қилса ҳар ким бегараз, ўзингга пир билгил,
Ҳидоятга сабаб бўлганни пири дастгир билгил,
Масалдир халқ аро, ҳар кимни кўрсанг Хизр билгил,
Ўзингга мақтаган аҳли жамоа кўнглини кир билгил,
Каломи номуборакдан димогингни варам айлар.*

Дил учун ёзганмиз

Охунд даданинг тавозега оид қарашлари ўз асарларига бўлган муносабатларида ҳам кўзга ташланади. Маълумки, ҳар бир ижодкор ўз асарини у ёки бу мажлисда бошқаларга етиб боришни истайди ва оз бўлса-да, бу соҳада бошқаларнинг ижобий муносабатини кутади, ўз ўрнида бу нарса ижодкорга маълум даражада ижодий илҳом бағишлайди. Лекин Охунд дада мустаҳкам ижодкор бўлганлари ҳолда бу каби хусусиятдан узоқ эканларини кўраемиз. Эҳтимол, бу ўша давр мавжуд ижтимоий тузумнинг ноодиллигининг бўлгандир, ёки ўзлари буни хоҳламагандирлар. Нима бўлганида ҳам бу камтарлик маъносида эътиборлидир.

Шогирдларидан Умаржон охунднинг айтишларича, Охунд дада бир гал асарлари ҳақида гапириб: “Биз буларни эл учун эмас, дил учун ёзганмиз”, – деган эканлар. Буни элнинг олқиши ва шон-шухрат умидида эмас, балки дилни ўнглаш ва ислоҳ этиш учун

³⁵³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Тахтакўприк. 2014.

ёзганмиз, деб тушуниш мумкин. Асарларида ҳам шундай мисраларни учратамиз:

*Ҳар амал бўлса рийи халқ учундир оқибат,
Неъматни уқбони ўйлаб, ул намак шўр ўтгуси.*

Ёки, бу билан дил амри билан ёзганларига ишора қилган бўлишлари ҳам мумкин, чунки айтишларича, Охунд дада ижод учун алоҳида шуғулланиб ўтирмас эканлар. Фарзанларининг маълумот беришича, баъзан ховлида иш қилиб юриб, ёки тоқларни ҳомтоқ қила туриб: “Югуринг, кўк дафтарни қалами билан олиб чиқинг”, – деб шошилтирар ва қўлларига олгач дарҳол ёзишга тушар эканлар.³⁵⁴

Маълум бўлмоқдаки, Охунд даданинг асарлари дилларига инган илҳом сабабли бўлган. Шу ўринда инсон қалбига етадиган илҳом ва унинг манбалари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Маълумки, инсон қалбининг ўнг томонида Мулҳим деб аталувчи фаришта бўлиб, унинг қалбга ташлайдиган нарсасини илҳом, чап томонида Ханнос исмли шайтон бўлиб, уни ташлайдиганини васвос деб аталади.³⁵⁵ Инсон доим бир-бирига қарама-қарши шу икки куч остида бўлиб, баъзан у томон, баъзан эса бу ғолиб келади. Инсон келаётган мазкур ишораларни жин ва фариштадан бўлаётганини ажратиб олиши зарур. Акс ҳолда, ўзи сезмаган ҳолда дилига келган ишни бажариб ҳалокатга тушиб қолиши мумкин.

Мазкур ҳақиқат ҳадиси шарифда очик баён этилган. Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Инсон дилига шайтон ва фариштанинг яқин келиши ва унга нарса ташлаши бор. Шайтоннинг ташлайдигани ёмонликка бошлаш ва ҳақни ёлғонга чиқаришга ундашдан иборат. Фариштанинг ташлаши эса яхшиликка буюриш ва ҳақни тасдиқлашга чақиришдир. Ким ўзида мазкур ҳолатни кўрса,

³⁵⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

³⁵⁵ Фахриддин Розий. “Мафотих ул-ғайб”... 3-ж, 16-б.

уни Аллоҳдан деб билсин ва унга ҳамд айтсин, ким ундан бошқасини, яъни ёмонликни кўрса, шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин”.³⁵⁶

Бу билан боғлиқ маънолар барча ҳадис тўпламлари ва уларнинг шарҳларида кенг баён қилинган. Мисол тариқасида Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг “Фатҳ ул-Борий”,³⁵⁷ Муборақфурийнинг “Тухфат ул-Аҳвазий”,³⁵⁸ Муновийнинг “Файз ул-қадир”,³⁵⁹ Алий ал-Қорийнинг “Мирқот ул-мафотих”³⁶⁰ ва бошқа асарларни келтириш мумкин.

Ўзимиз еймиз, ўзимиз кўтарамиз

Айтишларича, Охунд дада баъзан керакли нарсаларни харид қилиш учун бозорга борсалар, йўлнинг четидан пастга қараб юрар эканлар. Харид қилинган нарсаларни ҳам имкон қадар ўзлари кўтариб олиб келар эканлар. Бирор киши мен олиб бораё деса, “Ўзимиз еймиз, ўзимиз кўтарамиз”, дер эканлар. Бу ҳақда мухлисларидан Аминжон ота Абдуллажон ўғли шундай дейди:

“Бир куни йўлда Охунд дадани қоп орқалаб келаётганларини кўриб қолдим. Югуриб бордим-да, салом бериб: “Менга беринг, мен кўтариб олай,” – дедим. “Йўқ”, – дедилар. Мен яна сўрадим, унамадилар. Учинчи бор сўраганимдан кейингина бердилар. Шунда ҳам бир оз юргач: “Биродар, энди бермасангиз бўлмайди”, – деб, қопни кўлимдан олдилар...”³⁶¹

Байҳакий “Шуъаб ул-имон” да қуйидаги ҳадиси шарифни келтирган. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дейди: “Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бозорга кирдик. Набий (алайҳиссалом) кийим сотувчидан тўрт дирҳамга лозим сотиб олдилар. Пулни тортиб берувчига: “Унга оғир қилиб, тортиб

³⁵⁶ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 5-ж, 2129-б; Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. “Мирқот ул-мафотих”... 1-ж, 251-252-б.

³⁵⁷ Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳ ул-Борий”... 12-ж, 288-б.

³⁵⁸ Муҳаммад ал-Муборақфурий. “Тухфат ул-Аҳвазий”... 7-ж, 308-б.

³⁵⁹ Абдуррауф ал-Муновий. «Файз ул-қадир»... 2-ж, 633-б.

³⁶⁰ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. “Мирқот ул-мафотих”...

³⁶¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Бордончи. 2014.

бер”, – дедилар. У айтилганидек қилиб, тортиб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лозимни олдилар, мен дарҳол қўлларида олиш учун бордим. Шунда: “Нарсанинг эгаси уни кўтаришга ўзи ҳақлидир, кўтаришдан ожиз бўлса, унда биродари ёрдам бериши мумкин”, – дедилар.³⁶²

Абдуррауф Муновий мазкур ҳадис ҳақида гапириб: “Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан ҳар бир нарсанинг ҳаққи ва ўрнини баён қилишда таълим бўлишидан ташқари, камоли тавозе ва камтарлик эди”, – деб айтган.³⁶³ Маълум бўлмоқдаки, киши бошқаларни хизматга буюрганидан кўра ўзининг хизмат қилмоғи одоб ва тавозе саналар экан.

Улар беғубор одамлар

Маълумотларга кўра, Охунд даданинг зиёратига келиб-кетувчи кишилар қаторида ёзёвонлик мухлислар алоҳида ўрин тутган. Улар нафақат зиёрат, балки Охунд даданинг баъзи хизматларини бажариб беришни ҳам ўзларига одат қилишган эди. Қишлоқ аҳлига хос софдиллик, самимийлик сифатлари уларни Охунд дадага чиройли кўрсатган. Буни ҳар гал уларнинг кириб келишидан хурсанд бўлиб, узоқ суҳбатлашиб ўтиришларидан ҳам билса бўлади. Охунд даданинг улар яшайдиган қишлоққа ташрифлари ва ҳар бирларининг хонадонида алоҳида меҳмон бўлишга фурсат топганлари ҳам шу муҳаббат сабабли эди. Бу муҳаббат Охунд даданинг умрлари охиригача сақланиб қолган.

Шогирдларидан Соқиматжон ота шундай дейди: “Охунд дада вафотлари олдидан бемор бўлдилар. Биз ҳузурларида турар эдик. Беморлик жиддий бўлгани учун ҳар кимни ҳам киритилмас эди. Бир куни Ёзёвондан мулла Зокиржон уста бошчилигида бир гуруҳ кишилар келишди. Охунд дадани бундан хабардор қилинди. “Майли киришсин, улар беғубор одамлар”, – дедилар.

Улар билан ётган жойларида қўл олиб кўришдилар. Қайтишга ижозат сўрашганида: “Мени ҳаммаларинг тўшак билан

³⁶² Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. “Саҳиху сунан ан-Насоий”... 6-ж, 209-б.

³⁶³ Абдуррауф ал-Муновий. «Файз ул-қадир»... 3-ж, 372-б.

етти марта кўтариб қўйинглар”, – дедилар. Биргаликда айтганларидек қилиб кўтарган бўлдик. Нима учун бундай деганлари сабабини эса билмадик, ўзимизча бу билан улардаги беғуборликдан умид қилдилар, деб ўйладик.³⁶⁴

*Неча вақт кўргани келган эшикка дўсту ёронлар,
Дуо қилган жамият ҳақларига кўп мусулмонлар,
Масжиду бу хонақоҳда жам бўлган мусулмонлар,
Қолиб ҳижрон фироқида куюбон аҳли мардонлар,
Дедилар чора йўқ, бу ажал битган қазо, ўтти.³⁶⁵*

Ёзёвонликлар келиши

Ёзёвон қишлоғида истиқомат қилувчи Абдуррауф хожи ота шундай дейди: “Охунд даданинг беморликларини эшитиб, Махмуджон домла бошчилигида бир гуруҳ кишилар зиёратларига бордик. Бу ерда кўпчилик тўпланган экан. Шогирдларидан Шарифжон хожи ота меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш ишларига бош-қош эканлар. Бизни келганимизни билдириш учун ичкарига кириб кетдилар. Бир оздан сўнг чиқиб, майли кираверар экансизлар, дедилар. Кирсак, атрофларида марғилонлик мухлислар ўтиришган экан. Бизни кўриб улар чиқиб кетишди. Охунд дада: “Соат неча бўлди?” – деб сўрадилар. Шарифжон хожи ота: “Аср бўлди”, – дедилар. Охунд дада: “Такбир айтинглари”, – дедилар. Такбир айтилди. Шарифжон хожи ота имомлигида аср намозини адо қилдик. Сўнг ижозат олиб, хузурларидан чикдик.

Ўша куни кечқурун Охунд дада вафот этдилар. Тонгга яқин яна ҳаммамиз жанозага ҳозир бўлдик”.

Кўча кенгайсин

Маълумки, Ислом таълимоти бўйида инсонлар ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, Ҳақ назарида баробардир. Афзаллик фақат тақво билангина белгиланади. Шунга кўра, бирор киши

³⁶⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик, 2012.

³⁶⁵ Мулла Абдурахмон Баҳрий. Баёз, қўлёзма. 56-б. Қўлёзма бизнинг қўлимизда.

ўзини бошқалардан ортиқ кўрмаслиги ва ўзи учун алоҳида имтиёз бор деб ўйламаслиги зарур. Айниқса, бу каби ҳолатлар жамият орасида илм ёки молда, мансаб ва мартабада ажралиб турган кишилар учун жуда ҳам зарур. Уларнинг юриш-туриши, барча ҳаракатлари доим авом томонидан кузатувда. Шунинг учун улар ўз обрўларини ўзлари ҳимоя қилишлари керак бўлади. бу ҳақда Сўфи Оллоҳёр шундай дейдилар:

*Улуғ тутмас кичикдек мазҳабин кенг,
Тева тоймоғи эрмас қўй била тенг.*³⁶⁶

Ўрни, халқ назарида эътиборли киши йўлини кичиклар каби кенг ва равон деб билмайди, чунки туянинг йиқилиши қўйнинг йиқилиши каби эмас, қўй йиқилса, туриб кетавериши мумкин, аммо туя йиқилар экан, унинг қайта турмоғи душвор. Ёки:

*Керак олий қадамнинг хавфи кўпроқ,
Улуғ ердан йиқилган қолмағай соғ.*³⁶⁷

Ўрни, тоққа чиқишда ҳаммадан олдинда юрган кишининг хавфи пастдагилардан кўпроқ бўлади, чунки баланд ердан йиқилган киши соғ қолмайди.

Охунд дада мазкур тавсияларга амал қилганлар. Айтишларича, бир гал ҳовлилари олдидаги йўл кенгайтирилиши муносабати билан қатор ҳовлилар бирма-бир бузила бошлайди. Ҳашарчилар Охунд дада ҳовлисига келганда бузмай четлаб ўтишади. Буни сезиб қолган Охунд дада ўзлари девор бузишни бошлайдилар, ҳашарчилар ҳам ёрдамга келишади.

*Хайрихоҳликдан улуғ инсонга хислат бўлмағай,
Қизганишликдан ёмон оламда бидъат бўлмағай.*

Қибласини тўғрилаб қурайлик

Айтиш жоизки, қишлоқ ижтимоий-маънавий ҳаётида Охунд даданинг ўрни салмоқли бўлган. Нафақат маҳаллий аҳоли балки

³⁶⁶ Сўфи Оллоёр. “Сабот ул-ожизин”. Тошкент – “Меҳнат”. 1991.22-б.

³⁶⁷ Сўфи Оллоёр. “Сабот ул-ожизин”. Тошкент – “Меҳнат”. 1991.22-б.

баъзи ижтимоий мавқега эга кишилар ҳам у зотни эҳтиром қилган ва кўп соҳаларда у зот маслаҳатларига таяниб иш кўришган. Улар жумласида ўша даврда жамоа хўжалиги раҳбарларидан Солижон ота Раҳмонберди ўғли ҳам бор эди. Лекин замон тақозосига кўра, бу ишлар ўзаро бажарилар эди.

Ҳозирда мазкур қишлоқда “Абдуссамад Охунд” номи билан аталувчи жомеъ масжид мавжуд. Мустақилликнинг илк йиллари қишки дам олиш биноси ўрнида фаолият бошлаган масжиднинг дастлабки биноси ўша даврда жамоа хўжалиги раҳбарларининг ташаббуси билан тез фурсатда қуриб битқазилган эди. Қурилиш аслида ўтказилаётган янги йўл Охунд дада ҳовлиларини кесиб ўтишини англаган кишиларнинг тадбири эканини ўшанда кўпчилик билмаган. Энг қизиғи, “Бинонинг қибласини тўғрилаб қурайлик, вақтлар келиб масжид бўлиб қолар”, дейишлари эди. Истиқлол туфайли бугун ўша ният амалга ошиб, бино масжидга айлантирилди. Ундан ҳам эътиборлиси, масжид Охунд дада номига “Абдуссамад охунд” жомеъ масжиди деб аталиши эди.

Мазкур воқеадан юқорида номи тилга олинган жамоа хўжалиги раҳбарларининг соғлом фикр ва мулоҳазали кишилар экани англашилади. Бугина эмас, улар хўжалик ҳудудида амалга ошириладиган кўп ишларда Охунд дада маслаҳатлари билан иш кўришган. Улар тарафидан қийналган ва кам таъминланган кўплаб оилаларга керакли ёрдамлар киритилиб туриши ҳам Охунд даданинг тавсиялари билан бўлган.

Тарихдан маълумки, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган барча ҳукмдорлар шайбонийлар, ғазнавийлар ва темурийлар ва сўнгги хонликлар даврида ҳам ҳукмдорлар юрт бошқаруви чоғи уламолар, айниқса тасаввуф шайхлари маслаҳати билан иш кўришган. Бу ўзбек давлатчилигининг ўзига хос фазилати, аждодларимизнинг доноликлари сифатида эътиборга моликдир. Мазкур синф вакилларининг таъсир доираси шунчалик кучли бўлганки, ҳар қандай ҳукмдор ҳам мамлакатни идора қилишда уларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўришга интилган. Бунга буюк соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти ёрқин мисолдир. У зот ўз фаолияти мобайнида доим сайидлар (пайғамбар авлодлари),

тасаввуф шайхлари маслаҳати билан иш кўрганлар. Яқин тарихимизда ўтган Қўқон хонларидан амир Умархон ҳам асосан, уламолар фикри ва улар фатвоси билан иш кўргани манбаларда тилга олинади.³⁶⁸

Бир сўз билан айтганда, қадимдан нафақат илм аҳли балки, тасаввуф ва тариқат пешволари, улуғ орифлар халқимизнинг ахлоқий тарбияси, маънавий-маърифий камолотига катта таъсир кўрсатган. Шоҳу шахзода, амиру беклардан тортиб, ҳунарманд ва шоиргача сўфийларга эътиқод қўйиб, уларни Аллоҳнинг азиз бандалари ҳисоблаб ҳурмат қилганлар. Чунки тасаввуф аҳли халқимиз назарида поклик ва ҳақсеварлик, донолик ва заковат, илоҳий асрордан боҳабарлик тимсоли сифатида танилган.³⁶⁹

Абдуссамад Охунд дада гарчи расмий диний арбоб ёки муайян тасаввуф тармоғининг бошқарувчиси вазифасини бажармаган бўлсаларда, бироқ ўзлари яшаган қишлоқ маънавий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган эдилар. У зотнинг мазкур қишлоқда бўлиши бу ерда мусулмончилик анъаналарини янада раванқ топишига катта таъсир ўтказган. Уларни халқ орасида ва хусусан, баъзи юқори табақали кишилар ўртасида тутган мавқеи, аввало, қишлоқда осойишталикни барқарор туришига, аҳоли ўртасида мусулмончилик анъаналари унутилиб кетмай, сақланиб қолишига хизмат қилган.

Шайтонга ҳужжат бўлмасин, дедим

Охунд даданинг тавозелари борасида у зотни ўзлари танлаган йўлда мустаҳкам туриб, унга халал берадиган ҳар қандай ишдан қалб амри ва имон тақозосига кўра сақлана олганларини ҳам келтириш мумкин. Тадқиқотлар маълум қиладики, Охунд дада ҳар бир ишни бажаришда биринчи галда имон тақозосига кўра иш кўрганлар. Бирор куч у зотни ўз хоҳиш ва истагига юргизишга мажбур қила олмаган. Бу чинакам имон ва мустаҳкам тақво сифатида эътиборга молик.

³⁶⁸ Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият» 2005. 97-98-б.

³⁶⁹ Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-рисола ал-Қушайрийя»... 36-б.

1951 йилда Охунд дада яшайдиган қишлоқда ҳаммом қурилади. Ҳаммом очилиши олдидан ташкил этилган анжуманга таклиф этилажак кишилар рўйхатида Охунд даданинг ҳам номи бор эди. Лекин у зот қабул қилмайдилар. Бир-икки таклиф қиладилар, барибир узр айтадилар. Анжуман бўлиб ўтади.

Анжумандан кейин яқин кишилардан бири қизиқсиниб, бу ҳақда сўрайди. “Шайтонга ҳужжат бўлиб қолишидан кўрқдим, чунки шундай катта ҳаммомни биринчи бўлиб сен очиб бердинг, деб васваса қилиши, бу эса нафсимни қувонтириши нари эмас”, – дейдилар.³⁷⁰

*Дилга шайтон кирса тоатларни бозори қилур,
Турфа найранглар билан анга харидори қилур,
Ҳар тарафлардан хатарлар сийнага жсорий қилур,
Ҳақ карам қилса агар тавфиқи дилдори қилур,
Бандайи ожизлигингни инсоф илан иқрор қил.*

Бу гаплар китобда йўқ

Маълумки, Исломда мўмин кишининг обрўси унинг моли ва қони билан баробар саналади. Ҳеч ким бошқа бировнинг обрўсини тўкиши мутлақо мумкин эмас. Шунингдек, кишига ўз обрўсини ўзи сақлаши лозим, негаки, ўз обрўсини ўзи сақламаса, бошқалар сақламаслиги аниқ. Салафи солиҳларимиз бу соҳада жиддий эътиборли бўлганларини кўраимиз. Улар кишилар билан муносабатларда имкон қадар обрўни кетказувчи тамаъ иллатидан сақланишга ҳаракат қилганлар.

Масалан, Ибн Мухайриз кунларнинг бирида кийим сотиб олиш истагида чақа пул билан бозорга чиқадилар. Шунда бир киши сотувчига: “Бу Ибн Мухайриз бўлади, савдони чиройли қилинг”, – дейди. Шунда Ибн Мухайриз савдони тўхтатиб дўкондан чиқиб кетади ва: “Биз фақат пулларимиз билан сотиб оламиз, динимиз билан сотиб олувчилардан эмасмиз”, – дейди.³⁷¹

Қил ҳазар ёлгончиликдан файзи инсонлик кетар,

³⁷⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 2014.

³⁷¹ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 21-б.

Юрмагил ҳаргиз тамаъ бирлан гадодек дарбадар.

Имом Бухорий Муҳаммад ибн Мункадирдан у киши отасидан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кишининг ўз обрўсини сақлаш йўлида қилган ҳар бир иши садақадир”, деганлар.³⁷² Ҳадисни шарҳлаган уламолар обрўсини сақлаб юриш кишига лозим эканини айтганлар.³⁷³

Самъоний “Ат-тахбир фи муъжам ал-кабир”да тарихда ўтган баъзи салафларни обрўларини сақламаганига доир маълумотларни келтирар экан, бу иш уларни айнан бозордаги муомалаларда кўзга ташланганини айтади.³⁷⁴ Изланишлар шуни кўрсатдики, Охунд дада фаолиятлари давомида бунга жиддий эътибор берганлар. Бу ҳақда шогирдларидан Маҳмуджон домла шундай дейди:

“Охунд даданинг хузурларига борсам: “Келганингиз яхши бўлди, бирга бозорга бориб келсак”, – дедилар. Биз йўлга тушдик. Кетишда: “Бошқа йўлдан юринг”, – дедилар. Етиб боргач, қўлимга пул бериб: “Кириб, кўп талашмасдан, яхши нарсалардан кўпгинадан олинг”, – дедилар. Бозорга кириб, гилос, қулупнай, бодринг кабиларни олдим. Қайтишда: “Энди бошқа йўлдан юринг”, – дедилар.

Ҳовлига келгач, меваларни идишларга солиб набиралар қўлига бердилар ва: “Буни ана бу қўшнига, мана буни эса у қўшнига бериб чиқ”, – дедилар. Қолганини бирга баҳам кўрдик. Қайтмоқчи бўлганимда: “Бугунги ишдан нима хулоса олдингиз”, – дедилар. Мен: “Ўзингиз айтиб бераверинг”, – дедим.

Аста сўз бошладилар: “Сиз ҳам анчадан бери мен билан юриб, одамлар орасида “фалончининг шогирди” дея танилиб қолдингиз. “Сотувчи билан талашманг, оз олманг, яхшисини олинг” деганим, сизни билганлар, “Бу муллаваччалар кам олади-ю, кўп тортишади ва ёмонини олади”, деб маломат қилмасин”, – дедим. Бошқа-бошқа йўллардан юринг деганим кўчада ўтирганлар

³⁷² Ибн ул-Ҳажар. “Фатҳул Борий”. 10-ж, 444-б.

³⁷³ Ибн Қудом Ал-Мақдсий. “Мухтасар минҳож ул-қосидин”. 3-ж, 63-б.

³⁷⁴ Абу Саъд Ас-Самъоний. “Ат-тахбир фи муъжам ал-кабир”. 1-ж, 156-б.

билмасдан нотўғри гумонга бориб, гуноҳкор бўлмасин, дедим. Эҳсонни болалар орқали берилса, ёшлигидан беришни ўрганади. Асосийси, ўша нарсани егиси келиб турган киши бўлса, унинг таважжуси болага тушиб, болани солиҳ бўлиб ўсишига сабаб бўлади,” – дедилар, кейин: “Бу гаплар кулоққа тушиб қолаверсин, булар китобда топилмайдиган гаплар”, – деб кўшиб кўйдилар”.³⁷⁵

*Бахил бўлма жаҳонда эй биродар аҳли ҳиммат бўл,
Топарсан халқу Холиқдан ризолар аҳли ҳиммат бўл,
Ғарибу бенаволардан дуолар аҳли ҳиммат бўл,
Топилмас дарди хиссатга даволар аҳли ҳиммат бўл,
Лаимдан чиқса нон, жон чиққани янглиг алам айлар.*

Агар Охунд даданинг савдо жараёнларида қўллаган одобларини ҳам таҳлил қиладиган бўлсак, уларда ҳам кўплаб ибратлар борлигини кўраимиз. Шогирдларидан Соқиматжон ота ўғли шундай дейди:

“Охунд дада билан бир жойга борадиган бўлдик. Бозор уни бўлгани учун йўлимиз эски буюмлар сотиладиган расталар олдига тўғри келди. Расталар қаторида юпун кийинган бир кишини ерга ёзилган қоғоз устига уринган бир жуфт пойафзални кўйиб ўтирганини кўрдик. Бир оз юргач Охунд дада ортга қайтдилар ва ундан нархини сўрадилар. У: “Тўрт сўм”, – деди. Охунд дада айтган нархини бериб, сотиб олдилар. Дархол қўлларидан олдим, лекин буни нима учун олганларига ҳайрон бўлдим.

Йўлда ўзлари сабабини айтдилар: “Буни нима учун олди эканлар, деб ўйлабсизми?! Кўряпсиз, буни ночорликдан олиб чиққан, шунга эҳтиёжи бўлмаганда чикмас эди, ҳеч ким олмагани учун ўтирибди, кўринг, иши битганига хурсанд бўлди”, – дедилар. Кейин: “Буни бирор муҳтожга берсак, яна бир кишини хурсанд қилган бўламиз,” – деб илова қилдилар”.³⁷⁶

*Хайрихоҳлик яхшиликни халқ аро одат қилинг,
Топсангиз кўнгли синуқни шод ул соат қилинг.*

³⁷⁵ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

³⁷⁶ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

Охунд дада шогирдларига насиҳат қилиб, шундай деган эдилар: “Бозордан бирор нарса харид қилмоқчи бўлсангиз, сотувчига миқдорини айтиб ўзингиз орқа ўгириб тулинг, у хоҳлаганини тортиб берсин. Бу билан сиздан кейинги харидорларни ҳаммасига яхшилик қилган бўласиз. Аммо бу ҳеч ким билмайдиган бериё яхшиликдир”.

Охунд даданинг бу борадаги яна бошқа насиҳатлари ҳақида ёш болалик пайтида у зот хонадонидида истиқомат қилган Абдусаттор ҳожи ота шундай дейди:

“Қачон Охунд дада билан бозорга бормоқчи бўлсак, муаллим ачам, “мана тайёрлаб қўйдим,” деб уч тўртта халтани қўлимга берар эдилар. Бозорга доим пешиндан кейин чиқар эдик. Бозорда Охунд дадани таниган кишилар, “мана буни олиб қўйинг”, деб баъзи нарсаларни кўрсатишар эди. Охунд дада уларни тортишмай, айтган баҳосига сотиб олар эдилар. Мен халталар тўлди демагунимча олаверар эдилар. Уйга келгач халталарни бўшатаётган пайтимизда муаллим ачам баъзи нарсаларни кўрсатиб: “Дадангизга айтмадингизми, буларни нима қиламиз”, – дер эдилар. Буни эшитиб қолган Охунд дада: “Ўшалар шунга зориқиб чиққан, сотсам болачакамга бирор нарса олиб бераман деган, шунинг учун сотиб олдик”, – дер эдилар.”

Фазлиддин махдум Абдужалил ўғли шундай дейди: “Қариндош бўлганимиз учун тез-тез Охунд даданинг зиёратларига кириб турар эдим. Бир гал бирга бозорга бориб, керакли нарсаларни харид қилдик. Охирида қовун олдик. Қовунларни қопга жойлаб юраётсак бир эски чопон деҳқон етилмаган ҳамак сотиб ўтирган экан. Бечораҳоллиги шундоқина билиниб турар эди. Охунд дада уни кўриб: “Ҳа, қовун олиб келибсиз-да,” – дедилар. “Ҳа, шундай,” – деди. Уч тўртта қовунни кўрсатиб: “Қанча деяпсиз?” – дедилар. У нархини айтди. Охунд дада айтган нархни бериб олдилар, тортишмадилар, ваҳоланки, аввалги деҳқондан савдолашган, унинг қовунлари яхши, бу эса ночор эди.

Ҳовлига келгач қовунларни кўрган муаллим ача: “Буларку яхши, мана буларни нима учун олдиларинг, махдум”, – дедилар, менга ҳамақларни кўрсатиб. Уни эшитган Охунд дада яқин

келдилар ва: “Ахир, шуниям бир деҳқон меҳнат қилиб, пишириб (етиштириб) олиб келибди, эҳтимол, ўғил-қизларига: “Қовун пишса, бирор нарса олиб бераман дегандир, ё рўзғорга зарурий нарса олармиз”, деган умиди бордир, шуниқидан ҳам олдик, маъқул бўлса ерсизлар”, – дедилар”.³⁷⁷

Сотадиган бошқа нарсаси йўқ

Охунд даданинг қўшниларида Орифжон ҳожи ота Ботиржон ўғли шундай дейди: “Бир куни Охунд даданинг хузурларига кирсам: “Бир бозор айланиб келсак,” – дедилар. “Хўп”, – дедим. Бирга Фарғона бозорига бордик.

Қиш кунлари эди, яхшигина қор ёққан. Бозор айланиб юрар эканмиз, устига қалин матоли кийим кийган, қалпоғини бошига бостириб олган новча бир кишини сувоқчиларнинг лой чўмичи ва текисловчи асбобини олдиға қўйиб турганини кўриб қолдилар. Ундан: “Буларни сотасизми?” – дедилар. “Ҳа”, – деди. “Қанча баҳо айтяпсиз?” У маълум баҳони айтди. Охунд дада ўша баҳоға сотиб олдилар. Мен қўлларида олдим. Йўлда сабрим чидамай буларни нима учун олганларини сўрадим. У зот: “Кўряпсизми, унинг сотадиган бошқа нарсаси йўқ, бўлганида ўшани олиб чиқарди, муҳтожликдан чиққан”, – дедилар ва: “Бирор нарсаға ишлаб қолар”, – дедилар.

Яна бир гал бозорда уринган меваларни сотиб ўтирган деҳқонни кўриб қолдилар ва ундан тортиб беришини айтдилар. У идишға солаётиб: “Сиз ҳам солаверинг”, – деди. “Йўқ, ўзингиз солиб бераверинг”, – дедилар ва орқа ўгириб турдилар. Мен: “Охунд дада, ахир яхши мевалар турибдику, уларни ҳам шу нархға беради”, – дедим. “Кўряпсизми, меваси ночорлиги учун ҳеч ким олмаяпти, кечгача шундай ўтираверса ўксиниши мумкин, бир оз бўлса-да кўнгли олинди, энди уйига қуруқ қайтмайди”, – дедилар. Кейин: “Бирор нарса олмоқчи бўлсангиз, шунақа одамлардан олинг”, – дедилар”.³⁷⁸

³⁷⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2014.

³⁷⁸ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

*Сиз муслмонзодадурсиз Тангрига тоат қилинг,
Хайрихоҳлик яхшиликни халқ аро одат қилинг,
Топсангиз кўнгли синукни шод ул соат қилинг,
Сийнадин кибру ҳаво ҳирсу ҳаво горат қилинг,
Зоҳиру ботинда бўлсин сидқу эҳсон, рўзадур.*

Гўшт харид борасида қандай йўл тутишлари ҳақида Охунд дада шундай дейдилар: “Қассобга гўшт миқдорини айтиб ўзим орқа ўгириб тураман, у хоҳлаган суягини кўшиб тортиб бераверади”. Бунинг сабабини сўрашади. “Ўша суякни менга тортиб бермаса бир камбағалга кўшиб бериши, натижада унга зулм бўлиши мумкин. Шундай қилсам бошқаларга камсуяк қилиб тортиб беради. Бу кўпчилик билмайдиган яхшиликдир”, – дейдилар”.

*Керак ҳар кимсани таврига лойиқ саъй дунёда,
Муслмон бандани кори ҳамиша хайру эҳсондур.*

Охунд даданинг фарзандларидан бири шундай дейдилар: “Отам бир куни бозордан бир халта олма олиб келдилар. Онам дарҳол олмани очиб кўриб: “Эй махдум (Онам отамга шундай деб мурожаат қилар эдилар) олмани олаётганингизда бир қараб олмасизда, ачиганини кўшиб берибди”, – дедилар. “Олмани эгасини суюнтириб келдим, тортаётганида орқа ўгириб олдим сотувчи хотин мени кўрмади, деб шундай суюндики, бир кампирни дуосини олсам яхши эмасми? Ҳам савдо қилди, ҳам ҳожати чиқди”, – дедилар. Онам индамай қолдилар”.

Айтишларича Охунд дада кишига бир эҳсон бермоқчи бўлсалар, уни қабул қилмаслигидан кўрксалар, унга бирор кичик хизмат буюриб, уни бажариши билан унга ният қилган нарсаларини берар эканлар. Аслида бундан мақсад унинг рўзғоридаги қийинчиликни бир оз енгиллатиш бўлар экан.

Тарихга мурожаат қилсак, кўплаб тариқат шайхлари ҳам авомнинг маслаҳати-манфаати учун қиладиган ишларини шу тарзда адо этганларини кўрамиз. Рашаҳот муаллифи Хожа Али Рометоний (қуддиса сирруху) нинг маноқибларида шундай келтиради:

“Ҳазрати Азизон (Рометаний) ғайбий ишоратлар билан Бухородан Хоразмга келганларида бир гўшаеда ўлтириб, тариқи хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум (Аллоҳ руҳларини муқаддас қилсин) га машғул бўлдилар. Ва ҳар сабоҳ муздургоҳ (мардикорлар бозори) га келиб, бир-икки муздур тутиб, уйга олиб келиб ойтур эрдиларким: “Таҳорати қомила қилинг ва бугун то намози дигар (аср) гача таҳоратлиғ бизнинг била суҳбат тутунг ва зикр айтинг, ондин сўнг муздингизни олиб кетинглар”. Алар жон бирла миннатдор бўлур эрдилар ва то намози дигаргача Ҳазрати Азизоннинг мулозаматларида бўлур эрдилар. Вақтеким, бир кунни бу тариқ бирла ўтқарсалар, ҳазрати Азизон суҳбатларининг баракотидан, ботинларининг тасарруфи ва таъсиридин ул одамларда сифате пайдо бўлар эрдиким, мундин сўнг аларнинг остоналари мулозаматидин кетмоқ ва жудо бўлмоқнинг имкони бўлмас эрди...”³⁷⁹

Кўриниб турибдики, келтирилган мисолларнинг ҳар бирида Охунд даданинг атрофидаги кишиларга нисбатан хайрихоҳ эканлари кўриниб турибди. Асарларида ҳам бу билан боғлиқ фикрлар ўз аксини топган.

*Ҳама халқи Худога айлагайсан яхшилик пеша,
Раво кўрма ёмонликни бировга қилма андеша,
Адоват тухмидан дил мазраиға олмасун реша,
Биров қасдини қилган ўз оёғига чопар теша,
Ҳама инсон бориб охир ёмонликдан надам айлар.*

Охунд дада кишиларни камбағалпарвар бўлишга тарғиб қилиш билан бирга суҳбатлари доим улар билан бўлган.

*Агарда аҳли дунё суҳбати вақтингни чоғ айлар,
Фақиру бебизоатлар гапирса бедимоғ айлар,
Захорифларни нури тушса чашимингни чирог айлар,
Ҳаваслар норасо бўлганлиги вақтингни доғ айлар,
Бўлурми маърифат оинаси қалбингда нуроний.*

³⁷⁹ Фахриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 63-бет.

Абу Толиб Маккий “Қут ул-қулуб”да шундай келтиради: “Ҳасан ибн Али бир куни йўлда тиламчиларнинг олдидан ўтиб қоладилар. Уларнинг олдида қотган синиқ нонлар бор эди. Уларга салом берадилар. Улар: “Эй Расулуллоҳ қизининг ўғли, таомга келинг”, – дейишади. У зот ҳачирларини буриб, ерга тушадилар, улар билан ўтириб, нондан ейдилар ва: “Аллоҳ таоло мутакаббир кимсаларни яхши кўрмайди”, – дейдилар. Кейин уларни ўз ҳовлиларига меҳмонга чақирадилар ва ходимларига: “Буларга ўзларинг учун тайёрлаган нарсаларингни олиб келинглар”, – дейдилар ва бирга баҳам кўрадилар”.³⁸⁰

Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху): “Аллоҳ таоло кимни дўзах ўтидан саклаб, салқиндан жой беришини истаса, мўмин кишига чин қалбидан меҳрибон бўлсин”, – деганлар.³⁸¹

Охунд даданинг фарзандлари айтадилар: “Отам рўзғорда кенг феъллик билан муомалада бўлар эдилар, ниҳоятда болажонлик бўлиб, доим қучоқларида бир бола, тилларида зикр, ёки болани эритадиган шеър ёки қасида ўқир эдилар, болалар уни тинглаб тезда ухлаб қолар эди. Йиғлаётган бола ҳам қўлларига олишлари билан тезда юпаниб қолар эди. Қишда сандал атрофида биз қизчалар “Сўфи Оллоҳёр” (Сўфи Оллоҳёрнинг “Маслакул муттақин” номли асари) ни ўқисак отам секин шарҳлаб берад эдилар”.³⁸²

Сухбатга Охунд дадани айт

Дехқонобод қишлоғида истиқомат қилиб Охунд дада билан яқиндан мулоқотда бўлган Рустамали эшон шундай дейди: “Бир куни бизникига Тошкентдан бир гуруҳ тариқат шайхлари ташриф буюрдилар. Уларнинг ҳар бири замонасининг етук кишилари эди. Таомилга кўра, меҳмонларни кўнглини олиш, улар билан мулоқот қилиш учун уларни ўзига яраша ҳамсуҳбат топиш керак бўлади. Ҳар қандай киши ҳам тариқат аҳллари билан тил топиб суҳбат қила олмайди. Мен нима қилишимни билмай бошим қотиб турганида

³⁸⁰ Абу Толиб Маккий. “Қут ул-қулуб”. 2-ж, 203-б. <http://www.alwarraq.com>

³⁸¹ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 74-76 бетлар.

³⁸² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2014.

Марғилоннинг Туттаги маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳмонали бува исмли қариндошим, “Сен буларга Абдуссамад Охунд дадани таклиф қилиб олиб кел, улар қалбига фақат шу зот йўл топа оладилар”, деди. Мен Охунд даданинг ҳузурларига бориб воқеани айтдим. У зот қабул қилдилар. Белгиланган пайтда етиб келиб суҳбат бошладилар, меҳмонлар орасида йиғламаган одам қолмади. Мажлис охиригача суҳбат Охунд дада бошчилигида адо этилди. Меҳмонлар ташрифдан мамнун бўлиб тарқалдилар.”

Ноҳақ қарғиш тегмайди

Айтиб ўтилганидек, маҳаллий аҳоли Охунд дадага ўзларини яқин тутгани учун ҳам турли муаммолари бўйича у зотга мурожаат қилиб, тегишли жавоблар олишар эди. Улар учун Охунд даданинг ҳовлилари доим очик эди, чунки ўзлари айтганларидек:

*Ҳама мўмин кишиларга муҳаббатда баробар бўл,
Азизу хорни қилгил, баробар арзини мақбул.*

Уларнинг Охунд дада билан бўлиб ўтган турли мавзудаги мулоқотларига доир воқеалар сақланиб қолган бўлиб, уларни синчиклаб ўрганиш асносида ўша давр кишиларига хос бир қанча хусусиятлардан хабардор бўламиз.

Шогирдларидан Сирожиддин Сайдуллоҳ ўғли шундай дейди: “Бизнинг ҳовлимиз Дўрмон қишлоғида бўлиб, кейинчалик сабабларга кўра, шаҳарга кўчиб кетган эдик. Қишлоқда отамнинг Жўра қори домла³⁸³ номи билан танилган устозлари бор эди. Доим табассумли, ҳалим ва мулойим бўлган бу зот ўз даврида забардаст олим эди. Отам бир куни устозни зиёрат қилиб келамиз, деб мени ҳам бирга олиб кетдилар. Қийинчилик пайтлари эди ўшанда, рўзғор тебратиш қийин, кишилар тайёр гуруч йўқлигидан ош қилиш учун шолини туйиб, гуруч чиқариб ош қилишар эди.

³⁸³Мулла Жўра домла Абдулкарим ўғли. 1878 йилда Дўрмон қишлоғида туғилган. Марғилон мадрасаларида таълим олган. 1953 йилда 75 ёшда вафот этган. Қабри Дўрмон қишлоғида.

Жўра қори домла бизни меҳмонхонага ўтказиб, ўзлари ҳовлига чиқиб: “Муаллим” дедилар аёлларини чақириб: “Домла келдилар, ош қилмасаларинг бўлмайди, шоли туйинглар”. Аммо домланинг гапларига жавобан у киши: “Шолини ўзингиз туяверинг”, – деб бир жеркиб берди. Домла бундан хижолат бўлдилар. Отам ҳам буни англадилар ва у аёлга қариндошликлари борлиги учун: “Ойимча муаллим”, – дедилар, биласизми, одамлар: “Ҳамма дўзахдан қочади-ю, аммо Дўрмонда дўзахга тушишни хоҳлайдиган тўртта аёл бор”, дейишяпти, уларнинг бири фалончи хола, бири фалончи, яна бири Падажойдаги фалончи, тўртинчиси сиз экан, чунки шундай улуғ зотга хизмат қилмаганнинг оқибати шундай бўлади,” дейишяпти”, – дедилар. У аёл: “Вой ўлай, вой ўлай, тавба қилдим”, деб юриб нари кетди.

Жўра қори домла отамга қараб: “Домла, буларни бир-бирига жуфтлаганингизни қаранг, шунга мени ақлим етмас экан”, деб жавобларидан хурсанд бўлган эдилар. Бу билан отам аёлларнинг эрига хизмат қилиши улкан шараф ва охиратлик озуқа эканини эслатган эдилар”.

Юқорида тилга олинган тўрт нафар аёлдан бирининг Комила исмли келини бўлиб, у бизга қариндош эди. Хола доим келинига: “Тобутингни кўрмасам, рози эмасман”, – деб қарғар экан. У бечора бир куни менга йиғлаб: “Охунд дададан сўраб кўрингчи, қарғаётганидан кўрқаяпман”, – деди. Охунд дада ҳузурларига борганимда бу ҳақда сўрадим. Тинглаб туриб: “Бунақа аёллар ҳамма жойда бўлади, бизнинг Хотинариқда ҳам бор эди. Уни Адолат исмли келини бўлиб, доим уни қарғар эди, ваҳоланки, ўзи сахар туриб зикр айтарди. Баъзан келинидан кўнгли қолган куни зикр билан бирга: “Адолатни бўйни узилсин, иллаллоҳ, Адолатни бўйни узилсин, иллаллоҳ”, деб айтарди. Кампирнинг бўйни узилиб, кўкариб чикди, аммо Адолат ҳозир ҳам бор. Опангизга бориб айтиб кўйинг, ноҳақ қарғиш ҳеч қачон тегмайди, ноҳақ қарғиш ўз эгасининг бўйинини узади”, – дедилар”.³⁸⁴

Эй биродар, бу жаҳонда тавъамандур шоду гам,

³⁸⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Тахтақўприк 2014.

*Баъзига роҳат мулоқий бўлса баъзига гам,
Боиси қурбат эрур, шукр айламоглик сабр ҳам,
Бўлмагай тақдирдин ортиқ қадардин зарра кам,
Эътиқодингни бузиб бўлма хижолатдин, гапур.*

Шу ўринда Фахриддин Али Сафий келтирган куйидаги воқеани эслаб ўтсак. Муаллиф Шайх Хованди Таҳур (қуддиса сируруху) нинг зикрида куйидаги воқеани келтиради.

“Алар ҳазрати шайх Умар Богистонийнинг фарзанди бузрукворлари турур. Улуми зоҳирий ва ботинийга олим эрдилар. Ўз волиди шарифлари (оталари) нинг зилли (соясси) тарбият ва иноятларида бўлур эрдилар, аҳли валоятнинг даражоти олийлариға етушдилар. Бовужуди онинг билан (шундай бўлса ҳам яна) ҳам турк машойихларининг баъзилари суҳбатида фавойиди кабира (катта фойдалар) касб этдилар.

Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий) ўзларининг амакилари Хожа Муҳаммад алайҳи-р-рахмадан нақл этдиларким, айтдилар: “Шайх Хованди Таҳурга Туркистон азимати (боришни истамоқ) бўлди. У ерда Хожа Аҳмад Яссавийнинг хонадони улуғларидан Тенгиз шайхнинг суҳбатини топиб, ундан фойдалар олдилар. Қачонки, унинг манзилига нузул қилдилар (бориб тушдилар), Тенгиз шайх табх (таом пиширмоқ) қа ўзлари мубошир (боши) бўлдилар. Онинг бир ҳукмрон заифаси (аёли) бор бўлиб, аёлларга тааллуқли ишлар – ош пиширмоқ, нон ёпмоқни ул этмас эрди. Тенгиз шайх ўзлари ош пиширмоқда эрдилар, ўтун ҳўл эркан, ўт яхши равшан бўлмади. Шайх бошларини ўчоққа ва кулга элтиб, эҳтимом (ҳаракат) этдиларким, ўт ёнгай. (Шу пайт) Шайхнинг заифаси келиб, шайхнинг бошига бир косов урди юзлари, бир ваажҳеким юз ва соқоллари кул билан олуда бўлди (буланди). Лекин ул заъифанинг жафосига сабр этуб, ҳеч сўзламадилар. Табху таом (пиширмоқ) дан фориг бўлдилар, андин сўнг Шайх Хованди Таҳурнинг жамиъи воқеъот ва мушкилотлари (пайдо бўлган савол ва муаммолари) ни баён этиб, ҳаммасини ҳал этдилар.

Мана шу пайтда Шайх Хованди Таҳур дедилар: “Бизнинг бу мушкилларимизни ҳал эттингизким, бовужуди сиз мунга камолоти маънавийя улуми динийя била, (аммо) ул на эрдиким, манкуҳа

*(жуфту ҳалолингиз) нинг жафосига таҳаммул (сабр) кўргуздингиз? Ва они ул беадабликда зажр (койиш) этмадингиз?” Шайх айдилар: “Бизга бу улум ва аҳвол (маънавий ҳоллар) нинг зуҳури (ҳосил бўлиши) жоҳилларнинг жафосига сабру таҳаммул этгонимизнинг воситаси била турур”.*³⁸⁵

Салафи солиҳлар зикри баён қилинган китобларда уларнинг аёлларидан етган баъзи озорларга сабр қилишлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Улар кўп ҳолларда аёлларининг ноқобил, эрига итоатсиз бўлишини ўзларидаги нуқсондан деб билишлари айтилган. Улар, агар мен Роббимнинг ҳақларини яхши адо қилганимда, аёлим чиройли муомала қилган бўлур эди, бу иллатни ўзларидан деб билишар экан. Баъзилари менга унинг зараридан кўра фойдаси кўпроқдир, дея мазкур озорларга сабр қилганлар.³⁸⁶

³⁸⁵ Фаҳридин Али Сафий. Рашаоту айнил ҳаёт... 272-бет.

³⁸⁶ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 70-б.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ВА ЗАМОН АВЛИЁЛАРИ

Биз Қоил Марғилоний фаолиятларини ўрганар эканмиз, у зотни замон авлиёлари билан муносабатларига ҳам қизиқдик. Маълумки, қадимдан Марказий Осиёнинг турли шаҳар ва қишлоқларида авлиёлар жамоасининг турли вакиллари истиқомат қилишган. «Сўфий», «девона», «дарвеш», «хароботий», «қаландар», «мажзуб» каби номлар остидаги бу каби кишилар ҳар қадамда учраган. Улар турли тадбирларда, бозор ва масжидларда, хонақоҳ ва зовияларда одамларга аралашиб юришган бўлса-да, ўзларига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Халқ орасида уларнинг «киликлари»ни тушунган ва тушунмаган кишилар ҳам бўлган. Чунки улар кўп ҳолларда фазилатларини халқдан яширишга ҳаракат қилганлар.³⁸⁷

Ҳозиргача уларнинг кароматлари, ибратомуз ишларига доир турли воқеалар маҳаллий халқ орасида сақланиб қолган. Аслини олганда, халқимиз азалдан «Тангри ардоғидаги» шундай кишиларга айрича эҳтиромда бўлиб келган. Уларнинг назарини топиш, дуосини олиш ва қалбига йўл топишга ҳавасманд бўлишган. Ўз ўрнида уларнинг назаридан қолиш, қарғишига учрашни оғир фалокат ва хору зорликларга сабаб деб, билишган.

Аҳли суннат вал жамоат эътиқодида бўлган машҳур алломаларнинг китобларида ҳам бу билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди. Уларда қиёматгача ер юзида валий зотлар бўлиши айтилиб, уларнинг адад ва номларигача аниқ маълумотлар келтирилган.³⁸⁸

Марғилоннинг кейинги юз йиллик тарихида ҳам бу каби зотлар сони анчагинани ташкил қилади. Биз 1996–2013 йиллар орасидаги изланишлар натижасида Марғилонда истиқомат қилган Аҳмад авлиё, Эшон девона, Хожа Аттор, Мамажон (Муҳаммаджон)

³⁸⁷ Нақшбандийя тариқатига оид кўлёмалар фикристи. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1993. 119-б.

³⁸⁸ Абдурахмон ибн Камолитдин Жалолитдин Суютий. “Ад-дуррул мансур”. Дорул фикр. Байрут. 1993.1-ж,76-б.

авлиё ва Тўхтасин қори каби авлиёларнинг шахси ва ибратли ишлари ҳақида қизиқарли маълумотларни топишга эришдик.

Абдуссамад Охунд дада билан бир даврда Марғилонда Мамажон авлиё ва Тўхтасин қори номи билан машхур авлиёлар яшаб ўтишган. Улардан Тўхтасин қори авлиё билан муносабатларига доир маълумотлар аниқланди.

Маълум бўлишича, Охунд дада мазкур зотга алоҳида эҳтиромли бўлганлар. Хўш, “Тўхтасин қори” номи билан машхур бўлган бу зот ким эди?

Ўтган асрнинг учинчи чорагигача бўлган даврда Марғилонда яшаган мазкур авлиё шахар аҳолиси орасида ўзига яраша обрўга эга шахс бўлган. 1908 йилда Марғилоннинг Бачқир маҳалласида таваллуд топган. Оталари Бойбува исмли киши бўлиб, халқ орасида “Бойбува саркор” номи билан машхур эди. Саркорнинг Ўрда Таги маҳалласида дўкони бўлиб, у ерда кичик савдо билан билан шуғулланган. Оналари ҳам бўлажак авлиёнинг онаси сифатида ўзига хос фазилатларга эга бўлган. Улар оилада уч фарзанд – икки ўғил, бир қиз бўлишган.

Авлиё тўрт ёшларидан Қуръон ўқишни бошлайди ва қисқа фурсатда уни тўлиқ ёд олади. Ўн тўрт ёшида Марғилон Хонақоҳ масжидида Қуръони карим хатмига ўтади.³⁸⁹ Исmlарига “қори” унвонини қўшиб айтилиши шундан. Кейинчалик эса қалblларига илоҳий ишқ – жазаба тушиб ўзларини бутунлай Ҳаққа бағишлайдилар ва доим унинг ёди билан машғулликда юрадилар.

Авлиёнинг бу йўлга кириш воқеаси шундай бўлади. Марғилонлик “Бек ота” номи билан машхур сандиқ дўкондори Улуғбек ота Бухоро мадрасасини битириб келган ўғли Назрбек охундга Бойбува отанинг қизини олиб беради. Назрбек охунд бу хонадонга куёв бўлиб қолгач, илм ўргансин учун ёш Тўхтасин қорини у кишига шерик қилиб беришади. Орадан бир неча йил ўтгач назрбек охунд ҳам дўкондорлик билан билан шуғулланади. Шу пайтда ҳам авлиё бирга бўлиб, дўкон ишларига кўмаклашиб юради. Бир куни Бек ота ўғлининг кўлига сармоя бериб: “Мана

³⁸⁹ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2014.

буни олиб Тошкентга бор, у ерда фалон исмли катта савдогар танишим бор, ундан мана бундай, мана бундай мол олиб кел” – деб жўнатади. Авлиё ҳам сафарда шерик бўлади.

Улар Тошкентга етиб боргач, бойнинг уйида бир неча кун меҳмон бўладилар. Бойнинг Тўхтасин қори билан баробар бўлган бир ўғли бўлиб, ҳар куни отасининг қўйларини адирга олиб бориб ўтлатиб келар эди. Бир куни авлиё поччасидан у билан бирга боришга рухсат беришини сўрайди. Почча рози бўлади. Улар биргаликда қўйларни ҳайдаб адирга кетадилар. Авлиё у ерда катта бир дарахт остида бир оз дам олган бўлади. Уйкудан турганида эса нимадирки, у зотда бошқача ҳолатлар пайдо бўлиб қолади... Улар шу қўйи уйга, у ердан эса ватанга қайтадилар.

Бу ерга келганларидан кейин: “Почча, энди мен дўконда ишламайман, менга ижозат беринг”, – дейди. Почча бунга унамайди, ишлари энди ривож топаётганини, тез кунда моллари яна кўпайишини айтади. Лекин авлиё бунга кўнмайди. Кўпинча ўзи билан ўзи машғул бўлиб юради. Шу орада Назрбек охунд катта бир анжуман қилади ва шаҳарлик савдогарлар билан бозор оқсоқоллари ва бошқа дўкондорларни ҳам таклиф қилади. Анжуман пайти дўкондорлар: “Бек ака, Тўхтасин қорини сиз ишлата олмаяпсиз шекилли, дўконда ҳам кўринмаяпти, ҳар жойларда юрибди экан, бизга берсангиз, биз ишлатайлик у кишини”, – дейишади. “Билмадим мени гапимга кирмай қолди, майли, ўзини чақирамиз, ишлайман деса ихтиёр ўзида”, – дейди у.

Авлиёни чақириб келишади. Почча: “Қори, буларни танийсиз, ҳаммалари бозордаги дўкондорлар, улар шундай таклиф киритишяпти, истасангиз бирорталарини танлаб, эртадан бошлаб дўконларига бориб турсангиз”, – дейди. Авлиё “хўп” деб ҳаммага бирма бир қараб чиқади ва охирида Назр охундга қараб: “Почча, ораларида илмли ва тақводори сиз экансиз, бир саволим бор, агар шунга жавоб берсангиз, майли ишлайман. Ўшанда ҳам улар билан эмас, сиз билан бирга ишлайман”, – дейди. “Хўп”, қани эшитайликчи”, – дейди. “Қани айтинглари, Парвардигори оламнинг даргоҳига менга ўхшаган бирор одамнинг ишламасдан Унинг ўзини ёди – дарди билан бирга юриши сиғармикан?! Сиғса,

мени тек қўйинглар, йўқ, сиғмайди десаларинг, майли у холда ишлаганим бўлсин”, – дейди. Саволни эшитиб ҳамма жим қолади. Орада бир киши йиғлаб ҳам юборади. Охири ҳаммалари: “Хай-хай, қори майли, ихтиёр ўзингизда, нима қилсангиз ўзингиз биласиз”, – дейишади.

Шундан сўнг авлиё ўзи билан ўзи машғул бўлиб юради, биров у кишини нима қиляпсан, деб суриштирмайдиган бўлади. Кўпроқ, Марғилондаги Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муоз ибн Жабал зиёратгоҳи³⁹⁰га бориб, ўша ерда тунаб қолар эканлар. У ерда яна бир машхур хароботий авлиё Мамажон (Муҳаммаджон) авлиё (ваф.1938) билан кўпроқ суҳбатлашибар эдилар. Улар маслаклари бир кишилар бўлишган эди.

Авлиёнинг шаҳардаги зиёратгоҳларга бориши билан боғлиқ воқеалар ҳақида марғилонлик Қуръон устозларидан Розикжон қори Ҳайдар ўғли (ваф. 1979) шундай дейди: “Биз талабалик пайтимизда Қуръонни Марғилоннинг Сармозор зиёратгоҳида чилла ўтириб ёд қилган эдик. Ўша пайтларда ҳар куни кишин-ёзин Тўхтасин авлиё бомдод намозига етиб келар ва бирга намозни ўқиғач, чиқиб кетар эдилар. У ердан тўғри Саткак зиёратгоҳига, ундан эса Ҳожа Муоз зиёратгоҳига бориб зиёрат қилгач, шаҳарга тушар эканлар”.³⁹¹

Ҳозиргача маҳаллий халқ орасидаги баъзи катта ёшли кишилар хотирасида авлиёнинг турли каромат ва баъзи ўзига хос “қилиқлари” сақланиб қолган. Биз бу билан боғлиқ маълумотларни йиғишга эътибор қаратдик. Ҳозирда Марғилонда Авлиёнинг жиянлари Муҳаммаджон хожи ота Назрбек охунд ўғли истиқомат қилади. У зот Авлиё билан боғлиқ хотираларини шундай ўртоқлашади:

³⁹⁰ Ҳожа Муоз зиёратгоҳи Марғилон шаҳрининг шимолий-ғарбий ҳудудида, ҳозирги Ёйилма маҳалласида жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга саҳоба Муоз ибн Жабал Абу Абдурахмон ал-Ансорий ал-Хазражий (ваф. 640. х.) нинг ўғли Абдуллоҳ ибн Жабал дафн этилган. Санк Петербургдаги Салтыков-Щедрин номли кутубхонанинг Шарк қўлёзмалари бўлимида мазкур зиёратгоҳга доир бир қанча қўлёзмалар сақланади. (Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. С.528.)

³⁹¹ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Баҳрин. 2014.

“Бир куни бозорга кетаётсам аёллар: “Мана буни ён қўшнимиз: “Тўхтасин қори авлиёга бериб қўйсаларинг, сизларникига тез-тез келиб турадилар”, деб берган эди, учратиб қолсангиз бериб қўярсиз”, – деб қўлимга эллик тийин пулни тутқазди.

Мен Гўри Аввал бозорига бориб, дўконни очиб, йигитлардан хабар олиш учун кетаётсам, Авлиё шитоб юриб келдиларда, мен билан кўришдилар, ҳали гапимиз тугамай: “Қўшнингиз берган эллик тийинни беринг”, дедилар...”

Марғилонлик савдогар Абдурахмон ота шундай дейди: “Бир гал бир дона рўмолни сота олмай анча вақт кўтариб юрдим. Нимадирки, ҳеч харидор келмас эди. Бир куни Авлиё шерикларимдан худди шундай рўмолни савдолашётганини кўрдим ва аттанг, билмабман-да, авлиёга сотар эканман-у, дедим. Кейин, сўрайверайчи яна олармикан, деб олдиларига бориб: “Қори ака, рўмолни қанчага олдингиз?” – дедим. “Эллик беш сўмга” – дедилар. “Менда ҳам бор эди олмайсизми?” – дедим. “Қани кўрайчи”, – деб рўмолни қўлларига олиб ерга ёзиб, у ёқ бу ёғини кўра бошладилар. Мен: “Олиб қўяверинг”, – дедим. У киши: “Танга борда, танга, бўлаверадими?!” – дедилар. “Майли, танга бўлса ҳам бўлаверади”, – дедим. Ёнларидан бир халта тангани олиб, ерга рўмол солиб тўкдилар ва уларни иккига ажратдилар. Бир икки тангани у ёқдан бу ёққа ташлаган бўлдиларда, бир тарафини кўрсатиб: “Шу ёғини олаверинг”, – дедилар. Мен тангаларни олиб уйга келдим. Санаб кўрсам, не кўз билан кўрайки, йигитлар сотган суммадан ўн тийин ҳам кам ёки ортиқ эмас эди...”³⁹²

Тўхтасин авлиёнинг баъзи кароматлари ҳақида у кишига хонадонидан жой бериб хизмат қилган Умаржон охунд Аҳмад охунд ўғли шундай дейдилар: “Авлиё бизнинг хонадонимизда ётиб юрар эдилар. Бу ерда етарли шароит яратиб берган эдик. Ҳар куни кечкурун то у киши кириб келмагунича дарвозани беркитмас эдим. Бир гал ҳовлимиздаги меҳмонхона битгач, унга янги гилам тўшадик. Кўрпачаларни ҳам янгилаб, меҳмонлар учун ҳозирлаган бўлдик. Тўшалган гилам ҳам, кўрпачалар ҳам бир-бирига муносиб

³⁹² Р. Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2014.

тушди. Келган меҳмонлар кўнглини олар эканмиз, деб хурсанд бўлдик. Бир куни кечқурун одатдагидек Авлиё кириб келдилар. Келганларини эшик очилганидан билдим. Дарвозани беркитмоқчи бўлиб борсам, не кўз билан кўрайки, Авлиё ҳовли орқасидаги ётоқларига эмас, тўғри меҳмонхонага оёқларидаги лойга ботган ўтиклари билан кириб кетибдилар. Кира солиб уй ўртасида ўйинга тушаётганларини деразадан кўриб қолдим. Кўрдиму, дарҳол дилимдан гилам ва кўрпачалар ўтди. Хаёлимни тугатмасдан туриб Авлиё уйдан чиқдилар-да, кўчага қараб юра бошладилар. Буни сездим у кишини орқага қайтармоқчи бўлдим. Шунда менга қараб: “Ва аммас-с-саила фала танҳар” – “Аммо соил-тиланиб келган кишини ҳайдаманг” мазмунидаги оят (Зуҳо сураси-10)ни биласизми?”, – дедилар. Мен: “Биламан, биламан, қори ака қани орқага юринг”, – деб зўрға олиб кирдим. У киши яна меҳмонхона кириб ётдилар.

Эрталаб тонгда ҳузурларига кирдим, не кўз билан кўрайки, на гиламда ва на кўрпачада бир танга ҳам лой ё гард йўқ эди...

Бошқа бир гал эса шундай бўлди. Ҳовлимиз юқорисида бир уй бўлиб Авлиё холи жой деб кўпинча ўша ерда турар эдилар. Биз таомларини ҳам ўша ерга олиб бориб берар эдик. Бир куни тушлик таомларини олиб кетаётиб, дилимдан: “Бирор марта ҳам Авлиёнинг намоз ўқиётган пайтларида кўрмадим, ибодат қилаётган бўлсалар безовта қилмай, деб оёқ устида охисталик билан босиб бордим. Етиб боришимга менга қараб: “Девонайи Машрабни ибодат қилаётганини чивинлар ҳам билмай қолишар экан”, десалар бўладими?”³⁹³

Изланишлар шуни кўрсатадики, авлиёнинг ҳаётлик пайтида унга хизмат қилган кишилар кейинчалик сердавлат бўлиб ҳаётлари роҳат ва фароғатда ўтган. Авлиё 1982 йил 12 январда йилда Марғилоннинг Хожа Эгиз маҳалласидаги Аҳмаджон ота Холмаджон ўғли ҳовлисида вафот этади. Қабрлари Хожа Эгиз қабристонига бино қилинган.

Охунд даданинг авлиё билан мулоқотларига доир баъзи маълумотлар сақланиб қолган. Айтишларича бир гал Хожа Эгиз

³⁹³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон –Хотинарик. 2014.

маҳалласида бир анжуман бўлади. Анжуманга шаҳарнинг кўплаб уламолари таклиф этиладилар. Абдуссамад Охунд дада ҳам ҳозир бўладилар. Сухбат асносида Тўхтасин қори авлиё лой кавушда кириб келади ва мажлис аҳлига салом беради. Алик олгач, унга жой берадилар. Мажлис қатнашчилари авлиёга унчалик эътибор бермайдилар, лекин Охунд дада у зот билан аҳволлашадилар:

– “Ҳа, қори ака, бормисиз?!”

– “Ҳа, борман”.

– “Қаерларда юрибсиз?”.

– “Қабристонда, юрибман, қабристонда! Мажнуннинг байтларидан айтиб берайми?”

Кўриниб турибдики, Охунд даданинг у зотга эътиборлари бўлган. Бундан олдин ҳам улар бир-бирлари билан кўришиб туришган. Энг қизиғи, авлиё Охунд дада ҳузурларига келса у зот билан соппа-соғ одамлар каби узоқ вақт суҳбатлашиб кетиши эди. Биз Охунд даданинг авлиё билан бўлган мулоқотини бежиз келтирмадик. Авлиёнинг “Қабристонда юрибман”, деган сўзлари ҳаёлимизга бошқа бир воқеа, аниқроғи мазкур воқеадан юз йилларча олдин Марғилонда содир бўлган яна бир тарихий воқеани ёдимизга солади. У Мулло Қаландар исмли бир авлиёдан содир бўлган воқеалар эди. Тўқсон ёшларга борганига қарамай доимо қабристон кезиб юрадиган, ётоқ жойи ҳам шу ерда бўлган мазкур қаландарнинг иши қабрлар атрофини айланиб, улар билан суҳбатлашиш ва ўзи учун шиор бўлган бир байтни доим такрор қилиб юриш эди. Унинг бу таажжубли ҳолати замон алломаси Хожажон қози Рожийга таъсир қилади ва унинг бу байтига бир байт қўшиб рубоий шаклига келтиради, кейин эса уни маснавийга айлантиради. Бу икки воқеани бир-бирига ўхшаш ери уларнинг ҳар иккисини ҳам қабристонда яшашидир. Қолаверса, ўшанда ҳам замон алломаси замон авлиёсига муносабат билдирган бўлса, орадан юз йилча вақт ўтиб яна бир замон алломаси яна бир замон авлиёсига муносабат билдиришидир.

Шуларни эътиборга олиб маснавийнинг таржимасини келтиришни лозим топдик. Чунки унда олға сурилган маънолар ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди, келтирилган фикрларга беихтиёр таслим бўлишга олиб келади. Эслатиб ўтамиз, маснавий

мухтарам Рожийшунос олим Муҳаммаджон Мадғозиевнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Уни бизга лутфан тақдим қилгани учун устозга ўз миннатдорлигимизни билдирамыз.

Ҳолоти мулла Қаландар

“Тўқсон ёшлардаги Мулло Қаландар қабристоннинг бир чеккасидаги қамишли уйида истикомат қилар эди. Уйланмай ёлғизликда ўтган, дунёнинг барча алоқаларидан қўл ювган эди. Орифона шеърлар ўқир, айниқса ҳар бир қабрнинг бошига бориб бу байтни ўқир эди.

*Баски, бу вайронада дўст ёридин топмай нишон,
Кўз ёшим туфроққа томгай ҳокларин ўпмоқ бўлиб.*³⁹⁴

Шайх Саъдийнинг “Бўстон”у “Гулистон”и унинг қўлида эди. Улардаги ҳикояту воқеотларни ўқиб, девонавор чарх урар эди. Унинг бу каби ҳолати мазкур сатрлар муаллифи (Рожий) га таъсир қилиб, у ўқиган байтга завқу-шавқи келиб, унга яна бир байт қўшиб рубоийга айлантирди, ўша рубоий будир:

Рожий:

*Изларин излар эсам вайронанинг мардумларин,
Жавдирар кўз мардуми туфроқ уза топмоқ бўлиб.*

Қаландар:

*Баски, бу вайронада дўст ёридин топмай нишон,
Кўз ёшим туфроққа томгай ҳокларин ўпмоқ бўлиб.*

Мазкур қаландарнинг юриш-туриши, кайфияти, ўқиётган сўзлари бу ёзувчи (Рожий) нинг қулоғига кирди, унинг гапларини бир-бир маснавий тариқасида назм кийимига кийдирдим. Чунки унинг ҳар ўқиётган, айтаётган сўзлари, кечинмалари кишига завқ келтирар эди. Мазкур манзума ушбудир:

*Дуди гулхан аро шайхи Қаландар,
Бамисли ўт ичра кирган самандар.*

³⁹⁴ Назмий матнлар таржимони: Х. Жўраев.

Гүристон бурчида уйи бор эди,
Бу уйдин ўлимга кўйи бор эди.

Унинг гулханидан гулшан-да рашиок,
Либоси дил каби сари чок-чок.

Либоси демаким бошдин оёғи,
Оловнинг дудидан рангин сиёғи.

На либос, аслида туфроқдин нишон,
Тўкиб ёш либосин этмиш паришон.

Оҳи тутунидек салла чувалган,
Юзлари қон ёши бирла сувалган.

Бош эгик юрарди шому саҳарда,
Гуноҳкор мисоли рўзи маҳшарда.

Ҳолати гаройиб – ёй каби қомат,
Вужудини эзган каби надомат.

Фароғат нелигин билмайди ҳеч он,
Қабрлар бошида айтади достон.

Алам девонидан олар иқтибос,
Юраги – кулфати битилган қогоз.

Ғимирлаб юриши мисли чумоли,
Ўтирган чоғида – ҳалқа мисоли.

Одамлардан айри, ғам бил иноқ,
Ғам ила сўйлашдан билмайди чарчоқ:

“Одамзод бошини осмон ўпса ҳам,
Келар кун эгилур туфроққа мулзам.

Ер узра кетмонни оҳистароқ ур,
Бу ерда сочилган қўл, бош, юракдур.

Қаро ер бағрида ётурлар иноқ,
Не рухсор қошу кўз бўлишиб иноқ.

Қазонинг ҳукмидан бўлуб ноилож,

Ётурлар Қайсару, безару, бетож.
Улуғлар оларлар туфроқдан ором,
Аларнинг ичинда Гўру ҳам Баҳром.
Жоми Жамнинг боши бугун муқаррар,
Гадонинг илкида косадур магар.
Қаро ер остида қанча устихон,
Қазонинг қўлида бўлмиш паришон.
Бу қўллар шоҳ дасти эдилар мавзун,
Узатса мақсадга етгулик узун.
Матоҳи дунёга эрди ҳукмрон,
Ажалнинг дастидан топмади омон.
Бу дунё бўлмаган асло барқарор,
Тириклик илдизи кучсиз бемадор.
Қарагил ўзига бергувчи оро,
На бўлди Скандар, Жамшиду Доро.
Қазоким аларни айлаб чирпирак,
Бу маскан сарига келтирди бешак.
Бу ерда ётганлар сийналари чок,
Кўнгил ҳасратидан бўлмишлар ҳалок.
На сийна – ҳуққайи нақди аламдир,
На кўнгил – ганжина ичинда ғамдир.
Лолалар ундирса туфроқ бағри доғ,
Қонталаш диллардан олгуси бўёқ.
Яна тиг урарга айлагай ваҳм,
Саросар сийналар шундоқ ҳам захм.
Ғубор хатлиларки, ер бағрида бор,
Юзидан саҳифа айламиш нигор.
Варақларки, асли сурайи “Нур” дан
Сочилиб ётибди қоронғу гўрда.

*Эй гофил, агарчи узун дастинг бор,
Варақни босурга нима ҳаддинг бор.*

*Топар гул юзлилар бунда фароғат,
Аларнинг рангидан гулшан хижолат.*

*Агар кетмон урса бирор беҳабар,
Юраклар зирқирар, захм ер жигар.*

*Мушоҳада айла боқсангчи бу ён,
Хаёл сур, ибрат ол улардан бир он.*

*Шу ерда гурурдан этганлар ҳам нўш,
Ажсалнинг майидан бўлган ҳам беҳуш.*

*Таралса Исрофил найидан садо,
Турарлар шунда ҳам кўтариб гавго.*

*Пешона кўркиман деган қош бугун,
Ётар туфроқ аро бўлиб сарнигун.*

*Қаламдан оройиш топган бу манглай,
Оёқнинг остида синган қаламдай.*

*Ўшал қош – ифтихор бўлган санамда,
Варақдир сурайи “Нун вал қалам”дан”.*

*Баъзида ловуллаб бамисли гулхан,
Шуъла тили каби айтарди сухан:*

*“Бу гулшан сунбули яхшидир бироқ,
Сунбулдан гулханим дуди яхшироқ.*

*Маҳлиё этмасин асли бу гулзор,
Гулзордан яхшироқ асли тиканзор.*

*Кишиким дўсти йўқ гулшан ичинда,
Муаббад бандидир зиндон ичинда.*

*Замон бўстонидан мен зор қолган,
Жаҳон гулзоридан хор-хор қолган.*

Менга не манфаат берар бу бўстон,

Жигар қон, куларман чечакдек ахён.

*Мевага айланар бўлса ҳамки гул,
Бошида тошларнинг ваҳми бор нуқул.*

*Сабо қанотини ёзганда гоҳи,
Паршион бўлади гунча матоҳи.*

*Дуди оҳимданки, сунбул чарчадир,
Дуди оҳдин асли сунбул парчадир.*

*Агар юз кўрсатса савсани ниҳол,
Шапалоқ ургайдир шаббода баттол.*

*Чаманки, лоладин қилса паймона,
Ани синдирурга жола равона.*

*Табассум айласа бир зумга шодон,
Адаб бермоқ учун ел келар равон.*

*Ўқимоқ истаса булбулки, достон,
Бойўғелининг гами андинки, чандон.*

*Чаманки, булбулга аталган маскан,
Хароба ҳам бордир бойқушига ватан”.*

*Саъдий девонин очиб басма-бас,
Сайр этар “Гулистон”, “Бўстон”ни бир пас.*

*Эмасдур бу “Бўстон” шунчаки бўстон,
У завқли ҳолатдан бергуси аён.*

*“Гулистон” сен билган гулистон эрмас,
Унинг япроқларин шамол учирмас.*

*Гулистон булбули ўшал чол эди,
Унинг фигонига ажаб ҳол эди.*

*Жунуни жўш уриб қилганида савт,
Қўпарди ҳар қабр узра қиёмат.*

*Бўларди ҳамиша гам бирла ҳамроҳ,
Қиларди нола-ю, айтар эди гоҳ:*

“Илоҳи оламда ҳеч бир одамзод,
Бўлмасин менингдек ёлғизу барбод.

Тириклик бошимга оғир юк бироқ,
Ўзгалар ўлими мундин оғирроқ.

Елкамда тириклик деган мато бор,
Эй ўлим, истасанг бўлгил харидор.

Ўтаверар олам, ўтаверар ёи,
Не чоғли юксакдир қўйи бўлар бош.

Шуъладек қайси бош ўрласа кўкка,
Оёгинг остида бўлур кўланка.

Шиша гарчи зукко димоғи намдир,
Боши паймонанинг устида хамдир.

Фурсатим ва мисли қувват белимдан,
Йигитлик онлари кетди қўлимдан.

Қаридим, ерга мен ушбу замона,
Намоз ўқигандек қўйдим пешона.

Ибодат йигитлик чоғида хушдур,
Қарилик намозин савоби бўшдур.

Буюн йигитликда бермас экан ёр,
Бугунги тазарруъ кетади бекор.

Ҳаёт ниҳолидан узилган япроқ,
Мисоли ўликдек ё эски туфроқ.

Ўликсан десалар гўрда эмассан,
Тирик ҳам эмассан – тўрда эмассан.

Қиёмат бўлди-ю, кўтардимми бош,
Гўримда ҳасратдан тўкяпманми ёш?

Ажаб томошадир бўлса қиёмат,
Роҳат ўзгаларда менда надомат.

Хоналар ичинда гардман демасман,

*Вале вайронада чанг ҳам эмасман.
Йўли тушса кимнинг қабристон томон,
Мисоли қўнғироқ айладим фижон.
Бу нола карвонлар кўчса мабодо,
Йўлчилар изидан беради садо.
Ўшал йўловчилар бўлдилар ниҳон,
Ёки ер остини тутмиши хонадон.
Йўлнинг зуборини айлашиб ёстиқ,
Қиёматни кутиб олишар хордиқ.
Улар маҳшар куни бўлишар бедор,
У шундай кундирки, қизигай бозор.
Бу қандай бозорки, барчаси гирён,
Сотилур бирма-бир тоату исён.
Карам бозорики билмагай тизгин,
Кечиримга исён сотилур қизгин.
Сўз олур раҳматнинг даллоли шу он,
Яна кимда қолди гуноҳдан пинҳон.
Харидорим бордир касби кечирмоқ,
У раҳмат ганжига подшоҳдур тоқ.
Подшоҳ ҳамиша авфу атоли,
Хариди исёндур Румий матоли.
Баланд баҳо билан босиб илгари,
Раҳматнинг буржидан чиқди муштарий.
Харид этган бўлса тоат бенуқсон,
Ғаний харидорки, олибди арзон.*

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ МУНОЖОТИ

*Умид айлаб дари раҳматга Қоил термулиб ўтгай,
Илоҳо мағфират қилгил, Ўзинг йўқдан яратгансан.*

Қоил Марғилоний асарларини ўрганар эканмиз, улар орасида муножот йўналишида ёзилган ғазал ва мухаммасларни ҳам учратамиз. Бу бежиз эмас, чунки инсон қалбига Яратган зотга илтижо қилиш, унга ялиниб ёлбориш, тазарруъ ҳисси кўшиб яратилган. Ҳар қандай банда биров унга таълим бермаса-да, ўз тили ва ўз оҳангида Парвардигорга илтижо қилади, ёлборади, унинг хузурида дардларини тўкиб солишга интилади ва бу билан озурда қалбига таскин беради.

Мумтоз адабиётда муножот мавзусига алоҳида аҳамият берилган. Амир Алишер Навоий ҳазратларининг махсус муножот китоблари машҳур. Гарчи муножотнинг муайян услуби кўрсатилмаган бўлса-да, (чунки ҳар кимнинг дарди, Яратганга эътиқоди, умид, хавфи турлича) уларда умумий оҳанг – илтижо, умидворлик, изтироб муштараклигини кўрамиз. Ислом тарихида саҳобалардан Абу Бакр Сиддик, Умар (розияллоху анҳумо), мазҳаб соҳибларидан Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) нинг муножот асарлари машҳур. Кейинги даврда ўтган салаф ва халаф машойихлари ҳам бу мавзуга алоҳида эътибор қилганлар.

Қуйида келтирилажак ғазал бошидан охиригача айни мазмунда. Унда аллома ўз нафсиларини “ҳоли паришон”, бош оёқ “айбу нуқсон” ли, тоатдан лаззат топа олмайдиган ожиз ва нотавон сифатида таъриф қиладилар. Бу бежиз эмас, чунки Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруху) айтганларидек: “Бу йўлдан юрувчиларга илтижо, ўзини хор тутиш ва олий ҳиммат керак, чунки уни мана шу эшикдан киритадилар, биз нимаики топган бўлсак, шундан топдик.”³⁹⁵

³⁹⁵ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балогардон”... 74-б.

Муножот

*Илоҳо қил карам, ҳоли паришон бандаман, ё Раб,
Хатокору саропо айбу нуқсон бандаман, ё Раб.*

*Кангулда ранг-баранг нақши ҳаваслар жилвалар айлаб,
Хаёли зиндагони бирла ўтгон бандаман, ё Раб.*

*Ҳаловат тоатимдан зарра-зарра ҳосил ўлмайдур,
Ҳамоноки, риё бодига ботгон бандаман, ё Раб.*

*Нечук андишалар бирлан ўтибдур моҳ ила солим,
Хаёлимга келиб андин уялгон бандаман, ё Раб.*

*Ғубори дилни пок этмак керак эрди назаргоҳинг,
Қабули халқ учун зоҳир тузатгон бандаман, ё Раб.*

*Экан андишайи нафъу зарар васвоси шайтоний,
Анингчун лаззати тоат йўқотгон бандаман, ё Раб.*

*Иморат орзуси боғу роғ андишаси бирлан,
На эрди тўшайи уқбо унутгон бандаман, ё Раб.*

*Манга аҳлу аёлим тарбият қилмоқ керакдур деб
Ҳаётин фикри нон бирлан тугатгон бандаман, ё Раб.*

*Дилимга ҳасрати уқбо узоқ муддатда бир келгай,
Ҳама омим гами дунёга тортгон бандаман, ё Раб.*

*Эрусан Қоили “ла тақнату мин роҳматиллоҳ” ни,
Агар чандики хатоларга ботгон бандаман, ё Раб.*

Насрий баёни

Эй Раббим, карам қилгинки, мен аҳволи паришон, бош-оёқ айбу нуқсонга чўмган, кўнгли орзу ҳаваслар билан тўлиб, умри тириклик хаёли билан ўтган бандаман.

Тоат-ибодатимдан заррача ҳаловат йўқ, боз устига уларни риёга алмаштирган бандаман. Умрим шундай фикр-андишалар билан ўтдики, уларни ўйлаб хижолатдан ер қарайман.

Назаргоҳинг бўлмиш дилни поклаш зарур эди, аммо мен дил қолиб зоҳирни покладим. Дунёвий фойда-зарарни ўйлаш шайтон васвасаси экан, мен бечора уларни ўйлаб, тоат лаззатини йўқотган банда бўлдим.

Иморат, боғу-роғ орзуси билан, охират озуқасини унутдим. Аҳлу аёлни тарбияси зарур, деб умримни фақат нон топиш фикрида тугатдим. Бутун йилларим – умрим дунё гамига ботиб, дилимга охират хавфи камдан-кам келади.

Эй Қоил, майли гарчи хатолар лойига ботган бўлсанг-да, Парвардигорнинг “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар” мазмунидаги оятидан умидвор бандасан.

Қоил Марғилонийнинг мазкур муножотини ўрганар эканмиз, унда алломанинг замондоши Рожий Марғинонийнинг “Нечук жонман” дея бошланадиган айна мазмундаги ғазалининг таъсирини кўргандек бўламиз. Бу бежиз эмас. Чунки XIX аср охири ва XX аср бошида Марғилонда яшаб, қизғин ижодий фаолият олиб борган Хожажон қози Рожий асарларида олға сурилган ғоялар, айниқса биз тилга олган ғазали ўша даврнинг барча зиёлилари назаридан четда қолмаган. Бу уларни ғазалга тахмис боғлашларига, татаббуъ услубида мустақил асарлар яратишларига сабаб бўлган. Мисол тариқасида Рожий ғазалига Нодим, Шухрат, Надимий тахмислари, Доғий мураббаъси, Нодим мусамманларини келтириш мумкин.³⁹⁶

Қуйида икки ғазалдаги ўзаро ҳамоҳанг мисраларни муқояса қилиб кўрсак.

Рожий: *Нечук жонман, паришонман, саропо айбу нуқсонман,
Ёмонман, йўлдин озгонман, на инсону на ҳайвонман.*

Қоил: *Илоҳо қил карам, ҳоли паришон бандаман, ё Раб,
Хатокору саропо айбу нуқсон бандаман, ё Раб.*

Рожий: *Олиб касби ҳалолим деб, ҳақи мардумни молим деб,
Есун аҳли аёлим деб, югурган қовли ёлгонман.*

³⁹⁶ Бу ҳақда қаранг: Хожажон қози Рожий Марғиноний. Ҳайрат ул-инсон. Нашрга тайёрловчилар: Муҳаммаджон Мадғозиев, Икромиддин Остонақулов, Азиз Остонақулов. “Адиб” нашриёти, Тошкент – 2012.

Қоил: *Манга аҳлу аёлим тарбият қилмоқ керакдур, деб
Ҳаётин фикри нон бирлан тугатгон бандаман, ё Раб.*

Рожий: *Ўғил қизлар қиёматда қочар мазмуни оятда,
Алар деб ман ҳалокатда, жаҳон равоси нодонман.*

Қоил: *Иморат орзуси боғу роғ андишаси бирлан,
На эрди тўшайи уқбо унутгон бандаман ё Раб.*

Рожий: *Иноятлик Илоҳимсан, паноҳим тақягоҳимсан,
На қилсанг подишоҳимсан санга бўйнимни сунгонман.*

Қоил: *Эурсан Қоили, “ла тақнату мин роҳматиллоҳ” ни,
Агар чандики хатоларга ботгон бандаман ё Раб.*

Бундан ташқари, Қоил Марғилонийнинг бошқа ғазал ва мухаммасларида ҳам илтижо ва умидворлик мазмуни ифодаланган мисраларни учратамиз.

*Ироданг кетти, келдик адамдин базми амконга,
Кетарда қилмагил Қоилни бахтини қаро, ё Раб.*

* * *

*Умид айлаб дари раҳматга Қоил термулиб ўтгай,
Илоҳо мағфират қилгил, Ўзинг йўқдан яратгансан.*

* * *

*Сўрарлар аҳли маҳшарни, қўшарлар жинсига тўплаб,
Сафи мўминга Қоилни Илоҳо келтирулгайму?!*

* * *

*Карам қилгаймукин Қоил, маолимдан паришонман,
Биродарлар дуо бирлан иъонат айласанглари.*

* * *

*Биродарлар дуо ҳоли паришонларга айланглари,
Илоҳо қилмагай Қоилни ҳам охирда ҳайрони.*

* * *

Дуодан ўзга Қоилни бировдан муддаоси йўқ,

Тамоми муддаоси холиқи арзу самодандир.

Шу ўринда Қоил Марғилоний издошларидан Голиб Марғилонийнинг муножот шеърини келтириб ўтсак.

*Сен эй икки олам бандапарвар подишоҳимсан,
Сенинг зотингдан ўзга меҳрибоним йўқ Илоҳимсан.*

*Юзим қаролигидан қўрқаманким рўзи маҳшарни,
Қоронғу айлагай оқ этмасанг қилган гуноҳимсан.*

*Ўзинг Парвардигорим сандин ўзга ҳеч Илоҳим йўқ,
Қаерга борурман сан кечмасанг қилган гуноҳимсан.*

*Юзим қаролиг илан сургали бир ўзга даргоҳ йўқ,
Ҳарими остонинг қублагоҳим, тажягоҳимсан.*

*На сўргайсан мане шармандадин донойи асрорим,
Жавобига на дерман билгучи ҳоли сиёҳимсан.*

*Худовандо, мани шарманда қилма рўзи маҳшарда,
Қаро кундир бошимга бўлмасанг анда паноҳимсан.*

*Бўлибдур манга Голиб дунёда амморайи нафсим,
Ёрут роҳим, ҳидоят айла зулмат ичра моҳимсан.³⁹⁷*

Биз изланишлар давомида марғилонлик уламолардан Абдулкарим Калон ҳазрат, Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий ҳазрат, Мир Ҳайдар домла Толий, Муҳаммадмусо Бекий, Нуриддин қори Қорий, Жалолиддин Қорий, Зокиржон охунд Розий, Абдурахмон Фаҳмий, Аҳрорхон Марғилоний Котиб, Шамсиддин қори ва бошқаларнинг муножот мавзусида ёзилган турли асарларини топишга муваффақ бўлдикки, уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу сифатида ўрганилишга лойиқдир.

³⁹⁷ Голиб Марғилоний. Қўлёзма, 8-б. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ХАЙРИХОҲ НАСИҲАТЧИ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Қоил Марғилоний ўз даврида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шариф мазмунларидан илҳом олган беғараз ва хайрихоҳ насиҳатчи сифатида фаолият олиб борганлар. Маълумки, насиҳат қилиш пайғамбарларга хос фазилат саналиб, Қуръони каримда қатор пайғамбарларни ўз умматларига қилган панд-насиҳатлари келтирилган. Балки Қуръони карим бошидан охиригача барча инсоният учун ҳидоят ва буюк насиҳатчи бўлиб нозил бўлганини эслатиш жоиз. Ундаги аҳкомлар, қиссалар, келтирилган тарихий воқеаларнинг ҳар бири кишилар учун ҳидоят, насиҳат ва яхшилиқдир.³⁹⁸

Ибн Саъд: “Ат-табақот ал-кубро”да кишилар Ҳарам ибн Ҳаййонга, “Бизга насиҳат қил”, дейишганида, “Сизларга “Наҳл” сурасининг “Парвардигоринг йўлига ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қил”, мазмунидаги оятдан сура охиригача бўлган оятларга амал қилишни тавсия қиламан”, – деган сўзини келтирган.³⁹⁹ Чунки мазкур оятларда насиҳат қилиш ва унинг йўллари, бу йўлда эътибор бериш зарур бўлган жиҳатлар баён қилинган.

Шу ўринда насиҳат сўзининг маъноси устида тўхталиб ўтсак. “Насиҳат” арабча сўз бўлиб, бошқаларга яхшилиқни иташ, яъни хайрихоҳлик маъносини англатади. Машҳур ҳанафий аллома Али ибн Султон ал-Қорий: “Насиҳат – яхши сўз ва феълни иташ ва насиҳат қилинаётган шахсга холис дўстликни бағишлашдир”, – деганлар.⁴⁰⁰

“Ат-тухфату-р-раббонийа” да “Насиҳат – насиҳат қилинаётган шахсга нисбатан қалбни ғашликлардан холи ва мусаффо бўлишидир”, дейилган.⁴⁰¹

³⁹⁸ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий “Ихёу улум ад-дин”... 1-ж, 294-б.

³⁹⁹ Ибн Саъд. “Ат-табақот ал-кубро”... 7-ж, 131-б.

⁴⁰⁰ Али ибн Султон Ал-Қорий. “Миркот ул-мафотих”... 14-ж, 254-б.

⁴⁰¹ Исмоил Муҳаммад Ансорий. “Ат-тухфату-р-раббонийа”. 8-ж, 1-б.

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг “Дин насиҳат, яъни хайрихоҳликдир,” – деб айтган сўзлари машҳур. Мазкур ҳадисни айтганларида ҳозир бўлганлар: “Хайрихоҳлик ким учун эй Расулуллоҳ”, – деб сўрашган. Шунда: “Аллоҳ, унинг Расули, мусулмон амирлари ва барча мусулмонлар учундир”, – деб жавоб берганлар.⁴⁰²

Ҳадисга шарҳ айтган уламолар Аллоҳга хайрихоҳ бўлиш, уни улуғлаш, ширк ва нолайиқ сифатлардан пок деб эътиқод қилиш, амрларини сўзсиз бажариш, қайтариқларидан тийилиш билан бўлса, Расулига хайрихоҳлик у зот (алайҳиссалом) га имон келтириш, итоат, суннатларини муҳофаза қилиш, бидъатларга берилмаслик, ҳаёт ва вафотларидан кейин ҳам у зотни эҳтиром қилишдир, деганлар. Мусулмонлар амирига хайрихоҳлик ҳақ йўлида уларга итоат қилиб қарши чиқмаслик, ҳақларига дуо қилиш билан бўлса, мусулмон оммасига хайрихоҳлик уларни яхшиликка буюриш, чиройли ишларга қизиқтириш, уларга доимий яхшиликни иташ билан бўлади, деб айтганлар.⁴⁰³

Уламолар орасида мазкур ҳадис маъносига таяниб, Аллоҳга, Расулига, амирларга ва мусулмонлар оммасига хайрихоҳ бўлмаган кишининг дини мукамал бўлмайди, деганлари бўлган.⁴⁰⁴

Хаттобий мазкур ҳадис ҳақида гапирар экан: “Унда тилга олинган “насиҳат” сўзи кўп нарсаларни ўз ичига олган бўлиб, у ўзига дунё охираат яхшиликлари жамлангандир”, – деган.⁴⁰⁵

Маълум бўлмоқдаки, насиҳат қилувчи бошқаларга яхшиликни раво кўрувчи, уларни яхшиликда бўлишларини истовчи саналар экан. Шунини ўзиданоқ насиҳат қилувчининг олижаноб киши эканини билса бўлади, чунки ўзгаларга яхшилик иташ ҳақиқий олижанобликдир. Саҳобалар: “Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, Парвардигор учун энг суюкли кишилар Аллоҳни бандаларига,

⁴⁰² Муслим ибн Ҳажжож. “Саҳиҳу Муслим”... 1-ж, 74-б.

⁴⁰³ Имом Нававий. “Шарҳу Саҳиҳ ул-Муслим”... 1-ж, 144-б.

⁴⁰⁴ Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз (673-748). Сияр аълом ан-нубало. 23-ж. Байрут: Мавсуъат ар-рисола, 1992. 11-ж, 500-б.

⁴⁰⁵ Али ибн Султон Ал-Қорий. “Мирқот ул-мафотих”... 14-ж, 254-б.

бандаларини Аллоҳга муҳаббатли кўрсатиб, ер юзида насиҳат билан юривчи инсонлардир!” – деб айтганлар.

Абу Бакр Музаний: “Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) бошқа саҳобалардан намози ёки рўзаси билан эмас, балки қалбидаги нарсаси ила устун бўлган эди. Унинг қалбида Аллоҳга муҳаббат ва бандаларига хайрихоҳлик бор эди”, – деган. У зотнинг ўзлари: “Аллоҳ таоло дўзах ўтидан сақлашини истаган кимса мўминларга дилдан меҳрибон бўлсин”, – деганлар.

Фузайл ибн Иёз айтадилар: “Бизнинг назаримизда юксак мақомга эришганлар кўп намоз ўқиш, ёхуд доим рўза тутиш билан бу даражага чиқмаганлар. Балки, улар қалблар саховати, кўнгиллар мусаффолиги ва умматга яхшилик соғиниш билан шу даражага етганлар”.

Фузайл ибн Иёзнинг ҳузурда бир одамни мақтаб гапиришади. Шунда у: “Бу мақтовга аризиғулик иш эмас, уни суриштирингчи қариндошига борди-келди қилармикан, ғазоби келганида ўзини босиб олармикан, биродарига яхши муомала қилармикан, агар шундай бўлса, уни яхши деса бўлади”, – дедилар.

Муҳаммад ибн Восеъ: “Киши суҳбатдошига яхшиликни илинмағунича эҳсон мақомига эриша олмайди”, – деганлар. Ҳатто баъзи салафлар кўйларини сотиб олаётган ҳаридорга, бунга яхши муомала қилинг, чунки у бизникида бир муддат турган”, – деб тайинлашлари ҳам шундан.⁴⁰⁶

Қоил Марғилонийнинг насиҳат услубларига келсак, у Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга биноан уламолар томонидан ишлаб чиқилган насиҳат услубига мувофиқ бўлган. Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда “(Эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини) га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва ҳидоят топганларни ҳам У билувчирокдир” (Наҳл сураси, 125-оят) мазмунида марҳамат қилган.

⁴⁰⁶ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 74-76 бетлар.

Муфассирларимиз мазкур оят Пайғамбаримиз Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламга айтилган бўлса-да, унда у зотдан кейин яхшиликка чакирувчи ҳар бир кишига тавсия ва ишоралар бордир, деганлар. Шу ва шу билан боғлиқ маъноларни билишимиз учун оятга берилган шарҳлар билан танишиб чиқсак.

Абу Муҳаммад Хусайн ибн Масъуд ибн Фарро ал-Бағавий “Маъолим ат-танзил” номли тафсирларида шундай деганлар: “Уламолар мазкур оятдаги “ҳикмат”дан мурод Қуръон, “чиройли мавъиза”дан эса Қуръон насихатлари, дейишган. Баъзилар: “Чиройли насихат” бу Аллоҳнинг йўлига қизиқтириш ва огоҳлантириш билан дуо қилишдир”, деган бўлсалар яна бошқалар: “У дағаллик ва қўпол бўлмаган юмшоқ ва мулойим сўздир”, – деб маъно берганлар”.⁴⁰⁷

Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Хусайн Фахриддин Розий “Мафотиҳ ул-ғойб” номли тафсирларида: “Оятдаги “ҳикмат” дан мурод бурҳон ва ҳужжатдир, яъни насихат Аллоҳнинг йўлига ҳужжат ва асос билан бўлиши керак”, – деб айтганлар.⁴⁰⁸

“Лубоб ат-таъвил фи маъон ат-танзил” номли тафсир соҳиби Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Умар аш-Шайхий ал-Хозин эса “Насихат чоғи ҳужжат ва бурҳон билан гапириш бу саҳобалар ва хос уламоларнинг сифатларидир”, дейдилар ва мазкур сифат ҳаммага ҳам муяссар бўлавермаслигини таъкидлайдилар.⁴⁰⁹

Имом Насафий “Мадорик ат-танзил” да “чиройли насихат” баъзан огоҳлантириш, баъзан башорат билан қилинган насихатдир”, деган бўлсалар,⁴¹⁰ Муҳаммад ибн Жарир Табарий эса “чиройли насихат” – “ибратли насихатдир”, – деганлар.⁴¹¹

⁴⁰⁷ Абу Муҳаммад Хусайн ибн Масъуд ибн Фарро ал-Бағавий “Маъолим ат-танзил”. Дору тийбат ан-нашр. 1414/1997, 5-ж, 52-б.

⁴⁰⁸ Фахриддин Розий. “Мафотиҳул ғайб”... 1-ж, 365-б.

⁴⁰⁹ Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Хозин. “Лубоб-таъвил фи маъон ат-танзил”. 4-ж, 224-б. <http://www.altafsir.com>

⁴¹⁰ Абдуллох ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абул Барокат Ҳофизиддин ан-Насафий. «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил». 2-ж, 276-б. <http://www.altafsir.com>

⁴¹¹ Муҳаммад ибн Жарир ат- Табарий. “Тафсиру табарий”... 17-ж, 321-б.

Фахриддин Розийнинг: “Маълум нарса шуки, инсонлар қалбига етиш йўли, фақат мулойим сўз билангина бўлади, дин ва дунёнинг барча одоби Аллоҳ таолонинг “Инсонларга яхши гап гапиринглар” мазмунидаги (Бақара сураси, 83) оятидадир” –деган сўзлари машхур.⁴¹²

Ғаззолий “Ихёу улум ад-дин”да қуйидаги воқеани келтиради: “Бир киши халифа Маъмунга насиҳат қилади ва бир оз қаттиқ оҳангда гапиради. Шунда халифа: “Аллоҳ таоло сендан яхшироқ кишини мендан ёмонроқ киши ҳузурига жўнатганида ҳам унга мулойим гапиришга буюрган. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ни Фиръавн ҳузурига юбораётиб, унга мулойим гапиргин деб айтган эди, сен ҳам мулойим гапир”, – дейди.⁴¹³

Биз Қоил Марғилоний асарларини ўрганадиган бўлсак, у зот насиҳат борасида мазкур тавсияларга амал қилганларини кўрамиз. Сўзларидаги мулойимлик ва ҳикмат шунинг натижаси эди. Асарларида ҳам бунга алоҳида урғу берган ўринлари ҳам кўп бўлган.

*Қилур изҳори Ҳақ бўлсанг насиҳат йўлидан қил,
Ҳавою нафс ила бўлган суҳанлар кизбу бўҳтондур,*

* * *

*Биродарлик кишига айласанг, иймон учун қилгил,
Ани роҳатларини тонгла кўргай, жон учун қилгил,*

* * *

*Халойиқ нафъини ахтар, зарар андишасин қилма,
Макони осмон ўлди сочиб нурин қамар охир,*

Асарларида насиҳат сўзидан ташқари, унинг маъноси ва таржимаси бўлган хайрихоҳлик сўзига ҳам алоҳида урғу берилгани ва турли шаклларда келганини кўрамиз.

*Жаҳонда хайрихоҳлик, ростгўйлик айлагил изҳор,
Хатоларга надомат дилда айлаб тилда истиғфор,*

⁴¹² Абу Муҳаммад Хусайн ал-Бағавий “Маъолим ат-танзил”... 2-ж, 203-б.

⁴¹³ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий “Ихёу улум ад-дин”... 2-ж, 170-б.

* * *

*Хайрихоҳликдан улуг инсонга хислат бўлмагай,
Қизганишиликдан ёмон оламда бидъат бўлмагай,*

“Рўзадур” радифли мухаммасда келтирилган мисралар,
айниқса, бу борада жонли мазмун ифода этган.

*Сиз мусулмонзодадурсиз Тангрига тоат қилинг,
Хайрихоҳлик яхшиликни халқ аро одат қилинг,
Топсангиз кўнгли синуқни шод ул соат қилинг,
Сийнадин кибру ҳаво ҳирсу ҳаво горат қилинг,
Зоҳиру ботинда бўлсин сидқу эҳсон, рўзадур.*

Насихатнинг шаръий ҳукмига келсак, у “амри маъруф” – яхшиликка буюриш маъносида ҳар бир мўмин зиммасига фарз саналса-да, уламоларнинг бурчи ҳисобланади. Демак, алломанинг насихат қилишлари имоний мажбурият бўлибгина қолмай, уламолик бурчи сифатида ҳам юзага келган. Бир мавзуда қайта-қайта тўхталганларининг сабаби ҳам шундан. Бу у зотни исломдаги фарзлардан бирини бажараётганлари билан белгиланишидан ташқари, мавжуд ижтимоий-маънавий муҳит тақозоси ҳам эди. Чунги ўша даврда маънавиятнинг асоси бўлмиш муқаддас Ислом динига нисбатан салбий муносабатда бўлиш халқнинг Ислом олға сурган ахлоқий-маънавий тарбиядан узилиб қолишини келтириб чиқарган эди. Табиийки, бу каби ҳолатлар олдида аллома ва у зотнинг сафдошлари “жим” тура олмаганлар. Улар турли йўллар билан аҳоли орасига кириб бориб, кишиларни бу каби ишлардан қайтаришга ҳаракат қилганлар. Тўғри, ўша даврда аллома каби илм-маърифат аҳли жамоат олдида тўғридан-тўғри ваъз қилиш имконига эга бўлмаган. Шундай бўлса-да, улар маҳаллий аҳоли ўртасида бўладиган турли тадбирларда иштирок этиб, эҳтиёткорлик билан баъзи панд-насихатларни халққа етказиб борганлар. Дарвоқе, аллома ўз асарларини етказишда кўп ҳолларда уни ўз ижод намуналари эканини айтмай, “Бу ерда шундай дейилибди”, ёки “Мана бу ерда шундай гаплар бор экан” қабалида етказар эканлар.

Қоил Марғилонийнинг насихат услуби ҳақида гап кетганда у зот қўллаган баъзи воситалар ҳақида ҳам тўхталиш зарур бўлади.

Маълумки, насихат чоғи ҳаққоний мисоллар келтириш насихат таъсирини кучайтирувчи омил саналади. Мулоҳазали кишилар мазкур мисоллардан тегишли хулоса чиқариб, тўғри йўлни танлаши, ўзларини ўнглашлари мумкин. Аллома асарларида бу каби мисолларни кўплаб келтирганларини кўрамиз. Улардан бирига кулоқ бериб кўрайлик.

*Бу фоний дунёга барча келиб бир-бир ўтар бордур,
Хизр умри муясар бўлса ҳам, бир кун кетар бордур,
Қиёмат тонги отгунча қаро ерда ётар бордур,
Агар лутф этмаса маҳшар куни қанча хатар бордур,
Илоҳо қил карам, деб арзу ҳожат айласанларчи.*

Эътибор берилса, ҳар бир сатрда тилга олинган ҳолат айна ҳақиқат бўлиб, тинглаган киши беихтиёр унга таслим бўлади. Чунки дунёнинг фонийлиги, ҳар қанча узоқ умр кўрганида ҳам бир кун ўлим борлиги, қиёмат кунигача қабрда ётиш ҳақиқат бўлиб, олдинда қанча катта хатарлар борлиги ҳам ҳар бир мўмин қалбидаги доимий “дарди”дир.

Тарихда бўлиб ўтган ибратли воқеаларни эслатиш ҳам насихат таъсирчанлигини оширади. Аллома мазкур жиҳатни ҳам эътибордан қочирмаганлар. Шайтон фитнаси сабаб Одам (алайҳиссалом) нинг жаннатдан чиқарилиши шундай ибратли воқеалардан биридир.

*Атомиз ҳазрат Одамга изво айлаган шайтон,
Аномиз ҳазрати Ҳаввони бошига налар солгон,
Бани одамни изво айламак дастурини олгон,
Неча манман деган эрларни домига илинтургон,
Нажот истаб Худодин истиъонат айласанларчи.*

Кишининг кўз олдида содир бўлаётган мисолларни келтириш ҳам алоҳида таъсирга эга. Инсон бу каби воқеаларга бевосита гувоҳ бўлгани учун улардан ибрат олиши табиий.

*Жаҳонгирларни тахтидан асар қолганму бахтидан,
Таҳамтанлар қутулганму ажални боми сахтидан,
Пари рўлар, суманбўлар тўкулган тарки рахтидан,
Бўлур бегона бир кун ҳар киши ўз даври вақтидан,*

Борур манзилга ўйлаб бир иморат айласангларчи.

Ҳа, дунёда жаҳонгирлар ҳам абадий қолмаслиги, паҳлавонлар ҳам ажалнинг зарбасидан қутулмаслиги, гўзал юзли, қоши сунбул маликалар ҳам ҳусни малоҳатидан ажраб ерга тўкилиши ва ноилож ҳар бир киши бир кун ўз ватанидан бегона бўлиши инкор этилмайдиган ҳақиқатдир. Киши бу ҳақиқатга таслим бўлса, унга қандай талаб қўйилса, ёки уни нимага таклиф этилса, албатта ўшани бажара олади ва бу унга осон бўлади. Буни яхши англаган аллома фурсатни ғанимат билиб, уларга қуйидагича муурожаат қиладилар:

Борур манзилга ўйлаб бир иморат айласангларчи.

Коил Марғилонийга хос хайрихоҳлик асарларининг ҳар бир мисраси ва бандида кўриниб тургани ҳолда “Ота-оналик фарзандларга насиҳат” номли мухаммасда янада яққол кўзга ташланади. Мухаммасни тинглаган ҳар бир фарзанд беихтиёр унда келтирилган фикрларга таслим бўлмай иложи йўқ. Шуни эътиборга олиб қуйида мазкур мухаммасни келтирамыз.

Азиз бўлгай жаҳонда халқ аро безътибор ўлмас

*Азиз бўлгай жаҳонда халқ аро безътибор ўлмас,
Кечиргай комронликда жаҳон бошига тор ўлмас,
Етар осон қўлига мақсади кўп интизор ўлмас,
Анони кимки рози қилса ғам анга дучор ўлмас,
Ато рози бўлур ҳар кимсадин оламда хор ўлмас.*

Кимки ота-онасини рози қилар экан, дунёда азиз, эл ичида обрў-эътиборли бўлиб ҳаёти доим фаровонликда ўтади. Ким онасини рози қилса, унга ҳаргиз ғам-кулфат йўлиқмайди, отанинг дуосини олган фарзанд эса ҳаргиз хор бўлмайди.

*Ато бирла анони хизматин яхши адо қилгил,
Аларни доимо хушнуд этарни муддао қилгил,
Қилиб шойишта хизмат, жону дил бирла ризо қилгил,
Олиб гарду зуборини кўзинга тўтиё қилгил,
Аларни ҳоки пойидин санга ортуқ тумор ўлмас.*

Эй фарзанд, ота-она хизматини яхшилаб бажариб, доим уларни хушнуд этишни мақсад қил, хизматларини жону дил билан қилиб рози қил. Изларининг гардини кўзинга суртки, уларнинг гардидан ортиқ тўтиё (кўз нурини кучайтирувчи) бўлмайди.

*Агар дунё талабдурсан, аларга яхши хизмат қил,
Савоби охиратни изласанг, албатта иззат қил,
Буларга барча аҳбобингдан ортиқроқ муҳаббат қил,
Ҳамиша кўнглини шод айламак қасдида ҳиммат қил,
Буларни хотири бўстони янглиг мушкзор ўлмас.*

Агар дунё бойлигини истасанг уларга яхши хизмат қил, охират яхшилигини истасанг ҳам уларни иззат қил. Уларга дўстларингдан ортиқ муҳаббат қилиб, доим кўнгилларини олиш йўлида ҳиммат қил, зеро, улар шодлигидан кўра хушбўй гулзор бўлмайди.

*Агар қадрига етсанг гавҳари қимматбаҳодурлар,
Кўзинга сурма қилгил, ҳоки пойи тўтиёдурлар,
Сани ҳаққинга айлар мустажоб ўлган дуодурлар,
Буларни хонаси гўёки канзи муддаодурлар,
Зиёрат қилгали мундин шарофатлик мазор ўлмас.*

Қадрига етсанг улар гавҳари қимматбаҳо, кўзинга суртсанг излари тўтиё, дуолари ҳаққингда ижобат, улар турадиган хона эса барча муддаолар ушаладиган, ҳожатлар битадиган маскандир, шу туфайли зиёрат қилгани сен учун бундан ортиқ зиёратгоҳ бўлмайди.

*Ато бирла ано ёшликларингда қийналиб боққон,
Саломатлик умиди бирла чиллангда чирог ёққон,
Ёмон кўз шарридан эмин бўлурму, деб тумор таққан,
Аларга беадаблик бирла бўлмагил сўзга чаққон,
Буларни расми одобидан ортуқ ифтихор ўлмас.*

Ахир, ота-онанг ёшлигингда сени қийналиб боқиб, саломатлигинг умидида кечалари туриб чирог ёққан, боламга кўз тегмасин деб ҳатто тумор таққан, шундай экан, ҳаргиз уларга

сўзамоллик қилма, чунки улар одобини сақлашдан ортиқ фахр йўқ.

*Атога беадаблик айлаган ўртоғларингдан қоч,
Дуо олган биродарларни бошидан қумушлар соч,
Ўзидан ўзгага Парвардигорим айламас муҳтож,
Кимики олса қарғиши гавҳари умри бўлур торож,
Кетиб файзи жаҳонда қору борида барор ўлмас.*

Сен отага беҳурматлик қилган ўртоғларингдан узоқ бўлиб, дуо олганлар билан бирга бўл, имкон бўлса, уларнинг бошидан қумуш соч, чунки Парвардигор дуо олган фарзандни ҳаргиз муҳтож қилмайди. Аммо ким қарғиш олар экан, умри талон-тарож бўлиб, эл ичида файзи ва ҳаётидан барака кетади.

*Ато бирлан анолик биродарларга насиҳат қил,
Дегил: “Эй биродар, пиринг бўлурлар, мунга байъат қил”,
Хизрни ахтарар бўлсанг аларга яхши хизмат қил,
Агар сен подишо тожинг бўлур бошингда иззат қил,
Санингдек салтанатлик халқ ичинда номудор ўлмас.*

Сен ота-оналик биродарларинга насиҳат қилиб: “Биродар, ота-онанг дунё-охират йўлини кўрсатувчи пиринг бўладилар, уларга итоат қилишга сўз бер, ҳатто Хизр (алайҳиссалом) билан учрашишни истасанг ҳам уларга хизмат қилишинг керак. Агар сен подшоҳ бўлсанг улар тожинг бўладилар ва дунёда сен каби бирор салтанатлик подшоҳ бўлмайди”, деб айт.

*Атони отини чол деб чақирма, мол деган бўлгай,
Десанг кампир онангни мисли отанг чол деган бўлгай,
Алар келганда чеҳранг бузмагил йўқол деган бўлгай,
Келинни қайнага қайрарда жанжал сол деган бўлгай,
Нашоти зиндагони анда ҳаргиз барқарор ўлмас.*

Ҳеч қачон отани олдидан ҳам орқасидан “чол” деб айтма, бу мол деган билан баробардир, шунингдек, онани кампир деб айтиш ҳам. Улар ҳузуринга келсалар чеҳрангни буриштирма, бу бирор

жанжал чиқар, деган мақсадда келинга ишора қилгандек бўлади ва бундай ҳолат ҳукмрон ҳонадонда ҳаёт завқи мутлақо бўлмайди.

*Ато норози бўлса, халқ аро оқипадар, дерлар,
Анодин қарғиш олганни гадою дарбадар, дерлар,
Кетиб тескарига кори кўрар доим зарар, дерлар,
Ҳақиқатдин ани икки жаҳонда беҳабар, дерлар,
Жаҳонда ўйлагил оқий падардин катта ор ўлмас.*

Отаси норози бўлган фарзандни “оқпадар”, онасидан қарғиш олганни “гадою дарбадар” дейилади, уларнинг иши тескари кетиб, доим зарар кўради ва ҳақиқатдан беҳабар кимса деб атайдилар, ўйлаб кўр, дунёда оқпадарликдан оғир номус бўлмайди.

*Келиб оламга инсон бўлмагингни боиси шулдур,
Ҳудо даргоҳига қилган дуо ҳаққингга мақбулдур,
Дуойи бадларига учраганни кори мушқилдур,
Тикандир қаҳридин қилгил ҳазар, хурсандлиги гулдур,
Кесар икки тарафга тилларидек зулфиқор ўлмас.*

Ахир, дунёга келишинг сабаби асли шу зотлар эканини ўйла! Сени ҳаққингга қилган дуолари ижобат, аммо ҳушёр бўлки, дуойи бадларига учраганнинг иши мушқил, чунки уларнинг қаҳри гўё тикан, хурсандлиги гул каби бўлиб, тилларидек икки тарафга кесувчи ўткир қилич бўлмайди. “Боламдан розиман” деса, жаннатга, “норозиман” деса, дўзах тарафига кесиб юбориши мумкин.

*Тамоми аҳли имон мақсадидур жаннатул маъво,
Талаб айлар Ҳудодин боргали ул манзили аъло,
Агар сен ҳам талаб қилсанг бориб кирмоқни эй барно,
Ато бирлан анони хизматини айлагил баржо,
Алар то рози эрмас манзилинг дорул қарор ўлмас.*

Барча имон аҳлининг мақсади жаннатга кириш бўлиб, уни доим Аллоҳдан сўраб юради. Сен ҳам агар жаннатга кирмоқни орзу қилсанг ота-онанг хизматини чин дилдан бажариб, дуоларини ол, чунки улар рози бўлмагунча ҳаргиз жаннатга кира олмайсан.

Юрар оламда инсон бир-бирга дoston янглиг,

*Етиб поёнига бўлмас ажаб сир ниҳон янглиз,
Биров аҳли яқин, баъзи ҳаммиша бадгумон янглиз,
Ато бирлан ано монанди сенга боғбон янглиз,
Агар сув бермаса, бахтингни боғи сабзазор ўлмас.*

Дунёда инсонлар бир-бирига достон–афсонадек юрадилар, шунингдек, дунё сирларининг ҳам поёнига етиб бўлмайди, баъзилар имон аҳли бўлса, баъзи доим гумонда, ота-она фарзанд учун боғбон каби бўлиб, агар сув бермаса, инсон бахтининг боғи ҳаргиз яшнамайди.

*Саодатнинг аломати басиратдин назар ташилар,
Томурлик бир дарахт янглиз падар билан санга модар,
Дарахтлар гунчасидан зоҳир ўлгансан мисоли бар,
Томурдан баҳрасиз шох устида мева қачон ўйнар,
Ҳавода рангу бу нашъ-у намолар устивор ўлмас.*

Инсон саодатининг аломати ашёларга ибрат билан боқишидир, ота-она сен учун гўё томирлик бир дарахт бўлиб, сен ўша дарахтлар гунчасидан пайдо бўлгансан. Ўйлаб кўр, томирсиз дарахтда қачон мева бўлади-ю, қачон ранг, бўй ҳосил бўлади. Демак, сен ҳам ўзингдан яхши ном қолишини истасанг, уларга кўпроқ сув юбор, яъни доимо яхшилик қил.

*Атони рози қилсанг тахти иззатда Скандарсан,
Анони шод этарсан кавкаби бахти мунавварсан,
Яқин нури билан қалбингда гўё моҳи анварсан,
Бўлиб булбул ҳидоят гулистони ичра сайрарсан,
Очилган гулшани иқболи сандек навбаҳор ўлмас.*

Эй фарзанд, биласанми, отани рози қилсанг Искандар каби азизсан, онани хушнуд этсанг бахти очилган инсонсан, қалбингда имон нури порлаб, ҳидоят боғида булбулдек сайрайсан ва дунёда бахту-иқболи очилган сен каби бирор инсон бўлмайди.

*Атога яхши хизмат айласин, хотунларинг айтгил,
Анони хизматини айламакни анга ўргатгил,
Қилур хизмат муҳаббат бирла доманин тутгил,*

*Алар озорига юрган хотунга пандлар қилғил,⁴¹⁴
Вафодор ўлмагай санга муносиб яхши ёр ўлмас.*

Аёлларингга ҳам уқтирки, ота-онанга яхши хизмат қилсин, ўзинг хизмат қилиш йўлларини уларга ўргат, яхши хизмат қилаётган бўлса, сен ҳам унга ёрдам бер, улар озорига юрган аёлга насиҳатлар қилиб йўлга сол, чунки у шундай қолиб кетса, сенга муносиб ёр бўла олмайди.

*Иши қилғилки корингдан аларга шодлик етсун,
Сани фикринда бўлган дилдаги зангори гам кетсун,
Тириклик ваҳмидин андак панришонликни жам этсун,
Қилурға тўшайи уқбо шарият доманин тутсун,
Ибодат комил ўлғай анда ваҳми рўзгор ўлмас.*

Эй фарзанд, шундай иш қилки, ишингдан уларга шодлик етсин ва дилларидан сен ҳақингда бўлган ғамлар кетсин, қалби хотиржам бўлиб, охират ишига ҳам вақт топсин, чунки ташвиш кам бўлсагина ибодат комил ва тўлиқ бўлади.

*Жаҳонда бахтиёр ўлган киши соҳиб маром ўлғай,
Саодат соҳиби озори кам, ширин калом ўлғай,
Атони корини “уф-ф” деб малол олмоқ харом ўлғай,
Малоли хотир айлаб борса, кори нотамом ўлғай,
Бу сўзлар сирри то маҳшарга бормаи ошкор тўлмас.*

Ҳар бир ишда тартибга риоя қилувчи кишилар саодатли кишилар саналиб, улар беозор, ширинсўз бўладилар. Шуни билки, отани хизматини “уф-ф” деб малол олиш ҳаром, улардан малолланиб охиратга борганлар иши умуман битмайди, афсус, бу ҳақиқат сири маҳшар бўлмагунича маълум бўлмайди.

*Насиҳат безараз бўлса, ани монанди гавҳар бил,
Ҳамиша эътиқодинг жонибди Ҳаққа қилиб моил,
Халойиқ ичра номинг бўлмасин фарзанди ноқобил,
Жаҳонда ҳар киши борса, ҳақиқатга келиб Қоил,*

⁴¹⁴ Баъзи нусхаларда ушбу мисра “Алар озорига юрган хотунни баҳридан ўтгил” тарзида берилган.

Сабо маҳшар куни назди Худода шармисор ўлмас.

Эй фарзанд, беғараз насиҳатни гавҳар деб бил ва эътиқодингни тузат, хушёр бўл, эл ичида номинг “ноқобил фарзанд” деб танилиб қолмасин. Ким дунёдан ҳақиқатларга қоил – таслим бўлиб ўтса, маҳшар кунида ҳаргиз шарманда бўлмайди.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ МУТАСАВВИФ

Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний ўз даврида нақшбандия тариқатининг йирик вакили, муҳаббатли шайх сифатида истиқомат қилганлар. У зотнинг тасаввуфий қарашлари асосан, устозлари Холмуҳаммад қори домла, мавлоно Абдулкарим домла, мулла Ортиғали эшон, мулла Йўлдошали эшон каби ўша давр тариқат шайхлари таъсирида шаклланган. Аслини олганда, у зот шахсиятида сўфийларга хос қаноат, сабр, ризо, шукр, тавозе ва камтарлик каби фазилатлар ёшлик ва йигитлик пайтларидаёқ мавжуд бўлганини кўрамыз. Кейинчалик қатор шариат олимлари ва тариқат пирлари хузурида таълим олиш жараёнида такомиллашиб борган мазкур хислатлар у зотнинг шахсий фазилатига айланган эди.

Қоил Марғилоний устозлари вафотидан кейин улардан олган таълимотлар асосида нақшбандия тариқатига мувофиқ ҳолда умр ўтказганлар. Мазкур тариқатнинг “Дил баёру даст бакор” – “Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” шиорига амал қилган аллома доим қўл меҳнати билан кун кечирган бўлсалар, ахлоқ ва сийратлари тасаввуфнинг умумий талабларига мос ҳолда тавозе ва камтарлик, ҳусни хулқ ва кечиримлилик, риё ва тамаъдан узоқ бўлиш, кибр ва уждан сақланиш, ўзгаларни ўзидан ортиқ кўриш ва уларга яхшилиқни илиниш каби фазилатлар билан зийнатланган эди.

Асарларида кўп марта тилга олинган “*дорул фано*”, “*бақо мулки*”, “*ризойи Ҳақ*”, “*хилофи нафс*”, “*узлат*”, “*ваҳдат файзи*”, “*асрор*”, “*аҳли тажарруд*”, “*яқин оинаси*”, “*ризо майдони*”, “*аҳли ирфон*”, “*мулки қаноат*”, “*қурбат*”, “*риёзат*”, “*ганжинайи дил*”, “*гавҳари тавҳид*”, “*ломакон сайри*”, “*ҳақиқат сирри*”, “*рутбайи ирфон*”, “*нафси лаввома*”, “*нафси аммора*”, “*мосиваллоҳ*”, “*руҳи аъло*”, “*кибриё авжи*”, “*фано саҳроси*”, “*сайди муддао*”, “*тариқи истиқомат*”, “*гарқи ваҳдат*”, “*ориф*” каби сўзлар у зот тасаввуфий тушунчаларининг кенглигидан дарак беради.

Алломанинг тасавуфий қарашлари билан танишишдан олдин тасаввуфнинг нима экани ва унинг келиб чиқиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Тасаввуф нафси тарбия қилиб, инсон руҳини камолга етказишга хизмат қилувчи улуғ таълимотдир. Шунга кўра у исломнинг асл моҳият ва мазмунидир чунки, Исломнинг ер юзида жорий қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам бу инсон маънавий камолотидир. Унинг ислом оламида расмий шаклланиши VIII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Чунки ислом тарихида Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) дан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса халифа Усмон (розияллоҳу анҳу) даврида молу дунёга ружу қўйиш бир оз кучаяди. Уммавийлар даврига келиб сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олади. Ўз-ўзидан кишилар қалбини тоат-ибодат ўрнига дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлайди.

Мана шу пайтда Аҳли суннат вал жамоат фирқаси орасидан қалбларини ғафлат иллатидан сақлаган ва ўзларини Аллоҳ билан биргаликдаги ҳолатларини муҳофаза қиладиган кишилар пайдо бўла бошлади ва улар такво ва зухдни, Ҳақ муҳаббатига ғарқ бўлиш орқали Аллоҳга яқин бўлишни истадилар ва кўпроқ тоат-ибодатга берилдилар. Уларни “мутасаввифлар” деб атай бошладилар ва бу ном иккинчи ҳижрий асрдан кейин машҳур бўлиб кетди.⁴¹⁵

Уларнинг бу йўлда ушлаган ва суянган шиорлари Аллоҳ таолонинг, “Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорларининг юзини – розилигини истаб, Унга дуо-илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг” мазмундаги оятидир. (Каҳф сураси, 28 оят).

Уларнинг дастлабки вакиллари Куфа, Бағдод, Басра каби шаҳарларда кўзга ташланган. Айтиш керакки, уларнинг обрў-этибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Аввалига улар факат дунёдан юз ўгириш, узлат ва таквони олға сурган бўлсалар, секин аста уларнинг кейинги авлодлари орасидан бу икки иш устига ишқ

⁴¹⁵ Шайх Юсуф Хаттор Муҳаммад. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя фи баёни адиллати-с-суфия”. 13-б.

ва ирфон, орифлик ва ошиқлик, фалсафий мушоҳадакорликни олға сурадиган кишилар ҳам пайдо бўла бошлади.

Улар шариат илмини пухта эгаллаган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий кишилардан фарқланадиган ажойиб хислатли кишилар эдиларки, уларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, фақир каби номлар билан тилга олар эдилар. Кўпинча бу тоифага нисбатан “сўфий” сўзи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа маъноларни ҳам ўз ичига сиғдирган.

Бир нарсани таъкидлаш жоизки, бу таълимот исломда бутунлай янги таълимот сифатида пайдо бўлиб қолмаган, балки унинг асосини Қуръони карим оятлари, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сурат ва сийратлари, саҳобаларнинг тутган йўллари ташкил қилган. Яъни, бу хислатлар мазкур тоифанинг ўзи учун хос янгилик бўлмай, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар бошлаб берган ва уларнинг сўзи ва ишларидан илҳомланиш самараси ўлароқ юзага келган. Акс ҳолда бу тоифани саҳобалардан устун қўйиш келиб чиқадики, бу мутлақо мумкин эмас. Саҳобалар, тобеинлар гарчи мутасаввиф деб аталмасаларда, улар феълан ва амалан сўфий зотлар эдилар. Чунки тасаввуфнинг киши нафси учун эмас, Раббиси учун яшаш, зуҳд ва ибодатни лозим тутиш, барча ҳолларда Аллоҳ азза ва жаллага қалби, руҳи билан юзланишдан ҳам кўра ортиқроқ маъноси борми?! Саҳоба ва тобеинлар мана шундай кишилар эдилар.

Улар бу соҳада олий мақомлар, юксак руҳий камолотдан иборат кўплаб фазилатларга эга бўлган эдилар. Улар имон акидасида фақат иқрор билан, арконда Ислом фарзларининг ўзи билан кифояланиб қолмадилар, балки иқрорга завқ ва вадни яқинлаштирдилар, фарзларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ҳар бир нафл ибодатларни қўшдилар, ҳаромлардан эмас макруҳлардан ҳам сақландилар, бу туфайли ботинлари нурланди, қалбларидан ҳикмат булоқлари отилиб чиқди, раббоний сирлар дилларига билдирилди. Бу улардан кейинги тобеин ва уларга эргашган табаъа тобеинларнинг ҳам ҳоллари эди.

Айтиш мумкинки, тасаввуф ақида, ахлоқ, мужоҳададан иборат бўлиб, унинг асоси доимий кузатув, мушоҳада ва эргашишликда бўлган Ислому, имон, эҳсондир. Унинг натижаси барча разолатлардан холи бўлмоқ ва барча фазилатларни касб қилмоқ ва Аллоҳ ва унинг расули йўлига эргашмоқ, нафси билан курашмоқ ва ботинини покламоқдан ва ўзгаларни ўзидан ортик кўрмоқдан иборатдир. Бу ҳақда Ибн Халдун шундай дейди:

*“Бу илм, яъни тасаввуф ислом миллати ўртасида пайдо бўлган илмдир. Унинг асли умматнинг аввалги вакиллари бўлмиш саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги ҳақ ва ҳидоятда бўлган кишилар орқали етиб келган. Унинг асли ибодат орқали Аллоҳ таолога юзланиш, дунё ва унинг ўтқинчи зийнатларидан юз ўгириш, кўпчилик қизиқаётган дунё молидан холи бўлиб, ёлғиз Ҳақ азза ва жаллага боғланишидир. Бу эса оммайи саҳобалар ва салафларнинг одати эди”.*⁴¹⁶

Хулоса шуки, тасаввуф кейин пайдо бўлган янгилик бўлмай, балки Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва асҳоби киром ҳаётларидан олингандир. Демак у исломга амалий татбиқдир. Бошқача айтганда, мутасаввиф деганда китоб ва суннатни маҳкам ушлаган шахс тушунилади.⁴¹⁷

Ислому тасаввуф илми кучли исломий далиллар билан собит бўлган илм бўлиб, унга амал қилиш орқали дунё-охират саодатига эришилиши таъминланади. У ўз эгасига нафсоний касалликлардан шифо берувчи даво, нафс ва руҳни покловчи йўлдир. Ушбу илмни баъзилар ботин илми, деб атаганлар, яъни у қалбни ислоҳ қилиш илмидир. Алломайи кабир, фақиҳ Ибн Обидин машхур хошиясида шундай деган:

“Кишига ихлос, ужб, ҳасад, риё каби иллатларни билмоқ фарз бўлганидек, кибр, очкўзлик, ҳасад, хиқд, газаб, адоват, душманлик, тамаъ, бахиллик, манманлик, хиёнат, тилёғламалик, ҳақдан юз ўгириш, алдов кабиларни билиш каби фарзи айндир. Уни яхшилаб билмоқ ва уларни ўзидан узоқ қилиш ҳам фарзи айндир, улардан

⁴¹⁶ Муқаддимату Ибн Халдун. Илму-т-тасаввуфи. 329-б.

⁴¹⁷ Шайх Юсуф Хаттор Муҳаммад. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя...” 17-б.

фақат уларни ҳақиқатини, сабабини ва тузатиши чораларини билган кишиларгина сақлана олади, билмаган кимса уларга тушиб қолиши аниқ. Тасаввуф айнан бу иллатларга қарши муолажа қилувчи, нафсни покловчи ва мазмум хулқлардан қутқарувчи илмдир.⁴¹⁸

Шайх Ашраф Али Таҳонавий дейди: “Тасаввуф бу шариятнинг айна таъбиридир, шунинг учун ҳар бир кишига фикҳ китобларини ўргангани каби тасаввуф адабиётларини ўрганиши зарур бўлади. Киши тасаввуфсиз ўзини тузатиши қийин, ахир аввали тавозени ўргатувчи, охири эса фано – ўзини йўқ қилиш бўлган илмдир бу. Тасаввуф ботин амалларини ислоҳ қилувчи ва уларни муолажа қилувчи ҳукмлар номидир, қайсики, фикҳ зоҳир ҳаётимизни тузатгани каби ботинимизни тасаввуф тузатади, унинг манбаси ҳам фикҳ каби Қуръон ва ҳадисдир”.⁴¹⁹

Сўфийларни бу йўлдаги нажотларига сабаб бўлган энг кучли нарса бу – уларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига эргашишга бўлган ҳарисликларидир. Маълум бўлмоқдаки, тасаввуф асосан қалбга эътибор қаратади ва айна пайтда баданий, молиявий ибодатлар дурустлигини ҳам эътиборга олади. У фақат қироат ёки муайян вирдлар зикри билан машғул бўлиш эмас, балки у илм ва амалга суянган саҳиҳ ва тўғри, инсонни намунали комил мусулмонга айлантира олувчи мукамал бир йўлдир. Муҳйиддин Арабий айтганидек: “Тасаввуф бандани зоҳирий ва ботиний одобларга риоя қилишидир.”⁴²⁰

Шунинг учун ҳам умматнинг муҳаққиқ уламолари, мураббий муршидлари, ориф зотлар барча инсонларни Аллоҳнинг ризосини топиш, қалбий мусаффоликка эришиш, ахлоқий комиллик қозониш ва Аллоҳ таолонинг шаксиз ҳақиқий – яқиний маърифатини ҳосил қилиб, Унинг муҳаббати ва муроқабаси ва доимий ёдига эришишлари учун кўпроқ сўфийлик – тасаввуф аҳли билан суҳбатлашишга қуйидаги оят мазмунига мувофиқ қизиқтирганлар.

⁴¹⁸ “Радд ул-мухтор аъла дуррил мухтор шарҳу танвирул абсор”. Хошияту Ибн Обидин. 1-ж, 31-б.

⁴¹⁹ Шайх Юсуф Хаттор Муҳаммад. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя...”. 68-б.

⁴²⁰ Шайх Юсуф Хаттор Муҳаммад. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя...”. 26-б.

“Эй Мўминлар, Аллохдан кўрқингиз ва имонларида содиқ – ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!”. (Тавба сураси, 119 оят).

Шуни таъкидлаш керакки, чин сўфий ўзликдан ва фоний дунёдан воз кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандою, маънида озод кишидир. Дунёнинг пасту баланди, сиёсату раёсатнинг ўзгариши, сўфийларнинг эътиқоди, хулқига таъсир ўтказмайди. Сўфий майда манфаатлар, одамларнинг кундалик ташвишларигина эмас, умуман фоний дунёнинг ғаму муаммоларидан устун турадиган, тафаккурининг сатҳи фалаклар қадар қамровли, қалбида маънолар булоғи қайнаб турадиган комил инсон ҳисобланган. Бу зотлар атрофидагилар онги шуурига қаттиқ таъсир ўтказганлар ва маънавият султонлари бўлиб майдонга чиққанлар. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, хислат ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Жаҳоннинг бутунлиги, ободонлик ва осойишталик кўп жиҳатдан Парвардигор фазлини етказувчи шу табаррук зотларнинг дуоси, хайрли ишларига вобаста деб қаралган.⁴²¹

Энди Қоил Марғилонийнинг тасаввуфий қарашлари билан танишиб чиқсак.

Рухинг сени сайри малакутий қилсин

Тасаввуфда “Инсон ҳақиқати нима?” деган саволга инсон ҳақиқати унинг рухидир, деб жавоб берилади. Зеро, имону қуфр, саодат ва шақоват рухнинг сифати бўлиб, қабрдаги роҳат ва азоб кўплаб уламолар сўзига кўра, рухга бўлади. Демак, инсон ҳақиқати, уни дунёга келтиришдан мақсад руҳини тарбия қилиб, камолга етказмоғидир. Аммо рух ҳақиқати ва унинг қандай экани ҳақида маълумот бандаларга билдирилган эмас. Бу ҳақда Қуръони каримда “Сиздан рух ҳақида сўрайдилар, айтинг, “Рух (ҳақидаги билим) ёлғиз Парвардигорим ишларидандир”, (Исро сураси, 85-оят) мазмунида ояти карима нозил бўлган. Шунга кўра, уламоларимиз рух ҳақиқатини баён қилишга рухсат йўқ, аммо ҳадиси шарифлар

⁴²¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти. 1996 йил, 14-б.

мазмунига мувофиқ унинг сифати, хусусиятлари ҳақида айтиш мумкин, дейдилар.⁴²²

Маълумки, Аллоҳ таоло бандаларни яратишдан аввал улардан ваъда олган. Буни “Ал-мийсоқ” деб аталади. Бунинг баёни Қуръони каримнинг “Аъроф” сурасида келган. Қоил Марғилоний руҳ борасидаги сўзларини ўша кунга ишора қилишдан бошлайдилар.

*Адамдин келтирурда руҳимиздан ваъда олгандур,
Инобат ҳалқасини бандалар бошига солгандур,
Яқин нури кангул ганжинасида жилвалангандур,
Ҳавойи нафс ила дунёда баъзидан йўқолгандур,
Юриб шаръий набийда истиқомат айласанглрчи.*

Тасаввуф уламоларининг фикрича дунё олами суғро – кичик олам бўлиб, инсон эса олами кубро – катта оламдир. Имом Муҳаммад Ғаззолий, қалб гўё бир мамлакатдир, руҳ мамлакатнинг подшоси, ақл вазир, шайтон ва унинг лашкари – нафсу ҳаво эса мамлакат ичига суқилиб қириб, уни вайрон қилишга интилувчи душмандир, деб айтадилар.⁴²³

*Инсон вужуди олами суғрода кўп асар,
Шамсу қамар кавокибу сайёра баҳру бар,
Ақл вазир, руҳи анга шохликда ҳукм этар,
Шайтон жунуди бирла кириб анда жанг қилар,
Гоҳи сўрар чунон муники ул қилур қамал.*

Инсон руҳи исён ботқоғида қолиб кетмай, илм, ибодат, ирфон туфайли камол топиб, малакут оламини сайр қилувчи бўлиши керак. Шундагина у ҳақиқий камол эгаси бўла олади. Зероки, бу банданинг энг олий даражасидир.

*Руҳинг сени сайри малакутий қилсин,
Шулдур даражотинг, биласанму, ё йўқ.*

Дил назаргоҳи Худодир, қолмасун анда губор

⁴²² Абу Ҳомид Ғаззолий: “Кимёи саодат”. Тошкент, 2005 йил. 33-бет.

⁴²³ Абу Ҳомид Ғаззолий: “Кимёи саодат”. Тошкент, 2005 йил. 31-бет.

Тасаввуф таълимотига кўра, қалб мўмин кишининг сармояси саналади. Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий: “Сенинг сармоянг кўнглинг ва вақтинг”, деганлар.⁴²⁴ Демак, уни асраш, авайлаш барча ишдан муҳим туради, чунки у бу туфайли кўплаб нарсаларни харид қилиши керак. Сафарда сармоясини қароқчига олдирган кимсанинг аҳволи қандай кечиши маълум. Сўфийлар “Дил назаргоҳи илоҳий” – “Ҳақ таолонинг назари тушиб турадиган жой”, деб эътиқод қиладилар. Алломанинг бу борадаги сўзлари билан танишган киши дилни асраш-авайлаш қанчалик муҳим иш эканини англайди.

*Дил ўшал дилдурки, холий бўлса шакку райбдан,
Ҳақ ризосини ҳавосидан муқаддам айлагай.*

Дил хазинаси шак-шубҳадан холи бўлиб, тавҳид билан лиммо-лим тўлар экан, ундай кимсага атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалар таъсир қилмайди, у ломакон сайрини қила олади.

*Агар ганжинайи дил гавҳари тавҳид ила тўлса,
Ҳаводислар кўрунмас ломакон сайрида яйрарсан.*

Бинобарин, аллома, “Худонинг зикрини қилки, қалбингда гуллар очилсин, муҳаббат бўйи бутун баданингга таралиб, руҳинг малакут сайрини қилсин”, дейдилар.

*Қил ёди Худо қалбинг аро гуллар очилсин,
Райҳони муҳаббат баданинг ичра сочилсин,
Кибру газаб, гийнани андишаси сочилсин,
Руҳинг сени сайри малакути қилсин,
Шулдур даражотинг, биласанму ё йўқ?*

Юқорида сўфийлар, дил назаргоҳи илоҳий, деб айтадилар дедик, демак унда ғубор бўлмаслиги керак. “Рўза тут” радифли ғазалда бу ҳақда шундай дейилади:

*Дил назаргоҳи Худодир, қолмасун анда ғубор,
Ташлагил ҳиқду ҳасад бирлан адоват, рўза тут.*

⁴²⁴Алишер Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”...110-б.

Шундагина у Ҳақ томонга мойил бўлади ва маърифат ҳосил бўлади.

*Дил жомидан эт занги қудурат зоил,
Шоядки, бўлур жониби Ҳаққа моил.*

Хўш, дилга ўрнайдиган ўша ғуборлар нима? Алломага кўра, бу “ботил мақола” – турли ноҳақ сўзлардир.

*Дил маърифат маҳали эрур бўлмасун ғубор,
Боис ани ғуборига ботил мақоладур.*

Нафақат ботил мақола, балки беҳуда нафас ҳам дил ойнасини хира қилади.

*Бўлур оинайи дил хийра ҳар турли нафас бирлан,
Адо қилманг умрингиз ҳамиша ҳою хавас бирлан.*

Беҳуда нафас эмас, беҳуда хаёлдан ҳам “кўнгил жоми ғамгин” бўлишига нима дейсиз?!

*Ғайри нақшидан кўнгилни жоми ҳам зангин бўлур,
Бу сифатлик жом била ваҳдат майи ғамгин бўлур.*

Демак, “лағвгўйлик” – беҳуда сўз ўрнига банда зикри Ҳақ билан машғул бўлсин.

*Кизб ила нуқсон топар албатта диннинг чехраси,
Ғийбати мардум билан кетгай ибодат меваси,
Зикри Ҳақ бирлан мунаввардур дилинг оинаси,
Лағвигўйликни ғубори бўлса қалбинг тийраси,
Сўзласанг ортиқча қилма қадрини ҳожатдан, гапур.*

Алломанинг дил билан боғлиқ фикрларининг сараси қуйидаги мисраларда десак муболаға бўлмайди.

*Дил мақсади аълога харидор айла,
Ғафлат уйқусидан ани бедор айла,
Ишиқ аҳлига қўш толиби дийдор айла,
Бу нафси абасдин ани безор айла,
Сан хатти баротинг биласанму, ё йўқ?*

Айтилганидек, инсон сармоясининг дили бўлгани учун ҳам сўфийлар асосий эътиборни унга қаратадилар. Аллома ҳам бу мавзуда деярли ҳар бир асарларида тўхталган бўлсалар-да, алоҳида бир мухаммасни унга бағишлайдилар. Унда дилни бир тўтига қиёслаб мурожаат қиладилар. Мухаммас билан танишиш орқали дилнинг мақоми, сифатлари, саодат ва шақовати нималарда экани ва бошқа қатор маълумотлардан хабардор бўламиз.

Дил тўтисига илтимос

*Сенга эй тўтийи дил, арзу ҳожат илтимосим бор,
Қулоқ солгил қилиб андак итоъат, илтимосим бор,
Топилмас кетса қўлдан ушбу соат, илтимосим бор,
Маконингда туриб қилгил иқомат, илтимосим бор,
Манам шаръийда айлай истиқомат, илтимосим бор.*

Эй дил тўтиси, озгина қулоқ бериб тур, сенга арзим бор, чунки бу фурсат қўлдан кетса, қайтиб топилмайди. Аввало, сен ҳар тарафга кетмай жойингда маҳкам тур, токи мен ҳам шаръийга мувофиқ истиқомат қилай.

*Кетарсан ҳар тарафга манзилинг қолур бўлиб холи,
Егарсан бир нафасда неча хил фикри паришонни,
Тўлар ганжинани дилга ҳама васвоси шайтоний,
Яқин нури қачон бўлғай бу атворингда нуроний,
Қўй эмди ушбу янглиз қилма одат, илтимосим бор.*

Ахир, манзилингни холи қилиб ҳар тарафга кетиб қоляпсан, турли паришон фикрлар билан дилни тўлдиряпсан, бу туфайли дилга васвасалар кириб келмоқда. Шундай юраверсанг имон қачон нуроний бўлади?! Илтимос, бу одатларингни ташлагил.

*Гумон айлар халойиқ яхши тоат айлагандур деб
Риёдан холи айлаб бир ибодат айлагандур деб
Шариатга мувофиқ истиқомат айлагандур деб
Хатоларга чекиб оҳи надомат айлагандур деб
Топилғайму сенингсиз бу шарофат, илтимосим бор.*

Эй тўти, халойиқлар бу одам чиройли тоат, шаръийга мувофиқ истикомат ва хатоларига надомат қилган деб гумон қиладилар. Ахир, ўйлаб кўр, сен бўлмасанг бу шарофатлар қаердан ҳосил бўлсин?!

*Кўрарга нақши дунёни паёнай сайр этар бўлсанг,
Гулистону ҳавасларда ўзингни ўйнатар бўлсанг,
Фузулий маниша-и бўлмоқ учун кунлар ўтар бўлсанг,
Қилиб холий маконинг ҳар тарафларга кетар бўлсанг,
Мабодо жонингни қилмагай горат, илтимосим бор.*

Дунё нақшу нигорини кўриш учун сайр қилиб кетаверсанг, ҳавас гулистонида ўйнаб юраверсанг, кераксиз ашёларга алданиб кунларни ўтказиб, жойингни бўш қўйиб ҳар тарафга кетаверсанг, кўрқаманки, бирор ваҳший жонингни ғорат қилмасмикан?!

*Забоним гийбати мардумни қилса, ёрий бергайсан,
Эшитганда қулогимни келиб ёнида тургайсан,
Кўзумдан илгари инсонни айбига югургайсан,
Бошимни саждага қўйсам қочиб қайларда юргайсан,
Бориб охир этар мундин хижолат, илтимосим бор.*

Эй дил тўтиси, тилим бировни ғийбат қилса, қайтариш ўрнига кўмак берасан, тингласа, қулогимнинг тагига келиб турасан, бировнинг айбига мендан олдин югуриб, саждага бош қўйсам ҳар ерларда қочиб юрасан, ахир охирда бу ишлардан менга хижолатлик етмайдими?!

*Шараф инсонга берди Ҳақ таоло сен билан эй дил,
Ақл жавҳарларини айлаб муҳайё сен билан эй, дил,
Бўлур фавқи саро ҳатто сурайё сен билан эй дил,
Карам исломийларга мулки аъло сен билан эй дил,
Топар жаннатда имон аҳли роҳат, илтимосим бор.*

Аллоҳ таоло сен туфайли инсонга шараф берган, сен туфайли унга ақл бериб, ердан сурайё қадар кўтарилиш имконини берган, Охират жаннатини ҳам ислом аҳлига сен туфайли берган ва улар

айнан сен туфайли роҳат ва фароғат топадилар, шуларни бир ўйлаб кўрсанг бўлмайдими?!

*Сени нурунгни олдида қамар нури керак бўлмас,
Агар сен жилвалансанг шамсу анвардан дарак бўлмас,
Етар ирфон камолига ибодат муштарак бўлмас,
Яқин нури билан қилган назарда райбу шак бўлмас,
Қилайлик холисан лиллоҳ ибодат, илтимосим бор.*

Эй дил, сени нурунгни олдида ой нури ҳам камлик қилади, агар жилва қилсанг қуёш бир йўла кўринмай қолади ва ирфон ҳам камолига етади, шундай экан, кел, холис Аллоҳ учун ибодат қилайлик.

*Муносиб сенга ул эрдик сайри ломакон қилсанг,
Вужудинг ғарқи ваҳдат айласанг, элдин ниҳон қилсанг,
Бақо гулзориға бир кун борурға ошён қилсанг,
Ҳаводислар асар қилмас жаҳон доруломон қилсанг,
Бўлуб озода машираб истироҳат илтимосим бор.*

Аслида сенга ломакон сайрини қилиш муносиб эди, вужудингни ваҳдат нурига ғарқ қилиб, ўзингни элдин яшириб, бақо гулистони учун ошён қилганингда яхши бўларди, ана шунда дунёда озод қуш бўлиб истироҳат қилган бўлар эдинг.

*Жаҳонни орзусин изламак уқбони уётидур,
Ҳаво этмак камолиға ҳидоятни вафотидур,
Алойиқни қайдидин кўнгулни озоди нажотидур,
Меҳнату мосиводан қанча кам бўлмак ҳаётидур,
Ҳаётингдур нажотим бўл саломат, илтимосим бор.*

Биласанми, жаҳоннинг орзусини иташ охират хижолатлиги, ўз камолиға қувонмоқ ҳидоятнинг вафоти, кўнгулнинг дунё алоқаларидан тўқлиги нажоти, Ҳақдан бошқадан узилиши эса унинг ҳаётидир. Эй дил, яна шуни билки, сени ҳаётлигинг мени нажотимдир.

*Ҳақиқат жилваланганда қадам уқбоға ташларсан,
Таманно дийдасин ашки муҳаббат бирла ёшларсан,*

*Ҳавас гулзорига гоҳи хирадларни бағишларсан,
Қабули халқ учун наққош бўлиб зоҳир тарошларсан,
Рақам оҳиста чек қилмай жароҳат илтимосим бор.*

Эй дил, баъзан ҳақиқат жилва қилса, уқбо томонга юриб ўткинчи орзулар фикрини муҳаббат ёши билан ювган бўласан, кейин яна фикринг ўзгарса, уни ҳавас боғига бошлаб халқ учун амал қила бошлайсан. Ҳай-ҳай, қалбимни жароҳатламай бу оғир гапларни тўхтат.

*Агар сен бошласанг инсон юриб роҳи савоб айлар,
Ҳазин ҳолингда қилган наволар фатҳи боб айлар,
Дуо фағфирлано деб айласанг Ҳақ мустажоб айлар,
Сени ҳозирлигинг тоатларимни мустатоб айлар,
Карам қилгаймукин Қоил, ҳидоят илтимосим бор.*

Сен шундай кучга эгасанки, йўл бошласанг инсон албатта тўғри йўлга юради, ҳазин ҳолингда қилган илтижолар раҳмат эшикларини очади, дуолар ижобат бўлади ва оғоҳлигинг эса тоатим қабулига сабаб бўлади. Шундай экан, ўз ўрнингда барқарор тургин, шояд Ҳақ таоло менга ҳам карам қилса!

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Қоил Марғилоний асарларининг умумий ғояси айтилганидек, одамийлик иморатини бино қилиш, инсонийлик салтанатини барпо қилишга қаратилган. Муқаддас Ислом дини бутун аҳкомлари, арконлари ва таълимоти билан бу улуғ мақсадга қаратилгани учун асарларининг йўналиши мазкур таълимот асосидан келиб чиқиб, мусулмонлик биносини мустаҳкамлашга бағишланган. Аллома бу билан боғлиқ фикрларини муайян боблар остида кенг ва тушунарли тарзда баён қилганлар. Шунга кўра, биз ҳам улар таҳлилини мазкур боблар бўйича беришни лозим топдик. Бунинг учун алломанинг илмий мерослари ахтариб топилди ва синчиклаб ўрганилди.

Эслатиб ўтамыз, Қоил Марғилоний илмий меросининг асосий манбалари муаллифнинг ўз дасхатлари билан ёзилган баёзлардир. Ҳозирда мазкур баёзлар аллома ворислари қўлида сақланади. Қоил Марғилоний баёзлари хусусида сўз юритишдан олдин адабиётшунос Отабек Жўрабоевнинг «Қўқонда тартиб этилган баёзлар» мақоласида баёзлар борасида келтирган фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиксак:

«Баёз» сўзи оклик маъносида бўлиб, кўпгина муаллифларнинг бир неча хил шеърий асарларини жам этган тўпламдир. Бир муаллиф асарлари йиғилган ёки бир хил йўналишдаги шеърий асарлар жамланган баёзлар ҳам учрайди. Маълумки, баёзчилик анъанаси Шарқда, хусусан мусулмон оламида VIII-IX асрларда араб адабиётида дастлабки кўринишларини олган эди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда китобат этилган баёзларнинг эса XV асрлардаги намуналари мавжуд.

Баёз ва баёзчилик ҳақида, жумладан Қўқон баёзлари ҳақида айрим тадқиқотларда тўхталиб ўтилган. Мазкур баёзлар асосан, котибларнинг дунёқарашини ва руҳий оламидан келиб чиқиб, ёки қўлзма буюртмачисининг истагига кўра тузилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан: Қўлзмаларнинг аксар қисмини мазмун мундарижасига кўра, икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Диний – тасаввуфий (орифона) мавзудаги асарлар салмоқли ўринда бўлган манбалар;

2. Лирик ва ижтимоий (дунёвий) мавзудаги асарлар кўпчиликни ташкил қилган манбалар.

Мазкур таснифлаш нисбий бўлиб, ўтмишда котиблар бу ажримни кўзда тутмаганлар.⁴²⁵

Қоил Марғилонийнинг юқорида тилга олинган баёзларидан ташқари, мазкур баёзлардан саралаб тузилган турли ҳажмдаги баёзлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Замондошларидан баъзи адабиёт ихлосмандлари аллома асарларидан хотира сифатида нусха кўчириб олганлар. Ҳозиргача мазкур баёзларнинг ўнга яқин нусхаларини топишга муваффақ бўлдик. Улар қуйидагилар:

1. Алломанинг ўз дасхатлари билан ёзилган баёз. Баёз ҳозирда аллома фарзандлари қўлида сақланади. Биз китобда мазкур баёзни аос қилиб олдик.

2. Марғилонлик Абдулҳай Яҳёхон ўғли хонадонидан сақланувчи баёз. 1975 йил 6 мартда Умаржон охунд тарафидан кўчирилган.

3. Марғилонлик Муҳаммадхон Ҳожихон ўғли хонадонидан сақланадиган баёз. Котиб Умаржон охунд.

4. Абдурахмон домла Баҳрий мерослари орасидан топилган баёз. Котиб Баҳрий.

5. Шогирдларидан Обиджон ҳожи ота Собиржон ўғлига тегишли баёз.

6. Ёзёвонлик Одилжон Зокиржон ўғли томонидан кўчирилган баёз.

7. Шогирдларидан ёзёвонлик Ҳоқимжон Абдулқодир ўғли қўлида сақланадиган баёз.

8. Хотинариқ қишлоғида яшовчи мухлисларидан бирининг қўлида сақланувчи баёз.

9. Шогирдларидан ёзёвонлик Абдулҳолиқ отага тегишли баёз.

⁴²⁵ Жўрабоев О. Кўқонда тартиб этилган баёзлар // «Кўқон асрлар силсиласида» Республика – илмий назарий конференцияси материаллари. Кўқон, 2004. 165-167-б.

10. Шогирдларидан Шарифжон хожи ота Аҳмад охунд ўғли қўлида сақланувчи баёз.

11. Марғилонлик Оллоҳберди Раҳмонберди ўғлида сақланадиган баёз. Котиб Умаржон охунд.

Мазкур баёзларнинг тузилиши, таркибий қисми, қоғоз ва сиёҳ турлари, сақланиш ҳолати ва бошқа хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтирмадик. Эслатиш жоизки, мазкур баёзлар ичида тўлиқ ва мукаммали бу алломанинг ўз дасхатлари билан ёзилган юқоридаги №1 рақамли баёздир. Бошқалар унинг нусхалари ёки сайланма тарзида тузилган. Улар орасида №6 рақам остида кўрсатилган нусха нисбатан мукамал саналади.

Аллома асарларини ўрганишда мазкур баёзлар билан танишиб чиқиб, улар орасидан икки минг етти юз мисрадан ортиқ йигирма тўртта ғазал, йигирма саккизта мухаммас ва битта саёҳатномани асос қилиб олдик. Асарлар мавзуси тўрт асосий йўналишда бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Ақидавий мавзулар.
2. Тасаввуфий мавзулар.
3. Ибодатга оид мавзулар.
4. Ахлоқий мавзулар.

Ахлоқий мавзулар икки қисм бўлиб, улар ахлоқи ҳамида – мақталган хулқлар ва ахлоқи замима – ёмон хулқларга бағишланган. Аллома ақидавий мавзуларни баёнида унинг муҳим боблари: имон, ислом, тавҳид, фаришталар, китоблар, пайғамбарларни тасдиқлаш, каромат, қаҳонат, қабр азоби ва роҳати, амаллар дафтари, махшар, мезон, сирот, шафоат, меърож, қазо ва қадар, машийят, ирода, хавф, ражо ва бошқалар ҳақида тушунчалар берадилар.

Тасаввуф мавзусида унинг асосий тушунчалари: ирфон, ҳақиқат, ризо, мухаббат, фано, бақо, малакут олами, ломакон кабилар ҳақида тўхталганлар.

Ибодатга оид бобларда намоз, рўза, садақот ва таҳорат каби ибодатлар устида сўз кетади.

Ахлоқи ҳамидалардан ихлос, сидқ, вафо, ҳилм, тавозе, камтарлик, кичик кўнгиллик, хайрихоҳлик, адл, эҳсон, саховат, очик юзлик, кўнгли тўқлик, таслим, итоат, ҳокисорлик каби фазилатлар

ҳақида тўхталган бўлсалар, ахлоқи замималардан куфр, ширк, нифоқ, риё, бухл, кибр, ужб, манманлик, макр, хийла, фириб, найранг, ҳою-ҳавас, ҳирс, ҳасад, хиёнат, сумъа, тамаъ, исроф каби мавзуларда сўз юритганлар.

Муомала бобида ота-она, қариндош, эр-хотин, кўни-кўшни, таниш ва нотанишларга яхшилик қилиш борасида қимматли тавсиялар берганлар. Таъкид жоизки, аллома асарларида тилга олинган мавзуларнинг ҳар бири аввал айтилганидек, Қуръони карим оятлар ва ҳадиси шарифлар мазмуни билан қувватланган.

Уларни таҳлил қилишда дастлаб имон ва унинг рукнлари Аллоҳга, пайғамбарларга, фаришталарга, китобларга, қиёмат кунига, тақдирга, ўлгандан сўнг қайта тирилишга, жаннат ва дўзах, қиёмат кун ҳисоби, номайи аъмол, каромат ва қаҳонат, имоннинг зиёда бўлиш ва бўлмаслиги, хавфу ражо ва бошқа ақидавий мавзулардаги фикрлари келтирилди.

Эслатиб ўтамик, аллома ақидавий масалаларни баён қилишда Аҳли суннат вал жамоат эътиқоди, Мотуридия таълимоти бўйича баён қилганлар. Маълумки, пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин ҳазрат Али (қарромаллоҳу ваҳҳа) даврида Ислom уммати орасида турли бўлинишлар юзага келади, бу бўлиниш ақидавий масалаларда ҳам хилма-хилликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ушбу ақидавий бўлиниш секин-аста кулоч ёйиб, мусулмон уммати ўртасида турли эътиқодлар, Ислomнинг аслий қоидаларига мувофиқ амал қилишдан узоқлашишни пайдо қилади. Хусусан, бунда масалалар моҳиятига фақат ақли билан ёндошадиган мўътазила оқими тарафдорларининг таъсири катта бўлган.

Мазкур оқим ва фиркаларнинг ҳар бири ўз эътиқоди ва қарашларини Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар билан асослашга уринганлар. Шундай бўлса-да, барибир уларни кўпроқ ўз ақли ва шахсий фикри билан талқин қилган.⁴²⁶ Натижада қисқа фурсат ичида Ислom уммати етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Шу пайтда уларнинг орасидан энг тўғри йўл – Қуръон ва суннатга мувофиқ

⁴²⁶ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қадир»... 2-ж, 27-б.

тўғри йўлни ажратиб, мусулмонларга кўрсатиб бериш зарурияти юзага келади. Бу хизмат учун мусулмон уммати орасидан бир гуруҳ уламолар ажралиб чиққанлар, уларни мутакаллимлар – ақида илми уламолари, мазкур илми, илми калом – ақида илми деб аталган.

Уларнинг машаққатли меҳнати сабаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошланган ва у зот ўзлари кўрсатиб, умматни ўша йўлда юришга чақирган муборак йўл турли нотўғри эътиқод ва қарашлардан холи ҳолда ўзининг равшан юзини кўрсатди. Уламоларимиз бу муборак йўлни “Аҳли суннат вал жамоат” йўли, унинг эътиқодий қарашларини “сунний ақидалар”, деб атадилар.⁴²⁷ Мазкур ақидавий мазҳабга амал қилган кишилар “нажот топучи мўминлар” деб эътироф этилди.⁴²⁸

Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар Абдулоҳ ибн Умар (розияллоҳу анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Яқинда менинг умматларим етмиш икки фирқага бўлиниб кетадилар. Улардан барчаси ҳалок бўлувчи фақат биттасигина нажот топувчидир. Шунда ҳозир бўлганлар: “Улар ким ё Расулуллоҳ?” – дедилар. “Улар мен ва саҳобаларим юрган йўлга юрган кишилардир”, дедилар.⁴²⁹ Китобда “Аҳли суннат вал жамоат” дейилганида мазкур ақидавий йўналиш ва унинг эътиқод масалалари назарда тутилган.

Суннийлик йўналишида иккита мазҳаб бўлиб, бири Абул Ҳасан Ашъарийга нисбатланиб, “Ашъария”, яна бири Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқандийга нисбатланиб, “Мотуридия” йўналиши деб аталади. Биз Мовароуннаҳр мусулмонлари эътиқод борасида мотуридия йўналишида амал қилиб келганимиз учун бу ерда баён қилинган масалалар мазкур ақидавий мазҳаб қарашларига мувофиқ келтирилган.

⁴²⁷ Абу Саъид Ходимий. “Барикайи Маҳмудия шарҳу Тарикайи Муҳаммадия”... 1-ж, 200-б.

⁴²⁸ Муҳаммад ал-Муборакфурий. “Тухфат ул-Аҳвазий”... 6-ж, 440-б.

⁴²⁹ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 5-ж, 26-б.

АҚИДАВИЙ МАВЗУЛАР

Банда таслим айламак бирлан мусулмон бўлгуси

Маълумки, мусулмонликнинг боши имон, тавҳид, маърифатдир. Қоил Марғилоний Ислонинг асоси бўлган мазкур мавзулар устида жиддий тўхталганлар. Ақида бўйича мусулмонлик Аллоҳга таслим – бўйинсунмоқ, итоат билан ҳосил бўлади.

*Банда таслим айламак бирлан мусулмон бўлгуси,
Айлаган тоъатларидан нури имон бўлгуси.*

Эътибор берилса, аллома мусулмонлик итоат-таслим билан ҳосил бўлишини айтиш билан бирга Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим масалаларидан бири, тоат сабабли имон нури зиёда бўлишига урғу беряптилар. Сунний ақида бўйича солиҳ амал туфайли имон нури зиёда бўлиши айтилган.

Шунингдек, аллома: “*Имонни камолига таслим шарт эрур*”, дея, таслим имон мукамаллигининг шарти эканини таъкидлайдилар. Ўз ўрнида бунинг учун имон эгасига шукр лозимлигини уқтирадилар.

*Шукри беҳад айла Ислон аҳлидан қилди сани,
Гавҳари имон учун қалбингни айлаб маъдани,*

Алломага кўра, имон нури нафақат солиҳ амалдан балки яхши ният сабабидан ҳам нурланар экан. “Орзу бирлан ҳавас” радифли мухаммасда бу қуйидагича ифодаланган.

*Мақсади шаръийда юрмак бўлса Ислон аҳлини,
Жилвалангай нури имон, орзу бирлан ҳавас.*

Имон шарафига эга бўлган мўминнинг мақсади нималардан иборат бўлиши ва у кимларга эргашиши керак? Бунга қуйидагича жавоб берадилар:

*Аҳли имон кўнглида бўлсун Худо андишаси,
Айлаган тоатлари бирлан ризо андишаси,*

*Ҳам ризо аҳлига қилмоқ иқтидо андишаси,
Ғарқи ваҳдатда бўлурму мосиво андишаси,
Ломакон сайри ани монанди Адҳам айлағай.*

Ҳа, имон аҳлининг кўнглида доим Худонинг розилигини топиш ва ризо аҳлига эргашиш мақсади бўлади, чунки имонга ғарқ бўлиб лаззат топган кимсанинг қалбига Ундан бошқанинг зикри келмайди. Имон аҳлининг нияти қандай бўлишини айтган аллома унинг сифати ҳақида ҳам тўхталадилар. Унга кўра, имон аҳли барча ишда Ҳаққа таваккул қилиши, сабр ва қаноат билан туриши зарур.

*Сазовор улки, имон аҳлига қилмак таваккулдир,
Қилиб тафвиз ила, сабру қаноат айласанларчи.*

“Тавалло бирла юрмакни асли имонда ҳам қилди”, деган сўзларидан мўминлар бир-бирларига дўст-улфат бўлиб юришлари муҳимлиги англашилади. Аслида дўстлик ҳам кишининг имонига қараб бўлиши керак экан, бу ерда бойлик ёки камбағаллик муҳим эмас имон эгаси бўлмиш ҳар қандай киши муҳаббатга лойиқдир.

*Ҳар кимни бўл биродари имонига қараб,
Ҳақ наздида баробардир бойу камбағал.*

Ёки:

*Ўзинга хоҳлаган роҳатни инсонга раво кўргил,
Биродарликни ҳар бир аҳли имонга раво кўргил.*

Биродарлик имон учун бўлганда ҳақиқий бўлади ва ажралмайди, демак вафони ҳам шундай кишилардан ишташ керакки, улар ризо аҳлидир.

*Ҳақиқий ошно агар имон учун бўлганда айрилмас,
Ризо аҳли эрур, албатта онлардин вафо ахтар.*

Аллома “аҳли имонларни жону дил билан тақрим қил” ишга чақириб, уларга ҳақорат кўзи билан боқишдан қайтарадилар. Буни куфрга олиб бориши мумкинлигини англаган аллома шу орқали уларни огоҳлантирадилар.

Аҳли имонга ҳақорат чашми бирлан боқмагил,

*Қадри имонни бутун дунёдан ортуқ чоғлагил,
То ҳаётинг борича тоат учун бел боғлагил,
Ҳам хилофи нафс ила шайтонни бағрин доғлагил,
Лавҳи дилга бу насиҳатни ёзиб туммор қил.*

Имон ва имон қадри ҳақида гапирган аллома охираат саодати фақат имон билан бўлишини эслатадилар. Бу борада: “Бақо мулкига имон бирла борганларга тахту бахт,” ёр бўлади дер эканлар, дунёдан имон билан кетиш умидида куйидаги хитоб билан сўзларини тугатадилар:

*Нидо қилганда Қоил, васфи имон чиқса номингдан,
Бўлур андан кейин санга тамоми муддао, даркор.*

Керакдур санга ахтармак жаҳонда рутбайи ирфон

Маълумки, ирфон, яъни Аллоҳ таолони таниш, унинг улуғлиги, жалолияти, азамати ва буюк қудратлари ҳақида маърифат ҳосил қилиш барча мўминларга вожиб. Албатта, бу ҳар бир кишининг ўз иқтидорига қараб бўлади. Имом Муҳаммад Ғаззолий айтганидек: “Илмларнинг энг шарафлиси ва чўққиси бу Аллоҳ аза ва жалланинг маърифатини ҳосил қилмоқдир, ваҳоланки бу чеки бўлмаган илмдир. Ундаги инсонлар етадиган мартабаларнинг энг юқори чўққисига Пайғамбарлар, кейин авлиёлар, кейин эса уларга яқин кишилар етадилар”.⁴³⁰

“Кашф ул-маҳжуб” да айтилишича, фуқаҳолар Аллоҳ ҳақидаги илмга “маърифат” деганлар. Тариқат шайхлари эса Аллоҳ хусусидаги сиҳхатли ҳолни “маърифат” дейдилар ва “Маърифат илмдан кўра устундир”, деб айтадилар.⁴³¹

Қуръони каримдаги Аллоҳ таолонинг “Мен инсонлар ва жинларни менга ибодат қилсинлар учунгина яратдим” мазмунидаги оятга (Зориёт сураси, 50-оят) Ибн Аббос ва бошқа муфассирлар “Мени танисинлар учун яратдим” деб маъно берганлар.⁴³²

⁴³⁰ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 1-ж, 55-б.

⁴³¹ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 503-б.

⁴³² Абул Қосим Ал-Қушайрий. “Ар-рисола ал-Қушайрийя”... 1-ж, 2-б.

Маърифат мақоми юксак мақом саналиб, агар у муяссар бўлса, киши қалбида ҳайбат ва қўрқувни, кўзда ёш ва ибратни, ҳаё ва ибони, кўнгилда хушувни, жаворих – аъзоларда сукунат, ўзини паст тутиш, тоат ва хизматни, тилда зикр ва ҳамдни, қулоқда тинглаш ва тушунишни, муножот ўринларида эса махфийлик ва ҳаловатини пайдо қилади, дейилган.⁴³³ Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруҳу) шундай деганлар: “Тавҳид поғонасига тезда етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин”.⁴³⁴

Хўш, ирфон ҳосил бўлиши учун киши нималарга эътибор қилиши керак?! Бунинг учун туғёнга сабаб бўлувчи нифоқ, кибр, ужб каби ёмон хулқлардан сақланиши керак, акс ҳолда буларсиз ирфон ҳосил бўлиши душвор.

*Нифоқу кибр ила юрма бўлур ул боиси тугён,
Керақдур санга ахтармак жаҳонда рутбайи ирфон,
Яқин нури муяссар бўлса шояд санга эй инсон,
Мусаххар айласанг нафсингни қайтарса агар шайтон,
Ҳақиқатда муяссардур санга мулки Сулаймони.*

Бундан ташқари, ундай кимса бойлик-камбағаллик, олтин-кумуш, дунёнинг “молу манол”, “завку карашмалари” га боқмаслиги, дили ва тили доим зикрда бўлиши керак.

*Ирфонни ахтарар киши ҳолига боқмагай,
Олтин табақни фарқи софолига боқмагай,
Зоҳид жаҳонни молу манוליга боқмагай,
Завқи карашма бирла мақолига боқмагай,
Дил шавқидан тили ани ё раббано қилур.*

Нима учун дунёнинг “молу манולי” га боқмаслик керак?
Чунки:

*Ваҳми дунё дилни жоми ичра зангу гам бўлур,
Журҳи дилга лаззати тоатни қўй марҳам бўлур,*

⁴³³Абу Зайд Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Махлуф ас-Саъолибий. (786/1384-876/1471).“Ал-жавҳар ал-ҳисон фи тафсири ал-Қуръон”. 3-ж, 497-б <http://www.altafsir.com>

⁴³⁴Абул Мухсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балогардон”... 93-б.

*Гардани кимни ибодат бори бирлан хам бўлур,
Ломакон сайрида гўё султон жаҳон Адхам бўлур,
Ушбудар билсанг ҳақиқий аҳли ирфонлар, намоз.*

Ҳа, дунё ғами кўнгил жомига ўрнашган занг каби ирфон ҳосил бўлишига тўсиқдир. Кўриниб турибдики, алломанинг маърифат борасидаги фикрлар ва тавсиялари шоёни таҳсин. Энг қизиғи, мазкур тавсияларнинг барчаси ҳар бир ихлосли мўминнинг кўлидан келишидир. Кишиларни бирор ишга чақирган аллома, уларни осон ва енгил йўллар билан олиб бориши у зотга хос фазилат эди. Аслида, тилга олинган сифатлар ҳар бир инсонда мавжуд, лекин қай бири қандай хусусиятга эга эканини тартибли равишда билмайди холос. Алломанинг маҳоратлари уларни киши кўз ўнгида ҳикмат ва тадбир билан намоён қилишларидир. Бу эса пайғамбарлар ва авлиёларга хос фазилат саналади. Баҳоуддин Нақшбандий (қуддиса сирруҳу) айтганларидек:

“Аҳли иршод (пирлар) ҳикмат каби чиройли тадбир қўллаб, соҳиб табиат толиб билан шундай муомала қиладиларки, охири уни яхшиликка буйсундирадилар ва суннатга тобеъ қилиш йўлига киргизадилар. Пайғамбарлар ва авлиёлар шундай аҳли тадбир ва ҳикмат соҳиби бўладилар.”⁴³⁵

Санга мақсуди аслий Ҳаққа тоатдин бўлак эрмас

Ақида бўйича мусулмон кишига Раббисига итоат ва ибодат қилиши фарз саналади. Гарчи амал имоннинг бир қисми саналмаса-да, аммо амалсизлик гуноҳи кабира ҳисобланиб, бундай кимса аламли азобга қолиши айтилган. Аллома банданинг асл мақсади Ҳаққа тоат эканини эслатиб шундай дейдилар:

*Санга мақсуди аслий Ҳаққа тоатдин бўлак эрмас,
Суниб фармонига бўйунг итоатдин бўлак эрмас,
Қилурга тўшайи уқбо ибодатдин бўлак эрмас,
Анинг муздига жаннат ичра роҳатдин бўлак эрмас,*

⁴³⁵ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин Балогардон”... 83-б.

Будур бизга биродарлар Худовандимнинг фармони.

Маълумки, ҳар бир нарсанинг лаззати бўлганидек ибодатнинг ҳам ўзига яраша лаззати бўлади. Бу қалб ва дилга билинадиган маънавий лаззатдир. Обидлар баъзан ибодат сўнгида: “Агар шахзодалар ушбу лаззатларни билиб қолишганида тортиб олиш учун бизга уруш очган бўлар эдилар”, дейишлари бежиз эмас. Алломага кўра, киши тоат завқини тотиши учун тилни бемаъни сўзлардан сақлаши керак.

*Ҳамиша асли бемаъни сўзларга одати бўлса,
Ани нафсини билсанг лаззати тоатни тотганмас.*

Шу билан бирга, кишига берилган умр кўз очиб юмгунча фурсат экани, шу боис кўпроқ ибодат билан ўтказиш зарурлигини айтадилар.

*Лаззати дунёни излар нафсимизни одати,
Барқ янглиғдур жаҳонни айши бирла роҳати,
Кўз юмиб очгунча фурсат комронлиг соати,
Ухламай қилмоқ керакдур Ҳақ таоло тоати,
Бовужуд ётгай бориб қабр ичра чандонлар, намоз.*

Куйидаги мисралар ҳаётни қандай ўтказиш ва нималарга эътибор бериш хусусидаги тавсиялар билан зийнатланган.

*Нажот истар киши шаръий набийда истиқомат қил,
Ҳаётинг борича бўйунг суниб Тангрига тоат қил,
Ҳазар айлаб ёмонликларни тарки бирла одат қил,
Саҳарларда туриб йиглаб гуноҳингга надомат қил,
Агар лутф айласа, сен ҳам муборак яхши инсонсан.*

Ҳа, охира азобидан нажот истаган киши пайғамбар кўрсатган йўлда истиқомат қилиб, ёмонликлардан сақланиши ва гуноҳига тавба қилиши лозим. Агар тавбаси қабул қилинса у ҳам муборак инсондир.

Саҳар файзи илоҳий бандалар бошига жорийдур

Эътибор берилса, аллома асарларида “тоат файзи”, “тоат завқи”, “файзи илоҳий” каби иборалар кўп учрайди. Маълум бўлмоқдаки, тоатнинг ўзига ярша завқи ва файзи бўлар экан, демак, унинг ҳосил бўладиган вақти ҳам бўлиши табиий. Хўш, ўша вақт қайси ва қочон? Бу саҳар вақтидир. Ҳа, саҳар пайти илоҳий файз ёғиладиган вақтидир. Алломанинг “саҳар” радифли ғазалларидан бир неча байтлар билан танишиб чиқсак.

*Уйғониб эй банда, гафлатдин ибодат қил саҳар,
Ётмагил, бедор ўлиб Тангрига тоат қил саҳар.*

*Бу жаҳон уқбога монанди зироатгоҳидур,
Ҳосилин анда олгайсан зироат қил саҳар.*

*Ёди Ҳақ бирлан бўлиб машгули истиғфор бўл,
Ёлбориб қилган гуноҳинга надомат қил саҳар.*

*Бир насимийи гулистон файзи Ҳақдин қўзғолур,
Етса шояд завқи руҳонийга роҳат қил саҳар...*

Мазкур мисраларда саҳар вақтининг файзи тилга олинган бўлса, тубандаги сатрларда сўз саҳар пайтидаги истиғфор ва надомат ҳақида кетади.

*Саҳарда уйғониб ҳар кимса, истиғфор этар бўлса,
Қўйуб пешонасини саждада тўхтатар бўлса,
Забонин “раббиял аъло” каломи тебратар бўлса,
Кечар Тангрим гуноҳидан агар хавфу хатар бўлса,
Таҳажжуд нияти бирла таҳорат айласанларчи.*

Юқорида истиғфор сабаб гуноҳлар кечирилиши эслатилган эди, қуйида “гуноҳ дарди”га шифо ахтарган кимса ҳам айна пайтда ахтариши лозимлиги айтилади.

*Шифойи мағфиратни эй гуноҳ дардига ахтаргон,
Туриб вақти саҳар фағфирлано билан даво ахтар.*

Нафақат саҳар вақтидаги истиғфор, балки бу пайтдаги дуо ҳам ижобат экан.

Саҳарни файзидан андак умид айлаб риёзат қил,

Бақо раҳравлари доим дуони субҳидам айлар.

Кишиларни тавбага чақирган аллома уни бизга отамиз Одам (алайҳиссалом) дан қолган меросдир, дейдилар.

*Гуноҳингга туриб йиғлаб саҳарларда надомат қил,
“Золамно роббано” бизларга мероси падар охир.*

Мавзу тоат ва ибодат ҳақида кетар экан, бир нарса устида тўхталиб ўтсак. Барча даврларда бўлгани каби аллома яшаган даврда ҳам ибодатларга бепарво бўлиш ҳоллари учраб турган. Айниқса, халқимиз маънавий-руҳий тарбия манбаи бўлмиш миллий-диний кадриятлардан маҳрум этилган, муқаддас динимиз таълимотига тўла амал қилиш имкони бўлмаган ўтмиш даврда бу оддий ҳолга айланган эди. Аллома шу каби бепарво кишиларни ҳам насиҳат йўли билан тавба ва тоатга чақиришга уринганлар. “*Айласангларчи*” радифли мухаммасларида шундай кўрамиз:

*Худога эй биродарлар ибодат айласангларчи,
Суниб фармонига буйун итоат айласангларчи,
Ризоийи Ҳақ учун андақ риёзат айласангларчи,
Хатоларга қилиб тавба надомат айласангларчи,
Кечар ҳолим на деб ваҳми қиёмат айласангларчи.*

Аmmo бундай кишиларни тоатга чақириш осон кечмаслиги маълум. Бир оғиз ноўрин сўз уларга акс таъсир қилиши мумкин. Бунинг учун хушёрлик ва ҳақимона йўл тутиш зарур бўлади. Аллома буни ҳам уддалай олган эдилар. Насиҳатлари хайрихоҳлик ва самимийлик йўлига кўра бўлган. Бу ҳолат, айниқса, намоз борасида ёзилган мухаммасда яққол кўзга ташланади. Мухаммас ўша даврдаёқ кўплаб замондошлари томонидан кўчириб олинганининг сабаби ҳам шунда.

Таъкид жоизки, аллома кишиларни ибодатга чақирар экан уларни ўзларига яқин дўст сифатида насиҳат қиладилар. Шу жиҳатдан мазкур мисралар бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Мазкурларни инобатга олиб мухаммасни тўлиғича бериш муносиб кўрилди.

Намоз

*Ҳақни фармони ўқинглар, эй мусулмонлар, намоз,
Бахтиёр ўлган саодат аҳли бўлганлар, намоз,
Эй, тамоми бандаликдан баҳра олганлар, намоз,
Қалбида нури илоҳий жилваланганлар, намоз,
Вақтида айланг адо, эй аҳли имонлар намоз.*

*Банда таслим айламак бирлан мусулмон бўлгуси,
Айлаган тоатларидан нури имон бўлгуси,
Қабр ичинда эй биродар, роҳати жон бўлгуси,
Тонгла маҳшар халқ аро бизларга бурҳон бўлгуси,
Боиси фавзу најот, лутфу эҳсонлар намоз.*

*Лафзида “Аллоҳу акбар” деб агар қилса шуруъ,
Қоим айлаб қоматин ҳам қилиб борса рукуъ,
Зоҳири “субҳанакаллоҳумма” деб қилса хузуъ,
Ботини Ҳақ ҳайбатидан саждада топса хушуъ,
Абри раҳматдин сочар бошига боронлар намоз.*

*Йўқ эдик бизни адамдин келтириб бор айлади,
Қилди бизларга карам, тавфиқини ёр айлади,
Қалбимиз алҳамду лиллоҳ, анга иқрор айлади,
Биз учун жаннатда роҳатларни тайёр айлади,
Мунтазир таширфингизга ҳуру гилмонлар, намоз.*

*Лаззати дунёни излар нафсимизни одати,
Барқ янглиғдур жаҳонни айши бирла роҳати,
Кўз юмиб очгунча фурсат комронлиғ соати,
Ухламай қилмоқ керакдур Ҳақ таоло тоати,
Бу жасад ётгай бориб қабр ичра чандонлар, намоз.*

*Бандани тавфиқи келгай Ҳақни фазли жудидан,
Саждага бошини қўйган гул узар мақсудидан,
Ҳосил ўлгай нашъа-и уқбо ибодат судидан,
Қабр ичинда кўрмагай ул банда дўзах дудидан,
Кўзгалур жаннат тарафдин бўйи райҳонлар намоз.*

Кеткузуб зоҳир ҳадасларни таҳорат айлагил,

Тарки исёндан жаворихларга одат айлагил,
Бандасан шаръий набийда истиқомат айлагил,
Мосиваллоҳ зангидан сирринг саломат айлагил,
Солмасун беҳуда изволарни шайтонлар, намоз.

Ваҳми дунё дилни жоми ичра зангу гам бўлур,
Журҳи дилга лаззати тоатни қўй, марҳам бўлур,
Гардани кимни ибодат бори бирлан хам бўлур,
Ломакон сайрида султон жаҳон Адхам бўлур,
Ушбудар билсанг ҳақиқий аҳли ирфонлар, намоз.

Субҳи вақтидан бурун бедор ўлуш одат қилинг,
Ботаҳорат ёди Ҳақ бирлан юруш одат қилинг,
Берий халқ ичра кирганда туруш одат қилинг,
Бўлса имкони жамоат ахтаруш одат қилинг,
Ажрини олгай қадамни қанча босгонлар, намоз.

Фарз бўлган аввали бизларга эллик вақт эди,
Дар шаби меърожи ҳазрат кечди умматдин, деди,
Номага ажрини эллик вақтдин кам битмади,
Бу саодат қадрига гафлатда аксар етмади,
Тарк қилманг ҳеч бир онида ёронлар, намоз.

Бандага ушбу саодат билсангиз, меърождур,
Бахтимиздан бошимизга бу қўйилган тождур,
Боргали мақсуди аслийга очуқ минҳождур,
Гавҳари умри намози бўлмаса торождур,
Нафси шайтонни асири бўлма нодонлар, намоз.

Бу жаҳондин ҳар киши савму салот айлаб ўтар,
Ҳам ҳарому шубҳалардан эҳтиёт айлаб ўтар,
Шарри шайтондан нажот излаб сабот айлаб ўтар,
Шояд ул имон билан охир вафот айлаб ўтар,
Илгидан ушлаб борур жаннатга ризвонлар намоз.

Ҳасрато, умрим адо бўлди шиқоятлар билан,
Халқ аро кирганда бемаъни ҳикоятлар билан,
Аҳли суннат қилмаган бир гайри одатлар билан,

*Ахтаринг, Ҳақни ризосини ибодатлар билан,
Мен каби гафлатда қолмай, эй қадрдонлар намоз.*

*Ғолибо, тарки амални боиси тулу амал,
Хийраланганда яқин нури кўпайгай муҳтамал,
Ахтарур бўлсанг ҳақиқатни қадам қўй бежадал,
Бўлмасун хайринг тамоми саййиотинга бадал,
Қилмагил Қоил, риё қовлингдан армонлар, намоз.*

Тавфиқини ёр этмаса, тоат қилиб бўлмас

Тоат ҳақида гап кетганда, ўз-ўзидан уни вужудга келиши учун зарур бўлган омил – тавфиқ ҳақида ҳам тўхталиш зарур бўлади. Тавфиқ сўзи “муваффақ қилмоқ” маъносида бўлиб, яхши ишга ёрдам, иноят маъносида қўлланади. Ақида бўйича бандага Аллоҳ таолонинг тавфиқи бўлсагина у ибодат қила топа олади. Тавфиқ берилмаса, ўз-ўзидан бирор яхши ишни қилиши мумкин эмас.

*Агар тавфиқини ёр этмаса, тоат қилиб бўлмас,
Ҳидоятсиз ибодатлар сари одат қилиб бўлмас,
Азимат йўлида нафсингни бетоқат қилиб бўлмас,
Риёзат чекмаса мунда бориб роҳат қилиб бўлмас,
Топарга сармади роҳатни сабр ҳам ризо даркор.*

Тавфиқ кимга муяссар бўлса, у охиратни ўйловчи олижаноб инсонга айланар экан.

*Тавфиқ илан муяссар ўлуру кимга турушу,
Андишайи хижолат явмул жазо қилуру.*

Бугина эмас, тавфиқ насиб этган кимса тўғри йўлда бўлиб, ҳаргиз адашмайди.

*Ҳидоят қилмасанг илму амал билан тополмас йўл,
Адашмас ҳар кишига бўлса тавфиқинг ҳидо, ё раб.*

Амал эмас, балки Ҳақ ризосини исташ ҳам тавфиқнинг аломати саналар экан.

*Ризоийи Ҳақни ахтармакни тавфиқдан асар билгил,
Ҳавойи нафс учун босган қадамларни зарар билгил.*

Демак, банда доимо ўзига тавфиқ тилаб юриши зарурлиги англашилмоқда, шундагина унинг барча ишлари осонлашади.

*Тилаб Ҳақдин тавфиқ истиқомат шаръийда қилгил,
Муяссар айласа, шояд тамоми кори осондур.*

Тавфиқ борасидаги сўзларини тугатар эканлар, аллома уни барча бандаларга ҳамроҳ бўлишини тилаб дуо қиладилар:

*Тамоми аҳли имонларга тавфиқни рафиқ айлаб,
Ҳақиқат Қоилий қил, чиқмасун роҳи ҳидоятдан.*

Агар мақсадга етсанг донишимдан деб гумон қилма

Маълумки, Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим масалаларидан бири қазо ва қадар мавзусидир. Исломда пайдо бўлган ақидавий фирқаларнинг ўзаро ихтилофли қарашлари кўпроқ айни мавзуда бўлганини эслатиш ўринли. Ҳадиси шариф мазмунига мувофиқ адашган фирқалар деб эътироф этиладиган етмиш икки фирқадан жабария, қадария, муаттила, мужассима, мўътазила каби фирқаларнинг хато кетган ўринлари қазо ва қадар мавзусини нотўғри талқин қилишдан келиб чиққан.

Аҳли суннат ақидавий мазҳаби Қуръон ва ҳадисга мувофиқ энг тўғри йўл саналиб, у нақлга мувофиқдир. Эътиқод бўйича дунё ва охирадаги барча нарсалар хайру шар, яхшилик ва ёмонлик, нафъу зарар, соғлигу касаллик, бойлигу камбағаллик буларнинг барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳукми ва иродаси билан бўлади.⁴³⁶ Унинг иродаси, хоҳиши, истагидан ташқари, бирор нарсани вужудга келиши мутлақо мумкин эмас.

*Қадардан ташқари бўлгайму деб андишасин қилма,
Вужуди жумла мавжудот тақдиру қазодандур.*

⁴³⁶ Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий. “Шарху Бадъ ул-амолий”... 102-б.

Аллоҳ таоло инсонларни дунёга келтирар экан, уларнинг ҳар бирига турли сабаб билан жома – тақдир кийимини кийдирган ва унинг сабабланиши ҳам “Биз уларнинг ҳаёти дунёдаги маъишат-тирикчиликларини уларнинг ўртасида Биз Ўзимиз тақсим қилиб қўйганмиз” (Зухруф сураси, 32-оят) мазмунидаги ояти каримага мувофиқ белгилангандир.

*Адамдан базми амконга ҳама ашённи келтирди,
Аларни ҳар бирига, бир сабабдин жома кийдирди,
Қазо бирла қадар миқдорича билгил сабабланди,
Маолу қору бори боринг “ай йаша Аллоҳ”га айланди,
Насибингни “қасамно” қадрича албатта олгансан.*

Демак, инсон мақсадга эришса донолигидан, роҳатларни қилаётган ишларидан, ҳаётининг фаровонлигини ибодатидан деб билмаслиги керак, буларнинг барчаси Ҳақ таолонинг иродаси, хоҳиши ва ҳукми билан бўладики, азалда у мазкур сифатлар билан дунёга келгандир.

*Агар мақсадга етсанг донишимдан деб гумон қилма,
Фароғатлар манга қилгон ишимдан деб гумон қилма,
Ҳунарварлик муясардур варзишимдан деб гумон қилма,
Ҳама ҳалқи Худодир хоҳишимдан деб гумон қилма,
Азалда ушбу қисматлар билан оламга келгансан.*

Ақида бўйича дунёда барча нарсалар муайян сабабларга боғлаб қўйилгандир. Бандалар бирор ишни бажариш учун унинг сабабига киришадилар сўнгра ўша нарса воқеъ бўлади. Аслида мазкурларни сабаблантирувчи ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи бўлади.⁴³⁷

*Агар кулфат етар инсонга ақли норасодандур,
Жудолик боши аксар вафосиз ошинодандур,
Шифоларга сабаб дору билан дермиз даводандур,
Кароматлар зуҳурини дегаймиз авлиёдандур,
Аларни барчасини билсангиз ҳукми Худодандур.*

⁴³⁷ Абул Изз ал-Ҳанафий. “Шарху-л-ақийдату-т-Таҳовийя”. “Ал-мактабат ул-Исломия. Байрут – 1391 х. 1-ж, 485-б.

Юқорида айтилганидек, ақида бўйича инсон ўзида бирор файзни кўрса уни ҳам Худодан деб билиши, бировда камчилик кўрса, уни бир ҳикмати бор деб эътиқод қилиши ва ўзига келаётган ҳар бир иш Аллоҳнинг ирода ва хоҳиши деб билиши имон шартларидан биридир.

*Вужудингда агар файзи кўрунса, файзи раҳмат бил,
Бировда камчилик кўрсанг, ани бир важҳи ҳикмат бил,
Азизу хорликларни ирода ҳам машийят бил,
Ҳама мўмин кишиларни баробар аҳли иззат бил,
Ўзингни халқдин ортиқ кўрар бўлсанг, адашгансан.*

Аллоҳ таоло хоҳлаган кишини ер юзига султон қилса, бошқа бировни гадо қилиши мумкин. Баъзиларни қалбига нур ёқиб ҳидоят қилса, яна бошқасини ҳақиқатдан бебахра қилади. Инсон шуларни кўриб ибрат олиши, уларга ўз аклича бирор сўз айтмаслиги лозим, чунки тақдир ишига ўзича аралашини ҳам шайтондандир.

*Бировни Ҳақ таоло подшоҳу баҳру бар айлар,
Ирода кетса баъзини гадоёу дарбадар айлар,
Бировни қалбини нури ҳидоятдин қамар айлар,
Ҳақиқатдин бировни гофилу ҳам беҳабар айлар,
Қадарни корига чуну чаро ҳам шарри шайтондин.*

Яна шу нарса маълумки, ақида бўйича Худонинг ҳукмини ўзгартириш мутлақо мумкин эмас, яъни, тадбир билан тақдир бошқа бўлмайди.

*Тадбир илан тағйири тақдир бўлмагай,
Кори қадар тадаббур билан ўзгарилмагай,
Ҳеч ким тўкулса косасини тўлдурулмагай,
Файзи азални қуввати зар келтурулмагай,
Искандар излаганни Хизрга ато қилур.*

Бир сўз билан айтганда, алломанинг тақдир ва қазо билан боғлиқ фикрлар сунний ақидага мувофиқ бўлиб, мазкур фикрлар билан танишиш ва уларда олға сурилган маъноларга амал қилиш

кишиларни пок эътиқод ва мусаффо ақида устида туришларига хизмат қилади. Хусусан, турли бузғунчи фирқа ва оқимлар қўпайиб ўзларининг қазо ва қадар билан боғлиқ нотўғри фикрларини талқин этаётган бугунги кунда мазкур мавзулар ўта долзарбдир.

Кечар ҳолим на деб ваҳми қиёмат айласанглари

Исломда имон келтириш шарт бўлган ишлардан бири қиёмат кунига ишонмоқдир. Қиёматга ишониш кишини ёмонликлардан тийилишига ва доим яхши амалларни қилиб юришига сабаб бўлади. Чунки кишида жазо ва мукофот кунига ишонч бўлсагина у савоб ва гуноҳнинг фарқига боради. Қилмишига яраша жазо ва мукофот олишга ишонмаган кишидан эса ҳар нарсани кутиш мумкин. Аллома асарларида ушбу мазмунлар кенг баён қилинган.

*Худога эй биродарлар ибодат айласанглари,
Суниб фармонида буйун итоат айласанглари,
Ризойи ҳақ учун андак риёзат айласанглари,
Хатоларга қилиб тавба надомат айласанглари,
Кечар ҳолим на деб ваҳми қиёмат айласанглари.*

Кишиларни ибодат, итоат, риёзат ва тавба-надоматга чақирган чақирган аллома қиёмат ваҳмидан ғофил кимсаларгина хотиржам юришини айтадилар:

*Ғафлати ҳар кимни голиб бўлса беғам айлағай,
Қилмағай ваҳми қиёматни хотирин жам айлағай.*

Қиёматни ўйлаш кишини дунёда тавозе ва ҳокисорлик билан юришига ҳам сабаб бўлади, чунки қиёматнинг ўйи киши қалбига манмансирашни келтирмайди.

*Қилиб кибру-ҳаво манман демак қўнғилга сигмайду,
Агар ҳар кимда бўлса заррача ваҳми қиёматдан.*

Инсон дунёда қандай мартаба эгаси бўлганида ҳам бир кун дунёни тарк этиши бор, шундай экан, ўткинчи нарсалар ўрнига

охиратда асқотадиган ишлар билан шуғулланиши ва аҳволи у ерда нима кечиши ҳақида кўпроқ ташвиш чекиши зарур бўлади.

*Молу дунёни йиғиштирган бирлан Қорун каби,
Чоғласа аҳли жаҳон ҳикматда Афлотун ани,
Комронликда агар бўлса жаҳон Искандари,
Барчани ташлаб бориб бўлса қаро ер маскани,
На кечар аҳволи борганда қиёматдин гапур.*

Умуман олганда, алломанинг қиёмат ва унга ҳозирлик кўриш борасидаги насиҳатлари ҳар қандай кишини ҳалоллик ва покликка чақирувчи, тақво ва тоатга бошловчи, гуноҳ ва ёмонликдан қайтарувчи бебаҳо ўғит сифатида ўта муҳимдир.

Ўқур вақтингда номанғни бориб маҳшарда найларсан

Сунний ақида бўйича ҳар бир банданинг елкасига унинг амалларини ёзиб боровчи икки махсус фаришта қўйилган. Қиёмат куни мазкур дафтарлар эгаларига берилиши, мўминларга ўн қўлдан, кофир кимсаларга чап томон ё орқасидан берилиши ҳаммага маълум. Бу мавзу Қуръони карим ва ҳадиси набавийда равшан баён этилган. Аллома бу мавзуни ҳам гўзал тарзда баёнлаб ўтганлар.

*Сан билан доим кироман котибин бирга юрар,
Ҳарна қилган қору боринғни ёзуб дафтар қилар,
Барчани аъмолини маҳшар куни қўлга берар,
Хайру шаррига ҳама кўрган замон Қоил бўлар,
Ёзғали аъмоли хайринг бирла хизматкор қил.*

Банданинг дафтари яхши-ёмон амаллари ёзиб борилар экан, уни фақат яхши амаллар билан тўлдириши керак. Акс ҳолда дафтарни ўқиш пайти фаришталар: “Эй банда, уятмасдан шу ишларни қилдингми?” деб сўрашса, унинг аҳволи қандай кечади?!

*Қараб нафсинғни райиға қадам ташларда яйрарсан,
Агар шайтон рафиқ ўлса, нашотингда қалайларсан,
Бўлиб гўёки бўлбул, гийбати мардумда сайрарсан,*

*Ўқур вақтингда номангни бориб маҳшарда найларсан,
Малоиклар деса: “Эй банда қилдингму уятмасдан?”*

Ақида бўйича амаллар дафтари нафақат амал, балки гапирилган сўзлардан ҳам тўлиб боради.⁴³⁸ Банда беҳуда гапларни ўрнига шаҳодат калимасини кўпроқ такрорлаши керак, шоядки охирги дамда ҳам бу муборак сўз тилига жорий бўлса.

*Ҳарна коринг ҳаётингда санга машгул ўлур,
Ҳар нечук қилган такаллумга забонинг ўрганур,
Бил кироман котибинлар дафтари андин тўлур,
Охири Қоил тилингдан шояд ул жорий ўлур,
Лағвгўйлик ўрнига лафзи шаҳодатдин гапур.*

Аллома Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Кўп марта ўйлаб, фикрлаб сўнгра гапир”, дея гапириш одобини ўргатганлар, шунинг учун киши дунёда эмас, киёматда ҳам хижолат бўлмагудек гапни одат қилсин, дейдилар.

*Расми одоби такаллум ўргатиб, Ҳақ Мустафо,
Айдилар “факкир миророн сумма қул” ул раҳнамо,
Ҳам кироман котибин дафтарларин қилмай қаро,
Номайи аъмол ўқур вақтида тонгла халқ аро,
Бир хижолат етмагундек фикр ила гуфтор қил.*

Нафақат гапирилган гаплар, балки эшитилган ёмон сўзлар ҳам ёзиб борилар экан. “Ғийбат” радифли мухаммасда бу ҳақда шундай дейдилар:

*Баробардур қулоқ солган гапирганнинг гуноҳига,
Кироман котибайн ёзмоқда дафтарлар сиёҳига.*

Номайи аъмол кофир кимсаларга чап қўлдан берилишини айтган аллома, уни имон аҳлига ўнгдан берилишининг умиди билан сўзларини яқунлайдилар.

⁴³⁸ Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий. “Тафсиру табарий”... 22-ж, 345-б; Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. “Тафсирул Қуртубий”...17-ж, 11-б.

*Берилгай номайи аъмоли кофирларга чап қўлдан,
Умид улдурки, имон аҳлига ўнгдан берилгайму.*

Илоҳо, мағфират қил, ўзинг йўқдан яратгансан

Аҳли суннат вал жамоат эътиқоди бўйича инсон ҳар қанча гуноҳ қилганида ҳам Парвардигор раҳматидан ноумид бўлмаслиги шу билан бирга Аллоҳнинг азобидан доимо қўрқувда туриши керак. Бунини хавфу ражо деб айтилади. Эътиқод бўйича ноумидлик куфр саналганидек, азобдан хотиржамлик ҳам куфрдир. Аллома ижодида мазкур икки мавзу ҳам бошқалари каби гўзал тарзда ифодаланганини кўрамиз. “*Имонни равнақи ҳама хавфу ражо тилар,*” ёки, “*Қамоли бандаликга доимо хавфу ражо даркор,*” дея уларни биргаликда зикр қилганлар.

*Хавфи дарди яъси матлаб изтиробин даф этар,
Қоил “ла тақнату мин роҳматиллоҳ”дин ражо.*

* * *

*Қилур хавфим мани Қоил, хатодин ўзга корим йўқ,
Ражо “ло тақнату”дан айларам гуфрону ризвондур.*

Айниқса, Қуръони каримда келган айни мавзудаги “ла тақнату мин роҳматиллоҳ”, яъни “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаганлар,” мазмунидаги оят (Зумар сураси, 53) у зотнинг шиорига айланган. Қуйида ўша маънолар акс этган мисраларни келтирамиз.

*Умид айлаб дари раҳматга Қоил термулиб ўтгай,
Илоҳо, мағфират қилгил, ўзинг йўқдан яратгансан.*

* * *

*Қарамдин ноумид ўлмас ўқиб “ло тақнату” Қоил,
Агар чанди сафи солиҳлара зоҳирда тортганмас.*

* * *

*Умид улким, кечарсан саҳву нуқсонини хатосини,
На бўлгай маънийи гуфрон агар Қоилда шар йўқдур.*

Яъни, умидим шулки, Қоилни гуноҳини кечасан, чунки унда шар – ёмонлик кўп, йўқса, сени мағфират қилувчи ғуфрон сифатингда қандай маъно қолади.

АХЛОҚИ ҲАМИДА – МАҚТАЛГАН ХУЛҚЛАР

Энди алломанинг ахлоққа доир қарашлари устида тўхталиб ўтамиз. Аввал айтилганидек, ушбу боб иккига – ахлоқи ҳамида ва ахлоқи замималарга бўлинади. Боб аввалида алломанинг инсон ва унинг мукаррамлиги билан боғлиқ қарашларини келтириб ўтамиз. Чунки тавсия этилган гўзал хулқлар, қайтарилган ёмон ахлоқлар инсон мукаррамлигини таъминлаш мақсадида жорий қилинган. Аллома инсон Аллоҳ таолонинг ер юзидаги халифаси эканини айтиб, инсон бу азизликни англаши ва унга лойиқ бўлиши зарур дейдилар. Кишига имон шарафидан олдин кишига инсонлик шарафи берилган:

*Адамдин йўқ эдик келтурмоғи аввалги инъоми,
Кафи ҳокига каррамно либосини бериб соний,
Ҳидоят этгали ирсол этиб бизга набийнони,
Ҳақиқатга келиб Қоил карам айлаб мусулмоний,
Умид улдурки, ислом аҳли боимон кетар бир кун.*

“Рўзадур” радифли мухаммасда шундай дейдилар:

*Барча инсон аввало Одам ато фарзандидур,
Соҳиби файзу шараф Ҳавво она дилбандидур,
Хайру шарр гўё жаҳонни захри бирлан қандидур,
Ҳирс ила бир нечалар шайтон қўлига бандидур,
Баъзиларни сақламоғлиққа нигоҳбон рўзадур.*

Аллома инсоннинг улуғ эканини айтар эканлар Аллоҳ таоло Одам атони йўқдан яратиб, унга олий мартаба бергани, бошига мукаррамлик тожини кўйиб, фаришталардан ортиқ қилгани, Азозил бунга ҳасад қилиб лаънатга учрагани, шу туфайли қиёматгача Одам болаларини иғво қилишни ўзига мақсад қилгани воқеаларини эслатадилар. Асосийси, сен ҳам ўзингга қувонмай, унинг ёмонлигидан паноҳ сўра, дейишларида.

*Адамдан келтириб Одамга берди рутбайи аъло,
Бошига тожи каррамно, мақоми “алламал асмо”,*

*Аозил раишк ўтидан тушти бошига нечук савдо,
Қилдур одам авлодини то явмул жазо изво,
Манам бир олими доно демай андин паноҳ ахтар.*

Балки бандага мазкур неъматнинг шукри лозимлигини уктирадилар:

*Авалло инсон яратди чорподан қилмади,
Габру тарсову насоро беҳаёдан қилмади,
Ўзидан бегонаю ноошинодан қилмади,
Шукри лиллоҳ бенасиб дорул бақодан қилмади,
Боргали маҳшар учун бизларга бурҳон рўзадур.*

Шундай шарафлар соҳибни бўлмиш инсон уни асраб-авайлаши керак, акс ҳолда у ҳайвонлик мақомига тушиб қолиши мумкин.

*Амал қилгилки, тақво ҳосил ўлсун интизомингдан,
Гапургил онқадар қўзғолмасун гийбат каломингдан,
Тушурмай тавқи “кал-анъам” “каррамно” мақомингдан,
Нидо қилганда Қоил васфи имон чиқса номингдан,
Бўлур андан кейин санга тамоми муддао, даркор.*

Одамийлик шарафини гўё бир либосга ўхшатган аллома уни нақадар олий эканини айтиб, мазкур либосни авайлаб сақлаш зарур дея қайғурадилар, акс ҳолда, унинг чоки сўкилиб қолиши, яъни инсонийлик мақомидан чиқиб кетиши мумкин, бу эса ҳавойи нафсга эргашиш билан бўлади.

*Насиб этди кафи ҳокига каррамно либосини,
Ҳаво тирноғи бирлан қўрқаман чоки сўкулгайму.*

Қуйидаги мисраларда ҳам мазкур маънолар тилга олинади.

*Адамдин келтириб берди кафи ҳокийга инсонлик,
Муносиб келди каррамно либосига мусулмонлик,
Ҳавойи нафс ила қўпайган бизда бу паришонлик,
Дами аввалда Иблис айлагандек феъли шайтонлик,
Хижолат қилмасун Одам атомиз бирла Ҳаввони.*

Ҳа, айтилганидек, ҳар бир инсон ўзининг ким экани, қандай улуғ мақом ва шараф соҳиби эканини англаб, ҳаёти давомида уни асраб-авайлаб ўтар экан нафақат дунёда балки охиратда ҳам саодат қучиши ҳақиқатдир.

Ризойи Ҳақни излаб ломакон сайрини ахтаргил

Аллома асарларини диққат билан кўздан кечирар эканмиз унинг бош ғояларидан бири Аллоҳ ризосини топиш эканини англаймиз. “*Махлуқдан вафо ахтармай, Холиқдан ризо ахтариши*” зарур дейдилар аллома. Банда дунёда Аллоҳ розилигини истаб яшаши, барча ишлари, ҳаракатлари шунга қаратилган бўлиши, бошқача айтганда: “*Хоҳ ўтир, хоҳи юр Ҳақ ризоси бирла бўл*”иши керак.

*Аҳли имон кўнглида бўлсун Худо андишаси,
Айлаган тоатлари бирлан ризо андишаси,
Ҳам ризо аҳлига қилмоқ иқтидо андишаси,
Ғарқи ваҳдатда бўлурму мосиво андишаси,
Ломакон сайри ани монанди Адҳам айлагай.*

Банда Аллоҳ розилигига нима билан эришиши мумкин, умуман, розилик излаш нималарда кўринади?

*Ҳақни ризосин изламаги ҳукмига юриши,
Шаръийда истиқомат эрур суннат ахтариши,
Бидъатни жилвасига кўзни ташламай юмиши,
Тавфиқ илан муяссар ўлур кимга туриши,
Андишайи хижолат явмул жазо қилур.*

Ризойи ҳақ йўлида қилинган амаллар гавҳару маржон бўлса, ҳавойи нафс учун бўлгани нуқсондир. Демак, инсон ғафлатда юрмай умрини мақсадга сарф этсин.

*Ризойи Ҳақ учун бўлган амаллар гавҳару маржон,
Ҳавойи нафс учун босган қадамлар ангадур нуқсон,
Адо қилмай ҳаётинг хоби ғафлат бирла эй инсон,*

Юриб мақсадга сарфи иститоат айласангларчи.

Аллома Аллоҳ розилигини топишнинг ўрни ва маконини ҳам кўрсатиб берадилар. У синиқ қалбли кишилар кўнглининг хурсандлигида экан.

*Ризойи Ҳақни ахтарган, ҳазин диллардан ахтаргин,
Қаерда кўрсангиз кўнгли синуқ инсонни шод айланг.*

Тасаввуфга доир адабиётларда ҳақиқат ва маърифат ҳақида сўз кетиб, бу борада турли таърифлар келтирилади. Алломага кўра, ҳақиқат Ҳақ ризосини излашдир.

*Ризойи Ҳақни ахтармакни бил асли ҳақиқатдур,
Ҳақиқатга тажарруд, зуҳд била юрмак тариқатдур.*

Банда Аллоҳ розилигини ахтариш орқали киши “рутбайи аъло” – маърифатнинг юксак мақомига эришар экан.

*Ризойи Ҳақни излаб ломакон сайрини ахтаргил,
Талаб қил рутбайи аъло санга эй банда ирфондур.*

Аллоҳ розилигини топиш ҳақида гап кетар экан, ризо мақоми ҳақида ҳам тўхталиш зарур бўлади. Зеро, у иккиси алоҳида мавзу саналади. Айтилганидек, банданинг феъл, амал ва сўзда Худо рози бўладиган тарафга юриши ризойи Ҳақ бўлса, барча нарсада Унинг ҳукмига таслим бўлиши эса ризодир. Тасаввуфда ризо энг улуғ мақом саналиб, унга эришган киши ундан бошқасини талаб қилмаслиги айтилган.

Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” да шундай келтирадилар: “Бир одам Бишри Ҳофийдан сўради: “Зухд устунми, ризо?” – деди: “Ризо устун, чунки киши ризого эришгач, бошқа манзилат истамас”.⁴³⁹ Хўш, ризо нима?!

*Ризо имонни нуридур, тамаъ тугён губоридур,
Яқин оинасига боқмагунча ажратолмайдур.*

⁴³⁹ Фаридиддин Аттор. «Тазкират ул-авлиё» «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 1997, 159-б.

Ризо – Худодан ҳарна келса рози бўлиш.

*Хайру шарр, нафъу зарарни қил қадар деб эътиқод,
Ушбудири сабру ризо, Ҳаққа итоат қил саҳар.*

Демак, банда ўзига келган барча нарса – хайру шарр – яхшилик ва ёмонлик, нафъу зарар – фойдаю зарарни Худодан деб билиши ва унга сабр ва розилик билан туриши зарур. Лекин бунга эришиш осон эмас, бунинг учун бу майдонда собитқадамлик керак.

*Ризо майдонида собит қадам бўл, кўрсатиб жавлон,
Агар минсанг тамаъ отига сандек дарбадар йўқдур.*

Бир сўз билан айтганда, алломанинг ризо ва ризойи ҳақ борасидаги фикрлари билан танишиш ва уларга риоя этиш маънавий ҳаётимизда кўплаб яхшиликларга эришишга сабаб бўлади.

Бахил бўлма, жаҳонда эй биродар аҳли ҳиммат бўл

Эҳсон ва саховат ҳам ахлоқи ҳамидалардан саналиши кўпчиликка маълум. Қуръони карим ва Ҳадиси набавийда бу билан боғлиқ оят ва ҳадислар кўплаб келишидан уларнинг мусулмонлар ҳаётидаги ўрни, улуғлиги англашилади. Аллома бу борада гапириб: “*Ҳаётинг борича эй банда ахтаргил ибодатни, ғарибу бенаволарга қилиб хайру саховатни*”, дея кишиларни саховатга чақирадилар ва бу сабабли киши халқ ва Холиқнинг ризоси, ғарибу бенаволарнинг дуосига эришишини айтадилар.

*Бахил бўлма жаҳонда эй биродар аҳли ҳиммат бўл,
Топарсан халқу Холиқдан ризолар аҳли ҳиммат бўл,
Ғарибу бенаволардан дуолар аҳли ҳиммат бўл,
Топилмас дарди хиссатга даволар аҳли ҳиммат бўл,
Лаимдан чиқса нон жон чиққани янглиз алам айлар.*

Шунингдек, бойлик берилган кишилар ҳам уни муносиб жойларга сарф этиши зарурлигини айтиб, шундай дейдилар:

*Ҳақ таоло “Анфиқу мимма розақнақум” деган,
Халқ аро бечорапарварлик саховатдин гапур.*

Яъни, Аллоҳ таоло биндаларга: “Эй, бандалар, биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қилинглар,” (Бақара сураси, 254-оят.) деб буюргани учун ҳам саховат қил. Қуйидаги мисраларда айни маънолар бир-биридан гўзал шаклларда баён қилинган.

*Биродарлик кишига айласанг, иймон учун қилгил,
Ани роҳатларини тонгла кўргай, жсон учун қилгил.*

*На қилсанг халқ ичинда ошино бегона фарқ этмай,
Санга Тангри буюрган адл ила эҳсон учун қилгил.*

* * *

*Ўзинга хоҳлаган роҳатни инсонга раво кўргил,
Биродарликни ҳар бир аҳли имонга раво кўргил,
Фақиру бебизоатларни эҳсонга раво кўргил,
Насиҳатни ҳама ҳоли паришонга раво кўргил,
Эшитмасдин қачон фарқ айласин ул пасту болони.*

Алломанинг хайр-эҳсон, саховат борасидаги насиҳат ва тавсиялари ҳам бугунги кунда ўз қийматини йўқотмаган барҳаёт қадрият экани маълум бўлади. Бинобарин, уларга амал қилиш орқали жамиятда кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, мурувват ва одамийлик хислатлари янада зиёда бўлиши шубҳасиз.

Таваккул бирла ҳар инсон агар вазъи қадам айлар

Таваккул сўзи арабча “вакил қилмоқ” маъносини англатиб, истилоҳда банданинг Аллоҳ таолони ўзига вакил қилмоғи, унга суянмоғини билдиради. Исломда таваккулнинг ўрни юқори бўлиб, Қуръони каримнинг кўплаб оятларида бандалар таваккулга буюрилган. Аллома мазкур маъноларга ишора қилиб шундай дейдилар:

*Биродар Ҳақни фармони эрур бизга, таваккул қил,
Тариқи истиқоматга бўлур раҳбар, таваккул қил,
Таваккул бирла борган бўлмагай музтар, таваккул қил,
Сабо маҳшар кунни жаннат сари бошлар, таваккул қил,
Фароғат доимий бирла зиҳи мамнуни эҳсондур.*

Ёки:

*Қадам қўймак таваккул бирла бизга Ҳақни фармони,
Ҳарис ўлмак билан етгай яқин нурига нуқсони,
Еманг доми ҳасад бирла топилган ош ила нони,
Қаноат бирла қўймасдин қўлингдан зуҳду тақвони,
Бориб фирдавси аъло ичра роҳат айласанларчи.*

Таваккул қилмоқ имон аҳлига лойиқ-сазовор иш эканини яна қўйидаги мисралардан англаймиз.

*Сазовор улки, имон аҳлига қилмак таваккулдир,
Қилиб тафвиз ила, сабру қаноат айласанларчи.*

Таваккулнинг инсонга фойдалари нималардан иборат? Таваккул қилган кишининг барча ишларини Ҳақ таоло осон қилиб қўйишидир.

*Таваккул бирла ҳар инсон агар вазъи қадам айлар,
Қилиб осон ани мақсудларини Ҳақ карам айлар.*

Демак, инсон ҳеч қачон ўз илми, ақлига суянмай Ҳаққа таваккул қилиши керак, чунки Аллоҳ таоло унинг барча аҳволдан хабардордир.

*Ишонма ақлу фаҳму донишингга сен таваккул қил,
Худовандим тамоми кори борингга нигоҳбондур.*

Таваккулнинг фойдаларидан бири шайтон унинг қалбига нотўғри фикрларни ташлай олмаслигидир.

*Таваккул айлагон тафвиз қилган марди Ҳақларни,
Яқинига ани шайтон топиб фурсат келолмайдур.*

Таваккулнинг фойдаси шугина эмас, балки ундай кимсалар гўё бу дунёда туриб охират ҳосилини олаётган кишилардир.

*Ким қўйса мақсадига таваккул била қадам,
Ҳирсу ҳавойу, ҳиқду ҳасадлар қилиб адам,
Тоатларики айласа тақвони анга зам,
Келса хатони ваҳми билан дийдасига нам,*

Бу мазраи бақода ҳусули бақо қилур.

Таваккул билан киришилган ишлар ибодат ўрнида ёзилишига нима дейсиз?! Ахир, у Парвардигор амрини қўлламоқда, Аллоҳнинг амри эса ибодатдир.

*Таваккул бирла бўлсанг ҳарна қилгонинг ибодатдур,
Ҳарис бўлсанг биродар доимо коринг хиёнатдур.*

Таваккул қилувчининг иши ибодат бўлишидан ташқари, унинг ёри Парвардигорнинг Ўзи бўлиши ундан ҳам улуғдир.

*Қаноат айлаган зоҳидни қалби бегубор ўлғай,
Таваккул аҳлини ёри билинг Парвардигор ўлғай,
Жаҳон ҳар кимни ҳирси қадрича бошига тор ўлғай,
Тамаъ миқдорича инсонни қалби беқарор ўлғай,
Юракни ҳасрати аксар кўпайган муддаодандур.*

Хўш, таваккул нима ва у қачон шаръийга мувофиқ бўлади? Таваккул баъзилар ўйлаганидек, сабабига киришмай меҳнат ва касбни тарк этишми, ёки сабабига киришиб, сўнгра Ҳаққа суянишми?

*Таваккул маъниси – ушлаб ҳунар, Ҳақдан талаб қилсанг,
Таваккулдир, таваккулмас агар санда ҳунар йўқдур.*

Ҳа, ҳақиқий таваккул ҳунарни ушлаб, сўнгра Парвардигорга суянишдир. Ризқ борасида банда бирор шаръий касбни ушлаб, кейин таваккул қилиши ва касбини ризқига сабаб деб эътиқод қилиши зарур.

*Инсонгадур вазифа талабда қадам кўяр,
Лекин талабга касбу ҳалолин сабаб қилар,
Касбу талаб таваккул ва тафвиз билан бўлар,
Тақсимида ёзилгонини қанчадур кўрар,
Бўлмас адо насибаси то етмаса ажал.*

Келтирилган маъноларни мулоҳаза қилсак, пайдо бўлаётган кўплаб ижтимоий муаммоларнинг барчаси шошқалоқлик, ҳарислик

ва ўзбошимчалик илллати туфайли содир бўлаётгани маълум бўлади. Уларнинг ечимларидан бири эса бориға қаноат ва сабр ва таваккул экани ҳам англашилади.

АХЛОҚИ ЗАМИМАЛАР – ЁМОН ХУЛҚЛАР

Нафс ва унинг мазаммати

Ахлоқи замималарни нафс ва унинг ёмонлигидан бошлашимиз бежиз эмас, чунки инсон вужудида шаклланган барча ёмонликларнинг боши нафсдир. Нафс барча ёмонликлар униб чиқадиган жой саналади. Хўш, нафс ўзи нима?!

Нафс инсоннинг ўзи, яъни менлигидир. Нафснинг ёмонликларга бошлаши Қуръони каримда очиқ равшан баён қилинган. Аллоҳ таоло “Албатта нафс ёмонликларга буюрувчидир” мазмунида марҳамат қилган. (Юсуф сураси, 53 оят). Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сени энг ёмон душманинг бу ичинга экилган нафсингдир”, деганлар.⁴⁴⁰ Ҳатто мингта шайтон қила олмаган ишни нафс бир лаҳзада қила олиши айтилган.

Қуръон оятларида кишининг Аллоҳга яқин бўлиши ва охират азобларидан нажот топиши унинг нафсини поклаши билан бўлиши айтилган. Аллоҳ таоло: “Батаҳқиқ нафсини поклаган кимса нажот топди ва ким уни булғаган бўлса, номурод бўлди”, деган мазмунда марҳамат қилган. (Шамс сураси, 9-10 оятлар).

Исломда шаклланган барча тариқатларнинг бош мақсади ҳам нафс поклиги ва руҳ тарбиясига қаратилгани бежиз эмас. Киши нафсини покламагунича нажот топиши мумкин эмас. Энг қийини, инсоннинг ашаддий душмани бўлмиш нафс ҳеч қачон ундан ажрамаслигидир. Шунинг учун нафс билан боғлиқ мавзулар долзарб саналиб, барча учун муҳимдир. Аллома ҳам аввало нафсни “ёмонликларга бошлагувчи” эканини айтиб, шундай дейдилар:

*Биродар нафсимизнинг васфидур, “амморайи бис-суъ”,
Агар қўйсанг хатолар анга одат бўлгусидур хў.*

⁴⁴⁰ Жалололдин Сууютий. “Жомеъул-аҳодис”. 18-ж, 269-б. <http://www.mawsoah.net>; Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ал-Байхақий: “Китоб аз-зуҳд”. Байрут 1417 х, 1-ж, 359-б; Абу Абдурахмон ас-Суллабий. “Одоб ас-сухбат”... 1-ж, 68-б.

Кейин эса, “лаззати дунёни излар нафсимизнинг одати”, дея нафснинг одати нима эканини баён қиладилар. Шайтанат оламининг ёмонликларини иташ ҳам унинг сифатидир.

*Оламга шайтанат асарин золиб айлади,
Амморайи нафсимизни анга толиб айлади.*

Нафснинг сифатларини айтган аллома унинг ёмонликларини баён қилишга ўтадилар. У шунчалик ёмонки, ҳатто азалда бандалар бўйнига қўйилган инобат ҳалқаси ҳавойи нафс туфайли йўқолиши мумкин экан.

*Адамдин келтирурда руҳимиздан ваъда олгандур,
Инобат ҳалқасини бандалар бошига солгандур,
Яқин нури кангул ганжинасида жилвалангандур,
Ҳавойи нафс ила дунёда баъзидан йўқолгандур,
Юриб шаръий набийда истиқомат айласанларчи.*

Инсон вужуди бепоён хазина, Ҳақ ризоси учун бўлган амаллар гавҳару маржон бўлиб, нафс йўлида босилган қадамлар эса унга нуқсондир.

*Вужудингни яратди Ҳақ таоло канзи бепоён,
Ризойи Ҳақ учун бўлган амаллар гавҳару маржон,
Ҳавойи нафс учун босган қадамлар ангадур нуқсон,
Адо қилмай ҳаётинг хоби зафлат бирла эй инсон,
Юриб мақсадга сарфи иститоат айласанларчи.*

Аллоҳ таоло бир кафт туфроққа мукаррамлик либосини кийдирди, демак уни асраш авайлаш зарур, чунки ҳавою нафс туфайли ушбу либоснинг чоки сўкилиб қолиши мумкин.

*Изламак муносиб бандаликда Ҳақни ризосини,
Ҳавойи нафс учун шайтонни қилмай муддаосини,
Карам қилди олиб бормоқ учун эҳсон асосини,
Насиб этди кафий ҳокига каррамно либосини,
Ҳаво тирноги билан қўрқаман чоки сўкулгайму.*

Нафс нафақат ёмонликка буюради, балки у барча шубҳали нарсаларни ҳам инсон кўзига ширин кўрсатади.

*Инсонни нафсига ҳамма шубҳа ширин татур,
Ширин асални ҳам яласанг кўп қилур касал.*

Нафснинг яна бир хислати уни беҳуда гапларни гапиришга завқи борлигидир.

*Ҳар такаллум тилга келса, дилни анга завқи бор,
Бўлса моляни анга нафснинг кўп завқи бор.*

Аллома нафс хоҳишига эргашган кимсаларни ҳақиқат сиридан бебаҳра, деб атаб, инсон доим ирфон ахтариб, ўзини сирлар соҳибига айлантириши зарурлигини уқтирадилар.

*Тобеъи нафсу ҳаво бўлган киши жоҳил эрур,
Баҳраланмайдур ҳақиқат сайридин зофил эрур,*

Банда нафсига тобеъ бўлиб, шайтонга асир бўлса, тарозу қурилган кунда унинг аҳволи қандай бўлади?!

*Амморайи нафсинг сенга қилса фармон,
Фармонига бошлаб сени юрса шайтон,
Қилган амалинг ичра қўшилса нуқсон,
Маҳшар куни бўлганда қурилса мезон,
Қанча ҳасанотинг биласанму, ё йўқ.*

Ёки:

*Қараб нафсингни райига қадам ташларда яйрарсан,
Агар шайтон рафиқ ўлса нашотингда қалайларсан,
Бўлиб гўёки булбул гийбати мардумда сайрарсан,
Ўқур вақтингда номангни боруб маҳшарда найларсан,
Малоиклар деса: “Эй банда қилдингму уятмасдан.”*

Хўш, нафс ёмонликка бошласа банда қандай йўл тутиши керак?!

*Фано сахросида ўлтурмай сайди муддао ахтар,
Қадам ташлаб хилофи нафс ила тарки ҳаво ахтар,*

*Топиб аҳли ризолардан қилай деб иқтидо ахтар,
Тариқи истиқомат кўрсатурга раҳнамо ахтар,
Саводул важҳ фиддорайнидан ҳазар ахтар.*

Маълумки, ҳадиси шариф мазмунига кўра, нафс билан бўлган жиҳод энг катта жиҳод саналади:

*Адо қилмай тамоми умрингизни ҳою хавас бирлан,
Топарсиз Ҳақ ризосин нафсингиз билан жиҳод айланг.*

Алломага кўра, ким буни уддалай олса, унга Сулаймон (алайҳиссалом) подшоҳлиги каби салтанат муяссар бўлади.

*Мусаххар айласанг нафсингни қайтарса агар шайтон,
Ҳақиқатда муяссардур санга мулки Сулаймони.*

Лекин нафс билан олишиш осон эмас, у Искандар девори каби мустаҳкам бўлиб, у билан олишиш Хайбар қальясини фатҳ қилишдек мураккабдир.

*Ибодат йўлидан тўсмакда шайтон садди Искандар,
Хилофи нафс ўлурки, гўёки фатҳи қалъайи хайбар.*

Нафсинг хилофини қилиб, шайтон “бағрини доғлаш”га буюрган аллома бу насиҳатни қалбга муҳрлашга чақирадилар.

*Ҳам хилофи нафс ила шайтонни бағрин доғлагил,
Лавҳи дилга бу насиҳатни ёзиб туммор қил.*

Нафсни йўлга солиш учун банда инобат ҳалқасини бўйинга солиши, яъни доимо ибодатда бўлиши керак.

*Инобат ҳалқасини ташлагил нафсинг бўлур мойил,
Гуноҳ зангорини астағфируллоҳ айлагай зойил,
Карам даргоҳидан бебахра ётмас мунтазир сойил,
Хатолар бандаликда айлагонинга келиб Қоил,
Васила айласанг ажзингни фардо муҳтарам айлар.*

Нафс хусусиятларидан бири бу, ёмонликка одатланишидир. Банда нафс хоҳишига қарши ўлароқ доим яхши ишларга одат қилсин, чунки у ерда роҳат бўлади.

*Ҳарна қилсанг хайру шар нафсинга одат бўлғуси,
Кизбу гийбат қилма тоатларга офат бўлғуси,
Мундаги нафсинг хилофи анда роҳат бўлғуси,
Пайрави суннатга юргилким, ибодат бўлғуси,
Тонгла қилгайлар шафоат Расулulloҳдин гапур.*

Сўзингни эй биродар, халқ ичинда қадри ҳожат қил

Маълумки, инсон бошига бало келтирувчи иллатлар ичида энг ёмони бу тил офатидир. Бу билан боғлиқ воқеа ва ибратли мисоллар жуда ҳам кўп. Аллома бу мавзуда алоҳида тўхталиб, тил офатларини бирма-бир баён қилганлар. Мисол учун “гапур” радифли мухаммаслари бошдан оёқ шу мавзудадир.

*Эй биродар, халқ ичинда яхши одатдин гапур,
Кизбу гийбатдин йироқ бўлган ибодатдин гапур,
Фарзу суннатдин баён айлаб, итоатдин гапур,
Охиратда бўлғудек жонинга роҳатдин гапур,
Бандадурсан доимо Тангрига тоатдин гапур.*

*Сўзлаганда ўйлагил, ҳазлу хаёли айлама,
Сўрмагай маҳшарда мандин деб мабодо ўйлама,
Халқнинг ихлоси ё шухратни қасдида дема,
Билсангиз маъни иборатдин олурга қоида,
Хўп кўруб тафсирларни сўнгра оятдин гапур.*

Аллома банда беҳудагўйлик ўрнига доимо “лафзи шаҳодатдин” гапирсин, шоядки бу калима охирги дамда ҳам тилига осонликча жорий бўлса, дейдилар.

*Охири Қоил тилинган шояд ул жорий ўлур,
Лағзгўйлик ўрнига лафзи шаҳодатдин гапур.*

Ёки:

*Қўйиб беҳудаликни, дегил лафзи шаҳодатни,
Дами охирда ҳам шояд тилинга жорий бўлгаймۇ.*

Банда беҳудалик ўрнига нималарга эътибор бериши керак?

*Тебратарда тилни иллаллоҳ керакдур бандага,
Айламакга ҳиммати аъло керакдур бандага,
Қил ҳавас фирдавс аро тубо керакдур бандага,
Орзуи жаннатул маъво керакдур бандага,
Муддао гуфрону ризвон, орзу бирлан ҳавас.*

Банда нафақат беҳуда сўздан, балки зарурий гапларни ҳам кўп гапиришдан сақланиши керак, чунки бу сабабли дил қорайиши мумкин.

*Лағзигўйликни губори бўлса қалбинг тийраси,
Сўзласанг ортиқча қилма қадри ҳожатдан, гапур.*

Ёки:

*Сўзингни эй биродар, халқ ичинда қадри ҳожат қил,
Гапурмай нафъи йўқ сўзларни тарки бирлан одат қил,
Агар фурсат топарсан зикру тасбеҳу тиловат қил,
Ҳаётинг борича эй банда Тангрига ибодат қил,
Ҳама қилган ибодат қурби авжи кибриёдандур.*

Қуйидаги мисраларда мазкур маънолар бошқача тароват касб этган.

*Губори кибрдан доим димогинг тўлдириб юрма,
Сўзингни қадри ҳожат айлагин беҳудагўй бўлма,
Халойиқларни ҳолин билурга жустижў бўлма,
Хижолат етказиб инсонни ҳаргиз айбига кулма,
Фалакдан интиқом айланса, пешонангни нам айлар.*

Ҳа, киши бировлар айбини кулмасин, чунки фалак айланиб, ундан ўч олса, яъни ўша айб унинг ўзига келиб қолса, “пешонасини шўр” қилиши аниқ.

Беҳудагўйликнинг энг катта зарари бу ибодатнинг ҳаловатини кетказишидир. Демак, ибодатдан ҳаловат истаган кимса беҳудагўйликдан сақланиши лозим.

*Тилингни сақлагил беҳудагўйликдан зарар кўндур,
Ҳаловат ахтарар бўлсанг агар қилган ибодатдан.*

“Кўнайса қовли бемаъни билан руҳинг топар озор”, дея бемаъни гапдан руҳ озор топишини айтган аллома, “зикри Ҳақ бирлан мунаввардур дилинг оинаси” дея, унинг муолажаси Ҳақ зикри эканини кўрсатиб берадилар. Беҳудагўйликнинг зарари нафақат дунёда, балки охиратда ҳам надоматга сабабдир:

*Тилингни сақлагил беҳудагўйликдан ҳазар айлаб,
Гапургил кизбу гийбат сўз аро кирмаслигинг ўйлаб,
Синиқ дилларни ўтгил қайда кўрсанг кўнглини овлаб,
Зулмдан эҳтиёт этгил Худога арз этар йиғлаб,
Бориб маҳшар кунинда бўлмагил анда пушаймонсан.*

Мулоқот чоғи мулойим ва юмшоқлик билан сўзлаш мусулмон одоби саналади. Қолаверса, мақсад юмшоқ сўз билан осон ва тез ҳосил бўлади, акс ҳолда шайтон инсон дилига васваса ташлаши мумкин.

*Инсонга сўзласанг юзига қилмагил дағал,
То етмагай муҳаббат имонига халал,
Коринг бўлур тамомиси оҳиста сўзда ҳал,
Шайтон дилинга васваса таишлар ғазаб маҳал,
Нури ақлни хийра қилур ҳар қачон жадал.*

Тажрибаларга кўра, сўзни ўз мақоми ва пайти бўлади, сўзлагувчи уларни эътиборга олиши лозим. Шу ва бошқа маънолар куйидаги мисраларда ўтади.

*Сўзни қараб маромига оҳиста сўзлагил,
Мақсад этар тамомига оҳиста сўзлагил,
Фурсат топиб мақомига оҳиста сўзлагил,
Вақти дуо жанобига оҳиста сўзлагил,
Шояд ижобат айласа, Ваҳҳобу лам язал.*

Биз алломанинг тил ва унинг офатлари билан боғлиқ тавсияларига амал қила олсак, кўплаб яхшилиқларга эришишимизда шубҳа йўқ, чунки улар ҳаёт тажрибаларида синалган айни ҳақиқатлардир.

Қилар ёлгон сўзинг нархингни арзон, ростгў бўлгил

Тил билан боғлиқ гуноҳлардан бири бу ёлгончиликдир. Ёлгончилик мусулмон кишига мутлақо ёт сифат саналади. Бу борада Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Мўмин киши ёлгончи бўлмайди”, мазмунидаги муборак сўзлари машҳур. Бу иллат ҳақида тўхталар эканлар аллома шундай дейдилар:

*Муносибдур санга фарзанди инсон ростгў бўлгил,
Қилар ёлгон сўзинг нархингни арзон ростгў бўлгил,
Хиёнатдин етар дилиннга нуқсон ростгў бўлгил,
Жафо жонингга қилма эй мусулмон ростгў бўлгил,
Гапургил Ҳақ каломидан қўзусун бўйи райҳони.*

Алломага кўра, ёлгончи кимса охиратда азобга қолишидан ташқари, бу дунёда ҳам “*файзи*” кетиб, “*нархи арзонлаб*” кетади.

*Ғийбати мардумга одат қилмагил кўндур зарар,
Қил ҳазар ёлгончиликдан файзи инсонлик кетар.*

Ёки:

*Қайси инсон сўз аросига қўшиб ёлгон қилар,
Бегумон ўз нархини халқ ичра ул арзон қилар.*

Ҳа, демак эл ичида қадри ва баҳоси баланд бўлишини истаган ҳар бир кимса ёлгончиликдан ҳазар қилсин, шундагина қадрга эга бўлади.

Гапурманг олдидан хуш келмаган сўз орқасидан ҳам

Тил билан содир этиладиган гуноҳларнинг катталаридан бири бу ғийбатдир. Аллома “*ибодат ҳирманига сўзон*” саналмиш мазкур иллатга аёвсиз курашганлар. Асарларининг ҳар бирида бу ҳақда тўхталиб ўтганлар десак, муболаға бўлмайди. Аммо бу борада алоҳида мухаммас битганларки, унда мазкур иллат билан боғлиқ барча жиҳатлар батафсил баён қилинган. Шуларни инobatга олиб, мазкур мухаммасни шарҳи билан тўлиғича келтиришни лозим топдик.

*Кулоқ солғил биродар айлайин андак баён гийбат,
Мабодо бўлмасун нафсинга одат бу ёмон гийбат,
Етар қилган ибодатларга андин кўп зиён гийбат,
Савобин кетказур тоатларингни беғумон гийбат,
Ҳаром ўлган “вала яғтаб” иборати билан гийбат.*

Биродар бир оз кулоқ берсанг, ўзинг билмаган ҳолда сенга одат бўлиб қолмаслиги учун ғийбат ҳақида айтиб берар эдим, чунки ундан ибодатларга зиён етиб, савобини кеткизади, ваҳоланки, у “ғийбат қилманглар” мазмунидаги оят (Хужурот сураси, 12 оят) билан қатъий ҳаром бўлгандир.

*Билинг гийбат бировни орқасидан сўз гапирмоғлик,
Эшитса анга озору хижолатлар етар чоғлик,
Ани бағри бу сўзни айтиши бирлан бўлур доғлик,
Узилгай ошнолик, қолмагай ўртада ошнолик,
Бу боис бирла қалбингни қилур шайтон макон гийбат.*

Шуни билки, ғийбат – бировнинг орқасидан, эшитса хафа бўладиган даражада ёмонлаб гапиришдир. Бу туфайли унинг дили оғрийди ва ўртадан ошнолик узилиб, дўстлик кўтарилади, натижада шайтон қалбингни эгаллайди.

*Ибодат ҳирманига чоғлагил бу оташи сўзон
Туташса, куйдириб кул қилғусидур ўйла эй инсон,
Ибодат кетса, бўлмасму сени обидлигинг ёлгон,
Худо наздида олим илмига бўлса, амал қилгон,
Амалсизлик эмасму, қилса қалбинг шодмон гийбат.*

Сен ғийбатни гўёки ибодат ҳирмонига тушган ўт деб бил, ахир у туташса, ибодатдан асар қоладими? Худонинг наздида илмига амал қилган ҳақиқий олим саналадиган бўлсанг, бу ишдан хурсанд бўлар экансан бу амалсизлик эмасми?

*Биродар нафсимизнинг васфидур “амморайи бис-су”,
Агар қўйсанг хатолар анга одат бўлғусидур хў,
Худо Қуръонда қайтарган ҳарому махздур ушбу,
Саҳоба асрида оламни айлар эрди бу бадбу,*

Таажжуб бизга ал-он бўлди гўё ошу нон гийбат.

Биродар, биласанми нафсимизнинг сифати ёмонликка буюрувчидир. Озгина бўш кўйсанг, уни одат қилиб олади. Аллох таоло буни очиқ ҳаром деб айтган. Саҳобалар даврида ғийбат қилинса, ёмон бўй таралар даражада гуноҳ эди, афсуски, биз учун бу ошу нондек бўлиб қолди.

*Биров ҳақин егандин гийбатин қилғони кам бўлмас,
Баробар хуни ноҳақдин азоби кам алам бўлмас,
Зинодин қаттиқ ўлган боиси мунда надам бўлмас,
“Вала яғтаб” деган қатъий далилига аҳам бўлмас,
Агар бўлса истихлол куфридан нишон гийбат.*

Ғийбатнинг гуноҳи бировнинг ҳақини егандан, ноҳақ одам ўлдиргандан, зинодан ҳам қаттиқроқдир, чунки ғийбат қилувчида надомат бўлмайди, аксинча хурсанд бўлади. Қолаверса, у Аллох таолонинг “ғийбат қилманглар” мазмунидаги оятига эътибор қилмаган саналади, бордию ҳалол санаса, унинг куфрга кетганидир.

*Иложи бўлса тўхтатгил такаллум қилгали қўйма,
Туриб кетгил, иложин топмасанг суҳбатда ўлтирма,
Жудо бўл гийбат аҳлига биродар ҳамсафар бўлма,
Агар гийбатни хавфи бўлса, бетобини ҳам сўрма,
Ийодатни савобидан гуноҳидур гарон гийбат.*

Иложи бўлса, ғийбат қилаётган кишини тўхтатиб гапиришига қўйма, иложини топмасанг суҳбатда ўтирма, ғийбат аҳли билан ҳамсафар бўлма, ғийбатнинг хавфи бўлса, бемор бўлганда ҳам бориб кўрмаки, касал кўриш савобидан ундан ғийбат эшитиш гуноҳи ортиқдир.

*Худо гийбатни қубҳи қанча миқдорини билдирди,
Ўлук инсонни гўшитини емак таиббеҳини қилди,
Китобу, суннату, ижмои умматда ҳаром ўлди,
Таажжуб мунга ислом аҳли бепарво бўлуб юрди,
Эмас холий қилурмиз ошкору пинҳон гийбат.*

Аллоҳ таоло ғийбатнинг гуноҳи қанча эканини билдириб, гўё ўлган кишининг гўштини еган билан баробар, деди. Ғийбат Қуръон, ҳадис ва ижмоъ ҳукми билан ҳаром, лекин нимадирки, биз пинҳон ё ошқора бемалол ғийбат қилиб юрибмиз.

*Қилур ғийбатни мажлисда амалсиз баъзи олимлар,
Қўшулгай анга хуш чеҳра бўлиб қанча мулозимлар,
Қулоқ солгай анга хомуш бўлиб аҳволи солимлар,
Алар ҳангоми ғийбатда бўлиб шайтонга ходимлар,
Эмасму бу биродарларни гўштини егон, ғийбат.*

Афсуски, баъзи амалсиз олимлар мажлисларда бемалол ғийбат қиладилар, бир неча мулозимлар маъқуллаб, уларга қўшиладилар, баъзи покиза кишилар эса индаёлмай хомуш ўтирадилар, бироқ бунда барча баробар гуноҳкор бўлади. Ахир, бу биродарининг гўштини ейиш эмасми?!

*Ўзини баъзи нодон халқ ичинда нуктадон чоғлар,
Ани билганча маъни бўлақлар билмагон чоғлар,
Халойиқда кўрунган айбдан ҳоли омон чоғлар,
Бўлуб хомуш ўлтурмакни гўёки ёмон чоғлар,
Гапурганда ақрондин бўлиб оби равон ғийбат.*

Баъзи нодон кимсалар ўзини нотикқ билиб, уни билганини бошқалар билмайди, деб ўйлайди, одамларда бор айбдан ўзини холи билиб, жим ўтиришни эп кўрмай, бемалол бировларни ғийбат қилиб ўтиради.

*Гапурганда киши мақтанса, ужбидин асар билгил,
Берур ужби ботинда кибрдан дарак, билгил.
Такаббур аҳлини оламда сан бир дардисар билгил,
Етар кибру ҳавосидан халойиққа зарар билгил,
Алардин ажратиб бўлмас ҳаммиша тавамон ғийбат.*

Шуни яхши билки, киши гапираётиб мақтаниши ужб саналиб, бу унинг кибридан хабар беради. Мутакаббир кимса эса бир дардисар, ундан ғийбатни ҳеч қачон ажратиб бўлмайди, эгизакдек доимо биргадир.

*Бировни(нг) айбини ахтарма ўз нуқсонинга боқғил,
Хатолар бандаликда айлагон нисёнинга боқғил,
Қилурда гийбати мардум била исёнинга боқғил,
Кириб қалбингда қилгон васваса шайтонинга боқғил,
Вужудингдан топарсан эй хатони излаган, гийбат.*

Бировнинг айбини ахтариш ўрнига ўз айбинга, қилган қатор гуноҳларинга боқ, гийбат чоғи осий бўлаётганинг ва айни пайтда васваса қилаётган шайтонинга боқ, ҳар қанча хато бўлса, ўзингдан топасан.

*Гапурманг олдида айтмайдиган сўз орқасидан ҳам,
Насаб нуқсонидан, ё отасидан, боласидан ҳам,
Ёмонлаб жомасидан, хонасидан, хомасидан ҳам,
Азизу хорлик, кулфат била ҳангомасидан ҳам,
Худовандимга барча бандани ҳоли аён, гийбат.*

Олдида хуш келмаган сўзни орқасидан ҳам гапирманг. Бировнинг насаби, нуқсони, отаси, боласи, кийими, иморати, асарлари, азизлигу хорлиги, кулфати-ю ҳангомасидан ҳам гапирманг, чунки унинг барча аҳволи Парвардигорга аёндыр.

*Баробар қонини сочмак ила нуқсонини очма,
Муносиб бўлмагай инсонга ақраб найзасин сочма,
Мазаммат захридин қочсанг биродарларга ҳам сочма,
Хиёнат бирла суҳбатдан суҳанларни олиб қочма,
Бўлак мажлисга борганда қилай деб дoston, гийбат.*

Шуни билинги, гийбат қилиш билан қонини тўкиш баробардыр. Шундай бўлгач, инсонга ақраб – чаён найзасини санчиш дуруст эмас, шунингдек, бошқа мажлисда гапириш учун суҳбатларни ўғирлаб кетиш ҳам мутлақо мумкин эмас.

*Баробардур қулоқ солган гапурганнинг гуноҳига,
Кироман котибайн ёзмакда дафтарлар сиёҳига,
Булдур шайтон сўзи бирлан қадам қўймоқ манохига,
Ибодатларни қилиб вайрона залолатларни роҳига,
Хато бўлса, дегил Қоил, эй нуктадон гийбат.*

Билгинки, ғийбатга кулоқ солмоқ уни гапирган билан баробар бўлиб, гуноҳ дафтарига бирдек ёзилади. Бу шайтоннинг гапига кириб, Худо қайтарган ишга юриш, ибодатни вайрон қилишдир. Эй Қоил, агар гапларинг хато бўлса, дарҳол тавба дегин.

Кимдадур ҳиқду ҳасад аҳли муҳаббат бўлмагай

Ислонда қораланган иллатлардан бири бу ҳасаддир. Ҳасад бировдаги неъматни ундан кетиб, ўзига келишини ишташ бўлиб, унинг ҳукми ҳаром, чунки бу кишилар ўртасида фитна пайдо бўлишига, ўзаро адоват келиб чиқишига сабаб бўлади, қолаверса, бу Аллоҳ таолонинг қисматига норози бўлишдир.

Аммо неъматни бировдан кетмай, ўзи ҳам унга эга бўлишни ишташ, ҳавас саналиб, бу жоиздир. “Субулус салом” (“Саломатлик йўллари”) номли китобда шундай келтирилади: “Ер юзи ва осмонда содир бўлган биринчи гуноҳ ҳасад туфайли пайдо бўлган. Иблис Одам атога ҳасад қилиб, сажда қилишдан бош тортиб осий бўлди, Қобил ер юзида Ҳобилга ҳасад қилиб, уни ўлдирган”.⁴⁴¹

Имом Абу Довуд ва Имом Байҳақий ва бошқа муҳаддислар Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ҳасаддан узоқ бўлинглар, чунки у кишининг яхшиликларини ўт ўтинни еганидек еб тугатади”.⁴⁴²

Аҳнаф ибн Қайс: “Ҳасадгўй кишида ҳеч қачон роҳат, хулқи ёмон кишида эса улуглик бўлмайди”, деб айтган.⁴⁴³

Қоил Марғилоний мазкур иллат ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб, унинг ёмонлигини баён қилганлар. Кишиларни ҳасад иллатидан сақланишга чақириб, унинг оқибати қиёмат куни хижолатлик эканини айтадилар.

*Дилингда сақлама хиқду ҳасад, кибру ҳаво қилма,
Агар маҳшар кунинда қўрқаман десанг хижолатдан.*

⁴⁴¹ “Субулус салом” 7-ж, 128-б. <http://www.al-islam.com>

⁴⁴² Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Байҳақий. “Шуъаб ул-имон”... 14-ж, 122-б.

⁴⁴³ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 2004.187-б.

Юқорида ер ва осмонда биринчи пайдо бўлган гуноҳ бу ҳасад эди, деб айтилди. Аллома бу ҳақда шундай дейдилар:

*Азозилни йиқитди кибри қилди номини шайтон,
Ҳасаддин Қобилу Ҳобил аросида тўкулди қон,
Ҳалок ўлди жаҳонда Одийлар қилган эди тугён,
Таваккул тарк этиб қилсанг, тамаъ динингадур нуқсон,
Вафо махлуқидан ахтарма, Холиқдан ризо ахтар.*

Модомики, ҳасад кишилар ўртасида душманлик, адоват пайдо қилар экан, демак улар “аҳли муҳаббат” бўла олмайдилар.

*Кимдадур ҳиқду ҳасад аҳли муҳаббат бўлмагай,
Гар талаб қилсанг муҳаббатни қаноатдин гапур.*

Аслида у Ҳаққа таваккул қилиб, эзгу мақсад сари қадам ташлаши керак эди. Шундагина у охират ҳосилига ишлаган бўлади.

*Ким қўйса мақсадига таваккул била қадам,
Ҳирсу ҳавою ҳиқду ҳасадлар қилиб адам,
Тоатларики айласа, тақвони анга зам,
Келса хатони ваҳми билан дийдасига нам,
Бу мазраи бақода ҳусули бақо қилур.*

Ҳама инсон бориб охир ёмонликдан надам айлар

Қуръони карим оятларидан маълумки, Аллоҳ таоло бандаларни бир-бирларига дўст-улфат бўлишга буюриб, адоват ва душманликдан қайтарган. Моида сурасининг 2-оятиси “Яхшилик ва тақво йўлида бир-бирингизга ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманглар” мазмунида марҳамат қилган. Аллома мазкур оятга мувофиқ яхшилик ҳақида, унинг зидди адоват ва душманлик ҳақида тўхталадилар.

*Ҳама халқи Худога айлагайсан яхшилик пеша,
Раво кўрма ёмонликни бировга қилма андеша,
Адоват тухмидан дил мазраиға олмасун реша,
Биров қасдини қилган ўз оёғига чопар теша,
Ҳама инсон бориб охир ёмонликдан надам айлар.*

Яъни, эй инсон, яхшилиқни ўзингга одат қил, ҳаргиз бировга ёмонлик хоҳлама, чунки душманликдан инсон дили озор топади, қолаверса, бировга чоҳ қазиган ўзи йиқилиши аниқ, шунингдек, ҳар бир инсон ёмонликларига надомат чекиши ҳам ҳақиқатдир.

Кишиларни душманликдан қайтариб, ибодат ва саховатга, қақирган аллома уларни Ҳаққа дуо қилишга ҳам буюрадилар шоядки, ижобат бўлиб, инсон дунёдан боимон кетса.

*Ҳаётинг борича эй банда ахтаргил ибодатни,
Ғарибу бенаволарга қилиб хайру саховатни,
Дилингда сақламай инсонга адоватни,
Дуо даргоҳига қилгил умид айлаб ижобатни,
Саломат сақласа имонни бенуқсон кетар бир кун.*

Кўпинча адоватга ўйламай гапирилган сўз сабаб бўлади, бинобарин, киши доим мулоҳаза билан гапириши керак.

*Тааммул бирла бўлгил айлаган баҳсу жавобингда,
Адоват боиси Қоил, жадал қилган суҳан, санго.*

Ҳақиқатни айтмоқчи бўлган кимса насиҳат йўлидан гапириши керак, агар нафсоният қилса, бу ҳам адоват саналар экан.

*Қилур изҳори ҳақ бўлсанг насиҳат йўлидан қилгил,
Агар шайтонни илқоси билан қилсанг, адоватдур.*

Бировга бесабаб етказилган озор марҳам кўйганида ҳам “тузалмас бир жароҳатдир”.

*Ҳазар қил сабабсиз етмасун озор мардумдан,
Даво кор айламас қўйсанг тузалмас бир жароҳатдур.*

Қилиб тоатни файзини риё бодига топширма

Маълумки, амалларнинг қабул бўлиши ихлос, яъни уни холис Аллоҳ учун қилишга боғлиқ. Амалга риё аралашса, унинг бекор бўлганидир. Бу ҳақиқат Куръони карим ва ҳадиси шарифларда равшан баён қилинган. Аллома мазкур мавзуда ҳам жон куйдириб, насиҳат қилганларини кўраимиз. Бу бежиз эмас, негаки меҳнат ва

риёзат эвазига қилинган амалнинг савобидан маҳрум бўлиш катта ютқизиқ. Бу ютқизиқ охираат маҳрумлигига олиб бориши ундан ҳам оғирдир.

*Қилиб тоатни файзини риё бодига топширма,
Қабули халқ учун қилган ибодат барча хусрондур.*

Риёдан холи амал қабулият аломати, қабул бўлган амалдан эса жонга “роҳатлар етиши” бор.

*Олиб боргай тамоми мунда қилган кору борини,
Етар жонинга роҳатлар савоби бериёдандур.*

Демак, бериё ибодатнинг қадри юкори.

*Ибодат бериё бўлганда қадри кўп юқорийдур,
Риё аҳли ибодатни қабул халқ учун айлар.*

Кишининг ибодатлари риёдан холи бўлиб, сўзига яраша амали бўлса ва ўтган умрлар ўрнини тўлдирувчи савобли ишлари бўлиб, ўзи доимо талабда бўлса, нима бўлади?

*Ибодатлар агар бўйи риёдан беҳалал бўлса,
Гапурган қавли миқдорига феълида амал бўлса,
Адо бўлган умрларга ибодатдан бадал бўлса,
Талабдан тўхтамай борса, ҳаётдан маҳал бўлса,
Топиб шояд жаҳондан рутбайи ирфон, кетар бир кун.*

Ҳа, ундай инсон охирда дунёдан имон билан кетади. Риё иллати ҳақида гапирган аллома оламга риё ҳукмрон бўлганини афсуслик билан айтадилар.

*Риё дарёсидур олам чўмиб ҳўл бўлмаган борму?
Тамаъ бозоридур ё анга даллол бўлмаган борму?*

Алломага кўра, ким риё иллатидан мусаффо бўлса, ундай кимса амал дафтарига бирор ёлғонни ҳам ёздирмай ўтади.

*Риё гулмихларини тахтаи тоатга қоқмайдур,
Ёзилмай номайи аъмолига ёлгон кетар бир кун.*

Шу ўринда ҳадиси шариф ва салафларимиз ҳаётидан бу борадаги ибратли мисолларни келтириб ўтсак. Имом Аҳмад Маҳмуд ибн Лабиддан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Умматимга энг кўп қўрқадиган нарсам кичик ширкдир”, – дедилар. Кичик ширк қайси, деб сўрашди. У зот: “Риёдир, Аллоҳ таоло қиёмат куни риё қилган кимсаларга амалларингни дунёда ким учун қилган бўлсаларинг ўшалар ҳузурига бораверинг, қарангларчи улар ҳузурида бирор мукофот бормикан” дейди”, – деганлар.⁴⁴⁴

Иброҳим ибн Адҳам: “Кишилар уни яхшилик билан зикр қилишларини истаган кимса амалини холис Аллоҳ учун қилиши қийин”, – деганлар.

Зуннун Мисрийдан: “Киши қачон ўзини мухлислардан эканини билади?” – деб сўрадилар. “Бор қувватини ибодатга сарф этиб, яна ўз мақомини одамлар ичида паст бўлишини истаса”, деб жавоб берди.

Хотам Асом: “Қиёмат куни кишиларнинг энг бахтсизининг илмидан ўзгалар фойдаланиб, ўзи унга амал қилмаган олимдир”, – деганлар.

Икрима (розияллоҳу анҳу): “Ўзининг сўзи ва амали ёмон эканини билиб туриб, кишилар уни мақташларини истаган кишидан ҳам кўра ақли паст кимса йўқдир, унинг мисоли тикан экиб, ундан яхши ҳосил олишни истаётган кимсага ўхшайди”, – деганлар.

Умар ибн Абдулазиз халифа бўлган пайтида Абул Аббосдан васият қилишини сўрайди. У шундай деган: “Эй Умар, Аллоҳ таолога зоҳирда дўст пинҳонда унга душман бўлишдан сақлан, чунки кимни махфий ва ошкора ҳолати бир хил бўлмаса, у мунофиқдир, мунофиқларни жойи эса дўзахнинг тубидадир”.⁴⁴⁵

Суфёни Саврий: “Илм ўқиб унга амал қилмаган кишининг мисоли махфий зино қилиб қизлиги кетган, аммо уни ҳеч ким билмай, куёвга ҳозирланаётган қиз кабидир. Ҳамма бундан хурсанд, аммо у шарманда бўлишидан қўрқади”, – деганлар.

⁴⁴⁴ Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”... 403-б.

⁴⁴⁵ Имом аш-Шаъроний: “Танбех ул-муғтаррин”... 35-б.

Солих ал-Маррий: “Агар инсонларнинг ичи ва таши бир хил бўлмаса, уларнинг устига қандай оғир балолар келса ҳам бу ажабланарли эмас”, – деганлар.⁴⁴⁶

Агар минсанг тамаъ отига сандек дарбадар йўқдур

Маълумки, тамаъ биров қўлидаги нарсани меҳнатсиз йўл билан келишини ишташ, яъни умид қилиш саналади. Исломда бу иллат қаттиқ қораланиб, ундан сақланишга чақирилган. Бунинг учун ҳар бир кишини қўл меҳнати билан шуғулланиб, ҳалол йўл билан нон топишга тарғиб қилинади. Айниқса, тамаъ илм аҳлига кўпроқ зарар бериши таъкидланган, чунки «Уламолар қалбидан илмини кетказувчи энг биринчи нарса бу тамаъдир», деб айтилган.

*Халойиқ ошу нонига кангулни боғлаган зоҳид,
Тамаллуқдан риёдан ўзга бир сўз деёлмайдур.*

Ҳасан Басрийнинг, «Олимнинг укубати қалбининг ўлиши билан бўлади, қалбнинг ўлиши охират иши билан дунёни талаб қилишда кўринади», деган гаплари машҳур.⁴⁴⁷ Иброҳим ибн Адҳам кунларнинг бирида кемада кетаётганларида бирдан бўрон кўтарилади. Одамлар ҳазратга: «Ушбу шиддат–қаттиқликни кўряпсизми?» – дейишади. У зот: «Шу ҳам қаттиқлик бўлибдими, одамларга муҳтож бўлиб қолиш олдида бунинг шиддати нима?» – дейдилар.

Ибн Мухайриз кийим сотиб олиш истагида бозорга чиқадилар. Шунда бир киши сотувчига: «Бу Ибн Мухайриз бўладилар, савдони чиройли қилинг», – деёди. Ибн Мухайриз савдони тўхтатиб, дўкондан чиқиб кетадилар ва: «Биз фақат пулларимиз билан сотиб оламиз, динимиз билан сотиб олувчилардан эмасмиз», – дейдилар.

Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Асбаҳоний нонни бир нонвойдан сотиб олишга одатланмас эканлар. Бунинг сабаби сўралганда: «Эҳтимол сизлар мени таниб қолиб, ҳайбатланиб, нонни арзонроқ қилиб беришингиз мумкин, унда мен дини билан кун

⁴⁴⁶ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 38-б.

⁴⁴⁷ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 153-бет.

кўрадиганлардан бўлиб қоламан», – деган эканлар.⁴⁴⁸ Энди Қоил Марғилонийнинг мазкур иллат ҳақидаги фикрлари билан танишиб чиқсак.

*Вафо бирлан юриб халқ ичра ҳеч кимдан тамаъ қилма,
Ҳарис айлаб бу нафси саркашингни бевараъ қилма,
Дилингни тўлдириб дунё гами бирла важаъ қилма,
Ҳалолу тоййиб ўлсин, луқмалар фавқи шабаъ қилма,
Риёзат бирла сен ҳам олами ҳикматда Луқмонсан.*

* * *

*Гадодек кўчаларда қасди нон бирла дуо қилма,
Тамаъ бирлан такалум айласанг дининга нуқсондур.*

Алломага кўра, тамаъ қилмоқ дарбадарлик, хорлик-зорликдан бошқа эмас.

*Қаноат бирла ўлтиргил, таваккул бирла йўл юргил,
Рафиқ ўлма тамаъ бирлан қилур ул дарбадар, охир.*

* * *

*Ризо майдонида собит қадам бўл, кўрсатиб жавлон,
Агар минсанг тамаъ отига сандек дарбадар йўқдур.*

Кишиларни тамаъ иллатидан қайтарган аллома унинг ёмон оқибати ҳақида ҳам хабар берадилар. У “динга нуқсон” дан иборатдир.

*Таваккул тарк этиб қилсанг тамаъ, динингадур нуқсон,
Вафо махлуқидан ахтарма, Холиқдан ризо ахтар.*

Тамаъ аҳли барча ишини бирон дунёвий мақсад билан қилади, унда бирор холис амал бўлмайди.

*Ғино вақтида бўлган ошноларни билиб бўлмас,
Тамаъ аҳли санолар ошу нонинг бўлмаса қилмас,
Сани кўрмак учун андек агар нафъи етмаса келмас,
Ҳақиқий ошно агар имон учун бўлганда айрилмас,*

⁴⁴⁸ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 21-б.

Ризо аҳли эрур, албатта онлардин вафо ахтар.

Аҳли тамаълар нон топиш умидида турли найранглар қилишдан ҳам тоймас экан.

*Қилур аҳли тамаъ нон учун турфа найранглар,
Ҳарис ўлганни дунё бўйнидан занжир билан боғлар.*

Инсон бунинг ўрнига бориға қаноат қилиши, Аллоҳга таваккул қилиб ҳалол меҳнат билан шуғулланиши керак.

*Қаноат айлаган зоҳидни қалби бегубор ўлғай,
Таваккул аҳлини ёри билинг Парвардигор ўлғай,
Жаҳон ҳар кимни ҳирси қадрича бошиға тор ўлғай,
Тамаъ миқдорича инсонни қалби беқарор ўлғай,
Юракни ҳасрати аксар кўпайган муддаодандур.*

САЁҲАТНОМА

Қоил Марғилонийнинг асарлари орасида саёҳатномалари алоҳида ўрин тутади. Ўттиз саккиз банд, икки юз қирқ мисрадан иборат мазкур асар ижтимоий-маданий ва тарихий аҳамиятга эга асар эканини эслатиш лозим. Тасаввуф тарихидан маълумки, у ёки бу даражадаги сафарга чиқиш кўплаб тариқат шайхлари учун одат саналган. Мазкур асарда Охунд дада тўрт киши ҳамроҳлигида Марғилондан Қува орқали Асака, Андижоннинг Қорасув шаҳри, ундан Ўш ва Ўзганд, ундан Қуршабгача сўнгра шу йўналиш бўйича Марғилонга қилган саёҳатлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Сафар асносида босиб ўтган шаҳар-қишлоқларнинг манзаралари, аҳолиси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, баъзи шахслар ва зиёратгоҳлар ҳақида қимматли маълумотларни келтирганлар.

Асарнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур сафар режали ва мақсадли ташкил этилган бўлиб, унда жуда кўп тарбиявий мавзулар акс этган. Унда сафарнинг шаръий талабларига риоя қилинганини кўраимиз.

Саёҳатдин ҳикоят

*Чиқиб ёрдуқ саёҳат этгали тўрт ошно бирлан,
Тузатган ошнолик расмини ақли расо бирлан,
Садоқат оламинда ҳар бири соҳиб вафо бирлан,
Таваккул бобида собит қадам аҳли ризо бирлан,
Қилиб бир-бирларига хайриятлик муддао бирлан.*

Аллома дўстлик аҳдига вафодор, бир-бирига садоқатли, Аллоҳнинг ҳукмига сабр ва ризо мақомида тура оладиган тўрт нафар ҳамроҳ билан сафарга чиққанларини айтмоқдалар. Улар сафар олдидан бир-бирларига яхши дуолар қилиб йўлга чиққанлар.

Имом Бухорий ва Термизийлар Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Агар

кишилар ёлғиз юришда бўладиган (ёмонлик) нарса (лар) ни мен каби билганларида, кечаси ҳеч ким ёлғиз юрмаган бўлар эди”.⁴⁴⁹

Имом Муҳаммад Ғаззолий сафар одобларини баён қилар экан, “Сафарга чиқишдан олдин киши ҳамроҳларни танласин, улар унинг динига кўмаклашадиган, Аллоҳни унутса эсга соладиган, эсласа, ёрдам берадиган бўлиши керак,” деган. Шу билан бирга ҳамроҳлар тили ширин, таомини қизғанмайдиган ва ҳусни хулқ билан муомала қиладиган бўлиши зарур.⁴⁵⁰ Байҳақий Умар (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар сафарда уч киши бўлсаларингиз бирингиз амир бўлсин”, деганлар.⁴⁵¹

*Юрар эрди замонлардин бери бу маслаҳат битмай,
Турар эрди кангулда орзуси ташқари кетмай,
Қадарни пардасидин ушбу соатлар зуҳур этмай,
Иложи йўқки, инсон қилса кори соати етмай,
Кечурган бирла муддатларни моху солҳо бирлан.*

Аллома сафарга чиқиш нияти бир қанча вақтлардан бери келаётгани, лекин соати келмагани учун муяссар бўлмаётганини айтадилар.

Ғаззолий сафар одобда сафарга чиқувчи аввало ниятни чиройли қилиши кераклигини уқтиради. Улар нималардан иборат бўлиши керак? Кошифийнинг айтишича, «Сўфийлар уч нарса учун сафар қиладилар: улуғ авлиёларни зиёрат қилиш, ё нафс риёзати, ёки тарикат йўлига кирган мардларнинг суҳбатини топиш учун».⁴⁵²

Улуғ кишиларни зиёрат қилиш орқали улар дуосига эришиш, уларнинг юзига назар солиш шарафи бор. Уламолар, солихлар юзига қараш ибодат саналади. Бу туфайли уларга эргашиш ва улар ахлоқи билан хулқланиш келиб чиқади.⁴⁵³

⁴⁴⁹ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 4-ж, 193-б.

⁴⁵⁰ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 2-ж, 94-б.

⁴⁵¹ Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бақр ал-Байҳақий. “Ас-сунан ал-кубро”. Дорул фикр – Байрут. 9-ж, 359-б.

⁴⁵² Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати...62-б.

⁴⁵³ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”...2-ж, 94-б.

*Чиқарда Марғинондин барчамиз бир ерга жам бўлдук,
Йигилмак соати саъд ўлди баъдаз субҳидам бўлдук,
Табиат иттифоқи бирла якдам якқадам бўлдук,
Такаллум иртиботида қалам бирлан рақам бўлдук,
Нашоти интиҳо деркан самардек ибтидо бирлан.*

Улар Марғилон шаҳридан чиқишда жам бўлишган ва ҳадисда баён қилинган баракотли вақт – субҳи пайтида йўлга отланишган. Ҳаммалари бир-бирига мувофиқ ҳолда яхши кайфият, яхши сўзлар йўлга тушишган.

Имом Абу Довуд ва Термизийлар Саҳр ибн Вадоадан ривоят қилишича Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳим умматимнинг тонгига барака бергин” деб дуо қилганлар. Агар бирор кўшинни юбормоқчи бўлсалар куннинг аввалида юборар эдилар.⁴⁵⁴ Муҳаммад ал-Муборақфурий “Ламаъот” китобидан нақл қилиб, мазкур ҳадисни ривоят қилган Саҳр ибн Вадоа тижоратчи бўлиб, у ҳам йигитларини доим куннинг аввалида савдога жўнатишини ва савдосидан катта фойдалар кўрганини айтган ва бунга айнан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларининг баракоти сабаб бўлганини келтирган.⁴⁵⁵

*Очилди табъимизни гунчаси мошина юрганда,
Фараҳлик ҳосил ўлди Асака боғига кирганда,
Бинолар ранг-баранг, йўл раста-раста сувни кўрганда,
Қараб дарё сари чархи фалак устида турганда,
Билинмай атласу кимхобни фарқи бўриё бирлан.*

Улар сафарга енгил машинада чикқанлар ва ўша даврда нисбатан камёб бўлган бу автоуловда юриш уларга ўзгача завқ берган. Улар дастлаб Асака шаҳрига кириб борганлар ва унинг истироҳат боғида бир оз дам олиш учун тўхтаганлар.

Асака Чўнтағидин шуҳрати ортук макон бўлмас,

⁴⁵⁴ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. “Сунани Термизий”... 3-ж, 517-б; Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний. “Сунану Аби Довуд”... 4-ж, 41-б.

⁴⁵⁵ Муҳаммад ал-Муборақфурий. “Тухфат ул-Ахвазий”... 8-ж, 476-б.

Мунингдек хушхаво бўлганда ҳам оромижон бўлмас,
Нечук инсон эрур келганда кўрса шодмон бўлмас,
Бу янглиз нақши дарё тархи боло ошён бўлмас,
Агар чандики, зебо бўлса ҳам рангу бино бирлан.

Асака шахрининг Чўнтак деб номланган дам олиш боғи саёҳатчиларга айрича таъсир этган. Унинг ёқимли ҳавоси, шарқираб оқаётган дарёси, айникса кўприк устидан дарёга назар солиш завқи улар кайфиятини кўтарган.

Чиқиб андин ўшал кун сайр этиб то Андижон бордук,
Топиб оина янглиз йўл аро оромижон бордук,
Сафарни захматидин чекмадук тинчу омон бордук,
Қилиб ширин суханлар бирла шарҳи достон бордук,
Назар ашёга ташлаб ибрату касбу ҳаво бирлан.

Саёҳатчилар у ердан чиқиб бир-бирлари билан ширин суҳбатлар қилиб, Андижон шахрига борадилар.

Шаҳарни айланиб юрмакда кўрдук Андижон боғи,
Бино тартибини йўл тархини гулгуна тўфроғи,
Сочарму бўйи сунбулни дарахтлар шоҳу яфроғи,
Келурму кўргали Семруғ ташлаб Кўҳиқоф тоғи,
Тузуб келмакда ул шарти сабқатни Ҳумо бирлан.

Шаҳарнинг равон йўллари, тартибли қурилган иморатлари, шаҳар кўркига кўрк бўлиб тушган дарахлари уларга завқ бағишлаган. Шунинг учун бу шаҳарни кўргани Семруғ ҳам Кўҳиқофни ташлаб, Ҳумо куши билан ким ўзарга пойга ўйнаб келармикан, дея завқларини изҳор қиладилар.

Ўшал боғ ичра тобдук бир неча доно йигитларни,
Тавозе пешалик мажлислари оро йигитларни,
Такаллум айламакда булбули гўё йигитларни,
Қилиб расми зиёфат айлаган барпо йигитларни,
Жудо бўлдук алардин хайру боду марҳабо бирлан.

Улар мазкур боғда покиза эътиқодли, камтар ва тавозели, муомала одобини яхши ўзлаштирган бир неча йигитлар билан

учрашиб суҳбат қиладилар. Маълум бўлишича, йигитлар меҳмонларни маърифатли кишилар эканини кўриб, уларга яхши муомала қилганлар ва эҳтиромларини намоён қилганлар.

*Қорасув шахридин саҳро сари ўтдук юруш айлаб,
Назардин нашъалар ҳосил қилиб, кўнгилни хуш айлаб,
Муҳаббат жомини ҳар қайсимиз ло журъа нўш айлаб,
Бўлуб оби равондек сайримиз то шахри Ўш айлаб,
Зиёрати Сулаймони насиб ўлди сабо бирлан.*

Саёҳатчилар Андижондан Ўшга қараб чиқадилар ва Қорасув шахридан ўтадилар. Гарчи Қорасувга тушмасаларда, аммо йўл давомида атрофу акноф манзараларидан баҳра оладилар. Уларнинг йўллари Ўш шахридаги ҳазрат Сулаймон (алайҳиссалом) номи билан боғлиқ зиёратгоҳга олиб борган.

*Нишон боғи Эрамдин Ўш аро озода маъволар,
Нашоти зиндағони ҳосил айлар хуш ҳаво жолар,
Мувосо бирла халқи бир-бирига хайрият хо(ҳ)лар,
Масождлар аро хуш истиқомат пири донолар,
Жамоат файзини топдук алардек порсо бирлан.*

Аллома Ўш шахрининг боғи гўё боғи Эрамдан нишон бўлиб, у ерда яшайдиган кишилар тоза ҳаводан нафас олиб роҳатланиб яшайди, дейдилар. Шаҳар халқи бир-бирига меҳрибон ва хайрихоҳ, масжидлари жамоат билан обод эканини эслатадилар.

*Халойиқлар Сулаймони набий деб эътиқод айлар,
Қадамжо дедилар баъзи кишилар ушбудур аксар,
Асар Абдуллахондин қолди дер гумбази ахзар,
Юруб айлантуруб кўрсатди бир инсон бўлуб раҳбар,
Зиёрат қилгали то Осаф ибн Барҳаё бирлан.*

Зиёратгоҳни маҳаллий халқ Сулаймон пайғамбарнинг қабри деб айтишса, баъзилар қадамжо дейишади ва бу тўғрироқдир, дейдилар. Унинг устига қурилган гумбаз Абдуллахон⁴⁵⁶ тарафидан

⁴⁵⁶ Абдуллахон II (соний). Аждоди шажараси буйича Абулхайрхон – Шох Будоғ Мухаммад Султон – Жонибек Султон – Искандархон ўғли. Абдуллахон ҳукмронлиги 1583-

бино қилинган экан. У ерда саёхатчиларга бир киши раҳбар бўлиб, Осаф ибн Бурхиё номи билан боғлиқ зиёратгоҳга ҳам олиб боради.

Мақону манзил этдук мулла Юсуфжонни жойида,
Ҳаволик катта йўлни устида бўлган саройида,
Қилиб касбу ҳаво шому сабо дарёни ёнида,
Банавбат бўлди суҳбат ҳамшаҳарларни маконида,
Қимизни жомини айлантурурлар шўрбо бирлан.

Улар Ўш шаҳрида катта йўл устида жойлашган Юсуфжон исмли кишининг ҳовлисига тушиб, у ерда тунаб қоладилар. Кейин Марғилондан бориб қолган ҳамшаҳарларнинг ҳовлисида меҳмон бўлиб, у ерда ҳам бир неча кун турадилар.

Туруб бир неча кун ул ерда **бўлдук** айлашиб суҳбат,
Саёхат айламакда ҳамшаҳарлардин бўлуб улфат,
Баданда тарбиятлар ҳосил айлаб қалбимиз риққат,
Чиқиб андин саломат ошнолардин олиб руҳсат,
Қилиб Ўттиз адир саҳросида наиъу нама бирлан.

Улар у ерда бир неча кун ҳамшаҳарлар хонадонида меҳмон бўлишиб, кундузлари шаҳардаги зиёратгоҳларга бориб, сўнгра ижозат олиб, Ўттиз адир орқали йўлга ташадилар.

Чиқар машина болога учуб лочин каби ўйнаб,
Кетар пойин сари симоб **янглиг** жилвалар айлаб,
Муҳаббат оташи бирлан қозони сийнаси қайнаб,
Камоли завқи шавқидин забони жўр ўлуб сайраб,
Тараннумлар қилиб созандалардек хушнаво бирлан.

Аллома автоуловларининг юришини таърифлаб, унинг юқорига чиқишини лочин каби тезрафтор, пастга тушишини симоб каби шитоб эканига урғу берадилар, қозонининг қайнаши ҳам

1598 йилларга тўғри келади. Ўзбек давлатчилиги тарихида Абдуллахон Сонийнинг хизмати катта бўлган. Муҳаммад Шайбонийхон ўзбек халқи тарихига Шайбонийлар давлатининг асосчиси, Убайдуллахон I унинг мустаҳкамловчиси, Абдуллахон Соний эса сиёсий тарқоқликни тугатиш ва марказлашган давлатнинг қурувчиси бўлиб кирган. Абдуллахон илм-фан, маданият, санъат адабиёт ривожини соҳасида ҳам улкан ишларни амалга оширган. У иктидорли шоир сифатида “Хон” тахаллуси билан кўплаб шеърлар битган.

муҳаббат оташидан экани ва у ўзининг бу шавқидан завқланиб, унга муносиб таранум қилётгани ва буларнинг ҳар бири саёҳатчилар ният ва мақсадларига ҳамоҳанг эканини таъкидлайдилар.

*Ўтуб Қуршаб ичи бирлан кўруб дарёни осори,
Тамошо айладук кўпрук қилурда айлаган кори,
Юрар мошиналар устида айлаб турфа рафтори,
Тагида жилвалар бирлан бўлуб оби равон жори,
Кетар мақсудини излаб қилиб савту садо бирлан.*

Улар Қуршаб номли ердан ўтар эканлар, у ерда дарё устига қурилаётган кўприкни кўрадилар, остидан оқаётган сув ажиб бир садо билан гўё “мақсудини излаб” оқаётганидан зақланадилар.

*Эрур инсонга дарё нашъаси руҳи равон янглиг,
Назарлар файз олур андин гулистони жаҳон янглиг,
Насими қўзғолур сайри заминдин осмон янглиг,
Муҳаббат аҳлига овози ширин дoston янглиг,
Баёни нукталар айлаб кетар ширин адо бирлан.*

Инсонга, дейдилар аллома, дарё нашъаси гўё руҳи равон, унга қараган кимса жаҳон гулистонига қарагандек файз олади, ер юзи сайридек завқ келади, шунингдек, сувнинг овози ширин дoston каби муҳаббат аҳлига ишқдан ажиб нукталар баён қилаётгандек бўлади.

*Ҳаёти борича айлар талабдин бир нафас қолмас,
Ҳақиқат ахтарур мадҳу мазамматларга алданмас,
Қолур ўз жойида сангу кудурат кўнглига олмас,
Писанд айлаб захорифларни ҳуснига назар солмас,
Баробар жилвайи мақсад кўзига тўтиё бирлан.*

Ўша ажиб нукталар шуки, инсон ҳам ҳаёти борича доимо талабда бўлиши, ҳақиқат йўлида мадҳу мазамматларга алданмаслиги, дилига гина-кудуратларни келтирмаслиги ва дунё зийнатларига назар солмаслиги керак, чунки мақсади ўзи учун кадрлидир.

*Макони истиқомат айламасдин сайр этар доим,
Вужудин кисватини силкимасдин хайр этар доим,*

*Азимат ломакон сайрини айлаб тайр этар доим,
Бақо гулзорини шавқида тарки гайр этар доим,
Қачон парвоси бўлсун гавҳари қиймат баҳо бирлан.*

Сув, дейдилар аллома, бир ерда тўхтаб турмасдан доим сайр этишда бўлади, вужуд либосини ёйиб барчага хайр саховат улашади Инсон ҳам шу каби ломакон сайрини қасд қилиб, доим парвоз қилсин, бақо гулзорининг шавқида бошқасидан юз ўзгирсин, чунки унга гавҳару маржонлар нима ҳожат?!

*Ўтар вақтида андин пасту болога назар солган,
Юқорида кўрарлар марқади Саййид Қилич Бурҳон,
Шаҳарда пештоқ ичра ётур Султони Санжархон,
Замонлар тожу тахту бахту иқбол анга ёр ўлгон,
Учуб охир вужудин ҳирмани боди фано бирлан.*

Аллома сувнинг шаркираб, мақсад сари интилишидан англаган маънолар баёнини тугатиб, яна сафар таассуротларига ўтадилар. Қуршадан ўтиб кетаётган кишилар юқорида Сайид Қилич Бурҳон мазорини, шаҳар ичида эса узоқ замонлар бахту иқбол билан даврон суриб, охири вужуди фано бодига учраган Султон Санжархон маркадини кўришади, дейдилар.

*Боруб манзилга тушдук ул замон ёд этгали келди,
Акобирлардин икки учлари шод этгали келди,
Муҳандис кишвари кўнгилини обод этгали келди,
Ва ё пири тариқат вақти иршод этгали келди,
Топиб бўйи ҳидоят қалбимиз сайқал сафо бирлан,*

Манзилга етиб бориб жойлашгач, уларнинг зиёратига ерлик тариқат шайхлари келишади. Аллома уларнинг келишини гўё замон муҳандиси кўнгилларни обод қилиш, пири тариқат эса иршод бериш учун келди, деб айтадилар, чунки уларнинг суҳбати сабаб қалблар “сайқал” топган эди. Бироқ, уларнинг ким экани бу ерда айтилмаган.

*Макони истиқомат бўлди Ваҳҳобжонни айвони,
Тузатти ошнолик расмини бир қадар имкони,*

Бўлурму мундин **ортуқ** айламак расми қадрдони,
Муҳаййё айлади ҳар кун тузиб тартиб меҳмони,
Ижозат бермади қайтарга **олдуқ** илтижо бирлан.

Шу зайлда улар бу ерда Ваҳҳобжон исмли бир меҳмоннавоз мухлис кишининг ҳузурида турадилар.

Тузалди Қори мискар ҳовлисида мажлиси оро,
Йиғилди анда **донишманди вақт** олиму доно,
Агарчи вақти озу файзи суҳбат бўлди кўп пайдо,
Ароға кизбу гийбат киргали йўл топмади асло,
Қилиб то нисфу шаб суҳбатни қовли бериё бирлан.

Бундан ташқари, у ерда Қори мискар деб аталадиган шахс хонадонида ҳам бўлиб, у ерга йиғилган замон олимлари ва улуғлари билан ярим тунгача ширин суҳбат қиладилар.

Вилоятлар ичинда хушҳаво маъво экан Ўзжанд,
Сабаб андинми икки жониби дарё экан Ўзжанд,
Анингчун халқи донишманду ҳам доно экан Ўзжанд,
Мусофирларга яхши айлаган парво экан Ўзжанд,
Кетар гурбатни дарди лутф ила бўлган даво бирлан.

Аллома Ўзганд шаҳрининг хушҳаво эканини айтиб, бунга унинг икки ёнидан дарё оқиб ўтиши сабаб бўлгандир, дейдилар. Халқининг донишманд, меҳмоннавоз бўлишига ҳам сабаб шу, яхши муомаладан инсон қалбининг ғубори кўтарилади, дейдилар.

Сафар ҳангомида ҳар кун **қурулди** базми Жамшиди,
Топиб навбат билан ҳар бирлари ширин **сухан** деди,
Фасоҳат **шоҳиди** мажлис аро истабрақин кийди,
Балоғат фориси майдон аро чун барқ(қа) айланди,
Басират сайр этар гўё замину то само бирлан.

Сафар асносида ҳар куни турли хонадонларда ерлик илм аҳлидан иборат азизлар иштирокида навбатлашиб, ширин суҳбатлар бўлиб ўтади. Мажлисда гўё фасоҳат ва балоғат ўзининг энг гўзал кийимини кияди. Бу каби суҳбатларда инсон қалби юқорига сайр этгандек бўлади, дейдилар.

Назар саҳрони сайридин топар бир неча ибратлар,
Кўруб бахмал киби рангин гиёҳлар файзи санъатлар,
Очилгай гунча янглиғ ҳар гуруҳ бўлган табиъатлар,
Олар ҳар қайси инсон бир-бири бирлан насихатлар,
Топилгай имтиҳонлар ҳарна бўлган можаро бирлан.

Саҳроларни сайр қилиш орқали инсон назари кўплаб ибратларни олади, бахмалдек адирлардан ажойиб файзларни теради, бундан чиройли табиатлар пайдо бўлади, шунингдек, сафарда инсон бир-биридан кўп насихат ва хулосалар ўрганади, чунки ҳар бир бўлаётган воқеа бир имтиҳон – синов кабидир.

Саёҳат бўлса ибрат бирла асбоби ҳидоятдур,
Ҳидоят мақсади аслийга юрмакдин иборатдур,
Билинг мақсуди аслий маърифат бирлан ибодатдур,
Бу маънога қилур “Қул сийруу фил арзи” далолатдур,
Анингчун **бўлмагай** орифда парво мосиво бирлан.

Саёҳат агар ибрат бўлса, ҳидоятга сабаб, ҳидоят эса асли мақсадга юришдир, аслий мақсад эса маърифат ва ибодатдир, бу маъноларни англашга Аллоҳ таолонинг “Ер юзини сайр қилинглар” мазмунидаги ояти далилдир. Шу сабабли ҳам ориф зотларни Ҳақдан ўзгаси билан ишлари бўлмайди.

Назар аҳли яқинга нашъайи уқбони кўрсатгай,
Бақо гулзори ичра манзили аълони кўрсатгай,
Саёҳоти сабзозор жаннатул маъвони кўрсатгай,
Беҳишти таҳтиҳал анҳару мофиҳони кўрсатгай,
Очарлар дийдаий ибрат қилиб андин ражо бирлан.

Ашёларга ибрат назари билан боқиш кишига охират нашъасини, бақо гулзоридаги олий манзилни кўрсатади. Бундан ташқари, саёҳат остидан анҳорлар оқадиган жаннат боғлари ва ундаги алвон неъматларни эслатади ва ориф зотлар унга ибрат ва умид назари билан боқадилар.

Агар чанди **саёҳатгоҳ** зоҳири олами носут,
Насиби гарқи ваҳдат аҳли ирфон нашъайи лоҳут,

*Назаргоҳи ҳавасдур жилвайи ҳангомаи Жолут,
Очилган дийдаи **ибратга** ҳосил нусрати Толут,
Фано мулкани мусаххар айлағай шавқи бақо бирлан.*

Саёҳат гарчи носут моддий жисмлар оламига бўлса ҳам аҳли ирфонга у ваҳдат нашъасини бераверади. Аммо хою ҳавас жилвасига боқиш Жолутнинг қилмиши каби ёмонлик, очиқ қалб эгасига эса Толутга ҳосил бўлган нусрат кабидир. Ундай кимсалар бақо шавқи билан фано мулкани ўз ҳукми остига оладилар яъни унга алданмайдилар.

*Саёҳат файзини оламда нафъи аксари топдук,
Тариқи истиқомат кўрсатурға раҳбари топдук,
Чиқарға қалъайи ғафлатдин огоҳлик дари топдук,
Ҳидоят кишварида **шавқати** Искандари топдук,
Ҳаво Доросини яксон этар тахти саро бирлан.*

Аллома мазкур саёҳатдан кўп манфаатлар топганларини, энг асосийси, бу сафарда тариқат йўлини кўрсатувчи бир пири муршид ҳам топганларини айтадилар. Буни гўё ғафлат қалъасидан ёруғликка чиқадиган эшик топдик, деб таърифлар эканлар, у раҳбар Искандар каби хою ҳаваслар Доросини яксон этувчи шавкатли зотдир, дейдилар.

*Дамодам табъи инсон **ахтарар** сайри чаманларни,
Гулистонлар аро кўрмакни сунбул ёсуманларни,
Сухандон нуктадонлар бирла бўлган анжуманларни,
Фаросат аҳли бирлан ўлтуруб ширин суханларни,
Тоғиб дутфу такаллум бирла юрмак азкиё бирлан.*

Гоҳо инсон кўнгли чаманларни сайр этишни, гулистонда сунбулларни томоша қилишни, фасоҳат соҳиблари ва аҳли фаросатларни тоғиб, улар иштирокидаги суҳбатларни истаб қолади.

*Қилиб ҳар турфа кайфийят **билан** қатъи манозиллар,
Халойиқ ичра яхши мўътабар бўлган таомиллар,
Тўлуб асбоби ишратлар билан ҳар кун маҳофиллар,
Ўқуб ашъори рангинлар гаҳи диний масоиллар,*

Хикоятлар ўтуб зикри жамили авлиё бирлан.

Шу туфайли у турли манзилларни босиб ўтади, турли халқлар, миллат ва элатлар урф-одатини кўради, йўл давомида ҳар куни турли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлади ва диний масалалар, турфа ашъорлар, баъзан эса авлиёлар ҳақидаги зикрларни ўқиб сайр қилади.

*Карам қилди бани Одамга каррамно мақомини,
Азозил рашк ўтига куйди шайтон қилди номини,
Талаб авлодидин олмакни қилди интиқомини,
Топиб игво қилур ҳар қайси инсонни маромини,
Тафохурлар билан ҳар кимга дегар иддао бирлан.*

Аллоҳ таоло Одам болаларига мукаррамлик мақомини берди, Азозил унга рашк қилиб, номи шайтон бўлди, шу туфайли унинг авлодларидан ўч олишни мақсад қилди ва уларни турли игво ва васвасалар билан пайтини пойлаб юрадиган бўлди.

*Насиҳат деб биров озори мардумга камар боғлар,
Риё бирлан нифоқ айлаб ани ҳилму ҳаё чоғлар,
Қабули халқ учун айлаб ибодатларни тил ёғлар,
Қараб ўз фазлини кўрмак билан кўп сурати соғлар,
Қочургай лаззати суҳбат сочиб захру миро бирлан.*

Баъзилар насиҳат қилмоқчи бўладию, аммо унинг услубини билмай бировларга озор бериб кўяди, шунингдек, билмасдан амалига риё аралаштириб кўяди, шу туфайли ибодати халқнинг қабули учун бўлиб қолади ва баъзилар эса мақтаниш туфайли мажлисдаги суҳбат файзини ҳам кетказиб кўяди.

*Тамоми аҳли имонни ўзинг бирлан баробар бил,
Алардин хотима хавфини қилсанг балки камтар бил,
Гумонингда савобингдан хато корингни аксар бил,
Худо наздида бўлган фарқини сан рўзи маҳшар бил,
Борурму аҳли суннат пайравида иқтидо бирлан.*

Аслида эса киши ўзини барча мўминлар билан баробар, балки улардан ҳам камроқ билиши, савобига қараганда хатолари кўпроқ

деб ўйлаши керак, чунки кишининг яхши ёки ёмон экани маҳшар куни маълум бўлади.

*Биродар боб ила нобоби дигар фарқини қилгил,
Таомил дикару одоби дигар фарқини қилгил,
Эрур бегонаю аҳбоби дегар фарқини қилгил,
Мусаббаб дегару асбоб дегар фарқини қилгил,
Мабодо кетмагил назди Худога ифтиро бирлан.*

Сен тўғри ва нотўғрини, урф билан одатни, дўст билан бегонани билганингдек, сабаб билан мусаббабни ҳам бошқа-бошқа эканини бил, токи Худо даргоҳига ёмонлик билан бориб қолма.

*Юрар оламда инсон бир неча андишалар бирлан,
Бақо раҳварлари кўнглида қасди тўшалар бирлан,
Ҳаво аҳли қадам ташлар тафоҳур пешалар бирлан,
Аёзига **чопиб** аҳли хиёнат тешалар бирлан,
Тамоми хайру шар зоҳир бўлур ҳукми Худо бирлан.*

Дунёда барча инсон турли андишалар билан юради, охират йўловчилари доим охиратлик озуқа билан юрадилар. Аҳли ҳаволар эса фахр ва манманлик билан, хиёнат аҳли эса ўз оёғига гўё теша чопгандек юрадилар ва барча яхши-ёмон ишлар Худонинг ҳукми билан бинога келади.

*Раиси маслаҳат **айлаб** **тузулган** мулла Мўминжон,
Қилиб шойиста хизматларни бирга юрди Обиджон,
Мошина дастасини **илкига** **Мелийқўзи** олгон,
Манам таҳрир учун коғоз қаламни **қўйинма** солгон,
Топиб файзи саёҳатни аксарини Бек ако бирлан.*

Аллома маслаҳат билан мулла Мўминжон сафар раиси бўлгани, Обиджон уларга хизмат қилгани, Мелиқўзи уловни бошқаргани, ўзлари эса дафтар қалам олиб Бек ака исмли биродарлари билан бирга ҳамроҳ бўлганларини айтадилар.

*Биҳамдиллоҳ сафардин баҳралар андақ қилиб ҳосил,
Кангул оинасининг гамни зангори **бўлур** зойил,
Кўруб осори санъатларни инсофим келиб Қоил,*

*Табиат товси (ни) манзилга қайтарга бўлуб мойил,
Мулоқот айлади хешу табору ақрабо бирлан.*

Аллома Аллоҳга ҳамд айтиб сафардан кўп осори санъатларни кўриб, баҳра ҳосил қилиб, саломат ватанга қайтганларини айтиб сўзларини тугатадилар.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ЗАМОНДОШЛАРИ

Изланишлар шуни кўрсатадики, Охунд дада фаолиятлари даврида кўплаб Марғилон ва унга қўшни кўплаб қишлоқларда истиқомат қилган маҳаллий уламолар билан яқин алоқада бўлганлар. Улар қаторида Миряхё қори домла, Охунжон қори домла, Муҳаммадумар Ғурбатий, Ҳабибуллоҳ қори домла, Абдуллажон махдум, Соли ҳожи домла, Соли қори домла, Зокиржон охунд ва бошқаларни келтириш мумкин. Қуйида мазкур уламолар ҳақида маълумот берамиз.

Охунд дада ва Мулла Йўлдош охунд

Ўз даврида Ёзёвон маънавий-ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин тутган мулла Йўлдош охунд Нурмуҳаммад ўғли 1889 йилда Ёзёвон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Марғилондаги Хонақоҳ мадрасасида Муҳаммад Юсуфхон Хонақоҳий Ҳазрат Домлада таълим олган. Бу ҳақда ўзлари шундай эслайдилар:

«Бошланғич таълимни чиқарганим бўйича, бирор мадрасада илмни давом эттира олмадим. Ёшлигимда отам вафот этиб, рўзгор ташвишлари мени зиммамга тушган эди. Амакиларим билан бирга деҳқончилик қилиб, полизда меҳнат қилар эдим. Лекин илмга бўлган муҳаббат қалбимда мустаҳкам ўрнашган эди.

Бир йили одатдагидек амакиларим билан Марғилонга қовун сотгани келдик. Қовунларни сотиб бўлгач, бозор ёнидаги чойхонада ўтириб, бир оз дам олдик. Олдимиздан салла-чопон кийган талабалар китобларини қўлтиклаб ўтиб қолишди. Улар шу яқин орадаги мадраса талабалари экани шундоққина билиниб турар эди. Уларнинг одоб ва тавозелари менга қаттиқ таъсир қилди. Айни илм ўқийдиган пайтимда бекор юрганимдан афсусланиб кетдим. Улар билан гаплашиб, қаерда таълим олишларини сўраб олдим. Улар Хонақоҳ мадрасасининг талабалари экан.

Амакимга келиб: “Амаки, мен шу ерда қоламан, мадрасага кириб ўқийман, – дедим, – мени аравамни ҳам қўшиб олиб

кетаверинг”. Амаким: “Жуда яхши, аввал қишлоққа борайлик, маслаҳатлашиб сўнгра келайлик”, – деди. “Йўк”, – дедим қатъий оҳангда, – мен қишлоққа бормайман, у ерга бориб маслаҳат қилинадиган бўлса, мени бу ерга келтирмай қўйишади, мен у ердагиларни биламан”, – дедим. Қатъиятимни кўрган амаким ночор кўнди. Биргаликда тўғри мадрасага бориб, Ҳазрат Домлага аҳволни баён қилдик. Ҳазрат мени талабалikka қабул қилдилар. Шу пайтда ёшим йигирма бирда эди”.⁴⁵⁷

Ёшлигидан суяги меҳнатда қотган йигитнинг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги Ҳазрат Домланинг назарига тушишига сабаб бўлади. Унга ўз меҳмонхоналари ёнгинасидан жой берадилар.

Мулла Йўлдош охунд мадрасада қийинчилик ва қаттиқ риёзат билан илм ўқиб, бу йўлда бор бисотини сарф этадилар. Қариндошларининг қаршилигига қарамай, бир йили келиб отараваларини, кейинги йили қўш хўкизларини, яна бир йили мерос қолган ерларини сотиб сарфлайдилар.

Мулла Йўлдош охунднинг тақволари ҳақида қуйидаги воқеани келтирадилар. Айтишларича бир куни Солижон исмли шогирдларини қурбонликка жонлиғ олиб келиш учун бозорга юборадилар. У кетач, орқаларидан бир одамни юборадилар. У етиб бориб: “Охунд дада чақиряптилар, тезда қайтар экансан”, – дейди. У: “Ҳозир ҳузурларидан келдик-ку, яна нима гап?!”, – дейди. “Билмадим, чақиряптилар”, – дейди. У ҳайрон бўлиб, бирга қайтиб келади. Ҳузурларига киргач: “Боя ёдимдан кўтарилибди, қўйни ҳаргиз домла оляпман, деб айта кўрма, умуман мени номимни айтмасдан бозорда нархи қанча бўлса ўшанга олгин”, – дейдилар.

Мулла Йўлдош охунд 1971 йилда Ёзёвон қишлоғида вафот этганлар.

Охунд дада ва Муҳаммад Умар охунд Ғурбатий

Охунд дада билан алоқада бўлган уламолардан яна бири Ғурбатий таҳаллуси билан ижод этган Умаржон махдум охунд

⁴⁵⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2006.

эдилар. Умаржон махдум Ғурбатий 1315 хижрий, 1897 милодий санада Ёзёвоннинг Тошховуз қишлоғида зиёли хонадонда туғилганлар. Бошланғич маълумотни оталари Юсуфбек ҳожидан олиб, сўнгра Марғилондаги «Қипчок» мадрасасида замонасининг етук олими мулла Поччабек охунд кўлида таълим олганлар. Кейин Хонақоҳ мадрасасига келиб, Ҳазрат Домлага шогирд бўлганлар. Бу ерда Қуръон, тафсир, ақоид, сарф-наҳв, араб ва форс тиллари, дин тарихини мукамал ўрганадилар. Шу билан бирга, бадиий адабиётга ҳам алоҳида ихлос кўядилар.

Қизил салтанатнинг ноҳақ тузуми, Сталин даври қатағонларига учраган Юсуфбек ҳожи хонадони кулоқ қилиниб Қирғизистоннинг Қорасувига сургун қилинади. Сургун муддати тугагач, уларнинг оиласи яна ўз юртига қайтади. Ғурбатийнинг ёшлик йиллари қийинчилик, қаҳатчилик, ноҳақликлар замонига тўғри келгани сабабли ўзиларига «Ғурбатий» тахаллусини танлаган эканлар. Бу ҳақда ўзлари шундай маълумот келтирганлар:

*«Камина ҳам бошига инқилоби фалакдин кўп ишлар тушиб, аксар авқот умримни гариб мусофирчиликда кечирганим учун ҳар шеърни тахаллусда «Ғурбатий» келтирдим».*⁴⁵⁸

Умаржон махдум Ғурбатийдан бизга каттагина мерос қолган. Уч жилддан иборат ёзма баёзларида 400 дан зиёд ғазал, рубоийлар, мухаммас, мураббаъ, мусаддас, марсия, саёҳатнома, фардлар ўрин олган. Шоир Лутфий, Навоий, Фузулий, Ҳувайдо, Машраб, Амирий, Убайдий, Камий, Мужрим, Обид, Мискин, Фурқат, Муқимий, Залилий, Ҳазиний, Ноқис, Роғибий, Рожий каби ўнлаб ижодкорларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар.

Мулла Умаржон махдум Ғурбатий 1395/1975 йил, 25 сентябрда 78 ёшда вафот этганлар.⁴⁵⁹

Охунд дада Ғурбатий билан ўзаро илмий-ижодий алоқада бўлганлар. 1970 йилда Ёзёвонда бўлиб ўтган бир анжуманда Ғурбатий Охунд дадага: “Янги бир ғазал ёзган эдим, бир кўриб

⁴⁵⁸ Баёзи Ғурбатий...1-3-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁴⁵⁹ «Девони Ғурбатий» //Тўплаб нашр қилувчи Алишер Бек. «Фарғона» нашриёти, 2008. 3-6-б.

бермайсизми?” дейдилар. Буни эшитиб Охунд дада: “Эй, каерда эдингиз?!” дея хурсанд бўлиб кетадилар. Сўнгра уни мароқ билан тинглаб, сўнггида: “Ўша ғазалингизни менга беринг”, дея сўраб олганларини мазкур анжуманда иштирок этган кишилар яхши эслашади.

Ғурбатийнинг набираси Ҳомиджон Абул Қосим ўгли шундай дейди: “Охунд дада бир гал бир бизникига келганларида суҳбат чоғи бобомдан ижодлари ҳақида сўраб, яқинда вафот этган Хожа Юсуфхон тўрам вафотига марсия ёзганлари ҳақида қизиққан эдилар”.

Маълум бўлмоқдаки, Охунд дада Ғурбатийнинг ижодий фаолиятига илиқ муносабатда бўлганлар. Буни унинг асарларини мароқ билан тинглашларидан ҳам билса бўлади.

Юқорида Охунд дадани Ғурбатийдан Хожа Юсуфхон тўра вафотига марсия ёзгани ҳақида сўраганлари келтирилди. Биз бундай деганлари сабабига қизиқдик. Хўш, Хожа Юсуфхон тўра ким эди? Нима учун Охунд дада айнан бу зот вафотига марсия ёзилишига қизиқдилар?! Биз буларга аниқлик киритиш учун Хожа Юсуфхон тўра истиқомат қилган Ёзёвон қишлоғида бўлиб, тўрамнинг авлодлари билан суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, мазкур зот ўз даврида Марғилон ва унинг атрофида истиқомат қилган сайид авлодларидан бўлиб, етарли илму билимга эга фазилатли шахс сифатида яшаб ўтганлар.

Маълумки, ер юзининг турли минтақаларида ҳозиргача Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари яшаб келадилар. Уларнинг бизнинг диёримиздаги вакиллари “тўралар”, “сайидлар” деб аталади. Хожа Юсуфхон тўра 1906 йилда туғилганлар, оталари сайид Мусо Алихон бўлиб, қабрлари Занги ота туманида. У кишининг оталари Муҳаммадхон тўрам Марғилоннинг Сойбўйи маҳалласида яшаб ўтишган. Хожа Юсуфхон тўра 1369 ҳижрий 27 рабиъул аввал оyi, 1969 милодий 12 июнда 63 ёшда вафот этганлар.

Биз Хожа Юсуфхон тўра фаолияти устида изланиш олиб борар эканмиз, қачонлардир учратиб авайлаб сақлаётганимиз марғилонлик шоир Муфаззал махдум Шоумар ўғлининг у зот

вафотига ёзган таърих-марсияси ёдимизга келди ва уни кутубхонамиз хазинасидан топиб бу ерга илова қилдик.

Марсия

*Саййиду содот ашрафу Хожа Юсуфхон тўрам,
Давр аро говсул варо, асрори хуш пинҳон тўрам.*

*Мунзам айтиб дилраболиғ, дилхоҳлиғ мактубни,
Маоби фаҳму фатонат нуктадон ҳар он тўрам.*

*Фазли дониш, илму суҳбат маърифат сарҳалқаси,
Меҳрибони халқи олам дониши даврон тўрам.*

*Олиму даври ватан меҳнатда кори хонадон,
Мазраи кишти зироат омили деҳқон тўрам.*

*Чўлу гул ҳар хил қуруқ ерларни айлаб покиза,
Ҳосил айлаб қилдилар ҳар боғу хуш бўстон тўрам.*

*Кимки қори ҳифзи Қуръон бўлса дўсти меҳрибон,
Аҳли илм бўлса меҳри жсон фидо қилган тўрам.*

*Олий ҳимат мисли Хотам нафс эмас ёри тамаъ,
Эътиқоди зоти ваҳдат меҳри хуш имон тўрам.*

*Бўлди тахмири ажал дафъ асо Мусо Калим,
Қолмади Нуҳи набий кишт билан инсон тўрам.*

*Дафъига ҳеч бўлмади дафъи балойи Нақшибанд,
Қолмади олди ажал аҳли расо ал-он тўрам.*

*Оҳким, етди ажал вирди шаҳодат бирла ёр,
Руҳлари жаннат сари қилди бугун тойрон тўрам.*

*Ҳалқаи дарвозайи фазли карам эҳсонида,
Қилса шояд фатҳи боби молики ризвон тўрам.*

*Саййиду содот ашироф зоти хуш олий жаноб,
Бўлсаларким суффайи дорус сафо меҳмон тўрам.*

Бўлди ҳашири зилзила фавти жаноза ал-видо,

*Қирғизу ўзбек ҳама йиглаб ҳамон афгон тўрам.
Зоҳиру қутбу сайид бир ё билан таърихида,
Васфингизни бу Муфаззал қул бўлуб ёзгон тўрам.*⁴⁶⁰

1389 ҳижрий, 1969 милодий.

Охунд дада ва Нуриддин маҳдум

Охунд дада билан ҳамсуҳбат бўлган марғилонлик алломалардан бири Нуриддин маҳдум Зокиржон ўғли эдилар. Ўз даврида Марғилон уламолари ўртасида алоҳида ўрнига эга мазкур зот Марғилоннинг Алим Балиқчи маҳалласида туғилганлар. Хонақоҳ мадрасасида Хонақоҳий Ҳазрат Домла қўлларида таълим олганлар. 1321 ҳижрий, 1903 милодий йилда мадрасани тамом қиладилар. Бу ҳақда Водилда яшаб ўтган таърихчи уламо Охунжон қори Водилийнинг қўлёзмаларида маълумотлар бор.

Нуриддин маҳдум домла ўз даврида Марғилон уламолари орасида ўзининг юксак мақоми, маънавий камолоти ва тасаввуф соҳасидаги етуқлиги билан ажралиб турган шахслардан бири бўлиб, мавлоно Абдулкарим (қуддиса сирруху) вафотидан кейин тариқатнинг шайхи сифатида фаолият олиб борганлар. Биз марғилонлик шоир ва олим Абдурахмон домла Баҳрий мероси билан танишган чоғимиз у зот шаънида қуйидаги мадҳияни ёзганини аниқладик.

Нуриддин маҳдум домла шаънида

*Нурланиб шамъи жамоли пуржило хуш келдингиз,
Даҳри боғи ичра гўё рўшино хуш келдингиз.*

*Боғи васлига етушитим сайри гулзори чаман,
Гулишани кони муҳаббат ҳусн аро хуш келдингиз.*

*Тил очай васфига доим андалиби хушинаво,
Нахли бўстон шоҳидурсиз, мен гадо хуш келдингиз.*

Эътиқодим пок доим фош айлай, эй киром,

⁴⁶⁰ Муфаззал маҳдум Шоумар ўғли. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Арзу ихлосимдин айлай ибтидо хуш келдингиз.

Во бўлиб миръоти қалби илму ҳолу илму қол,
Тожи сар фазли илоҳий босафо хуш келдингиз.

Вориси ҳазрат, чироғи дину дунё ичра бар,
Ҳодийи роҳи ҳақиқат, раҳнамо хуш келдингиз.

Бир тараф илму амал, бу бир тарафдан эътиқод,
Васфи тавҳид зоти поки кибриё хуш келдингиз.

Ҳақ иноёти бериб тавфиқ ҳидоят асли шул,
Хўб муборак сизга бу, лутфу ато хуш келдингиз.

Раҳбари устодимизсиз, пир саҳиҳ пешвойимиз,
Бориҳо ўпсам губори тўтиё, хуш келдингиз.

Орзу айлар ҳама суҳбатларини доимо,
Баҳр олур матлуб шулдур муддао, хуш келдингиз.

Лом алифдек ҳам қадим таъзимлариға доимо,
Мақомингизга қилайлик жон фидо, хуш келдингиз.

Дам ганимат ушбу кун айни шарофатдир манга,
Хўп муборак бизга бу хизмат бажо, хуш келдингиз.

Нахли рухсори ҳақиқат очилиб хуш комибахи,
Дур гуҳар сўзлари хўп бебаҳо, хуш келдингиз.

Маҳрами хавфу ражода ёлбориб зикри Худо,
Тавба истигфори ажзи илтижо, хуш келдингиз.

Мисли борон оқузуб нолонда ашки навбаҳор,
Сабзаларни яшинатиб меҳригиё хуш келдингиз.

Маърифат сори ганжи турмуши сабру ризо,
Сарви янглиз қомати ҳилму ҳаё, хуш келдингиз.

Хўп табаррук бу вужуди зуҳду тақво тоати,
Бу риёзат буржида қадди дуто, хуш келдингиз.

Доимо айни саодат сўзлари роҳи нажот,
Марҳамат бизга нигоҳи кимиё, хуш келдингиз.

*Моҳи талъат, шамсу тобон, шамсу анвар орази,
Покликда хўп мунаввар пурзиё, хуш келдингиз.*

*Молу зар қилсам нисору жону дилда эҳтиром,
Арзиюр хўп бизга ёру бовафо, хуш келдингиз.*

*Бори раҳмат ҳар қудумига ёзилсин ҳасанот,
Бошимизга тожи давлат гўйиё хуш келдингиз.*

*Айласун мақсудингизни Холиқу лайлу наҳор,
Жисми гавҳар бизга бу қиммат баҳо, хуш келдингиз.*

*Неча кун Тангрим балодин асрасин дунё аро,
Етмасун офат жаҳонда босафо, хуш келдингиз.*

*Мунда имонни саломат айласун Ғаффор ул,
Қилмасун музтар ўзи ҳар ду саро, хуш келдингиз.*

*Бebизоат Баҳрий бир ожиз гулому камтарин,
Бир дуо айланг умиди порсо хуш келдингиз.⁴⁶¹*

Охунд дада ва Абдуллажон махдум

Охунд дада билан яқин алоқада бўлган марғилонлик алломалардан бири Абдуллажон махдум домла эдилар. Улар ўртасида шаклланган самимий муҳаббат бошқалар ўртасида кам топилади. Биз юқорида бу ҳақда тўхталиб ўтдик.

Абдуллажон махдум 1890 йилда Марғилон шаҳрида маърифатли хонадонга дунёга келадилар. Оталари Аҳмад қори Дарвешали ўғли қори 1847 йилда туғилганлар. Аҳмад қори аввал оталаридан кейин Сулаймон қори домла номли ўша давр уламосидан таълим олганлар. Шу орада Бухорога ҳам бориб таълим олганлари айтилган. Кейин оталарининг ёрдами билан ҳаж сафарига борадилар.

1901-1903 йилларда шаҳарда қозилик вазифасида хизмат қилганлар. Бироқ сабабларга кўра, бу вазифани топширадилар.

⁴⁶¹ Мулла Абдурахмон Баҳрий. Баёз. Қўлёзма, 26-27-б. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

Сармозор кишлоғида боғ ва пахта экиладиган ер майдонлари бўлган. 1933 йилда 86 ёшда вафот этганлар.

Махдум домланинг оналари Марям отин ҳам маърифатли аёл бўлиб, асли Хожа Эгиз маҳалласидан бўлганлар. Маҳалланинг кўплаб ёш болалари отин кўлида савод чиқаришган. Отин ижод билан ҳам шуғулланган бўлиб, баъзи назмий асарлари етиб келган.

Оилада тўнғич ўғил бўлган Махдум домла 16 ёшларида Марғилоннинг Тахтакўприк маҳалласидаги қорихонада Қуръони каримни тўлиқ ёд оладилар. Лекин рўзғор ташвишлари ва бошқа сабабларга кўра илм ўқиш имкони бўлмайди. Мана шундай пайтда у зотга тасодифий илм ўқиш эшиги очилади.

Бир куни оталари Охунжон қори исмли шогирдлари билан аллома Дамирийнинг “Ҳаёт ул-хайвон” номли китобини мутолаа қилиб ўтирган пайтларида ҳузурларига улар кириб келадилар. Ёнларида уларнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирадилар. Китобни ёпган ота шогирдига: “Бизнинг ҳам дунёдан кетиш вақтимиз яқинлашди. Менда номига учта ўғил бор (Абдуллажон махдум, Махмуджон 1907-1985, Абдулҳақ 1909-1992), лекин улардан бирортаси ҳам мени илмимни эгаллаб, китобларимга ворислик қиладиган ҳақиқий ўғиллар бўлиша олмади. Агар шу ҳолда дунёдан ўтсам, тўплаган қимматбаҳо китобларимни қадрига ета олмай, носфурушларга, баққолларга арзимаган пулларга сотиб юборишади. Унда мен гуноҳкор бўлиб, армон билан кетаман, – дейдилар, – шунинг учун ўзим ҳаётлигимда бу китобларни қадрига етадиган аҳли илмларга тарқатишим керак”, – дейдилар.

Махдум домлага бу гаплар юракларини тешиб юборгудек қаттиқ таъсир қилади. Юқоридаги гапларни айтар экан оталарининг кўзидан дув-дув ёш оқар эди. Буни кўрган махдум домла: “Китобларни ҳеч кимга бермайсиз, уларни мен ўқийман”, – дейдилар. Оталари ўғилларига ишончсизлик билан қараб: “Йўқ, ўғлим, сиз ўқий олмайсиз, ёшингиз ўтиб қолди”, – дейдилар. Айни кунларда у киши икки фарзандни отаси эдилар. Махдум домла эса сўзларида қатъий туриб: “Менга фотиҳа беринг, ҳозироқ ўқишга кетаман”, – дейдилар. Оталари қўлларини дуога очиб, фарзандларига оқ йўл тилаб дуо қиладилар. Махдум домла уйга

кириб бир дона якандозни олиб, Самарқандни ният қилиб, Марғилон темирйўл бекатига чиқадилар, чунки ёнларида пуллари фақат Самарқандгагина етар экан, холос. Лекин бу ҳам у кишига насиб этмайди. Ўша куни нархлар бир оз қимматлашиб пуллари Хўжандгача етар экан. Дарҳол поездга чиқиб Хўжандга етиб оладилар.

Хўжандга етиб боргач, суриштириб у ердаги машхур олим Умархон махдум хузурларига кириб борадилар. У киши ўзлари тожик бўлсалар ҳам ўзбек тилини яхши билар эканлар. Домлани ўқишга қабул қиладилар. Лекин шундай бўлсада мусофирлик, йўқчилик, талабаларнинг аксари мутлақо ўзбек тилини билмайдиган тожиклар экани анча машаққат бўлади. Ётоқ жой топилмай ноилож бир кабристоннинг тобут кўядиган бостирмасидан бошпана топадилар. Ўзларининг айтишларича, ер зах бўлгани учун тобутнинг ичида ётар эканлар. Ҳатто киш келиб кунлар шундай қаттиқ совуб кетганидан таҳорат қилсалар то юзларини артгунларича соколларидаги сувлар музлаб қолар экан. Шундай бўлишига қарамай астойдил ўтириб дарс такрор қиладилар.

Бир куни егулик бирор нарса топа олмай, қаттиқ оч қоладилар. Ўзлари билан олиб кетган якандознинг ярмини остиларига ярмини устиларига ёпиб, бошларига икки дона гувалакни кўйиб, силлалари қуриб, қаттиқ ўкиниб ётганларида дарчадан бир одам кўринади. Бошида салла, кўркам юзли бу одам бир табассум қилиб, қўлидаги тугунчани махдум домлага узатиб, ўзлари секин аста ғойиб бўладилар.

Махдум домла ҳаяжонда тугунни очиб кўрсалар, унда иккита янги узилган нон ва бир бош янги узилган узум ва андак пулни кўрадилар. Буларни кўргач, уйдан чиқиб кетаётганларида оталарининг: “Болам қорнинг учун ҳеч ғам ема, оч қолмайсан, Аллоҳ ризкинга кафил, сенга ўзи етказди, мабодо оч қолсанг ҳам уч кундан ўтмайди”, – деган сўзлари ёдларига тушади. Бугун оч қолганларига ҳақиқатда уч кун бўлган экан...

Шундан кейин у зотни қуввайи хофизалари зиёда бўлиб, дарсларни жуда яхши ўзлаштира бошлайдилар. Қисқа фурсат ичида устоз ва шогирдлар, ҳатто маҳаллий аҳоли орасида ҳам ҳурмат ва

эҳтиромга сазовор бўладилар. Бунга махдум домлани рамазон ойи масжидда таровеҳ намозига имомлик қилиб беришлари сабаб бўлади. Қироатлари пухта ва тажвидга мувофиқ эканини кўрган маҳаллий аҳоли у зотга боғланиб қоладилар, лекин бу илм талаб этишларига салбий таъсир қилади. Махдум домланинг зехнлари кучли эканидан устозлари ҳам таажжуб қилиб бир куни: “Сен ўқиган экансан, нима учун бу ерга келдинг”, дейишгача ҳам боради.

У ерда олти ойгина таълим оладилар. У зотга берилган илм ладуний илм эди. Акс ҳолда, шу қисқа фурсат ичида шунча илм ҳосил қилиш қийин иш экани маълум. Олти ой ўтгандан кейин Марғилонга ота-оналари зиёратига келадилар. Тасодифни қарангки, бу гал ҳам оталари ўша шогирдлари билан айна китобни мутолаа қилаётганлари устига кириб келадилар. У зотни башанг кийиниб келганларини кўрган оталари бепарвогина, “Ҳа, келдингизми?” деб унчалик илтифот қилмай суҳбатларини давом эттираверадилар. Махдум домла суҳбатга кулоқ солиб ўтирадилар. Шунда оталарининг шогирдлари Охунжон қори мутолаа чоғи бир хатога йўл қўяди. Махдум домла беихтиёр у кишига лукма ташлайдилар. Бундан таажжубга тушган оталари китобни ўғилларининг олдига қўйиб, “Ўқинг”, дейдилар. Махдум домла китобни қийналмай бемалол ўқиб берадилар. Кейин эса, “Таржима қилинг”, дейдилар. У зот таржима ҳам қилиб берадилар. Кутилмаган бу ҳолатдан қаттиқ таъсирланган оталари ўрниларидан туриб, ўғилларини бағриларига босиб: “Алҳамдулиллоҳ, эй мулла Охунжон, бугун Парвардигор менга бир ўғил берди”, – дея йиғлаб юборадилар.⁴⁶²

Махдум домла оталари вафотидан кейин марғилонлик улуғ аллома Фозилжон махдумда ҳам таълим оладилар. 104 ёшда 1994 йилда вафот этадилар. Қабрлари Хожа Эгиз қабристонига оталари ва боболари қабри ёнига бино қилинган.

⁴⁶² Тожимуҳаммад Усмонов. Дарёдан томчилар. “Фарғона” нашриёти – 1996. 8-10 - бетлар.

Марғилонда яшаб ўтган Абдурахмон домла Баҳрий
Абдуллажон махдум шаънида қуйидаги мувашишаҳни ёзган бўлиб,
унда махдум домланинг кўп хислатларини баён қилган.

Абдуллажон махдум шаънида мувашишаҳ

*Амалда бу ҳақиқат сўзи ошкоринга салламно,
Такаллум бирла сочган дурри ҳар боринга салламно.*

*Бу ҳозир аҳли Ислома ирода қилса раҳбарлик,
Кўрунган бу шарафлик қадди рафторинга салламно.*

*Далилу оят ҳадисдан келтирубон хўп ҳар доим,
Бериб фатво ҳаммага нутқи изҳоринга салламно.*

*Эрурлар раҳбари боғи ичра пурдон булбули гўё,
Фасоҳатда баёни сўзи саршоринга салламно.*

*Юзида нури имон товланиб моҳи мунаввардур,
Мисоли айни тобон шамсу рухсоринга салламно.*

*Лаби кому забони маърифатни гавҳарин сочган,
Ақида эътиқоди асли гуфторинга салламно.*

*Латофатда талоқат бирла берган сўзга оро,
Анга лутфу иноят асли сардоринга салламно.*

*Ҳамиша бу ўлим андишасида ёди Ҳақ бирлан,
Бўлуб хавфу ражода айлаган коринга салламно.*

*Жамоатни ҳақиқа кўп дуолар қилиб холис,
Неча бу илтижода айлаган зоринга салламно.*

*Асли фарзанди хотам вориси бар Мустафодурлар,
Муҳаддис яхши олим дўсту ёринга салламно.*

*Насиҳат халқи ома биз учун ҳам сўзлари доим,
Широда мунда ўзган карам бозоринга салламно.*

*Мақомига қараб ҳар сўзни доим айласа ижод,
Масжиду жомеъ эрур бу жумла хардоринга салламно.*

Худойим ҳар бало офатдин сақласун ҳар дам,

Саломат бўлсунлар барча дилдоринга салламно.

*Даво берсин шу танда дардларига Ҳақ ўзи ҳозир,
Қараб турган шу бизга чашми хумморинга салламно.*

*Валийлик бу илмдур кароматдан сўзи аъло,
Ато қилган ўзи у қурби атворинга салламно.*

*Муборак васфи авсофига ўйлаб сўзга тил очтум,
Десалар мунда шояд Баҳрий ашъоринга салламно.⁴⁶³*

Охунд дада ва Соли ҳожи домла

Соли ҳожи домла Қўчқор ҳожи ўғли. Етук олим, Қуръон ҳофизи. 1891 йилда Фарғонанинг Аввал қишлоғида туғилганлар. Маълумотларга кўра, ёшликларидаёқ хат-саводлари чиққач, Марғилонга келиб Қаландархона мадрасасига жойлашадилар. Бу ерда «Максумча домла» номи билан машхур бўлган Абдурахмон домла қўлларида таълим ола бошлайдилар. Таълимни тугатгач, Хонақоҳ мадрасасига келиб Ҳазрат Домла хузурида таҳсилни давом эттирадилар. Сўнгра у зот ижозатлари билан ҳаж ибодатига борадилар ва у ерда Қуръон таълимини ўрганиш учун туриб қоладилар. Бу соҳада мукамал билим ҳосил қилиб кироат устозига айланадилар.

Орадан етти йил ўтиб, Ватанга қайтадилар. Қайтишда Афғонистоннинг Кобул шаҳридан ўтадилар. У ерда мусулмон ҳокимлардан бири кироатларини тинглаб, меҳри тушиб қолади ва у ерда қолишларини сўраб қаттиқ туриб олади. Ноилож, у ерда уч йил туриб қоладилар ва бу ерда ҳам кўплаб талабалар орттирадилар, сўнгра Ватанга қайтадилар. Марғилонга келгач, Хонақоҳга келадилар ва Ҳазрат ижозатлари билан талабаларга Қуръони каримдан сабоқ бера бошлайдилар.

Соли ҳожи домла 1975 йили 4 август, 1399 ҳижрий, ражаб ойида, душанба куни, 86 ёшда вафот топганлар. Қабрлари Фарғона шаҳар «Сирпўш ота» қабристонида бино қилинган. Соли ҳожи домла

⁴⁶³ Мулла Абдурахмон Баҳрий.Баёз. Қўлёзма, 56- б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

фаолияти, фазилатлари борасида бир неча ёзма асарларни топишга эришдик. Жумладан, замондошлари Жалолиддин Қорий томонидан ёзилган манзумада хожи домла ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган.

Соли ҳожи домла таърифлари

*Ёзай ёд айлағайсизлар миллат учун дўсти дўстона,
Назири йўқ десам ёлгон эмасдур Ўзбекистона.*

*Тушундилар ҳама Ислом элига илмни фарзин,
Талаб қилмоқ агарчи илм бўлса Хони Хоқона.*

*Сўраб ул қиблагоҳидан ижозат олдилар қори,
Келиб бу Марғинона истиқомат шайхи Ислома.*

*Дуо олган эдилар қиблагоҳи кўп азизлардан,
Қилиб мақбул манзури назар аҳли ибодона.*

*Бор эдилар жаҳонда мисли йўқ устодким анда,
Лақаб “Мақсумча домла” исми эрди Абдурахмона.*

*Ўқиб бир неча йил илм ҳосил айлагандин сўнг,
Сафарни ихтиёр айлаб, кетиб ул байти Раҳмона.*

*Каломи Ҳақни таълимин олиб андақ замон ичра,
Ўқиб Куръон, бўлиб ҳофиз мужаввид Рабби Субҳона.*

*Қилиб меҳнат у ерда ўзларин мақбули ом айлаб,
Кетиб бу Марғинондан барча қолди байтул аҳзона.*

*Муҳаққиқ олим ўлдилар, ўқиб мулки Ҳижоз ичра,
Қилиб сабру қаноат, олим ўлди амру фармона.*

*Мисрму ё Ироқу ҳам Ҳижозу Ясрибу Батҳо,
Бўлиб пайғамбаримга неча йиллар анга меҳмона.*

*Ташаккур айламоқ лозим сиза, эй аҳли Фарғона,
Эришдингиз саодатга бу кунда фазли Раҳмона.*

*Ато қилди Худовандим сиза бу мулку давлатни,
Имом ўлди жаҳонда йўқ анингдек аҳли фарзона.*

*Мукаммал комилу акмал, муфаззал фозилу афзал,
Муфассир ҳам муҳаддис, ҳам муаллим аҳли Қуръона.*

*Худонинг фазлидан иқболингиз ёр ўлди сизларни,
Улуми баҳри раҳматдин тикибдур сизга дурдона.*

*Мақомин билсангизлар ноиби пайғамбаримдурлар,
Бўлиб бир неча йил пайғамбаримга анда меҳмона.*

*Хатиб бўлган эдилар Марғилон жомеъсига ҳожим,
Тиловат қилсалар сомеъ бўлиб оёти Қуръона.*

*Ҳазор афсусларким, Марғилон иқболи наст ўлди,
Қолиб гафлатда бизлар кеттилар шаҳри Фарғона.*

*Уламолар ажаб қадрда қиммат баҳодурлар,
Баҳосига етолмас дунёда ҳеч Хону хоқона.*

*Бу фурсатлар ганиматдур очинг кўзни мусулмонлар.
Тутинг доманларини раҳнамодур аҳли исёна.*

*Алар остонасига ястаниб бошни қўйиб доим,
Қилинглар пойи гардин сурмайи каҳли Сулаймона.*

*Салоҳият топар солиҳ кишига ким яқин бўлса,
Бўлинг суҳбатларида сиз ганимат аҳли имона.*

*Қиёмат қоим ўлгунча халаф бергил уламога,
Шифойи дарди исённинг давоси аҳли исёна.*

*Илоҳо, пойдор ўлсун имоматлик мақомида,
Қилиб ваъз-насихатлар айласунлар аҳли исёна.*

*Илоҳо, жумла Ислом элига имон насиб айлаб,
Айирма сидқимизни зотимиздан асли имона.*

*Жалолиддин, ташаккур қил, бу миллат чоқаридурсан,
Ажаб йўқ, рўзи маҳшар қилса Аллоҳ анга ҳамхона.⁴⁶⁴*

⁴⁶⁴ Жалолиддин Қорий Марғинович. “Таърифи Соли хожи домла” №24 қўлёзма. 120-122-бетлар. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

Маҳаллий аҳоли орасида Абдуссамад Охунд дада билан Соли ҳожи домла муносабатларига доир баъзи воқеалар сақланиб қолган. Шу ўринда бу икки зотнинг мазкур муносабатларини таҳлил қилиб кўрсак. Маълумки, уларнинг ҳар иккилари ҳам ўз даврининг машҳур алломаси бўлиб, Соли ҳожи домла узоқ вақт Фарғона жомеъ масжидида имом-хатиблик вазифасида хизмат қилган бўлсалар, Охунд дада Марғилондаги маҳаллий уламоларнинг кўзга кўринган йирик вакиллари билан бири сифатида фаолият олиб борганлар. Ҳар иккилари ҳам ўз обрў ва мақомабларига эга бўлиб, турли тадбир ва анжуманларда биргаликда иштирок этганлар. Турли масалалар бўйича ўзаро фикр-мулоҳаза ва мунозаралар бўлиб ўтган.

Тадқиқотлар шуни маълум қиладики, уларнинг мазкур мунозара-мубоҳасалари ҳақни қарор топтириш йўлида, нафсоний ғаразлардан холи ва самимият йўлига кўра бўлган. Бу уларнинг ҳақиқий илм соҳиби ва амаллик олимлар эканларининг аломати эди. Буни уларни энг таҳликали дамларда бўлиб ўтган мулоқотларидан ҳам билса бўлади. Бизгача ўтган салафи солихларнинг ўзаро муносабатлари дўстлик ва самимийлик йўлига кўра бўлган. Шаъронийнинг келтиришича, улар бир-бирлари билан мунозара-муноқаша қилсалар: “Бу мунозаралар тилимизда, аммо динимизга етиб бормайди”, дейишар экан. Яъни, уларни ҳақиқатни рўёбга чиқариш йўлида қилган мунозаралари уларни ўзаро мусулмонлик ҳақларини адо қилишларига заррача таъсир кўрсатмаган.⁴⁶⁵

Ҳатто улар ҳақида баъзилар тарафидан айтилган сўзлар ҳақида: “Уларнинг қалби бир нур, шу туфайли бизнинг озгина хатоларимиз ҳам улар назарида равшан бўлган”, дея, яхши фикрда бўлиб, ўзларини тузатишга киришар эдилар.

Охунд дада ва Соли қори домла

Абдуссамад охунд дада билан яқин алоқада бўлган марғилонлик уламолардан бири Солижон қори домла Холмирза аълам ўғли эди. Марғилоннинг Турклар маҳалласида истиқомат

⁴⁶⁵ Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 294-б.

қилган мазкур зот ўз даврида ўзига хос фазилат билан яшаб ўтган уламолардан саналади. Зокиржон домла исмли укалари бўлиб, 1972 йилда вафот этган.

Домла мадрасада қийинчилик билан таълим оладилар. Кўпинча оч наҳор қолиб кетар эканлар. Шундай кезларда ташлаб юборилган сабзи, шолғом пўчоқларини ювиб, қайнатиб овқат тайёрлаб таҳсил қилган эканлар. Бу зот ҳақида муҳтарам устоз Маҳмуджон домла Ёзёвоний шундай деган эдилар:

“Бир гал Соли қори домла ўзлари ҳақида гапириб бердилар: “Ёшлигимизда отамиз раҳматли вафот этиб кетдилар. Биз икки ўғил бола етим қолдик. Онамиз ўғай ота зулм қилмасин деб бошқа турмуш қилмадилар. Бизларни қийинчилик билан боқиб уйлантирдилар. Шуларни билганим учун уйланганимдан кейин онам ҳаётлигида бирор марта кечаси аёлим билан ётмадим. Хизматларини ўзим бажарар эдим. Ҳатто бошларини қатиқ билан ҳам ювиб қўйган пайтларим ҳам бўлган. Шундай кезларда, баъзан сочларини тараётиб: “Онажон, сочингизни майда қилиб ўриб қўяйми”, дер эдим. Онам: “Гапинг курсин болам, битта қилиб ўриб қўявер”, дер эдилар. Кейин битта қилиб ўриб қўяр эдим.

Кечкурун оёқ-қўлларини беозорлик билан укалаб қўяр эдим. Ётишда жойимни оёқ томонларига солиб оёқларига юзимни қўйиб ётар эдим. Буни кўриб: “Солижон болам, бош томонимга ўтиб ёт, илминг бор болам”, дер эдилар. Шундан кейин бош томонларига ўтиб ётар эдим. Ярим кечасига борганида кўзимни пайпаслаб, ухлади деб ўйлаб: “Эй, Аллоҳ, нима берсанг, шу Солижон боламга бер, онанинг дуоиси билан бола ўсадиган бўлса, мен боламдан розиман, сен ҳам рози бўл”, деб дуо қилар эдилар.⁴⁶⁶ Мазкур дуолар сабаб Соли қори домла ўз даврида забардаст олим бўлиб етишган эдилар.

Талабалик пайтларида такрор чоғи уйқу ғолиб келса, мадраса томига чиқиб, томнинг лабига келиб ўтириб олар эканлар. Мабодо, ухлаб қолсалар йиқилишларини ўйлаб хушёр турар

⁴⁶⁶ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 1993.

эканлар.⁴⁶⁷ Соли қори домла 1973 йилда 80 ёшда вафот этганлар. Ҳозирда Марғилон шаҳрининг Маориф маҳалласида алломанинг авлодлари истиқомат қиладилар.

Охунд дада ва Муҳаммад Сиддиқ охунд

Марғилоннинг Жуфттерак маҳалласида Муҳаммад Сиддиқ охунд домла исмли уламо яшаб ўтган. Охунд даданинг бу зот билан ҳам яқин алоқалари бўлган. Буни у зот вафот этган 1968 йил (ҳижрий 1388) рамазон ойида фотиҳа маросимида борган Охунд дада марҳум ҳақида илиқ сўзларни айтиб, куйидаги таърихни битганларидан ҳам билса бўлади.

*Ҳама сиддиқларнинг муддаоси,
Дегайлар: “Фағфир куллано лий”.*

Яъни, барча сиддиқ бандаларнинг орзулари куйидаги гапдир: “Эй Раббим, мени ва барча бандалар гуноҳини мағфират қил”.

Марғилонлик Абдулхай махдум Яҳёхон ўғлининг айтишича мажлисда ҳозир бўлган ўша мажлисда марғилонлик яна бир уламо Нуриддин қори Муҳаммадрасул ўғли мазкур таърихни Охунд дада оғизларидан ёзиб оладилар. Биз Муҳаммад Сиддиқ охунд домла ҳақида маълумот олиш учун у зотнинг авлодлари билан суҳбатлашган чоғимиз афсуски, оталари ҳақида етарлича маълумот айтиб бера олмаган эдилар. Лекин биз у зотнинг баъзи фазилат ва таърифларини Абдулазиз Ғолиб Марғилоний мерослари орасидан топилган куйидаги таърих–марсиядан билиб олишимиз мумкин.

Марсия

*Бу арсайи жаҳона келдики қайси зий жон,
Қолмайди марг жомин нўш этмайин бир инсон.*

*Бу шаҳнайи ажални дастига ким тушибдир,
Олмоққа жон баробар анга гадоу султон.*

⁴⁶⁷ Тоҷимухаммад ҳожи Фозилжон ўғли. “Маъориф” гулшани. “Фарғона” нашриёти. 2008 йил, 22-б.

*Афлотуну Арасту топмай анинг давосин,
Дунёдаги атиббо ҳайратда балки Луқмон.*

*Вақтинча тандадур жсон, гарчанд сурса даврон,
Йўқдир бу дардга дармон қўймас бу марги тўфон.*

*Афсус қилди риҳлат бу уммати Муҳаммад,
Сиддиқ бандайи Ҳақ даргоҳига чу меҳмон.*

*Ушлаб каломи Аллоҳ рўёда келди ногоҳ,
Азм этти байти Аллоҳ қилмоққа хатми Қуръон.*

*Фазли камоли зоҳир илмига эрди моҳир,
Нафсина эрди қоҳир ҳардам хилофин олгон.*

*Жамъ этган эрди Халлоқ анга ҳамида ахлоқ,
Ҳам ҳилм, ҳам тавозе мақбули барча аъён.*

*Собир бўлиб балога, машғул бўлиб дуога,
Рози бўлиб қазога таслим қилдилар жсон.*

*Шоядки Ҳақ тарафдин “иржеъий” нидосини,
Тинглаб қулоги бирлан азм этди сўйи Раҳмон.*

*Ўтказди рўзгорин кадди ямини бирлан,
Кўрди асалдин ортиқ топилса парчайи нон.*

*Босмай тамаъ уйининг остонасини ҳаргиз,
Пеши қилиб қаноат бормади сўйи дунон.*

*Мушифиқ отадек эрди лутф ила барчамизга,
Сухбатларини нафъи бўлган эди фаровон.*

*Айрилди норасида фарзандлари отадин,
Мушифиқ онаси бирлан мотамда бағри сўзон.*

*Эй дилки, сабр қилгил, сабр ўлди раъси имон,
Шукр эт Худога ҳар он қилдики аҳли имон.*

*Тойрон қилди руҳи моҳи муборак ичра,
Сиддиқлар сафидан борди баҳасби гуфрон.*

Охунд дада ва Сулаймон қори домла

XX аср водий маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган уламолардан бири бу Сулаймон қори домла эдилар. Маълумотларга кўра, Сулаймон қори домла 1909 йили Қорасувнинг (Анджон вилояти) Султонобод қишлоғида туғилиб, 1969 йилда вафот этганлар. Самарқанд ва Қошғар мадрасаларида таълим олганлар. Марғилон шаҳридаги «Туттаги» масжидида имом-хатиб вазифасида хизмат қилганлар.

Умрларининг сўнггида Тошкентда яшаб, ўша ерда вафот этганлар. Тошкентда турган бўлишларига қарамай, водийлик уламолар, хусусан марғилонлик маҳаллий уламолардан мулла Аҳмаджон охунд, мулла Тоштемир охундлар билан яқин алоқада бўлганлар. Ҳар гал Марғилонга келганларида бу ерлик кўплаб толиби илмлар у зот илмларидан истифода қилганлар. Бу ҳақда марғилонлик уламо Абдулфаттоҳ Лукмонжон ўғли шундай дейдилар: “Сулаймон қори домла ҳар вақт Тошкентдан келганларида уламолар ва шогирдлари йиғилишиб суҳбат қилар эдик. Ўқиган китобларимизни эринмай тафсир қилиб берар эдилар. Баъзан, бундай ўқишхонлик кечаларига Домла Ҳиндистоний ҳам ташриф буюриб турардилар. Бу зот ҳам дарсларимизни бизга шарҳлаб, тушунтириб берар эдилар, қизгин суҳбатларимиз ярим кечага давом этарди”.⁴⁶⁸

Сулаймон қори домла билан Охунд дада ўрталарида ўзаро ҳурмат ва самимий эҳтиром мавжуд бўлган. Айтишларича, бир гал келганларида Марғилоннинг Сойбўйи маҳалласида Сотиболди маҳдум хонадонидида суҳбат бўлади. Мажлисга Абдуссамад Охунд дада ҳам ҳозир бўладилар. Бир пайт мажлисга Сулаймон қори домла кириб келадилар. Кейин суҳбат бошланади. Домлага бир масала юзасидан савол берадилар. Шунда домла: “Ахир ичингизда

⁴⁶⁸ Нодирбек Абдулаҳатов, Алишер Бек. Шайх Суярхон тўра (Абу Муҳаммад Маҳбубий) китобининг кўлөзма нусхасидан фойдаланилди. Фарғона – 2013. 68-б.

Абдуссамад Охунд домла туриб, мендан сўрайсизми?!” – дейдилар.⁴⁶⁹

Кўриниб турибдики, домла бу билан Охунд дадага самимий эҳтиромларини изҳор қилиш билан бирга у зотнинг илмий салоҳиятларини маълум қилмоқдалар. Сулаймон қори домла ҳақида яхшироқ тасаввур ҳосил қилишимиз учун у зот вафотига асли андижонлик бўлиб, Тошкентда яшаб вафот этган Салоҳиддин қори⁴⁷⁰ тарафидан ёзилган таърих–марсия билан танишиб чиқсак. Эслатиб ўтамиз, Сулаймон қори домла вафот этган йили марғилонлик яна бир уламо Муҳаммад Амин домла ҳам вафот этади. Марсияда бу икки зот вафоти тилга олинган.

Икки жанобнинг марсиялари

Жаноб устози киром ва афқаҳу аълом марҳум домла Муҳаммад амин ал-Марғиноний ва жаноб олий ҳиммат баҳри улумда фатонат устозу-т-таҳқиқ ва тадқиқ марҳум қори Сулаймон ал-Андижоний, ушбу икки зоти бобарокот жомеъул фазоил, мустажмаъул-ҳасоил, дақоиқ ул-ақрон ва фариду замон, мутабаҳҳир аъла завил эҳтиромлардан бўлиб, ул жанобларимиз бандаликни бажо келтуруб, дунёи фонийдан ҳақиқий уқбога интиқоллари баъдинда диёри навоҳийларимизнинг уламо ва фузало ва ёшу қари диёнат аҳллари мағмум ва маҳзун ва мутаҳаййир ўлуб тақдири азалга тафвиз этуб, салафи солиҳинларимизнинг дурларидин “лав канатид дуня тадуму ливаҳидин, лакана Расулulloҳи фиҳа мухалладо,” ашъори балиғина иктифо қилиб дуойи хайрлар илан видолашдилар.

⁴⁶⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Жуфттерак.2014.

⁴⁷⁰ Салоҳиддин қори Нуруддин маҳдум эшон ўғли. 1906 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Оилада беш ака-ука бўлишган. Етти ёшида қори бўлган. Андижон ва Шаҳрихон мадрасаларида таълим олган. Таълим ишларига онаси тарафидан бўлган бобоси Ҳасан сўфи бош-кош бўлган. Уруш йиллари қийинчилик туфайли Тошкентга бориб қолишган. Ўз даврида Тошкентнинг машҳур Куръон хофизларидан бўлиб, муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг ҳам алоҳида эҳтиромларига сазовор бўлган. 1994 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Марҳумайнларимизнинг ахлоқи ҳасана ва авсофи писандида даъби шарифлари маъишат бобинда атоийи Ҳақнинг борина қаноат ва илм йўлида истиқоматлари мудовамат ўлгон пок тийнат устози муфид эдилар. Ҳар қаю амсор навоҳилардин таширфи қудум қилиб мулоқот бўлган ала завил афҳомларимизни ва ул жанобларга эътирофларини таҳқиқ эттилар. Камина қори Салоҳиддин мағфурайнларимизга ихлосимнинг изҳори учун бақадри тоқат марсия ёзмакка журъат қилиб, мажмаъ ул-бахрайн муқтазосича марҳумайн зотларимизнинг шамоил ва фазоиллари борасида ва фавти таърихларини тавъамайн тарзида бир саҳифага жамъ келтуруб оғжизона рақам чекдим. Арҳамар роҳимин ўз фазли эҳсони ила ул жанобларни ниятларини мабрур, саъйларини машкур, мазжаъларини нур ва руҳларини сурур ва масволарини равзатун мин риёзил жаннат қилгай эди. Баҳурмати набиййил карим.

Марсия

*Оҳ афсуским, гулистон ташнадур бозбон кетиб,
Ғунчалар қолди очилмай булбули хушхон кетиб,
Яъни, тадрису таъаллум устидин имкон кетиб,
Нукталар қолди ечилмай нуктадон меҳмон кетиб,
Баҳрасиз қолдик ажаб комил икки инсон кетиб.*

*Иржиё-о амрига лаббайка демиш икки жаноб,
Ваъдадош ўлмиш иковлон киргали таҳти туроб,
Қолди шогирдлар қўлида беркилиб кўплаб китоб,
Қотди кўп бошлар саволига тополмай бир жавоб,
Сийналар ҳам чок бўлдиким, икки пурдон кетиб.*

*Нақл қилдилар жаноб домла Аминдан илгари,
Ул Сулаймон қори домла тайр этиб ухро сари,
Аҳли халқ чекди фигонлар йиғлабон ёшу қари,
Давримиз яктоларидан эрдилар эл сарвари,
Гунгу лол ўлдик талаффуздан икки дандон кетиб.*

*Бирлари хуришиду анвар, бирлари гўё қамар,
Илму ирфон бўстонида дарахти босамар,*

*Дину миллат хизматида доимо боғлаб камар,
Тарқамии таблигидан ҳар бир диёр ичра асар,
Бу асарлар ўлмагай зоҳирда икки жон кетиб.*

*Нўи этиб баҳри улумдин баҳра олгон тошмагон,
Ушбу йўлда қанча шиддатга йўлиқса шошмагон,
Илмнинг офатларига лаҳзайи учрашмагон,
Яъни, аҳли таъриф тавсифига ҳаддин ошмагон,
Осмон аҳлида мотам икки пок виждон кетиб.*

*Бу камолот гулшанидин учди икки андалиб,
Элни мумтози муҳаққиқ пок дилларга ҳабиб,
Ҳам шифобахш хуш такаллум, чин хирадманду лабиб,
Занглаган дилларга сайқал бергучи ҳозик табиб,
Ўрнатиб ҳар дилга меҳрин қилдилар ҳайрон, кетиб.*

*Не таъжжуб боғласак қўйгон ниҳолидин умид,
Имтиёзу имтихонидин саволидин умид,
Ҳам неча хушфаҳмлар топган камолидин умид,
Ул улуг устозлар олий мақолидин умид,
Бенамуд ўлдик вале кўздин икки мужгон кетиб.*

*Лайлатул қадр туни ўтти ганимат билмадик,
Ғафлат илкида ётиб фурсатни қиймат билмадик,
Илм ҳикмат маъдани ганжи насиҳат билмадик,
Анжуманлар савлати маҳв ўлди зийнат билмадик,
Тушди равнақ байна улфатдин завил эҳсон кетиб.*

*Эй ҳалимларни ҳалими то қиёмат алвидо,
Ҳақиқуносу бошижоат, хуш фасоҳат алвидо,
Эй икки алломаю, аҳли заковат алвидо,
Жаннатул маъво учун аҳли варосат алвидо,
Ҳаққа меҳмонлар бугун илгида дастурхон кетиб.*

*Бу жудолик шиддатидин ҳар кўнгилда минг азоб,
Яхшиларга бу ўлум нек одати этмиш ишоб,
Маърифат богида қилдим фавти таърих иктисоб,
Чиқди бу илму фазилатдин бу янглиг бир ҳисоб,*

Бу Салоҳий кўнгли вайрондур неча ёрон кетиб.

Маълумлари бўлгайки, моддаий тарихларини “илму фазилат” калималаридан олинур, “ҳисоб” калимасини исқот қилинур. 1389 санайи ҳижрийя.1969 мелодийя”.⁴⁷¹

Сотиболди қори Файзуллоҳ ўғли

Юкорида келтирилганидек, Абдуссамад Охунд даданинг Сотиболди қори домла хонадониди бўлиб ўтган анжуманда иштирок этишлари уларнинг ўзаро алоқалари борлигини кўрсатади. Бунга аниқлик киритиш мақсадида биз Сотиболди қори домла шахси ҳақида қизиқиб кўрдик. Бунинг учун у зот яшаган Сойбўйи маҳалласига бориб, домланинг фарзандларини суриштирдик. Ҳозирда домланинг фарзандлари мана шу маҳаллада истиқомат қилишар экан. Улар билан учрашиб оталари ҳақида маълумотлар олдик. Маълум бўлдики, Сотиболди қори домла ўз даврида Марғилонда яшаган уламоларидан бири бўлиб ўзига яраша мавқеъга эга бўлган.

Сотиболди қори домла 1882 йилда Марғилонда таваллуд топган. Оталари Файзуллоҳ қори ҳам маърифатли кишилардан бўлиб, 1328 ҳижрий, 1910 йилда 56 ёшда вафот этган. Бу ҳақда шундай домланинг ўзи қайд этади:

“1328 йилда рамазон ойи, саккизинчи куни саҳар вақтида жаноб ҳазрат қиблагоҳимиз дунёйи фонийдан дунёйи боқийга риҳлат қилдилар. Ёшлари 56 да”.

Оналари 1354/1935 йилда вафот этган. Бу ҳақда домла шундай ёзади: *“1354 йил 3 муҳаррам, 1935 йил 6 апрел шанба куни волидамиз вафот топдилар. Ёшлари 67 да”.*

Домла дастлаб Марғилоннинг Сармозор зиёратгоҳи яқинидаги мадрасада мулла Аюбжон қори домлада Қуръон таълимини ўрганадилар. У зотнинг вафот саналари ҳақида қуйидагича қайд этадилар:

⁴⁷¹ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2 йиғма жилд.

“1334/1915 йилда жумадус соний ойида 19 кунда панжшанба куни дорул фанодан дорул бақога рихлат қилдилар ҳазрат мулла Аййубжон қори домламиз. Ёшлари 54 да.”

Кейинчалик Марғилондаги Чуқур мадрасада мулла Зокиржон охунд, Тошпўлат қори, Нуриддин махдум домлалар билан бирга таълим олганлар. Домланинг қўлёмаларидан маълум бўладики, бу зот ўз даврининг машҳур уламолари билан яқин алоқада бўлганлар ва уларга алоҳида эҳтиром кўрсатганлар:

Сотиболди қори домлани замондошлари ўртасида тутган ўрнини кўрсатувчи бир ҳужжат Марғилон шаҳар Туттаги масжиди ҳайъати тарафидан ёзилган таклифнома бўлиб, унда шундай дейилган:

“Боймаҳалла мулла Сотиболди қори почча! Боҳамройи маҳалла аҳллари билан 11 рабиъул аввал ойи жума кунида бўладургон мавлидун набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мавлуди шарифларига марҳамат қилсалар. 1955 йил, 28 октябр, Туттаги масжиди”.

Улар орасида 1347/1967 йилда Мазҳариддин махдум тарафидан ёзилган мактуб ҳам сақланиб қолган бўлиб, Мазҳариддин махдум мактубни: *“Биродари ҳақиқий мулла Сотиболди қори!”* дея бошлаганлар. Биз Сотиболди қори домланинг қолдирган илмий мерослари билан ҳам танишишга муваффақ бўлдик. Ўзлари ва замондошлари, ўша даврда бўлиб ўтган бир қанча воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар қайд этилган мазкур қўлёмалар 1915, 1938, 1949, 1956 йилларда ёзилгандир. Улар орасида турли тарихий воқеаларни кўрсатувчи қайдлар ҳам учрайдики, улар ўша давр воқеаларини англашимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“1334/1916 йилиндан бошлаб инқилоб бўлди. Рамазон ойида 23 нчи кунида (23 июн) Марғилон шаҳридан одам оламан (Чор ҳукуматини мардикорликка олиши назарда тутилмоқда. Муаллифлар) деди. Мусулмонлар фарёд қилиб, кўп амалдорларни суқуш қилдилар. Шундай кейин 36 йилда ражаб ойида 8 нчи кунида (1918 йил, 17 июн) бениҳоят қийматчилик бўлуб, бугдой уни бир юз ўн сўмга этиб борди. Бир кийим беқасам шу ҳолда қирқ сўм бўлди. Ҳеч бир шайъ таом хусусига тўғри келмади.

1335 йилинда жумадул аввал ойида 12 кунда (1917 йил, 21 сентябр) бозорни ўт олиб, куюб кетди, кўп одамларга зарар бўлди, хонавайрон бўлди кетди. Азалда тақдиротда қалам кетган бўлса ҳам ўшал ҳолда кўп одамлар ҳалок бўлуши(б) очдин ўлди, деса ҳам мумкин. Ҳеч бир одамда раҳм-шафқат қолмай, кўча-кўчаларда одамлар хор бўлди, баъзилари бекафан кўмулди кетди.

1345 нчи йилинда сафар ойида 15 кунда 17 августда жума куни Наманган деган шаҳарда зилзила ер қимирлаб, кўп беадад иморатлар вайрон бўлди, бир неча одамларни тамом том босиб, кўп ҳайвонотларни ҳам мусулмонларга кўпдан кўп зарарлар бўлди”.

Бундан ташқари мазкур қўлғамаларда кўплаб марғилонлик уламолар вафотига оид маълумотлар ҳам учрайди:

“1368/1949 йил, 29 сентябр, панжшанба куни Азиз қори вафот топди. 58 ёшида.

28 октябр якшанба куни Солиҳ ҳожи домламиз вафот топдилар, 75 ёшида.

9 август чоҳоршанба куни Тўхтасун сўфи ўлди, 64 ёшида.

1370 ҳижрий, 17 сафар, 19 ноябр якшанба куни Абдулҳамид махдум вафот топди. 64 ёшида.

1374 ҳижрий, 16 июл панжшанба куни мулло Аҳмадали махдум вафот этдилар, 73 ёшида.

1364 ҳижрий 15 зулҳижжа, 1945, 13 декабрда Тўхтасун махдум марҳум бўлди. 54 ёшида.

1365 ҳижрий 5 рабиъус соний, 1944 августда Муҳаммаджон қори вафот бўлди, 54 ёшида”.

1347 нчи йилинда рабиъул аввал ойида 29 кунинда 12 нчи сентябрда чаҳоршанба куни жаноб Собирхон тўрам вафот топдилар.

1348 нчи йил 24 жумадул охир ойида, 15 ноябр шанба куни мулла Қосим ҳожи почча вафот топдилар.

1349 йилда 5 жумадул охир, 26 октябр якшанба куни Тоштемир қори почча вафот топдилар.

*1373 йил, рабиъус сонийда 1953 йил, 12 октябрда пайшанба куни гунбазлик мулла Муҳаммад Алихон почча вафот топдилар”.*⁴⁷²

Сотиболди қори домла мерослари орасида Марғилондан Чимкент шаҳрига бориб, у ерда имом-хатиблик қилаётган уламо Тошпўлат қори юборган мактуб сақланиб қолган бўлиб, унда жумладан шундай дейилади:

“Бисми Субҳанаҳ. Дуойи фаровон ва таҳийёти бепоён камина Тошпўлат қоридан қиёматли биродаримиз Сотиб олди қори ҳазратларига соғинчилик салом ва яна қадрдон қиёматли ва шарафли мулла Нуриддин қори биродаримизга, мулла Усмон қори ва мулла Мирзажон қориларга кўндан кўн салом...”

Биз мазкур маълумот билан танишгач, Тошпўлат қори шахси ҳақида ҳам қизиқиб кўрдик ва қуйидаги маълумотларни аниқладик. Бу зот 1896 йилда Марғилоннинг Туттаги маҳалласига яқин Четанлик маҳалласида туғилган. Отлари Болтабой оқсоқол қўл меҳнати билан машғул бўлган. Домла дастлаб Туттаги маҳалласидаги Холиқжон қори домлада таълим оладилар. Кейин Марғилондаги Чуқур мадрасага кириб, бу ерда мударрис Мирхалил Бухорий домла қўлларида таълим оладилар. Домланинг илмга чанқоқликлари ҳақида ҳамдарс шериклари Нуриддин қори домла, “Биз кечаси таҳажжудга турганимизда у зот дарс такрор қилиб ўтирганларини кўрар эдик. Кундузи дарс пайтида ҳамма тарқалса ҳам домла устоз хузурида қолиб кетар эдилар”, дея эслаган эдилар.

Домла дастлаб Марғилондаги Туттаги масжидида икки йил имом-хатиб вазифасида хизмат қиладилар. Кейин эса муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон таклифи билан Чимкент шаҳридаги масжидга бир йил иш ўргатиш учун юборилдилар ва олти йил ўша ерда туриб қоладилар.

Тошпўлат қори 1968 йилда 74 ёшда вафот этганлар. Ҳожа Эгиз қабристонига дафн қилинганлар.

⁴⁷² Келтирилган маълумотлар Сотиболди қори домланинг қўлимизда сақланаётган қўлёзмасидан олинди.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Қоил Марғилонийнинг атрофларида таълим олиш ва суҳбат топиш учун кўплаб шогирд ва мухлис кишилар жам бўлишган. Изланишлар натижасида алломанинг хузурига Марғилон, Андижон, Фарғона, Наманган, Жалолобод, Қоратегин, Новкат, Поп, Куvasой, Арсиф, Аввал, Лоғон, Кокилон, Бешалиш, Ёзёвон, Тошҳовуз, Сойбўйи, Хотинарик, Дехқонобод, Шаҳартепа, Бордончи, Дехқонобод, Қўрғонча, Зилха, Чимён каби туман ва кишлоқлардан шогирд ва мухлислар келишгани аниқланди. Талабалардан ташқари, хизмат қилиш учун келган зиёратчилар ҳам кўпчиликини ташкил этган. Охунд дада уларнинг ҳар бири қалбида ўзларидан бирор ёрқин хотира қолдира олганлар. Улар бу хотираларни узоқ вақт эслаб юрганлар.

Масалан, Марғилоннинг Хожа Порсо маҳалласида истиқомат қилувчи Мусожон ота Абдурахим ўғли шундай дейди: “Охунд дада маҳалламизда яшаган Усмонжон қори домла билан бир мадрасада таълим олишган экан. Тез-тез хузурларига келиб турар эдилар. Шундай пайтларда биз болалар баъзан қўлларига сув қуйиб, кавушларини тўғрилаган вақтларимиз бўлган. Бизга ҳам назарлари тушган деб ҳозиргача хурсанд бўлиб юрамиз”.⁴⁷³

Шогирдлар қаторида Абдулазиз Ғолиб Марғилоний, Маҳмуджон домла Муҳаммадумар охунд ўғли, Умаржон охунд Аҳмад охунд ўғли, Соқиматжон Сулаймон ўғли, Муҳаммадмусо Абдуллатиф ўғли, Нўъмонхон Сайидалихон ўғли, Мирзамухлис Тўланбой ўғли, Абудулхай маҳдум Яҳё ўғли, Мўминжон Мирзараҳим ўғли, Абдусаттор ҳожи Абдурахмон ўғли ва бошқаларни келтириш мумкин.

Айниқса, улар орасида Ёзёвон кишлоғидан келган бир гуруҳ мухлис кишилар алоҳида ўрин тутади. Охунд даданинг уларга айрича эҳтиромлари борлиги юқорида келтирилди. Уста Маҳмуджон домла ташаббуси билан келган мазкур жамоа қуйидаги кишилардан иборат

⁴⁷³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хожа Порсо. 2014.

эди. Мулла Абдурахмон мулла Улуғбек ўғли, Мулла Зокиржон мулла Қосим ўғли, Абдуллажон Ҳомиджон ўғли, Жўрабой Абдуллажон ўғли, Мирзамаҳмуд Мусажон ўғли, Асқарали Эргашали ўғли, Ҳабибуллоҳ Абдулҳолиқ ўғли, Машраббой Эгамберди ўғли, Абдулҳаким Абдулқодир ўғли, Абдулғофир Иброҳимжон ўғли.

Хотинариқ маҳалласига кўшни Дехқонобод қишлоғида қадимдан эшонлар жамоаси истиқомат қилишган. Охунд дада билан улар ўртасида яхшигина алоқалар бўлган, хусусан, Ортиғали эшон, Мўсохон эшон, Рустамали эшонлар билан доимий муносабатлари бўлган.

Ўз даврида Охунд дадани кўплаб замондошлар уламолар истифода қилишган. Бу ҳақда фарзандлари Сирожиддин ота шундай дейди: “Мақтабда ўқиб юрган пайтимда шаҳардан уйга қайтаётсам, йўлда баъзи маҳаллий уламолар мени кутиб туришар ва кўлимга савол ёзилган мактубларини беришар эди. Мен уларни отамга олиб келиб берар эдим. Эртасига жавоб мактубларини уларга бериб кетар эдим. Бу ҳолат узок вақт давом этган эди”.

Қуйида Охунд даданинг баъзи шогирдлари ҳақида маълумот берамиз.

Умаржон охунд Аҳмад охунд ўғли

Охунд даданинг шогирдларидан бири Мулла Умаржон охунд Аҳмад охунд ўғли эдилар. Ўз даврида Фарғона вилоят аҳолисининг маънавий ҳаётида сезиларли ўринга эга бўлган бу зот 1933 йилда Марғилон шаҳри яқинидаги Хотинариқ қишлоғида туғилганлар. Бошланғич таълим-тарбия, одоб ва муомалани оталаридан ўргандилар. Ёшлиқлариданок зийрак, мулоҳазали ва тамкинли бўлиб вояга етадилар. Бу зотни Охунд дадага шогирд бўлиб келишлари ҳам ўзгача бўлган. Тошкентдаги олийгоҳларнинг бирида танлаган соҳалари бўйича таълим олиб юрган кезларида қаттиқ бемор бўладилар. Шифокорлар муолажа қилишга киришишади, лекин уринишлар натижа бермайди. Беморлик жигар ҳасталиги эди. Кундан-кунга пастлаб борадилар. Шифокорлар ҳеч қандай чора йўқлигини айтишади...

Шунда ҳикматли бир иш содир бўлади. Бир куни тушларида Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам муборак қўллари билан баданларини силаб кетадилар. Уйғонганларида беморликдан асар қолмаган эди... Мана шу пайтда Умаржон охунд қолган умрларини фақат Ҳақ ризосига сарф этишга аҳд қиладилар ва қишлоққа қайтгач, Охунд дада хузурларига кириб, у зотдан астойдил таълим ола бошлайдилар. Бу у зот ҳаётининг маънавият оламига бира тўла юз буриши эди.

Умаржон охунд домла устоз Охунд дадага нафақат шогирд балки хос ходим сифатида ҳам хизмат қиладилар. Устоз суҳбати шогирд қалбини ўзига ром этгани учун устозга чин дилдан боғланиб қоладилар. Шунга кўра, устоз меҳри ҳам мазкур ихлосни эътироф этиб, унга айрича муносабат тақдим этар эди. Баъзи хос суҳбатларда ўтган сирлар эса Яратган зот билан у иккиларининг ўзига маълум. Кейинчалик устоз ўз қизларини никоҳлаб беришлари ҳам мазкур эҳтиром натижаси эди.

Айтишларича, Охунд дада беморликларида (баъзи маълумотларга кўра қирқ кун дейилган) кўплаб шогирдлари хузурларида навбатлашиб хизматда туришган. Аммо Умаржон охунд домла бир кун ҳам тарк қилмай навбатчиликда турган эканлар. Вафот этадиган кунлари юзларини Охунд даданинг юзига кўйиб турганларида дилларидан нималар ўтгани ҳам ўзларига маълум.

Хотинариқ қишлоғига қўшни Бордонча қишлоғида яшаган Аминжон Абдуллажон ўғли шундай дейди: “Бир куни Умаржон ҳожи отани бир анжуманга таклиф қилгани бордим. У зот камтарлик юзасидан узр айтдилар. Мен қистовга олдим, барибир одоб кўрсатдилар. Шунда, “Охунд дадани айтгани келсам доим борар эдилар”, дедим. Охунд даданинг номини эшитишлари билан, “Хўп бўлади, борамиз,” деб қабул қилдилар. Билдимки, Охунд дадани қаттиқ ҳурмат қилар эканлар. Эртасига келиб тавозе юзасидан: “Охунд дадани зикр қилганингиз учун келдим, бўлмаса, бу каби ҳурматга лойиқ эмас эдим”, – дедилар.

Охунд даданинг шогирдларидан Абдусаттор ҳожи ота Абдурахмон ўғли шундай дейди: “Охунд дада вафотларидан бир

ҳафта олдин эди. Биз Умаржон ҳожи ота билан хизматда эдик. Бир пайт “Менга қаранглар”, деб чақириб қолдилар. Биз дарҳол яқинларига бордик. “Калимаи тоййиба”ни ўқинглар”, дедилар. Биз ўқий бошладик. Шунда ташқаридан зиёратга келаётган кишиларнинг оёқ товушлари эшитилиб қолди. Умаржон ҳожи ота буни сезиб, безовта қилмасликлари учун дарҳол хушёрлик билан деразадан “кирманглар”, деган ишорани қилдилар. Буни кўриб ҳеч ким кирмади.

Охунд дада гарчи бемор бўлсалар ҳам буни сезган эканлар, Умаржон ҳожи отага қараб, “Камол топ!”, дедилар. Бу сўз у зотнинг дилларидан чиққани шундоққина билиниб турар эди. Менимча, бу Охунд даданинг у зотга таважжухлари эди, назаримда қилган хизматлари эвазига Охунд дададан олган марҳаматларнинг чўққиси шу бўлса керак, чунки шундан кейин у зотнинг маънавий ҳоллари янада зиёда бўлганига гувоҳ бўлган эдик”.

Мулла Умаржон охунд устоздан олган таълимларига бутун умр содиқ қолдилар. Устоз вафотидан кейин мазкур қишлоқ маънавий ҳаётида диний илмлар билимдони, хайрихоҳ насихатчи сифатида кўзга кўринган кишилардан бирига айландилар. Шарқ мумтоз адабиётининг машҳур вакиллари Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Жомий, Лутфий, Навоий ва улар қаторида Фузулий, Машраб, Ҳувайдо кабиларнинг асарларини кунт билан ўрганиб адабиёт билимдонига айланадилар. У зотнинг бу соҳадаги маҳоратлари замонавий адиблар томонидан ҳам эътироф этилган эди.

Мулла Умаржон охунднинг шахсий фазилатлари ҳам шоёни таҳсин. У зотнинг ўзига ярашган ҳайбат ва виқорлари бор эди. Камтарлик, вазминлик, ҳар бир гапни мулоҳаза ва мушоҳада билан ўрнига қараб гапиришлари атрофларидаги кишиларга айрича таъсир ўтказган. Сўзларидаги мулойимлик ва беозорлик у зотнинг хос сифати эди.

Мулла Умаржон охунднинг мустақиллик йилларидаги фаолиятлари, айниқса, салмоқли бўлди. Марғилон шаҳар ва унга қўшни қишлоқлар аҳолиси ўртасида алоҳида мавкега эга санокдаги уламолардан бирига айландилар. Истиқлолнинг дастлабки йиллари

қишлоқда очилган масжиднинг ташаббускори бўлдилар ва имом-хатиб вазифасида хизмат қилдилар. Масжидга у зотнинг тавсияси билан “Абдуссамад охунд” номининг берилиши ҳам устозга нисбатан эҳтиром эди. Жума минбаридан туриб етказган ваъзлари диний-ахлоқий тарбия бўлиши билан бирга алоҳида илмий-адабий мазмун ҳам касб қилар эди. Дастлаб Фарғона вилоят Қўштепа (собик Охунбоев) тумани бош имом-хатиби вазифасида хизмат қилдилар. 1996 йилда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Фарғона вилоятидаги бош вакили вазифасига муносиб топиладилар ва вафотларига қадар бу хизматда турадилар.

Умаржон охунд мазкур хизматда турган кезлари ҳам ўзларининг фазилятлари билан вилоят уламолари ўртасида ажралиб турар эдилар. Ўша даврда вилоятда фаолият олиб борган масжид имом-хатибларининг барчалари у зотга яқиндан боғланадилар. Бунга умумий ва хос учрашувлар асносида уларга кўрсатган соҳа бўйича тавсиялари, самимий насиҳатлари сабаб бўлган эди. Масжид ишини юргизиш, қавмлар билан муомала маданияти қандай бўлиши ва бошқа шу каби одобларни кўплаб имом-хатиблар айнан Умаржон охунд домладан ўрганишган.

Бугина эмас, Умаржон охунд Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси хайъат аъзолари қошида ҳам алоҳида ҳурмат ва эҳтиромлари борлигини эслатиш жоиз. Буни жаноза намозларига ЎМИ нинг ўша даврдаги раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов жанобларини шахсан ҳозир бўлишлари ва намоз олдидан домла шаънида кўплаб илиқ фикрлар айтганларидан билса бўлади.

Мулла Умаржон охунд бош вакиллик фаолиятлари даврида кўплаб илмий-амалий анжуманларда иштирок этдилар. Мухтарам Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифларининг бирида у зотга ҳамроҳлик қилдилар ва бирга суҳбат қурдилар. 1998 йилда буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик таваллуди муносабати билан ўтказилган катта анжуманда иштирок этдилар.

Мулла Умаржон охунд қаерда ва қайси лавозимда бўлмасинлар устоз ўғитларига содиқ қолдилар ва суҳбатлари доимо мумтоз адабиётимиз вакилларининг пурмаъно ҳикматлари қатори

Охунд дада баёзларидан келтирилган иқтибослар билан сайқал топар эди. Мулла Умаржон охунд 2001 йилда 68 ёшда вафот этдилар. Қабрлари қишлоқдаги янги барпо бўлган қабристонга бино қилинди. Аллоҳ у зот қабрини доимий нурларга тўлдирсин.

Маҳмуджон домла Мажруҳ Ёзёвоний

Охунд даданинг шогирдларидан яна бири Маҳмуджон домла Муҳаммадумар охунд ўғли Мажруҳ Ёзёвоний эдилар. Халқ орасида “Уста дада” номи билан машҳур бўлган мазкур уламо 1922 йилда Андижон вилоятининг Муқир қишлоғида туғилганлар. Ота-оналари ёзёвонлик бўлишгани ҳолда мусофир ерларда таваллуд топишлари боболари Юсуфбек хожи оиласининг бадарға қилиниб, қулоқ сифатида ўз юртидан кўчиб кетиш даврига тўғри келганидан эди. Домланинг ёшлик пайтлари очарчилик, қашшоқлик ва замон талотумлари даврида ўтади.

Ёшликларидан зеҳнли ва ғайратли бўлган Маҳмуджон домла бошланғич диний маълумотни оталари Умаржон маҳдумдан оладилар. Замон сал тинчиганида ўз қишлоқларига қайтиб келишади. Бу ерда Аввал қишлоғига бориб, этикдўз устадан косиблик ҳунарини эгаллайдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан бир оёғидан ажраб ногирон бўлиб қайтган домла меҳнат қилиб рўзғор тебратиш билан машғул бўладилар. Шунга қарамай, кўп вақтларини илм-маърифат ҳосил қилиш, ижод ва изланиш билан машғул бўладилар. Бу борада биринчи устоз – оталарининг хизматлари катта бўлган.

Домла Берунийнинг олти жилдлик асарлар тўпламини, Ал-Хоразмий, Фаробий ва бошқа аждодларимизнинг асарларини мустақил мутолаа этадилар. Шунингдек бадий-мумтоз адабиётга ҳам қизиқиб, Жомий, Навоий, Фузулий каби мутафаккир ижодкорларнинг асарларини кунт билан ўрганадилар. Натижада араб, форс, грамматикаси, Ислом тасаввуф фалсафаси ва тарихи каби йўналишларда мукамал билимга эга бўладилар.⁴⁷⁴

⁴⁷⁴ Мажруҳ Ҳакирул Ибод Ёзёвоний. “Баёзи Мажруҳ”. “Фарғона” 2008-3-б.

Махмуджон домла “Мажруҳи Ҳақир ул-ибод” (“қадр-эътиборсиз эзилган, банда”) тахаллусини танлаб ижод қилган бўлиб, адабий мерослари жуда бой. Навоий, Бобур, Ғурбатий ғазалларига мухаммаслари, саёхатномалар, болаларга бағишланган асарлар, ғазаллар, рубоийёт, чистонлар, таърихлар, мувашшаҳлар, масаллардан ташқари, бир қанча насрий асарлари мерос қолган.⁴⁷⁵

Домла замона зайли билан кўп машаққатларни бошдан кечирадилар. Мустабид тузум даврида илм-маърифат аҳлига етган азиятлар сабаб бир неча йил Тожикистоннинг Кўрғонтепа вилояти, Колхозобод тумани ҳудудига кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Ўша аламли кунларни кейинчалик асарларида ҳам баён қилган эдилар. Улар билан танишадиган бўлсак уларнинг кўрган кунлари қанчалик оғир эканини яна бир бор ҳис қиламиз. Бунинг баробарида бугунги дориломон кунлар кадрина чуқурроқ англаймиз. Ҳа, бу ёруқ кунлар ўша аждоларимизнинг тинимсиз меҳнати, илм-маърифат, ватан озодлиги йўлида тортган мислсиз машаққатлари эвазига – жуда ҳам қимматга келган улкан инъомдир.

Бало ўқиға...

*Бало ўқиға мен бахти қаро доим қародурман,
Қорам кўрганда ҳар ёндан ёпишган минг балодурман,
Алар ҳар ёнга тортиб, ўртасида можародурман,
Қаён борсам анинг чун бир балога мубталодурман,
Менга эргашимайин нетсун – ёшлигимдан ошинодурман.*

*Маломат санги борони ёриб бошимни ҳар ёндан,
Жафони тоза айлар бедиенат ўтказиб жондан,
Жаҳон таркин тутай энди жаҳон тор ўлди зиндондан,
Оёқ етканча бош олиб, кечиб ёру қадрдондан,
Диёрим аҳлидан ҳаргиз топмаган бўйи вафодурман.*

*Балою меҳнатин кажрав фалак бўйинимга қўйгандир,
Жаҳон андуҳи ғам бирлан мени қўлтиққа олгандир,*

⁴⁷⁵ Мажруҳ Ҳақирул Ибод Ёзёвоний. “Баёзи Мажруҳ”... 4-б.

*Икки қўллаб жафою жабрига, кулфатга қўйгандир,
Тегиб гусса алам бирлан оёқ остига солгандир,
Қолиб гам бори остида бу кун қадди дутодурман.*

*Ҳаводис шаҳнаседан бағир қону дилим бирён,
Ҳазин кўнглим аро минг доғу пинҳону тўла армон,
Туганди тоқату сабрим, жисми зоримдан кетиб дармон,
Заҳар қилди ҳаётим наиҳасин андишаи даврон,
Ғаму андуҳ ила тўлган ажаб мотамсародурман.*

*Керак эрмас сўзим ҳар кимга айтсам фарзу суннатдин,
Кетар хушу маломатдан гапирсам дину миллатдин,
Тутар душман, ҳаром, макруҳ десам ҳар ерда бидъатдин,
Тавофут қилмагай ҳарчанд десам иззатни зиллатдин,
Сўзим ўтмас халойиққа ўзим ўтмас матодурман.*

*Эгам неъматларин шукрин эмас мумкин адо қилмоқ,
Мудом ҳамду сано қулдан Эгамдандур ато қилмоқ,
Қўйиб қуллик ишин Мажруҳ ажаб сандин хато қилмоқ,
Қилган аҳдинга мийсоқда эди лозим вафо қилмоқ,
Этан тарки вафо акнун кетан сўйи ҳаводурман.*

Маҳмуджон домла 1994 йил 3 сентябр куни 72 ёшда вафот этадилар. Умрларининг сўнггида киска фурсат бўлса-да, ўзлари орзу қилган хуррият қуёшининг нуридан баҳраманд бўлдилар. Бу давр мобайнида маҳаллий аҳоли ўртасида ўтказиладиган турли тадбир ва анжуманларда иштирок этиб, маърифий мазмунларда суҳбат ва чиқишлар қилиб, халқимиз маънавиятини бойитишга ҳисса қўшдилар. У зотнинг магнит тасмасига туширилган суҳбат ва насиҳатлари ҳозиргача шогирд ва мухлислар қўлида эъзозлаб сақланади. Вафотларидан кейин у зотнинг назмий ва насрий ижодларидан сайланма асарлар мухлислар томонидан “Фарғона” нашриётида чоп этилди.⁴⁷⁶

⁴⁷⁶ Мажруҳ Ҳакирул Ибод Ёзёвоний. “Баёзи Мажруҳ”. Тузувчилар: Алишер Бек, Ҳомиджон Умаров. “Фарғона” 2008; Мулла Маҳмуджон Мажруҳ. “Одамохун”. “Фарғона” нашриёти, 2008.

Айтиш ўринлики, Домла ўз ўрнида каромат соҳиби эдилар. Биз Домла вафот этадиган йили зиёратларига борган эдик. Сухбат чоғи “Бу йил вафот этсам керак, деб ўзимга қуйидаги таърихни битдим”, дедилар:

*Қазойи Илоҳий етишган замон,
Ғариб Мажруҳ танидан чиқди жон.*

Маъноси: Илоҳий қазо етишган замон Ғариб Мажруҳнинг танидан жон чиқди.

“Ғариб” – 1212, “Мажруҳ” – 257, жами 1469 бўлади. “Ғариб Мажруҳ” домланинг ўзлари. Унинг “тан” идан “жон” – 54 чиққанда 1415 хижрий-қамарий йил ҳосил бўлади. Бу милодий 1994 йилга тўғри келади. Кейин: “Мана буни эса қабрим устига қоқиб қўйишар деб ёздим”, – дедилар ва ўқиб бердилар:

*Шиканжи даҳрдин хуноба ютган,
Жаҳондан абтару бефарзанд ўтган,
Дуода ёд этинг келган ёронлар,
Ғариб Мажруҳ оёқ остида ётган.*

Қабрлари Тошховуз қишлоқ қабристонига бино қилинган. У зотнинг ҳаётида катта бурилиш ва таъсир ўтказган шахс бу, Абдуссамад охунд дада эдилар. Маълумки, домланинг оталари Умаржон махдум Ғурбатий билан Охунд дада ўрталарида яқин алоқалар бўлиб, мазкур алоқалар Умаржон махдум оиласи Ёзёвонга кўчиб бормасларидан анча олдин Марғилонда яшаган кезлари шакллланган эди. Умаржон махдум бир куни фарзанди Маҳмуджон домлани Охунд дада хузурига олиб келиб топширади. Бу пайтда ёшлари анча катта бўлиб қолишига қарамай ўқишга ва таълим олишга рағбатлари кучли эди. Ўшанда 1957 йил эди.

Ўша йилиёқ Уста Маҳмуджон домла Охунд дадани қишлоғига – хонадонларига таклиф қиладилар. Бу Ёзёвон аҳолиси ҳаётида маънавий соҳаларда кескин ўзгаришларнинг бошланиши эди. Чунки мазкур ташриф ва сухбат қишлоқ аҳолиси қалбига катта таъсир қилади. Ҳатто ҳозир орадан олтмиш йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай ўша мажлисда иштирок этган кишилар қалбидан

унинг баҳраси ва унда етказилган суҳбатлар мавзуси сақланиб қолган. Айтишларича Охунд дада ўшанда “Орзу бирлан ҳавас” радифли мухаммасларини ўқиб, шарҳлаб берган эканлар. Бундан ташқари суҳбат асносида гина-адоват ҳақида ҳам сўз очилиб, уни баёнлаш чоғида Охунд дада шундай деганлар: “Агар гиналашган кишилар қилмишларидан пушаймон бўлиб, бир-бирларига узр айтишсаю, аммо бу самимий бўлмаса, гўё дарахт кесилиб томири қолгандек бўлади, бундан яна униб чиқиши мумкин. Бордию, узрлари самимий бўлса у ҳолда дарахт таг-томири билан кесилиб, улар бир-бирлари билан ака-ука биродар бўлиб кетадилар”.⁴⁷⁷

Аввалига отасидан, кейинроқ Миряхё қори домладан таълим олган Маҳмуджон домланинг иқтидори Охунд дадага манзур бўлади ва унга алоҳида меҳр қўядилар. Домла ҳам устозга қаттиқ боғланиб қолади. Ўзларининг айтишларича “Шогирд устозга насабда яқин бўлмаса, масалан, фарзанди ёки жияни, бўлмаса, унда уни устозга икки нарса боғлаб туради. Бири манфаат, иккинчиси хурмат Хурмат унинг хузурида тавозе билан туриши бўлса, манфаат унга хизмат қилишидир”.

Домла дастлаб келганларида Охунд дада: “Сиз бир юз биринчи шогирд бўлдингиз”, – деган эканлар. Айтишларича, у зот дарсга келсалар Охунд дада икки қўлларини тирсакларига қадар шимариб, соатлаб дарс айтар эканлар. Шунга яраша Домла ҳам қишлоққа қайтгач, ўзининг шогирдларига: “Ҳар куни хузуримга бирортангиз келиб туринг, мен у зотдан эшитганларимни сизларга айтиб бериб, пухталаб олай”, дер эканлар.

Айтишларича, Охунд дада мазкур шогирдга қалбларидаги илмни ўтказа олганлар. Маҳмуджон домла устоз хузурида ўткан мазкур файзли кунларни эслаб, кейинчалик шундай деган эдилар: “Менга ҳам эллик саккиз ёшимгача икки кун хурсандлик юз берган бўлса, улардан бири Худо раҳмат қилсин домламнинг олдиларида китоб очган куним эди...”⁴⁷⁸

⁴⁷⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон –Ўзёвон.

⁴⁷⁸ Мулла Маҳмуджон Мажрух. “Одамохун”. “Фарғона” нашриёти, 2008, 45-б.

Бошқа бир гал шундай деганлар: “Мен Охунд дадам хузурларига ҳаммаси бўлиб 157 марта дарс олгани бордим. Охириги келишимда: “Энди китоб олиб келманг, вақт оз, бу ёғига дарс суҳбат йўлига кўра бўлади”, – деган эдилар”.

Мазкур гапга биноан, Домла баъзан дарсга келиб, китоб очмай суҳбатнинг ўзи билан қайтар ва “Бугунги дарс кўп ажойиб бўлди-да”, дер эканлар. Урушда қатнашиб, бир оёғидан ажраганига қарамай ногиронлар аравасида дарсга қатнаган шогирдига меҳр ўлароқ Охунд дада унинг аравасига мингашган кезлари ҳам кўп бўлган, экан.

Домланинг устоз Охунд даданинг кўнглини олишга бўлган рағбати ҳақида ёзёвонлик Абдусаттор хожи ота шундай дейди: “1969 йил. Мен ўн олти ёшда эдим. Маҳмуджон домла мени ўзига шерик қилиб, Охунд даданинг хузурларига олиб борди. Қишлоқдан биргаликда дарсга қатнайдиغان бўлдик. Мен ёш бўлганим учун Охунд даданинг хонадонларида баъзи хизматларни бажариш учун колар эдим. Ҳар гал дарсдан қайтаётганида кузатиб ташқарига чиқсам, қўлидаги асо билан елкамга туртиб: “Хушёр бўл, сен бу ерда икки кишининг номидан хизмат қиляпсан, менинг оёғим йўқ, бўлмаса, югуриб юриб хизмат қилар эдим”, деб ҳам армон, ҳам ҳавас билан менга уқтириб кетар эдилар.

Баъзан мендан: “Ичқарида нима гап, Охунд даданинг хизматлари йўқми, бирор нарса қилмоқчи бўлсалар дарҳол менга айт, беҳабар қолмай”, дер эдилар. Агар Охунд дада бирор иш қилмоқчилар деб айтсам, дарҳол қишлоқдан шогирдларини олиб келиб, айтилган хизматни бажариб кетишар эди”.

Айтишларича бир гал Маҳмуджон домла дарсдан чиқаётиб, Охунд дадани бир уста билан суҳбатларини, устани уй ўлчами тўғри келмаслиги ҳақида Охунд дадага гапираётганини эшитиб қоладилар. Охунд даданинг уйлари пастаккина қурилган эди. Унинг сўзларини яхшилаб сақлаб қолган Домла дарҳол қишлоққа келиб ўша ўлчамдаги теракларни кесиб, зарурий анжомлар билан юклаб, йигирмага яқин кўнгилли кишиларни олиб Охунд дада ҳовлиларига келади ва қисқа фурсатда айтилган иморатни тиклаб беришади.

Ёзёвонлик Иброхимжон ота Холмуҳаммад ўғли шундай дейди: “1968 йилда қатта қор ёғди. Кўп уйларни томи босиб қолган, дарахт шохлари синиб тушган, кўчаларда умуман юриб бўлмайди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб бошқа бировга ортиши қийин. Шундай пайтда бир кун Уста Маҳмуджон домла: “Эртага кимнинг фурсати бўлса, Охунд даданинг ҳовлиларига борамиз”, – деб қолди. Буни эшитиб: “Мен”, – дедим. Эртасига домланинг ногиронлар аравасида бирга Охунд дада ҳовлиларига келдик. Уста ўзи билан кескир бир болтани ҳам олиб чиққан эди. Охунд дада ҳовлиларига келиб, йиқилган, кесиб ташланган тоқларни аста арралай бошладик. Мен ташиб келтирар эдим, уста уларни бир текис қилиб кесар эди. Шу тарзда ҳаммасини саранжомлаб, Охунд дадани хурсанд қилиб келган эдик”.

Маҳмуджон домла ёзиб қолдирган кузатишлари орасида куйидаги сўзлар бор. Уларни ўқиб, мазкур таъриф айнан устозлари Охунд дада ҳақида эканига амин бўламиз.

Олими боамал

*Олими боамал, шаръи шарифда мустақим фозил зотларнинг суҳбатидек нурфайз йигин йўқки, у имонга қувват, руҳга лаззат, гайратга гайрат, ҳимматга ҳиммат, жонга ҳаловат бағишлаб, инсон кўндирки исёндан пок бўлиб, у суҳбатда бўйи Муҳаммадий келур. Нашъаси узоқ вақт инсон зеҳнида қолур. Ё Раббий, Мажруҳ қулингни яхшилардан йироқ қилма”.*⁴⁷⁹

Бошқа ўринда шундай таъриф қилганлар:

*Улуми ботиний зоҳирда якто,
Вараъ ойин, қаноат пеша тақво,
Ақойид ҳам ҳадис бобида ақво,
Муяссар илми фиқҳа аҳли тақво,
Тафсири Қуръонда чун "Рухул баён".*

Уста Маҳмуджон домла Охунд дадани ўта ҳурмат қилганидан жоиз бўлса, бетаҳорат тилга олмас эканлар.

⁴⁷⁹ Мулла Маҳмуджон Мажруҳ. “Одамохун”... 2008, 38-б.

Махмуджон домлани Охунд дадага қаттиқ боғланишини қуйидагича изоҳлайдилар. Азалий қисмат тақозосича Домлада фарзандсизлик доғи бўлиб, бу у зотга бир умрлик армон эди. Унинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нима тўлдира олмаган ва тасаллий бера олмаган. Охунд дада билан учрашганларидан кейин эса бу алам дилларидан бутунлай чиқиб кетган экан. Бу ҳақда ўзлари шундай ёзадилар:

*“Муҳаббатлари кўнглимда қарор тутмиш эрди, чунки дилим дардига хозиқ табиб эрдилар. Ҳазон кўнглим ҳар ёндан жароҳат бири битмай ўни пайдо эрди. Ҳамон дилимда бор аламни дер эдим. Каломи Масиҳо нафаслари билан марҳам қўярларким, кўрмагандек бўлур эрдим”.*⁴⁸⁰

Домла бу аламли дардини асарларида ҳам кўп марта тилга олган эдилар. Масалан, қуйидаги ғазаллари бошдан охир шу мазмунда:

Йиғла эй кангул

*Йиғла эй кангул сени бир гамгусоринг бўлмади,
Юзланиб ҳар дамда юз гам, гамсиз туроринг бўлмади.*

*Борсангу келсанг қаердан келмасингдан кимга гам,
Термулуб турган йўлингда интизоринг бўлмади.*

*Тортиб эрдинг ёшлик айёмида гам борини,
Қариган чоғда кўтармакка мадоринг бўлмади.*

*Дарбадарлик, беватанлик, жисму урён, хору зор,
Телба итдек кў-бакў кездинг қароринг бўлмади.*

*Душманингдан эрта-кечда шум хабарлар кўп келиб,
Доимо хавфу хатарда, тинч ўлтизоринг бўлмади.*

*Бўлди ҳар ерда шажарни қадри асмори билан,
Мевасиз бўлдинг қуруқ шох, эътиборинг бўлмади.*

*Кўпчилик оғир юкин енгил қилиб фарзандлари,
Сенга оғир бўлди енгил дастийёринг бўлмади.*

⁴⁸⁰ Мажруҳ Ёзёвоний. Қўлёзма. №3-йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Гул узорим шавқида етди тикондан юз алам,
Сарви қомат, гунчалаб наргис нигоринг бўлмади.*

*Йигитликда синиб пойинг юзинг саргайди андоққим,
Бўлуб Мажруҳ ҳазон фаслинг қулган баҳоринг бўлмади.*⁴⁸¹

Қуйидаги мисралар ҳам шу маънода:

*Васият қилди фарзандига борлар,
Йўғи ҳар кимсага термулди кетди.*

*Қолиб элдин нишон Мажруҳ жаҳондин,
Келиб ному нишонсиз бўлди кетди.*⁴⁸²

Маҳмуджон домла устозга шойиства хизмат қила олган бўлсалар-да, барибир бу хизматлардан кўнгиллари тўлмаган. Охунд дада хотираси учун ташкил этган анжуман сўнггида Хотинариқ қишлоғидан борган меҳмонлар ҳузурида: “Биродарлар, қишлоғингизда шундай зот борлигини афсус, кейинроқ билиб қолдим, хизматларини қила олмай ғафлатда қолдим”, деб йиғлагани ҳам шундан.

*Жаҳон саҳнига одам тўлди кетди,
Валекин яхишлар йўқ бўлди кетди.*

*Бошимда соялик улкан шажарни,
Қазо боди самуми юлди кетди...*⁴⁸³

Маҳмуджон домла Охунд дада ҳузурида бошқа фанлар қатори ақида илмидан таълим олганларини эслаб, шундай дейдилар: “Охунд дадам ҳузурларида тўрт хил фандан таълим олдим. Ақида илмига алоҳида эътибор қилар эдилар. Бу борада соатлаб гапирардилар, чунки ақида мустаҳкам шаклланмаса, инсон адашиши осон.

Маълумки, ақида бўйича банда Аллоҳ таолонинг зотини тафаккур қилиш мумкин эмас, бунга бандалар ақлининг қуввати

⁴⁸¹ Мажруҳ Ҳакирул ибод Ёзёвоний. “Баёзи Мажруҳ”... 17-б.

⁴⁸² Мажруҳ Ҳакирул ибод Ёзёвоний. “Баёзи Мажруҳ”... 16-б.

⁴⁸³ Мажруҳ Ҳакирул Ибод Ёзёвоний. “Баёзи Мажруҳ”... 16-б.

етмайди, балки унинг сифатларини тафаккур қилиши мумкин. Охунд дада ақидавий масалалар орасида нозик ибора “шуъуноти Зот” ҳақида батафсил баён қилиб берган эдилар. У зотдан кейин бу ҳақда бирор уламодан эшитмадик, ё талабалар ўзаро такрорлаб олмадик, биздаги тушунчалар ҳам тоборо емирилиб бормоқда”, дея ўксиб гапирган эдилар.⁴⁸⁴

⁴⁸⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон –Тошҳовуз. 1992.

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ВАФОТЛАРИ

*Келиб кетмиш адамдин сарҳади амкон кетар бир кун,
Бўлиб бу анжуманда неча кун меҳмон кетар бир кун,
Бу гулшан сайрига охир етиб поён кетар бир кун,
Жаҳондин кулли ашё навбати билан кетар бир кун,
Кечиб молу манOLIDAN ҳама инсон кетар бир кун.*

Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний ҳижрий 1393 йил 9 зулҳижжа, мелодий 1973 йил 4 декабрда 87 ёшда вафот этганлар. Бу ҳақда ёзма маълумотларда шундай дейилади:

*Сана тўқсон учинчи зул-қаъда ҳижрий ойи,
Куни сешанба эрди тўққизда асли ҳисоби,
Ки етмиш учинчи декабр ойи мелодий,
Тўртида мақсада кетти етиб марғини жоми,
Бақо мулкига ориф кўксимиз айлаб яро ўтти.*

Охунд даданинг вафот этиши Марғилон халқига, хусусан илм аҳлларига катта мусибат бўлган, чунки бу туфайли:

*Аҳли дин айрилди бир арбобидан,
Аҳли маъни яъни, дурри нобидан,
Ташналар қолди зилоли обидан,
Кўп мусибат юзланиб ҳар бобидан,
Бори гамдан дўстларин қадди камон.*

бўлган эди. Абдулазиз Ғолиб Марғилоний таърифлаганидек:

*Бу кун дорул бақога кеттилар Абдуссамад охунд,
Бу мотам бирла аҳли Марғинон тўкти кўзидан хун,
Кўёш нуруни тўкди мотамига қад эгиб гардун,
Очилди осмон тушиди малоиклар дуога чун,
Бу кундек Марғинон аҳлига олам кўзи тор ўлмас.⁴⁸⁵*

⁴⁸⁵ Абдулазиз Ғолиб Марғиноний. №3 йиғма жилд.Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Жаноза намозлари аввал айтилганидек, Абдуллажон махдум бошчилигида ўқилган. Васиятларига кўра, қабрлари Хожа Порсо қабристонига бино қилинган. Аллома вафотига замондошлари томонидан кўплаб таърих-марсиялар битилган. Бизда улардан Абдулазиз Ғолиб Марғилоний ва Мажруҳ Ёзёвоний ёзган марсиялар бор. Андижонлик Ҳузурий домла⁴⁸⁶ ҳам аллома вафотига марсия ёзгани айтилган. Лекин мазкур марсия матнини топа олмадик.

Маълумки, Шарқ ёзма адабиётида ўлим – бирор инсон вафоти муносабати билан марсия, фироқия, ёднома йўналишида лирик жанр мавжуд. Марсия арабча “риса” сўзидан олинган бўлиб, маййитга йиғламоқ ва аза тутмоқ, қайғурмоқ маъноларини билдиради.⁴⁸⁷ Шеърий терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мақтовчи, унга бўлган шоир муносабатларни ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу ҳасратларини ифодаловчи асардир.⁴⁸⁸ Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомийга бағишлаб ёзган марсиялари, назм аҳлининг айтган таърихлари фикримизга далилдир⁴⁸⁹. Марсияларда вафот этганларга абжад ҳисоби билан таърихлар берилган.

Маълумки, араб алифбосидаги ҳарфлар муайян товушларни англатишдан ташқари ўз ўрнида маълум сон қийматини ҳам ифодалайди. Буни “абжад ҳисоби” деб аталади. Қадимдан мумтоз адабиётда шоир ва адиблар машҳур шахсларнинг туғилган ва вафот этган йилларини ва тарихий воқеалар, масалан масжид ва мадрасаларнинг қурилган йилларини белгилашда абжад ҳисобидан фойдаланганлар. Бунда ушбу саналар улар таъриhini ифодаловчи сўзларнинг сон йиғиндисидан чиққан. Мумтоз адабиётда бу каби таърихлар фақат у ёки бу воқеалар йилинигина билдириб қолмай,

⁴⁸⁶ Абдулфаттоҳ Ҳузурий. Андижонлик мударрис Сомеъ домланинг кенжа ўғли. 1905 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1991 йилда Андижонда вафот этган. Илмни отасидан олган. Замондошларининг хабар беришича, истезодли ғазалнавис шоир бўлган ва Маҳжурийнинг “Дерман”, Собир Абдулланинг “Қай кунки бўлди бу кўнгил” ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Ундан шеърий тўплам ёки девон қолгани аниқланмаган.

⁴⁸⁷ Ал-Мунжид. Дор ул-маширқ. Байрут, 2007, 249-бет.

⁴⁸⁸ Раҳимжонов М. Марсия термини ва тавсифига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 2001. № 5, 69-б.

⁴⁸⁹ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тошкент. “Фан”, 1974. 141-бет.

мазкур шахсларга оид бир қанча маълумотларни ҳам ўз ичига олган. Шу жиҳатдан бирор бир шахс вафоти учун ёзилган таърих марсиялар биографик аҳамиятга ҳам эгадир.

Марсиялар бирон-бир кишининг ўлими муносабати билан ёзилса-да, унда инсон тириклигининг маъноси, ҳаётнинг моҳияти, яхшилик ва ёмонлик, эгулик ва ёвузлик хусусида жумладан, мамлакатдаги ижтимоий масалаларнинг ўша даврдаги ҳолати юзасидан мулоҳаза ва мушоҳадалар юритилади. Ҳозирги кунга қадар XIX– XX аср бошларида Марғилон шаҳрида яшаб ўтган Мулла Абдул Карим, Хонақойи Ҳазрат, Мирҳайдар домла Толий, Ҳазрат Бухорий, Абдулмўмин қори, Абдулхай махдум, Маҳмуд Қорий, Миряхё қори, Мулла Аббосхон қори, Мулла Абдурахмон домла, Мулла Алижон охунд, Мулла Тўхтаназар аълам, Муҳаммад Сиддик охунд, Муҳаммад Ниёз эшон, Мушаррафхон охунд, Охунжон қори Водилий, Хожажон хўжа Рожий, Фозилжон махдум, Хон бува Мукаррамхон тўра сингари уламолар вафотига бағишлаб ёзилган ўнлаб марсиялар уларнинг авлодлари кўлида сақланиб қолган. Ушбу марсияларда аҳолининг диний-ахлоқий билими, маънавий-интеллектуал савияси ўз ифодасини топган. Бинобарин, XVIII-XIX аср Марғилон муҳитидаги диний-маърифий меросни ўрганишда диний уламолар вафотига бағишлаб ёзилган марсиялар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Абдуссамад Охунд вафотига Ғолиб Марғилоний марсияси

*Келиб оламга зий жон мунда барқарор ўлмас,
Кетар бир кун жаҳон айвонидан мунда турор ўлмас,
Ўлим пешонададур қори борида барор ўлмас,
Кетар елга забон кўрки, анга фарзанди ёр ўлмас,
Қаро ер остида қаро уй анга ўзга диёр ўлмас.*

*Ажал исмин азалда фойи тақдирийга битган,
Ўзидин илгари ота-она шу йўл билан кетган,
Даво топмас ажални дардига Луқмон кунни етган,
Кўрарки бебаҳо умри мисоли боддек ўтган,
Пушаймону надоматлар анга ул дам бакор ўлмаз.*

Етолмай мақсадиға неча минг шоҳу гадо кетти,
Қолиб ноошинолар базм ичидан ошно кетти,
Ҳидоят юдузидин шуълайи нури зиё кетти,
Азизлар, авлиёлар, бир неча соҳиб дуо кетти,
Шаҳаншоҳдур гадодур, бу жаҳонда бахтиёр ўлмас,

Букун дорул бақоға кеттилар Абдуссамад охунд,
Бу мотам бирла аҳли Марғилон тўқди кўзидин хун,
Қуёш нурини тўқди, мотамига қад эгиб гардун,
Очилди осмон, тушиди малоиклар дуога чун,
Бу кундек Марғилон аҳлига олам кўзи тор ўлмас.

Кимоким суҳбатин топса, чин бахтиёр эрди,
Ғазаллар таъбидан ёмғур сувидек безубор эрди,
Ҳамоно бўйнида панду насиҳатлар тумор эрди,
Ажаб хуш файзлик суҳбатлари мисли баҳор эрди,
Келар юз минг баҳорўлик таъбидек баҳор ўлмас.

Отадек меҳрибон элга насиҳат доимо кори,
Муборак таъбидан етмас ҳеч кимга озори,
Мухаммаслар ажсоиб шеърлар жаннат гулзори,
Ҳаридори анинг ёшу қари гавҳарни бозори,
Ҳама мазмуни оёту ҳадисдур ҳеч бекор ўлмас.

Анинг меҳрини таъсири билан эл ҳам суяр эрди,
Ҳама “Охунд дада” деб боладек меҳрин қўяр эрди,
Сўзи таъсири кўпларни ёмонликдан тияр эрди,
Кўнгилга тошга ўйгандек сўзин нақшин ўяр эрди,
Алардин ҳар киши олса дуо оламда хор ўлмас.

Дариго, ажрадик биз отадек аҳли насиҳатдин,
Тияр эрди ҳамани пок этиб комини гийбатдин,
Суол эттим вафоти таърихин Ғолиб мусибатдин,
“Очадилар эшикни дедиким қабрига жаннатдин”⁴⁹⁰
Кимики олимидур боамал, ҳеч қабри тор ўлмас.

⁴⁹⁰ Эслатиб ўтамиз, таърих моддасида бир оз ноаниклик мавжуд.

Маҳмуджон домла Ёзёвоний ёзган марсия

Ушбу таърихни меҳрибон устозим, мураббий, раҳбарим, отамдин зиёда, ҳар борада раҳнамо, вориси анбиё, аҳли фазлга пешво, замон халқига муқтадо, суҳбатлари дилкушо, нафаслари жон физо, таъби салиму равшан замир, ҳамида хисолу дил пазир, насиҳатлари марғуб, дегонлари айни матлуб, илмда бир улуг дарё эрдиларким, ҳамма ташиналар алардин сероб эди. Забони шаккар нисорлари ҳаққа қоил, жолис барчаси суҳбатларига моил эрди.

Муҳаббатлари кўнглимда қарор тутмиш эрди, чунки дилим дардига хозиқ табиб эрдилар. Ҳазон кўнглим ҳар ёндан жароҳат бири битмай ўни пайдо эрди. Ҳамон дилимда бор аламни дер эдим. Каломи Масиҳо нафаслари билан марҳам кўярларким, кўрмагандек бўлур эрдим.

Баногоҳ қазо боди самуми этиб, вужуд гулишани ҳазон, руҳ тўтиси қафасдан тойрон, зану фарзанд барчаси гирёну нолон, мен доғи гам бодиясида зору саргардон етим тифллардек термулиб ҳар ён, ҳолим харобу кўнглим вайрон, девоналардек ошифта ҳол, кўзим гирёну тилим лол, гам селоби вужудимни гарқ қилиб, сабри-тоқатим тугаб, ул зотни соғинганимда ёдламоқ учун вафотларига таърих қилдим. Лекин инсоф юзидан боққанда менда на шариятдан хабар ва на сўзимда асар бўлгайким, ул зотни бораларида сафҳа қаро қилиб сўз тартиб бергайман.

Бу бошдин оёқ густоҳлик ва беадаблик бўлса ҳам, изҳори муҳаббат учун юз хижолат билан ночор неча манзума тартиб берибдурман. Нозирлардин илтимос шулким, хото нуқсонларини афв этгайлар...⁴⁹¹

Марсия

*Қилдилар азми сафар қутби замон,
Сифли макон таркин этиб ул жаҳон,
Жисми бўлиб зери лаҳадда ниҳон,
Руҳи қилиб ари остини ошиён,*

⁴⁹¹ Мажруҳ Ёзёвоний. Қўлёзма. №3-йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Қилсин Эгам кулли хатардин омон.

*Аҳли дин айрилди бир арбобидан,
Аҳли маъни яъни, дурри нобидан,
Ташиналар қолди зилоли обидан,
Қўп мусибат юзланиб ҳар бобидан,
Бори ғамдан дўстларин қадди камон.*

*Улугдин кичик турфа аламнок,
Зану фарзанд ақорибу ёқа чок,
Дедик йиғлаб: “Илоҳо мо абаднок”,
Алардек бир кунни биз ҳам бўлиб ҳок,
Борурмиз коримизни қилгил осон.*

*Улуми ботиний зоҳирда якто,
Вараъ ойин, қаноат пеша тақво,
Ақойид ҳам ҳадис бобида ақво,
Муяссар илми фиқҳа аҳли тақво,
Тафсири Қуръонда чун “Рухул баён”.*

*Ҳама олам биру олим бир оламдур,
Жудо бўлмоқ билан олам аро ғамдур,
Анингчун “мавту олим мавту оламдур”,
Алар гўёки бир хушиди оламдур,
Билимдон фавтидан қоронғу жаҳон.*

*Қалам авроқ уза тебратди чандон,
Анга монадини кам кўрди даврон,
Қаламкашлар яқосин тутти ҳайрон,
Йиғиб беҳад жавоҳир лаъли маржон,
Ҳар сафҳаси юз ганжидир бегарон.*

*Дедим “фағфирлаҳу” андин жим исқот,
Вафоти соли Мажруҳ бўлди теъдод,
Худоё раҳм этиб, руҳини қил шод,
Расул уммат қатори айласун ёд,
Айрилинг деган кунда яхшию ёмон.*

Охунд дада вафотига Баҳрий мувашишаҳи

Мувашишаҳ

Амаллик яхши олим дунё у дин бир порсо ўтти,
Бўлиб динни чирोगи юзлари бир пурзиё ўтти,
Дами фурсат умр шул бандалик бўлиб ризо ўтти,
Сабру тоқат қилубон дардига топмай даво ўтти,
Мукаррам эътиқоди қалбида сидқу сафо ўтти.

Далил оят ҳадисдан келтурубон сўзи ҳар доим,
Қилиб Ҳаққа ибодат узлатда ҳам бўлиб қоим,
Сўзи гавҳар тоабод, гирди пойи нур устозим,
Қазо корини қилди фойда бермади нолаю зорим,
Худо раҳмат қилсун, шул бўлиб биздан ризо ўтти.

Фасоҳатда азиз ҳам хуш талоқат сўзга моҳир,
Қаноат ганжсида ором олган эрдилар шоир,
Мухаммаслар ёзилган ҳўб мукаммал аввалу охир,
Ҳақиқат бу амалда аҳли ислом тожи бу сардир,
Оғир беморликда кўп ётиб қилмай гизо ўтти.

Топиб суҳбатларини хизматда бўлмадим асло,
Тириклик шиддати роҳим тўсди амонийлар мундо,
Дуоларин ололмай мунда бўлдим кўп бепарво,
Ўзи бандам десун жойи бўлсун жаннатул маъво,
Бўлубон дўсту ёрон бизларга раҳнамо ўтти.

Неча вақт кўргани келган эшикка дўсту ёронлар,
Дуо қилган жамият ҳақларига кўп мусулмонлар,
Масжиду бу хонақоҳда жам бўлган мусулмонлар,
Қолиб ҳижрон фироқида куюбон аҳли мардонлар,
Дедилар чора йўқ, бу ажсал битган қазо ўтти.

Нафас беёди Ҳақ ҳеч аввалу охир чиқмади асло,
Оғир беморликда бўлди доим зикри шул Мавло,
Қилиб тоат ўзига бу риёзат буржсида танҳо,
Кўнгилда зори ажзи, кўзда ёши ул сири уқбо,
Сафар айлаб на қилсун бандалик дорул ало ўтди

Сана тўқсон учинчи зул-қаъда ҳижрий ойи,
Куни сешанба эрди тўққизид асли ҳисоби,
Ки етмиш учинчи декабр ойи мелодий,
Тўртида мақсада кетти етиб маргини жоми,
Бақо мулкига ориф кўксимиз айлаб яро ўтти.

Хабар берди шу Баҳрий марсия айтиб вафотидан,
Битиб қозозга ҳарфини бу мувашишаҳ асли отидан,
Фақиру бебизоат асли камтар бу сифотидан,
Дуода ёд этайлик руҳи покин асли зотидан,
Бизи ташлаб дариго кўз юмиб, дорул бақо ўтти.

Маҳмуджон домла Ёзёвоний аллома вафотидан кейин у зот қалам ва дафтарлари номидан қуйидаги марсияни ёзганлар.

**Охундадамдан бизга қолган табаррук қалам
ва дафтарлар тилидан**

Жудоликдан қалам варақ уза бошин қўйиб гирён,
Ёриб бошин қаро қон йиғладиким, ўртади ҳижрон,

Варақ титраб тутиб мотам, қаро суртиб юзига,
Қаро кун тушиди деб бошга қилиб мушкин паршишон.

Қалам тўхтаб йиғидан мадори қолмайин охир,
Тушиб бирён варақ бечора ҳам ҳайрон бўлиб бирён.

Рафиқ эрдик на ерга борсалар биз ҳам саёҳатда,
Ёнидан қолмайин бирдам қаерда бўлсалар меҳмон.

Бизи ҳайрон қилиб ташлаб кетиб, борган ерин айтмай,
Аларда бўлдим нисён ва ё бизлардами нуқсон.

Мани қўлга олиб дафтар юзинга эмди ким боқғай,
Юзинг ёпгил, манам бошим олиб энди бўлай пинҳон.

Мени тутган сенга боққон кишиларга эрурмиз ҳайф,
Назм майдонига ҳаргиз алардек келмагай инсон.

Қалам-дафтар фироқида деди бир-бирга ҳолини,

Жудо бўлгач висолидан менга бўлди жаҳон зиндон.

*Вафоти таърихи Мажруҳ йиғламоқ риё бўлди,
Гуноҳинг беададдир ўзинга йиғлагил чандон.⁴⁹²*

⁴⁹² Мажруҳ Ҳакирул ибод Ёзёвоний. Қўлёзма. 126-27 б.Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ЗИЁРАТГОҲИ

Ушбу ўринда Абдуссамад Охунд дада дафн этилган Марғилондаги Хожа Порсо зиёратгоҳи ҳақида тўхталиб ўтсак. Хожа Муҳаммад Порсо зиёратгоҳи Марғилон шахрининг Хожа Порсо маҳалласида жойлашган.

Маълумки, тасаввуф тариқатининг Нақшбандия йўналишининг йирик вакилларида бири бу Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорий эдилар. У зотнинг исм-шарифлари Абдурахмон Жомий “Нафоҳот ул-унс” номли асарида кўрсатишича, Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорийдир. У зот 1348 йилда Бухорода туғилган бўлиб, “Тухфат уз-зоирин” да келтирилишича Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиси сирруҳу) нинг иккинчи халифалари бўладилар. “Порсо” у зотнинг лақаби бўлиб, буни Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари берганлар. “Рашаҳот” муаллифи бунинг тафсилотини куйидагича баён қилади:

*“Муҳаммад Порсо кўчада мунтазир ҳолда турардилар. Ногоҳ ичкаридан Ҳазрати Хожса (Баҳоуддин) нинг ходимлари чиқиб қолди. Ҳазрати Хожса ходимдан: “Кўчада турган ким?” – деб сўрадилар. “Бир порсо (диндор) йигит турибди”, деди ходим. Ҳазрати Хожса таишқарига чиқиб, Хожса Муҳаммадни кўрдилар ва унга: “Сиз порсо экансиз”, – дедилар. Шу кундан бошлаб эл орасида у “Порсо” лақаби билан машҳур бўлиб кетди”.*⁴⁹³

Хожа Муҳаммад Порсонинг Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган ўзаро муносабатлари шу даврда яшаган Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» номли асарида мукамал баён қилинган. Баҳоуддин Нақшбанд ўзларининг бу шогирдига катта умид билан қараганлар ва унинг тарбиясини ўз назоратларига олганлар.

“Рашаҳот”да Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини Хожа Муҳаммад Порсога таважжухлари воқеаси куйидагича келтирилади:

⁴⁹³ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил хаёт... 86-бет.

“Ҳижоз йўлида Хожаси Бузруг (Баҳоуддин) касалга чалиндилар ва васиятлар қилдилар. Шу аснода дўстлар ҳузурида Хожаси Муҳаммад Порсога юзланиб: “Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заиф (Баҳоуддин) га нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаху халқига еткиз”, дедила».

Бу ҳақда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да шундай ёзади: “Улуғ Хожанинг кибор асҳобидиндурлар ва Ҳазрат Хожаси алар ҳақида буюрибтурлар ва ўз асҳоби ҳузурларида аларга хитоб қилибдурларки, ҳаққа ва амонатеки, Хожалар хонадони хулафосидан бу заифга етибдур ва ҳар не бу йўлда касб қилибдур борини сизга топширдик...”⁴⁹⁴

Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиси сирруху) вафотлари олдидан Хожа Муҳаммад Порсонини ўз ўрнига тайин қилганларини Хожа Али Домод қуйидагича тавсифлайди: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин охириги беморликлари пайтида ҳозирги жасадлари ётган қабрни қовлашга буюрдилар. Қабрни қовлаб бўлиб, уларнинг ҳузурларига келдим. Ўзларидан сўнг иршод ишига кимни буюрар эканлар, деган фикр кўнглимдан ўтди. Улар тўсатдан менга ўгирилиб: «Ҳижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин», дедилар».

Шарофуддин Роқимий ўзининг “Тарихи томм” асарида Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида: “Уламолар мурожаатгоҳи, фақиҳларнинг пушту паноҳи, авлиёлар муқтадоси, шамс ул-миллат вад-дин Хожа Муҳаммад Порсо номи билан маъруф Муҳаммад ал-Ҳофизий ал-Бухорий дейилади. Унинг тоати домани, ибодати саждагоҳи безубор ва покдир. Унинг сийнаи оинаси агёрлар губоридан софроқдир. У Хожаси Порсо номи билан машҳурдир. Шохрух Мирзо салтанати замонида фохирайи Бухоро вилоятида тоат саждагоҳини ёйиб, авлиёлар тариқини равшан ҳидоятига айлантирди. Матонат йўли роҳнаймоларини сироти мустақим

⁴⁹⁴ Алишер Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”... 134-б.

даражасига етказди...” дея ул зотни темурийлар даврида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтади.⁴⁹⁵

У зот форс-тожик, араб тилларида бир неча асарлар ёзганлар. Хожа Муҳаммад Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва у зотга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир. Катта ҳажмга эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасида қўлланма сифатида фойдаланилган. Асар бир неча марта чоп этилган.

Ўтмишда шариат, тариқат ва фирқалар тўғрисида қандайдир баҳс туғилиб қолса, албатта “Фасл ул-хитоб”га мурожаат қилиб, Хожа Порсонинг фикрини хужжат сифатида кўрганлар ва унга суянганлар. Мазкур асарнинг мундарижаси билан танишиб чиқишнинг ўзи асарда муҳим масалалар кенг ёритилганлигидан гувоҳ беради. Асар 494 та масалага бағишланган бўлиб, бу масалаларнинг ҳаммаси исломда баҳсли ҳисобланган ва Хожа Порсо бу масалаларни турли асарларга суянган ҳолда ечиб берган.

“Рисолаи қудсия” асарлари эса пирлари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини шарҳлашга бағишланган. Бу калималар Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз оғзидан эшитилган бўлиб, Муҳаммад Порсо уларни жамлаган. Бу ҳақда ўзлари шундай дейдилар: *“Бу сўзлар (уларнинг) муборак оғизларидан чиққан сўزلардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда... бу қудсий калималардан баъзиларини садоқат ва иродат юзасидан табарруқона ва иршод сифатида қаламга олиб юрарди”*.

Хожа Муҳаммад Порсо икки марта ҳаж сафарини адо этганлар. Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд билан, кейин 1419 йили Бухородан Термиз, Балх ва Ҳирот орқали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб бордилар. Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб 72 ёшларида вафот этадилар. Амир ул-мўъминин Аббос (розияллоҳу анҳу) мақбараси ёнига дафн этиладилар. Шайх Зайниддин ал-Хавофий Мисрдан тарошланган оқ тош келтириб, у зот қабрига қўяди.

⁴⁹⁵ Шарафуддин Роқимий. “Тарихи Томм”. Тошкент, «Маънавият». 1998, 28-б.

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, Хожа Муҳаммад Порсонинг асл қабрлари Мадинададир. Бироқ маҳаллий аҳоли ул зотни муборак қадамлари етган ҳудудларда Хожа Муҳаммад Порсога атаб зиёратгоҳлар барпо этганлар. Бунинг сабаби Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг “Кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин” деган сўзлари асос бўлган кўринади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Хожа Муҳаммад Порсо номи билан зиёратгоҳлар Бухоро шаҳрининг Хожа Порсо маҳалласида⁴⁹⁶ ва қўшни Тожикистоннинг Панжикент туманидаги Мағиён қишлоғида жойлашган.⁴⁹⁷ Ушбу зиёратгоҳларнинг барчаси тадқиқотчиларнинг фикри бўйича рамзий мазорлардир.

Марғилон шаҳридаги зиёратгоҳни ҳам маҳаллий аҳоли Хожа Муҳаммад Порсонинг қадамжолари дейдилар. Нақл қилишларича ул зот Марғилонга тез-тез келиб турганлари сабабли ҳам Марғилон халқи у кишига атаб қадамжой сифатида мазор кўтарган. Ул зот номи билан боғлиқ зиёратгоҳни айнан Марғилонда мавжудлигининг сабаби бу ерда халифа Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) нинг авлодлари билан боғлиқ Пури Сиддиқ зиёратгоҳининг мавжудлиги бўлиб, бу у зотни бу ерга зиёратга келишларига етарли сабаб бўлган бўлса керак. Зеро, Хожа Муҳаммад Порсо ва у зот авлодлари ҳам Сиддиқийлар сулоласининг вакили бўлиб, улар ҳам ота томонидан Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) нинг авлодлари саналган.⁴⁹⁸ Шундай экан, Хожа Муҳаммад Порсо ҳазратлари ҳам ўз авлодларига эҳтиром сифатида Марғилонга келишлари эҳтимолдан холи эмас.

Ҳозирда бу ерда махсус ихота ичида етгита қабр мавжуд бўлиб, улар Хожа Муҳаммад Порсо ва Шамси Табризийнинг рамзий қабрлари ва Мирҳайдар домла Толий, Мирхалил домла Бухорий ва уларнинг оналари Биби Оиша, Нуриддин маҳдум ва Абдуссамад Охунд даданинг қабрларидир.

⁴⁹⁶ Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. Бухоро, “Бухоро”. 1997, 87-б.

⁴⁹⁷ Ҳамза Камол. История мазаров Северного Таджикистана. Душанбе, Деваштич. 2005, С.125.

⁴⁹⁸ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. “Абдуллонома”. Тошкент, 2000. 206-б.

Мозор 1936 йилда (баъзи маълумотларда 1955 йилда) бузиб юборилган ва шундан сўнг узоқ вақтгача тикланмай турган. Ўтган асримизнинг ўтгизинчи йилларигача бу ерда катта масжид ва Хожа Порсо номидаги мадраса фаолият олиб борган. Мадраса дахма, хонақоҳ, айвондан иборат мажмуа мажмуа саҳнида ҳовуз ҳам бўлган. Мажмуанинг ўнг томонида мактаб бўлиб, унда 50 нафар талаба ўқиган. 1929 йилда мактаб беркилган ва мадраса бузиб ташланган.

Мадрасада Тожи қори, Жамол қори домла, Мулла Музаффар охунд, Тўқсонбек ҳожи ва мулла Зуннун ва мулла Муҳаммад Мусо эшон каби домла ва мударрсилар тариқат шайхи Мирҳайдар домла бошчилигида фаолият олиб боришган. Бу ердаги қорихонада таълим олган талабалардан Маҳмуд қори, Жамол қори кабиларнинг номини келтириш мумкин. Марғилонлик буюк аллома Холмуҳаммад қори домла ҳам талабалик пайтларида шу ерда истиқомат қилганлар.⁴⁹⁹

Мадраса ўз нуфузи билан бошқа мадрасалардан ажралиб турган. Мадраса қошидаги мактабга «илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини беришлари» таъкидланган. Бу ҳақда Алишер Ибодиновнинг шундай келтиради:

*«...Домла Мирҳайдар Марғилондаги илгор усулда дарс берадиган билимдон муаллим сифатида донги кетган одам бўлган. Илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини айни шу мактабга берганлар».*⁵⁰⁰

Биз 1996 йилги изланишлар чоғида биз мазкур мадраса талабаларидан марғилонлик Мадаминжон қори ота Муҳиддин ҳожи ўғли билан суҳбатлашган эдик. Суҳбат давомида ҳожи ота мадраса билан боғлиқ хотираларини қуйидагича эслаган эдилар: «Мадраса мударриси мулла Эгамберди домла эдилар. Биз шу зотда 7-8 ёшимизда таълим олганмиз. Тожи қори домла эса бу ерда Қуръондан таълим берар эдилар...»

Ҳозирда зиёратгоҳ шарқона услубда қайта тикланиб, халқимизнинг табаррук гўшаларидан бирига айланган.

⁴⁹⁹ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. “Насаб”. 96-б. Мазкур қўлёзма ҳозирда аллома авлодлари қўлида сақланади.

⁵⁰⁰ Алишер Ибодинов. Қўрбоши Мадаминбек. –Т.: «Ёзувчи», 1993.15-б.

ХУЛОСА

Аллоҳнинг марҳамати билан “Марғилон алломалари” рукни остида чоп қилиниши бошланган китобнинг иккинчи қисми билан ҳам танишишга муяссар бўлдик. Китоб билан танишиш бизга Аллоҳнинг марҳамат назари тушган юртимизга, унинг ҳар бир қарич тупроғига нисбатан эҳтиромимизни том маънода зиёда қилганини эътироф этамиз. Ҳа, жаннатмакон юртимиз бежиз алломалар юрти деб аталмаган. Энг қизиғи, бу шараф унинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғини, ҳар бир овул ва дарасини, аниқроқ айтганда, унинг ҳар бир қарич тупроғини четлаб ўтамаганида.

Маълумки, водий шаҳарлари орасида Марғилон ҳудуд жиҳатидан унча катта жой эгалламаган, лекин унча катта бўлмаган бу шаҳарнинг илм-маърифатдан улуш олишда қулочи жуда катта бўлган. Мазкур насиба бугун унинг аҳлига доимий шараф бўлиб тушгани ҳам аниқ. Зотан, муносиб фарзанд туғиб тарбия қилган, уни эл-улус хизматига камарбаста қила олган ҳар бир она ҳамиша эъзозга лойиқ бўлганидек, бағридан дунёга устоз бўлгудек буюк алломаларга жой берган манзил-маконлар ҳам эҳтиромга сазовор. Муҳтарам Президентимиз Марғилон шаҳрига таъриф бера туриб: “Марғилон Фарғона шаҳрининг марвариди”, деганларида минг қарра ҳақ гапни айтганларига эканларига китобда келтирилган мисоллар катта исботдир.

Унинг ютуқларидан бири маънавий камолот ҳосил қилиш учун кишида катта ҳиммат ва ғайрат бўлса, унга бирор бир воқеълик ёки ташқи муҳит таъсир ўтказа олмаслиги, комилликка интилган кишининг йўли доимо очиқ экани каби ҳаётий бир хулосани исботлаб беришидир. Чунки китобда тилга олинган қатор воқеа қаҳрамонлари бундан минг йиллар олдин, масалан Шарқ Уйғониш даври, ёки илм-марифатга ҳомийлик қилган хонлар ва сулолалар ҳукмронлик қилган давр кишилари бўлмай, яқин ўтмишимизда, аниқроғи, яқин ўтмишнинг маънавий қарахтлик ва эркисизлик ҳукмрон бўлган энг аянчли даврининг кишилари эканидир.

Энг қизиғи, уларнинг шундай танг ва тор даврда яшаган бўлишларига қарамай, доим ёруғ кунлар умидида, келиши кутилаётган нурли замон орзусида яшаганлари ва ўша кунлар учун хизмат қилиб кета олганларида. Бу уларнинг олийжаноб кишилар эканининг аломатидир, зеро эртанги кунга умид, келажак авлод маънавий тақдири учун масъуллик ҳисси олий ҳиммат кишилардангина содир бўлади. Улар ўзлари ва ўзларига қарашли кишилар маънавий тақдирининг ташвиши билангина яшаб ўтганида ҳам эҳтиромлари вожиб саналар эди. Чунки айна пайтда ўз соғлом эътиқоди ва покиза ақидасини мусаффо сақлашдан ожиз бўлган кишилар ҳам хоҳлаганча топилган. Лекин улар атрофидаги кишиларнинг маънавий тарбияси учун ҳам ўзларини масъул билиб, мавжуд ижимоий-маънавий ҳаёт мўътадиллигига сезиларли даражада таъсир ўтказа олганлар. Мазкур жиҳатларга алоҳида урғу берилиши эса китобнинг фарзандларимизни маънавий камолот йўлида жидду жаҳд ва ғайрат қилишга ундовчи экани билан аҳамиятлидир.

Мазкур алломаларни маънавиятни шакллантириш, илм-маърифатни ёйиш йўлидаги хизматларидан ташқари, оддий инсон сифатида ҳам намунали кишилар бўлиб ўтгани китобнинг алоҳида тилга олинадиган жиҳатидир. Хусусан, китоб қаҳрамони Абдуссамад Охунд Қоил Марғилонийнинг ҳаёти ва фаолияти бу соҳада бетакрор ибрат ва намунадир. Қолаверса, асарларида олға сурилган ҳалоллик, поклик, тақво, камтарлик, бағрикенглик, ота-онага ҳурмат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш каби кўплаб умуминсоний қадриятлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, китоб яқин ўтмишимизда Марғилонда яшаб, буюк маънавий меросимизнинг асосини ташкил этувчи муқаддас динимиз, умрбоқий қадриятларимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш йўлида хизмат қилган буюк аждоларимиздан бирини кашф қилиб бердики, бу келгуси авлодлар учун бебаҳо мерос бўлиб қолади. Фарзандларимиз яқин тарихимизда яшаб, дину миллат равнақига хизмат қилган, бугунги ёруғ кунлар умидида фаолият олиб борган аждодларидан бирини

яқиндан таниб, уларнинг барҳаёт таълимотига амал қила бошлайдилар. Энг асосийси, китоб орқали аллома гўё яна ҳаётимизга кириб келиб самимий панд-насихатлари билан бизни мудом эзгуликка чақириб туришидадир.

БАЎЗИ ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ

ҒАЗАЛЛАР

*Эй азал, айни вужудингга назардин безиё,
Вей абад, нисбат таманно айламоқ бирлан адо.*

*Васфи амкон⁵⁰¹ ибтидо айлар вужудингдан зуҳур,
Кўрмагай чашми абад зотингдан ўзга мунтаҳо.*

*Ҳамдинга зокир забон янглиғ вужуди коинот,
Эътирофи ажз ила изҳори “Ла уҳсий сано.”*

*Жавҳари аъёни амкон шоҳиди файзи вужуд,
Талъати шамс машиийатдин асар арзу само.*

*Наиғу ирфонидиндур дийдасини ташламоқ,
Ажзини оинаси бирлан боавжи кибриё.*

*Тарки шакво кўрсатур собир саботидан нишон,
Айламак тарки сахат, тарки сахат айну ризо.*

*Истидомат рутбайи ирфониди топса агар,
Сирри орифга қилур изҳори ваҳдат инжило.*

*Зоҳиру ботин тагайғур топмаса таслим эрур,
Ҳарна рў верса қадардин анга тақдиру қазо.*

*Лафзи гавҳар гавҳар ўлмаз то муяссар ўлмагай,
Олмагай ҳукми вафони Қоилий қовли вафо. (3-б)*

⁵⁰¹ Баъзи нусхаларда “имкон” терзида берилган.

Ё Раб

*Илоҳо қил карам, ҳоли паришон бандаман, ё Раб,
Хатокору саропо айбу нуқсон бандаман, ё Раб.*

*Кангулда ранг-баранг нақши ҳаваслар жилвалар айлаб,
Ҳаёли зиндагони бирла ўтгон бандаман, ё Раб.*

*Ҳаловат тоатимдан зарра-зарра ҳосил ўлмайдур,
Ҳамоноки, риё бодига ботгон бандаман, ё Раб.*

*Нечук андишалар бирлан ўтибдур моҳ ила солим,
Ҳаёлимга келиб андин уялгон бандаман, ё Раб.*

*Ғубори дилни пок этмак керак эрди назаргоҳинг,
Қабули халқ учун зоҳир тузатгон бандаман, ё Раб.*

*Экан андишайи нафъу зарар васвоси шайтоний,
Анингчун лаззати тоат йўқотгон бандаман, ё Раб.*

*Иморат орзуси боғу роғ андишаси бирлан,
На эрди тўшайи уқбо унутгон бандаман, ё Раб.*

*Манга аҳлу аёлим тарбият қилмоқ керакдур деб
Ҳаётин фикри нон бирлан тугатгон бандаман, ё Раб.*

*Дилимга ҳасрати уқбо узоқ муддатда бир келгай,
Ҳама омим гами дунёга тортгон бандаман, ё Раб.*

*Эрусан Қоили “ла тақнату мин роҳматиллоҳ” ни,
Агар чандики хатоларга ботгон бандаман, ё Раб.*

Ё Раббано

Дегай кўнглида мўмин доимо ё раббано, ё Раб,
Забони таржимон янглиғ бўлур анга гуво(ҳ) ё Раб.

Адамдин кулли ашённи зуҳури сангадур тасбеҳ,
Амалда нафси аммора қилур аммо хато, ё Раб.

Иноят айладинг "ло тақнату мин роҳматиллоҳ" деб,
Агарчи гарқи исёндуру қилур банданг ражо, ё Раб.

Кафи ҳокига лутфинг маърифат нурин насиб этди,
Умид улким, қилурсан охири авфу ато, ё Раб.

Агар тўлдирмасанг сан тўлдиролмас косасин ҳеч ким,
Карам қилсанг бўлур ҳосил тамоми муддао, ё Раб.

Ҳидоят қилмасанг илму амал бирлан тополмас йўл,
Адашмас ҳар кишига бўлса тавфиқинг ҳудо, ё Раб.

Гулистони талаб очилди "удъуу роббакум" бирлан,
Тазарруълар билан айлай дуо шому сабо, ё Раб.

Асири нафс била шайтон бўлуб, ҳоли паришонман,
Илоҳо қил карам, сандин бўлак йўқ муттако, ё Раб.

Гуруҳи "явма табяззул вуҷуҳ" аҳли билан келтур,
"Ватасваддул вуҷуҳ" аҳлида қилма рўсиё(ҳ), ё Раб.

Ироданг кетти келдик биз адамдин базми амконга,
Кетарда қилмагил Қоилни бахтини қаро, ё Раб. (5-б)

Мусулмондур

*Худони бир Расул барҳақ дегон инсон мусулмондур,
Аний кори ибодат эжинсидандур нури имондур.*

*Саломат сақласа иқрору тасдиқи билан борса,
Саодат аҳлидан маҳшар аро ул аҳли бурҳондур.*

*Керак ҳар кимсани таврига лойиқ саъй дунёда,
Мусулмон бандани кори ҳамиша хайру эҳсондур.*

*Ҳаётинг борича эй банда, Ҳақ амрига сун бўйнинг,
Ҳазар қилгил ҳавою кибрдан дининга нуқсондур.*

*Ишонмай ақлу фаҳму донишинга сан таваккул қил,
Худовандим тамоми кори боринга нигоҳбондур.*

*Вужудин қалъасига ҳар кишидур посбон янглиг,
Сўралгай рўзи маҳшарда гадодур хоҳи султондур.*

*Кироман котибинлар хайру шаррингни битиб тургай,
Назар аҳволинга инсоф қилгил кўп паришондур.*

*Тилаб тавфиқ Ҳақдин истиқомат шаръийда қилгил,
Муяссар айласа шояд тамоми кор осондур.*

*Ризои Ҳақни излаб ломакон сайрини ахтаргил,
Талаб қил рутбайи аъло санга эй банда ирфондур.*

*Бу гулиан сайридан албатта ибрат мевасин тергил,
Боқарсан гафлат ила жилваийи шират намоёнду. (б-б)*

*Скандар бахтидан борму асар, Жамшид тахтидан,
Кетар Кайхисраву Парвез бўлсин, хоҳ Хоқондур.*

*Баробардур ажсал наздида Баҳрому Фаридуни,
Таҳамтан Рустаму Золу агар Сому Наримондур.*

*Билинлар афзалият маъниси аъмоли хайр ўлгай,
Савоби кимни кўп бўлса Худо наздида инсондур.*

Қилиб тоатни файзини риё бодига топшурма,

Қабули халқ учун қилган ибодат барча хусрондур.

*Тилингни сақла мардум гийбатига айлама одат,
Ибодат қалъаси гийбатни тоши бирла вайрондур.*

*Табассум бирла зиҳқ, аммо қилурсан озу андақ қил,
Биродар қаҳқаҳа албатта қилма феъли шайтондур.*

*Қилур изҳори Ҳақ бўлсанг насиҳат йўлидан қилгил,
Ҳавойи нафс ила бўлган суханлар кизбу бўҳтондур.*

*Қилур хавфим мани Қоил, хатодин ўзга корим йўқ,
Ражо “ло тақнату”дан айларам гуфрону ризвондур. (7-б)*

Жаҳон

*Жаҳон дорул фано деб эй биродар, эътиқод айланг,
Бақо мулкини обод айламоқга эътимод айланг.*

*Адо қилмай тамоми умрингиз ҳою хавас бирлан,
Топарсиз Ҳақ ризосин нафсингиз билан эсиҳод айланг.*

*Ризойи Ҳақни ахтаргон ҳазин диллардан ахтарсун,
Қаерда кўрсангиз кўнгли синуқ инсонни шод айланг.*

*Агар халқ ичрадурсиз зулму тугёндан ҳазар айлаб,
Эрур бегонаю хоҳи ошинодур адлу дод айланг.*

*Риёу ужб ила кибру ҳаво шайтонни феълидур,
Ризойи сабр ила таслим бирлан Ҳақни ёд айланг.*

*Юҳиббул муҳсинин деб Ҳақ таоло ёзди Қуръонда,
Нечукдур маънойи эҳсон билурни истифод айланг.*

*Амалда бўлса ихлоси анга қурбат бўлур ҳосил,
Топарсиз файзини тақво тариқи бирла зод айланг.*

*Агар қадрига етса, ҳар нафасдур донайи гавҳар,
Будур сармойи тоат, ибодатни зиёд айланг.*

*Чиқар тоатларинг зимнидан андишайи дунё,
Таваккулга буюрган амри Ҳаққа инқиёд айланг.*

*Ризойи Ҳақ ибодатдур, хилофи нафс ўлур тоат,
Ҳақиқатга келиб Қоил, талабда ижтиҳод айланг. (8-б)*

Санго

Биларсанму биродар қайсидур асли ватан санго,
Ватанга охири қайтарда бергон пираҳан санго.

Назар қил зоҳир ашғега кўз гафлат билан очма,
Насиҳат айламини ҳоли билан Вайсул Қаран санго.

Басират қувватидан сўр надур Фарҳод ила Ширин,
Қилур андак ҳавас нафсингни гўё кўҳқан санго.

Агар мақсуди аслийга муҳаббат бўлса билгайсан,
Бўлур то етмагунча бу жаҳон баётул ҳазан санго.

Қилиб хизмат агар юз йил тузатсанг айини дунёни,
Кетарда музди хизмат деб берур бўздин кафан санго.

Ҳаётинг маркаби борича сайри ломакон қилгил,
Омонатдур берилгон неча кунлик бу бадан санго.

Ризои Ҳақ сари нафсингни бошласанг юрар аммо,
Ҳавога бошласа бўйнунга чулгайдур расан санго.

Ўзинг бирлан чиқар созинг сафар даркор бўлмайдур,
Бўлур суҳбат билан узлат баробар анжуман санго.

Қаноат мулкида қилсанг ватан, бўлгай ҳузурингда,
Ҳамиша Андижону, Марғилон, Тошкан санго.

Агар ибрат билан қилсанг назар ваҳдатни файзидур,
Қилур минг наишға ҳосил эй биродар бу чаман санго.

Тааммул бирла бўлгил, айлагон баҳсу жавобингда,
Адоват боиси Қоил, жадал қилган суҳан санго. (9-б)

Охир

*Тузатгил дилда асроринг бўлур андин асар охир,
Талаб қил ҳожатингни Ҳақ таолодин берар охир.*

*Халойиқ нафъини ахтар, зарар андишасин қилма,
Макони осмон ўлди сочиб нурин қамар охир.*

*Қўярларму гурури вақтида кесмай шажарларни,
Жаҳонда пойдор ўлмакга боисдур самар, охир.*

*Гуноҳинга туриб йиғлаб, саҳарларда надомат қил,
"Золамно роббано" бизларга мероси падар, охир.*

*Адамдин базми амконга зухурингдан на мақсаддур,
Эшитгайсан Худо Қуръонда бергандур хабар, охир.*

*Қабул истар эрсанг тақво тариқишла қадам қўйгил,
Қилур тоатларингни назди Ҳақда мўътабар, охир.*

*Жаҳон айиши суруридин табассум қадри кам эрмас,
Кетиб ифротига гулгунча янглиз верма сар охир.*

*Қаноат бирла ўлтиргил, таваккул бирла йўл юргил,
Рафиқ ўлма тамаъ бирлан қилур ул дарбадар, охир.*

*Ҳама ҳожатларинг канзи қаноатда муҳайёдур,
Сани бу ташналаб ҳирсинг югуртар баҳру-бар, охир.*

*Агар нафсингни райига қараб қўйсанг қадам элтар,
Тариқи каъбани ташлаб сани то Қашгар, охир.*

*Хатолар Қоилий "ла тақнату мин роҳматилло"дин,
Умид айлар Илоҳо айлагайсан коргар, охир. (10-б)*

Кечмагунча

*Худога кечмагунча нафсидан тоат қилолмайдур,
Очиқдур чаими худбини ҳақиқатни кўролмайдур.*

*Етар аҳли тажарруд кўз юмиб очгунча манзилга,
Ҳаво бор гар ани бирла йўл юргон етолмайдур.*

*Халойиқ ошу нониға кўнгилни боғлагон зоҳид,
Тамаллуқдан риёдан холий бир сўз деёлмайдур.*

*Ғазаб ўртоға кирса ҳар ду жониб бўлса аллома,
Ўғурлар фаҳмини шайтон муродини билолмайдур.*

*Ишонса илмиға тоатлариға эътимод этса,
Ҳамиша нафсу шайтони биландур ажраёлмайдур.*

*Таваккул айлагон тафвиз қилгон марди Ҳақларни,
Яқиниға ани шайтон топиб фурсат, келолмайдур.*

*Ҳидоят айлаган қулларни тавфиқи рафиқ ўлса,
Кириб шайтон дилиға фаҳми бежо ташлаёлмайдур.*

*Агарда пайрави суннат қўлида урвайи вусқо,
Ҳужум этган билан шайтон хатоға бошлаёлмайдур.*

*Ҳаво-у кибр индаллоҳ, ёмондур барча бутлардан,
Чиқиб бу пардадан уқбо йўлиға ишлаёлмайдур.*

*Ризо имонни нуридур, тамаъ тугён губоридур,
Яқин оинасиға боқмагунча ажратолмайдур.*

*Агар инсоф ила оинайи ажзига боқмайдур,
Жаҳонда ҳеч ким нуқсонига Қоил бўлолмайдур. (11-б)*

Йўқдур

Ҳаво саҳросидан ахтарма сайдингдан асар йўқдур,
Зироат айлама зойеъ ўлур, охир самар йўқдур.

Ризо майдонида собит қадам бўл, кўрсатиб жавлон,
Агар минсанг тамаъ отига сандек дарбадар йўқдур.

Гуноҳларга надомат йўқ, ҳаловатлик ибодат йўқ,
Азиз умринг бу янглиг ўтса сандек дардисар йўқдур.

Худо амрини ахтарган, гуноҳдан ижтиноб этган,
Кишидан бу жаҳон ичра биродар хўбтар йўқдур.

Адо қилсанг ҳаётингни ҳама нафсинг ризосига,
Биродар ўйлагил, мундан сенга ортиқ зарар йўқдур.

Муридони риёларга нифоқ аҳлига мойилсан,
Таваккул маънисидан беҳабарсан, ўргатар йўқдур.

Таваккул маъниси – ушлаб хунар Ҳақдан талаб қилмоқ,
Таваккулдир, таваккулмас агар санда хунар йўқдур.

Жаҳон ашёнларини хусни қубҳи, хайр ила шарри,
Эмасдур беирода зарра янглиг беқадар йўқдур.

Кўзинг юмсанг томошодан фазойил ҳосил ўлгайким,
Улуғ саҳро, анингдек шарқу гарбу баҳру бар йўқдур.

Умид улким, кечарсан саҳву нуқсонни хатосини,
На бўлгай маънийи гуфрон агар Қоилда шар йўқдур.(12-б)

Ибодатдур⁵⁰²

*Таваккул бирла бўлсанг ҳарна қилгонинг ибодатдур,
Ҳарис бўлсанг биродар голибо коринг хиёнатдур.*

*Ҳавойу нафс учун босган қадамларни билинг зафлат,
Ризойи Ҳақ учун гарчанд одат ҳам саъодатдур.*

*Агар чашми ҳавас бирлан боқарсан тангдур дунё,
Қаноат оламига қил назар мулки фароғатдур.*

*Ҳама корингни ифроти билан тафритига кетма,
Сиротул мустақим узра қадам қўйган саломатдур.*

*Жаҳон кайфийятини аҳли ирфондан бўлак билмас,
Ғамингдан нашъалар ҳосил, нашотингдан хижолатдур.*

*Тилингдан ташила гийбат дилда ҳам ҳиқду ҳасад қилма,
Ёмонлик яхшиликлар айламак нафсинга одатдур.*

*Ҳазар қилгил сабабсиз етмасун озор мардумдан,
Даво кор айламас қўйсанг тузалмас бир жароҳатдур.*

*Қилур изҳори Ҳақ бўлсанг насиҳат йўлидан қилгил,
Агар шайтонни илқоси билан қилсанг, адоватдур.*

*Ўзинга манфаат жалби зарар дафъин раво кўрсанг,
Бировга инчунун кўргилки бу ҳукми диёнатдур.*

*Ғараз уқбони файзини жаҳонда изласанг Қоил,
Топарга айламак шаръи набийда истиқоматдур. (13-б)*

⁵⁰² Китобхонларга қулайлик бўлиши учун асл нусхада сарлавҳа қўйилмаган ғазалларга шартли равишда мазмунига мувофиқ сарлавҳалар қўйилди.

Қилгил

*Биродарлик кишига айласанг иймон учун қилгил,
Ани роҳатларини тонгла кўргай, жон учун қилгил.*

*На қилсанг халқ ичинда ошино бегона фарқ этмай,
Санга Тангри буюрган адл ила эҳсон учун қилгил.*

*Қилурға имтисоли “анфиқу мимма розақнакум”,
Берурда ошу нонинг айлагон фармон учун қилгил.*

*Ҳама исломийларни бир-бирига иттифоқ айлаб,
Алар ислоҳини Қуръонда буюрулгон учун қилгил.*

*Агар гафлат билан юрсанг қилур қалбингда жавлонлар,
Худони зикрини қайтаргали шайтон, учун қилгил.*

*Туриб вақти саҳар бедор бўлгил хоби гафлатдин,
Надомат бандаликда айлаган нуқсон учун қилгил.*

*Биродар луқмани дому ҳасад йўлидан ахтарманг,
Қилиб касбу ҳалолингдан егайсан нон учун қилгил.*

*Уруздур луқмалар монанди фикринг меваси бўлгай,
Чиқар дарё масаллик гавҳари маржсон учун қилгил.*

*Ҳарому шубҳалик бўлса тугилгай жаҳлу гафлатлар,
Мабодо бўлмагай ул боиси тугён учун қилгил.*

*Ҳалолу тоййиб ўлса илму ҳикмат, ишқу риққатдур,
Ҳақиқат Қоилий ҳам мойили бўлгон учун қилгил. (14-б)*

Топарсан

Топарсан ҳожатингни изласанг мулки қаноатдан,
Агар қурбат талабдурсан бўлур ҳосил риёзатдан.

Тилингни сақлагил беҳудагўликдан зарар кўндур,
Ҳаловат ахтарар бўлсанг агар қилган ибодатдан.

Дилингда сақлама хиқду ҳасад, кибру ҳаво қилма,
Агар маҳшар кунинда қўрқаман дерсан хижолатдан.

Қамар янглиг агар нуринг билан олам мунаввардур,
Юмарсан чашми худбинни қутулгайсан хасоратдан.

Дилингни ўлдирур кўп қулги бирлан қовли бемаъни,
Сўзингни сўзлаганда қилма ортуқ қадри ҳожатдан.

Ҳаво бозорида юрма бўлуб гафлат харидори,
Зарардин ўзга йўқдур фойда ушбу тижоратдан.

Қараб нафсингни ройига ёмон андишалар қилма,
Шарафлар ҳосил ўлгай ҳар кишига яхши одатдан.

Талаб қил рутбайи ирфон жаҳондин жаҳл илан ўтма,
Чақиргайлар сани маҳшар куни аҳли саъодатдан.

Кўрунса ҳар кишидан хорқи одат анга хушёр ўл,
Бўлур баъзи каромат, баъзиси бўлгай қаҳонатдан.

Кишини кўнглига ҳаргиз сабабсиз етмасун озор,
Фасоди бир неча кунлар келар баъзи жароҳатдан.

Қилиб кибру ҳаво манман демак, кўнглига сизмайду,
Агар ҳар кимда бўлса заррача ваҳми қиёматдан.

Тамоми аҳли имонларга тавфиқинг рафиқ айлаб,
Ҳақиқат Қоилий қил, чиқмасун роҳи ҳидоятдан. (15-б)

Уйгон

*Саҳар зафлатда ётмай бўлгали бедор учун уйгон,
Тилингни қилгали машғули истиғфор учун уйгон.*

*Таҳажжудни давом айлар эдилар сарвари олам,
Қилурга имтисоли саййиди мухтор учун уйгон.*

*Тиловатларни қўп қилгил, эрурсан ҳофизи қуръон,
Ва илло суралардин қилгали тақрор учун уйгон.*

*Адамдан келтирурда руҳимиздан ваъда олгондур,
Вафога явму мисоқингдаги иқрор учун уйгон.*

*Ижобат вақтида зафлатда ётмасдин ибодат қил,
Савоби қабр ичинда санга бўлгай ёр учун уйгон.*

*Вафосиз лаззати дунёга мағрур ўлма, эй гофил,
Бақо мулкинда роҳатлар санга тайёр учун уйгон.*

*Очиб ибрат билан кўзни юмуб ўтгил хиёнатдин,
Боруб дорул бақода кўргали дийдор учун уйгон.*

*Қабули халқ учун қилган ибодат нархи арзондур,
Қилурсан бериё тоат баҳоси бор учун уйгон.*

*Ҳаётингни адо қилмай ризойи нафс ила Қоил,
Ризойи Ҳақни ахтармак санга даркор учун уйгон. (16)*

Чарогоҳи ҳавас

Чарогоҳи ҳавасга товси нафсингни ҳайдарсан,
Алоийқ қайдида маҳкам хирад пойини бойларсан.

Адабгоҳи муҳаббат расмидин бебахрадир кўнгил,
Боруб бу булҳавас маҳруми қурбат бўлса найларсан.

Агар ганжинайи дил гавҳари тавҳид ила тўлса,
Ҳаводислар кўрунмас ломакон сайрида яйрарсан.

Очиб чашми ҳақорат бирла инсон айбини кўрма,
Бўлуб бу боиси гийбат биродарларни чайнарсан.

Биров аҳволини сўрсанг гапирма от-эшишадан,
Дегил, эй ошино ҳолинг ибодатда қалайларсан.

Ибодат қасдини қилганда нафси саркашинг бетоб,
Белинга паҳлавонлардек камар дунёга бойларсан.

Ўралган пардаيي тиндор ила айбинг кўрунмайдур,
Бўлуб булбул бўлак инсонни нуқсонига сайрарсан.

Бўлуб сабру қароринг гуфтигў завқи билан барбод,
Бўзурсоқ декчасидек қавли бемаънида қайнарсан.

Қачон ҳосил бўлур қалбинг аро жамъияти хотир,
Ки номаҳрам юзига қайта-қайта кўзни қайрарсан.

Қилиб инсоф агар нуқсонинга Қоил келар бўлсанг,
Ҳаваслар донаси сийнангда тўпланмакда ҳайдарсан. (17-б)

Зоти Худога

*Зоти Худога бандани ҳоли ҳаволадур,
Исмат таваккул аҳлига монанди холадур.*

*Қилмак дуони жазм ила тавфиз ила савоб,
Бўлган талаб тамаъ била боис ваболадур.*

*Дил маърифат маҳали эрур бўлмасун губор,
Боис ани губориға ботил мақоладур.*

*Ҳар бир нимарса ҳосил ўлурдоми мақр ила,
Визри жазо кунигача гарданга қоладур.*

*Чашми ҳавасга Лайли эрур зийнати жаҳон,
Мажнун каби висолига шайдойи воладур.*

*Дунё талаб қилурда ҳаё қайси билмагай,
Амри Худога нафси заифанг уёладур.*

*Ҳар кимни қисматиға қараб навбати етар,
Айши жаҳонни даври мисоли пиёладур.*

*Мушкил мақоми рутбайи ирфонга етмаги,
Қоил, ҳиқду ҳасад губорини ким дилға соладур. (18-б)*

*Ҳар киши оламда ўз фаҳмиға мағрур ўтгуси,
Комронликни умиди бирла масрур ўтгуси.*

*Кимда бўлса чашми худбин анда ибрат бўлмагай,
Ул ҳақиқат сирриға бўлмай яқин, дур ўтгуси.*

*Нафсини илму амалда халқдин ортуқ кўрар,
Рутбайи ирфондан ул албатта маҳжур ўтгуси.*

*Этмаса аммора васфи нафсини лаввомаға,
Корибори барчаси охир ани гўр ўтгуси.*

*Боқмаса ашённи ҳусни қубҳиға ибрат билан,
Зоҳири бийно агарчи ботини кўр ўтгуси.*

Ҳар амал бўлса риёи халқ учундир оқибат,

Неъматин уқбонин айлаб, ул намак шўр ўтгусин.

*Бўлмасин мадҳу мазаммат халқдин андишасин,
Холисан лиллоҳ ибодат бирла муздур ўтгусин.*

*Ғарқин дунёнин губоринин гарондур кетмагин,
Ғарқин ваҳдат бўлсин дунёдан бўлиб нур ўтгусин.*

*Қилмасин зарроу сарронин қадар деб эътиқод,
Айлаган таҳқиқинда Қоил қилиб зўр ўтгусин. (19-б)*

Саҳар

Уйғониб эй банда зафлатдин ибодат қил саҳар,
Ётмагил бедор ўлуб Тангрига тоат қил саҳар.

Субҳи вақтидан бурун тургил таҳорат тоза қил,
Ҳақ каломидан агар билсанг тиловат қил саҳар.

Бу жаҳон уқбога монанди зироатгоҳдур,
Ҳосилини анда олгайсан, зироат қил саҳар.

Ёди Ҳақ бирлан бўлуб машгули истиғфор бўл,
Ёлборуб қилган гуноҳинга надомат қил саҳар.

Қабр ичинда роҳати жон бўлгуси яхши амал,
Ҳақ ризосин ахтариб андак риёзат қил саҳар.

Бир насимий гулистон файзи Ҳақдин кўзғолур,
Етса шояд завқи руҳонийга роҳат қил саҳар.

Бу ҳаётинг қалъасидан ҳар нафас хишти кўчар,
Анда ўрнига бино бўлсун иморат қил саҳар.

Мулҳиму гайбинг сени доим саъодат толиби,
Юрма ханносингни ройига хижолат қил саҳар.

Эй биродар, гийбати мардумга одат қилмагил,
Вермасун бу соиқа тоатга зорат қил саҳар.

Айламас макру фирибинг зарра ризқингни зиёд,
Ташила ҳирсингни таваккул бирла одат қил саҳар.

Хайру шарр, нафъу зарарни қил қадар деб эътиқод,
Ушбудир сабру ризо Ҳаққа итоат қил саҳар.

Ҳар сабо бечораларни кўнглини шод айлагил,
Ҳақ ризосини умид айлаб саховат қил саҳар.

Айларам “ло тақнату мин роҳматиллоҳ” дин умид,
Қоилий нуқсонини ҳам аҳли саъодат қил саҳар. (20-б)

Ғубори кибр

*Ғубори кибрдан оламда ҳеч ким пок юрганми,
Димоғи бўйи даводин бўлуб холий гафурганми.*

*Ўзини бир неча халқ ичра доно чоғлагонларни,
Қўлига ажратолмас берсангиз райҳону бурганми.*

*Худо наздида қандоқ деб гафурса ҳеч қўрқмайду,
Жаҳаннамдин қўлига ё хатти озод берганми.*

*Қилиб андак амал бирлан бўлурлар осмон аҳли,
Билолмасманки жойини тирик жаннатда кўрганми.*

*Ҳама гуфторидан бўйи тамаъ келгайки, тасбеҳин,
Тилида лафзи Аллоҳ, кўнглида нон деб ўгурганми.*

*Қабулар бўйни янглиз кўрсатур ҳар ранг найранглар,
Қаранглар ушбу мажнунни ва ё Ифрит урганми.*

*Риёу ҳилм ажратмас, надур илму амал билмас,
Аноси вақти тўлғогинда мабразда ўтурганми.*

*Асар йўқ аҳли суннатдан, ҳазар қилмайди бидъатдан,
Мадинадан Мисрға манзилини ё кўчурганми.*

*Киши озор топмасдан кетолмас рўбарўсидан,
Қилиб фавқи шабаъ доим саки нафси қутурганми.*

*Таваккул раҳбари уқбо бўлур ҳирсинг сани дунё,
Адамдин ўйла эй Қоил, сени шунга кетурганми. (21-б)*

Рўза тут

*Эй биродар, амри Ҳаққа қил итоат рўза тут,
Бандадан лозим эрур Тангрига тоат рўза тут.*

*Кеча-кундузни адо қилгил салоту савм ила,
Ҳақ каломидан қилиб доим тиловат рўза тут.*

*Тоатинг мақбул этиб Тангрим гуноҳингни кечар,
Тавбалар айлаб гуноҳингга надомат рўза тут.*

*Мағфират боби очуқ дарёи раҳматдур равон,
Қолмагил бебахра қилгил арзу ҳожат, рўза тут.*

*Нафси саркаш тутса илкингдан сени гумроҳ этар,
Йўлга солгил ўргатуб анга қаноат, рўза тут.*

*Тилни гийбатдин қилиб покиза, дилни кийнадин,
Зоҳиру ботинда бирдан қил таҳорат рўза тут.*

*Дил назаргоҳи Худодир қолмасун анда губор,
Ташлагил ҳиқду ҳасад бирлан адоват, рўза тут.*

*Хайрихоҳ бўлгил зарарни кўрма ҳеч кимга раво,
Қолмагай охир зарар қилмай хиёнат, рўза тут.*

*Ушбу кун хайру саховатлар ибодат кунлари,
Ўтмасун гафлат била бу яхши соат, рўза тут.*

*Хайр ила шарни яратди нафс ила шайтонни ҳам,
Ўргатуб нафсинга сан бир яхши одат, рўза тут.*

*Ахтариб кўнгли синуқларни топиб шод айлагил,
Солмагил инсонни кўнглига жароҳат, рўза тут.*

*Ҳақ ўзи суйган қулини қобили жаннат қилиб,
Илкига бергай ани хатти бароат, рўза тут.*

*Кофири бебахралардан қилмади хушёр бўл,
Аҳли имон айлади, аҳли саъодат рўза тут.*

Бу жаҳон дорул фанодур охираат дорул бақо,

*Мунда меҳнатдан топарсан анда роҳат, рўза тут.
Ҳар сабо бечораларни қўнглини хушнуд этиб,
Қадри тоқат айлагил Қоил саховат, рўза тут. (30-б)*

Ифтор айлагил

*Рўза тутгил субҳидан то шом ифтор айлагил,
Бошинга раҳмат сочар ҳангом, ифтор айлагил.*

*Вақти ифторингда бўл фавқи шабаъдин эҳтиёт,
Жону танга бўлгудек ором ифтор айлагил.*

*Қайтаруб бу нафси саркаш ройини қаҳр айлагил,
Бўлса шояд Ҳақ тарафга ром, ифтор айлагил.*

*Ҳаддидан ортуқча исроф айлагундек тўплама,
Айлагил бечорага инъом, ифтор айлагил.*

*Хонага ташириф этар бўлса мусулмон рўзадор,
Хулқу хуш бирлан қилиб икром, ифтор айлагил.*

*Дам била ёки дирамла халқ кўнглини шод қил,
Вермагил ҳеч кимсага дашном, ифтор айлагил.*

*Хайрихоҳлик айласанг халқи Худога доимо,
Бўлса шояд хайрият анжом, ифтор айлагил.*

*Тавба қилганлар гуноҳини кечиб Тангрим тутар,
Ҳам муҳаббат бодасидан жом, ифтор айлагил.*

*Сан тавозе пеша бўлсанг боргоҳи кибриё,
Битса шояд бандаликдан ном, ифтор айлагил.*

*Кизбу гийбатдин ҳазар қилгил савобингни бузар,
Бўлмасун савму салотинг хом, ифтор айлагил.*

*Хоҳ ўлтур, хоҳи юр Ҳақни ризоси бирла бўл,
Қилма зойеъ бу улуг айём, ифтор айлагил.*

*Луқмани ахтармагил ҳирсу ҳасад ё дом ила,
Айлагил Қоил ҳалол итъоми ифтор айлагил. (31-б)*

Келгайму

Жаҳони фонийдан кетган кишилар қайта келгайму,
Тириклар қабр ичинда на кечар ҳолини билгайму?!

Муносиб қоматиға бу ярашган зийнату зевар,
Ажалдин зилзила якбора келганда тўкулгайму?!

Тамоми кори борингни санга бир кун ҳисоби бор,
Агар лутф этмаса андин киши осон қутулгайму?!

Егилгай мўмину кофир ҳама саҳройи маҳшарға,
Саъодат аҳлидан шояд сени номинг битулгайму?!

Берулгай номайи аъмоли кофирларға чап қўлдан,
Умид улдурки имон аҳлиға ўнгдан берулгайму?!

Насиб этди кафи ҳокига каррамно либосини,
Ҳаво тирноғи бирлан қўрқаман чоки сўкулгайму?!

Чиқиб уқбо хаёлидан, кетиб ховфи маолидан,
Гаронбори гами дунё билан қомат букулгайму?!

Таваккулсиз қадам қўйма, қадардин таишқари билма,
Ирода кетмаса тадбир билан кор ўзгарулгайму?!

Қўйиб беҳудагўликни дегил лафзи шаҳодатни,
Дами охирда ҳам шояд тилинға жорий бўлгайму?!

Сўрарлар аҳли маҳшарни қўшарлар жинсига тўплаб,
Сафи мўминға Қоилни Илоҳо келтурулгайму?!(95-б.)

Ризойи Ҳақ

*Ризойи ҳақни ахтармакда озоди алойиқсан,
Агарчандики зоҳирда гирифтори халойиқсан.*

*Ризойи нафс учун бўлса ҳама коринг ҳавойидур,
Агарчанди етар илминг ба аҳкоми дақойиқсан.*

*Ўзингни билмагил ортуқ заъифу нотавонлардин,
Агарчи шуҳратинг байнал мағориб ва машориқсан.*

*Ўлумни олдида бир паиша янглиз чоғлагил ўзни,
Агар гардан кашону ҳамли шамшири ақойиқсан.*

*Ҳиёнат бирла юрсанг ҳақи мардумдан ҳазар қилмай,
Адолат вақтида маҳшарда ҳайрон даволиқсан.*

*Агар ибрат кўзи бирлан фано гулзориға боқсанг,
Бақо саҳросиға борганда Нуъмони шақойиқсан.*

*Саломат соҳилиға чиқ қаноат ришасин ушлаб,
Ҳарис ўлма гариқи баҳри дарёи авойиқсан.*

*Салафлар одатиға Қоил ўлсанг суннатин ушлаб,
Санам эй банда шояд онлара ўлсанг лавоҳиқсан. (96-б)*

Фано шомига

Фано шомига етмасдан жаҳонда бир тонг отганмас,
Ҳақиқатга назар қилган киши гафлатда ётганмас.

Камоли авжи иззат бу сародан то сурайёга,
Агар етганда ҳам оқил Худойини унутганмас.

Салоҳи аввали уммат яқину зуҳд илан бўлди,
Саодат файзини андишайи дунёга сотганмас.

Ўралган пардаи пиндор ила кўрмай қадам ташлар,
Боқиб оинаи ажзига ҳеч ким йўл йўқотганмас.

Эрур шайтони ахрас, кимки ҳақ сўздин эрур соқит,
Насиҳат айламакдин Ҳақ талабдори уятганмас.

Ҳамиша асли бемаъни сўзлар одати бўлса,
Ани нафсини билсанг лаззати тоатни тотганмас.

Илинсун мурғи лоҳути қачон дори тааллуқга,
Қўйуб пойи тажаррудни фано лойига ботганмас.

Алойиқ қайди бирлан айласа ҳирсинг сени маҳкам,
Дегилким зиндалик занжирини борму бўшатганмас.

Агарчи жамъиятда гунча янглиғ ранг бу ҳосил,
Қани бу шишани санги паришони ушалганмас.

Карамдин ноумид ўлмас, ўқуб "ло тақнату" Қоил,
Агар чанди сафи солиҳлара зоҳирда тортганмас. (134-б)

Қалъайи муғ

Асар оламга ташлаб қалъа қилган шоҳи муғлардур,
Ҳаво боди димоғида варамланган улуғлардур,

Жаҳонгирлик тақозоси билан ҳангома қасдида,
Бошига зоминийятдан кўтарган қанча туғлардур.

Бақо мулкига имон бирла борганларга тахту бахт,
Жазо куфр аҳлига армон гам бирлан тамуғлардур.

Фалак рифъат макону ости зиндон айлаган янглиз,
Жаҳаннам ичра тоғу остида ўтдан қудуғлардур.

Саодат аҳлига жаннат тамоми роҳат асбоби,
Жаҳаннам фарқи сарни қайнатур остида чўғлардур.

Хаёли шаҳвати майли табиат бирла юрганлар,
Ҳамиша эътиқоди тескари қовли дуруғлардур.

Фано гулзоридан бўйи вафо излаб машимага,
Ҳақиқат сирридан бир зарра янглиз суди йўғлардур.

Солурлар фитналар Ислому ичига ифтиро бирлан,
Алардин бузғучи ҳам ботини абтар бузуғлардур.

Ҳаё бирлан риё фарқ айламас, исроф ила эҳсон,
Аларни ёди гафлат бирла чашми юмуғлардир.

Қилиб асбоби дунё динидан нон қасдини айлар,
Вужуди макру тазвиру ҳиял бирлан тузуғлардур.

Ҳарому шубҳалардин луқмасида зарра нарво йўқ,
Ғуробу табиғий худ мурдага бўйни чўзуғлардур.

Ҳақиқатга келиб Қоил амал қил ажрини олгил,
Амалсиз голибо борган киши дасти қуруғлардур. (140-б)

МУҲАММАСЛАР

Намоз

Ҳақни фармони ўқунглар эй мусулмонлар, намоз,
Бахтиёр ўлган саодат аҳли бўлгонлар, намоз,
Эй, тамоми бандаликдан баҳра олгонлар, намоз,
Қалбида нури илоҳий жилвалангонлар, намоз,
Вақтида айланг адо, эй аҳли имонлар намоз.

Банда таслим айламак бирлан мусулмон бўлгуси,
Айлаган тоъатларидан нури имон бўлгуси,
Қабр ичинда эй биродар, роҳати жон бўлгуси,
Тонгла маҳишар халқ аро бизларга бурҳон бўлгуси,
Боиси фавзу најот, лутфу эҳсонлар намоз.

Лафзида “Аллоҳу акбар” деб агар қилса шуруъ,
Қоим айлаб қоматин хам қилиб борса рукуъ,
Зоҳири “субҳанакаллоҳумма” деб қилса хузуъ,
Ботини Ҳақ ҳайбатидан саждада топса хушуъ,
Абри раҳматдин сочар бошига боронлар намоз.

Йўқ эдук бизни адамдин келтуриб бор айлади,
Қилди бизларга карам тавфиқини ёр айлади,
Қалбимиз алҳамду лиллоҳ анга иқрор айлади,
Биз учун жаннатда роҳатларни тайёр айлади,
Мунтазир таширфингизга ҳуру гилмонлар, намоз. (22-б)

Лаззати дунёни излар нафсимизнинг одати,
Барқ янглиғдур жаҳонни айши бирлан роҳати,
Кўз юмуб очқунча фурсат комиронлик соати,
Ухламай қилмоқ керакдур Ҳақ таоло тоати,
Бу жасад ётгай бориб қабр ичра чандонлар, намоз.

Бандани тавфиқи келгай Ҳақни фазли жудидан,
Саждага бошини қўйгон гул узар мақсудидан,
Ҳосил ўлгай нашъа-и уқбо ибодат судидан,
Қабр ичинда кўрмагай ул банда дўзах дудидан,
Кўзголур жаннат тарафдин бўйи райҳонлар намоз.

*Кеткузуб зоҳир ҳадасларни таҳорат айлагил,
Тарки исёндан жаворихларга одат айлагил,
Бандасан шаръий набийда истиқомат айлагил,
Мосиваллоҳ зангидан сирринг саломат айлагил,
Солмасун беҳуда игволарни шайтонлар, намоз.*

*Ваҳми дунё дилни жоми ичра зангу гам бўлур,
Журҳи дилга лаззати тоғатни қўй, марҳам бўлур,
Гардани кимни ибодат бори бирлан ҳам бўлур,
Ломакон сайрида султони жаҳон Адхам бўлур,
Ушбудур билсанг ҳақиқий аҳли ирфонлар, намоз. (23-б)*

*Субҳи вақтидан бурун бедор ўлуш одат қилинг,
Ботаҳорат ёди Ҳақ бирлан юруш одат қилинг,
Бериё халқ ичра киргонда туруш одат қилинг,
Бўлса имкони жамоат ахтаруш одат қилинг,
Ажрини олгай қадамни қанча босгонлар, намоз.*

*Фарз бўлган аввали бизларга эллик вақт эди,
Дар шаби меърожи ҳазрат кечди умматдин, деди,
Номага ажрини эллик вақтдин кам битмади,
Бу саодат қадрига гафлатда аксар етмади,
Тарк қилманг ҳеч бир онида ёронлар, намоз.*

*Бандага ушбу саодат билсангиз, меърождур,
Бахтимиздан бошимизга бу қўйилган тождур,
Боргали мақсуди аслийга очуқ минҳождур,
Гавҳари умри намози бўлмаса торождур,
Нафсу шайтонни асири бўлма нодонлар, намоз.*

*Бу жаҳондин ҳар киши савму салот айлаб ўтар,
Ҳам ҳарому шубҳалардан эҳтиёт айлаб ўтар,
Шарри шайтондан нажот истаб сабот айлаб ўтар,
Шояд ул имон билан охир вафот айлаб ўтар,
Илгидан ушлаб борур жаннатга ризвонлар намоз. (24-б)*

*Ҳасрато, умрим адо бўлди шикоятлар билан,
Халқ аро кирганда бемаъни ҳикоятлар билан,*

*Аҳли суннат қилмаган бир ғайри одатлар билан,
Ахтаринг Ҳақни ризосини ибодатлар билан,
Мен каби ғафлатда қолмай, эй қадрдонлар намоз.*

*Ғолибо тарки амални боиси тулу амал,
Хийраланганда яқин нури кўпайгай муҳтамал,
Ахтарар бўлсанг ҳақиқатни қадам қўй бежадал,
Бўлмасун хайринг тамоми саййиотинга бадал,
Қилмагил Қоил риё қовлингдан армонлар, намоз.(25-б.)*

Рўзадур

*Келдилар моҳи муборак эй мусулмон рўзадур,
Ҳақ таоло қилди мўминларга фармон рўзадур,
Бахтимиз нури қамар янглиг намоён рўзадур,
Ховари иқболимиздан шамсу тобон рўзадур,
Жону дил бирлан тутунг, эй аҳли имон рўзадур.*

*Асли мақсад рўзадан нафсинг хилофидур мурод,
Нафсини аксига юрмоглик эрур акбар жиҳод,
Сан мусулмонзодадурсан қилма бу сўзга инод,
Мунда таслим айлагонлар бўлгусидур анда шод,
Тутмаганларга бўлгай охирда армон рўзадур.*

*Авалло инсон яратди чорподан қилмади,
Габру тарсову насоро беҳаёдан қилмади,
Ўзидан бегонаю ноошинодан қилмади,
Шукри лиллоҳ бенасиб дорул бақодан қилмади,
Боргали маҳшар учун бизларга бурҳон рўзадур.*

*Сиз мусулмонзодадурсиз Тангрига тоат қилинг,
Хайрихоҳлик яхшиликни халқ аро одат қилинг,
Топсангиз кўнгли синуқни шод ул соат қилинг,
Сийнадин кибру ҳаво ҳирсу ҳасад горат қилинг,
Зоҳиру ботинда бўлсун сидқу эҳсон рўзадур. (26-б)*

*Авали йўқдан бино бўлган ҳаётинг ўйлагил,
Жон қуши бирлан юруб учган қанотинг ўйлагил,
Охири шайтонни шарридан нажотинг ўйлагил,
Кибр ила қилган гурурингдан уётинг ўйлагил,
Барча нуқсондан амон бермоқга келгон рўзадур.*

*Сан Худога бандадурсан доимо амрига юр,
Халқ аро гийбатни тарк айлаб насиҳатдан гафур,
Ҳар киши шайтон сўзига кирса йўлдин оздурур,
Барча инсон бу жаҳонга бир келиб ўтгунчидур,
Манзилига илгари тухфа юборгон рўзадур.*

Бизни келтурди адамни мулкидан пайдо қилиб,

Баъзини гумроҳ айлаб баъзини ого(х) қилиб,
Бу жаҳон бозорида юргай ҳама гавго қилиб,
Хайру шардан то ҳаёти борича савдо қилиб,
Олгали пардо кераклик дурри маржсон рӯзадур.

Рӯзани файзи дилинга ари нуридан сочар,
Кеткузуб гафлат губорин дийдаи қалбинг очар,
Решаи кибру адоват мазраи дилдан кўчар,
Ул замон ёди Худони айласанг шайтон қочар,
Айлаёлмасдан сани қалбинг паришон, рӯзадур. (27-б)

Шодлик ахтарарсан эй биродар рӯза тут,
Тонгла кулфатдан қочарсан эй биродар рӯза тут,
Бошинга раҳмат сочарсан эй биродар рӯза тут,
Ҳам дари жаннат очарсан эй биродар рӯза тут,
Мунтазирдур санга доим ҳуру гилмон рӯзадур.

Ўтмасун гафлат била ушбу ибодат кунлари,
Ағниёлар айласун хайру саховат кунлари,
Тавба қилсун осий жофийлар ижобат кунлари,
Ёлборинг, эй аҳли имон айни ҳожат кунлари,
Лайлатул қадр офтобидан намоён рӯзадур.

Барча инсон аввало Одам ато фарзандидур,
Соҳиби файзу шараф Ҳавво ано дилбандидур,
Хайру шар гўё жаҳонни захри бирлан қандидур,
Ҳирс ила бир нечалар шайтон қўлига бандидур,
Баъзиларни сақламоғлиқга нигоҳбон рӯзадур.

Сен башарсан аввало халқ ичра ахлоқинг тузат,
Яшийдурсан ё ёмонсан ўйла аҳволинг тузат,
Фарқ этиб шарму ҳаёву адлу инсофинг тузат,
Ҳақ таолога аёндур дилда асроринг тузат,
Назди Ҳақда эътиқоди бирла инсон рӯзадур. (28-б)

Суратороликдан ортуқ сийрати оро керак,
Ҳақ билан ноҳақни ажратмоқ учун доно керак,
Тўшаи уқбо бўлурга тоату тақво керак,

*Борғали имон элига жаннатул маъво керак,
Неъматин хони қарамда бўлди алвон рўзадур,
Жинни шайтони дилинга фаҳми бежсо ташлагай,
Қўл тутуб инсонни шайтони хатога бошлагай,
Нафси аммора ҳама роҳи залолат хушлагай,
Қимқидур аҳли саъодат Ҳақ ризосин ушлагай,
Қилмагил Қоилни ё Раб, аҳли тугён рўзадур. (29-б)*

Фарзандларга насиҳат

Азиз ўлғай жаҳонда халқ аро беъътибор ўлмас,
Этар осон қўлига мақсади кўп интизор ўлмас,
Кечургай комронликда жаҳон бошига тор ўлмас,
Анони кимки рози қилса гам анга дучор ўлмас,
Ато рози бўлур ҳар кимсадин оламда хор ўлмас.

Ато бирла анони хизматин яхиши адо қилгил,
Аларни доимо хушнуд этарни муддао қилгил,
Қилиб шойишта хизмат, жону дил бирлан ризо қилгил,
Олиб гарду губорини кўзинга тўтиё қилгил,
Аларни ҳоки пойидин санга ортуқ тумор ўлмас.

Агар дунё талабдурсан аларга яхиши хизмат қил,
Савоби охиратни изласанг албатта изат қил,
Буларга барча аҳбобингдан ортуғроқ муҳаббат қил,
Ҳамиша кўнглини шод айламоқ қасдида ҳиммат қил,
Буларни хотири бўстони янглиғ мушкзор ўлмас.

Агар қадрига етсанг гавҳари қимматбаҳодурлар,
Кўзинга сурма қилгил ҳоки пойи тўтиёдурлар,
Сани хаққинга айлар мустажоб ўлган дуодурлар,
Буларни хонаси гўёки канзи муддаодурлар,
Зиёрат қилгали мундин шарофатлик мазор ўлмас. (100-б)

Ато бирлан ано ёшлиқларингда қийналиб боққон,
Саломатлик умиди бирла чиллангда чирог ёққон,
Ёмон кўз шарридан эмин бўлурму, деб тумор таққон,
Аларга беадаблик бирла сўзга бўлмагил чаққон,
Буларни расми одобидан ортуқ ифтихор ўлмас.

Атога беадаблик айлаган ўртоғларингдан қоч,
Дуо олган биродарларни бошидан кумушлар соч,
Ўзидан ўзгага Парвардигорим айламас муҳтож,
Кимики олса қарғиш гавҳари умри бўлур торож,
Кетиб файзи жаҳонда қору борида барор ўлмас.

Ато бирлан анолик ошноларга насиҳат қил,

*Дегил, “Эй ошно, пиринг бўлурлар, мунга байъат қил”,
Хизрни ахтарар бўлсанг аларга яхши хизмат қил,
Агар сен подшо тожсинг бўлур бошингда иззат қил,
Санингдек салтанатлик халқ ичинда номдор ўлмас.*

*Атони отини чол деб чақирма мол деган бўлгай,
Десанг кампур онони мисли отанг чол деган бўлгай,
Алар келганда чехранг бузмагил йўқол деган бўлгай,
Келинни қайнага қайрарда жанжал сол деган бўлгай,
Нашоти зиндагони файзи анда барқарор ўлмас. (101-б)*

*Ато норози бўлса халқ аро оқи падар дерлар,
Анодин қарғиш олганни гадоёи дарбадар дерлар,
Кетиб тескарига кори кўрар доим зарар дерлар,
Ҳақиқатдин ани икки жаҳонда беҳабар дерлар,
Жаҳонда ўйлагил оқий падардин катта ор ўлмас.*

*Келиб оламга инсон бўлмагингни боиси шулдур,
Худо даргоҳига қилган дуо ҳаққингга мақбулдур,
Дуоий бадларига учраганни кори мушқилдур,
Тикандур қаҳридин қилгил ҳазар, хурсандлиги гулдур,
Кесар икки тарафга тилларидек зулфиқор тўлмас.*

*Тамоми аҳли имон мақсадидур жаннатул маъво,
Талаб айлар Худодин боргали ул манзили аъло,
Агар сен ҳам талаб қилсанг боруб кирмакни эй барно,
Ато бирлан анони хизматини айлагил баржо,
Алар то рози бўлмас манзилинг дорул қарор ўлмас.*

*Юрар оламда инсон бир-бирига дoston янглиз,
Етиб поёнига бўлмас ажаб сир ниҳон янглиз,
Биров аҳли яқин, баъзи ҳамиша бадгумон янглиз,
Ато бирлан ано монанди сенга бозбон янглиз,
Агар сув бермаса бахтингни боғи сабзазор ўлмас. (102-б)*

*Саодатнинг аломати басиратдин назар ташилар,
Томурлик бир шажар янглиз падар билан санга модар,
Дарахтлар гунчасидан зоҳир ўлгансан мисоли бар,*

Томурдан баҳрасиз шох устида мева қачон ўйнар,
Ҳавода рангу бу нашъ-у намолар устивор ўлмас.

Атони рози қилсанг тахти иззатда Скандарсан,
Анони шод этарсан кавкаби бахти мунавварсан,
Яқин нури билан қалбингда гўё моҳи анварсан,
Бўлиб булбул ҳидоят гулистони ичра сайрарсан,
Очилган гулшани иқболи сандек навбаҳор ўлмас.

Атога яхши хизмат айласун, хотунларинг айтгил,
Анони ҳурматини айламакни анга ўргатгил,
Қилур хизмат муҳаббат бирла сен ҳам доманин тутгил,
Алар озориға юрган хотунни баҳридин ўтгил,⁵⁰³
Вафодор ўлмагай санга муносиб яхши ёр ўлмас.

Иши қилгилки корингдан аларга шодлик етсун,
Сани фикринда бўлган дилдаги зангори гам кетсун,
Тириклик ваҳмидин андак панришонликни жам этсун,
Қилурға тўшайи уқбо шарият доманин тутсун,
Ибодат комил ўлгай анда ваҳми рўзгор ўлмас. (103-б)

Жаҳонда бахтиёр ўлган киши соҳиб маром ўлгай,
Саодат соҳиби озори кам, ширин калом ўлгай,
Атони корини “уҳ” деб малол олмоқ ҳаром ўлгай,
Малоли хотир айлаб борса кори нотамом ўлгай,
Бу сўзлар сирри то маҳшиарға бормай ошкор тўлмас.

Насиҳат бегараз бўлса ани монанди гавҳар бил,
Ҳамиша эътиқодинг жониби Ҳаққа қилиб моил,
Халойиқ ичра номинг бўлмасун фарзанди ноқобил,
Жаҳонда ҳар киши борса ҳақиқатға келиб Қоил,
Сабо маҳшиар кунни назди Худода шармисор ўлмас. (104-б)

⁵⁰³ Баъзи нусхаларда ушбу мисра “Алар озориға юрган хотунни баҳридан ўтгил” тарзида берилган.

Дил тўтисига илтимос

*Сенга эй тўтийи дил арзу ҳожат илтимосим бор,
Қулоқ солгил қилиб андак итоат, илтимосим бор,
Топилмас кетса қўлдан ушибу соат, илтимосим бор,
Маконингда туриб қилгил иқомат, илтимосим бор,
Манам шарғийда айлай истиқомат, илтимосим бор.*

*Кетарсан ҳар тарафга манзилинг қолгай бўлуб холий,
Йизарсан бир нафасда неча хил фикри паришоний,
Тўлар ганжинайи дилга ҳама васвоси шайтоний,
Яқин нури қачон бўлгай бу атворингда нуроний,
Қўй эмди ушибу янглиз қилма одат, илтимосим бор.*

*Гумон айлар халойиқ яхиши тоат айлагондур деб,
Риёдан холий айлаб бир ибодат айлагондур деб,
Шариъатга мувофиқ истиқомат айлагондур деб
Хатоларга чекиб оҳи надомат айлагондур деб
Топилгайму сенингсиз бу шарофат, илтимосим бор.*

*Кўрарга нақши дунёни паёнай сайр этар бўлсанг,
Гулистону ҳавасларда ўзингни ўйнатар бўлсанг,
Фузулий маниша-и бўлмоқ билан кунлар ўтар бўлсанг,
Қилиб холий маконинг ҳар тарафларга кетар бўлсанг,
Мабодо қилмагай жойингни зорат, илтимосим бор. (32-б)*

*Забоним гийбати мардумни қилса ёрий бергайсан,
Эшитганда қулогимни келиб ёнида тургайсан,
Кўзумдан илгари инсонни айбига югургайсн,
Бошимни саждага қўйсам қочиб қайларда юргайсан,
Боруб охир этар мундин хижолат, илтимосим бор.*

*Шараф инсонга берди Ҳақ таоло сен билан эй дил,
Ақл жавҳарларин айлаб муҳайё сен билан эй, дил,
Бўлур фарқи саро ҳатто сурайё сен билан эй дил,
Карам исломийларга мулки аъло сен билан эй дил,
Топар жаннатда имон аҳли роҳат, илтимосим бор.*

Сени нурингни олдида қамар нури керак бўлмас,
Агар сен жилвалансанг шамсу анвардан дарак бўлмас,
Етар ирфон камолига ибодат муштарак бўлмас,
Яқин нури билан қилган назарда райбу шак бўлмас,
Қилайлик холисанлиллоҳ ибодат, илтимосим бор.

Қамардек олами суғрода нури пурзиёдурсан,
Жавориҳларга фармон айламакда подшоҳдурсан,
Агар билсанг мақомингни назаргоҳи Худодурсан,
Ала ҳаққил яқин айларда асбоби дуодурсан,
Талаб бирликда айлайлик ижобат, илтимосим бор.(33-б)

Муносиб сенга ул эрдикни сайри ломакон қилсанг,
Вужудинг зарқи ваҳдат айласанг элдин ниҳон қилсанг,
Бақо гулзориға бир кун борурға ошён қилсанг,
Ҳаводислар асар қилмас жаҳон дорул омон қилсанг,
Бўлуб озода машираб истироҳат, илтимосим бор.

Жаҳонни орзусин изламак уқбо(ни) уётидур,
Ҳаво этмак камолиға ҳидоятни вафотидур,
Алойиқ қайдидин кўнгилни озоди нажотидур,
Меҳнату мосиводан қанча кам бўлмак ҳаётидур,
Ҳаётингдур нажотим бўл саломат илтимосим бор.

Ҳақиқат жилваланганда қадам уқбоға ташларсан,
Таманно дийдасин ашки муҳаббат бирла ёшларсан,
Ҳавас гулзориға гоҳи хирадларни бағишларсан,
Қабули халқ учун наққош ўлуб зоҳир тарошларсан,
Рақам оҳиста чек қилмай жароҳат илтимосим бор.

Агар сен бошласанг инсон юруб кори савоб айлар,
Ҳазин ҳолингдаги қилган наволар фатҳи боб айлар,
Дуо фағфирлано, деб айласанг Ҳақ мустажоб айлар,
Сени ҳозирлигинг тоатларимни мустатоб айлар,
Карам қилгаймукин Қоил, ҳидоят илтимосим бор.(34-б)

Ғийбат

*Қулоқ солғил биродар айлайин андак баён ғийбат,
Мабодо бўлмасун нафсинга одат бу ёмон ғийбат,
Етар қилган ибодатларга андин кўп зиён ғийбат,
Савобин кеткузур тоатларингни бегумон ғийбат,
Ҳаром ўлган "вала яғтаб" ибороти билан ғийбат.*

*Билинг ғийбат бировни орқасидан сўз гапурмоғлик,
Эшитса анга озору ҳижолатлар етар чоғлик,
Ани бағри бу сўзни оташи бирлан бўлуб доғлик,
Узилгай ошнолик қолмагай ўртада ўртоғлик,
Бу боис бирла қалбингни қилур шайтон макон ғийбат.*

*Ибодат ҳирманига чоғлагил бу оташу сўзон
Туташса куйдуруб кул қилғусидур ўйла эй инсон,
Ибодат кетса бўлмасму сени обидлигинг ёлгон,
Худо наздида олим илмига бўлса амал қилгон,
Амалсизлик эмасму қилса қалбинг шодмон ғийбат.*

*Биродар нафсимизнинг васфидур “амморайи бис-суъ”,
Агар қўйсанг хатолар анга одат бўлғусидур хў,
Худо Қуръонда қайтарган ҳарому махздур ушбу,
Саҳоба асрида оламни айлар эрди бу бадбу,
Таъжжуб бизга ал-он бўлди гўё ошу нон ғийбат. (64-б)*

*Биров ҳақин егандин ғийбатин қилғони кам бўлмас,
Баробар хуни ноҳақдин азоби кам алам бўлмас,
Зинодин қаттиг ўлган боиси мунда надам бўлмас,
“Вала яғтаб” деган қатъий далилига аҳам бўлмас,
Агар бўлса истиҳлол куфридан нишон ғийбат.*

*Иложи бўлса тўхтатгил такаллум қилгали қўйма,
Туруб кетгил иложин топмасанг суҳбатда ўлтурма,
Жудо бўл ғийбат аҳлига биродар ҳамсафар бўлма,
Агар ғийбатни хавфи бўлса бетобини ҳам сўрма,
Ийодатни савобидан гуноҳидур гарон ғийбат.*

Худо ғийбатни қубҳи қанча миқдорини билдурди,

Ўлук инсонни гўштини емак ташибеҳини қилди,
Китобу суннату ижмои умматда ҳаром ўлди,
Таъжжуб мунга ислом аҳли бепарво бўлуб юрди,
Эмас холий қилармиз ошкору ниҳон гийбат.

Қилур гийбатни мажлисда амалсиз баъзи олимлар,
Қўшулгай анга хуш чеҳра бўлуб қанча мулозимлар,
Қулоқ солгай анга хомуш ўлуб аҳволи солимлар,
Алар ҳангоми гийбатда бўлуб шайтонга ходимлар,
Эмасму бу биродарларни гўштини егон, гийбат. (65-б)

Ўзини баъзи нодон халқ ичинда нуктадон чоғлар,
Ани билганча маъно бўлақлар билмагон чоғлар,
Халойиқда кўрунган айбдан холий омон чоғлар,
Бўлуб хомуш ўлтурмакни гўёки ёмон чоғлар,
Гапурганда ақрондин бўлуб оби равон гийбат.

Гапурганда киши мақтанса ужбидин асар билгил,
Берур ужби санга ботинда кибрдан хабар билгил.
Такаббур аҳлини оламда сен бир дардисар билгил,
Етар кибру ҳавосидан халойиққа зарар билгил,
Алардин ажратиб бўлмас ҳамиша тавъамон гийбат.

Бировни айбини ахтарма ўз нуқсонинга боқгил,
Хатолар бандаликда айлагон нисёнинга боқгил,
Қилурда гийбати мардум била исёнинга боқгил,
Кириб қалбингда қилган васваса шайтонинга боқгил,
Вужудингдан топарсан эй хатони излаган, гийбат.

Гапурманг олдида айтмайдиган сўз орқасидан ҳам,
Насаб нуқсонидан ё отасидан, боласидан ҳам,
Ёмонлаб жомасидан, хонасидан, хомасидан ҳам,
Азизу хорлик, кулфат била ҳангомасидан ҳам,
Худовандимга барча бандани(нг) ҳоли аён, гийбат. (66-б)

Баробар қонини сочмак ила нуқсонини очма,
Муносиб бўлмагай инсонга ақраб найзасин санчма,
Мазаммат захридин қочсанг биродарларга ҳам сочма,

*Хиёнат бирла суҳбатдан суҳанларни олиб қочма,
Бўлак мажлисга борганда қилай деб достон, гийбат.*

*Баробардур қулоқ солган гапурганнинг гуноҳига,
Кироман котибайн ёзмакда дафтарлар сиёҳига,
Будур шайтон сўзи бирлан қадам қўймоқ маноҳига,
Ибодатни қилиб вайрон залолатларни роҳига,
Хато бўлса дегил, Қоил бўлай эй нуктадон гийбат. (67-б)*

Шарри шайтондин

*Фано ахтардилар Одам ато ҳам шарри шайтондин,
Жафолар чекдилар Ҳавво ано ҳам шарри шайтондин,
Нажот истаб тамоми анбиё ҳам шарри шайтондин,
Чекиб кулфатни аксар авлиё ҳам шарри шайтондин,
Фаноҳига қочиб Ҳақ Мустафо ҳам шарри шайтондин.*

*Ҳаво илмингга қилмасдин санам андин фано ахтар,
Қараб фазлингни кўрмасдин сана андин фано ахтар,
Тамаъ бирлан югурмасдин санам андин фано ахтар,
Хиёнат бирла юрмасдин санам андин фано ахтар,
Бўлур макру хиёнатга ризо ҳам шарри шайтондин.*

*Ҳарому шубҳалардин қил ҳазар луқма емак бўлсанг,
Арога кирмасун ёлгон агар сўз сўзламак бўлсанг,
Дилингга хотима хавфини солгил ўйламак бўлсанг,
Тавозе неша бўлгил Ҳақ ризосин изламак бўлсанг,
Халойиқлар аро кибру ҳаво ҳам шарри шайтондин.*

*Талаб қилсанг Худодин фазлу раҳматдин талаб қилгил,
Насиб этгаймукин роҳатни жаннатдин талаб қилгил,
Нажот истаб сабо маҳшар хижолатдин талаб қилгил,
Ҳавола зотиға айлаб ижобатдин талаб қилгил,
Дуо вақтида қилган эътидо ҳам шарри шайтондин. (130-б)*

*Худога борғали йўл бизлара роҳи шарриятдур,
Шариъат иттибоъ суннату тарки табиатдур,
Ризойи Ҳақни ахтармакни бил асли ҳақиқатдур,
Ҳақиқатга тажарруд зуҳд ила юрмак тариқатдур,
Бу йўлдан тўхтатар ҳар муддао ҳам шарри шайтондин.*

*Қилур изҳори ҳақ бўлсанг, насихат йўлидин қилил,
Назар айлаб насихатни тариқи қайсидур билгил,
Раво кўрсанг ўзингга ҳарна дигарга раво кўргил,
Тафаккурсиз такаллум айламакдин пурҳазар бўлгил,
Изо мажлис аро қилган миро ҳам шарри шайтондин.*

Бани Одамга чун таширфи каррамно карам қилди,
Алардин аҳли имонни азизу муҳтарам қилди,
Сиротул мустақимда юргали собит қадам қилди,
Тавалло бирла юрмак асли имондур аҳам қилди,
Адоват бирла юрмак халқ аро ҳам шарри шайтондин.

Худо амр айлади ислонийларни адлу эҳсонга,
Харом айлаб юрарга бермади йўл зулму тугёнга,
Фано излаб деди, хушёр ўлунглар шарри шайтонга,
Саодат файзини айлантирур нуқсону исёнга,
Ибодатлар аро кирган риё ҳам шарри шайтондин. (131-б)

Диёнатни камолига риёзатни сабаб қилди,
Топарга файзи тоатни қаноатни сабаб қилди,
Асоси шайтанатга гайри одатни сабаб қилди,
Заруроти ҳаётингга қадри ҳожатни сабаб қилди,
Қилур кўп тўпламак қасдин гадо ҳам шарри шайтондин.

Талаб қилмоқ Худодан уч тариқа бохабар бўлгил,
Бирин тафвиз ила иккисини сан жазм ила қилгил,
Талаб жаннатни айлаб ҳам фано дўзахдин ахтаргил,
Махотирларни жазм айлаб, талаб қилмак тамаъ билгил,
Агар қилсанг тамаъ бирлан дуо ҳам, шарри шайтондин.

Қулогинг икки тилни бир яратмакда ишорат бор,
Эшитгил иккию бирдан зиёда бўлмасин гуфтор,
Кўнайса қовли бемаъни билан руҳинг топар озор,
Қилиб макру хиёнат бирла савдо айласанг бозор,
Рибога айланур байъу широ ҳам шарри шайтондин.

Ҳамиша яхшилик андишасидур аҳли имонда,
Ризои Ҳақни ахтармак керакдур адлу эҳсонда,
Ҳаво иттибоъидин Худо қайтарди Қуръонда,
Шаётинларни исбот айлади жин бирла инсонда,
Хатога боис ўлган ошно ҳам шарри шайтондин. (132-б)

Ахтар

Фано саҳросида ўлтурма сайди муддао ахтар,
Қадам таилаб хилофи нафс ила тарки ҳаво ахтар,
Топиб аҳли ризолардан қилай деб иқтидо ахтар,
Тариқи истиқомат кўрсатурга раҳнамо ахтар,
Саводул важҳ фиддорайн йўлидин ҳудо ахтар.

Мусофирдур ҳама дунёга кетмоғи муқаррардур,
Сафардан тўхтаганда манзили бормоққа маҳшардур,
Бировдур шоду хуррам, баъзилар аҳволи музтардур,
Шафоъат қилғали ул кун керак сенга паямбардур,
Юруб суннатга умматсан Муҳаммад Мустафо ахтар.

Ҳадиси Мустафо хойрул башар мазмунидан сўздур,
Саҳоба муҳтарам уммат учун монанди юлдуздур,
Адашмас кимки эргашса қоронғу кеча кундуздур,
Ҳудо наздида бизларга алар пайравлари юздур,
Абу Бакру, Умар, Усмон, Алийюл Муртазо ахтар.

Адамдан келтуруб одамга берди рутбайи аъло,
Бошига тожи каррамно, мақоми "алламал асмо",
Азозил раишк ўтидан тушти бошига нечук савдо,
Қилур одамни авлодини то явмул жазо изво,
Манам бир олиму доно демай андин пано(ҳ) ахтар. (35-б)

Ани извосидандур ҳар киши корида манман дер,
Ҳақиқий ориф ўлганни нишони улки камман дер,
Азизу хорликларни қазо бирлан қадардин дер,
Аларда ончинон ҳимматки олам мисли арзан⁵⁰⁴ дер,
Топилса ҳоки пойини қилай деб тўтиё ахтар.

Жаҳон ҳар кимсани миқдори ҳирсича музайяндур,
Ҳавас чашми томошойи жаҳон қадрича равшандур,
Бақо мулкани кўрмоққа яқин нурида равзандур,
Бу маъно чашми худбинни агар юмсанг муайяндур,
Бу йўлга юрганинг улдурки тарки мосиво ахтар.

⁵⁰⁴ Арзимас дона.

Риё дарёсидур олам чўмуб хўл бўлмаган борму?
Тамаъ бозоридур ё анга даллол ўлмаган борму?
Жунун дўкони ичра худфуруши қилмаган борму?
Бўлуб шайтонни шогирди фириб ўрганмаган борму?
Қазо қорига ақлингча демай чуну чаро, ахтар.

Неча доно кишилар чоғлади ўз ақлини комил,
Анонин тутти шайтон қилди охир куфрга моил,
Қилиб инкори сонё айлади имонини зойил,
Алар мақсадга етмай етдилар бошига Азроил,
Ҳақиқат ошкор ўлғай нечукдир можаро, ахтар. (36-б)

Азозилни йиқитди кибри қилди номини шайтон,
Ҳасаддин Қобилу Ҳобил аросида тўкулди қон,
Ҳалок ўлди жаҳонда Одийлар қилган эди тугён,
Таваккул тарк этиб қилсанг тамаъ динингадур нуқсон,
Вафо махлуқидан ахтарма Холиқдан ризо ахтар.

Назар қилгил баҳор айёми олам лозазор ўлғай,
Ёзув бахмал каби рангин гиёҳлар сабзозор ўлғай,
Кетар қуз мавсими бўлганда баъзи барқарор ўлғай,
Фано бирлан бақо фарқи биродар ошкор ўлғай,
Томошо чашми ибрат бирла айлаб, иҳтидо ахтар.

Кўзинга сурмайи ибратни тортиб сайри саҳро қил,
Назар ашёга ташлаб қудрати Ҳақни томошо қил,
Очиб мужгонларингни файзи санъат бирла зебо қил,
Забонингни ани зикри билан ҳамдига гўё қил,
Яқин нури насиб ўлғайму қалбинга сафо ахтар.

Фано вақтида бўлган ошноларни билиб бўлмас,
Тамаъ аҳли санолар ошу нонинг бўлмаса қилмас,
Сани кўрмак учун андак агар нафъ етмаса келмас,
Ҳақиқий ошно имон учун бўлганда айрилмас,
Ризо аҳли эрур албатта онлардин вафо ахтар.

Муайяндурки ҳар инсонда холий бўлмагай нуқсон,
Мубайян улдурки "ал-инсану муштакқун минан-нисён",

*Бўлуб нуқсонига Қоил, инобат айлаган инсон,
Шифойи мағфиратни эй гуноҳ дардига ахтаргон,
Туруб вақти саҳар фағфирлано бирлан даво ахтар.(37-б)*

На қилгансан

Тилингни лафзи Аллоҳга қимирлатгил мусулмонсан,
Макони маърифат қалбингни билгил аҳли имонсан,
Худога бандалик қилмоқ учун оламга келгансан,
Иложи йўқ кетарсан икки уч кун мунда меҳмонсан,
Олиб бормоқ учун ўйла ибодатдан на қилгансан.

Киши вақти гурурида на даркорини билмайдур,
Ўтуб зафлат билан умри сафар зодини қилмайдур,
Жаҳони фонийдан кетган кишилар қайта келмайдур,
Хизр умри муясар бўлса ўлмаيمان деёлмайдир,
Абас ўтса агар умринг қилур охирда армонсан.

Нажот истар киши шаръий набийда истиқомат қил,
Ҳаётинг борича бўйнунг сунуб Тангрига тоат қил,
Ҳазар айлаб ёмонликларни тарки бирла одат қил,
Саҳарларда туруб йиглаб гуноҳингга надомат қил,
Агар лутф айласа шояд санам бир яхши инсонсан.

Ҳавога юрмасанг Шайтон йўлидан тўхтатуб ўзни,
Жаҳон ашёларига ташиласанг ибрат билан кўзни,
Гапурсанг халқ аросида нифоқи бўлмаган сўзни,
Ибодат бирла ўтказсанг агарда кеча кундузни,
Валоят оламинда тахти иззат узра султонсан.

Агар мақсадга етсанг донишимдан, деб гумон қилма,
Фароғатлар манга қилган ишимдан, деб гумон қилма,
Хўнарварлик муяссар варзишимдан, деб гумон қилма,
Ҳама ҳалқи Худодир хоҳишимдан, деб гумон қилма,
Азалда ушбу қисматлар билан оламга келгансан. (38-б)

Адамдан базми амконга ҳама ашён келтурди,
Аларни ҳар бирига бир сабабдин жома кийдурди,
Қазо бирла қадар миқдорича билгил сабабланди,
Маолу қору боринг “ай йаша Аллоҳ”га айланди,
Насибингни “қасамно” қадрича албатта олгансан.

Вужудингда агар файзи кўрунса фазлу раҳмат бил,
Бировда камчилик кўрсанг ани бир важҳи ҳикмат бил,
Азизу хорликларни ирода ҳам машиийат бил,
Ҳама мўмин кишиларни баробар аҳли иззат бил,
Ўзингни халқдин ортуқ кўрар бўлсанг адашгансан.

Тилингни сақлагил беҳудагўликдан ҳазар айлаб,
Гапургил кизбу гийбат сўз аро кирмаслигинг ўйлаб,
Синуқ дилларни ўтгил қайда кўрсанг кўнглини овлаб,
Зулмдан эҳтиёт этгил Худога арз этар йиглаб,
Боруб маҳшар кунинда бўлмагил андин пушаймонсан.

Вафо бирлан юруб халқ ичра ҳеч кимдан тамаъ қилма,
Ҳарис айлаб бу нафси саркашингни бевараъ қилма,
Дилингни тўлдуруб дунё зами бирлан важаъ қилма,
Ҳалолу тойийиб ўлсун луқмалар фавқи шабаъ қилма,
Риёзат бирла сен ҳам олами ҳикматда Луқмонсан. (39-б)

Саҳарларда туруб ё раббанони айлагил одат,
Надоматлар қилиб фағфирланони айлагил одат,
Сурайёдан қилур сабқат навони айлагил одат,
Етар раҳмат насими илтижони айлагил одат,
Маъориф зунчасидан гулшан қалбинг очилгансан.

Ҳама мўмин кишиларга муҳаббатда баробар бўл,
Азизу хорини қилгил баробар арзини мақбул,
Ҳақиқат қил биров кўрган ишингни кўрса номақбул,
Топарсан кибриё авжизга ожизлик тарафдан йўл,
Қилиб кибру ҳаво манман десанг ақлингда шошгансан.

Халойиқлар қаторида ўзингни чоғла мажлисда,
Агар сен садри мажлис ўзгалар бўлган била настда,
Такаллум қадри ҳожат қил било мантиққа вобаста,
Айтиб сангу миро инсонни қилма кўнглини ҳаста,
Паришон айласанг ҳар дилни сан андин паришонсан.

Ғами беҳуда ваҳми дардисарни қадри ҳожат қил,
Ҳавойи бўлма савдойи сафарни қадри ҳожат қил,

*Эшитмоғлигда ҳар турли хабарни қадри ҳожат қил,
Томошаларга ташларда назарни қадри ҳожат қил,
Ҳавас домига қалбингдан очиб кўзни илингансан. (40-б)*

*Гапурганда ўзингни мақтануб ўрганмагил асло,
Киши ўз фазлини кўрмаклигидан кибр ўлуру пайдо,
Азозил номи шайтон бўлди кибр айлади расво,
Ҳама асрору зоҳир ботинингдан Ҳақ эруру огоҳ,
Анга оина янглиғдур на қилгансан, на билгансан.*

*Жаҳон бир манзилидур анга ҳар инсон келиб ўтгай,
Адамдин боргали дорул бақога бир қўнуб ўтгай,
Қазо бирлан қадарда ҳарна ёзгонин қилиб ўтгай,
Умид айлаб дари раҳматга Қоил термулиб ўтгай,
Илоҳо мағфират қилгил, ўзинг йўқдан яратгансан. (41-б)*

Айласангларчи

Худога эй биродарлар ибодат айласангларчи,
Сунуб фармониға буйнунг итоат айласангларчи,
Ризоийи Ҳақ учун андак риёзат айласангларчи,
Хатоларға қилиб тавба надомат айласангларчи,
Кечар ҳолим на деб ваҳми қиёмат айласангларчи.

Адамдин келтурурда руҳимиздан ваъда олгандур,
Инобат ҳалқасини бандалар бўйнига солгандур,
Яқин нури кўнгил ганжинасида жилвалангандур,
Ҳавоийи нафс ила дунёда баъзидан йўқолгандур,
Юруб шаръий набийда истиқомат айласангларчи.

Такаббур феъл шайтондур ҳаво бирлан қадам қўймай,
Сабо маҳшар кунда ҳаста жонингга алам қўймай,
Ғубори кийнани дилдан чиқар бир зарра ҳам қўймай,
Адо қил ҳаққи мардум гарданингда бир дирам қўймай,
Муслмонликга лойиқ яхши одат айласангларчи.

Бу фоний дунёга барча келиб бир-бир ўтар бордур,
Хизр умри муясар бўлса ҳам бир кун кетар бордур,
Қиёмат тонги отқунча қаро ерда ётар бордур,
Агар лутф этмаса маҳшар куни қанча хатар бордур,
Илоҳо қил карам, деб арзу ҳожат айласангларчи. (42-б)

Атомиз ҳазрати Одамга изво айлаган шайтон,
Аномиз ҳазрати Ҳаввони бошига налар солгон,
Бани одамни изво айламак дастурини олгон,
Неча манман деган эрларни домига илинтургон,
Нажот истаб Худодин истиёнот айласангларчи.

Қадам қўймак таваккул бирла бизга Ҳақни фармони,
Ҳарис ўлмак билан етгай яқин нурига нуқсони,
Еманг домаи ҳасад бирлан топилган ош ила нонни,
Қаноат бирла қўймасдин қўлингдан зуҳду тақвони,
Боруб фирдавси аъло ичра роҳат айласангларчи.

Жаҳонгирларни тахтидан асар қолганму бахтидан,

Таҳамтанлар қутулганму ажални дори сахтидан,
Пари рўлар, симанбўлар тўкулган тарҳи рахтидан,
Бўлур бегона бир кун ҳар киши ўз даври вақтидан,
Борур манзилга ўйлаб бир иморат айласанглари.

Бино қилди адамдин бизни Холиқ йўқ эдук аввал,
Кафий ҳокийни қилди руҳи аъло бирла мустакмал,
Агар иқрори бўлса мунгадур ул мўмини акмал,
Жаҳонни “мазраъи уқбо” дедилар Аҳмади мурсал,
Олармиз ҳосилини, деб зироат айласанглари. (43-б)

Забонинг қовли бемаънида доим бўлмасун гўё,
Ани ўрнига одат айлагил сан зикри иллаллоҳ,
Худо ёди дилингда бўлса шайтон айламас изво,
Ҳаво бирла ҳаваслар хотирингни қилмасун бежо,
Кўнгилда жониби Ҳақни риоят айласанглари.

Келиб шайтон солар байъи шире вақтида ёлгонлар,
Зарарлангай хабарсиз макридин бир неча инсонлар,
Бўлур бу луқмалар боис бўлуб фикри паршонлар,
Ўнар дил мазраъидин кўп хатолар, қанча нисёнлар,
Фирибу макрдин холий тижорат айласанглари.

Хаёлидан кечар инсонни аксар фоидам молим,
Халойиқлар аросида мукаррам бўлса аҳволим,
Кетурмай ёдиға маҳшар куниде не кечар ҳолим,
Ҳама аҳволу зоҳир ботиниға Ҳақ эрур олим,
Кўйуб ҳирсу ҳасад тарки хиёнат айласанглари.

Жаҳонда ростлик бирлан мисоли субҳи содиқ бўл,
Очуқдур кибриё авжиге сиддиқлар борурға йўл,
Ибодатлар бўлур даргоҳиға тақво билан мақбул,
Тамоми бандалар ўз қовли феълидан бўлур масъул,
Мувофиқ тил билан дилни иборат айласанглари. (44-б)

Жаҳон бир гулистон янглиғ халойиқ мақсади гулдур,
Ҳама мақсудини бўйи билан сайрарда булбулдур,
Тикансиз гулни узмак даҳр боғи ичра мушкулдур,

*Сазовор улки имон аҳлига қилмак таваккулдур,
Қилиб тафвиз ила сабру қаноат айласангларчи.*

*Киши қурбат тополмас сийнасини соф қилмасдин,
Тавозе пеша бўлгил бандаликда лоф урмасдин,
Тузалсун адлу эҳсонинг қачон инсоф қилмасдин,
Агар дастинг дароз ўлса ҳама исроф қилмасдин,
Ғарибу бенаволарга саховат айласангларчи.*

*Саҳар файзи илоҳий бандалар бошига жорийдур,
Ибодат бериё бўлганда қадри кўп юқорийдур,
Замину осмон аҳли каломига хуморийдур,
Муносиб ул эмас гафлатда ётса кимки қорийдур,
Туруб вақти саҳар Қуръон тиловат айласангларчи.*

*Саҳарда уйғонуб ҳар кимса истиғфор этар бўлса,
Қўйуб пешонасини саждада тўхтатар бўлса,
Забонин раббиял аъло каломи тебратар бўлса,
Кечар Тангрим гуноҳидан агар хавфу хатар бўлса,
Таҳажжуд нияти бирлан таҳорат айласангларчи. (45-б)*

*Вужудингни яратди Ҳақ таоло канзи бепоён,
Ризойи Ҳақ учун бўлган амаллар гавҳару маржон,
Ҳавойи нафе учун босган қадамлар ангадур нуқсон,
Адо қилмай ҳаётинг хоби гафлат бирла эй инсон,
Юруб мақсадга сарфи иститоат айласангларчи.*

*Назар аҳволима қилсам саропо айбу нуқсонман,
Асири нафе ила шайтон бўлуб қайдида қолгонман,
Нажотимни тополмасдан нечук қилмоққа ҳайронман,
Карам қилгаймукин Қоил, маолимдан паришонман,
Биродарлар дуо бирлан иъонат айласангларчи. (46-б)*

Кетар бир кун

*Келиб катми адамдин сарҳади амкон кетар бир кун,
Бўлуб бу анжуманда неча кун меҳмон кетар бир кун,
Бу гулиан сайрига охир етиб поён кетар бир кун,
Жаҳондин кулли ашё навбати бирлан кетар бир кун,
Кечиб молу манOLIDAN ҳама инсон кетар бир кун.*

*Ҳаётинг борича эй банда, ахтаргил ибодатни,
Ғарибу бенаволарга қилиб хайру саховатни,
Дилингда сақламай инсонга умрингда адоватни,
Дуо даргоҳига қилгил умид айлаб ижобатни,
Саломат сақласа имонни бенуқсон кетар бир кун.*

*Ибодатлар агар бўйи риёдан бехалал бўлса,
Ғапурган қавли миқдорича феълида амал бўлса,
Адо бўлгон умрларга ибодатдан бадал бўлса,
Талабдан тўхтамай борса ҳаётида маҳал бўлса,
Топиб шояд жаҳондан рутбайи ирфон кетар бир кун.*

*Ибодатларни бар андозайи ҳукми шарият қил,
Мабодо аҳли бидъат бўлма аҳволинг ҳақиқат қил,
Надур бу худфуруший сайридан сайри тариқат қил,
Агар йўл кўрсатар раҳбар топилса анга байъат қил,
Бўлуб шояд сабаб охирда беармон кетар бир кун. (47-б)*

*Умрни суръати тулу амал бирлан билинмайду,
Ҳавас чашимига дунё зийнати фоний кўрунмайду,
Гуноҳ вақти кўнгилга завқи дунё бирла келмайду,
Муқаддар ҳийлани тадбири бирлан ўзгарулмайду,
Кўруб инсон қадарда ҳар нечук ёзган, кетар бир кун.*

*Ақл нурига голиб халқ аросида жунунлар бор,
Сабоқ шайтондан олган бу жунунларда фунунлар бор,
Залолат чоҳига бошича кетган сарнигунлар бор,
Қадам бар фавқи суннат ташилаганга раҳнамунлар бор,
Қўлида урвайи вусқо бўлуб бурҳон кетар бир кун.*

*Бировни майлини уқбо қилиб дунёга боқмайду,
Бировни майлини уқбо қилиб дунёга боқмайду,*

Ани афсона ҳар турли сухан табъига ёқмайдур,
Қулогига қилиб ҳалқа агар зар бўлса тақмайдур,
Риё гулмихларини тахтайи тоатга қоқмайдур,
Ёзулмай номайи аъмолига ёлгон кетар бир кун.

Ажалга паҳлавону нотавон инсонни фарқи йўқ,
Юзи гул қомати ар-ар, пари рўённи фарқи йўқ,
Алам ўти билан куйган бағир бирённи фарқи йўқ,
Анга ҳайронун сарсон, шод ила хандонни фарқи йўқ,
Сулаймони замон Искандари даврон кетар бир кун. (48-б)

Бўлуб дармонда Афлотун даво дардига топмоққа,
Фаридун кетти тахтидан тушиб туффрогда ётмоққа,
Ажал мажбур этиб ҳар бирлари вақтини сотмоққа,
Жаҳондин Рустаму Сому Наримонларни қочмоққа,
Надур Кайхусраву Парвез ила Хоқон кетар бир кун.

Умр ортуғлиги яхши ибодат кетмаса қўлдин,
Зану фарзандига қилган муҳаббат тўсмаса йўлдан,
Гараздур файзи санъат ҳосил этмоқ чехрайи гулдан,
Муҳаббат нашъасини вермаса бўй олма сунбулдан,
Агар ибрат билан боқмас надур райҳон, кетар бир кун.

Ҳаёти Хизр агар кўрса етар муддатга поён бор,
Ажални жилвасидан чашми ибратга намоеён бор,
Жаҳонда файзу қудратдан бўлак на боғу бўстон бор,
Дегил, фасли ҳазонни кўрмаган қайда гулистон бор,
Фано боди тегиб бир кун қилиб вайрон кетар бир кун.

Бировни комрон айлаб замонлар бахтиёр этди,
Тасарруфлик қилиб халқ ичра соҳиб ихтиёр этди,
Бировни куйдуриб ҳижрон ўтида беқарор этди,
Ғарибу бенаволикда алар тарки диёр этди,
Суриб даврон, чекиб ҳижрон, бўлуб ҳайрон кетар бир кун. (49-

б)

Халос этгил хирадни пойини доми ҳаваслардан,
Чиқаргил тўтийи дилни раҳо айлаб қафаслардан,
Баланд этгил башарсан ҳимматинг мўру магаслардан,

*Ғубори худфуруший тегмаган озода каслардан,
Топилса иқтидо қил пок ўлуб домон кетар бир кун.*

*Адамдин йўқ эдук келтурмаги аввалги инъоми,
Кафи ҳокига каррамно либосини бериб соний,
Ҳидоят қилгали ирсол этиб бизга набийнони,
Ҳақиқатга қилиб Қоил карам айлаб мусулмоний,
Умид улдурки, ислом аҳли боимон кетар бир кун. (50-б)*

Маскан

Билар ориф надур кайфийяти бу маскани фоний,
Бинодур жониби аввал анга вайронадур соний,
Мисоли гунча жамъийятни меъёри паришони,
Нафс янглиг мураккабдур камоли бирла нуқсони,
Намудидур муҳит аммо саробидур биёбони.

Назарни очмасанг ибрат била гафлатга боисдур,
Агар гафлат билан ўтса боруб ҳасратга боисдур,
Амални риштасин кам айламак тоатга боисдур,
Ибодатлар қабули жаннату роҳатга боисдур,
Анингчундур ҳама ҳуру, қусуру, қасру айвони.

Худо ул холиқиким кулли ашённи бино қилди,
Қилиб изҳори санъатлар вужудига гуво(ҳ) қилди,
Азизу хор этиб инсонни шоҳу ҳам гадо қилди,
Бировни айлади бегона ва на ошно қилди,
Иноят айлади баъзи қулига нури имони.

Назарни ташласанг ашёнга санъатдин асар билгил,
Дилингдан илму ҳикмат чиқса қудратдин самар билгил,
Вужудин кўрсатур оина янглиг баҳру бар билгил,
Олиб мулкани кимдан хоҳлагонига берар билгил,
Қадарни ҳукми Искандарга берди мулки Дорони. (51-б)

Нифоқу кибр ила юрма бўлур ул боиси тугён,
Керакдур санга ахтармак жаҳонда рутбайи ирфон,
Яқин нури муяссар бўлса шояд санга эй инсон,
Мусаххар айласанг нафсингни, қайтарсанг агар шайтон,
Ҳақиқатда муяссардур санга мулки Сулаймони.

Назар ганжинайи қалбинга қилгил нега маҳзунсан,
Кабутар бўйни янглиг ҳар нафас ҳоли дигаргунсан,
Фараҳлик бирла гамгинлик сабабсиз бўлса мажнунсан,
Адо қилсанг гами дунё билан умрингни мағбунсан,
Хирад деб чоғлама фикрингни бил васвоси шайтоний.

Ҳақиқатда ҳама кавну макон изҳори қудратдур,

*Малак бўлсун башар бўлсун, ҳама осори сунъатдур,
Бировни майлини дунё қилиб маърури иззатдур,
Қилибдур ломакон сайрида баъзи аҳли рифъатдур,
Сародан қолдуруб қолдурди баъздан сурайёни.*

*Назардан лавҳи дилға нақши ибрат айлагил пайдо,
Қадам тарки ҳавоға ташламакда нашайи уқбо,
Ҳама оинайи қалбингни занг айлар гами дунё,
Сазовор улки доим қилса оманно васалламно,
Зиёнинг қилмасун зийбат билан бир ҳарфи ёлғони. (52-б)*

*Ҳунарға боқмагил санга ҳунар берганни ёд этгил,
Дилинға илму ҳикматдин асар берганни ёд этгил,
Ҳидоят буржидан нури қамар берганни ёд этгил,
Очиб қалбингни зотидан хабар берганни ёд этгил,
Вужудинг маърифатни гавҳари билан бўлур кони.*

*Санга мақсуди аслий Ҳаққа тоатдин бўлак эрмас,
Сунуб фармониға бўйнуниг итоатдин бўлак эрмас,
Қилурға тўшайи уқбо ибодатдин бўлак эрмас,
Ани муздига жаннат ичра роҳатдин бўлак эрмас,
Будур бизга биродарлар Худовандимни фармони.*

*Адамдин келтуруб берди кафи ҳокиға инсонлик,
Муносиб келди каррамно либосига мусулмонлик,
Ҳавойи нафс ила бизда кўпайган бу паришонлик,
Дами аввалда Иблис айлагандек феъли шайтонлик,
Хижолат қилмасун Одам атомиз бирла Ҳаввони.*

*Қадамни ончунон қўйгилки ўтганлар ризо бўлсун,
Қилиб қоим сени ўрниға кетганлар ризо бўлсун,
Жаҳонда сен учун гусса ютганлар ризо бўлсун,⁵⁰⁵
Дуо айларму, деб кўз санга тутганлар ризо бўлсун,
Бўлур роҳат аларни орқасидан тухфа борғони. (53-б)*

Муносибдур санга фарзанди инсон ростгў бўлгил,

⁵⁰⁵ Баъзи нусхаларда "Сенинг учун жаҳонда гусса ютганлар ризо бўлсун", трзида берилган.

Қилар ёлгон сўзинг нархингни арзон ростгў бўлгил,
Хиёнатдин етар дининга нуқсон ростгў бўлгил,
Жафо жонинга қилма эй мусулмон, ростгў бўлгил,
Гапургил Ҳақ каломидан қўзусун бўйи райҳони.

Ўзинга хоҳлаган роҳатни инсонга раво кўргил,
Биродарликни хар бир аҳли имонга раво кўргил,
Фақиру бебизоатларни эҳсонга раво кўргил,
Насиҳатни ҳама ҳоли паришонга раво кўргил,
Эшитмасдин қачон ул фарқ айласун ул пасту болони.

Агарда аҳли дунё суҳбати вақтингни чоғ айлар,
Фақиру бебизоатлар гапурса бедимоз айлар,
Захорифларни нури тушса чашимингни чароғ айлар,
Ҳаваслар норасо бўлганлиги бағрингни доғ айлар,
Бўлурму маърифат оинаси қалбингда нуроний.

Ҳама ҳолингда эй банда Худовандимга шуқр айла,
Ҳаётинг қадрини ҳар бир нафас олганда фикр айла,
Қўйуб беҳудагўлик ўрнига Аллоҳни зикр айла,
Ҳама фаҳмингни масруфи “фаҳал мин муддакир” айла,
Тиловатлар қилиб шому сабо оёти Қуръони. (54-б)

Хаёли зиндагонидан бошингда қанча савдолар,
Димогингда ҳаво бирлан ҳавасдан кўп таманнолар,
Қилиб шайтон сени ақлинг билан нафсингни игволар,
Алардан олами жисмингда бўлса шунча гавғолар,
Назар аҳволинга қилгил қўйуб дигар томошони.

Риё аҳли ибодатни қабули халқ учун айлар,
Қилур аҳли тамаъ нон қасди бирлан турфа найранглар,
Ҳарис ўлганни дунё бўйнидан занжир ила бойлар,
Биродарлар дуо ҳоли паришонларга айланглар,
Илоҳо қилмагай Қоилни ҳам охирда ҳайрони. (55-б)

Таваккул

Таваккул бирла ҳар инсон агар вазъи қадам айлар,
Қилиб осон ани мақсадларини Ҳақ карам айлар,
Ибодатга қабул истар киши тақвони зам айлар,
Ёзуб лавҳи дилига нақши иллаллоҳ рақам айлар,
Насиб айлаб дилига нури ирфон муҳтарам айлар.

Киши то гарқи ваҳдат бўлмагунча топмагай қурбат,
Бўлолмас гарқи ваҳдат дийдасида бўлмаса ибрат,
Басират файзидан ҳар кимда бўлса нашъайи сунъат,
Занондек аҳли зийнат бўлмасун пастлаб кетар ҳиммат,
Ҳаво айлар ювулган жомага кир бўлса гам айлар.

Ғубори кибрдан доим димогинг тўлдуруб юрма,
Сўзингни қадри ҳожат айлагил беҳудагў(й) бўлма,
Халойиқларни ҳолини билурга жустижў қилма,
Хижолат етқуруб инсонни ҳаргиз айбига кулма,
Фалакдан интиқом айланса пешонангни нам айлар.

Бировни суратини шоҳ қилиб, табиъни гадо қилди,
Гадо суратни ҳиммат бирла шоҳлар узра шоҳ қилди,
Муни “Ал-фақру фахрий” завқи тарки мосиво қилди,
Аларни шавқи хиссат қалбида кўп можаро қилди,
Агар чандики боши саждада фикри дирам айлар. (56-б)

Қилур хиссат кишини халқ ичинда нархини арзон,
Бўлур гийбатни тошидан ибодат қалъаси вайрон,
Ёмон ахлоқ эрур инсонга қилмоқ кизб ила бўҳтон,
Десун инсоф ила бўлмайдиму бир жойини ёлгон,
Олурда айбини кўп кўрсатиб сотмакда кам айлар.

Такаббур аҳли шайтон бирла ҳамроҳ бўлганин билмас,
Ҳарис ўлган ўзини гарқи дунё бўлганин билмас,
Рибога айланиб байъини бежо бўлганин билмас,
Топар дому ҳасаддан луқма расво бўлганин билмас,
Гадо качкули янглиғ қўлга кирганни жам айлар.

Ҳама халқи Худога айлагайсан яхшилик пеша,

Раво кўрма ёмонликни бировга қилма андиша,
Адоват тухмидан дил мазраъига олмасун реша,
Биров қасдини қилган ўз оёғига чопар теша,
Ҳама инсон боруб охир ёмонликдан надам айлар.

Жаҳонда хайрихоҳлик, ростгў(й)лик айлагил изҳор,
Хатоларга надомат дилда айлаб тилда истигфор,
Қилурму ҳеч киши оламда ўз нуқсонига иқроор,
Қаерда бўлса тухмат хавфи андин ўтмагил зинҳор,
Халойиқлар гумони бад билан ҳам муттаҳам айлар. (57-б)

Бахил бўлма жаҳонда эй биродар аҳли ҳиммат бўл,
Топарсан халқу Холиқдан ризолар аҳли ҳиммат бўл,
Ғарибу бенаволардан дуолар аҳли ҳиммат бўл,
Топилмас дарди хиссатга даволар аҳли ҳиммат бўл,
Лаимдан чиқса нон эсон чиққани янглиз алам айлар.

Такаббур аҳлидан қочғил анга шайтон эрур ҳамро(х),
Тўсулган нардаи пиндори бирлан чашми нобино,
Ҳамиша васваса қалбида васвоси қилиб завво,
Ани ақли билан нафси аросига солиб изво,
Паришонлик билан охир ҳавосини санам айлар.

Насиҳат қилса ҳар ким бегараз ўзинга пир билгил,
Ҳидоятга сабаб бўлганни пири дастгир билгил,
Масалдур халқ аро ҳар кимни кўрсанг сан Хизр билгил,
Юзинга мақтаган аҳли тамаъни қалбини кир билгил,
Каломи номуборакдан димогингни варама айлар.

Такаббур аҳлини даргоҳи Ҳақда қадри бўлмайдур,
Ҳаво бирлан юруб мақсуди аслийга етолмайдур,
Тариқи истиқоматда ўзини тўхтатолмайдур,
Тавозе неша бўлмасдан киши қурбат тополмайдур,
Тавозе улки доим саждага гарданни ҳам айлар. (58-б)

Ҳавас чашми қачонким нақши дунёни тисанд этти,
Кириб ҳирси гино мурғи хирадни қайду банд этти,
Захориф шавқини бўйнига ташиларга каманд этти,

*Илинмас мурғи лоҳутики парвозин баланд этти,
Чунон ваҳший эрурким ўзлугидин ваҳму варам айлар.*

*Ризои Ҳақни ахтармакни тавфиқдан асар билгил,
Ҳавоий нафс учун босган қадамларни зарар билгил,
Ҳама аҳволимиздан Ҳақ таоло бохабар билгил,
Кўрунган хайру шарларни ҳама ёзган қадар билгил,
Азал котибларини илкига берган қалам айлар.*

*Худойи ул эрурким қадри ҳожатдан зиёд ўлмас,
Бўлуб табзиру исрофи савобида фасод ўлмас,
Риёи улки мақтов кирмагунча кўнгли шод ўлмас,
Учар мақтовга ҳар ким кору бори адлу дод ўлмас,
Ҳаво бирлан қадам ташлар риёни дамбадам айлар.*

*Ётиб то нисфу шаб андин кейин турмакни одат қил,
Тилинг машғули истиғфор этиб аввал таҳорат қил,
Дилингни Ҳаққа ташлаб холисон лиллоҳ ибодат қил,
Саҳарни файзидан андак умид айлаб риёзат қил,
Бақо раҳравлари доим дуони субҳидам айлар. (59-б)*

*Нафас ёди Худо бирлан чиқар монанди гавҳардур,
Эмас гавҳар ҳидоят буржидан ул шамси анвардур,
Анинг нури билан дунёу мо фийҳо мунаввардур,
Ҳаётингда топарсан нашъайи уқбо муяссардур,
Анингчун лаҳжа миқдорини ориф муғтанам айлар.*

*Инобат ҳалқасини ташлагил нафсинг бўлур мойил,
Гуноҳ зангорини астағфируллоҳ айлагай зойил,
Карам даргоҳидан бебаҳра ёнмас мунтазир сойил,
Хатолар бандаликда айлагонингга келиб Қоил,
Васила айласанг ажзингни фардо муҳтарам айлар. (60-б.)*

Ҳукми Худодандур

Агар кулфат етар инсонга ақли норасодандур,
Жудолик боши аксар вафосиз ошинодандур,
Шифоларга сабаб дору билан дермиз даводандур,
Кароматлар зуҳурини дегаймиз авлиёдандур,
Аларни барчасини билсангиз ҳукми Худодандур.

Жаҳон ашёнларини бесабаб халқ этмади Холиқ,
Керакдур ҳар кишини қору бори таврига лойиқ,
Агар мўмин кишилар бўлса қавли феълида содиқ,
Насиб ўлгай унга явмул жазода равзатул фойиқ,
Ани шарти Расулulloҳга қилган иқтидодандур.

Адамдан келтуруб Одамга каррамно карам қилди,
Тақи Нуҳи набийни “ла тазар” арзи қабул ўлди,
Халилulloҳга Намруд оташи роҳатга айланди,
Масиҳони макони зуҳди бирлан осмон бўлди,
Бўлуб Мусо калимуллоҳ анга келган нидодандур.

Бошига арра келди Зикриёни бўлмади гофил,
Яна Аййуби собир номи “неъмал абду” ўлиб нозил,
Тириклик бўлди Жиржисга неча ўлган била ҳосил,
Балиғ қорнида Юнус бандалиқни айлади комил,
Аларга бу шарафлар барчаси сабру ризодандур. (61-б)

Эрурсан бандайи хоки Сулаймони замондурсан,
Сипоҳсолори⁵⁰⁶ олам, гар таҳамтан⁵⁰⁷и дostonдурсан,
Агарчи қуввату бозу билан гардан кашондурсан,
Ажал сарпанжасига тоқати йўқ нотавондурсан,
Санга кибру ҳаво албатта нафси беҳаёдандур.

Тамаъ бирлан халойиқлар юзига мадҳхон бўлма,
Очиб чашми ҳақорат бирла инсон айбига кулма,
Макони маърифат қалбинг гами дунёга тўлдурма,
Қадардан ташқари бўлгайму деб андишасин қилма,

⁵⁰⁶ Лашкарбоши.

⁵⁰⁷ Паҳлавон.

Вужуди жумла мавжудот тақдиру қазодандур.

*Мусофирсан бу дунёга сафар асбобини қилгил,
Ризойи Ҳақни ажратгил ҳавойи нафсни билгил,
Бўлур ҳирсинг кўпайганча жаҳон кори санга мушиқил,
Худога ёлборуб шому саҳарлар айлагил енгил,
Ато мероси бизларга золамно Раббанодандур.*

*Қаён кетти биродар ўйлагил хешу таборингни,
Биларсан орқасидан бир кунни сан ҳам кеторингни,
Бериб ёру биродарларга бу мулку диёрингни,
Олиб боргай тамоми мунда қилган қору борингни,
Етар жонинга роҳатлар савоби бериёдандур. (62-б)*

*Сўзингни эй биродар халқ ичинда қадри ҳожат қил,
Гапурмай нафъи йўқ сўзларни тарки бирла одат қил,
Агар фурсат топарсан зикру тасбеҳу тиловат қил,
Ҳаётинг борича эй банда Тангрига ибодат қил,
Ҳама қилган ибодат қурби авжи кибриёдандур.*

*Агар хилватда ўлтурсанг ўзингдан беҳабар бўлма,
Халойиқ ичра кирсанг гийбату бидъатни келтурма,
Ҳамиша ройи шайтону ҳавойу нафс ила юрма,
Гуноҳларга надомат қил валекин ноумид ўлма,
Очилгай боби жаннат санга рўйи илтижодандур.*

*Қаноат айлаган зоҳидни қалби беғубор ўлгай,
Таваккул аҳлини ёри билинг Парвардигор ўлгай,
Жаҳон ҳар кимни ҳирси қадрича бошига тор ўлгай,
Тамаъ миқдорича инсонни қалби беқарор ўлгай,
Юракни ҳасрати аксар кўпайган муддаодандур.*

*Жаҳон раъноларига боғлама кўнгили вафоси йўқ,
Машиат аҳли қилган ошиноликни баҳоси йўқ,
Бақо сар ҳаддини бил ибтидоси интиҳоси йўқ,
Дуодан ўзга Қоилни бировдан муддаоси йўқ,
Тамоми муддаоси Холиқу арзу самодандир. (63-б)*

Гафур

Эй биродар, халқ ичинда яхши одатдин гафур,
Кизбу гийбатдин йироқ ўлган ибодатдин гафур,
Фарзу суннатдин баён айлаб ибодатдин⁵⁰⁸ гафур,
Охиратда бўлгудек жонинга роҳатдин гафур,
Бандадурсан доимо Тангрига тоатдин гафур.

Кизб ила нуқсон топар албатта дининг чехраси,
Гийбати мардум билан кетгай ибодат меваси,
Зикри Ҳақ бирлан мунаввардур дилинг оинаси,
Лагзигўйликни губори бўлса қалбинг тийраси,
Сўзласанг ортуқча қилма қадри ҳожатдан гафур.

Ҳар такаллум тилга келса дилни анга шавқи бор,
Бўлса моляни анга нафсинг кўб завқи бор,
Ғолибо, баъзи такаллумда хижолат тавқи бор,
Ўйлагил раҳмат била қанча маломат фавқи бор,
Ҳикмату панду насиҳатдин кароматдин гафур.

Сўзлаганда ўйлагил ҳазли хаёли айлама,
Сўрмагай маҳшарда мандин деб мабодо ўйлама,
Халқнинг ихлоси ё шухратни қасдида дема,
Билсангиз маъно иборатдин олурга қоида,
Хўб кўруб тафсирларни сўнгра оятдин гафур. (68-б)

Қайси инсон тоати кўндур муфаззал ушбудур,
Васфи тақво кимда ортуқ бўлса афзал ушбудур,
Юрса инсофи билан ҳар ким мукамал ушбудур,
Рутбайи инсофни ким ахтарса акмал ушбудур,
Доимо шаръи набийда истиқоматдин гафур.

Эй биродар, бу жаҳонда тавъамандур шоду гам,
Баъзига роҳат мулоқий бўлса баъзига алам,
Боици қурбат эрур шуқр айламоғлиқ сабр ҳам,

⁵⁰⁸ Баъзи нусхаларда “итоатдин гафур” тарзида берилган.

*Бўлмагай тақдирдин ортуқ қадардин зарра кам,
Эътиқодингни бузуб бўлма хижолатдин гафур.*

*Қайси инсон сўз аросига қўшуб ёлгон қилар,
Бегумон ўз нархини халқ ичра ул арзон қилар,
Ғийбати мардум ибодат қалъасин вайрон қилар,
Ҳар киши қилгон ёмонликдан боруб армон қилар,
Бўлмасун охир санга ҳасрат надоматдан гафур.*

*Хайрихоҳликдан улуғ инсонга хислат бўлмагай,
Қизганишликдан ёмон оламда бидъат бўлмагай,
Ҳирсдан ортиқ жафо жонинга меҳнат бўлмагай,
Кимдадур ҳиқду ҳасад аҳли муҳаббат бўлмагай,
Гар талаб қилсанг муҳаббатни қаноатдин гафур. (69-б)*

*Олама алданма эй кўнгил, кўрунган рангдурур,
Йўқ вужуди дарҳақиқат гафлату найрангдурур,
Ахтариб ҳирсу ҳаво бирлан ҳама дилтангдурур,
Маърифат оинасига ваҳми дунё зангдурур,
Мақсади аслий эрур роҳи ҳидоятдин гафур.*

*Бир кун қайтар жаҳони фонийга ҳар ким келур,
Қайтадин саҳройи маҳшарга тамоми тўпланур,
Хайру шар, нафъу зарар асрори қудрат қўзғолур,
Телба янглиз соғлар ўз ҳолига ҳайрон қолур,
Андаги қаҳру ғазаб, лутфу иноятдин гафур.*

*Ҳарна қилсанг хайру шар нафсинга одат бўлғуси,
Кизбу ғийбат қилма тоатларга офат бўлғуси,
Мундаги нафсинг хилофи анда роҳат бўлғуси,
Пайрави суннатга юргилким, ибодат бўлғуси,
Тонгла қилгайлар Расулуллоҳ шафоатдин гафур.*

*Молу дунёни йиғиштурган билан Қорун каби,
Чоғласа аҳли жаҳон ҳикматда Афлотун ани,
Комронликда агар бўлса жаҳон Искандари,
Барчани ташлаб боруб бўлса қаро ер маскани,
На кечар аҳволи борганда қиёматдин гафур. (70-б)*

*Бил ҳаётинг қалъасидан ҳар нафас хишти кўчар,
Бир қуни бўлгайки сайёди ажал домин очар,
Мурғи руҳинг анга тоқат айлаёлмасдин қочар,
Ҳирмани имконни ул кунки фано боди сочар,
Сан бақо мулкиндаги қилган иморатдин гафур.*

*Айлади изҳори қудрат Холиқу кавни макон,
Кофу нун осоридан келди замини осмон,
Иззу жоҳу, фақру фоқа бандаларга имтихон,
Ҳақ таоло “Анфиқу мимма розақнакум” дегон,
Халқ аро бечорапарварлик саховатдин гафур.*

*Ҳарна корики ҳаётингда санга машғул ўлур,
Ҳар нечук қилган такаллумга забонинг ўрганур,
Бил кироман котибайнлар дафтари андин тўлур,
Охири Қоил тилингдан шояд ул жорийий бўлур,
Лағвгўйлик ўрнига лафзи шаҳодатдин гафур. (71-б)*

Иложи

*Иложи борму дунёга келиб ҳар кимса кетмасдан,
Ажални домини навбат билан одамга тутмасдан,
Шароби талхасидан одамийлар барча ютмасдан,
Бўлуб хоки мазаллат эл боруб гўр ичра ётмасдан,
Надомат қил гуноҳинга ажални вақти етмасдан.*

*Жаҳонни аҳли тамкинлар работи кўҳна чоғлабдур,
Биров кетган ерига бир киши отини боғлабдур,
Ажал бир аждаҳо янглиг билинг одамни пойлабдур,
Очиб огзин ютарга одам ўглини сўроғлабдур,
Матойи охират олгил бурун комига тортмасдан.*

*Ниҳоли умри одамни ажал тиги қалам қилди,
Йиқитди зери хок айлаб ҳама элни адам қилди,
Тамоми аҳли оламни ажал кўп пур алам қилди,
Умрни гавҳарин дўстлар Худо бизга карам қилди,
Билиб жойига сарф этгил ани беҳуда этмасдан.*

*Ҳаётинг ичра одам давлати уқбони ахтаргил,
Матои охират бўлгунчалик савдони ахтаргил,
Давомат фарзу суннат тоату тақвони ахтаргил,
Топай деб суҳбатин бир олими донони ахтаргил,
Ҳамиша яхшилик ишни ҳаёлингдан унутмасдан. (72-б)*

*Ғанимат бил ҳаётинг неча йил танда омонатдур,
Омонат жон учун ҳирсу ҳаво мунча на ҳожатдур,
Билинг одамга афзал барчадин роҳи ибодатдур,
Ҳаёти борича шаръи набийда истиқоматдур,
Ҳавойи нафс ила умри азизингни тугатмасдан.*

*Қараб нафсингни райига қадам ташларда яйрарсан,
Агар шайтон рафиқ ўлса нашотингда қалайларсан,
Бўлуб гўёки булбул гийбати мардумга сайрарсан,
Ўқур вақтингда номангни боруб маҳшарда найларсан,
Малоиклар деса: “Эй банда, қилдингму уятмасдан?”*

Бақо асрорига қилди яқин нурини оина,

*Маҳалдур золибо анга зубори бўлмаган сийна,
Агар бу сийнада бўлса адоватлар билан кийна,
Тўлар кибру ҳаво, ҳиқду ҳасадларни зуборийна,
Ҳақиқат ошкор ўлмас қиёмат тонги отмасдан.*

*Жаҳон ишратларини оқибат хавфи заволи бор,
Ҳарис ўлса биров ҳаққин емаклик эҳтимоли бор,
Топар доми ҳасадлар бирла гарданга ваболи бор,
Бақо мулкани Қоил айши ишрат лоязоли бор,
Борайлик роҳати аълони биз аднога сотмасдан. (73-б)*

Имкондур

Бўлуб бурҳон зоти нашъаланган базми амкондур,
Зухури жилвайи сунъат намудидан банил жондур,
Зарури иктиҳоли айни олам васфи инсондур,
Алар ижодига зойи (зойӣ) сабаб тавҳиду ирфондур,
Бу сир изҳорига жумла пайамбарни юборгандур.

Қадам ташириф этиб аввал жаҳонга ҳазрати Одам,
Тамоми келдилар баъзисидан баъзи бўлуб ақдам,
Аларни даврига даври Расулulloҳ бўлуб хотам,
Ҳақиқат сирри бўлди сарвари олам билан маҳкам,
Анга иқрору тасдиқ айлаган инсон мусулмондур.

Тамоми аҳли имон амри Ҳаққа айлагай иқрор,
Валекин нафси аммора билан илқойи шайтон бор,
Юрарму одатига ё бўлур фармонига тайёр,
Қилур асроримизни носиху мансух билан изҳор,
Ҳақиқат амри воҳиддур тағаййур ҳукми адёнду.

Тамоми олама келган паямбарларни барҳақ бил,
Алардин нақл собит бўлса ақлингдин муқаддам қил,
Таъарруз тарк этиб моло юлойимларга очмай тил,
Юрар шайтон баданда қонни ўрнидан мисол бил,
Мувофиқ бўлмаса суннатга аксар феъли шайтондур. (74-б)

Диёнат икки жониблик эрур ҳукми илоҳийдан,
Бири тоатни қилмоқ дегари тарки манохидан,
Манохий таркидин инсон чиқар зулматни чоҳидан,
Топар қурбат қабули тоати бирлан **паноҳидан**,
Иноёти юҳиббул муттақиндан баҳра олгандур.

Бўлур имонни етмиш неччи шохи эй мусулмонлар,
Самар янглиг бўлур ҳосил алардин хайру эҳсонлар,
Етар кибру ҳаво, ҳиқду ҳасаддин анга нуқсонлар,
Агар тоат қабул ўлса ҳаловат топғуси жонлар,
Баданда ишқу риққатлар топилса файзу гуфрондур.

Ганиматдур ҳаётинг кўз юмуб очгунчалик фурсат,

Намудийдур вужуди йўқ анга кўрсатгудек муддат,
Назар ибрат билан очсанг топарсан наһъайи сунъат,
Яқин нури вужудингда қамар янглиғ қилур талъат,
Ҳидоят офтоби жону тан ичра намоёндур.

Биродар Ҳақни фармони эрур бизга таваккул қил,
Тариқи истиқоматга бўлур раҳбар таваккул қил,
Таваккул бирла борган бўлмагай музтар таваккул қил,
Сабо маҳшар кунни жаннат сари бошлар таваккул қил,
Фароғат доимий бирла зиҳи мамнунни эҳсондур. (75-б)

Ҳама корингни тавфиз айлагил инсон ҳарис ўлма,
Ибодатларга андин етмасун нуқсон ҳарис ўлма,
Асоси васваса айлар ани шайтон ҳарис ўлма,
Боруб охирда андин бўлмасун армон ҳарис ўлма,
Десанг “амрий илаллоҳ” шарри шайтондан нигоҳбондур.

Тавозе неша бўлгил халқ аро кибру ҳаво қилма,
Насиҳат йўлидан қилгил такалумда миро қилма,
Қабули халқ учун айлаб ибодатни риё қилма,
Гадодек кўчаларда қасди нон бирлан дуо қилма,
Тамаъ бирлан такаллум айласанг дининга нуқсондур.

Санга ҳар маслаҳат ўнгдан келур мулҳимни илҳоми,
Агарда жониби чапдан келур васвоси шайтоний,
Ҳавойи нафс ила шайтон қилур нафсингда игвони,
Ҳидоят қилмаса вожиб таоло вой эсиз жони,
Агар юз йил умр кўрсанг тамоми санга армондур.

Юруб инсон жаҳонда ҳар тарафга муддао излар,
Бўлакдур ҳар кишини дарди ҳар турли даво излар,
Бировни толиби уқбо қилиб тарки ҳаво излар,
Биров шуҳрат талабда қору борида риё излар,
Қилиб ҳар турфада атвори инсонни яратгандур. (76-б)

Жаҳонга кулли ашё бир муносиб ҳол илан келгай,
Ҳама шоҳу гадо фақру гино аҳвол илан келгай,
Тамоми фитнайи охир замон дажжол илан келгай,

*Дасоислар тамоми анга истиқбол илан келгай,
Ҳаводислар билан вазъи замона, даври даврондур.*

*Работи кўҳнадур олам ҳама келган мусофирдур,
Агар бир карвон кетса ани ўрнига ҳозирдур,
Йиғилгай рўзи маҳшарда мусулмон хоҳи кофирдур,
Ҳама асрори қудрат сирри ваҳдат анда зоҳирдур,
Ҳақиқатга кимики бўлса Қоил аҳли бурҳондур. (77-б)*

Қилур

Мажмуъи мумкинот адамдин намо қилур,
Аиё зуҳури олам аро ибтидо қилдур,
Асрор даҳр нуқоти кўнгил ичра жо қилур,
Баъзи савоб умидида баъзи хато қилур,
Билгил қазо зуҳурини ҳукми қазо қилур.

Юрсун ҳамиша банда ҳидоят қилиб талаб,
Қўйсун қадамни кўнгилда ниятни яхишлаб,
Икки жаҳон саъодатиға яхишлик сабаб,
Бўлғай хижолатингга сабаб бўлма беадаб,
Асбоблар сабабланишин ҳам Худо қилур.

Дорул фанога келдингки мақсадни ўйлагил,
Бул бевафо нашотиға беҳуда кулмагил,
Бўлсун назарда ибрату зафлатда юрмагил,
Ёлбор Худога ваҳми гуноҳ била йиғлагил,
Таълими йиғламак биза Одам ато қилур.

Аздод илан қилиб ҳама аиёни мўътабар,
Халқ айлади бу арсайи оламга хайру шар,
Нури қамарни қадрини зулмат билан билар,
Имон нечук саъодат экан куфр ажратар,
Сабру ризо баёниға фақру гино қилур. (78-б)

Тадбир илан тағаййури тақдир бўлмагай,
Кори қадар тадаббур ила ўзгарулмагай,
Ҳеч ким тўкулса косасини тўлдуролмагай,
Файзи азални қуввати зар келтуролмагай,
Искандар излаганни Хизрга ато қилур.

Имонини камолиға таслими шарт эрур,
Уқбо талабга корини тақдими шарт эрур,
Мўмин биродарим, деса такрими шарт эрур,
Етмак анони қадрийға таъзими шарт эрур,
Тобгай камол кимки отасин ризо қилур.

Илҳом этарға қалбинг аро бир фаришта бор,

*Ҳам васваса қилурға шаётинга ришта бор,
Олам аро бу маънида кўп сарғузашта бор,
Ер сийнасига айла назар гушта пушта бор,
Бўлса басират аҳли қачон ул ҳаво қилур.*

*Ҳар ким ҳавою кибр ила борса қилур адам,
Ҳиқду ҳасад хиёнатидин жонига алам,
Ҳақ даргоҳида тарки тамаъ бирла муҳтарам,
Тақво билан қабули ибодат бўлур карам,
Аҳли яқин ибодатини бериё қилур. (79-б)*

*Имонни равнақи ҳама хавфу ражо тилар,
Шайтонни шарридан ҳама мўмин пано(ҳ) тилар,
Авфу хато умидини айлаб ризо тилар,
Билки фанони фитнасидан анбиё тилар,
Мўлтонилар кўринг ўзини авлиё қилур.*

*Доно сухангар шаммасидан лаззат ахтарур,
Аҳли риё ибодатидан роҳат ахтарур,
Фардо бошига аҳли тамаъ кулфат ахтарур,
Ориф этиб ҳақиқатига қурбат ахтарур,
Ҳиммат қадр киши дилида муддао қилур.*

*Ирфонни ахтарар киши ҳолига боқмагай,
Олтун табақни фарқи софолига боқмагай,
Зоҳид жаҳонни молу манолига боқмагай,
Завқи караима бирла мақолига боқмагай,
Дил шавқидан тили ани ё раббано, қилур.*

*Ким қўйса мақсадига таваккул билан қадам,
Ҳирсу ҳавойу ҳиқду ҳасадлар қилиб адам,
Тоатларики айласа тақвони анга зам,
Келса хатони ваҳми билан дийдасига нам,
Бу мазраи фанода ҳусули бақо қилур. (80-б)*

*Билгил қўлингга келса сабаб бирла доди Ҳақ,
Ҳикмат тамоми олам аро илмидан сабақ,
Бил шайтанат тамомини "мин шарри мо холақ"*

*Бўлгай хатони боиси беҳуда ўйламақ,
Хору азизу хоҳласа шоҳу гадо қилур.*

*Ўз айбидан киши ҳама вақт ахтариши керак,
Амморайи нафсини сўзига сарзаниши керак,
Ҳақ зикри бирла васвасалар қайтариши керак,
Даргоҳи кибриёга қараб ёлбориши керак,
Маълум эмаски бахтини кимни қаро қилур.*

*Ҳақни ризосини изламаги ҳукмига юриши,
Шаръийда истиқомат эрур суннат ахтариши,
Бидъатни жилвасига кўзни ташламай юмиши,
Тавфиқ илан муяссар ўлур кимга юруши,
Андишайи хижолат явмул жазо қилур.*

*Ориф эмас ҳақиқати дунёга етмади,
Зоҳид насибасин ҳамма инсонга битмади,
Ҳар ким лабига соғари ушшоқ тутмади,
Фақр ихтиёрини бу сабаб уммат этмади,
Қоил келур хатосига фағфирлано қилур. (81-б)*

Жадал

*Инсонга сўзласанг юзига қилмагил дагал,
То етмагай муҳаббат имонига халал,
Коринг бўлур тамомиси оҳиста сўзда ҳал,
Шайтон дилинга васваса таишлар газаб маҳал,
Нури ақлни хийра қилур ҳар қачон жадал.*

*Сўзни қараб маромига оҳиста сўзлагил,
Мақсад етар тамомига оҳиста сўзлагил,
Фурсат топиб мақомига оҳиста сўзлагил,
Вақти дуо жанобига оҳиста сўзлагил,
Шояд ижобат айласа Ваҳҳобу лам язал.*

*Тақво Худони наздида билгил улуг насаб,
Тоат қабули рутбайи ирфонига сабаб,
Ажзинг васила била бўл охирад талаб,
Ҳар кимни бўл биродари имонига қараб,
Ҳақ наздида баробар эрур бойу камбагал.*

*Ҳар ким дилида ҳикмату илкидадур ҳунар,
Олам талаввуну кўрунар анда хайру шар,
Мақсадларики қасду талаб бирла рў верар,
Ҳукму қазо мутобиқида кўрсатур қадар,
Ёзган эрур тамомини бил котиби азал. (82-б)*

*Бордур жаҳонда бир неча аҳволи ҳасталар,
Уқбо гамида хотири доим шикасталар,
Зоҳидлиги камоли учун кори басталар,
Дорул бақода топди мақому хужасталар,
Дунёсидан саодати уқбо бўлуб бадал.*

*Инсонгадур вазифа талабда қадам қўяр,
Лекин талабга касби ҳалолин сабаб қилар,
Касбу талаб таваккул ва тафвиз илан бўлар,
Тақсимида ёзулгонини қанчадур кўрар,
Бўлмас адо насибаси топмаса ажал.*

Оламга шайтанат асарин голиб айлади,

Амморайи нафсимизни анга толиб айлади,
Ҳиқду ҳасад хирафларига косиб айлади,
Ирфонига ҳидоятини жолиб айлади,
Ирсоли анбиё била жорий қилиб милал.

Инсон вужуди олами суғрода кўп асар,
Шамсу қамар кавокибу сайёра баҳру бар,
Ақли вазир, руҳи анга шоҳликда ҳукм этар,
Шайтон жунуди бирла кириб анда жанг қилар,
Гоҳи сўрар чунон мунӣ гоҳ ул қилур қамал. (83-б)

Чандон кишига олам аро бахти ёр ўлуб,
Юрди замона анга боқиб номдор ўлуб,
Асбоби ишрати неча кун барқарор ўлуб,
Ер сийнасига қочди бари усти тор ўлуб,
Дунё ҳаёти қадричадур қўл бақўл дувал.

Излаб жаҳонни айшини арзон сотилмагил,
Сўзни шамоли текса ҳашакдек сочилмагил,
Беоқибат печак гули янглиг очилмагил,
Мақсад сари қадам кўярингда шошилмагил,
Ким, “ёлчимас шошилса” деган халқ аро масал.

Нури фаросатингни газаб зулмати ёпур,
Куйдурса ҳам газаб ўти инсоф илан гапур,
Шайтон дилинга макру хиёнатни ўргатур,
Инсонни нафсига ҳамма шубҳа ширин татур,
Ширин асални ҳам яласанг кўп қилур касал.

Нон ошнолари ҳамма сўзларни хуш қилур,
Ширин сухан василасида худфуруши қилур,
Жон ошнолари сани нафъинга иш қилур,
Бир маслаҳатни қасдида лекин дуруши қилур,
Қоил давони зоҳири аччиқ таги асал. (84-б)

Айлагай

*Кимда бўлса завқи тоат гуфтигў кам айлагай,
Дийдаси ваҳми хатодан бориҳо нам айлагай,
Ашики ҳасрат гулшани қалбидан шабнам айлагай,
Ғафлати ҳар кимни золиб бўлса беғам айлагай,
Қилмагай ваҳми қиёматни хотирин жам айлагай.*

*Аҳли имон кўнглида бўлсун Худо андишаси,
Айлаган тоатлари бирлан ризо андишаси,
Ҳам ризо аҳлига қилмоқ иқтидо андишаси,
Ғарқи ваҳдатда бўлурму мосиво андишаси,
Ломакон сайри ани монанди Адҳам айлагай.*

*Бандани бўлгай қабул тоати тақво билан,
Юрмасун қалбига шайтон айлаган илқо билан,
Богласун шайтон йўлини зикри иллаллоҳ билан,
Қўймасун халқи Худо ичра қадам иғво билан,
Ғийбати мардум ибодатларни барҳам қилур.*

*Ҳар киши қилса агарда хайру шарни имтиёз,
Ройи шайтондин ҳазар айлаб гуноҳдин эҳтироз,
Яхшидур кўрмак жаҳонда ул киши умри дароз,
Тоати кўп бўлса шояд айлаган нуқсони оз,
Ул саодат аҳлини фардо мукаррам айлагай, (85-б)*

*Бандадурсан амри Ҳаққа доимо таслим қил,
Қилмагил кибру ҳаво ўрнига ховфу бим қил,
Аҳли имонларни жону дил билан тақрим қил,
Ато бирлан анони фарзандисан таъзим қил,
Чорпо билмас адаб фарзанди Одам айлагай.*

*Илми нофеъ улки, кўрсатса ўзини айбидан,
Ахтарар аҳли тажассуслар бировни жайбидан,
Ҳақдин ўзга билмагай ҳеч кимни сирри гайбидан,
Дил ўшал дилдурки, холий бўлса шакку райбидан,
Ҳақ ризосини ҳавосидан муқаддам айлагай.*

Кўп паришон бўлмасун эй банда, атворинг сани,

*Ҳақ таолога аёндур барча асроринг сани,
Зотиға қилгил таваккул ул эрур ёринг сани,
Пайрави суннатда бўлсун айлаган коринг сани,
Васфи тақво бирла борганни муаззам айлағай.*

*Ҳар сабо бечораларни кўнглини шод айласанг,
Ғам билан вайрона бўлган дилларни обод айласанг,
Борғали маҳшар учун тақво билан зод айласанг,
Ҳам халойиқ қайдидан сиррингни озод айласанг,
Халқ аро дорул бақо борганда хуррам айлағай. (86-б)*

*Бўлмагил мағрури дунё бу кироийи фахр эмас,
Кўз юмуб очғунча фурсатдур давоми даҳр эмас,
Лаззати дунё тамоми ўйлагил беаҳр эмас,
Ориф ул бўлғайки кулфат вақтида дар қаҳр эмас,
На ани зарроу сарро шоду мулзам айлағай.*

*Чаши беибрат кишига булҳаваслик келтурур,
Орзулар нашъаси дунёпарастлик келтурур,
Қайдадур завқи тамаъ ҳимматга настлик келтурур,
Нафъи дунё изламак васфи магаслик келтурур,
Бўлса ўз айбига Қоил, гарданин хам айлағай. (87-б)*

Даркор

Фано бозори кеч кирмай туруб олмоқ вафо даркор,
Вафо улдур мувосо бирла юрмак халқ аро даркор,
Мувосо йўлидан олган матоига баҳо даркор,
Баҳо қадрига арзирму анга фикри расо даркор,
Бўлур маҳшарни бозорида ҳам байъу широ, даркор.

Нафас гавҳарларин исроф этарсан беҳабар қолма,
Гўдақлардек ўйинчоқларни бу гавҳар била олма,
Гадо качкули янглиғ ҳар хатарлар сийнага солма,
Хаёлинг дарбадар айлаб гами нон бирла айланма,
Забонингда насиҳат дил билан зикри Худо даркор.

Ибодат йўлидан тўсмакда шайтон садди Искандар,
Хилофи нафс эрур гўёки фатҳи қалъайи Хайбар,
Худого бандалиқ қилмоқ биландур тухфайи маҳшар,
Шариат доманин тутгил керакдур санга пайгамбар,
Шафоат қилгали фардо Муҳаммад Мустафо даркор.

Қараб ҳар бир амалда аҳли сунат вал жамоатга,
Қадам қўйгил алар қўйгон каби роҳи ибодатга,
Саҳоба муҳтарам юлдуз каби бошлар ҳидоятга,
Насиб ўлгай алар пайравлари аҳли саодатга,
Абу Бакру, Умар, Усмону Хайдари босафо даркор. (88-б)

Қадам мақсадга ташларда яратганга таваккул қил,
Қўлингга муддаолар ҳосил ўлганда карамдан бил,
Бўлур тафвиз ила мушуқларинг ҳал ҳожатинг енгил,
Назарни бевафо ашёга ташлаб сочмагил кўнгил,
Хаёли жилвазори зийнати дорул бақо даркор.

Агар тавфиқини ёр этмаса тоат қилиб бўлмас,
Ҳидоятсиз ибодатлар сари одат қилиб бўлмас,
Азимат йўлида нафсингни бетоқат қилиб бўлмас,
Риёзат чекмаса мунда бориб роҳат қилиб бўлмас,
Топарга сармади роҳатни сабр ҳам ризо даркор.

Кетар андишаси бирлан хаёлингга мусофир бўл,

Агарчи комронлик бирла жойингда мужовир бўл,
Дилиннга васваса ташиларда ханносинга ҳозир бўл,
Зухур этса қадардин хайру шарлар анга собир бўл,
Камоли бандаликга доимо хавфу ражо даркор.

Мақосидларки инсон ахтарар шаръийда уч хилдур,
Бир дунё гурури, иккиси жаннат аро гулдур,
Ҳамма мақсадга элтар маркабинг билгил, таваккулдур,
Етарга рутбайи ирфонга тавфизинг очуқ йўлдур,
Талаб вақтида инсон ажратиб қилмак дуо даркор. (89-б)

Халойиқ кимни ошу нони кўп бўлса биродардур,
Қилур мадху санолар айбу нуқсони баробардур,
Юзига мақтаган сўзларда аксар шўр ила шардур,
Тиканни ажратиб гулдан агар кўрсатса раҳбардур,
Санга икки жаҳонда ушбу янглиғ ошно даркор,

Амал қилгилки тақво ҳосил ўлсун интизомингдан,
Гапургил онқадар қўзғолмасун гийбат каломингдан,
Тушурмай тавқи "кал-анъам" "каррамно" мақомингдан,
Нидо қилганда Қоил васфи имон чиқса номингдан,
Бўлур андан кейин санга тамоми муддао, даркор. (90-б)

Ассалом

Ассалом эй шаҳсувори авлиёлар ассалом,
Раҳбари халқи Худо ёри паямбар ассалом,
Келди бир даргоҳингизга зору музтар ассалом,
Юз хижолат бирла сизга арз айлар ассалом,
Ё Алиюл Муртазо, ё шери Ҳайдар ассалом.

Радди боб этманг агарчи камтарини бандаман,
Келтуролмай бир муносиб тухфа кўп армондаман,
Талх коми ҳажр ўлан бир ожизи дармондаман,
Бори исёндан хижил маюс сар афкандаман,
Лек халқ этган ўзи Халлоқи акбар ассалом.

Сиз мисоли даргоҳи ислома ёнган бир сирож,
Ҳақ туфайлингдан карам қилсун шариятга ривож,
Ҳосил ўлсун муддаоийи жумла соҳиб эҳтиёж,
Дарди яъси матлабига марҳами лутфунг илож,
Нахли дил риҳи карамдин бўлди мусмар ассалом.

Ҳамчу сайлил Ирам оқти бизга дарёйи карам,
Чун сабо файзи илоҳий бўлди Ҳақдин дам бадам,
Равзангиз тавфини қилган кўнглида қолмас алам,
Арзимасму келса бошини агар айлаб қадам,
Мулки Туркистон аро бўлсанг муяссар ассалом.(91-б)

Келтуруб бу арсайи оламга зоти Мустафо,
Ҳамнишин айлаб яратди чориёри босафо,
Муҳтарам асҳобини ҳар бирлари шамсу худо,
Қилса умматлар алар ҳар бирларига иқтидо,
Чеҳрайи исломини қилгай мунавар ассалом.

Эй қурайший, ҳошимий зоти насабда мўътабар,
Кавкаби иқболингизга етмади нури қамар,
Қилди иқроринг тамоми сокинони баҳру бар,
Дасту бозу берди сизга Ҳақ таоло онқадар,
Сатватингдан бир асардур фатҳи Хайбар ассалом.

Ҳайдари Каррор дерлар номингиз аҳли араб,

Ҳам ажамда бўлдингиз шери Худо бирлан лақаб,
Жабҳангиздан зоҳир ўлса сизни осори газаб,
Тоби тоқат келтуролмаи муширикони беадаб,
Тор ўлур бошига гўё ҳафт кишвар ассалом.

Қайси кун оламда бўлди номингиз лайсу асад,
Қилди муширикларни ахгар куйдуриб нору ҳасад,
Бўлди гўё танлари бежону жони бежасад,
Гарданига боғлануб монади “ҳаблум мин масад”,
Роҳи иқболига чун садди Искандар ассалом. (92-б)

Эрди ҳайбатлик мусулмонларга Хандақ газваси,
Келди муширик тўплануб атрофи оламдин баса,
Гарданидан ажраганда ибн Абдуд калласи,
Наърангиздан чок ўлиб куффор элини заҳраси,
Тушиди бошига аларни шўри маҳшар ассалом.

Кўрсатиб Бадру Уҳуд майдони ичра кору бор,
Бўлди номинг шарқу зарбу баҳру барда ошкор,
Тузмагандур модари гети сенингдек номдор,
“Ло фато илло Алий (ла) сайфа илла зулфиқор,”
Офарин дерлар фалакларда малаклар ассалом.

Кўрсатур бизларга васфингни ҳадиси ло фато,
Илму ирфонинг баёнидур Алийюн бобуҳо,
Қилди иқболинг мусоҳиб нури айни Мустафо,
Ошкоро айлагай маҳшарда қадрингни Худо,
Халқ аросида қилиб соқийи кавсар ассалом.

Ҳақ таоло сизга билдурди ҳақиқатдин хабар,
Мақсадинг бўлди ҳамиша хизмати хайрул башар,
Боғладинг ислом учун доим миёнинга камар,
Ташламай дунёю мо фийҳога ўтдинг бир назар,
Зарра миқдори кўрунмай мулки Қайсар ассалом. (93-б)

Бориҳо сиз бирла шод эрди паямбар диллари,
Кору борингдин очилгон гунчайи кўнгиллари,
Тегди ислом аҳлини илкига мақсад гуллари,

*Рангу бўйи тозаланган муддао сунбуллари,
Айлади ҳар дам машомини муаттар ассалом.*

*Нашъалар ҳосил қилиб келганда ҳар инсон дили,
Баҳралангай файзингиздан эй валийлар афзали,
Номингиз такроридан кўнгилга етгай сайқали,
Қўзғолур бўйи ҳидоят мадҳингиздан ё Алий,
Бўлмаган Қоил санга йўқдур муқаррар ассалом. (94-б)*

Чарх

Эй чархи фалак нолайи оҳинг на сабабдин?
Чарх узра чиқар бўйла фигонинг на сабабдин?
Кетмиши бу қадар сабру қароринг на сабабдин?
Кўздин тўқулар ашқу равонинг на сабабдин?
Фарёду фигон, зору низоринг на сабабдин?

Ҳар лаҳза ўзингдин бу қадар нега кетарсан,
Тортган аламинга чидаёлмай йиқиларсан,
Бошинг кўтаруб ҳоки мазаллатга урарсан,
Сийлаб сиришк ила вужудингни юварсан,
Тинмай кеча кундуз давронинг на сабабдин?

Билмамки, жаҳон шўришидан санда на гам бор,
Куйдурди муҳаббат ўти ё шавқи санам бор,
Ё ваҳми қиёмат била андуҳи алам бор,
Ё аҳли жаҳондек гами нон, фикри дирам бор,
Ё кетдиму илгингдаги боринг, на сабабдин?

Кумри сени бу нолайу жон сўзингга шайдо,
Қилмасму таронангни кўруб тўти таманно,
Булбулга такаллум ҳаваси қолмади асло,
Қилдинг ман гафлат задани уйқудин огоҳ,
Раҳмат, сени ортсун дарожотинг, на сабабдин?(97-б)

Кел эмди манга ҳоли дилинг айла ҳикоят,
Даврон аламидин қилайин сенга шикоят,
Дард аҳли дучор ўлса агар ушбудур одат,
Йўқдур аламу кулфат давронда давомат,
Бу чуну чаро, ийну ва онинг на сабабдин?

Доно кишилар ўз ватанида ўтуролмай,
Соҳиби карам ўлган кишини халқ кўролмай,
Ҳақ зикрини оламни мизожни кўтаролмай,
Сан ҳам ёзилиб қаря аро нола қилолмай,
Ташқарида бўлганму маконинг, на сабабдин?

Ҳар кимда гам бор диёнат гами эрмас,

*Мужғонидаги ашки надомат нами эрмас,
Мажлисдаги ҳасрат ҳамма дин мотами эрмас,
Пешона хати нуқта зиёду ками эрмас,
Мўмин эса басдур сени номинг, на сабабдин?*

*Давлатни йўқотган сабабидан алами бор,
Мансаб талабида ҳама андуҳу гами бор,
Йўқдур алами кимни яшурган дирами бор,
На ваҳми қиёмат, на гуноҳдан надами бор,
Билмасму Худо бу ҳама коринг, на сабабдин?(98-б)*

*Донойи ҳама ҳол эрур Холиқу акбар,
Бизларга хабар берди бу кунларни пайамбар,
Асрору аломот жаҳон кўрса сарорсар,
Бўлмайди қазо Қоилини қалби мукаддар,
Шулдур асар кори бароринг на сабабдин?(99-б)*

Мухаммас

*Азални файзини зар қуввати бирлан топилгайму,
Саодат салтанат нақдинаси билан сотилгайму,
Иноят бўлмаса Ҳақдин тўкулган коса тўлгайму,
Жаҳони фонийдан кетган кишилар қайта келгайму,
Тириклар қабр ичинда на кечар ҳолини билгайму.*

*Ҳаёти борича инсон жаҳон гулзорида ўйнар,
Бўлуб булбул ҳаваслар гунчасини шавқида сайрар,
Хирад гавҳарларин ранги захорифларга сарф айлар,
Муносиб қоматиға бу ярашган зийнату зевар,
Ажалдан зилзила яқбора келганда тўкулгайму.*

*Ҳама қилган амалларни хато бирлан савоби бор,
Абас ўтқармагил умрингни бир кун иҳтисоби бор,
Киромат котибайнлар илқида ёзган китоби бор,
Тамоми қору борингни санга бир кун ҳисоби бор,
Агар лутф этмаса андин киши осон қутулгайму.*

*Таваозе бирла тоат айлагил Халлоқи акбарга,
Ҳазар қилгил такаббурлик солур аҳволи музтарга,
Ажал омодадур навбат билан инсонни ҳайдарга,
Йиғилгай кофиру мўмин ҳама саҳройи маҳшарга,
Саъодат аҳлидан шояд сени номинг битулгайму. (115-б)*

*Ҳаёли зиндагони дилга келгай ўнг била сўлдан,
Ҳавойи нафс ила қўйма қадамни тесқари йўлдан,
Тиконни захми етмас бўлса олгил баҳралар гулдан,
Берулгай номайи аъмоли кофирларга чап қўлдан,
Умид улдурки имон аҳлига ўнгдан берулгайму.*

*Муносиб бандаликга изламак Ҳақни ризосини,
Ҳавойи нафс учун шайтонни қилмай муддаосини,
Карам қилди олиб бормоқ учун эҳсон асосини,
Насиб этди кафий хокига каррамно либосини,*

Ҳаво тирноғи бирлан қўрқаман чоки сўкулгайму.

*Хабар олмоқ керак инсон қараб ҳар лаҳза ҳолидан,
Хатолар қўзғолур аксар губори қилу қолидан,
Қолурму гарданига кору борини ваболидан,
Чиқиб уқбо хаёлидан кетиб хавфи маолидан,
Гаронбори гами дунё билан қомат букулгайму.*

*Назар гафлат билан ташлаб захорифларга алданма,
Ётур душман камингоҳи ҳавасда беҳабар қолма,
Босиб пойи хирадларни орзулар домига солма,
Таваккулсиз қадам қўйма, қадардин таишқари билма,
Ирода кетмаса тадбир илан кор ўзгарулгайму. (116-б)*

*Керак нафсинга ўргатмак ҳамиша яҳши одатни,
Талаб айлаб топарга пайравии аҳли саодатни,
Тамоми мақсади дунёга жуз айлаб қаноатни,
Қўйуб беҳудагўликни дегил лафзи шаҳодатни,
Дами охирда ҳам шояд тилинга жорий бўлгайму.*

*Ўтар ошиқ муҳаббат жомини ло журъа нўш айлаб,
Топарга рутбайи ирфонини ориф доимо ўйлаб,
Хаёлонии ҳаваслар орзу гулзорида ўйнаб,
Сўрарлар аҳли маҳшарни, қўшарлар жинсига тўплаб,
Сафи мўминга Қоилни Илоҳо келтирулгайму. (117-б)*

Мухаммас

Азимат ломакон сайри тилаб роҳи садод айланг,
Фано шомидадурсиз фикри субҳи бомдод айланг,
Топиб мақсуди аслий қайсидур зоди маод айланг.
Жаҳон дорул фано деб эй биродар эътиқод айланг,
Бақо мулкани обод айламакга эътимод айланг.

Баробар бўлмагай инсоният мўру магас бирлан,
Кўнар тоҳир маконни фарқини қилмай нажас бирлан,
Бўлур оинайи дил хийра ҳар турли нафас бирлан,
Адо қилмай тамоми умрингиз ҳою хавас бирлан,
Топарсиз Ҳақ ризосин нафсингиз билан жиҳод айланг.

Хатоларга надомат излаган вақти саҳар турсун,
Хиёнат айламай халқи Худога безарар юрсун,
Тамоми хайру шарларни қазо бирлан қадар билсун,
Ризойи Ҳақни ахтарган ҳазин диллардан ахтарсун,
Қаерда кўрсангиз кўнгли синуқ инсонни шод айланг.

Назар қалбинга қилгил шарри шайтондан ҳазар айлаб,
Риёдан сақлагил тоатни нуқсондан ҳазар айлаб,
Ганур андиша бирлан кизбу бўҳтондан ҳазар айлаб,
Агар халқ ичрадурсан зулму тугёндан ҳазар айлаб,
Эрур бегона хоҳ ошинодур адлу дод айланг. (119-б)

Сабабга боғламоқ дил ифтиро шайтонни феълидур,
Дуо вақтида қилган эътидо шайтонни феълидур,
Хунардан ор этиб бўлмак гадо шайтонни феълидур,
Риёу ужб ила кибру ҳаво шайтонни феълидур,
Ризою сабр ила таслим бирлан Ҳақни ёд айланг.

Тамоми қурби тоат ҳосил ўлгай адлу эҳсонда,
Амал қил ончунон визру ваболи қолмасун жонда,
Кетар инсон ҳаётини абас ўткарса армонда,
Юҳиббул муҳсинин деб Ҳақ таоло ёзди Қуръонда,
Нечукдур маънойи эҳсон билурга истифод айланг.

Худо наздида тақво бирла инсон афзалу комил,

*Тафоҳур аҳли оламда ҳақиқатдан эрур жоҳил,
Махотирларни жазм айлаб дуога қўшма эй соил,
Амалда бўлса ихлоси анга қурбат бўлур ҳосил,
Топарсиз файзини тақво тариқи бирлан зод айланг.*

*Қимирлатгил забонингни Худо ёди билан аксар,
Дегайлар умматим лафзи шаҳодат бирла пайгамбар,
Ҳаётинг нақдини сарф айлагил обод ўлур маҳшар,
Агар қадрига етсанг ҳар нафасдур донайи навҳар,
Будур сармойи тоат ибодатни зиёд айланг. (120-б)*

*Саробидур вужуди йўқ эрур дунёю мо фиҳо,
Бақо мулкидадур мўминга айшу манзилу маъво,
Ибодатларни қилгил ажрини кўрмак учун фардо,
Чиқар тоатларингни зимнидан андишайи дунё,
Таваккулга буюрган амри Ҳаққа инқиёд айланг.*

*Зиён деб чоғлагил гафлат билан ўтгандаги соат,
Риёзат бандаликда айлагил кўрмак учун роҳат
Ҳазар қилгил хатолардан анга нафсинг қилур одат,
Ризойи ҳақ ибодатдур хилофи нафс ўлур тоат,
Ҳақиқатга келиб Қоил, талабда ижстиҳод айланг. (121-б)*

Вақтидур

*Қил талаб роҳи ҳидоят бандаликни вақтидур,
Яхшиликни айла одат бандаликни вақтидур,
Йўқ ҳаётингга давомат, бандаликни вақтидур,
Бил ганимат ушбу соат, бандаликни вақтидур,
Тангрига қилгил ибодат, бандаликни вақтидур.*

*Ташласанг ибрат билан тарихи оламга назар,
Бергуси ҳар бир назар сенга ҳақиқатдан хабар,
Комронлик бирла юз йил ўтса оламда агар,
Ҳукмронликда мусаххар бўлса анга баҳру бар,
Бор анга охир ниҳоят, бандаликни вақтидур.*

*Бандалик улдурки шаръийда иқомат айлагил,
Аҳли суннат пайравида истиқомат айлагил,
Нафси аммора хилофи бирла одат айлагил,
Ёлборуб даргоҳи Ҳақдин истиғонат айлагил,
Айласа аҳли саъодат, бандаликни вақтидур.*

*Кимки келди бу жаҳонга навбати бирлан ўтар,
Ҳарна қилган кори борини олиб бирга кетар,
Дафтаридан ўзгарулмасдин ёзулгон хайру шар,
Бизга бердилар паямбар ушбу сўзлардан хабар,
Яъни ул соҳиб рисолат, бандаликни вақтидур.(122-б)*

*Халқ аро кибру ҳаво бирлан қадамни ташла кам,
Ҳақни фармонига юрмакда қилиб бошинг қадам,
Ҳар киши макру хиёнатдан қилур охир надам,
Қўймагил маҳшар куни бу ҳаста жонинга алам,
Бўлмагил андин хижолат, бандаликни вақтидур.*

*Бир куни инсонни бошига жаҳон тор ўлгуси,
Бу саройи фонийдан кўчмоққа ночор ўлгуси,
Қабр ичинда яхши аъмолинг сани ёр ўлгуси,
Мундаги корингни ажри анда тайёр ўлгуси,
Айлагил яхши зироат, бандаликни вақтидур.*

Адлу эҳсон айламак бизларга фармони Худо,

*Бандаларни зулму тугёнига Тангри норизо,
Ҳақ ризосин изламакда қилмагил кибру ҳаво,
Ажз ила қилгил васила туҳфайи явмул жазо,
Ушбӯдур мазмуни оёт, бандаликни вақтидур.*

*Лаззати дунёга мағрур ўлма инсофинг кетар,
Ҳаққи мардумдан ҳазар қилгил сирот узра тутар,
Маъсият қилмоқ ибодат айламакдин тўхтатар,
Санга ҳар турли хато қалбинда шайтон ўргатар,
Ташлагил макру хиёнат, бандаликни вақтидур. (123-б)*

*Хайрихоҳ ўлгил халойиққа зарарни хоҳлама,
Халқ аросида тамаъ бирлан юрарни хоҳлама,
Ҳарзагўлардан⁵⁰⁹ паришонлик хабарни хоҳлама,
Ошиноликга гадои дарбадарни хоҳлама,
Одати қилгай сироят, бандаликни вақтидур.*

*Ончунон қилгил амал андин ҳаво қўзғолмасун,
Боиси манманлик айлаб иддао қўзғолмасун,
Шухратинг қадрингдан ортуқ халқ аро қўзғолмасун,
Халқ учун айлаб ибодатлар риё қўзғолмасун,
Бўлмасун тоатга офат бандаликни вақтидур.*

*Қайси неъмат қўлга келса Ҳақ таолодан эрур,
Илму ҳикмат қанча билса Ҳақ таолодан эрур,
Хайру шардан зоҳир ўлса Ҳақ таолодан эрур,
Коса тўлса ё тўкулса Ҳақ таолодан эрур,
Айла таслиму инобат, бандаликни вақтидур.*

*Айласанг тақво билан тоат қабул айлар Худо,
Тавбу қилгил, мағфират этса бўлурсан беғуно(ҳ),
Мустанжоб айлар тазарруъ бирла қил махфий дуо,
Боригоҳи кибриёдан бўлмагай маҳрум гадо,
Айла уммиди ижобат бандаликни вақтидур. (124-б)*

*Гулистон янглиз жаҳон гуллар мисоли муддао,
Орзудан мазраи дилда ўнар турли гиёҳ,*

⁵⁰⁹ Бехудагўйлардан.

*Зевари дунё ҳавас чашимига гўё тўтиё.
Бозлагай пойи хирадни кимдадур ҳирсу ҳаво,
Сақласа бўлгай саломат бандаликни вақтидур.*

*Баҳраланмайдур киши Сандин ҳидоят бўлмаса,
Бандайи ожизга лутфингдин иноят бўлмаса,
Йўл топар охир боруб аҳли шақоват бўлмаса,
Дафтари иқболини ёзмакда офат бўлмаса,
Бахтида вақти китобат, бандаликни вақтидур.*

*Бу жаҳон Одам атомизга вафо қилгон эмас,
Карвон янглиғ кетар келса халойиқ тўхтамас,
Мурғи руҳингга жасаддур икки уч кунлик қафас,
Бил ганимат ўтмасун гафлатда Қоил бир нафас,
Айласун ҳифзу ҳимоят, бандаликни вақтидур. (125-б)*

Мухаммас

Номи Аллоҳни дилингда доимо такрор қил,
Тебратарда тилларинг маишули истиғфор қил,
Хоби зафлатдан очиб ибрат кўзинг бедор қил,
Бандаликдан тўшалар уқбо учун тайёр қил,
Ўтмасун беҳуда умринг эй биродар кор қил.

Расми одоби такаллум ўргатуб Ҳақ Мустафо,
Айдилар, "факкир миророн сумма қул", ул раҳнамо,
Ҳам кироман котибин дафтарларин қилмай қаро,
Номайи аъмол ўқур вақтида тонгла халқ аро,
Бир хижолат етмагундек фикр ила гуфтор қил.

Ол ўзингдан шаръини андозаси бирлан хабар,
Етмасун халқи Худога кору борингдан зарар,
Дар қадам айлаб назарни қил қадамни дар назар,
Юрма мухталан фахурон гарчидурсан номвар,
Халқ аросида тавозеъ бирла хуш рафтор қил.

Шукри беҳад айла ислом аҳлидан қилди сани,
Гавҳари имон учун қалбингни айлаб маъдани,
Ажратур имонни нури ошно бегонани,
Истиқоматга буюрди Ҳақ таоло бандани,
Истиқомат қайсидур олимдан истифсор қил. (126-б)

Ғийбати мардумга одат қилмагил кўпдур зарар,
Қил ҳазар ёлгончиликдан файзи инсонлик кетар,
Юрмагил ҳаргиз тамаъ бирлан гадодек дарбадар,
Аксари озори мардумдан қўзулгай фитналар,
Кору борингни халойиқ ичра беозор қил.

Ким ҳидоятга сабабдур муришиди комил эрур,
Ҳақ талабдор ўлса ҳар инсон, ўшал оқил эрур,
Тобеъи нафсу ҳаво бўлган киши жоҳил эрур,
Баҳраланмайдур ҳақиқат сайридин зофил эрур,
Ахтариб ирфон ўзингни соҳиби асрор қил.

Молу дунёга жаҳондин ўтди кўп лабташналар,

*Ахтариб етмай югурдилар гадодек дарбадар,
Юрдилар мақсуди аслийдан ҳамииа беҳабар,
Тўлдуруб ганжинайи дилга ҳавойу кийналар,
Ушбу янглиг назди Аллоҳга борурдан ор қил.*

*Назди Ҳақда сураат ороликни қадри бўлмагай,
Аҳли маҳшардан қиёмат кун насабдин сўрмагай,
Аҳли ирфон жилавайи дунёга ҳаргиз боқмагай,
Алданиб мадҳу мазамматларга йўлдин озмагай,
Ул ҳақиқат аҳлини топсанг ўзингга ёр қил. (127-б)*

*Аҳли имонга ҳақорат чаими бирлан боқмагил,
Қадри имонни бутун дунёдан ортуқ чоғлагил,
То ҳаётинг борича тоат учун бел боғлагил,
Ҳам хилофи нафс ила шайтонни бағрин доғлагил,
Лавҳи дилга бу насиҳатни ёзуб туммор қил.*

*Урфи одат қайсидур асли диёнат қайсидур,
Фарқини қилгил кароматдин қаҳонат қайсидур,
Бил ибодатда риё бирлан риёзат қайсидур,
Илму ҳикматдан аломат қиёмат қайсидур,
Фитнайи охир замондинму ўзинг ҳушёр қил.*

*Халқ аро кирганда бемаъни ҳикоят бошлама,
Даҳрдан ҳаргиз жафо кўрсанг шикоят бошлама,
Кўзни номаҳрамга ташиларда хиёнат бошлама,
Мақтаган сўзни эшитмоғлиққа одат бошлама,
Ким юзингга мақтаса, кўнгилда сен бекор қил.*

*Зевари дунёга ҳар ким чаими беибрат очар,
Наиҳайи зуҳду қаноат тахту тахтидан кўчар,
Мазраи дилга ҳаваслар тухмини шайтон сочар,
Номи Аллоҳ қайда бўлса анда турмасдан қочар,
Шарридан излаб паноҳ Ҳақ зикрини бисёр қил. (128-б)*

*Бандалик асли азиматдур гаҳи рухсат билан,
Ташилагил андак ҳақиқатга назар диққат билан,
Рутбайи ирфон муяссар бўлмагай хиффат билан,*

*Бўлмагай зойеъ риёзат айласанг меҳнат билан,
Анда кенг бўлгай йўлингни мунда андак тор қил.*

*Орзу кўп бўлса ҳасрат бирла гам ҳам кўп бўлур,
Ҳирсини миқдорича дилда алам ҳам кўп бўлур,
Қанча ортуқ шуҳрати бўлса надам ҳам кўп бўлур,
Беҳаё аҳли тамаъларда дирам ҳам кўп бўлур,
Тўсғали бу рахналар тақво билан девор қил.*

*Дилга шайтон кирса тоатларни бозори қилур,
Турфа найранглар билан анга харидори қилур,
Ҳар тарафлардан хатарлар сийнага жорий қилур,
Ҳақ карам қилса агар тавфиқи дилдори қилур,
Бандайи ожизлигингни инсоф илан иқрор қил.*

*Сан билан доим кироман котибин бирга юрар,
Ҳарна қилган қору борингни ёзуб дафтар қилар,
Барчани аъмолини маҳшар куни қўлга берар,
Хайру шаррига ҳама кўрган замон Қоил бўлар,
Ёзғали аъмоли хайринг бирла хизматкор қил. (129-б)*

Мухаммас

Фано ахтардилар Одам ато ҳам шарри шайтондан,
Жафолар чекдилар Ҳавво ано ҳам шарри шайтондан,
Нажот истаб тамоми анбиё ҳам шарри шайтондан,
Чекиб кулфатни аксар авлиё ҳам шарри шайтондан,
Фаноҳига қочиб Ҳақ Мустафо ҳам шарри шайтондан.

Ҳаво илмингга қилмасдин санам андин фано ахтар,
Қараб фазлингни кўрмасдин сана андин фано ахтар,
Тамаъ бирлан югурмасдин санам андин фано ахтар,
Хиёнат бирла юрмасдин санам андин фано ахтар,
Бўлуи макру хиёнатга ризо ҳам шарри шайтондан.

Ҳарому шубҳалардин қил ҳазар луқма емак бўлсанг,
Арога кирмасун ёлгон агар сўз сўзламак бўлсанг,
Дилингга хотима хавфини солгил ўйламак бўлсанг,
Тавозе пеша бўлгил Ҳақ ризосин изламак бўлсанг,
Халойиқлар аро кибру ҳаво ҳам шарри шайтондан.

Талаб қилсанг Худодин фазлу раҳматдин талаб қилгил,
Насиб этгаймукин роҳатни жаннатдин талаб қилгил,
Нажот истаб сабо маҳшар хижолатдин талаб қилгил,
Ҳавола зотиға айлаб ижобатдин талаб қилгил,
Дуо вақтида қилган эътидо ҳам шарри шайтондан. (130-б)

Ҳудога борғали йўл бизлара роҳи шарриятдур,
Шариғат иттибоъ суннату тарки табиатдур,
Ризойи Ҳақни ахтармакни бил асли ҳақиқатдур,
Ҳақиқатга тажарруд зуҳд ила юрмак тариқатдур,
Бу йўлдан тўхтатар ҳар муддао ҳам шарри шайтондан.

Қилур изҳори ҳақ бўлсанг, насиҳат йўлидин қилил,
Назар айлаб насиҳатни тариқи қайсидур билгил,
Раво кўрсанг ўзингга ҳарна дигарга раво кўргил,
Тафаккурсиз такаллум айламакдин пурҳазар бўлгил,
Изо мажлис аро қилган миро ҳам шарри шайтондан.

Бани Одамға чун таширфи каррамно карам қилди,

Алардин аҳли имонни азизу муҳтарам қилди,
Сиротул мустақимда юргали собит қадам қилди,
Тавалло бирла юрмак асли имондур аҳам қилди,
Адоват бирла юрмак халқ аро ҳам шарри шайтондан.

Худо амр айлади исломийларни адлу эҳсонга,
Харом айлаб юрарга бермади йўл зулму тугёнга,
Фано излаб деди, хушёр ўлунглар шарри шайтонга,
Саодат файзини айлантурур нуқсонун исёнга,
Ибодатлар аро кирган риё ҳам шарри шайтондан. (131-б)

Диёнатни камолига риёзатни сабаб қилди,
Топарга файзи тоатни қаноатни сабаб қилди,
Асоси шайтанатга гайри одатни сабаб қилди,
Заруроти ҳаётингга қадри ҳожатни сабаб қилди,
Қилур кўп тўпламак қасдин гадо ҳам шарри шайтондан.

Талаб қилмоқ Худодан уч тариқа бохабар бўлгил,
Бирин тафвиз ила иккисини сан жазм ила қилгил,
Талаб жаннатни айлаб ҳам фано дўзахдин ахтаргил,
Махотирларни жазм айлаб, талаб қилмак тамаъ билгил,
Агар қилсанг тамаъ бирлан дуо ҳам, шарри шайтондан.

Кулогинг икки тилни бир яратмакда ишорат бор,
Эшитгил иккию бирдан зиёда бўлмасин гуфтор,
Кўпайса қовли бемаъни билан руҳинг топар озор,
Қилиб макру хиёнат бирла савдо айласанг бозор,
Рибога айланур байъу широ ҳам шарри шайтондан.

Ҳамиша яхшилик андишасидур аҳли имонда,
Ризоийи Ҳақни ахтармак керакдур адлу эҳсонда,
Ҳаво иттибоъидин Худо қайтарди Қуръонда,
Шаётинларни исбот айлади жин бирла инсонда,
Хатога боис ўлган ошно ҳам шарри шайтондан. (132-б)

Бировни Ҳақ таоло подшоҳу баҳру бар айлар,
Ирода кетса, баъзини гадою дарбадар айлар,
Бировни қалбини нури ҳидоятдин қамар айлар,

*Ҳақиқатдин бировни гофилу ҳам беҳабар айлар,
Қадарни корига чуну чаро ҳам шарри шайтондан.*

*Ҳақиқатни баёнига юборди бизга пайгамбар,
Тариқи охиратга бўлдилар ҳар бирлари раҳбар,
Шариатсиз киши ўз ройича шайтон билан ўйнар,
Юруб йўлсиз ҳамиша оқибатсиз жонини қийнар,
Халойиққа анингдек худнамо ҳам шарри шайтондан.*

*Ўзингни аҳли суннат пайравига айлагил мойил,
Амал суннатга қилмоқ занги бидъатни қилур зойил,
Қабул этгил насиҳат айласа ҳар ким келиб Қоил,
Савоби охират ахкоми шаръийда бўлур ҳосил,
Хато раҳравларига иқтидо ҳам шарри шайтондан. (133-б)*

Орзу бирлан ҳавас

*Халқ аро боби очилган орзу бирлан ҳавас,
Ранг баранг алвону алвон орзу бирлан ҳавас,
Зоҳирида жилваланган орзу бирлан ҳавас,
Сар басар ботинда нуқсон орзу бирлан ҳавас,
Балки Ҳақ наздида исён орзу бирлан ҳавас.*

*Ҳақ таоло бандани исроф этардан қайтарар,
Айлама табзир деб Қуръон баёни ҳукм этар,
Аҳли табзирларни ихвони шаётин деб битар,
Ҳар киши шайтонни ройи бирла дунёдин ўтар,
Анда кўп қилгай пушаймон орзу бирлан ҳавас.*

*Орзу кўп бўлса кўп бил, туфламак даркор ўлур,
Туфламак қасдида жони борича маккор ўлур,
Ҳийлани дарси дилида доимо такрор ўлур,
Етмагай касби ҳалоли голибан ночор ўлур,
Бўлғуси инсофи вайрон орзу бирлан ҳавас.*

*Орзу дунё парастлик бирла дарди бедаво,
Аксари мардум бу дарди бедавога мубтало,
Қўзғолур бўлган ҳавас миқдорича кибру ҳаво,
Келмагидан бу жаҳонга қайси эрди муддао,
Асли мақсадни унутган, орзу бирлан ҳавас.(135-б)*

*Неча доноларни аксар орзу ўғри қилар,
Ҳаққи мардумга тиккулган тулкию бўри қилар,
Кўп парирўларни номаҳрамлара чўри қилар,
Орзу турлик хатоларга боруб тўғри қила,
Ҳасрату жонига армон, орзу бирлан ҳавас.*

*Орзу бирлан ҳавасни бахту иқболим дегай,
Ҳийла бирлан ҳаққи мардумни олиб, молим дегай,
Турфа найрангларни айлаб, яхши аҳволим дегай,
Юрмаса андозайи шаръий билан золим дегай,
Аксаридур зулму тугён, орзу бирлан ҳавас.*

Орзу олам аро овораликни номидур,

Хийра айлар дийдаи ибратни зафлат шомидур,
Богламогликга хирадни пойидан бардомидур,
Нафси аммора муроди бирла шайтон комидур,
Рақс уруб ўйнар иковлон, орзу бирлан ҳавас.

Орзу бирлан ҳавасдур номи исроф айламак,
Ҳам ҳавас қасди билан табзир учун бел бойламак,
Қилса инсофини барҳам, ҳаққи мардумни емак,
Телба янглиз доимо хотир паришон айламак,
Барчаси илқойи шайтон, орзу бирлан ҳавас. (136-б)

Орзу қасди билан моли халойиқ беркитиб,
Тўғри қилмоглик учун дафтарга ёлгонлар битиб,
Бир қуруқ мақтов учун милёну минглар сарф этиб,
Бир кун қилган хиёнатлар билан олса тутиб,
Халқ аро шарманда қилган, орзу бирлан ҳавас.

Халқ аро шарманда бўлмай гарчи дунёдан ўтар,
Ҳаққи мардум гарданида боғланиб бирга кетар,
Дона миқдорини кечмасдан сирот узра тутар,
Ўйлагил маккорликни дарсини ким ўргатар,
Ошкоро бўлса китмон орзу бирлан ҳавас.

Қолмагай оламда бўлмай орзудин булҳавас,
Сурат ороликни домига илинмай ҳеч қас,
Мурғи дилни бошига авҳоми ботиллар қафас,
Неча хил фикри паришонлик кўнгилда ҳар нафас,
Доимо ҳайрону сарсон, орзу бирлан ҳавас.

Бўлса юз сўм бирла тўн зийнатга тўққуз юз кетар,
Орзу деб бир иморат қилса юз минг сарф этар,
Лолагун рангин палос айлаб ҳаво бирлан етар,
Терламай пешона топгон пул томошага кетар,
Ё хиёнатдан топилган, орзу бирлан ҳавас. (137-б)

Ўғриликларни(нг) асоси орзулар кўплиги,
Савдогарликни(нг) рибоси орзулар кўплиги,
Ҳам гадолик беҳаёси орзулар кўплиги,

*Бандаликларни риёси орзулар кўплиги,
Турфа найрангларга солган, орзу бирлан ҳавас.*

*Кўп бисот айлар хаёли қиз чиқарса дилдадур,
Орзу бирлан ўғулни уйламак кўнгилдадур,
Бу сабаб бирлан ҳамиша зикри фикри пулдадур,
Дилда доим васваса, беҳудагўлик тилдадур,
Аксаридур қовли ёлгон, орзу бирлан ҳавас.*

*Орзу бирлан ибодатхоналар рангин бўлур,
Саждагоҳлар нақш бирлан сийналар сангин бўлур,
Ғайри нақшидан кўнгилни жоми ҳам зангин бўлур,
Бу сифатлик жом аро ваҳдат майи ғамгин бўлур,
Боиси исёну нисён, орзу бирлан ҳавас.*

*Адлу эҳсонга буюрган Ҳақ таоло бандани,
Қайтаруб табзир ила исроф қилмакдин сани,
Бандаман деб амрига бўйинунгни сунгонинг қани,
Мақсади шаръийда юрмак бўлса ислом аҳлини,
Жилвалангай нури имон, орзу бирлан ҳавас. (138-б)*

*Гар заруроти ҳаётийга қаноат айласанг,
Ўргатуб сабру ризо, нафсингга одат айласанг,
Ажратиб бидъатни суннатга итоат айласанг,
Лавҳи дилни ғайри нақшидан саломат айласанг,
Бўлғусидур нури ирфон, орзу бирлан ҳавас.*

*Тебратарда тилни иллаллоҳ керакдур бандага,
Айламакга ҳиммати аъло керакдур бандага,
Қил ҳавас фирдавс аро тубо керакдур бандага,
Орзуйи жаннатул маъво керакдур бандага,
Муддао зуфрону ризвон, орзу бирлан ҳавас.*

*Бандага мақсуди аслий Ҳақ ризосидур билинг,
Ҳақ ризосини изламакда амри шаръийни қилинг,
Билсангиз эҳсон билан исроф этарни фарқининг,
Урфу одатдан ибодат айламакни ажратинг,
Бизга қилмак адлу эҳсон, орзу бирлан ҳавас.*

*Бизга фармони илоҳийдур қадам дунёга қўй,
Мундаги қилган амалларни олиб уқбога қўй,
Орзу бирлан ҳавасни жаннатул маъвога қўй,
Лаззати дунёни Қоил, роҳати аълога қўй,
Ушбудир мазмуни Қуръон, орзу бирлан ҳавас.(139-б)*

Биласанму ё йўқ?

Эй банда ҳаётинг биласанму ё йўқ?
Қадри ҳаракотинг биласанму ё йўқ?
Файзи саканотинг биласанму ё йўқ?
Соати вафотинг биласанму ё йўқ?
Асбоби нажотинг биласанму ё йўқ?

Билгилки, ҳаётинг масали оби равондур,
Қўйган баданинг ичра омонат санга жондур,
Андиша билан қўй қадаминг ости тикондур,
Парҳез ила тақво сабаби ҳалқи даҳондур,
Андин баракотинг биласанму ё йўқ?

Аслинг сенидур боғи иноят нахли,
Келтурди фано базмига имкон саҳли,
Ошуфта агар қилмаса гафлат жаҳли,
Собит қадам ўл йўқ сенга шайтон дахли,
Асрори **нукотинг** биласанму ё йўқ?

Зоҳирда башар барзахи жомеъи инсон,
Қалби башарий чашмаи баҳру ирфон,
Файзи "маъакум" бўлди гизойи руҳон,
Балки бу сабаб бирла нузули Қуръон,
Бу васфи сифотинг биласанму ё йўқ?

Келтурди адамдин сани пайдо айлаб,
Қуллигига инобат камарини бойлаб,
Юрсанг ҳама гулзори ҳавасда яйраб,
Мақсад гулини бўйида доим сайраб,
Аҳдингда саботинг биласанму ё йўқ?

Амморайи нафсинг санга қилса фармон,
Фармонига бошлаб сани юрса шайтон,
Қилган амалинг ичра қўшулса нуқсон,
Маҳшар куни бўлганда қурулса мезон,
Қанча ҳасанотинг биласанму ё йўқ?

Илгингда ҳавас жомини доим ушлаб,

*Руҳинг қуши учса бу чаманни хушлаб,
Гулзори бақо шавқини дилдан таишлаб,
Шохбози ажал ушласа бир куни тишлаб,
Қайрилса қанотинг биласанму ё йўқ?*

*Қил ёди Худо қалбинг аро гуллар очилсун,
Райҳони муҳаббат баданинг ичра сочилсун,
Кибру ғазабу, гийнани андишаси жилсун,
Руҳинг сани сайри малакутий қилсун,
Шулдур даражотинг биласанму ё йўқ?*

*Суратда сафо ботини абтар бўлма,
Шухрат талаби соҳиби дафтар бўлма,
Ҳирсу ҳавасинг голиби бадтар бўлма,
Борганда қиёмат куни музтар бўлма,
Ул ерда уётинг биласанму ё йўқ?*

*Дил мақсади аълоға харидор айла,
Ғафлат йухусидан⁵¹⁰ ани бедор айла,
Ишиқ аҳлига қўи толиби дийдор айла,
Бу нафси абасдин ани безор айла,
Сен хатти баротинг биласанму ё йўқ?*

*Қилган назаринг ибрат ё боиси ғафлат,
Босган қадаминг тоат ё қасди саёҳат,
Тебранса тилинг қўзғоладур мадҳу мазаммат,
Ганжинайи дилдан чиқаруб ваҳми қиёмат,
Тўлди хатаротинг биласанму ё йўқ?*

*Беёди Худо васваса бирлан юрма,
Инсонни тажассус била ҳолин сўрма,
Бўлгил мутаваккилу маътал турма,
Касб айлагилу ризқни андин кўрма,
Сидқу садақотинг биласанму ё йўқ?*

Ҳар дийдага ибрат била бўлмас ғафлат,

⁵¹⁰ Йухусидин – “уйкусидин” маъносида.

Коринг ҳамаси суннат эмасдур бидъат,
Нафсингни тақозоси хатога журъат,
Жонингга жафо дилга тамоми ҳасрат,
Мундоғ хурофотинг биласанму ё йўқ?

Ишират талаби лозимдур умр дарози,
Шухратпараси бирла жаҳон оина сози,
Найранги ҳавас касратидур дилни гудоzi,
Шатранж ўйинидур ҳамаси шаъбида бози,
Бу пард ила мотинг биласанму ё йўқ?

Юрган киши борму бу жаҳондин ўтмай,
Соқийи ажал навбати ила жомини тутмай,
Кетган ҳамани корий мукамал битмай,
Мумкинму санам бир куни ташлаб кетмай,
Бу кўҳна работинг биласанму ё йўқ?

Аҳкоми шариат гули бизда сўлди,
Осори тариқат ҳаммаси ерга тўкулди,
Андишайи маҳшар ҳама дилдан кўтарулди,
Мақсуди зиёфату саёҳат бўлди,
Бу айшу нашотинг биласанму ё йўқ?

Билдингму жаҳон доруломон ёки қамалму,
Айтгил ҳама босган қадаминг роҳи милалму,
Коринг ҳама инсоф ила ё макру ҳиялму,
Куръон ўқумакдин гаразинг динга амалму,
Ҳам савму салотинг биласанму ё йўқ?

Масжидни фалак гардиши қилди вайрон,
Ҳушу хирад аҳли сабабидан ҳайрон,
Ғафлат аҳлига фарқи билинмай чандон,
Тоат нима, исёни қайсию тугён,
Дарку даражотинг биласанму ё йўқ?

Шайтон талаби бизни чиқармак йўлдан,
Ишлаб чиқадур аввали фикри дилдан,
Иззат талаби бирла хаёли пулдан,

*Зоҳирда келур тўсғали ўнгу сўлдан,
Бил барча жиҳотинг биласанму ё йўқ?*

*Давлат била Скандари даврон бўлсанг,
Шавкат била монанди Сулаймон бўлсанг,
Ҳикмат била Афлотуну Луқмон бўлсанг,
Бир куни ватани аслийга майлон бўлсанг,
Мингон ёғоч отинг биласанму ё йўқ?*

*Дил жомидан эт занги қудурат зоил,
Шоядки бўлур жониби Ҳаққа моил,
Даргоҳида бўл афву атоға соил,
Номангда дигар бора ўқурсан Қоил,
Ёзган калимотинг биласанму ё йўқ?*

Рўзадур

*Келдилар моҳи муборак эй мусулмон рўзадур,
Ҳақ таоло қилди мўминларга фармон рўзадур,
Бахтимиз нури қамар янглиг намоён рўзадур,
Ховари иқболимиздан шамси тобон рўзадур,
Жону дил бирлан тутинг, эй аҳли имон рўзадур.*

*Асли мақсад рўзадан нафсинг хилофидур мурад,
Нафсини аксига юрмоқлиқ эрур акбар жиҳод,
Сан мусулмонзодадурсан қилма бу сўзга инод,
Мунда таслим айлаганлар бўлғусидур анда шод,
Тутмагонларга бўлғай охирда армон рўзадур.*

*Авалло инсон яратди чориподан қилмади,
Габру тарсову насоро беҳаёдан қилмади,
Ўзидан бегонаю ноошинодан қилмади,
Шукри лиллоҳ бенасиб дорул бақодан қилмади,
Боргали маҳшар учун бизларга бурҳон рўзадур.*

*Сиз мусулмонзодадурсиз Тангрига тоат қилинг,
Хайрихоҳлик яхшиликни халқ аро одат қилинг,
Топсангиз кўнгли синуқни шод ул соат қилинг,
Сийнадин кибру ҳаво ҳирсу ҳаво горат қилинг,
Зоҳиру ботинда бўлсун сидқу эҳсон рўзадур.*

*Сан Худога бандадурсан доимо амрига юр,
Халқ аро гийбатни тарк айлаб насиҳатдан гапур,
Ҳар киши шайтон сўзига кирса йўлдин оздирур,
Барча инсон бу жаҳонга бир келуб ўтғусидур,
Манзилига илгари туҳфа юборгон рўзадур.*

*Авалло йўқдан бино бўлган ҳаётинг ўйлагил,
Жон қуши бирлан юруб учган қанотинг ўйлагил,
Охири шайтонни шарридан нажотинг ўйлагил,
Кибр ила қилган зурурингдан уётинг ўйлагил,
Барча нуқсондан омон бермоққа келгон рўзадур.*

Бизни келтурди адамни мулкидан пайдо қилуб,

*Баъзини гумроҳ айлаб, баъзини огоҳ қилуб,
Бу жаҳон бозорида юргай ҳама завго қилуб,
Хайру шардан то ҳаёти борича савдо қилуб,
Олгали фардо кераклик дурри маржон рўзадур.*

*Рўзани файзи дилиннга ари нуридан сочар,
Кеткузуб гафлат губорин дийдаи қалбинг очар,
Решайи кибру ҳаво мазраи дилдан кўчар,
Ул замон ёди Худони айласанг шайтон қочар,
Айлаёлмасдан сани қалбинг паришон рўзадур.*

*Шодлик ахтарарсан эй биродар, рўза тут,
Тонгла кулфатдан қочарсан эй биродар, рўза тут,
Бошинга раҳмат сочарсан эй биродар, рўза тут,
Ҳам дари жаннат очарсан эй биродар, рўза тут,
Мунтазир санга доим ҳуру гилмон рўзадур.*

*Ўтмасун гафлат била ушбу ибодат кунлари,
Ағниёлар айласун хайру саховат кунлари,
Тавба қилсун осий жофийлар ижобат кунлари,
Ёлборинг, эй аҳли имонлар айни ҳожат кунлари,
Лайлатул қадр офтобидан намоён рўзадур.*

*Барча инсон аввало Одам ато фарзандидур,
Соҳиби файзу шараф Ҳавво она дилбандидур,
Хайру шар гўё жаҳонни захри бирлан қандидур,
Ҳирс ила бир нечалар шайтон қўлига бандидур,
Баъзиларни сақламоглиққа нигоҳбон рўзадур.*

*Сан башарсан аввало халқ ичра аҳволинг тузат,
Яхшидурсан ё ёмонсан ўйла аҳволинг тузат,
Фарқ этиб шарму ҳаё-ю адлу инсофинг тузат,
Ҳақ таолога аёндур дилда асроринг тузат,
Назди Ҳақда эътиқоди бирла инсон рўзадур.*

*Сурат ороликдан ортуқ сийраторолик керак,
Ҳақ билан ноҳақни ажратмоғ учун доно керак,
Тўшайи уқбо учун тоату тақво керак,*

*Боргали имон элига жаннатул маъво керак,
Неъмат хони карамда бўлди алвон рўзадур,
Жинни шайтони дилиннга фаҳми бежо ташлағай,
Қўл тутуб инсонни шайтони хатога бошлағай,
Нафси аммора ҳама роҳи залолат хушлағай,
Қилмакдур аҳли саъодат Ҳақ ризосин ушлағай,
Қилмагил Қоилни ё Раб, аҳли тугён рўзадур.*

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА

МАРҒИЛОН АЛЛОМАЛАРИ

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ЯШАГАН ДАВР

АБДУССАМАД ОХУНД ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ

Таваллуд ва ёшлик йиллари

Охунд дада мактаб талабаси

Ўша давр мактаблари

Дуонинг ижобати

Хизмат қилиб одам бўлинг

Одам бўлиш қийин

Охунд дада Хонақоҳда

Охунд дада масжид имоми

Қавмлар муҳаббати

Пешона тери билан нон топиш

Охунд дада мадраса талабаси

Ҳаёт ва умрни ганимат билиш

Ўша давр мадрасалари ва дарс жараёнлари

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Ҳақиқатдан баҳра олган зот

Бир туп марварид тут

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

Холмуҳаммад қори домла

Бухорий домла

Хонақоҳий Ҳазрат Домла

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ МАЗҲАБ ҲИМОЯЧИСИ

Истихорадан ўтиш

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ТАҚВОЛАРИ

Тўкилган беҳи

Баққолнинг дуоси

Бунинг шарти пиёда бормоқ

Амал қилмасликдан қийналиш

Ҳаёёт таълими эди

Қай бири яхшироқ?

Даъво дилимиздан кетди

Риёдан эҳтироз қилдик

Бемалол еяверинглар

Уч сўмлик дўппи

Одамлардан ажралиб қолманг

“Ол” билан “бер”нинг фарқи

*Биринчиси шайтондан
Шайтоннинг ёмонлиги
Дунёдаги сирот кўприги
Тўққиз дона гишт
Охунд дада Шоҳимардонда*

Тазйиқлар

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ҚАРОМАТЛАРИ

*Ёшиқдаги қаромат
Кечаги иш нима бўлди?
Ярим соатда борасизми
Ўлик кўчирилди
Охунд дада ўлдилар...
Зикрнинг аломати
Имон саломат бўлса...
Уч кунлик сабр
Келган меҳмонлар қийналмасин
Охунд дададан сўраб оламиз
Ўзлингиз келди
Истиғфор айтамыз
Китобни қаердан топаман
Устозни шу томондан топасан
Тол тагидагилар кимлар
Ўзимникини олақолай
Хизмат ҳақи
Охунд дадамдан дуо олдим
Охунд дадага сўз бердим
Сўрамасак ҳам...*

*Болахона – боло хона
Таҳажжуд ўқийсизми?*

Ноҳақ қарғиш тегмайди

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ТАВОЗЕ ВА КАМТАРЛИКЛАРИ

*Нафсимни койиётган эдим
Охунд дада Учқўрғонда
Аллоҳ кўриб турибдику, дедим
Ҳаёт дарси эди
Дил учун ёзганмиз
Ўзимиз еймиз, ўзимиз кўтарамиз
Улар беғубор одамлар
Кўча кенгайсин
Яхши ният самараси
Шайтонга ҳужжат бўлмасин, дедим
Бу гаплар китобда йўқ*

Сотадиған бошқа нарсаси йўқ

Ноҳақ қарғиш тегмайди

Комил фанога эришмоқ ҳақида

Отлиқ Хизр эдими?

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ МУНОЖОТИ

Муножот

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ХАЙРИХОҲ НАСИҲАТЧИ

Азиз бўлгай жаҳонда халқ аро безътибор ўлмас

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ МУТАСАВВИФ

Рухинг сени сайри малакутий қилсин

Дил назаргоҳи Худодир, қолмасун анда зубор

Дил тўтисига илтимос

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

АҚИДАВИЙ МАВЗУЛАР

Намоз

Керакдур санга ахтармак жаҳонда рутбайи ирфон

Санга мақсуди аслий Ҳаққа тоатдин бўлак эрмас

Саҳар файзи илоҳий бандалар бошига жорийдур

Бандага ушбу саодат билсангиз, меърождур

Тавфиқини ёр этмаса, тоат қилиб бўлмас

Агар мақсадга етсанг, донишимдан деб гумон қилма

Кечар ҳолим на деб ваҳми қиёмат айласангларчи

Ўқур вақтингда номанғни бориб маҳшиарда найларсан

Илоҳо, мағфират қил, ўзинг йўқдан яратгансан

АХЛОҚИ ҲАМИДА – МАҚТАЛГАН ХУЛҚЛАР

Ризоий Ҳақни излаб ломакон сайрини ахтаргил

Бахил бўлма, жаҳонда эй биродар аҳли ҳиммат бўл

Таваккул бирла ҳар инсон агар вазъи қадам айлар

АХЛОҚИ ЗАМИМАЛАР – ЁМОН ХУЛҚЛАР

Сўзингни эй биродар, халқ ичинда қадри ҳожат қил

Қилар ёлгон сўзинг нархингни арзон, ростгў бўлгил

Гапурманг олдида хуш келмаган сўз орқасидан ҳам

Кимдадур ҳиқду ҳасад аҳли муҳаббат бўлмагай

Ҳама инсон бориб охир ёмонликдан надам айлар

Етар жонинга роҳатлар савоби бериёдандур

Агар минсанг тамаъ отига сандек дарбадар йўқдур

САЁҲАТНОМА

ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ЗАМОНДОШЛАРИ

Охунд дада ва Мулла Йўлдош охунд

Охунд дада ва Муҳаммад Умар охунд Фурбатий

Охунд дада ва Нуриддин махдум

Нуриддин махдум домла шаънида

Охунд дада ва Абдуллажон махдум
Абдуллажон махдум шаънида
Охунд дада ва Соли ҳожидомла
Соли ҳожидомла таърифлари
Охунд дада ва Соли қоридомла
Охунд дада ва Муҳаммадсиддиқ охунд
Охунд дада ва Сулаймон қоридомла
Икки жанобнинг марсиялари
Сотиболди қори Файзуллоҳ ўғли
ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ШОГИРДЛАРИ
Умаржон охунд Аҳмад охунд ўғли
Маҳмуджон домла Муҳаммадумар охунд ўғли
Бало ўқига
Олими боамал
Йиғла эй кангул
ҚОИЛ МАРҒИЛОНИЙНИНГ ВАФОТЛАРИ
Абдуссамад охунд вафотида Голиб Марғилоний марсияси
Марсия
Мувашишаҳ
Охунд дададан қолган қалам ва дафтарлар тилидан
ХУЛОСА